




ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ГЕНЕРАЛНИНГ БЕВАСИ



ҲАБИБ ТЕМИРОВ

Генералнинг беваси

Роман

**«Tafakkur qanoti»
Тошкент – 2019**

УЎК: 821.1
КБК 84(Ў5)
Т-92

Темиров, Ҳабиб

Т-92 Генералнинг беваси: роман / Ҳ. Темиров. –
Тошкент: «Tafakkur qanoti», 2019. – 400 б.

**Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM**

INV № 165745-2019

ISBN 978-9943-577-94-7

© Ҳ. Темиров, 2019 й.
© «Tafakkur qanoti», 2019 й.

МУҚАДДИМА

Бундан бир неча йил аввал “Макон” ахборот маҳкама-сининг ходими Нурбек Холмуҳаммедов билан биргалик-да журналистларнинг халқаро анжуманида қатнашиш учун Лондонга борган эдим. Нурбек билан илгари маж-лис-машваратларда гоҳ-гоҳ учрашиб турсак-да, яқин-роқ танишиб, суҳбатлашишга тўғри келмаган. Гарчанд уни “Макон”нинг халқаро сиёсат таҳририяти бош муҳаррири, қалами ўткир журналист сифатида сирт-дан яхши билардим. Дунё воқеаларига оид шарҳлари марказий газеталарда тез-тез босилиб турарди. Бундан ташқари бир пайтлар ҳозир мен мухбир бўлган газе-та таҳририятида ишлаган. Шунданми, ҳар қалай ҳали Тошкентдалигимиздаёқ у билан суҳбатимиз қовушиб кетди. Самолётда у менга Англияга биринчи марта бо-раётганини айтди. Илгари хизмат юзасидан Европанинг бошқа қатор мамлакатларида бўлган-у, бироқ “туман-ли Альбион”га сира йўли тушмаган экан. Нурбек анча-йин ҳаяжон билан сўзлар эди. Ҳаяжон замирида бир қа-дар севинч... ва аллақандай таҳлика борлигини сездим. Бунга ажабланмадим. Баъзи одамлар сафар чоғи ана шунақа севинч ва ташвиш қоришган ҳаяжонга тушиша-ди. Мени ажаблантирган ҳолат: у гапириб турган кўйи бирдан беихтиёр узун-узун ўйларга толар, ана шу лаҳза-ларда менинг сўзларим ҳам қулоғига кирмай, хотиралар оғушига чўмар эди. Гоҳ жилмаяр, гоҳ жиддий тортар, гоҳ маъюсланиб хўрсинар, хуллас, қизиқ бир воқеалар сил-силасини кўз ўнгидан ўтказаетганлиги яққол сезилиб турарди. Мен бу ўйлар сафар билан боғлиқ эмас, шун-чаки, йўл-йўлакай ҳаётидаги чигалроқ бир муаммони таҳлил этишга, хулоса чиқаришга ҳаракат қиляпти, деб ўйладим. Аммо...

Хитроу аэропортида уни ўттиз ёшлардаги бағоят кўхлик бир аёл кутиб олди. Кийиниши европача, ўта замонавий бўлса-да, унинг оппоқ пешонасига тушган бир тутам қора кокили бу жувон ўзимизнинг тарафлардан эканини билдириб турарди. Ҳозир хорижда ҳамюртларни учратиш – у қадар ҳайратланарли ҳодиса эмас. Ўқишга ёки ишга борганлар кўп. Бинобарин, мен уни Нурбекнинг бирор таниши ёки қариндоши деб ўйладим. Лекин... аёлнинг ёшли кўзларида ногаҳон чақнаб кетган ифода ва йигитнинг истиқболига шиддат билан отилишини кўриб, Нурбекнинг боя самолётдалик чоғидаги ҳаяжони боисини сал-пал англагандек бўлдим. Жувоннинг ҳолати узоқ айрилиқ, давомли ҳижрондан сўнг жуда ҳам яқин одамани кутиб олаётгандек таассурот қолдирар эди. Нурбек эса аксинча – у томонга сал-пал хавотир, эҳтиёткорлик билан қадам ташлади. Менга бир қараб қўйиб, ҳали аёлга бутунлай яқинлашиб улгурмаёқ расмийроқ оҳангда “яхшимисиз?” дея қўл узатди. Аёл бўлса, Нурбек менинг олдимда ўнғайсиз аҳволга тушаётганини кўриб турган бўлса-да, йигитнинг бағрига отилди, унинг бўйнидан кучоқлаб, юзидан ўпди. Нурбекни ўнғайсиз ҳолатдан қутқариш учун ўзимни сал четроққа олдим. Худди шу лаҳзада бизни кутиб олишга чиққан анжуман мутасаддиси пайдо бўлди. У бўйнига “Журналистларнинг халқаро учрашуви” деган ёзувли тахтача осиб олган экан. Салом-аликдан сўнг мутасадди бизни бекатда машина кутиб турганини айтди. Аёл бизнинг қайси меҳмонхонага жойлашишимизни билиб олгач, Нурбекка “Кечқурун ўша ерга келаман” деб хайр-хўш қилди. Нурбек азбаройи ҳаяжонланганиданми, менга бу аёлнинг кимлигини дарҳол айтмади. Кейинроқ, машинага миниб, шаҳар марказига яқинлашганимизда “Бу киши ўзимизнинг ҳамшаҳар, ҳали таништираман” деб қўйди қисқа қилиб.

Аёл ваъдасига биноан кечқурун келди. Бизни уйига бир пиёла чойга таклиф этди. У Лондоннинг хушман-

зара мавзесида – Темза дарёси соҳилида икки хонали одмироқ уйда яшар экан. Чой устида Нурбек мени унга ва уни менга таништирди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик. Нурбек қолган гапларни меҳмонхонада, кейин анжуманни тугатиб, қайтаётганимизда самолётда сўзлаб берди. Ана шу ҳикоя ва кейинроқ ўзим сўраб-суриштириб, аниқлаган айрим тафсилотларни жамлагач, кўз ўнгимда икки одамнинг ғоят чигал тақдири намоён бўлди. Унинг баёнини сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётирман. Шубҳасизки, ундаги номлар, жой, вақт, воқеалар тамоман ўзгартирилган, умумлаштирилган. Бинобарин, ҳаётдаги реал одамлар ҳамда воқеаларга нисбатан айрим ўхшашликларни тасодиф деб қарамоқ жоиз бўлади.

БИРИНЧИ БОБ

Кузнинг сўнгги кунлари. Салқин. Шаҳар касалхонасининг улкан эманлар билан зич қопланган ҳовлиси. Заъфарон япроқлар, эман ёнғоқлари тўкилиб ётган торгина бетон йўлакдан ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги тикқад ва хушсурат бир йигит одимлайди. Эгнида нимдош касалхона либоси. Бошида қоракўли сур телпак, оёғида “саламандра” нусха сахтиён пойфзал. Кўзлари ўйчан, қошлари чимирилган, хаёллари чувалган.

Бу одам – журналист Далер Боти́ров. Республика марказида чиқадиган “Вақт” газетасининг Зарафшон воҳаси бўйича сайёр мухбири. Шунингдек, яқиндан бери уни маҳаллий телевидениенинг қизиқарли кўрсатувларидан бири бўлган “Бошқача фикр” муаллифи ҳамда бошловчиси сифатида ҳам кўпчилик яхши таниб қолган. Боти́ров ўткир юрак хуружи туфайли касалхонага тушган. Бир ҳафта қимирламай ётиб, мана бугун оёққа турди. Тушликдан сўнг сайр қилгани чиқди. Дарди чекинган бўлса-да, кўнгли ғаш. Айни кучга тўлиб, улкан ишлар

остонасида турган чоғида юраги панд бериб ўтиргани алам қияпти. “Балки бу... Кейинги воқеалар билан боғлиқ вақтинчалик ҳолатдир” деб ўйлайди у. Зеро, шу пайтгача ҳеч қачон, бирор марта ҳам юраги безовта қилмаганди. Юз берган воқеаларни эса чиндан ҳам унча-мунча юрак дош бериши қийин бўлган фавқуллодда ҳодисалар, деса арзийди. Аввало, у ёзнинг биринчи кунларида хотини ва бир боласини ташлаб, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Бунинг сабабини ҳеч ким, ҳатто ўзи ҳам билмайди. Бировлар қайнотаси – вилоятдаги катта амалдорлардан бири Олмосовнинг ишдан олиниши туфайли деса, яна бировлар хотини билан рашк сабабли қаттиқ жанжаллашиб қолган, деб фараз қилади. Воқеа эса оддий кечди. Оддий кунларнинг бирида Далер эрталабки нонуштадан сўнг хотинининг кўзларига қаттиқ тикилди ва:

– Мен энди кетаман. Бутунлай, - деди.

Хотини эса “Нега кетасиз, қаёққа, нима учун?” деб сўрамади.

Шу кетишда Далер тўппа-тўғри шаҳар четидаги Қулқишлоққа, отасидан қолган ғарибона кулбага борди. Маҳалладошлари ажабланиш баробарида хурсанд бўлдилар. “Ёлғиз ўғилнинг ана энди ақли кирибди. Ота-онасининг чироғини ёқади” дейишди. Уларнинг хурсандлиги кўп ўтмай, икки ҳисса ошиб кетди. Чунки Далер фатарот чордевор бўлиб қолган ота маконини буткул қайта қуришга киришди. Қурилиш шиддат билан бошланди. Бир неча гуруҳ усталар кечаю кундуз меҳнат қилишиб, икки ойда икки қаватли мўъжаз, айни пайтда, ғоятда муҳташам ва чиройли иморатни тиклашди. Бу тарихан номи Қулқишлоқ бўлиб, кейинроқ “Қуйиқишлоқ” деб атала бошланган камтарона кентда бунёд бўлган дастлабки икки қаватли иморат эди. Шу боис қишлоқ аҳлининг аксарияти ҳавас билан қаради. “Бизнинг қишлоқда ҳам икки қаватли бино қурилди” деб қувонишди. Кимлардир, эҳтимол, ҳасад ҳам қилгандир. Ҳар қалай,

хеч ким буни ошкора айтган эмас. Чунки хонадон соҳиби – республикага танилган баобрў киши, истеъдодли ижодкор. Ҳаётда кўп қийинчилик кўрган. Болаликдан етим қолиб, фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган. Қобилияти кучлилиги туфайли сиртдан ўқиганига қарамасдан, катта журналист бўлиб етишган. Дастлаб туман газетасида, кейин вилоят радиосида ишлади. Оралиқда ўз ихтиёри билан Мирзачўлга кетиб, янги хўжаликлардан бирида раҳбар муовини бўлди. Вилоят газетаси бош муҳаррири Муҳаммаджон Муҳиддинов “Беназир истеъдод соҳиби хўжалик ишида юриши мумкин эмас” дея уни таҳририятнинг қишлоқ хўжалик бўлимига таклиф этган, сўнгра ўша одам республикадаги “Вақт” газетасига раҳбар этиб тайинлангач, Далер Ботировни воҳа бўйича махсус сайёр мухбирликка олган эди. Шу ўртада вилоятда маҳаллий телевидение очилиб, Далер бу ерга ҳам биринчилар қаторида чақирилди. У “Агар “Вақт”нинг мухбирлиги билан биргаликда бу ерда бирор долзарб кўрсатув олиб боришимга монелик қилмасаларинг, розиман” деди.

Шу тариқа унинг ижод осмонидаги парвози бир маромда юксалиб борар, фақат... турмуши у қадар силлиқ кечмаётган эди. Дастлаб у қишлоқдан узоқ қариндошларидан бирининг қизига уйланган, беш йил ўтгач, “фарзанд бўлмади” дея ажралиб кетганди. Кейин вилоятдаги таниқли кишилардан бири бўлган Олмосовнинг ёши сал ўтиб қолган врач қизига уйланди. Фарзандли бўлишди. Бироқ... феъллари ҳеч тўғри келмади. Бутун вилоят, қолаверса, республика ҳурмат қиладиган Далер Ботировни шахсий хотини писанд этмасди. Хотин киши эрини писанд қилмадими, тамом. Бу рўзғор омонат бўлади. Ким билсин, Олмосов ишдан кетганидан сўнг унинг ўктам қизи шаштидан тушиб, Далерни ҳурмат қила бошлаган бўлармиди?! Лекин у бунга улгурмади. Сабр косаси тўлиб юрган Далер тўнни елкага ташлаб, “ҳайё-хуйт” деб

чиқиб кетди. Кетаётиб “Қизимдан воз кечмайман, алиментни ихтиёрий тарзда, икки ҳисса тўлайман” деди. Кейин илтимос қилди: “Ҳамонки, характерларимиз тўғри келмаётган экан, ўқиган, тушунган одамлар сифатида жанжал-тўполонсиз тинчгина ажралиб кетайлик”. Хотини кўнди. Темирйўл туман суди уларни ярим соатга қолдирмай, ажратиб қўйди. Далер озодликка чиққан бургут мисоли тоғлар қўйнига, жонажон Қуйиқишлоқ сари қанот қоқди. Йўл-йўлакай ота маконини обод этиб, ўша ерда яшаш қарорини қабул қилди. Бир пайтлар бахмаллик бир чўпон ҳақида “Бургут тоғларда яшайди” номли очерк ёзган эди. Бугун ўзини ҳам ўша сифат билан атади. Энди у “ҳаммасини қайтадан бошлайман, ҳаммаси яхши бўлади” деган шахд билан яшар, вужудида янги ғайрат, руҳида янги илҳом ва қатъият уйғонганини ҳис этар, “ҳовли тўйига вилоятнинг катталарини, қурилишда ёрдам берган ширкатчи, дўкандор ошнalarини ва ижод аҳлини чақираман, қишлоқ аҳлига катта ош бераман, дўстлар яйраб кулсин, душманлар куйиб ўлсин” деб ният қилган эди. Дарвоқе, душман деганларидек, Далер Ботиров атрофида бу тоифа кишилар ҳам етарлича топилар эди. “Гадонинг душмани гадо бўлади” деганларидек, Ботировнинг мухолифлари асосан ҳамкасблари орасида эди. Маҳаллий газетанинг бир-икки журналистлари уни кўролмас, очиқча курашга жазм эта олмасалар ҳам, зимдан масхаралашар, иғво қилишарди. Ўшаларнинг ғаламислиги туфайли “Ботиров аслида нопок мансабпараст, таъмагир одам, Олмосовнинг мансабига учиб, унинг енгилтак қизига уйланган, энди эса уни қўйвориб, яна бирон мансабдорнинг қизини мўлжаллаб юрибди, ҳовлини савдо ходимларининг, ширкатчиларнинг пулига қуряпти, машинасини ҳам ўшалар олиб берган” сингари майда гаплар тарқалган, бироқ бу гапларга деярли ҳеч ким эътибор қилмасди. “Йўқ бўлса беролмайди, бор бўлса кўролмайди, бу пасткашлар” дерди

Далер ва собиқ ишхонасидан ёлғиз бир киши билан ош-начилик қилар, бу – Нурбек Холмуҳаммедов, Далернинг ўрнига ўша таҳририятда масъул котиб эди. Нурбек билимли, айти пайтда ғалатиноқ йигит. Ҳеч кимга қўшилмайди. Ошхўрлик, ўйин-кулгу, улфатчиликдан йироқда юради. Бироз тўғрисиўз, тили аччиқ. Лекин Далер билан эҳтиёткор, айти чоғда алланечук истехзоли муомала қилади. “Сиз ҳали кўп иш кўрсатасиз, келажагингиз порлоқ” дейди у кулимсираб. Бу гапни самимий айтадимки ёки киноя қиладими, билиб бўлмайди.

– Янги сайловларда депутатликка номзодингизни қўйинг, ўтиб кетасиз, - деди у бир куни тўсатдан. Ўша кунлар Далер “қўйди-чиқди” ташвишларидан энди қутулиб, иморат қурилишини ниҳоясига етказаётганди.

– Ҳазилни қўйсангиз-чи, мени ким ҳам сайларди, - деди Далер камтарлик билан.

– Нега энди, машхур журналистсиз-ку.

– Биласиз, мен нукул танқидий мақола ёзаман. Кўрсатувда раҳбарларга ёқмайдиган гаплар айтаман.

– Айнан ана шунинг учун сизда имконият бор. Катталар “депутат қилсак, оғзи ёпилади” деб ўйлашади. Сайловчилар эса “дадил журналист маиший муаммоларимизни ҳал этади” деб умид қилишади.

Холмуҳаммедов Новосибирск сиёсат мактабида ўқиб келган. Ўзича сиёсатни нозик тушунади. Гапида жон борга ўхшайди, гарчанд киноя қилиб айтаётган бўлса ҳам. Пайтдан фойдаланиб қолса бўлмасмикан? Бунинг устига ҳозир... “пахта ишлари” туфайли ҳўлу қуруқ барабар ёниб ётибди. Катта-кичик раҳбарлар саросимада. Ит эгасини танимайди. Иззат-нафси ҳақоратланган халқ дардига чора излаб юрибди. Холмуҳаммедов айтганидек, салгина туртки бўлса, қўллаб юбориши мумкин. Катталар-чи? Вилоятнинг аввалги раҳбари Ашур Солиевич ишдан кетди. У Далерни ўлгудай ёмон кўрса ҳам, кўрққанидан “укажон, укажон” деб юрарди. Ўша бўлганда-ку, чин қалбдан

қўлламаса ҳам, ҳарқалай қаршилик қилмасди. Яқинда келган янги раҳбар – Ражаб Сафаров билан Далер ҳали яхши танишиб улгургани йўқ. Йиғинларда бир-икки салом-алик, қисқа суҳбатлар бўлди-ю... Дарвоқе, “Бошқача фикр” кўрсатувида Марказдан келган армани терговчи билан ўтказилган суҳбатдан сўнг Сафаров унга шахсан қўнғироқ қилиб, раҳмат айтган. Бу масалага қандай қараркин? Бир уриниб кўриш керак...

Кутилмаганда рўй берган кулфат Далернинг бутун режаларию ўй-фикрларини остин-устин қилиб юборди. Ҳатто бу ёруғ оламни тарк этиб кетишига сал қолди. Унинг муҳташам иморати қуриб битказилган куни ярим тунда ёниб кетди. Даҳшатли ёнди. Сидирға қимматбаҳо ёғоч ва пластик безаклардан иборат, ёрқин мойбўёқлар билан жило берилган икки қаватли, кунгирадор пешайвонли бино шиддат билан ёнди. Кўз очиб юмгунча қоп-қора вайронага айланди. Ўт ўчирувчилар етиб келган чоғда уларга деярли иш қолмаган эди. Сарпойчан ҳолда ташқарига югуриб чиққан Далер тунги салқинда дийдираб у ёқдан бу ёққа югурар, қўни-қўшнилари челақлаб сепган сувлари ловуллаб ёнаётган оловга бас кела олмас, ёнғин қилар ишини қилиб бўлганди. Бу даҳшатли манзарани кўрган Далернинг қон босими ошиб, боши айланиб, юраги беҳузур бўлди. Нафаси қисилиб, ўзидан кетиб қолди. “Тез ёрдам” келиб, уни зудлик билан шаҳар касалхонасининг реанимация бўлимига олиб кетди.

ИККИНЧИ БОБ

Мана бугун Далер анча ўзига келиб, тинчланиб сайрга чиқар экан, хаёлига келган дастлабки саволлар қуйидагича бўлди: Нега? Қайси гуноҳим учун?

Ёнғинга учраган ҳар қандай одам сингари у ҳам бу фалокатни даставвал худо юборган жазо, деб қабул қилган,

бинобарин, қаерда, қанақа хатога йўл қўйдим, ахир шу пайтгача кўрган кўргиликларим, кулфатларим етмасмиди, дея ўйлар эди. Ахир... “Ёлғизнинг ёри Худо”, “Етим ўсган бахтга етар” деган мақолу маталлар қаерда қолди? Наҳотки, камбағалнинг мудом оғзи ошга етганда бурни қонаса?

Ўша қуни кечқурун у усталарнинг сўнгги гуруҳи билан ҳисоб-китоб қилди. Ишбоши дастлаб берилган пул мўлжалдагидананча кам эканлигини кўриб пича ғингшиди. “Қарийб ўн беш кунлик қўшимча ишларникини қўшмабсиз-ку, ака, инсоф қилинг” деди. Далер аввал бошдан тузилган шартномани рўқач қилиб туриб олди. Устабоши охир рози бўлди. “Э, бор барака” деди. “Яхши кунларга буюрсин” дея ният билдирди. Далер усталарни ширкатчи ошнаси юборган барра кабоблар билан сийлаб, тўйгунча едириб, кузатди. Сўнгра “янги бино тезроқ исисин” дея биринчи қаватнинг меҳмонхонасидаги каминни, ошхонадаги газ плитасини, иккинчи қаватда ўзи учун кабинет вазифасини бажарувчи китобларга лиқ тўла хонанинг каминини ва ҳаммомнинг печкасини ёқиб қўйди. Куз охири бўлгани учун ҳаво анча совуқ эди. Газ эса бунақа пайтда пасайиб кетади. Шу боис ётоқхонасига қўшимча электр иситгич ҳам қўйиб, ухлагани ётди. Чамаси тун ярмидан оққанидан сўнг газ босими кучайиб, қаердандир олов қочган. Девоглар орасидан ўтган электр симларида қисқа туташув бўлиб, учкун чиққан. Фалокат-да!

Ҳарҳолда “Бу ишни кимдир атайлаб уюштирган” деган фикр ҳали Далернинг хаёлида ҳам йўқ эди. Тўғри, дўсти бор одамнинг душмани ҳам бўлади. Бироқ... Далер ҳеч кимга бу даражада қасд оладиган бирор жафо қилгани йўқ эди.

Касалхона шифокорлари ҳам, кўргани келувчилар ҳам ёнғин ҳақида гап очишмас, унинг ярасига туз сепмайлик, дейишарди. Фақат... Нурбек Холмуҳаммедов сурбетларча кулимсираб, сохта ачиниш оҳангида:

– Биронтаси ўт қўйиб юбормадимикан? – деди.

Далер индамади. Ўйланиб қолди. Шу топда унинг хаёлига ажойиб фикр келган ва ногаҳон хурсанд бўлиб, бу фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган Нурбек Холмуҳаммедовнинг сочи камайиб қолган пешонасидан “чўлп” эткизиб ўпиб олишга ҳам тайёр эди. Аммо сир бой бермади. Гапни бошқа ёққа буриб юборди.

Холмуҳаммедов кетгач, боя хаёлига келган фикрни таҳлил қилишга киришди. “Чиндан ҳам... буни кимдир қасддан уюштирган бўлиши ҳам мумкин-ку! Ана шу тахминни сайловолди ташвиқотида ишлатса бўлмасмикан? Фақат шунинг ўзи етарлими? Яна нималарни қўсса бўлади? Шундай қилиш керакки, одамлар кўз ўнгига нафақат иззат-хурматга, балки меҳр-шафқатга муҳтож, фидойи, айна пайтда дадил ва журъатли бир сиймо намён бўлмоғи керак. “Тақдирни қўл билан яратур одам...” Тақдирингни ўзинг ярат, Далербой! Бунинг учун оз-моз ёлғон гаплар айтсанг, ўзи кечирар...

Бугун касалхона ҳовлисида сайр қилиш асносида ана шу режа-дастурни мясида пишитишга киришди. Ногаҳон... нигоҳи тош йўлакда қўлтиқлашиб сайр этиб юрган икки аёлга тушди. Улар бир-бир юриб, унга рўбарў келишди. Бири касалхона кийими устидан қундуз ёқали қимматбаҳо пальто кийган. Иккинчисининг эғнида кўча кийими – сувсар терисидан тикилган кулранг пўстин, бошида сувсар телпак. Ҳар иккиси бениҳоя сулув, биринчиси оқ сарикдан келган ва тўлароқ. Иккинчисининг юзи сутга чайилгандек оппоқ, қомати ҳам хипча. Ёшлари нари борса ўттизда, бўлмаса ундан ҳам ёш.

Далер иккинчи аёлни илгари қайдадир кўргандек эди. Эслай олмади. Жуда ҳам кўҳлик. Кўзлари тим қора...

Аёллар уни танишди шекилли, “салом” маъносида билинар-билинемас бош ирғаб ўтишди. Ҳойнаҳой таниган бўлишлари керак. Далер шаҳардагина эмас, вилоят ва ҳатто, республикада ҳам таниқли бир журналист-ку.

Бир пайтлар Толибжон Бадинов деган ҳофиз айтганидек, телевизор одамни машҳур қилиб юбораркан. Далер Ботиров бунинг устига телевидениеда “Бошқача фикр” деган ўзгача, яъни мунозарали кўрсатув олиб боради. Бу кўрсатув ҳамиша баҳс-тортишув билан ўтади. Ҳатто бу кўрсатувни бир неча марта бекитиб ҳам қўйишган. Далербой ошнализнинг бемаврид инфарктга йўлиқишига ёнғиндан ташқари муайян маънода шу ва шунга ўхшаш оқибатлар сабаб бўлган шекилли...

“Бу аёлнинг кўзлари таниш. Бу кўзларда маънос бир маъсумлик бор. Йў-ўқ, аниқроғи маъсум бир маънослик” деб ўйлади Далер. Аммо ҳарчанд уринмасин эслай олмади.

– Яхшимисизлар, қизлар, – деди у аёлларнинг бош ирғашига жавобан. “Қизлар” деган сўзи уларга ёқишини ва шу аснода суҳбат қовушиб кетиши мумкинлигини Далер яхши биларди. Қолаверса, ўзининг ёши роппа-роса ўттиз бешда бўлгани учун ҳам тенгқур аёлларга нисбатан “қизлар” деб гапиришга ўзини маънавий ҳақли деб ҳисобларди.

Ҳайҳотки, ўқи нишонга тегмади. “Қизлар” кулимсирабгина “яхши” дея ўтиб кетишди. “Қарияпсан, биродар, – деди Далер хаёлан ўзига ўзи, – илгари нишонга беҳато урар эдинг”.

Дарвоқе, Далер Ботиров вилоят миқёсида адабиёт ва санъат аҳли орасида ўн-ўн беш йилдан бери айланишиб, анча-мунча қалбларни забт этган, икки марта уйланиб, икки марта ҳам ажралишган бўлса-да, бунга “беором қалбининг муҳаббатга қоникмаслигини” боис қилиб кўрсатиб юрар, жиддийроқ ўртоқлари “муҳаббат ҳақида сафсата сотгунча, болангни етим қилмасликни ўйла” дейишар, Далер эса “Озодлик – мен учун ҳамма нарсадан азиз ва улуғ тушунча” деб нуқул ҳазил билан қутулар эди.

“Бу аёллар ё мени яхши танишмади, ё...” Бу ҳол Далер-мирзони бир қадар ранжитди. Телевизор кўришмай-

ди-да булар, – деди. – Ойнага қарашдан ва пардоз қилишдан қўллари бўшамайди...”

Ҳолбуки, Далер янглишган эди. Айни пайтда ундан анчагина узоқлашган икки жувон ўртасида Далер ўйлаганига мутлақо тескари мазмундаги қизғин мусоҳаба бошланган эди. Ана шу суҳбат тафсилотини тинглаш учун биз Далерни паришон ҳолатда палатасига киргизиб юборамиз-да, эманзор қўйнидаги йўлкага, махлиқолар қошига қайтамиз.

УЧИНЧИ БОБ

– Мушфиқахон, танидингизми бу одамни, – деб сўради шеригидан оқ сариқ жувон.

– Ҳа, танидим, телевизорда чиқадиган Далер Ботировку. У ҳам шу ерда даволанаётган экан-да?

– Бир бўлимдамиз. Юрак касалига чалинибди бояқиш. Уйи ёниб кетган экан.

– Вой, қачон?

– Яқинда. Яп-янги иморат бир зумда ёниб, адо бўлибди. Ўзи ҳам зўрға жон сақлаб қолган, дейишади.

– Ё тавба! Нега ёнади? Дарвоқе, уни катта раҳбарлардан бири Олмосовнинг қизига уйланганини, қайнотаси ишдан бўшагач, хотинини қўйиб юборганини эшитувдим.

– Ҳа, хотинини битта боласи билан ташлаб, шаҳардаги уйидан чиқиб кетган экан.

– Демак, ҳозир... бўйдоқ-да?

– Ҳа, ютоқиб тикилганини кўрдингиз-ку. Хотинсираб ўлиб юрибди. Танишмайсизми?

– Йў-ўғ-ей... Менга... Энди уят бўлади, Ҳакимахон.

– Во-ой, нега энди? Генерал жанобларининг ўлганига анча бўлди-ю. Ё... аллақачон янгисини топиб олганмисиз?

– Қаёқда? Кўнглимга қил сиғмайди. Аҳмадали акамга қаттиқ кўнгил қўйган эканман. Ҳар куни тушимга кирадилар. Қайси куни ҳатто “Сен бахтли бўлишинг керак, бошқа эр қилгин” деб буйруқ ҳам бердилар. Лекин ҳеч унутолмаяпман...

– Унутиш шарт эмас. Аммо генералнинг буйруғини бажаришингиз керак, азизим. Ёшлик хазон бўлмасин.

– Ўзингиз-чи, ўзингиз? Эрингиз қамокдан ҳали-бери чиқмайди-ку. Ўйнаб-кулиб юрмайсизми?

– Ҳай-ҳай, уят бўлади-я! Меники қамокда бўлсаям бор-да! Сизга ўхшаб бошим очиқ бўлганда-ку, ўзим билардим-а.

– Неча йил қолди ўзи чиқишига?

– Эҳ-ҳе, ҳали анча кутишим керак.

– Ҳа, айтганча, дугона, эрингиз мол-мулки мусодара бўлмаслиги учун қамалишдан олдин сиз билан расман ажралишган деб гап тарқалганди-ку. Шу ростми?

– Ростликка рост-у, энди... ўртада виждон деган гаплар ҳам бор-да, ахир.

– Тўғри-ю, аммо қонунан олганда бошингиз очиқ-да сизнинг ҳам.

– Бўлмаса, манови... Далер Ботировнинг қўнига бир қўл солайми? Хоҳласангиз, сизга таништираман.

– Ўзингизга кўраверинг, буюрсин. Менга, агар истасам, талабгор кўп...

Мушфиқахон бу гапи билан Ҳакимахонни бироз ранжитди. Бу билан “Мен чиройлиман, менинг харидорим етарли” дегандек бўлди. Аслида Ҳакимахон ҳам ўзини анчайин кўхлик деб ҳисоблар, истаган эркакни “гаҳ” деса қўлига қўндириб олишига ишонарди. “Нимангга бунча кериласан, деб ўйлади у беихтиёр, ичингда-ку жон-жон деб турибсан-а. Қараб тур, шу қилганингга бу қорақош йигитни ўзимники қилиб олиб, бир ичингни куйдирай...”

Дарвоқе, боя биз Далер билан танишаётган чоғимизда унинг қуюқ пайваста қошлари ҳақида гапириб улгурмаган эдик. Энди айтсак бўлар. Бу йигитга парвардигор бир йигитга етиб ортадиган қадду қомату ҳусн ҳам берган. Наинки қоши, балки кўзлари, сочлари ва ўзига бағоят ярашган мўйлови ҳам тим қора. Ҳафсала билан қирилган бўлса-да, юзи серсоқоллилигини сезиш қийин эмас. Бунинг устига қўйлаги сўнгги тугмасигача қадалган бўлса ҳам қўкрагининг туки бўйнигача етгани кўриниб турибди. Хуллас, кавказликларга ўхшаб кетади. “Анов бола қоши кўзи армани, жоним опам, шу болага бер мани” деб куйланадиган хоразмча лапар бамисоли Далер ҳақида айтилгандек. Далернинг отаси шаҳар чеккасидаги Қипчоқ қишлоғидаги дўконлардан бирида узоқ йиллар қоровуллик қилиб, кўп ичгани сабабли барвақт ўлган. Онаси ундан ҳам олдин қазо қилган бўлиб, асли келиб чиқишини юнонми, лўлими дейишарди. Далер онага тортган шекилли. Сер солиб қаралса, аллақайси ҳинд артистини ҳам ёдга солади. Бу эса ҳинд киносига муккасидан кетган аёл зотини бефарқ қолдирмайди, албатта.

Шундай қилиб, дастлаб ғоят самимий ва меҳрибонлик оҳангларида бошланган дугоналар мулоқоти бизнинг қорақош қаҳрамонимиз Далер Ботиров билан бўлган лаҳзалик нигоҳлар тўқнашуви туфайли анчайин совуққина ниҳояланди. Эҳтимол, бу яна куннинг совуқлиғи ва хонимларимизнинг бағоят қимматбаҳо сувсар ва кундузларга ўралган нафис вужудлари бир қадар жунжиккани билан боғлиқдир. Ҳар қалай дугоналар хайр-маъзурни қисқа қилиб, хайрлашишди. Мушфиқахон кўчага, Ҳакимахон палатасига йўл олди.

Далер бу чоғ касалхона даҳлизида, беморлар билан қўрувчилар ўтириб суҳбатлашадиган кенг айвончада юмшоқ оромкурсида ўтириб, нафас ростлаётган эди. Айвончада оромкурсидан ташқари яна бир неча ди-

ван ҳамда бошқа юмшоқ ўриндиқлар қўйилган, ерда шоҳона Хива гилами тўшалган. Зеро, бу биринчи юрак касалликлари бўлими бўлгани учун унга асосан мартабаси баланд кишилар ётқизилар, шарт-шароит ҳам шунга яраша эди.

Ҳакимаҳон Далерни кўриб, қадамини секинлатди. “Ҳозироқ гапирайми ё кейинроқми” деб бир лаҳза иккиланди. Бахтини қаранг-ки, уни ана шу ҳолатдан Далернинг ўзи кутқарди.

– Сиз ҳам шу бўлимда даволанаяпсизми? – деб сўради у дабдурустан. Бу гапга Ҳакимаҳон чиройли овозини жаранглатиб, кулиб юборди. Зеро, бу савол Насриддин Афандининг осмони фалакда “Яхши қиз, сиз ҳам шу самолётда кетяпсизми?” деган саволини ёдга туширганди.

– Мени танийсизми? – деб сўради Ҳакимаҳон суҳбатга баҳона топилганидан хурсанд бўлиб.

– Танимасам... Мана энди танишамиз-да!

– Мен сизни танийман. Сиз Далер Ботировсиз, шундайми?

– Шундай. Сиз-чи?

– Менинг исмим Ҳакимаҳон.

– Жуда яхши. Келинг, ўтиринг.

Суҳбат тезда қовушиб кетди. Ҳакимаҳоннинг эри вилоятдаги йирик заводлардан бирининг собиқ директори бўлиб, ҳозир қамоқда экан. Далер у одамни биларди. Кекса киши эди.


– Иккинчи хотинимисиз? – деди у. – Дадажонов анча ёши ўтган одам, менимча.

– Ҳа, биринчи хотинлари ўлгандан кейин текканман.

– У киши судланаётган пайтда вилоят газетасида бир мақола чиққан эди. Ўқигандирсиз. Аммо-лекин мен ёзмаганман.

– Ўқиганим йўқ. У пайтлар юракка газета ўқиш сиғармиди? Ўзимизни ҳам роса олиб бориб олиб келишган.

– Узр, сизнинг ярангидан қўйиб кетдим.



– Ҳечқиси йўқ. Бу ҳаётда ярадор бўлмасдан яшаш қийин экан-да. Мана сизни ҳам... ёшгина одам юрагингиз хасталанибди. Уйингиз ёниб кетибди дейишди, шу ростми?

Далер маъюс кулди.

– Ҳа, биз ҳам... Минг машаққат билан тиклаган иморатинг бир кечада куйиб кул бўлса алам қилар экан одамга.

– Нима бўлган экан? Газ ёниқ қолганми ё электрдан ўт қочганми?

Далер ўйланиб қолди. Нима дейиш керак? Шошма, шошма, ҳали...

– Ким билади дейсиз? Одам ёлғиз яшаганингдан кейин...

– Хотинингиз йўқми?

– Ажралишганмиз.

– Узр. Майли, хафа бўлманг. Ҳали бундан баланд иморатлар қурасиз.

– Айтганингиз келсин. Ўкинмайман. Дарвоқе, бояги дугонангиз ҳам... кўзимга иссиқ кўринди. Илгари қаерда учратган бўлишим мумкин?

– Мушфиқахонними? – кулиб сўради Ҳакимахон. – У кишини... нотариусда кўргансиз. Нотариус мудираси-ку.

– Э-э, ҳа-а, тўғри-тўғри...

– Ундан ташқари Мушфиқахон мархум генерал Тўқсоновнинг хотини бўлган. Эшитмаганмисиз?

– Қаранг-а! Эшитмаган эканман.

– Мушфиқахон у кишигача ҳам икки эрга тегиб чиққан. Эҳтимол, аввалги эрларини биларсиз. Биринчиси таниқли артист бўлган. Хуморбоев деган ашулачи. Автомобиль ҳалокатига учраб ўлган. Кейин бир магазин директори-га текканди. У қамалиб, қамоқда ўлиб кетган. Кейин генералга теккан. Генерал эса... Тўсатдан ўлди.

– Бечора аёл, ҳаётда омади келмаган экан-да? Хуморбоевни билардим. Барвақт кетди шўрлик.

– Ўзи жуда чиройли-а? Эътибор қилдингизми?

– Эътибор қилдим. Аммо аёл кишининг бошқа аёл ҳақида “жуда чиройли” дейишини биринчи эшитишим. Сиз... мени ҳайратга солдингиз.

– Дугонам бўлади. Таништириб қўяйми?

Далер кулимсираб, Ҳакимахонга синчиклаб разм солди. Бу аёл чиндан ҳам соддадил экан. Қўлига илиниб турган ўлжасини дугонасига илиняпти.

– Бизни назарига илармикан генералнинг беваси? Майли, келинг, бировнинг орқасидан гапириб ўтирмайлик. Сиз... дугонангизнинг ҳусни ҳақида холисона гапириб, ўзингизнинг камтар ва самимий эканингизни кўрсатдингиз. Бу одамда ҳурмат уйғотади. Қолаверса, ҳуснда сиз ҳам ундан сира қолишмайсиз. Бунинг устига қалбингиз бағоят гўзал ва беғубор экан.

– Сизга қачон жавоб беришади, – деб сўради Ҳакимахон бу мақтовдан қанддек эриб.

– Эрта-индин чиқсам керак. Ўзингиз-чи?

– Мен эртага кетаман. Ўзи... Касалим жиддий эмас. Шунчаки, юрагим сиқилган кезларда беш-олти кун келиб муолажа қилдириб кетаман.

– Эртага кетсангиз... телефонингизни қолдиринг, қўн-гироқлашиб турайлик.

– Майли. Лекин ноқулай бўлмасмикан?

– Ноқулайлиги борми? Бизнинг ёмон ниятимиз йўқ.

Суҳбатнинг кейинги тафсилотига тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки Ҳакимахон ўз мақсадига эришган, яъни Далер Ботировнинг эътиборини тўласинча ўзига қаратишга муваффақ бўлиб улгурган эди.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Қора “Мерседес” машинасининг орқа ўриндиғида ястаниб уйига кетаётган Мушфиқахоним ширин-ширин керишади. “Мерседес” уни шаҳар марказидаги киборлар яшовчи “Йўнғичқазор” маҳалласига бир зумда элт-

ди. Хоним сиртдан қараганда камтарона кўринувчи, бир қаватлик иморатнинг одмигина кўк темир дарвозаси қулфига калит солиб, ичкарига кирди. Кириш олдидан ҳайдовчига жавоб берди.

– Сиз бораверинг, эртага керак бўлсангиз, ўзим чақираман.

Ҳовли кенг. Дарвозахона саҳнига чиройли қилиб пишиқ ғишт терилган. Ўнг томонда одам бўйи келадиган пойдеворига мрамар қопланган баланд, ҳашаматли қизил иморат. Темир эшигига мрамар зина билан чиқилади. Хоним темир эшикни очиб, кенг-мўл залга кирди. Ерда, паркет устида чўғдек гилам тўшалган. Ўртада италянча мебеллар, четда каттакон камин ёниб турибди, бурчакда япон телевизори, аудио, видео магнитофонлар. Залдан бир неча хонага эшиклар бор. Хоним улардан бирининг қулфига калит солиб ичкарига кирди. Бу – ётоқхона. Бу ер ҳам қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозланган. Каттакон кийим шкафи. Хоним эгнидаги сувсар пўстинини ечиб, шкафга илди. Кейин бошқа кийимларини ечди. Ним яланғоч ҳолда ўзини каравот этагидаги улкан тошойнага солди. Енгил хўрсиниб, эгнига момикдек юмшоқ кийим кийди ва “Панасоник” телефонининг кўтариб юриладиган гўшаги орқали қайгадир кўнғироқ қилди.

– Мен келдим. Овқат ошхонадами? Ҳали совиб улгурмагандир? Раҳмат, аний! Эрталаб кечикмасдан келинг, хўпми жоним? Хайр!

Сўнгра эшиклардан яна бирини очиб, ошхонага кирди. Ошхона ҳам дид билан жиҳозланган. Олти ўчоқли газ ва электр қўшма плитаси, микротўлқинли печ, икки хонали, баландлиги икки метрдан зиёд “Шарп” совутгичи, оппоқ хориж ошхона мебеллари мажмуаси. Хоним газ плитаси устида турган овқатни исталган вақтда исталган ҳароратда тайёрлаб берадиган микротўлқинли печ ичига солиб, тугмачани босди. Кейин қайтиб чиқиб,

ҳаммомга кирди. Мармар ҳовузча тўлган. Илиқ сув жакузида виқирлаб қайнаб, пуфакчалар ҳосил қилар, хуллас, бамисоли чашмадек мавжланар эди. Хоним ҳалати ва ички кийимларини ечиб, ана шу иссиқ чашма бағрига кирди. Узала тушиб ётди. Оппоқ мармар ҳовуз саҳнида унинг жисми ҳам оппоқ мармардан ишланган нафис ҳайкалга ўхшар, зилол сув қаърида у марвариддек жилоланар, товланар эди. Хоним ҳаловат ичра кўзларини юмди. Шу аснода биз қисман эшитган бўлсак-да, ҳали муфассал билиб улгурмаган, яъни кейинги йилларда бошидан кечирган айрим воқеаларни бирма-бир хаёлдан ўтказди.

“Чиройли бўлиб туғилма, бахтли бўлиб туғил” деганлари рост экан. Мана, ўн беш йилки, Мушфиқахоним сира бахтидан тинмади. Талабаликнинг биринчи йилидаёқ унинг теварагида ошиқлар гулга ёпишган арилардек қўпайиб кетди. Рим ҳуқуқидан дарс берувчи Қайсар Бойсариев исмли ёш фан номзоди унинг кўнглини “жиз” эткизгандек бўлди. Бироқ бечора номзод шўри қуриб, Мушфиқахонни ўша пайтда санъат оламига шиддат билан кириб келган Носир Хуморбоев деган қўшиқчининг концертига таклиф этди ва ундан бир умрга жудо бўлди. Концерт маҳали қўшиқчи йигит биринчи қаторда ўтирган моҳитобон Мушфиқахонни пайқамаслиги мумкин эмасди. Пайқади ва қўшиқ айтиш асносида саҳнадан тушиб, унинг ёнига келди. “Концертдан сўнг сизга бир оғиз гапим бор, кетиб қолманг” деб шивирлади. Бойсариев ҳарчанд қизариб-бўзармасин, “Мухлисанинг санъаткор билан мулоқотига” монелик қилолмасди. Бир ойдан сўнг Хуморбоев билан тўйлари бўлди. Бахтли ва гаштли ҳаёт бошланди. Носир Хуморбоев Мушфиқанинг ширингина овози ва мусиқий истеъдоди борлигини кашф этди. Дутор чалиб, қўшиқ айтишни ўргатди. “Ўзаллик мусиқа билан уйғунлашса, юксак нафосат вужудга келади” дер эди у. Айни пайтда ўз устида қаттиқ ишлар, меҳнатдан чўчимас, “истеъдодим бор, бироқ

мен унга заҳмат ила сайқал беришим зарур, ана шунда буюк ҳофиз бўлиб етишаман”. Унинг интилиши кучли ва ўта жиддий эди. Шу боис Хуморбоев ой сайин, ҳатто кун сайин машҳур бўлиб борар, яқин орада унинг пойтахтни ҳам забт этиши муқаррар бўлиб қолди. Афсуски, қўшни вилоятлардан бирида концерт бериб қайтаётган Носир Хуморбоев автомобиль ҳалокатига учради. Мушфиқа ўн саккиз ёшида бева бўлиб қолди. “Ўн саккиз ёшида бева қолди у!” Мушфиқа ана шу сатрлар мен ҳақимда ҳам битилган, деб ҳисоблар, бироқ ўша машҳур шеър қаҳрамони қисмати тақдорлашни истамасди. Шу боис орадан бир йил ўтар-ўтмас яна атрофида айланиша бошлаган Қайсар Бойсариевнинг ресторанга қилган таклифини рад этмади. “Бу гал уни ноумид қилишга ҳаққим йўқ” деб ўйлади у. Зеро, Бойсариев унга муҳаббати нечоғлик ҳақиқий ва собит эканлигини исботлаш учун ҳар қандай синовга тайёр эканлигини айтишдан чарчамасди. Қарангки, бечоранинг тилига Худо солган экан: яна бир оғир синовга дуч келди. “Интурист” меҳмонхонасининг муҳташам ресторанида ўша куни бир тўй бўлаётган экан. Тўй эгаларидан бири қўшни залда ўтирган жуфтликка қараб ҳайқириб юборди:

– Домлажон, ўзингизмисиз, тўйимизда қатнашмасдан нима қилиб ўтирибсиз? Юринг, бу ёққа, янгамни ҳам олиб юринг!

– Узр... Биз холи ўтирмоқчи эдик.

– Э-э, йў-ўқ, шаҳар марказий универсал магазини бош директори ўғлини уйлантиряпти. Бормасангиз, хафа бўламиз.

Кўпчилик ҳуқуқшунослар ва уларнинг домлалари қатори Бойсариев ҳам МУМдан ноёб кийим-кечакларни арзон-гаровга олиб турар, бинобарин, улар билан орани бузишни истамасди. Шу боис Мушфиқага:

– Юра қолинг, бирров ўтириб қайтамиз, – деди.

Уларни келин-куёвга яқин жойга ўтқазиди. Куёв ногаҳон Мушфиқага кўзи тушди-ю, ундан нигоҳини узол-

май қолди. Бир пайт келиндан узр сўраб, ўрнидан турди ва Бойсариев билан Мушфиқа ўтирган жойга келиб, саломлашди:

– Салом алайкум, домла, хуш келибсиз? Янгамни ҳам олиб келганингиз жуда яхши бўлибди.

– Йў-ўқ, бу киши янгангиз эмас, Мушфиқахон... шогирдим... аълочи талабаларимиздан.

– Ие, шунақами? – деди куёв кўзларини катта-катта очиб. Кейин Мушфиқага ўгирилиб гап қотди:

– Юрфакда ўқийсизми? Нечанчи курсда?

– Учинчи, – деди Мушфиқа юраги нохуш бир воқеани олдиндан сезаётгандек безовталаниб.

– Яхши, яхши, – деди куёв ва уларга хушвақтлик тилаб ўрнига қайтди. Қайтишга қайтди-ю, энди Мушфиқадан кўзини мутлақо узмай қўйди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, у Мушфиқани излаб институтга келди ва дабдурустан:

– Сизни севиб қолдим, хотинимни қўйиб, сизга уйланаман, – деди.

Мушфиқа уни шаштидан туширишга, ўзининг аввал турмуш қурганини тушунтиришга уринди. Қолаверса, чимилдикдаги келинни бева қилиш гуноҳ эканлигини айтди.

– Майли, уни бева қилмаймиз. Чимилдикдан чиқмай, шоҳона ҳовлида бахтидан маст бўлиб ўтираверсин. Мен... Мен сизга ундан ҳам зўр ҳовли олиб бераман. Кенжа, эркатоё хотиним бўласиз.

– Ахир мен... Бир марта эрга тегиб чиққанман. Қандай қилиб кенжа, эрка хотин бўлай?

– Менга деса... Мингта эрга тегиб чиққан бўлсангиз ҳам сизга барибир уйланган бўлар эдим...

Қўймади. Йўлларига гул ва... пул сочди. Сийму зарга қўмди. Унга атаб олган яп-янги муҳташам ҳовлини, унинг ичида турган ёғи артилмаган “Волга” машинасини олиб бориб кўрсатди. “Агар йўқ десангиз, ҳозир шу

ҳовлига ўт қўйиб, ўзимни ҳам, сизни ҳам ёндираман, сиз-сиз менга ҳаёт ҳаром” деди.

Қайсар Бойсариев бу сафар ҳам Мушфиқанинг висолдан маҳрум бўлди. Худди ўша “Интурист” ресторанида яна бир тўй ўтказилиб, Мушфиқа марказий универсал магазини раҳбарининг ўғли ва ўша магазин электрон моллар бўлими мудирини Султонбек Эрғозиевнинг кенжа ва эрка хотинига айланди.

Эндиги ҳаёт аввалгисидан ҳам гаштли эди. Султонбек Носир Ҳуморбоев сингари Мушфиқага таълим-тарбия бериб ўтирмас, малаксиймо завжасининг бор ҳусну малоҳати, назокатию нафосатидан баҳраманд бўлиб, тинчгина яшар, ишга вақтида бориб, вақтида қайтар, Худонинг берган кунини Мушфиқага албатта бирон совға олиб келар эди. У бошқача эди. У Ҳуморбоевга умуман ўхшамасди. Ҳайҳотки... тақдири ўхшади. Наинки ўхшади, балки ундан баттар бўлди. Катта камомад қилиб, отаси билан биргаликда қамалди. Қамокда бир йил ўтирмаёқ, “ўлди” деган хабар келди. Айтишларича, қамокдаги бир можа-рога аралашиб қолиб, нақ юрагидан пичоқ еган экан.

Мушфиқа йигирма ёшида яна қора кийди. Энди у “ҳеч қачон эрга тегмайман” дея аҳд этди. Эр дегани шунақа омонат бўлса, кўрмаганим ҳам, куймаганим ҳам яхши, деб ўйлади. Худди шу аҳдини сезгандек, энди Қайсар Бойсариев ҳам ўз қайсар муҳаббатидан воз кечиб, уни ортиқча безовта қилмай қўйди. Мушфиқа учун маъюс бўлса-да, ҳарқалай осуда ҳаёт бошланди. Институтни битказиб, ҳуқуқшунос дипломини олди. Дарвоқе, мавриди келганда эслаб қўяйлик. Унинг отаси Моҳир Норович Нарзуллаев ҳуқуқшунос бўлган. Қўшни вилоятдаги тоғли туманлардан бир нечтасида прокурорлик қилган. Тақдирнинг шум ҳазилини қарангки, у Мушфиқа туғилган кунини тоғдан қайтаётиб, отдан йиқилиб ўлган экан. Шу сабаб билан Мушфиқанинг дастлабки исмини Ёдгора қўйганлар. Орадан йиллар ўтиб, шаҳарга кўчиб

келганларидан кейин унинг адабиётга ошно волидаси негадир исмини Мушфиқа дея ўзгартирган. Кейин ўша адабиёт ошуфтаси бўлмиш она дарвештабиат бир шоирга тегиб, қўшни мамлакатга кўчиб кетади ва Мушфиқа қари бувисининг қўлида қолади. Буви унинг ақалли биринчи тўйини ҳам кўрмай қазо қилиб кетди. Камбағал, ичкиликбоз шоирдан бир этак бола туққан онаси эса табрик телеграммаси юбориш билан чекланди, холос. “Духтарам, жони дилам, дарду доғата на бинам...” – яъни “Дарду доғингни кўрмайин жон қизим...” деган шоирона сатрлар битилган ўша шошилиночнома собиқ Ёдгорага дуогўй онасидан азиз ёдгорлик бўлиб қолди. Чунки кўп ўтмай, у волидасининг вафоти ҳақида қўшни мамлакатдан бошқа бир қайғули шошилиночнома олди. Боришга ўзида азму жазм ҳам, хоҳиш-ирода ҳам топа олмади. Чунки онасини бағридан юлиб кетиб, сўнгра ажалидан беш кун олдин ўлиб кетишига сабаб бўлган ўша қашшоқ ва ичкиликбоз шоирнинг юзини кўришни истамади. У ҳатто онасининг иккинчи эридан нечта боласи борлигини ҳам билмас, сирасини айтганда, бунинг унга қизиғи ҳам, зарурати ҳам йўқдек эди.

Мана шундай мунгли эди болалиги, ўсмирлиги Мушфиқанинг.

Оллоҳ инсон боласига қайғу ва қувончни тенг қилиб беради, дейдилар. Шунини эшитган Мушфиқа ҳам ёруғ кунларим ҳали олдинда деб ишонарди. Бироқ у кутган порлоқ кунлар ҳадеганда кела қолмас, аниқроғи, баҳор кунларидаги қуёш сингари бир зумгина чиқиб, яна булутлар ортига беркинар, Мушфиқани мудом умид билан яшашга мажбур этарди. Умид қилишдан ҳам чарчаб кетар экан одам.

Мушфиқанинг бахтли бўлишга навбатдаги уриниши бир мунча муддатдан сўнг кечади ва бу уриниш анча узоқ давом этган. Бинобарин, бу ҳақда кейинги бобларда муфассал ҳикоя қилиб берамиз.

БЕШИНЧИ БОБ

Далер Ботиров касалхонадан чиққач, жўшқин ижтимоий сиёсий фаолият кўрсатишга киришиб кетди. Чунки вилоятда халқ депутатлигига номзод кўрсатиш жараёни бошланишига санокли кунлар қолаётган эди.

Ишни у телевизор орқали шов-шувли баёнот беришдан бошлади.

– “Бошқача фикр”нинг азиз мухлислари, кўрсатуви-мизнинг бундан аввалги сонини тайёрлаш имконияти бўлмагани ва сизнинг эътиборингизга ҳавола эта олмаганимиз учун узр сўраймиз. Бунинг бизга боғлиқ бўлмаган ғоят жиддий бир сабаби борлигини ҳам айтмасдан ўта олмайман. Зеро, менинг азиз ва кадрдон телетомошабинлардан, жонажон халқимдан яширадиган ҳеч қандай сирим йўқ...

Сирасини айтганда, телетомошабинлар Далер Ботировнинг “Бошқача фикр” кўрсатувида илгари ҳам анча-мунча шов-шувли гаплар айтилганига гувоҳ бўлгандилар. Бир-икки ой аввал у кўрсатувга Марказдан келиб “пахта ишлари” билан шуғулланаётган тепакал бир терговчини таклиф этган, шоввоз изкувар тергов давомида мусодара қилинган қоп-қоп пуллар, олтину жавоҳирларни намойиш этган, сўзининг охирида биз ҳақиқат ва адолат учун курашни қатъият билан давом эттираммиз, яқин орада бир қатор юқори лавозимли шахслар қамоққа олинади” деб кўпчиликнинг юрагига ғулғула солиб қўйганди. Ўшандан сўнг маҳаллий телевидение раҳбарлари ҳам ваҳимага тушишган, “Бошқача фикр” кўрсатувини ёпишга уринишлар бўлган, бироқ бояги терговчининг аралашуви билан кўрсатув сақлаб қолинганди. Бу сафарги шов-шувли баёнот аввалгисининг “мантиқий” давоми бўлгани учун яна ҳам ваҳималироқ чиқди.

– Яхши биласизларки, биз кўрсатув давомида ҳаётимиздаги хавфли ҳодисалар, яъни порахўрлик, ошна оғай-

нигарчилик, қўшиб ёзиш, коррупция иллатлари ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилиб келмоқдамиз. Бу эса ҳақиқат ва адолат душманларига ёқмаётир. Улар... кўрсатув ижодкорлари, яъни шахсан менинг ҳаётимга суиқасд қилмоқда. Рўзғоримни бузишди, уйимга ўт қўйишди, ўзимни эса ўлдирмоқчи бўлиб юришибди...

Далер Ботировнинг кўзида ёш қалқди. Бир зум гапиролмай қолди. Кейинроқ кўрсатувни ёзиш тугалланиб, эфирга узатиш чоғида режиссёр ана шу жойини кесиб ташлашни таклиф этганида, у кўнмади.

– Қандай ёзилган бўлса, шундай кетсин!

Саксонинчи йилларнинг охирида телевизор орқали бундай баёнот бериш, худди напалм бомбасини портлатишдек гап эди. У пайтлар журналистларни ўлдириш ҳали кенг русум бўлмаганди. Шу боис Далер Ботиров ўша куниёқ вилоятнинг том маънодаги “маҳаллий қаҳрамони”га айланди.

Кўчада икки киши учрашиб қолса, суҳбат мавзуси шу ҳақда бўла бошлади:

– Эшитдингми, Далер Ботировни ўлдирмоқчи бўлишибди. Хотинини зўрлаб, уйига ўт қўйиб кетишибди.

– Вой бечора-эй! Ким экан ўша Далер Ботиров?

– Ие, Далер Ботировни танимайсанми? Вой, нодон қишлоқи-эй. Ахир у... замонамиз қаҳрамони-ку!..

Кўрсатувнинг эртасига уни вилоят раҳбари Ражаб Сафаров ҳузурига таклиф этди. Кучоқлашиб кўришди, куюқ сўрашди. Ўзидан ўн беш ёш кичик бўлса ҳам “ака” деб мурожаат этди.

– Далер ака, минг бор узр! Менга ўт ўчирувчилар бошлиғи уйингиз... кечаси газ ёниқ қолдирилгани учун ўт олган, деб айтган эди. Аблах, нотўғри ахборот берган экан-да. Ҳозир ички ишлар бошлиғи генерал Чориевга топшириқ бердим. Текширишни бошлайди.

– Сиз аввал мenden ҳозир қиш чоғи қаерда яшаяпсан, деб сўранг, Ражаббой ака! – деди йиғламсираш аралаш

баланддан келиб Далер. – Кўчада қолиб, ижарама-ижара сарсон бўлиб юрибман. Уй-ку ёниб кетди. Генералингиз ўша аблахларни аввали топа олмайди. Топганида ҳам нима, менинг уйимни тиклаб берармиди?

– Тиклаб беради, Далер ака! Агар тиклаб беролмаса, ўзининг уйини бўшатиб беради...

Далер вилоят раҳбаридан бундай қатъиятли жавобни кутмаганди. Ҳайрат ва савол назари билан раҳбарнинг юзига қаради. Бу қадар меҳрибонлик ва ғамхўрликнинг замирида қандайдир сир бўлмаслиги мумкин эмасди.

– Ҳозирча эса вилоят маъмуриятига қарашли олий тоифали меҳмонхонада яшаб турасиз. Бепул.

Далер ҳам анча зийрак йигит эди. Раҳбарнинг меҳрибон чеҳрасига қараб, Сафаровнинг... қанақадир илтимоси борлигини англади. Вилоят раҳбарининг республика газетаси мухбири билан яхши муносабатда бўлишга уриниши одатий ҳол. Бу ўзини муҳофаза этиш инстинкти, яъни табиий зарурат. Аммо... Сафаров вилоятга яқинда раҳбар бўлиб келди. Илгари бошқа вилоятда ишлаган-ку. Нимадан кўрқади? Майли, Далер индамай турсин-чи, ўзи ёрилиб қолар.

– Раҳмат, Ражаббой ака, сиз чиндан ҳам халқпарвар одам экансиз.

– Бу – менинг бурчим, Далержон! Халқ ҳақида, унинг сиздек мард ўғлонлари ҳақида ғамхўрлик қилиш менинг муқаддас бурчим. Қолаверса... Сизнинг ноёб талантингиз, довюраклигингиз... Сиз билан вилоятимиз аҳолиси ҳақли равишда фахрланади. Дарвоқе, сиз Марказдан келган терговчи ўртоқ билан ҳам... жуда ажойиб суҳбат ўтказдингиз. Кўриб, очиғи, қойил қолдим. Унга жудаям ақлли, ҳаққоний саволлар бердингиз. Айниқса, “бир-икки харомхўр, ғаламис, порахўр ва қўшиб ёзувчиларга қўшилиб, бегуноҳ оддий кишилар жабр тортмаслиги керак” деган гапингиз жудаям ўринли бўлди...

“Аҳ-а, демак гап ўша ёқда экан-да” деб ўйлади Далер.

У кўрсатувда терговчи айтган гапдан сўнг кўплаб раҳбарларнинг пайтавасига қурт тушиб юрганини биларди-ю, Сафаровни улар сирасига киритмаганди. Ҳамонки, кичикроқ вилоятдан бу ёққа кўтариб юборишган экан, тоза бўлса керак, деб ўйлаганди. Демак, бу акахоннинг ҳам ҳадиги бор экан-да.

– Ҳа, у киши билан анча баҳслашдик. Айрим масалаларда фикрларимиз турлича бўлса-да, дўстона муносабат ўрнатганмиз. Яқинда... яна бир учрашмоқчимиз...

– У киши... яна бу ёққа келмоқчими? – деб сўради раҳбар. Овозида ҳадик ва саросима бор эди.

– Ҳа!

– У ҳолда учаламиз би-ир ўтиришсак бўларди. Нима дейсиз, иложи борми? – деди раҳбар ялинган оҳангда. – Илтимос...

Далер бояги тахмини тўғри чиққанидан суюниб кетди. Энди дадилроқ ҳаракат қилиш керак.

– Майли, мен айтиб, илтимос қилиб кўраман. Аммо лекин кўнармикан? У киши вилоятларда раҳбарлар билан учрашмайди одатда. Биласиз, замон нозик. Юқоридан ҳам анча-мунча раҳбарлар тергов қилиняпти...

– Биламан Далер ака, бир айтиб кўринг. Менимча, сиз айтсангиз, йўқ демайди. Менинг мақсадим... У кишига баъзи фикрларимни айтмоқчи эдим. Вилоятимизнинг ҳалол одамларини асраш мақсадида.

– Бўпти, Ражаббой ака. Бу хайрли ишингизга қўлимдан келгунча ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Сиз ҳам... Менга яна бир масалада ёрдам берсангиз.

– Марҳамат, марҳамат, қўлимдан келса, бажонидил.

– Қишлоқдошларимиз номзодимни депутатликка кўрсатишмоқчи экан. Розилигимни сўрашяпти. Мен... вилоят раҳбарияти олдидан ўтмасдан бир нарса дея олмадим.

Сафаров бир зум ўйланди. Кейин кулимсираб, қўлини Далернинг елкасига қўйди.

– Албатта, халқ вакиллари шуни лозим кўриб, ишонч билдираётган бўлса... рад этмаслик керак. Биз томони-миздан қанақа ёрдам керак бўлса, берамиз. Гап битта!

Далер ҳозир кўлидаги қартаси зўр козир эканини сезган, шу топда ҳар қанақасига ўйнаса ҳам, ютишига ишончи комил бўлиб қолган эди. Бинобарин, “темирни қизиғида босишга” аҳд этди.

– Ражаббой ака, мен агар номзодим кўрсатиладиган бўлса, вилоят маъмуриятининг меҳмонхонасида яшаб юришим унча чиройли чиқмайди. Агар... шаҳарда янги куриллаётган кўп қаватли уйлардан бирорта квартира ажратилса, яшаб турардим ҳозирча. Чунки ёниб кетган иморатни қайтадан тиклаш учун ҳозир менда имконият ҳам, маблағ ҳам йўқ. Кейинроқ... генералникидақа бўл-маса ҳам, мундайроқ бир ҳовли чиқиб қолса, ҳиммат қилиб юборарсиз.

– Бўлди, бўлди, тушундим. Квартиранинг калитини шу бугуноқ оласиз. Кейинги масалани ҳам албатта ижобий ҳал қиламиз. Лекин... Менинг илтимосимга жиддий муносабатда бўласиз деган умиддаман...

Далер вилоят маъмурияти биносидан қанот боғлаб, учиб чиқди. Дунё кўзига гўзал кўринди. “Мана энди омадсизликлар босқичи ортда қолиб, янги, нурли ҳаёт бошланади. Энди қишлоққа бориб, ишни бошлаш керак...”

ОЛТИНЧИ БОБ

Бугун Мушфиқахоним ишдан барвақтроқ қайтди ва одатига кўра илиқ ванна қабул қилиб, енгил нонуштадан сўнг телевизор орқали Кашпировскийнинг руҳий-терапевтик муолажа сеансини томоша қилишга киришди. Сеанс охирида енгил мизғиб олди. Кейин яна беихтиёр хотиралар оғушига чўмди.

Шундай қилиб, Мушфиқа йигирма икки ёшида олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломига ва икки карра бева мақомига эга бўлиб қолди. Султонбекдан фарзанд кўришга улгурмагани учун у олиб берган ҳовлига укалари даъвогарлик қила бошлашди. Султон эҳтиёткорлик мақсадида ҳовлини укасининг номига олган экан. Ўшанда Мушфиқанинг ҳуқуқшунослик бобидан билим ва тажрибаси етарли бўлмаганми ёки бу “саховатли муҳаббат”нинг умрбоқийлигига шу қадар ишонганми, ҳар қалай эътиборсизлик қилганини тушунди.

Султоннинг укаси ҳам номардлик қилгани йўқ. У оддий ва тушунарли икки шарт қўйди: “Агар акамнинг беваси сифатида оиламизда қолиб, мен билан никоҳдан ўтишга рози бўлсангиз, яшайверинг. Йўқ десангиз... Ҳовлини сотиб, сизга бундайроқ уй олиб бераман”. Мушфиқа анча-мунча ўйлаб кўргач, иккинчи шартни танлади. Бунинг икки сабаби бор эди. Биринчиси, ота-бола Эрғозиевлар қамалиб, бунинг устига Султонбекнинг қамоқда ўлиши оиланинг баракасини учуриб, номини қора қилиб қўйган. Султоннинг катта укаси Мухтор бор-йўғи бозорда омбор мудир, қолган уч укаси талаба ва мактаб ўқувчилари. Энди бу оила ўзини ўнглаши қийин. Иккинчи сабаб, Мушфиқа давлат имтиҳонларини топшираётганида имтиҳон комиссиясига адлия бошқармасидан вакил бўлиб келган Самад Валиев исмли бир амалдор йигит унга ҳаддан ортиқ қизиқиш билдирди. Бевалигини эшитиб, ҳамдардлик изҳор этди. Сўнгра “Отангизни танирдим, улуғ инсон эдилар, устозимиз, агар истасангиз, у кишининг ҳурматлари учун сизни адлия соҳасига ишга жойлаштиришга ҳаракат қилиб кўришим мумкин” деб айтди. Турган гапки, бир пайтнинг ўзида Эрғозиевлар оиласида яшаш ва адлия соҳасида ишлаш мумкин эмасди. Шу боис Мушфиқа Мухторга “йўқ” деди. Мухтор ҳам кўп қистамади. Ҳовлини яхши баҳода пуллаб, бир йўла икки муаммони ҳал этди. Биринчиси, отаси ва акасининг суд-

ланиши билан боғлиқ беҳисоб харажатларининг муайян қисмини қоплади. Иккинчиси, Мушфиқага шаҳарнинг янги мавзесидан икки хонали уй олиб бериб, кўнглини тинчитди.

Мушфиқа Самад Валиев ёрдамида шаҳардаги нотариал идоралардан бирига жойлашиб олди. Нотариус дегани, жа ошиб-тошиб кетмаса ҳам, ҳар қалай топиш-тутиши ёмон эмас экан. Ойлиги номига, бироқ кунлиги баракали. Бунинг устига Самад Валиевич ҳафтада бир марта буюрадиган қисқагина ташрифлари эвазига Мушфиқанинг икки хонали уйини бежирим таъмирдан чиқариб, шоҳона хорижий жиҳозлар билан безаб ташлади.

– Бунақа юришимиз нотўғри-ку, ҳеч бўлмаса шаръий никоҳ ўқитайлик, – деди бир куни Мушфиқа.

– Биз замонавий одамлармиз-ку, Мушфиқа, – дея жавоб қайтарди Самад Валиевич, – келинг, муносабатларимиз дўстлик даражасида қолаверсин. Фақат... сиримизни ҳеч ким билмаслиги керак. Акс ҳолда сизнинг ҳам, менинг ҳам келажагимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сиз... ҳали ўсишингиз керак. Соғ-саломат бўлиб турсам, сизни адлия вазири қилиш ниятим бор...

Афсуски, Самад Валиевич “соғ-саломат” бўлиб туролмади. Ишдан урилиб, бошқа вилоятга, қайсидир бир корхонага ҳуқуқшунос бўлиб, изсиз кетди.

Ҳар қалай унинг Мушфиқа ҳаётида қолдирган қисқагина изи ҳам ёмон эмасди. Бу орада хоним иккинчи нотариал идора бошлиғининг учинчи ўринбосари лавозимига кўтарилган, ўзини анча ўнглаб, рўзгорини тузатиб олган эди. “Уч, учдан кейин пуч” деди у Самад Валиевичдан жудо бўлгач. Энди бирорта эркакни ўзимга яқинлаштирмасдан осуда ҳаёт кечираман”.

– Балки бирорта бола олиб тарбия қилганинг маъқулдир, – деб маслаҳат берди дугоналаридан бири.

– Йўқ, ҳали бунга сал эртароқ, – деди иккинчиси, – ҳали курортларга борсин, саёҳат қилиб, дунё кўрсин. Бола олса, унга ўралашиб, ўтириб қолади.

– Майли, кейинроқ ўйлаб кўрармиз, – деди Мушфиқа ва умрида биринчи марта курортга жўнади. Қримга, Ялта шаҳридаги энг яхши санаторийлардан бирига борди. Ўшанда етмишинчи йилларнинг охирими ёки саксонинчи йиллар бошими, ҳар қалай йили эсида йўқ – у ойини яхши хотирлайди. Сентябрь! Дам олувчилар бу ойни “Бахмал мавсум” деб аташаркан. Бинобарин, дам олиш уйларига бу паллада энг ўзига бино қўйган, мартабаси баланд, ҳурматли кишилар келишаркан.

Мушфиқа ана шундай олий бир жамиятга, киборлар даврасига тушиб қолди. Фақат... Бу давранинг аксар аъзолари ёши ўтганроқ кишилар эди. Улар орасида Мушфиқа худди кузда гулини тўкиб кўнғир тусга кираётган янтоқзордаги бир дона оппоқ атиргулга ўхшаб кўринар эди. Кампирларнинг аксарияти унга ижирғаниб қарашар, чоллар эса “Эсиз, ёшлигим” дея тамшанишарди.

Кунлардан бир кун санаторийга янги дам олувчи – эллик беш-олтмиш ёшлардаги бир ҳарбий келди. У Советнинг Германиядаги чекланган қўшинларида катта бир лавозимда хизмат қилувчи генерал экан. Ваҳимали, катта энг яхши хоналардан бирига жойлашди. Ёнида адъютант деб аталувчи дастёри ҳам бор.

Генерал билан Мушфиқа илк бор дуч келган заҳотиёқ ҳар иккаласи ҳайратдан қотиб қолишди. Генерал жувоннинг мукамал гўзаллигидан лол қолган бўлса, Мушфиқа эса генералнинг ўзбек эканлигидан ҳайратга тушган эди.

– Аҳмад Маҳмудович Тўқсонов, – деди ўзини таништира экан генерал.

– Вой, ўзбекмисиз, – деди Мушфиқа унга исмини айтишни ҳам унутиб...

– Отам ўзбек, онам рус бўлган, – дея ҳикоя қилди кейинроқ генерал. – Суворов мактабида ўқиганман. Кейин танкчилар олий билим юрти, сўнгра академия... Хуллас,

мана, генералман. Берлинда яшайман. Икки ўғлим бор. Улар ҳам ҳарбий.

– Хотинингизни олиб келмадингизми?

– Хотиним бултур қазо қилди. Яхши аёл эди раҳматли. Худди сенга ўхшаган чиройли эди. Бироқ сен... Жудаям гўзал экансан...

Кейин воқеалар Мушфиқа илгари уч марта дуч келган тарзда давом этди. Генерал уззу-кун Мушфиқанинг ёнидан кетмас, бу ҳаракати билан тенгқурларининг истехзоли жилмайишлари ва кампирларнинг шивир-шивирларига сабаб бўлар, Мушфиқа эса ота меҳрига тўймай ўсган эмасми, унга худди отасидек қарар, меҳрибонлик кўрсатар, “Энди эркак зотини ўзимга яқинлаштирмайман” деган аҳди қатъийлиги учун “Ҳа, бу бир чол-ку, ота-болалик қилиб юрсак айб эмас” деб ўйларди.

Бошда сенсираб, қизига қарагандек муомала қилган генерал эса афтидан энди ота бўлишни хоҳламай қолган, бу кўҳлик ёш жувоннинг қалбини забт этишга қатъий киришганди.

– Хоним, агар менга... Розилик берсангиз, Германияга олиб кетаман. Берлинда яшаймиз. Лондон, Парижларга юбораман...

Мушфиқа бу гапларга кулиб, бош чайқаб қўяр, “мен энди турмуш қурмасликка аҳд этганман” дерди.

– Нега, нега ахир, – дерди генерал, – шундай ёш ва гўзал жувон.

– Чунки ҳар гал мен қурган турмуш фалокатга учраб, бузилиб кетяпти, – деди Мушфиқа маъюс ва гуноҳкоро-на жилмайиб. – Худо менинг эрга тегишимни хоҳламайди, шекилли...

– Э-э, қўйсангиз-чи, хурофий гапларни, – деди генерал. – Шунчаки, сиз одам танлашда адашгансиз. Ҳаётни кўрган, оёғи ерда мустаҳкам ўрнашган киши керак сизга.

Кейин у теварак-атрофга аланглаб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, паст овозда қўшимча қилди:

– Устингиздан зар сочаман. Тиллога кўмилиб яшай-сиз, хоним. Хориждаги банкларда маблағим бор...

Мушфиқа бу гапларни эшитиб, аввал “э-э, зарини ҳам, зўрини ҳам кўрдим, вафо қилмаса қийин экан” демоқчи бўлди. Бироқ хорижий банклардаги сармоя ҳақида эшитиб, тилини тишлади. Айтишларича, Швейцария банкларидаги пулларни ўлмас мол, дейишади. Юз йил ўтса ҳам ҳеч ким, ҳеч қачон дахл қилолмас экан.

– Никоҳдан ўтган заҳотимиз ҳамма бойликларимнинг ярмини сизнинг номингизга ўтказаман. Мен борми-йўқми, бемалол эгалик қилаверасиз, – деди генерал жувоннинг иккиланганини сезиб. – Хўш, қалай? Маъқулми? Агар... менга учинчи ўғилни туғиб берсангиз... Москва яқинидаги шоҳона ҳовли-жойимга ҳам бемалол эгалик қилишингиз мумкин.

– Менга Берлин ҳам, Москва ҳам керак эмас, – деди Мушфиқа биров ўйлаб тургач, – Агар... хизмат ишингизни ўзимиз томонга кўчириб кела олсангиз... тегсам-тегарман.

– Какой разговор? Бир оғиз гапингизда, азизим. Ўзи... Германиядан бошқа жойга ўтказиш ҳақида ариза ёзиб қўйганман. Янги тайинловни жонажон юртга оламиз-да, жоним. Қариндош-уруғлар орасида “Генерал хоним” бўлиб юрасиз.

– Отаси қатори одамга тегибди дейишмайдими?

– Эй, менга қаранг, жонгинам, ёшларга тегиб, нима кўрдингиз? Мен эса... Худо хоҳласа, камида тўқсонгача яшашим аниқ. Фамилиям бекорга Тўқсонов эмас-ку!..

– Майли, хизматингизни кўчириб келинг, ўша куниёқ никоҳдан ўтамиз, – деди Мушфиқа.

Бугун, орадан қатор йиллар ўтиб, генералдан ёдгор бўлиб қолган ушбу муаззам манзилгоҳда фароғат оғушида ястанар экан, Мушфиқахоним ўша азиз инсон билан ўтказган сурурли дамларини ширин орзиқиш билан эслар, бахтли кунлар ортидан келган кулфатни эса хо-

тирасидан сиқиб чиқаришга уринар, бироқ ўша нохуш воқеалар ҳам унинг ихтиёрига бўйсунмай ёпирилиб келаверар, хоним эса улардан чалғиш учун нима биландир овунишга, машғул бўлишга ҳаракат қиларди. Хайриятки, нохосдан телефон жиринглаб, у ўша ёқимсиз ўйларга бу гал бир амаллаб чап берди.

Қўнғироқ қилаётган Ҳакимаҳон экан.

– Телевизорни қўйганмисиз? – деб сўради у.

– Ҳа, нимайди?

– Маҳаллий каналга ўтказинг, Далер Ботиров гапиряпти, – деди Ҳакимаҳон.

ЕТТИНЧИ БОБ

Ўша куни Далер вилоят маъмурияти биносидан чиқиб, қишлоғига йўл олмоқчи бўлиб турган эди. Эшик ёнида “Сўнгги хабарлар” ахборот-муסיқий кўрсатувининг мухбири Шарофиддин Баҳриев деган йигит йўлини тўсди.

– Ассалому алайкум, Далер ака, сизни эрталабдан бери қидириб юрибман. Кечаги кўрсатувингиздан кейин телевидение остин-устин бўлиб кетди. Юқоридан, пастдан, хуллас, тўрт томондан қўнғироқлар бўляпти. Одамлар “Далер Ботировнинг кейинги тақдири ҳақида хабар беринглар” деб талаб этишаётган экан. Бош муҳарриримиз сиздан интервью олишимни буюрди.

– Мен ҳозир қишлоққа кетяпман. Агар вақтингиз бўлса, бирга юринг. Интервьюни ўша ерда оласиз.

– Жуда ҳам яхши. Агар рухсат берсангиз, ёниб кетган уйингизни ҳам суратга олар эдик.

– Майли, – деди Далер ниманидир ўйлаб, кейин мамнун жилмайиб қўйди. – Қани, кетдик бўлмаса.

Интервью эртасига “Сўнгги хабарлар”нинг кечки кўрсатувида берилди.

– Далер Ботиров мана шу қишлоқда туғилиб, ўсди, – дея ҳикоя қиларди мухбир далаларни кезар экан. – Унинг отаси ҳам, онаси ҳам эрта ўлиб кетишган. Ботиров машаққат билан ўқиди. Мактабни битказиб, журналист-лик касбини эгаллашга киришди. Унинг мақсади олий эди. Халқнинг орзу-умидларини ёритишга аҳд этган эди. У ўз орзусига эришди. Халқимиз фахрланса арзийдиган журналист бўлиб етишди. Бироқ адолат душманлари уни маҳв этишга, яксон қилишга уриндилар. Рўзғорини буздилар, уйига ўт қўйдилар. Мана, ўша ёниб кетган уй...

Экранда қорайиб кетган чордевор тасвири жонланди. Ваҳимали мусиқа янгради. Сўнгра Далернинг ўзи кўринди ва овози янгради:

– Ҳақиқат душманлари ҳар қанча тиш қайрашмасин, мен ўз маслагимдан, яъни халқ бахт-саодати учун курашдан ҳеч қачон чекинмайман...

– Дарвоқе, Далер ака, қишлоққа келиб, яхши хабар эшитдик. Қишлоқдошларингиз сизни халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишмоқчи экан. Агар шу эзгу ният амалга ошиб, сиз юксак ишончга сазовор бўлсангиз, қандай хайрли ишларни амалга оширган бўлар эдингиз?

– Менга ишонч билдирган ҳар бир инсоннинг ҳузурига шахсан бориб, унинг бахтли ва саодатли бўлиши учун зарур бўлган барча ишни қиламан...

Далер ўз интервьюсини яп-янги уч хонали квартирада вилоят матбуот уюшмаси раҳбарининг шахсан топшириғига биноан келтирилган улкан экранли “Панасоник” телевизорлари орқали томоша қилиб ўтирар эди. Матбуотчилар телевизордан ташқари хориж юмшоқ мебеллар мажмуаси, чиройли сервант, қип-қизил Бельгия гиламлари ҳам олиб келишган. Хуллас, уч хонани ҳам чўғдек безаб кетишган экан. Далер вилоят маъмурияти ишлар бошқарувчиси Садриддин Салимовичдан уйнинг калитини олар экан, “Энди жиҳозлашни нима қиламан?” деган хаёл билан маъюсроқ бўлиб келган эди.

Квартирага киргач, оғзи очилиб қолди. Хобхонадаги каттакон тошойнага қараб “Ўзингмисан, Далер Ботир?” дея савол берди. Бу хонада ойнадан ташқари икки кишилик катта, чиройли каравот, кийим илгич шкаф ва ҳатто ички кийимларга мўлжалланган тортма комодгача бор эди. Даҳлизда ва хобхонада телефон.

– Э, ўлманг Ражаб Сафарович, – деб юборди овозини чиқариб Далер, – ва шу он “бунчалик чексиз саховатнинг боиси недур?” деган фикр ўтди миясидан. Наҳотки, Ражаб Сафаров мени марказлик терговчилар билан шу қадар яқин ва ҳар қандай масалани ҳал қила олади, деб ўйлаётган бўлса. Тўғри, ўша армани изқувар Далерга “Келинг, ҳамкорликда ишлайлик” дея таклиф этган. Ҳатто “Агар сиз бизга ёрдам берсангиз, биз ҳам сизга ёрдамни аямаймиз” деган, бироқ... Сафаров деганлари катта қуш. Терговчи Далернинг илтимосини инobatга олиб, бу қадар “ёғлиқ ўлжа”дан воз кечармикан? Ҳар ҳолда бир айтиб кўриш керак. Бўлса бўлди, бўлмаса... Сафаров ҳам жа... катта қаромат кўрсатгани йўқ. Бу квартира Салимовнинг айтишича, асли режага кўра маҳаллий таҳририятга берилиши керак экан. “Нурбек Холмуҳаммедов навбатда биринчи турган экан. Ҳечқиси йўқ. Унга бир-икки ойдан кейин берилади” деди у. “Норозилик билдириб, ёзиб-позиб юрмасмикан” деди Далер. “Йўқ. Гаплашдик. Рози бўлди. Бу квартира уч хона. Унга тўрт хона керак. “Янги мавзедан махсус уйдан беш хона берамиз” дедим. Қайтага хурсанд бўлди. Ундан ташқари... уйи ёниб кетган одамни зудлик билан таъминлашимиз кераклигини у тушунади-ку. Зиёли йигит”...

“Манови шоҳона жиҳозлар пайтавасига қурт тушган савдогарлар туҳфаси” деб ўйлади Далер. Бир-иккитасини фельетон қилганидан бери улар Ботировнинг соясига салом бериб юришади. Одамлар зўрларни ҳурмат қилишади. “Зўрники тегирмонни юргизади” деганлари шу экан-да. Энди бу каравот устига... Бир жонон бўлса эди...

Каравотга ёпилган хитойча шоҳи чойшаб устига ястаниб ётди. Ширин хаёл сурди. Ногаҳон касалхонадаги қисқа ва мазмунли суҳбат эсига тушди. Костюмининг чўнтагидан ён дафтарили олиб, телефон рақамини топди. Ётган жойида телефон гўшагини олиб, рақам терди.

– Алло! Ҳакимаҳон, салом алайкум, яхшимисиз? Бу мен Далер Ботиров. Телевизор томоша қилиб турибсизми? Сизни кўрдим дейсизми? Телевизордами? Қачон? Мен сизни кўрмадим-ку. Ҳа-ҳа-ҳа! Кўрининг-да! Раҳмат. Кўнғироқ ҳам қилмайсиз? Қаерга дейсизми? Ишхонамга-да! Рақамни биласиз-ку. Уйникими? Уйники... ҳали ўзим ҳам билмайман. Бугун кўчиб келдим. “Лолазор” мавзе-сида. Иккинчи қават. Ҳовли тўйими? Қачон десангиз, қилаверамиз. Сал қўлим бўшасин. Чақираман. Дарвоқе, ҳалиги... ўша кунги дугонангиз қалай, яхши юрибдими? Салом айтиб қўйинг! Айтганча, бугун кечки хабарларни ҳам кўринг...

Далер кейин ухлади. Анчадан буён биринчи марта ўз уйи – ўлан тўшагида яп-янги парқув ёстикларга бош кўйиб, иссиққина кўрпани ёпиниб, ҳузур оғушида ухлади. Тонгга яқин ғалати туш кўрди. Янги уйнинг балконида қараб турса... Осмондан қанотларини кенг ёзиб бир қора қуш учиб келибди. “Юр, юр мен билан” депти унга тилга кириб ва қўлидан ушлаб, уни ҳавога кўтариб кетибди. Далер сон-саноқсиз чироқлар порлаган шаҳар узра учиб, юксалиб бораверибди. Юксаклагани сари юраги ҳаприқар, ҳаяжонланар эмиш. Қўлидан ушлаб учаётган қуш бургутми деса бургутга ўхшамасмиш. Боши одамнинг... аёлнинг боши. “Ҳа-а, бу фаришта бўлса керак” деб ўйлади Далер туш кўриш баробарида. У мени меърожга олиб чиқмоқчи. Лекин... Нега қора? Нега у қоп-қора?

Шу савол қийноғидан уйғониб кетди. Тушининг давоми нима бўлди, қаергача учиб борди, англолмади. Терлаб кетибди. Кўксига туфлади. “Астафурилло!” деди. Ҳарчанд уринмасин, қайтиб ухлолмади. Стол ёнига бо-

риб, тунги чироқни ёқди. Қоғоз-қалам олиб, ёзишга ту-
тинди. “Жасоратнинг туғилиши” деб сарлавҳа қўйди.
Бир зум иккиланди. “Ўзим ҳақимда... нима деб ёзаман?
Аслида-ку, Нурбекка айтганида зўр қилиб ёзарди. Лекин
айтолмади. Фақат “Узр дўстим, сизнинг навбатингизни
олиб қўйибмиз” деди. Сўнгра “Хафа бўлманг, янаги ой
бундан ҳам кенгроғини беришар экан, гаплашдим” дея
далда берди. Холмуҳаммедов одатига кўра жилмайиб
қўйди. Самимий эмас эди бу жилмайиш. Шу боис Далер
унга “Мен ҳақимда битта очерк ёзиб беринг” дея олма-
ди. Далер ҳарчанд кучаймасин, барибир Нурбекдан ҳа-
диксираб турар, бунинг кичик бир сабаби бор эди. Бир
пайтлар биринчи хотинини қўйиб, Олмосовнинг қизига
гирдикапалак бўлиб юрганида Нурбек унга “Дўстим, бу
қиз сизнинг тенгингиз эмас, яшаб кетишларинг қийин
бўлади” деган. Ўшанда Далер “Кейин яшайдими, яша-
майдими, муҳим эмас. Менга ҳозир унга уйланиш сув би-
лан ҳаводек зарур. Чунки мен карьера қилишим керак”
деган. Ана шу гапини бу дарвештабиат Холмуҳаммедов
бирон кун ошкора этиб юбориши, ҳатто ёзишидан
қўрқади. Гарчанд ўша гапини бир кун жаҳл билан хоти-
нига ҳам айтган ва бу тўсиқ омонат муносабатларининг
янада совуқлашиб кетишига сабаб бўлганди. “Бу телба
Холмуҳаммедов билан имкон қадар яхши муносабатда
бўлмоқ керак. У ҳали нималаргадир асқотиб қолиши
мумкин. Мақолани эса... ўзимиз ҳам ёзаверамиз...”

“Далер дегани форс тилида жасур, қўрқмас деган маъ-
ноларни англатади. Лавҳамиз қаҳрамони исми жисми-
га монанд ўт юрак йигитлардан. Мана, неча йилдирки,
у ижод майдонида довлораклик билан қалам тебратиб
келаётир. Жаҳолатни, қабоҳатни, нопокликни, порахўр-
ликни, ошна-оғайнигарчиликни аёвсиз фoш этмоқда.
Ҳақиқат ва адолат душманлари уни ота-онасидан, сев-
ган ёридан жудо қилдилар. Уйига ўт қўйдилар, жонига
суиқасд уюштирдилар. Бироқ, у чекинмади. Ҳамон жа-

сорат билан қалам тебратишда давом этмоқда. Газета саҳифаларида қанча-қанча жинойтларни фош этди, телевидение орқали қанча долзарб масалаларни кўтариб чиқди ва ҳал этди. Хўш, энди айтинг-чи, халқ ноиблигига мана шундай жасур йигитлар сайланмаса, ким сайланиши керак?..”

Мақолани тугаллаганида тонг ёришиб кетган эди. Нонуштадан сўнг сайлов комиссиясига қўнғироқ қилди.

– Қуйиқишлоқ аҳлининг Далер Ботиров ҳақидаги қарори ва тўплаган имзолари келиб тушдими?

– Ҳа, сиз номзод этиб рўйхатга олиндингиз, табриклайман, – деди комиссия котиби.

Ўша куни Далер республика пойтахтига жўнаб кетди. Икки кундан кейин “Вақт” газетасининг биринчи саҳифасида “Жасоратнинг туғилиши” сарлавҳали мақола бош муҳаррир Муҳаммаджон Муҳиддинов имзоси билан чиқди.

Пойтахтдан қайтгач, Далер қишлоқма-қишлоқ юриб, сайловолди ташвиқотини, учрашувларни бошлаб юборди.

САККИЗИНЧИ БОБ

Одатига кўра кечки чўмилиш ва пардоз-андозлардан сўнг енгилгина тамадди қилиб, шоҳона уй либосларига бурканиб, камин ёнидаги оромкурсида ястанганича Лев Толстойнинг “Анна Каренина” романини ўқиб ўтирган Мушфиқахоним телевизорни маҳаллий каналга олиб, Далер Ботиров билан суҳбатни ҳафсаласизлик билан томоша қилди. “Ҳакимахон намунча мақтайди бу одамни, қизиқадиған жойи йўғ-у. Оддий бир мухбир...”

Мухбир қавмини эса Мушфиқахоним ўлгудай ёмон кўрар, бунга... унинг ҳаётида юз берган мудҳиш бир воқеа сабаб эди. Майли, ҳозир бу ҳақда ўйлашни истамайди. Ҳозир у... ўша йили, Қора денгиз соҳилида гене-

рал билан танишганидан сўнг бўлган ғаройиб ҳодисаларни ширин орзиқиш билан эслайди. Ҳамиша шундай, маъюсланган ва иккиланган дамларида у ҳаётининг энг завқли, энг гўзал ҳамда мазмунли даври бўлмиш ўша кунларни мароқ билан хотирлайди ва бундан ҳузурланади, енгил тортади. Бугун айниқса машҳур ишқий романни ўқиш асносида у ҳузурбахш хотираларга чинакам берилди.

...Генерал уни Симферопол аэропортидан кузатар экан, кичкинагина бир қора қути узатди.

– Арзимаган эсдалик, – деди у. – Мени эслаб тақиб юрасиз.

Мушфиқа қутиш майдончасига шошилаётгани учунми ё генералнинг ўзи ҳам қистамагани учунми, қутичани ўша лаҳзада очиб қарашга улгурмади. Хаёлида қизиқсиниб “Бирорта мундайроқ узукми, зеби гардонми бўлса керак” деб ўйлади. Кейин... очиб қараб, ҳайратдан қотиб қолди. Бу бебаҳо жавоҳирлар қадалган европача тақинчоқ экан. Хоним зебу зийнатнинг фарқига боради. Шунинг учун дарров англади. “Совға”нинг нархи ўша даврнинг пулига ҳисоблаганда ҳам бир неча ўн минг, яъни ҳозирги баҳода ўн-ўн беш минг доллардан кам эмасди.

“Бу генерал... Наҳотки, шу қадар бой ва шу қадар саховатли?.. Демак, унинг “Хоҳласангиз истаган пайтда Германияга чақириб оламан” деган гапи бежиз эмас экан-да. Совғасининг бу даражада қимматлиги... унинг ўйланиш ҳақидаги нияти ҳам шунчаки қуруқ гап эмаслигини кўрсатади...”

Генералнинг Мушфиқага маъқул бўлган яна бир хислати – шилқим эмаслиги, яъни тезроқ висолга етиш учун ўзини тўрт томонга урмагани бўлди. Аввалги эрлари ва хушторларини хонимнинг беқиёс гўзаллиги ва шу гўзалликдан тезроқ баҳраманд бўлиш иштиёқи қизиқтирарди, холос. Бу одам эса ўн беш кун мобайнида ақалли билагидан ушлашга ҳаракат қилгани йўқ...

Мушфиқахоним оромкурсидан туриб, китобни каминнинг мармар рахи устига қўйди-да, ётоқхонага кирди. Бу ердаги камин ҳам лангиллаб ёнар, хона иссиқ эди. Хоним эғнидаги халатини, ички кийимларини ечиб, пуштиранг шоҳи чойшаб ёпилган каравот устига узала тушиб ётди. Ётган қўйи оёқ томондаги улкан тошойнага қараб ўзининг мармардек оппоқ яланғоч вужудини ҳавас билан томоша қилди. Орзиқиб керишди ва хаёл суришда давом этди.

Ҳа, генерал унга танишган заҳоти майл билдирмаган биринчи эркак эди. Бундан Мушфиқа ҳайратланди. “Оҳорим тўкилганми, нима бало” деб бир қадар ранжиди ҳам. Ёки бу айғир аллақачон қирчанғи бўлиб қолганми? Кўринишдан унақа эмас-ку. Ҳар субҳидам хушбичим спорт кийимида денгиз ёқалаб чопиб юради. Қоматлари тик, мушаклари бўшашмаган. Бир гал унинг турникка ўн беш марта тортилганини кўрди. Гавдаси анча қурч, бўйни йўғон. Ҳатто... Сочлари оқи ҳам кам. Битта-ярим демаса, деярли сезилмайди. Самад Валиевич озғин, бўйни узун ва ингичка бўлса ҳам ишратга муккасидан кетган эди. “Бўйнингиз қизиқ-а?” деган саволга “Бўйни узун эркаклар темпераментний бўлади” деб жавоб қайтарган. Дарвоқе, эркаклар ҳам ҳар хил бўлар экан-да, гарчанд аёлларнинг ўзаро суҳбатларида “эркак халқининг бари бир гўр” деган хулоса тез-тез тилга олиниб турса ҳам. Масалан, биринчи эри – санъаткор Хуморбоев зоҳиран босиқ, ботинан ҳиссиёти кучли эди. У висол дамларининг ҳар бирини гўзал ва мазмунли бир ашулага айлантиришга ҳаракат қиларди. Дастлаб чиройли сўзлар айтиб, хушомад қилар, “Азизим, бугун бошқачасиз, чандон очилиб кетибсиз” дер, баъзида буни қўлига торини олиб “кўнглим ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас...” қабилида ашула қилиб айтар, сўнгра сочларини оҳиста силаб “соч эмас бу, шаршара бу, шаршара, шаршарангдан қўшилишиб оқайин” дея куйлар, ундан сўнг “кўксингга

кўкрагимни бир дам қадаб бўлурми” дея илтижо этар, хуллас Мушфиқани чойга солинган асалдай эритиб юборарди.

Дўкончи Султонбек эса унинг акси эди. Шошқалоқ. Тез-тез ва қисқа қовушишларга ишқибоз эди. Бундан Мушфиқанинг кўнгли қониқмас, “бунинг ўйнашлари ҳам бор” дея шубҳаланарди. Самад Валиев эса ҳуқуқшунослиги боисми, ишқ, висол масалаларига инсонпарвар қонунчилик яратган беқийёс имконият деб қарар ва қўли бўш қолди дегунча бу имкониятдан кўпроқ фойдаланишга уринарди. Гоҳ эрталаб, гоҳ тушлик чоғида, гоҳ пешиндан кейин, хуллас, вақт топилиб қолса, дарҳол кўнғироқ қилиб, “бир масала бўйича маслаҳатлашиб олишимиз керак” деб айтар, бу – учрашувга таклиф этаётганини билдирувчи шартли ибора эди. Ўша, биринчи марта давлат имтиҳони куни танишганларида у “агар маъқул десангиз, бугун кечкурун учрашиб, бир маслаҳатлашиб олсак” деган ва Мушфиқани хуфъя квартирасига олиб бориб, васлига эришган. Табиийки, Мушфиқа дарҳол таслим бўлмади. Бироқ Валиев ўз қасду истагини қонунга ва жафокаш аёлнинг ҳаётдаги орзу-умидларига шу қадар ишончли қилиб тўғриладики, Мушфиқа “йўқ” дея олмади.

Мухтасар қилиб айтганда, Мушфиқа шу пайтгача дуч келган эркакларнинг барчаси, гарчанд ўзлари ҳам қанчалик ҳимматли, мурувватли кўринишмасин, асосий мақсадлари замирида таъма ётар, яъни нима қилиб бўлса-да, тезроқ бу аёлнинг васл шаробини ичишга, аниқроғи берган арзимас матоҳлари эвазига унинг кўнгил мулкига эгалик қилишни истар эдилар. Генерал эса...

Генерал бошқача эди. У атиги бир неча кун таниш бўлган аёлга муҳаббатини аллақандай беозор, номажбурий тарзда айтди. Кейин ундан нечоғлик ноаниқ, яъни амалга ошиши жуда ҳам қийин бўлган ваъдани олганига қарамасдан... Бу қадар қимматбаҳо совға бериши... Бамисоли эртак, хаёлий воқеа эди. Тўғри, Мушфиқа

илгари ҳам қимматбаҳо совғаларни кўп олган. Унга уйлар, данғиллама ҳовли-жойлар тухфа этишган. Бироқ генералнинг бу совғасида ҳеч бир таъма, ҳеч бир ғараз йўқлиги шундоққина сезилиб турибди. Зеро, генерал Мушфиқа унга қайтиб мутлақо дуч келмаслиги ҳам мумкинлигини билади. Шунга қарамасдан...

Мушфиқа хаёлидан кечган бу фикрларни яна бир қара текшириб кўрди. Қайтиб келганидан сўнг, бир ойлар ўтгач, генералга кўнғироқ қилиб, “Мени шу ерлик бир одамга эрга беришмоқчи, нима дейсиз?” деб сўради. Йўл-йўлакай гап орасида “Жудаям қимматбаҳо буюм совға қилибсиз, мен ноқулай аҳволга тушдим, иложи бўлса, қайтариб олинг” дея қўшиб қўйди.

Генерал албатта хафа бўлди. “Мен сизни чиндан яхши кўриб қолганман, ахир... Менга ваъда бергандингиз-ку” деди. Охирида “Ҳамонки, жиддий қарорга келган бўлсангиз, нима ҳам дердик, бахт тилайман, ўша сиз “қимматбаҳо” деб атаётган арзимас буюм тўйингизга совға бўла қолсин, тухфа ҳеч қачон қайтариб олинмайди” деди.

Бундай самимиятдан Мушфиқа тўлқинланиб кетди. Генералга нисбатан меҳри ортди. Икки-уч кундан сўнг такроран кўнғироқ қилиб, “таклифни рад этдим, сизга берган ваъдамда турибман” деди. Бу кўнғироқдан сўнг генерал нақ юраги ёрилиб ўлиб қолай, деди. Москвага зудлик билан учиб келиб, Мудофаа вазирлиги орқали Мушфиқани “қирқ кунлик ҳарбий ўқув”га чақиртирди. Уни Внуково аэропортида кутиб олди. Ўша чоғлар энг шоҳона ҳисобланган “Метрополь” меҳмонхонасига жойлаштирди. Кейин никоҳига олиб, Рублев шоҳкўчасидаги данғиллама уйига олиб борди. Аввалгисидан икки-уч ҳисса қиммат совғалар қилди. Москвада ўн кунча томоша қилдиргач, Берлинга олиб кетди. Мушфиқа худди туш кўраётгандек эди. Генерал бардамликда Мушфиқанинг аввалги эрларидан қолишмас, аксинча, жуда кўп жиҳатлари билан улардан устун эди. Чунончи, у

Мушфикага фақат вужудидан баҳраманд бўлиб, хирсни қондирадиган гўзал аёл сифатида муносабатда бўлмас, кўнглига, хоҳишига қарар, сўзини икки қилмас, том маънода ҳурматлар, ҳатто у билан алланечук фахрланар эди. Сиртдан қараганда, бу худди оёғи эндигина чиққан болага ўйинчоқ машина ўрнига ҳақиқий “Мерседес” совға қилинган-у, болакай уни ҳали гижинглатиб минишни эплай олмаса-да, рулга ўтириб, уни турган жойида айлантиришдан ҳам олам-олам завқ олаётганига ўхшар эди. Бу муқояса, эҳтимол у қадар муваффақиятли эмасдир. Ҳар ҳолда олтимиш бир ёшли чол йигирма бешдаги дуркун, бунинг устига тенгсиз гўзал аёлнинг бағрида ўзини ёш боладай бахтиёр ҳис этиши турган гап.

Ёш бола хусусидаги муқоясамизни шу ўринда Мушфикахонимга нисбатан ҳам бирров ишлатиб кетишимизга тўғри келади. Хоним генерал томонидан ўзига билдирилаётган бу қадар эъзозли муносабат туфайли кейинги пайтлар бирмунча эсидан чиқиб кетган бир туғма хоссасини тўлаликча тиклаб олди: эркалик ва тантқиқлик қилишга киришди. Олти ой Германияда яшаганларидан кейин “Зерикдим, юртга қайтамиз” деб туриб олди. Генералнинг эса ҳали ишлагиси бор эди. Олтимиш бир ёшли генерал учун нима деган гап. Бунинг устига Москвада “қайта қуриш” бошланиб, хориждаги ҳарбий хўжалик устидан назорат анчагина бўшашганлиги боис кўнгилга тугиб юрилган анча-мунча шахсий ишларни бемалол амалга ошириш имкони вужудга келган эди. Шу боис қўмондон жаноблари ёш завжасининг жисми ва кўнглидаги чигалларини ёзиш учун Парижга, Лондонга, Римга юборди. Америка ва Австралияни саёҳат қилдирди. Шу кўйи яна ярим йил овутди. Бироқ 1986 йилнинг бошида Мушфика “юртимга кетаман” деб қаттиқ оёқ тираб туриб олди. “Лоақал, мен кетай, сиз кейинроқ борсангиз ҳам майли” деди у генералга. Қўмондон жанобла-

ри эрка хотинининг раъйини қайтара олмади. Қўйни-қўнжини тўлатиб, жўнатиб юборди.

Хоним она шахрига келибоқ, Султонбекдан ёдгор қолган икки хонали квартирани сотди. Пулининг ёнига Берлиндан келган долларлардан қўшиб, мана шу ҳовлини олди. Ҳовли шаҳарнинг энг хушҳаво мавзесида бўлиб, уни шу ерлик бир тахтафуруш бойвачча ҳавас билан қурган экан. Унинг исми Ражаббой бўлиб, тижорат аҳли орасида Раж деган ном билан танилган. Сармоясининг миқдори жиҳатидан ўша пайтдаги ширкатчи ва тожирлар ўртасидаги кучли бешликдан жой олган. Ўша йигит нима бўлади-ю, синади. Россиядан унинг омборига юборилган юзлаб вагон тахта йўлда “гум” бўлади ва харажати Ражнинг зиммасига тушади. Шўрпешона савдогар катта орзу-хаваслар билан қурган ҳовлисидан ташқари илгари “Ғалаба” жамоа хўжалиги ҳудудида икки ўғлига деб қурган катта ҳашаматли иморатни ҳам сотиб, қарзининг ярмини тўлайди, холос. Мушфиқахоним омадсиз бизнесчи йигитга раҳм қилди. Ҳовлисининг нархидан анча зиёд пул берди. “Бу яхшилигингизни ўла-ўлгунча унутмайман, деди Раж. Сиз улуғ аёл экансиз!”

Раж шундан сўнг ғойиб бўлди. Кимдир уни “Россиялик шериклари Красноярскка разборга чақириб, гум қилиб юборишган” деса, яна биров “Ўша ёқда соғ-саломат бизнес қилиб юрганмиш, ҳатто бир бойвачча ўрис хотинга уйланиб ҳам олган” деди. Бу гапларнинг Мушфиқахонимга қизиғи йўқ эди. Муҳими, у ана шу йигитнинг бениҳоя ҳафсала ва дид билан қурилган ўша замонавий кошонасига эга бўлиб қолган эди. Кейинроқ генерал бу ҳовлини кўриб, навжувон рафиқасининг диди ва фаросатига чандон таҳсинлар айтган, “бунақа ҳовлини Москвада бир миллион долларга ҳам ололмайсан” деган.

Ҳовлини харид қилиб, уни италиялик дизайнерлар яратган рисола асосида жиҳозлагач, Мушфиқа генералга мактуб йўллади: “Қолган умримизни (аслида у “умрин-

гизни" демокчи бўлган) мана шу бежирим кулбаи шоҳонада ўтказайлик, армонимиз қолмасин" деган мазмунда. Генерал бошда ишонқирамай йўлга отланди. Келиб "кулба"ни ва унинг ичидаги "Маликаи Ҳуснобод"ни кўргач, кўзига Германия ҳам, у ердаги беқиёс моддий-маиший имкониятлар ҳам кўринмай қолди. "Всё, решено, истеъфога чиқаман-у, келаман" дея ҳарбийча ваъда берди. Ваъда вафоси билан улуғ бўлди. Генерал топган-тутганларини бир вагонга жойлаб жўнатиб юборди ва орқадан кўп ҳаялламай ўзи ҳам истеъфога чиқиб, етиб келди. Атиги бир вагонга жой бўлган генералона бисот асосан озгина дуру жавохиротдан, юз-юз элликтача ноёб картиналар, Фаберже, Кузнецов даврида яратилган бир-икки сандиқ идиш-товоқ, ўрта асрлардан бошлаб йиғилган қадимий курол-яроғлар коллекцияси ва бошқа шунга ўхшаган эски-туски қақир-қукурлар эди, холос. Шу боис вагонни атиги бир бўлинма аскарлар кўриқлаб келишди. Улар автоматларини елкадан олмай, бу эски-туски лаш-лушларни янги ҳовлига роса уч кун ташишди. Генерал етиб келгач, хотинининг "қирқ йил хизмат қилиб, топган бисотингиз шуми?" деган ҳазиломуз гинасига ҳайқириқ билан жавоб берди.

– Азизим, бу нарсаларнинг баҳоси... Камида юз миллион туради!

– Йўғ-е, – юз миллионни эшитган Мушфиқа ишонқирамай. Кейин овозини пасайтириб такрор сўради:

– Ростданми?

– Ишонмасанг, ҳали ёзда Лондонга Сотби аукционига олиб бораман. Ўша ердаги савдода манови картиналарнинг ҳар бири неча пул туришини билиб оласан.

– Ҳай, майли, ўзингиз айтақолинг, манови ит билан ўйнаётган боланинг расми қанча туради тахминан?

– Тахминанми? Бир юз эллик минг доллар.

– Нима?.. Бир юз эллик?.. Ҳазиллашмаяпсизми?

– Тис-с-с, - деди генерал. – Бу ҳақда энди ҳеч қачон гаплашмаймиз. Келишдикми?

– Келишдик, – деди Мушфиқа юраги ҳаприқиб.

Кечаси бироз кайфи ошган ва она юртдаги биринчи висол оқшомидан бағоят шавқланган генерал моҳитобон жуфти ҳалолига сўнгги сирини ҳам айтиб қўйди.

– Адриатика денгизидан... кичикроқ бир оролни ҳам сотиб олганман. Насиб этса, ёзда бориб, ўша ерда дам оламиз.

Шу паллада Мушфиқахоним ўзининг олий маълумотли ҳуқуқшунос ва бир қадар тажриба орттирган нотариал ходим эканлигини эслаб қолди.

– Мол-мулкингизнинг бир қисмини менинг номимга ёзаман деганингиз ёдингиздами?

– Албатта ёдимда. Аввал... шериклар билан орани очиб, уларни ўзимнинг номимга ўтказиб олай, кейин бемалол расмийлаштираверамиз.

– Мен... Ноинсоф, молпараст эмасман. Болаларингизни ҳам хафа қилманг, уларга ҳам тенг улуш тегсин, – деди Мушфиқа.

– Уларни етарлича таъминлаб қўйганман, – деди генерал ҳурлиқо ёстикдошининг оппоқ, бўлиқ сийналарини меҳр ва иштиёқ билан силар экан, – агар бир ўғил туғсанг, дунёимнинг бари сеники бўлади.

– Мен-ку туғишга қарши эмасман, – деди Мушфиқа эгнидаги сўнгги либоси – ҳарир ичкўйлакни ечиб, тим қора сочларини парқув ёстик узра сочиб юборгач, – бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ.

– За нами дело не стоит, – деди генерал бу иборанинг ўзбекчаси қанақа бўлишини эслолмай. Сўнгра эҳтирос ва шавқ туғёнига қоришган мана бу сўзларни ҳам ўзбекчасини тополмай, ўрисчалаб юборди:

– А ну мать, поехали!..

Шу оқшом генерал ишқ бобида ҳам ҳарбий унвонига яраша билиму маҳоратга, ғайрату шижоатга эга эканлигини намоён этиб, хонимни бағоят ҳайратга солди. Унинг ҳаловат ичра нозланиб:

– Аввал бошда бунақа “ёмон” эмасдингиз-ку, – деган саволига генерал яна ўрисча қилиб:

– Афтидан, бу менинг “лебединая песням” бўлса керак, – дея жавоб қайтарди.

Нафсиламбрини айтганда, она юртга қайтгандан кейин вужуди ва руҳида юз берган янги бир шиддат тўлқинидан генерал ҳазратнинг ўзи ҳам ҳайрату хавотирда эди. Бинобарин, Мушфиқанинг саволига қайтарган жавоби мутлақо самимий бўлиб, оддий қилиб айтганда, “бу эркак эҳтиросининг бутунлай сўниш олдидан қисқа муддат шиддат билан алангаланиши” деган маънони англатарди. “Ишқилиб, бу муддатни имкон қадар чўзиш керак” деб ўйларди генерал. Бахтга қарши ана шу “чўзиш керак” деган истак баробарида юрагининг тубида “эртагаёқ тугаб қолса-чи муҳлатим” деган хавотир ҳам ғимирлар ва бу хавотирни енгил тобора қийинлашар, “Александр”, “Наполеон” коньякларига газак қилинаётган чумчуқ гўшти-ю илвасин шўрваси, женьшендан тортиб, замонавий “Виагра” ҳапдорилари ҳам беҳуда бўлиб борар эди. Аксиға олиб, эндиgina ўттизни қоралаб, ўн гулидан бир гули очилаётган Мушфиқахоним эса ҳаётдан тобора кўпроқ лаззатланишни хоҳлар, ейиш-ичишдан, кийим-кечакдан, сайру саёҳатдан ками қолмагач, энди тан ва вужуд фароғати ичра имкон қадар кўпроқ айш суриш истаги билан ёнарди. Ўша кунлар унинг севимли китоблари Бокаччонинг “Декамерон”, Мирзо Расвонинг “Бир хоним саргузашти” ҳамда “Кама Сутра” эди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Далер Ботиров – халқ депутати. Кеча унга марказий сайлов комиссиясидан шу ҳақда расман хабар беришди. Гарчанд Далер буни кеча кечқурун билган, айрим жойларга қўнғироқ қилиб, “қўллаб-қувватлаганликлари

учун” самимий миннатдорлик ҳам билдириб улгурган эди. Жумладан, вилоят раҳбари Ражаб Сафаровга раҳмат айтиш баробарида унинг ҳовли-жой бобидаги ваъдасини ҳам эслатганди. “Энди халқ депутати муносиброқ бир маконда яшаса вилоятга ҳам, унинг маъмуриятига ҳам обрў-да, ака” деди. Сафаров ҳам бу масалани зудлик билан ҳал этишга ваъда берди. Кейин у ҳам ўз илтимосини эслатди.

– Ёдимда турибди. Эрта-индин бизни Марказга чақиришади, кўриб айтаман, – деди Далер. – Лекин бояги уй масаласи... Кетгунимча ҳал бўлса яхши бўларди. Дарвоқе, эшитишимга қараганда... Яқинда қамалган пахта заводи директорининг шаҳарда қурган янги ҳовлиси мусодара этилган экан. Ўшани...

– Оласизми ўшани? – деб сўради Сафаров. – Жудаям ажойиб қошона дейишади. Ўзим ҳам сизга ўшани бир айтай дедим, ижирғанасизми, деб истиҳола қилгандим. Ҳаром пулга қурилганда ҳарқалай.

– Нега ижирғанар эканман? Нега ҳаром пул бўлади? Халқнинг пулига қурилган-да! Тўғри, унга ҳаром. Менга эса ҳаққи ҳалол! Ахир халқ депутатиман-ку! Халқ ўз вакилларини ана шундай шоҳона жойларда яшатса арзиймайдими?

– Арзийди, Далер ака. Мен ҳозир вилоят суди раисига топшириқ бераман. Эртагаёқ ҳужжатларини тўғрилаб, сизга расмийлаштириб беради. Кечгача кўчиб кирасиз.

– Мана бу чинакам аниқ гап бўлди, Ражаб ака, – деди Далер.

– Хурсанд бўлсангиз бўлди, Далер ака, – деди Сафаров. Кейин меҳри жўшиб кетдими ё “бу болани қулоғига қарзга ботириб, тилини қисиб қўяй” дедими, ҳар ҳолда яна бир ҳиммат кўрсатиб юборди.

– Айтганча, вилоят матлубот уюшмаси омборига “Волга”нинг янги маркасидан келган. Агар истасангиз, ўшандан биттасини... Янги ҳовлига ярашади-да!

– Шунақами, – деди Далер ва каттакон бир раҳбарнинг шу даражадаги ялтоқланишига астойдил ҳайрон қолиб, ўйлади: “Нега бунчалик... ёки ҳадиги борми?” Кейин ўсмоқчилаб, қўшиб қўйди:

– Менинг қалам ҳақидан йиққан пулим “Волга”га етмасов...

– Пулини ўйламанг. Дўстлар бор, оғайни-қариндош дегандек. Жа-а бўлмаса, сотиб юборасиз, қимматроқ нархда. Устамаси фойдага қолади.

– Майли бўлмасам...

Эртасига кечки соат бешларда Далер Ботиров янги ҳовли дарвозахонасидаги ёғи артилмаган оппоқ “Волга”ни меҳр ва севинч ила кўздан кечирар экан, ўзига-ўзи дафъатан хитоб қилди:

– Далер Ботир, шу турган ўзингмисан? Ким эдинг-у, ким бўлдинг? Худо ол қулим, деб турганда омад фариштасини қўлдан чиқарма энди! Мана ҳовли, мана машина, мана депутатлик унвони... Сенга – умри қоровулхонада ўтиб кетган Ботир калнинг боласига бундан ортиқ яна нима керак?

Хитоб баробарида ўйладики, “Энди собиқ хотиним болани кўтариб қайтиб келса керак кечирим сўраб, ялинса керак... Лекин мен кечиришим мумкинми?..”

“Келса келар, келмаса бобомдан нари...” деди яна бир хаёли. Чиндан ҳам уни итдай қилиб кўчага ҳайдаган ўша ўктам аёлнинг остонага бош уриб келишига унинг кўзи етмасди. “Балким, у менинг қайтиб боришимни кутар? Борсам... Бағримга ўзини отиб йиғлар?.. Ҳай, билмадим-да!”

Ногаҳон эсига яна касалхонадаги жононлар тушди. “Ҳакимаҳон-ку, ўзи суйкаляпти. Лекин дугонаси чиройли-да. Ўшанга бир қармоқ ташлаб кўриш керак. Илгари писанд қилмагандек туюлувди. Машҳур генералнинг беваси-да, ҳарқалай. Хўш, энди-чи, энди у халқ депутати-га йўқ демаса керак...”

Дарвозахонадан ўтиб, мрамар ётқизилган кенг ҳовлига бир қур назар ташлаб, ойнаванд айвонга кирди. Иссиққина. Гидам, мебеллари ҳам, хуллас, ҳамма анжом-ускунаси, идиш-товоғи жойида. Қойил! Яшасин, одил халқ суди!

Юмшоқ оромкурсига ўтириб, Ҳакимахонга қўнғироқ қилди:

– Ассалому алайку-ум, Ҳакимахон, бормисиз? Би-ир қўнғироқ ҳам қилай демайсиз. Раҳмат, раҳмат! Сайловлар муваффақиятли ўтди. Халқимиз ишонч билдирди. Раҳмат! Ҳа, эрта-индин Марказга жўнаб кетаман. А, лаббай? Йў-ўқ, сизни эсдан чиқариб бўларканми? Си-из... Ҳалиги айбга буюрмасангиз... ўша дугонангиз учаламиз би-ир ўтирсак. Қаерда дейсизми? Қаерда бўлсаям майли. Хоҳланг сизникида, хоҳланг бизникида. Яхшиси... “Оққуш” ресторани бор. Еттиқўл ёқасидаги-чи! Совуқ-ку дейсизми? Ичкариси иссиқ. Холироқ жойда ҳар қалай. Хўжайини дилбар одам. Хизматни қойиллатади. Қачон дейсизми? Эртага қалай бўларкан? Дугонангизнинг вақtimi? Қўндилинг-да! Депутатликларини ювмоқчи деб айтинг. Хўпми? Келишдик. Эртага қўнғироқлашамиз...

Эртасига кечкурун “Оққуш” ресторанига Далерни биров ҳайратлантириб ва энсасини қотириб, Ҳакимахоннинг ёлғиз ўзи келди.

– Ие, дугонангиз қани? – деб сўради Далер саломаликни ҳам эсдан чиқариб.

– Ассалом, – деди Ҳакимахон ва сохта араз билан гина қилди: – Сизга битта аёл етмайдими, акамулло?

– Узр, мен... тўғри маънода... гаплашиб ўтирамиз дегандим.

– Сал тоблари йўқ экан Мушфиқахоннинг. Агар бир ўзим келиб... сизнинг ҳафсалангизни пир қилган бўлсам, кета қолай мен ҳам?..

– Нима деяпсиз? Қизиқ гапларни гапирасиз-а. Нима фарқи бор, – деди Далер биров қизариб. – Қайтага... яхши бўлди. Иккаламизга ҳеч ким халақит бермайди.

Бу гапдан сўнг Ҳакимаҳоннинг чехраси очилиб, гулдай яшнаб кетди.

“Бунинг ўзи ҳам чакки эмас” деб ўйлади Далер аёлни елкасидан қундуз ёқали пальтосини олиб, илгичга осар экан.

– Қани, марҳамат!

– Ресторанларининг алоҳида хонаси бўлса керак-а?

Далер кулиб юборди. Унинг эсига “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” номли фильмдаги шунга ўхшаш бир гап тушганди.

– Албатта! Мен келибоқ директорнинг шахсан ўзидан “ресторанларингни алоҳида хонаси йўқми?” деб сўрадим. Улар “бор” деб айтишди.

Ҳакимаҳон мутуйибани тушунмади. Фильмдаги лавҳани ё кўрмаган, ё хотирасидан фаромуш этган.

– Тўғри тушунинг Далер ака, мен эрли одамман. У киши қамоқда бўлсалар ҳам биров-ярим кўриб, саситиб юрмасин, дейман-да.

– Хотирингиз жам бўлсин. Бугун ресторанга иккала миздан бошқа ҳеч ким қирмайди. Ҳа айтганча, бундан кейин “Сизни фалончи билан кўрдим” деганларга сира иккиланмай “халқ депутатига халқ номидан талабнома олиб боргандим” дейверинг. Биз, ноиблар, меҳнаткашларнинг жумладан, хотин-қизларнинг намояндалари билан ҳар қандай ерда ва ҳар қандай шароитда учрашишга, уларнинг арзларини тинглашга ҳақлимиз.

– Вой, қандай яхши экан, – деди Ҳакимаҳон чиройли безатилган дастурхон ёнига ўтирар экан. Кейин эркаланган ва ялинган оҳангда деди: – Далер ака-а, сиз энди қўлингизни қаёққа узатсангиз, етади. Бир иложини қилиб эримни чиқаришга ёрдамлашинг жо-он ака, ҳаққини тўлайман, қанча бўлсаям.

– Ҳўп бўлади, – деди Далер ака ва бир зум сукут сақлагач, илжайиб қочирим қилди:

– Ҳаққини... нима билан тўлайсиз?

Ҳакимаҳон қочирирни тушуниб, унга монанд жавоб қайтарди.

– Етса молим, етмаса... жоним билан!

– Яшанг! Зукко аёл экансиз. Тўхтанг, ўша чолнинг нима кераги бор сизга? Эркин юрганингиз яхши эмасми? Нима қиласиз чиқариб, халақит бердиртириб?

– Во-ой, унақа деманг, хафа бўламан. Яхшими-ёмонми, жондайгина чолим-да... Қайтанга ёнимда турса, яна ҳам эркинроқ бўламан.

Суҳбат қизиди. Икки-уч қадах фаранг шаробидан сўнг Далернинг боши ҳам, қони ҳам қизиди. Ҳакимаҳоннинг юзи олмадай қизарди. “Бу... дугонасидан ҳам зўр, – деб ўйлади Ҳакимаҳоннинг тўла, лўмбиллаган қоматига қараб. – Юмшоққина, кучоғинг тўлади. Бугун уни... нима қилиб бўлса ҳам қўлдан чиқармаслик керак. Ўзи бўйдоқлик ҳам жонга тегиб кетди...”

Ресторандан алламаҳал чиқишди. Ярим тун. Машинага минаётганларида жувон нозланиб, шаъма қилди:

– Вой ўлай, ярим кечада бу аҳволда уйга қандай кираман, қўни-қўшни кўрса... нима дейди?

– Бўлмаса мундоқ қиламиз, – деди Далер қиёфасига жиддий тус бериб. – Бу оқшом бизникида қолинг. Уйга кўнғироқ қиласиз: “дугонамникида меҳмондаман” деб. Эртага кетаверасиз уйингизга. Хўш, нима дейсиз?

– Йўғ-е, қандай бўларкан, уят-ку, – деди Ҳакимаҳон яна юзланиб. Далернинг юраги ҳаприқиб кетди.

– Биз ахир замонавий одамлармиз-ку. Қолаверса... айтдим-ку, сиз халқ депутатининг олдида муҳим масалани ҳал қилиш учун иш билан келгансиз, тушунарлими?

– Тушунарли. Юринг бўлмаса, ўша масалани тезроқ ҳал қилайлик, – деди Ҳакимаҳон шўхлик билан. Машина Далернинг янги ҳовлиси жойлашган маҳалла сари елиб кетди. Етиб келишиб, дарвозадан кираётганларида Ҳакимаҳон бирдан ҳушёр тортиб, кутилмаганда ҳайрат билан сўради.

– Вой, бу ҳовли... сизникими?

– Албатта, – деди Далер. – Сиз нима деб ўйлагандингиз?

– Ахир... ахир бу ҳовли... Бизларники эди-ку... Мусодара қилинган. Демак... Сизга беришибди-да.

Ҳакимахон шундай деб, дарвозахона деворига беҳол суяниб қолди. Далер бир зум каловланиб қолди-ю, ўзини тезда ўнглади.

– Узр. Мен... Билмаган эканман. Менга... давлат томонидан... вақтинча туриб туришга беришган. Сиз хафа бўлманг. Қайтага яхши. Мана, ўз уйингизга келибсиз. Пайти келса... Эрингизни чиқариб, ҳаммасининг ўрнини тўлдириб юборамиз.

Ҳакимахон тескари бурилиб, “пиқ-пиқ” йиғлади, ўксинди. Бу эса Далерга дадиллик бағишлади. Жафокаш, ҳимоясиз аёлни кучоқлаб, сочларини силади. Кейинроқ у бу ҳолатни хаёлан бир неча бор таҳлил этиб, ўзидан ижирғанган, “сен мудом ҳимоясиз, чорасиз одамлар қаршисида ўзингни дадил ва қудратли ҳис этасан, уларнинг ожизлигидан фойдаланиб, ҳамиша ғалаба қозонасан” дея ўзи ҳақида бир оз танқидий фикр ҳам юритган. Ҳозир эса бу ҳақда ўйлаб ўтиришга фурсати йўқ эди. Хонимнинг белидан ушлаб, ичкарига бошлади. Айвонда пальтосини ечди. Кейин ётоқхонага олиб кирди. Қаттиқ кучоқлаб, ўпа кетди. Аёл заифгина қаршилиқ кўрсатар, паст овозда:

– Қўйинг, илтимос, Далер ака, жон ака, гуноҳ қилмайлик. Эрим бор ахир, – дерди.

– Бир марта, Ҳакимахон, фақат бир мартагина, – дерди Далер ҳансираб ва бетўхтов аёлнинг кийимларини юлқилаб, уқувсизлик билан ечарди.

Шу кўйи у аёлни шир яланғоч қилиб, каравотга ётқизди. Узоқ ўпди. Кейин ўзи ҳам ечиниб, уни бағрига босди.

– Биринчи марта хиёнат қиляпман эримга, – деди Ҳакимахон чалқанча ётиб, кўзларини юмар экан. – Илтимос, бу ҳақда ҳеч ким билмасин.

Далер ҳирс алангасида ёниб, аёлга оч бўридай ташла-
нар экан, миясидан “Бу гапни илгари қаердадир ўқиган-
дим-а” деган фикр ўтиб кетди. Кейинроқ муродини ҳосил
қилиб, роҳат ичра ётган кўйи Мопассаннинг “Азизим”
романи қаҳрамонини кўз олдига келтирди. Исмои нима
эди? Жорж Дюруа! Наҳотки, мен ўшанга ўхшадим. Йўқ-
йўқ. Бизники бошқа асар. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамон-
лари бўлади. Нафсиламбрини айтганда, Жорж Дюруага
ўхшашнинг нимаси ёмон. У ахир... бош вазир даражаси-
гача кўтарилган-ку... Йўқ, бош вазир бўлган Жорж эмас,
Никотим Дизма. Поляк адабининг “Муттаҳамнинг пар-
вози” асари қаҳрамони.

Ёнига ўгирилди. Анчадан буён эркак оғушини кўмсаб
юрган ташна жувон азбаройи роҳатлангани боис устини
ёпишни ҳам унутиб, мазза қилиб ухлар эди. “Яхши, тоза
нарсa экан, – деб ўйлади Далер. – Аммо-лекин... дугонаси
бундан ҳам зўр бўлиши керак... Наҳотки, уни қўлга ки-
ритолмасам? Киритаман. Олинмайдиган қалъа йўқ халқ
ноиблари учун...”

ЎНИНЧИ БОБ

Мушфиқахоним айнаи шу чоғда ўзининг кўшки раво-
нида мазза қилиб ухлар ва... ҳаётининг энг завқли, сафо-
ли кунлари ҳақида бағоят ширин туш кўрар эди. Тушида
эри – генерал Тўқсонов тирик эмиш. У ҳам депутатлик-
ка сайланибди. “Шунча йил хорижда сарсон бўлдим.
Энди жонажон халқимга бир хизмат қилай” дермиш у.
Мушфиқахон ҳайрон. “Ахир сиз... ўлгансиз-ку” дермиш.
“Бекор гап. Ким айтди?” “Ўзим кўрганман-ку, тўппонча
билан нақ чаккангиздан отгансиз. Миянгизнинг қатиғи
чиқиб кетган”. “Йўқ, мен ўлмаганман. Шунчаки ҳазил-
лашгандим” дермиш кулиб генерал. “Қўйинг, ёлғон га-
пирманг. Яхшиси айтинг, нега ўзингизни отдингиз? Нега

мени ташлаб кетдингиз?" "Мен... қайтиб келиш учун кетдим. Мана энди келдим". "Йўқ-йўқ, кетинг-кетинг, ўша ёқда юрганингиз маъқул". "Нега энди азизим?" "Бу ерда сизни... камашлари мумкин. Орқангиздан роса бўлмағур гаплар тарқатишяпти. Ҳатто газеталарга ёзишди". "Нима деб ёзишди?" "Сиз Германияда хизмат қилган чоғингиз кўп нарсани ўзлаштириб, сотиб юборган эмишсиз. Наҳотки, шу рост бўлса?" "Ёлғон. Тухмат. Ҳеч нарса билан исботлаша олмайди". "Айтганча, хорижий банклардаги пулларни менинг номимга ўтказмай, лоақал ҳисоб рақамини айтмай кетганингиз нимаси? Ахир... ваъда берган эдингиз-ку!" "Улгуролмадим, азизим. Кутинг, дўстлар сизни ўзлари топишиб, улушингизни ҳал қилиб беришадди. Ёки уларга... ўзингиз кўнғироқ қилсангиз ҳам бўлади. Телефон рақамларини ёзиб олинг..."

Шу ерга келганда, Мушфиқахоним уйғониб кетди. Телефон рақамларини ёзишга улгурмади. Пешонасидан совуқ терни сидириб, кўксига туфлади. Туриб, термосдан иссиқ шифобахш қайнатмадан ичди. Ўтирди. Ҳайрон бўлди. Анчадан бери тушига кирмаган эди генерал. Бугун қандай бўлиб... Мушфиқа генералга "Нега ўзингизни отдингиз?" деган гапига ҳайрон бўлди. Отмаган-ку. Мушфиқа қаергадир чиқиб, қайтиб келганида оромкурсида худди тирикдек ўтирарди-ю, жони йўқ эди. Юрак тўхтаб қолган эди... Генералнинг руҳи нега безовта? Ё унга Мушфиқахоним атрофида айланётган янги воқеалар аён бўлдимиди? Қайси бири? Далер Ботировнинг зўр бериб яқинлашишга уринаётганими? Ёки тунов кун бошқа бир журналист йигит билан танишиб, ногаҳонда ўшанга кўнгли суст кетганими? Ўша суҳбат аслида... генералнинг хотираси, шаъни билан боғлиқ-ку. Ундан ташқари...

Ҳаммаси кутилмаганда, ғоят жўн ва оддий тарзда юз берди. Мушфиқа одатдагидек ишхонасида ўтирар, бу йил идора кенгайтирилиб, нотариуслар сони кўпайгани

учунми, унга мижозлар унчалик кўп эмасди. Тушликка чиқай деб турганида ориқ, ранги сарғиш, кийим-боши кўримсизгина бир мўйловли йигит кирди. “Ўзи сариқ бўлгани етмагандек, мўйлов кўйиб олгани нимаси?” деб ўйлади Мушфиқа унга баҳоловчи нигоҳ билан нописандроқ қараб.

– Ассалому алайкум, опа, – деди йигит хушмуомалалик билан кулимсираб. Унинг кўзлари қоп-қора, вазмин ва алланечук маъноли эди. Одатда сариқ йигитларнинг кўзи кўк ёки яшил бўлади. Буники қора ва маъноли. Мушфиқа ўша маънони аниқлашга уринди. Йигитнинг нигоҳига нигоҳ қадади. У нигоҳлар айланиб, эркаклар нигоҳининг тилини анча-мунча тушуниб қолган. Аксарият эркак зоти, ҳатто анчайин солиҳ ва тақводори ҳам чиройли аёлни кўрганда кўзи “йилт” этади. Шармсизроғи эса бунини яширишга ҳам уринмайди. Суқланиб, бошдан оёқгача қўйғудай тикилади. Бу эса... дарҳол кўзларини олиб қочди. Йўқ. Олиб қочмади. Шунчаки, фарқсизлик билан хонадаги бошқа нарсаларга нигоҳ бурди. Нигоҳида на бир ҳайрат, на бир ҳавас. Афтидан, у ўзининг ниҳоятда муҳим бошқа бир ҳаёли, фикри билан банд. Бундан хоним озорланди. Бироз кўрслик билан:

– Мен тушликка кетаётirman. Ҳозир сизни қабул қилмайман, – деди.

– Минг бор узр, – деди йигит яна ўша беҳавас ва лоқайд нигоҳини бир лаҳза тикиб, – арзимаган иш. Ярим минутда расмийлаштириш мумкин.

– Нима экан? – деб сўради хоним ва негадир ҳаёлидан “Яхшиям бурилиб чиқиб кетмади” деган севинчли фикр ўтди. Ажабо! Йигитнинг бефарқлиги Мушфиқанинг ғурурини оёқ ости қилгандек туюлар, шу боис ич-ичидан “Қани қизиқмаганингни, ҳавас қилмаганингни мен бир кўрай” дея уни жалб этиш иштиёқи билан ёна бошлаган эди.

– Ишонч қоғози. Намуна асосида ёзилиб, машинкадан чиқарилган. Шундоқ кўз югуртириб, тасдиқлаб берсангиз кифоя.

– Қанақа ишонч қоғози экан? – хоним энди атай шошилмас ва суҳбат жараёнини имкон қадар чўзишга уринар эди.

– Отамга тегишли машинани бошқариш ҳуқуқи тўғрисида.

– Ҳа-а, шунақами? Отангизнинг ўзлари қани?

– Даҳлизда кутиб турибди. Чақирайми?

– Йўқ, шошманг. Олдин ишончнома матнини текшириб кўрайлик-чи. Қаерда ишлайсиз?

– Бунинг аҳамияти борми? – деб сўради йигит ҳали-ҳамон бояги лоқайд нигоҳ билан.

– Ҳар ҳолда... билиб қўйсак ёмон бўлмас. Ё... бу сирми?

Йигит биринчи бор жилмайди. Шунда унинг кўзларидаги нописанд лоқайдлик бир зум йўқолиб, истехзоли ҳайрат зоҳир бўлди. Ақлли экан. Аёл ўзига қизиқиш билдираётганини сизди.

– Йўғ-е, нега энди сир бўлар экан. Вилоят газетасида ишлайман.

– Ҳа-а, шунақами. Нурбек Холмуҳаммедов, – деди ишончнома матнига кўз югуртириш асносида йигитнинг исми-шарифини билиб олган хоним. – Газеталарингизни ўқиб турамиз. Лекин... Мен очиги, мухбирларни унчалик ҳурмат қилмайман.

Томдан тараша қабилида тўсатдан айтилган бу гап Нурбекнинг нигоҳидаги истехзони йўқотиб, унинг ўрнини жиддий қизиқиш эгаллади.

– Қизиқ-ку. Нима гуноҳ қилган мухбир халқи сизнинг қошингизда?

– Улар... ҳатто марҳумлар орқасидан тош отишдан ҳам тойишмас экан...

– Кимнинг ортидан тош отибмиз? Мумкин бўлса, тушунтириброқ гапиринг.

– Генерал Тўқсонов ҳақида эшитгандирсиз? Ўша киши... менинг хўжайиним эдилар.

– Ҳа-а, тушундим, – деди Нурбек. – Гап “Генералнинг сирли ўлими” деган мақола ҳақида боряпти. Унда... би-

ринчидан, эрингизнинг исми-шарифи ўзгартириб берилган. Иккинчидан, унинг ҳақида Москвада бўлган шов-шувли текширув ҳамда генералга қўйилган айбларни тасдиқлаш имкони бўлмагани айтилади.

– Ҳойнаҳой, ўша мақоладан кейин менинг кулфатимга кулфат қўшилгани, терговга судрашиб, икки-уч ой сарсон қилишганини сизлар билмасангиз керак. Ўша мақолада “Ғарб матбуотининг ёзишича, генералнинг ўлимида унинг собиқ сафдошлари ва ҳатто, яқинларининг қўли бўлиши мумкин” деб ёзилган.

– Чиндан ҳам Ғарб матбуоти шунақа деб ёзган-да! Ундан ташқари айрим сафдошларининг қамоққа олингани, яна бировлари ўз жонига қасд қилгани ҳам факт-ку!

– Қаердадир, кимдир жиноят қилиб қамалган ёки жазодан қутулиш учун ўзини ўлдирган бўлса, у билан қачондир бирга ишлаган, ҳозир мутлақо бошқа жойда, тўрт-беш минг чақирим берида яшаган одамга туҳмат қилиш ҳақиқатга тўғри келадими?

– Сиз ўзингиз... эрингизнинг ўлими сабабларини ҳаммадан яхшироқ билсангиз керак.

– Албатта биламан. У киши ўз ажали билан, юрак касалидан ўлган.

– Майли. Агар ўша мақолада ножоиз гаплар ўтиб кетиб, сизнинг иззат-нафсингизга теккан бўлса, бунинг учун... узр сўрайман. Зеро, масъул котиб сифатида мен ҳам ўша мақолага алоқадорман, гарчанд муаллифи бошқа киши бўлса ҳам.

– Бўлар иш бўлгач, узр сўрашнинг нима фойдаси бор? Бегуноҳ бир одамнинг шаъни булғаниб бўлди-ку.

– Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, – деди Нурбек. – Агар хоҳласангиз, бу масалани такроран ўрганиб, бошқатдан мақола ёзишим мумкин. Сиз... Чиндан ҳам ноҳақ азият чекиб юришингиз керак эмас-да!

Йигитнинг қора кўзларида шафқатми, ачинишми ёки самимий бир хайрихоҳликми, хуллас, юракни муло-

йим сийпаловчи бир ифода зоҳир бўлди. Ана шу ифода Мушфиқахонимнинг мушфиқ кўнглини юмшатиб юборди. Кўзига йигит яхши кўринди. Бояги ўжар қизиқиш, жалб этишга уриниш ўрнини яқинроқ танишиш, суҳбатлашиш иштиёқи эгаллади.

– Сиз... ўзингиз ёзасизми?

– Албатта!

– Майли, унда мен ўйлаб кўрай. Ҳар эҳтимолга қарши телефон рақамингизни қолдиринг. Бир қарорга келсам, кўнғироқ қиларман.

– Марҳамат, – деди Нурбек кўкрак чўнтагидан бежиримгина ташрифнома чиқариб узатар экан. – Бу ерда иш ва уй телефонлари ёзилган.

– Уйингизга кўнғироқ қилсам, ноқулай бўлса керак?

– Ҳеч қанақа ноқулайлиги йўқ. Тортинманг.

– Раҳмат, – деди Мушфиқахоним ва котиба орқали даҳлиздан Нурбекнинг отасини чақиртирди. Тавозе билан ўрнидан туриб, кўлини кўксига босиб сўрашди. Кейин ҳар иккаласининг имзосини олгач, “Ишончнома”га муҳр босиб, Нурбекка узатди...

Ўша куни ишда ва ишдан қайтгач, уйда ҳам хоним Нурбек ҳақида ўйлади. Ўйламайман дейди-ю, ихтиёридан ташқари ўйлайверади. “Ё, тавба, бу маллавой йигитнинг нимасига қизиқиб қолдим бунчалик?” деб энсаси ҳам қотади. Дастлаб “У қизиқмагани учун мен қизиқдим” деб хулоса чиқарди. Бу мулоҳазада жон бор эди. Чиройли аёллар ўз гўзалликларига нисбатан бефарқликни ёқтирмайдилар. Айниқса, ижод аҳли гўзаллик шайдоси бўла туриб, чиройли аёлга нописанд қараса, бу ҳақорат, камситиш бўлиб туюлади. “Ёши неччида экан. Отаси етмишларга яқинлашган эди. Ўзи қирқларга борган-ов. Озғинлиги учун ёшроқ кўринса керак. Ҳарқалай... гапи самимий. Астойдил қизиқиб, такроран мақола ёзишга ваъда берди. Энди уни... аввал ўрганиб, сўраб-суриштириш керак... Керакми? Нима учун? Мақоланинг зарурати

борми? Эскириб, одамларнинг ёдидан чиқаёзган воқеани яна эслатиш даркорми? Ўйлаб кўриш керак. Тўхта, яхшиси Нурбекнинг ўзи билан маслаҳатлашиб кўр. Бунинг учун... уни учрашувга таклиф этишга тўғри келади..."

Эртасига у таҳририятга кўнғироқ қилди.

– Ассалому алайкум, Нурбек ака, – деб мурожаат қилди. – Мен... Мушфиқаман.

– Ваалайкум, – деди Нурбек. – Яхшимисиз? Эштаман.

– Ўша кунги гап эсингизда бўлса...

– Эсимда-эсимда. Хўш, нима қарорга келдингиз?

– Шунинг ўзини билан бир маслаҳатлашсам дегандим.

– Майли, хоҳласангиз таҳририятга келинг. Ё... Мен ишхонангизга ўтайми?

– Холироқ жойда, бемалол суҳбатлашсак маъқул эмасмикан? Ишда ноқулай-да.

Нурбек бир зум иккиланди. Кейин:

– Майли-ку... Иш кунлари эртадан кечгача таҳририятдаман. Дам олиш кунлари... оила, рўзғор ташвиши, дегандай...

– Бугун неччида бўшайсиз? Ёки... иш барвақтроқ тугайдиган кунингиз қайси? Уйга келинг, бир пиёла чой ичиб, суҳбатлашамиз.

– Эртага бўшроқман. Аммо... уйингизга... қалай бўлар экан?

Гапининг авзоидан бу йигит ишдан сўнг бегона аёл билан учрашишга ботина олмаётир. Қаранг-а, шунақа эркалар ҳали ҳам бор экан-да. Ё ўзини тарозига солаётirmi?

– Кўчада ё бирон ошхонада одамлар кўзида кўришгандан кўра, уй маъқулроқ-да. Агар... бир ўзингиз қўрқсангиз... Янгамни ҳам олиб келинг, – деди ҳазил оҳангидан хоним, кейин, – Манзилни ёзиб олинг, – деди қатъий овозда. Бу қатъият замирида аёлнинг яқин кишисига нисбатан айтиладиган нозли, эрка буйруғи яширингандек эди.

ЎН БИРИНЧИ БОБ

Далер Ботиров пойтахтда. У марказий сайлов комиссияси раиси қўлидан депутатлик гувоҳномасини қабул қилиб олмоқда. Бу унутилмас лаҳзалар кино, видеос тасмаларга туширилиб, тарих саҳифаларига муҳрланаётир.

Ҳужжатлар топширилгач, вилоятлардан келган депутатлар учун ҳозирча шаҳарнинг энг яхши меҳмонхонасидан бир кишилик хоналар ажратилгани, тез орада улар алоҳида квартиралар билан таъминланиши эълон қилинди. Далер йиғилишдан қайтар экан, “Ушбу санани кундалик дафтаримга қайд этмоғим зарур” деб ўйлади. Меҳмонхона ёнида ўралашиб юрган сураткашни чақириб, суратга тушди. Сўнгра ўзига ажратилган хонага чиқиб, боя харид қилинган қалин муқовали “Кундалик” дафтарнинг илк саҳифаларига қуйидаги сўзларни битди.

“Бир минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йил... Қишнинг сўнгги кунлари. Ҳали баҳор олдинда. Далер Ботировнинг ҳақиқий баҳори бошланмоқда. Ўттиз бешинчи баҳор. Ортдаги ўттиз тўрт баҳор – худди бир тушдек. Худди бир лаҳзада ўтиб кетгандек. Худди ҳаёт бугун бошланаётгандек...”

Ҳаяжонланаётгани боис жумлалар пойма-пой чиқяпти. Майли, ҳозирча шу етарли. Кейин бафуржа ўтириб, маъноли гаплар ёзади. Энди айтадиган ва ёзадиган ҳар бир гапи салмоқли бўлмоғи керак. Чунки уларнинг ҳар бири тарих саҳифаларида қолади. Ажабо! Чиндан ҳам шундайми? Наҳотки, камбағал бир қоровулнинг ўғли даб-дурустан тарихий шахсга айланиб қолган бўлса? “Ҳай-ҳай, шошма азизим, - деди ички бир овоз. Тарихнинг мунаввар саҳифалари билан бирга қора саҳифалари ҳам бор. Ўшанга тушиб қолмагин, ишқилиб”. Тавба! Шу садо ўзимнинг ичимдан чиқдими? Ахир, бу менинг овозим эмас-ку! Бу... анови Нурбек Холмуҳаммедовнинг киноя-

ли луқмаси-ку. Ғалати нусха-да шу Холмуҳаммедов. Ўзи бўлолмайдди, бўлганни кўролмайдди. Ҳолбуки, у ҳам бир умр обрў талашиб, мансаб-мавқега интилиб яшайдди. Далер масъул котибликни унга топшириб кетаётганида “Раҳмат ҳам демайсиз” дея ҳазил қилганида, лаб-лунжини йиғиштиролмайд кувониб турган бўлса-да, атай қовоғини уйиб “Мен бу ғалвали ишга жа-а ўлиб турганим йўқ эди” деди кўрслик билан. Дарвоқе, яқинда у бош муҳаррир ўринбосарлигига тайинланибди. Ўшанда Далер “Ўлиб турмаган бўлсанг, нега рад қилмадинг?” демади. Гапировради-да. Бу дунёда мансабга қизиқмайдиган одам йўқ. Мана, бош муҳаррир ўринбосарлигига ўтибди-ку...

Айтганча, Далернинг ўзи ҳам энди депутатлик баробарида марказдаги нашрлардан бирига камида ўринбосар ёки бошлиқ бўлиши мумкин. Агар марказий телевидениега ўрнашиб олса, яна ҳам яхши бўларди. Тўхта-чи, анови маҳаллий телевидениедаги “Бошқача фикр”ни марказий каналга кўчирса бўлмайдими? Мана бу зўр гап. Ана шунда бутун мамлакатга машҳур бўлади. Унча-мунча чигал, мунозарали масалаларда ҳам энди унга ҳеч кимнинг тиши ўтмайдди. Депутат – дахлсиз. Дарвоқе, дахлсизлик масаласи... Сафаровнинг илтимоси эсига тушди. Кўнғироқ қилиб, терговчи билан учрашиш керак. Телефон гўшагини олиб, рақам терди. “Я слушаю” деган ҳукмфармо жавоб эшитилди бироздан сўнг гўшакда.

– Ассалому алайкум. Яхшимиз, чарчамасдан ишлаб юрибсизми? – дея гапни узоқдан бошлади Далер.

– Давай по короче, а, – деди суҳбатдоши унинг сўзини бўлиб. – Слушаю тебя дорогой!

– Би-ир учрашсак дегандим. Депутат бўлдим, ювиш керак.

– От души поздравляю дорогой. Но встречаться с тобой сейчас я не могу. Сильно занят. Если что-то надо, говори по телефону, не стесняйся.

– Ҳалиги... Ражаб Сафаров бир учаламиз суҳбатлаш-
сак, деганди. У яхши одам. Менга ёрдами кўп...

– Опоздал дорогой. Мы вчера вечером с ним встретились и взяли его под стражу.

– Нима?.. – Далернинг юраги шувиллаб кетди. – Қанақа қилиб?

– Да так, просто на него у нас давно было показания
высоких должностных лиц. Твой Сафаров подозревается
в тяжких преступлениях. Так что, дорогой мой, держись
от него по дальше. Сделай вид, что ты его вообще не зна-
ешь и знать не хочешь. Понял? А то, не дай бог... Понял
да? Ну давай, позвони если что...

Далер дераза ёнидаги оромкурсига беҳол ўтириб қол-
ди. Ё, тавба! Ахир... Сафаров ҳам депутат эди-ку. Демак,
булар депутатлигига ҳам қараб ўтиришмас экан-да.
Афсус... сал аввалроқ айтишим керак экан... Хўш, олдин-
роқ айтганимда, уни қамашмасмиди? Қайтага... ўзимга
ортиқча гап сотиб олмасмидим. Кечроқ кўнғироқ қил-
ганим яхши бўлибди-ку. Ҳалиям... илтимос қилиб улгур-
маганим яхши бўлди. Ортиқча гапирмадим шекилли?
Шунчаки, Сафаровнинг таклифини етказдим, холос. Иш-
қилиб... Сафаров терговда “Далер Ботировга уй бердим,
ҳовли, машина тўғриладим” деб оғзидан гуллаб қўй-
масмикан? Эй, Худо! Омадим келиб турган чоғда бурним-
ни қонатма!..

Шу оқшом ухлай олмади. Ажриққа ағанагандек, тўлға-
ниб чиқди. Тонгга яқин кўзи бироз илинди-ю, яна ўша
тушни кўрди. Минбарда турганмиш. Каттакон машва-
рат. Залга қараб ҳеч кимни кўрмасмиш. Зеро, зал бўм-
бўш ва қоп-қоронғи эмиш. Шифтда кўршапалаклар чарх
уриб, учишармиш. Улардан бири шундоқ ёнига келиб қў-
нибди. Сулув бир жувонга айланибди. “Ие, фаришта-ку
бу! Лекин нега қоп-қора?” “Устимга мин, мен сени юк-
сакларга парвоз қилдираман, дермиш у. Мен парвоз
фариштасиман!” Минайми, минмайми дея иккиланар

эмиш Далер. “Минасан, барибир минасан, минмай кўрчи” дермиш қора фаришта қаҳ-қаҳ уриб ва ... кўршапалакка айланиб, қоронғилик бағрига сингиб кетганмиш.

Аъзойи бадани жикқа терга ботиб, уйғониб кетди. Астағфурилло! Бу қанақа туш? Нега энди кўршапалак? Нега энди қора фаришта? Бу тушнинг таъбири қанақа бўлса экан? Ҳарқалай “Таъбирнома” китобини бир варақлаб кўриш керак...

Алқисса, Далер Ботировнинг Олий кенгашдаги биринчи иш куни ана шундай бир қадар руҳсиз, хавотирли бошланди. Мажлис чоғида қулоғига гап кирмас, бўлаётган қизғин мунозараларда у иштирок этмай, жимгина хаёл суриб ўтирарди. Кенгаш мажлиси телевизор орқали бутун мамлакатга тўғридан-тўғри намоиш этилаётганлигини ҳисобга олсак, уни “зангори экран” орқали кўрган одам “анчайин босиқ, мулоҳазали йигит экан” деб ўйлаши мумкин эди.

“Наҳотки, хато қилдим, – деб ўйлар эди. – Ражаб Сафаровнинг хоми борлигини нега аввалдан сезмадим? Ахир оёғи қалтираб, ялтоқланиб юрганидан шубҳаланган эдим-ку! Нега унинг “туҳфа”ларини рад этмадим? Нафс устунлик қилдими? Агар... Сафаровнинг олдида тилим бироз қисик бўлиб қолмаганида, шу кунларда у ҳақда даҳшатли бир фелъетон ёзган бўлардим: “Раҳбарнинг инқироzi” деган. Марказдаги мана-ман деган фелъетончилар ҳам тилини тишлаб қолган бўлур эди. Афсус...”

Ўша куни кечгача кайфияти бўлмади. Меҳмонхонага қайтиб келгач, хонасидаги телефон тўхтовсиз жиринглаб, ҳамшаҳар ошналари кетма-кет табриклай бошлашди. Бироз дили ёришди. Биринчи бўлиб, туғилиб ўсган туманининг раҳбари Ҳамидулла Раҳматович қутлади. Бу одамнинг Далерга ёрдами кўп. Ўша ёниб кетган ҳовлининг қурилиш ашёларини олишга, томорқани йигирма сотих қўшиб кенгайтиришга кўмаклашган. Ёниб кетганда биринчи бўлиб ҳамдardлик билдирган. Далда берган. Ҳозир қўнғироқ қилиб қолгани яхши бўлди...

– Минг раҳмат, Ҳамидулла ака. Ростини айтсам, сизни отамдай кўраман. Юрагимга яқинсиз. Ниятнинг холислигини қаранг. Биринчи бўлиб қутлаяпсиз... Юртгами? Бир ҳафтадан кейин қайтсам керак. Биринчи сессия олти кун давом этар экан. Ҳа-ҳа! Албатта учрашамиз. Нима дейсиз? Ҳовлиними? Энди... билмадим ака, уни яна қайта қуришга менда маблағ бўлмаса...

– Маблағни ўйламанг, у ёғини менга қўйиб беринг, – деган овоз эшитилди нариги томондан. Далер юрагидаги саросимани ҳали буткул енгиб улгурмаган бўлса-да, қувониб кетди.

– Қандай бўларкин? Агар ҳаммаси қонуний бўлиб, бизга гап тегмаса... Майли.

Афтидан туман раҳбари Далернинг Сафаров томонидан дастлаб квартира, кейин ҳовли билан таъминланганини билмас ё билса ҳам... атай билмасликка олиб, ёнган эски ҳовлини тиклаш орқали Ботировга яқинлашишга уринаётганди. Ва бу уриниш замирида қандай мақсад ётганини у дарҳол сездирди. Сафаровнинг қамоққа олингани ва унинг ўрни бўшагани ҳақида гап очди.

– Ҳа, хабарим бор, Ҳамидулла ака, – деди Далер. – Нима ҳам дердик. Қонун ҳамма учун баробар. “Қилмиш – қидирмиш” дейдилар. Ўрнигами? Билмадим, ака. Энди... бирорта сизга ўхшаган муносиб, ҳалол, покиза одам қўйилади-да! Нима дейсиз? Ҳа, албатта! Бизнинг фикримизни инобатга олишса керак. Биздан фикр сўрашса, кимни айтишни яхши биламиз ака! Сиздай халқпарвар, адолатпеша одамдан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин!..

Шу гапдан кейин Раҳматов ҳовлини қайта қуриш ҳақида тегишли ташкилотларга ҳозирроқ топшириқ беражagini айтди. “Насиб бўлса, қисқа фурсатда ажойиб бир масканга айлантирамиз, ёзги таътилни шу ерда ўтказасиз” деди у пировардида.

Сўнгра Ҳакимаҳон қўнғироқ қилди. “Зукко аёл экан, қурғур, телефон рақамини қаердан топди экан?”

Раҳматов-ку Олий кенгаш котибиятидан сўраган бўлса керак? Бу-чи?"

– Телефон рақамини қандай аниқладингиз, азизим? – сўради мулойимлик билан Далер ўша оқшом хотираларидан вужуди қизиб бораётганини ҳис этар экан.

– Бу – сир, – деди Ҳакимаҳон. Ҳолбуки, бугун кундуз Олий кенгаш мажлисини телевизор орқали кўрган ва йиғилиш чоғида депутатларнинг қайси меҳмонхонада яшаётганлиги бир неча бор тилга олинган эди. Бинобарин, маълумотлар бюроси орқали топиш қийин эмасди. Далер хаёллари паришон бўлгани учун бунга эътибор бермаган экан.

– Биз томонларга бир келиб, камтарин қулингизни хурсанд қилиб кетмайсизми?

– Бораман. Олий кенгашга эримнинг иши бўйича бир ариза ташламоқчиман.

– Қачон келасиз?

– Эртага эрталаб.

– Яхши, бўлмаса... келгач, бирон меҳмонхонага жойлашиб, менга қўнғироқ қиларсиз.

Ҳакимаҳон ранжиди. У “кутиб оламан” ёки жилла курса “бизнинг меҳмонхонага келинг, жойлаштириб қўяман” деган гапни кутганди. Буни Далер сизди. Ўзини оқлади.

– Ўзингиз тушунасиз-ку. Бизни бирга кўрмасликлари керак.

– Нимадан кўрқасиз? Иккимизнинг ҳам бошимиз очиқ, эркин одамлармиз-ку.

– Ҳар ҳолда... сиз “эримни кутяпман” дегансиз.

– Десам дегандирман. Лекин талоқ хатим қўлимда. Истаган пайтимда эр қилишим мумкин.

– Ие, шунақами?..

– Шунақа.

– Ундай бўлса, нега собиқ эрингизни қамоқдан чиқариш учун югуриб юрибсиз.

– Одамда... Меҳр-оқибат ҳам бўлиши керак-ку.

– Тўғри айтасиз. Майли, хафа бўлманг. Келиб... Бизнинг меҳмонхона маъмурига учранг. Мен тайинлаб қўяман. Қолган гапларни кўришганда гапиришамиз...

Далер гўшакни қўяр экан, “дугонаси ҳақида сўраш керак эди” деб ўйлади. Майли, келаверсин-чи, дугонасини ҳам... албатта қўлга оламиз...

Навбатдаги қўнғироқдан Далер ҳайратга тушишни ҳам, қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай қолди. Бу қўнғироқ мутлақо кутилмаган одамдан эди. Далер у ҳақда орқаворотдан баъзи ваҳимали гаплар эшитган бўлса-да, ўзини бирор марта ҳам кўрмаганди.

– Мен Мухторбекман, Далер ака. Сиз мени... танимай-сиз. Аммо эшитган бўлишингиз керак. Мухторбек Эрғозиев. “Султон” ширкатининг раиси. Табриклайман ака!

– Раҳмат, раҳмат, Мухторбек. Сизни яхши биламан учрашмаган бўлсак ҳам...

– Энди худо насиб қилса, бир учрашсак. Янаги ҳафта тўйимиз бор. Отамнинг олтмиш йиллик юбилейлари. Фарзандларимизнинг қўлини ҳам ҳалоллаяпмиз. Мен сизга таклифнома жўнатдим. Олиб бориб беришади. Лекин албатта кутамиз ака. Пойтахтдан ҳам анча обрўли меҳмонлар келишади. Бирга бўлинг!

– Насиб бўлса, албатта қатнашамиз, – деди Далер. Кейин гўшакни қўйиб, “Оббо, шуниси етмай турувди ўзи” деб ўйлади. “Султон” ширкатининг раиси Мухтор Эрғозиевни у “шаҳар жиноят оламининг етакчиларидан бири” деб эшитганди. Узунқулоқ гапларга қараганда, ширкат бир неча озиқ-овқат дўконлари ҳамда ошхоналарга эгалик қилишдан ташқари бошқа ширкатларга, жамики савдогарларга зўравонлик кўрсатиб, “солиқ” йиғиш билан шуғулланар экан. Милиция, прокуратура буни билиб билмасликка олади дейишади. “Ҳақ”ларини тўлаб туришса керак-да. Майли, бу қавм билан орани бузмаслик керак. Нариги ҳафта бўлса... борганда бирров кириб чиқиш мумкин...

ЎН ИККИНЧИ БОБ

Бу дунёдаги жамики воқеалар бир-бирига алоқадор ва мудом ўзаро боғланишда, дейишади. Эҳтимол бунга Ньтоннинг бутун олам тортишиш қонуни сабабчидир. Ҳарқалай Мухтор Эрғозиевнинг Далер билан гаплашгандан сўнг айнан Мушфиқахонимга кўнғироқ қилганини ва суҳбат асносида Далер Ботиров номини ҳам тилга олганини айтсак, бу ҳол тасодиф эмас, балки алоқадор қонуният маҳсули эканлиги ҳақида ўйлаб қолсангиз ажаб эмас.

Телефон жиринглаган пайтда Мушфиқахоним хизматкор аёл тузаган тўкин дастурхонни яна бир карра кўздан кечириб, кўнгли тўлгач, хобхонасига кириб, ўзига оро беришга киришган эди. Қош қорайиб қолди. Ваъдага биноан, бугун хоним хонадонига унинг кўнгил қушини ҳуркитган, эс-ҳушини ўғирлаб, ҳаловатидан бе-насиб этган инсон ташриф буюрмоғи кутилмоқда.

Ажабо, бу оламнинг ишлари ҳўп қизиқ-да. “Подшонинг ишқи қурбақага тушибди” деганларидек, Мушфиқахонимдек ҳусн маликаси, шаҳарнинг норасмий бўлса-да, энг бадавлат бойвуччаларидан ҳисобланмиш нозик таъбли аёл қаёқдаги чувринди бир журналистнинг васлига етиш учун мана, бир неча кунки, ўзини кўярга жой тополмайди. Ҳаяжонланади ёш қизлардек. Вужуди қизийди. Гўё жисмида янги бир тўлқин уйғонгандек. Ҳақиқий муҳаббат кутилмаганда, суриштириб ўтирмасдан, огоҳлантирмасдан кириб келади, дейишади. Муҳаббатми бу? Нимасини севиб қолди ўша кўримсиз, камбағал йигитнинг? Ўжарлигиними, нописандлигиними? У ҳолда бу севгими? Бу... Шунчаки ов эмасми? Ўлжа ориқ ва арзимас бўлса-да, овчига ҳадеб чап бераверса, унинг шахду шиддатини кучайтириб юборар эмиш. “Шуни тутмасам, қўлга киритмасам қўймайман”

деган ёввойи иштиёқ пайдо бўлармиш сайёд вужудида. Шунақа эмасмикан?

Йўқ, хоним бу ҳақда ўйламайди. У Нурбек Холмуҳаммедовга нисбатан ўзида ногаҳон пайдо бўлган туйғуни таҳлил ва танқид этиб ўтирмайди. Буни истамайди. Фақат у шуни биладики, бу туйғу – янги туйғу. Мутлақо янги. Хоним биринчи марта эр кўриб, ҳофиз йигитнинг ашулалари сеҳрида сел бўлиб, бағрида мумдек эриган кезларида ҳам, шиддаткор ва шошқалоқ, аммо сермуҳаббат Султонбекнинг муруввати ва саховатига қойил қолиб, жисмини унга қувонч-ла топширганида ҳам, Самад Валиевнинг “Сени киборлар жамиятига олиб чиқаман” деган баландпарвоз ваъдаларига ишониб, сидқидилдан эркаланганида ҳам бу туйғуни ҳис этмаган. Бу туйғу... ёшгина қизалоқнинг эсини илк бора таниб, қўғирчоқ ўйнай бошлаган кезларида севимли қўғирчоғига нисбатан пайдо бўлган болаларча “оналик” меҳрига ўхшаб кетади. Бунда аллақандай нафислик бор. Шу топда хоним ўзи авайлабгина бағрига босмоқчи бўлаётган “қўғирчоқ” бировники эканини ҳам ва унинг кўлида эркаланиб, бағрига босилишни истайдими, йўқми – буни ҳам ўйламайди. Унинг кўз ўнгида... Нурбекнинг қоп-қора кўзлари мудом чақнаб туради. Тавба, кўзларга ҳам ошиқ бўладими одам ҳеч бир замонда?

Бўлар экан. Мушфиқахоним кеча деярли ўн йилдан бери қўлга ушламаган дуторини қўлга олди. Беихтиёр илгари нотаниш бўлган бир куйни чалиб юборди. Тилига чиройли, дардли сўзлар қуйилиб келди. “Кўзимдек кўз топдим-у, сўзимдек сўз топдим-у, ўзимдек ўз топмадим”. Ё, фалак, санга қайдан келди бу илҳом? Ажиб бир қўшиқ туғилади шекилли...

Пианино ёнига ўтириб, қўшиқни бадиҳа усулида оҳангга солиб, куйлай бошлади: “Кўзимдек кўз топдим-у, сўзимдек сўз топдим-у, ўзимдек ўз топмадим...”

Бугун у тонгда кўшиқни сайқаллаб, бир неча бор ай-тиб кўрди. Назарида ёмон чиқмади. Энди кўшиқ мазмунига мос чеҳра, қиёфа яратмоқ зарур. Токи...

Телефон худди мана шу нуқтада жиринглади. Хоним ўрнидан сакраб турди. Залга чиқди. “Наҳотки, бу ўша?” Ошхона томондан телефон сари югуриб келаётган хизматкор аёлни кўл ишораси билан тўхтатди. Ўшакни ўзи олди. Ҳафсаласи пир бўлиб, энсаси қотди. Мухторбек экан. Бир неча йил ўзи билан ўзи бўлиб, “Аҳволинг қалай, бормисан, йўқмисан” демай кетувди. Кейинги пайтлар кучайиб, аҳвол сўрайдиган бўлиб қолди. Мақсади аниқ. Хуфия учрашиб турсам дейди. Шунга шаъма ҳам қилди. Хоним ётиғи билан тушунтирди. “Мени ҳурмат қилмасангиз, лоақал акангизнинг хотирасини оёқ ости қилманг. Сизга ярашмайди. Уят бўлади” деди. Лекин... бола пули кўпайиб, уят-андишани ҳам унутган шекилли, сира бўш келмаяпти.

– Яхшимисиз, янга, – деди Мухторбек бу сафар бошқача оҳангда. “Хайрият, ақлу хушини йиғибди” деб ўйлади Мушфиқа, чунки кейинги пайтлар “янга” деб эмас, “Мушфиқахон” дея мурожаат қиладиган бўлувди.

– Яхши, раҳмат, ўзларингиз яхшими, отам буткул соғайиб кетдиларми? – сўради Мушфиқа. У собиқ қайнотаси касалхонага тушганини эшитиб, бориб кўрган, Султонбекни эслаб, бир муддат кўз ёши қилиб, қариянинг меҳрини ийдирган эди. Гап орасида Мухторбекнинг ўзига нисбатан кўрсатаётган ғамхўрлиги ҳақида гапириб, агар бу ҳаддан ортиқ бўлиб кетса, оила шаънига доғ тушириши мумкинлигини эслатди. Чол замонавий чоллардан бўлгани учун уни тўғри тушунди. “Хотиржам бўлинг қизим, у сизни бошқа безовта қилмайди” деди. Демак...

– Тўй бошлаб кўйдик. Янаги ҳафта. Индин маслаҳат оши. Келинг албатта. Отам хурсанд бўладилар...

Кейин Мухторбек тўйга пойтахтдан машҳур артистлар келишини, катта одамлар таклиф этилганини айтди.

– Ҳозиргина депутат Далер Ботировга ҳам хабар қилдим, – деди.

– Яхши қилибсиз, – деди хоним ва маслаҳат ошига албатта боришини айтиб, хайрлашиб гўшакни қўйди. “Дарвоқе, Ҳакимаҳон айтувди-я Далер Ботиров сайланганини. Одамгарчилик юзасидан бир қўнғироқ қилиб, табриклар қўйиш керак...”

Телефон такроран жиринглади. “Оҳ, деди гўшакни қўлоғига қўяр экан хоним ҳаяжонини босолмай. Бу – Нурбек эди”.

– Бироз кечикяпман, узр, – деди у. – Ярим соатлардан сўнг ҳузурингизда бўламан.

– Яхши! Кутяпман, – деди хоним юраги гуп-гуп уриб. Гўшакни қўйиб, хизматкор аёлни чақирди.

– Аний, биринчи овқат тайёрми? Ошнинг ҳам тагини солиб қўйдингизми? Яхши, гуручини ювиб, тайёрлаб қўйинг-да, кейин сизга жавоб. Ошни ўзим дамлайман. Тушунарикми?

Аёл “хўп” ишорасини қилиб, ошхона томон кетди. Хоним хобхонага йўналиб, пардозни охирига етказишга киришди.

Нурбек ваъда қилгандек, роппа-роса ярим соатдан сўнг етиб келди. Дарвоза қўнғироғи оҳиста чалинди. Хоним ҳозиргина кийган французча декольте қўйлагини устидан елкасига пўстин илиб, ташқарига чиқди. Дарвозани очди. Қаршисида Нурбек. Эгнида одмироқ чарм плашч. Қўлида гулдаста. Ёлғиз. Хоним қувончдан қичқириб юборай деди. У кеча “Тортинсангиз янгамни ҳам олиб келинг” дегани учун “жуфтлашиб келишса, бироз ноқулай бўлади-да деган хавотирда эди. Хайрият. Тушунадиган йигит экан.

– Қани, марҳамат, – деди саломлашиб, гулдастани қабул қилиб олар экан қўшиб қўйди: – Бекорга овора бўлибсиз-да. Аммо-лекин... Менинг севимли гулим – қирмизи атиргул ғунчаларини... билгандай олиб келибсиз.

Қаердан билдингиз, қирмизи атиргулни яхши кўришимни? Қани ичкарига!

– Тушимда аён бўлди, – дея ҳазиллашди Нурбек айвонга кириб, плащчини ечар экан.

– Вой, ҳали мени... тушингизда ҳам кўрдингизми? – деди Мушфиқа бу гапга қизболадек астойдил ишониб.

– Сизни эмас, гулларни, – деди Нурбек ҳазилини давом эттириб.

– Кўйинг-е, одамнинг ҳафсаласини пир қилдингиз. Мен бўлсам, хурсанд бўлибман...

– Сизни фақат тушда кўрсам хурсанд бўласизми? Ахир... ўнгда кўрганим яхши эмасми? Демак, келганимга... хурсанд эмас...

– Оббо, тилимдан илиндим-ку. Тилчиларга бир нарса деб гапириб ҳам бўлмайди. Ахир... Тушида кўрганига бир суюнган одам, ўнгда кўрганига юз суюнмайдими?..

– Мана бу гап учун раҳмат, – деди Нурбек бирдан жиддийлашиб, – Қалай, яхшимисиз? Соғ-омон бормисиз?

– Худога шукр. Қани, меҳмонхонага марҳамат, – деди хоним меҳмонни залдаги дастурхон ёнига бошлаб.

– Ўҳ-ўҳ, намунча катта ташвиш, – деди Нурбек дастурхонга қараб. – Нима, яна бошқа азиз меҳмонлар ҳам келишадими?

– Сиздан азизроқ меҳмон борми? – деди Мушфиқахоним маъноли жилмайиб. – Қани, нонни ушатиб туринг, мен чой дамлаб келаман.

Чой олиб келди. Мушфиқахоним олтин суви юргизилган бениҳоя гўзал, қимматбаҳо пиёлага чой қуйиб, ўрнидан туриб, чап қўлини кўксига қуйиб Нурбекка узатди.

– Мени ноқулай аҳволга соляпсиз, – деди Нурбек ўнғайсизланиб. – Яхшиси, чойнакни менга беринг, мен қуяй.

– Йўқ, йўқ. Чойни ўзим қуяман, – деди хоним назокат билан. – Сиз яхшиси манови фаранг шаробларидан очинг. Чойни аёл, шаробни эркак қуйса чиройли бўлади.

Нурбек ўша пайтлар бутун мамлакат миқёсида “Хушёрлик мавсуми” деб аталмиш бемаъни тадбир туфайли яхши шаробни соғиниб юргани учунми, дастурхондаги хилма-хил шишаларга қизиқсиниб қаради. “Чинзано”, “Вермут” винолари, “Жон Уокер” номли виски, арман ҳамда грузин коньякларидан тортиб, молдованларнинг “Оқ лайлак” игача муҳайё эди бу дастурхон узра.

– Чинакам “очил дастурхон” ку бу, – деди йигит беихтиёр оғзининг суви қочиб. – Қайси бирини очай?

– Ўзингизга виски. Менга озроқ шампан қуйинг. Ё... арман коньягидан ичасизми?

– Ундан ташқари вино ва закускасига пиво, – деди ҳазиллашиб Нурбек. Ижод аҳлининг аксарияти яхши ичимликни кўрганда кайфияти кўтарилади. Нурбекнинг ҳам шу топда вақти чоғ эди.

– Шўх, ҳазилкаш йигит экансиз, – деди хоним ҳам қувноқ кайфиятда. – Ўша куни... анча жиддий кўрингандингиз. Қани, қуймайсизми?

Нурбек икки қадаҳни шампан билан тўлғизиб, бирини хонимга узатди.

– Йўқ-йўқ, бунақаси кетмайди, – деди хоним виски шишасини қўлига олиб ўзи очар экан. – Бу шотланд вискисини бир пайтлар Лондондан олганман ва ният қилганманки, энг азий меҳмоним билан ичаман, деб.

– Ўҳ-ў, Лондонда ҳам бўлганмисиз? – деди ҳавас билан Нурбек.

– Парижда ҳам. Берлинда эса яшаганмиз.

– Ҳа-я, – деди Нурбек, – шавкатли қўшинларимиз сафида... Дарвоқе, Афғонистондаги чекланган қўшинлар олиб чиқила бошланди. Эшитдингизми?

– Хайрият.

Хоним иккита қадаҳга виски қуйди.

– Шампанни эса газгага ичамиз, муздеккина, – деди. – Энди сўз сизга!

– Ие, гапирамиз ҳамми? – деди Нурбек.

– Гапириб ичсак, “ичкиликбозлик” ҳисобланмайди, деб ёзасизлар-ку.

– Тўғри айтасиз. Яшанг! Майли, келинг, шу қадаҳни дунёдаги энг гўзал аёлнинг хонадонида ўтириб, дунёни гўзаллик қутқариб қолиши учун ичайлик!

– Раҳмат! – деди хоним. Вискини ичиб, устидан шампанни сипқоргач, анордек лабларини эҳтиёткорлик билан артар экан, йигитнинг кўзларига қараб сўради:

– Сиз чиндан ҳам мени... дунёдаги энг гўзал аёл деб ҳисоблайсизми?

– Аслида аёлнинг хунуги бўлмайди, – деди Нурбек мутлақо жиддий оҳангда, – Лекин сиз чиндан ҳам жуда гўзалсиз.

Мушфиқахоним бу мақтовданми ё бояги виски таъсиридами қизариб, кўзлари сузилиб кетди. Хаёлида “йигит мен кутганимдан кўра ҳам тезроқ пишди шекилли” деган ёввойи фикр ўтди. Ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди.

– Мен ҳозир. Ярим косадан шўрва сузиб келаман. Ил-васин гўштидан.

Шўрва ичилиб, яна бир қадаҳдан виски қуйилди. Иккинчи қадаҳ ҳар иккисининг қулфи дилини очди. Йигит шеър ўқиди. Мушфиқахоним эса пианино ёнига ўтириб, куйлаб юборди:

Кўзимдек кўз топдим-у,

Сўзимдек сўз топдим-у,

Ўзимдек ўз топмадим...

– Қойил, офарин! – дея олқишлади Нурбек қарсак ча-либ. – Ажойиб мусиқий истеъдодингиз ҳам бор экан.

– Сиз менинг... рақсга қандай тушишимни кўрмаган-сиз ҳали. Ҳозир магнитофонни қўяман.

– Шошманг, – деди Нурбек. – Рақсни... янаги сафарга қолдирайлик. Кеч бўлиб қолди. Мен кетишим керак. Келинг, ўтиринг. Ўтган воқеаларни қисқача сўзлаб беринг.

Мушфиқахонимнинг ичида бир нарса “чирт” этиб узилгандек бўлди: “намунча совуққон бу йигит?”

ЎН УЧИНЧИ БОБ

Ёз келди. Баҳор сездирмай ўтиб кетгандек. Эҳтимол, бу воқеаларнинг шиддатли тус олгани билан боғлиқдир. Пойтахтдан тортиб, узоқ қишлоқларгача аллақандай таҳликали вазият ҳукм сурмоқда эди. Фарғонада жанжал, Литва, Грузия ва яна қанча жойларда намойишлар, тўқнашувлар. Улкан мамлакат усти ёпиқ қозондек қайнаб ётар, қопқоғи олинган заҳоти тошиб кетадигандек эди.

Ана шундай кунларнинг бирида айнаи ёз пайти Далер “Волга”сидан тушиб, ички ишлар бошқармасига кирди. Икки кун аввал Олий кенгашнинг навбатдаги сессиясидан қайтиб келди. Дастлаб вилоят маъмуриятига кириб, янги раҳбарни қутлади. Илгари марказдаги вазирликлардан бирида муовин бўлиб ишлаган бу одам босиқ, камгап экан. Далерни ҳурмат-иззат билан қарши олди. “Вилоятимиз, шахримиз обрўсини оширяпсиз, раҳмат сизга” деди. Афтидан, у Далернинг сессия мажлисларидан бирида сўзга чиқиб, “Қадимий шаҳарни халқаро сайёҳлик марказига айлантириш учун бу ерда янги меҳмонхоналар қуриш зарурлиги” ҳақида таклиф киритганини назарда тутяпти. Аслида, бу таклифни Далер хорижий қурилиш фирмаларидан бирининг “ёғлиққина” илтимоси асосида кўтариб чиққанди. Ўша фирма шаҳар маъмурияти билан янги беш юлдузли меҳмонхона қуриш юзасидан музокаралар олиб бораётган экан-у, маҳаллий раҳбарлар “юқоридан рухсат беришмаяпти” деб чўзиб юришган экан.

– Туғилиб ўсган маконимиз шон-шуҳрати учун кураш муқаддас бурчимиз, – деди Далер. – Аммо маҳаллий раҳбарият ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратмоғи зарур.

– Тўғри айтасиз. Мен шаҳар маъмуриятига топшириқ бердим. Энди ишлар жадаллашиб кетади.

– Дарвоқе, – деди Далер худди бу фикр дафъатан эсига тушиб қолгандек.– Ўша... Шаҳар раҳбари сал бўшроқми, дейман-да. Бошлиқ деган сал чаққон, ташаббускор бўлиши керак... анови Ҳамидулла Раҳматовга ўхшаган. Раҳматов жуда кенг миқёсли одам. Лекин ҳанузгача кичик бир туманда юрибди. Менимча, ўша кишидан юқорироқ, масъулиятлироқ жойларда фойдаланиш керак.

– Бу таклифингизни албатта ҳисобга оламиз, – деди янги раҳбар мийиғида жилмайиб.

Далер раҳбарнинг табассумини ўзича тушунди: “Раҳматов вилоят раҳбарлиги учун ҳам курашганини сезган шекилли, истехзо қияпти. Лекин барибир... Шаҳарга янги одам қўйилади-ку. Раҳматовни қўйса ҳам ажаб эмас. Раҳматов – йирик шахс. Тажрибали, ақлли одам. Кимга қандай муомала қилишни билади. Бунинг қўнглига ҳам йўл топади...”

Раҳматов чиндан ҳам Далер ўйлаганидек, уддабурро киши экан. Ваъдасининг устидан чиқди: ёнган ҳовлини бир ярим ойга қолдирмай, тиклаб берди. Отасига раҳмат. Далерни аэропортда кутиб олиб, “Юринг, аввал ота маконингизни бир кўрайлик” дея ўша ёққа бошлади. Куни кеча қорайиб ётган вайрона ўрнида қад ростлаган оппоқ, муаззам иморатни кўриб, Далернинг оғзи очилиб қолди. Раҳматовни бағрига босиб, юзидан ўпди.

– Миннатдорман ака! Сиз... Менга чинакам оталик қиялпсиз. Сизни... отам десам арзийди. Сиздан бир умр қарздорман!..

– Қўйсангиз-чи, Далержон. Арзимаган ишлар-ку бу. Ҳали... бирга бўлсак, кўп улуғ ишларни бажарамиз.

– Албатта ака.

Сўнгра биргаликда “бир пиёла чой” ичишди. Сухбат асносида Раҳматов “Янги раҳбарнинг олдида кирганингизда бир оғиз гапириб қўйинг” деб илтимос қилди. “Эшитишимча, яқинда шаҳар раҳбарини алмаштирар эмиш” деб қўшиб ҳам қўйди.

– Ўтасизми шаҳарга? – деб сўради Далер худди бу масалани ҳозироқ ҳал қилиб ташлайдигандек. – Туман тинч, яхши эмасми?

– Ҳа, энди... Шаҳар катта жой. Салкам бир миллион одам яшайди. Ичида бир неча туманлари бор...

– Тушундим ака. Эртага эрта биланоқ шу масала билан шуғулланаман.

Зиёфатдан тун ярмисида қайтган Далер дарвоза қулфига калит солар экан, кўчага қараган деразалардан бирида шуъла кўрди. “Ие, ким бўлиши мумкин? Ё, тавба! Ўғри кирдими? Нима бало?”

Кўрқиб кетди. Қулоғи диккайди. Хайрият, ичкаридан аёл кишининг “Кираверинг” деган паст, деярли шивирлаган овози эшитилди. “Тфу, – деди кўксига туфлаб. – Ҳакимахон-ку! Қандай кирди экан?”

Дарвоза дарчасини очиб, ичкарига кирар экан, димоғига фаранги атир ҳиди урилди. Қоронғи дарвозахонада аёлнинг “Хуш келибсиз” деган овозига ва қайнок кучоғига дуч келди. Энсаси қотганини сездирмай:

– Қандай кирдингиз? – деб сўради.

– Вой, айтгандим-ку, калитлардан бир нусха яшириб қолгандим деб. Кеча “боряпман” деб қўнғироқ қилганингизда, “уйда кутайми?” деганимда, “майли” дедингиз-ку.

– Ҳа-а, шу уйда деганмидингиз? – деди бўшашиб, чарчаганини сезган Далер.

– Сиз қайси уйда деб ўйладингиз? Уйларингиз шунчалик кўпми, чалкаштириб юборадиган бўлибсиз? Айтганча, у ёқда ҳам уй беришдими?

– Яқинда беришади. Қани юринг ичкарига, – деди Далер жувоннинг белидан ушлаб, уйга бошлар экан.

Бир неча дақиқадан сўнг улар тароватли хобхонада ачомлашиб ётишар, Ҳакимахоним эҳтирос билан “бирам соғиндим, бирам соғиндим” дерди такрор ва такрор.

– Яқинда бориб келдингиз-ку, – деди Далер.

– Ҳо-о, бир ой бўлди-ку. Анови кишини қаранглар.
– Сизга... хушхабар олиб келдим, – деди Далер бироз ўйланиб ётгач. – Яқинда эрингиз қамоқдан чиқади.

– Биламан, хабари келди, – деди Ҳакимаҳон негадир ғамгинроқ овозда. – Яхши бўлибди. Бироқ энди у одам менинг эрим эмас. Номаҳрам.

– Ие, қўйди-чиқдини сохта дегандингиз-ку.

– Энди ҳақиқий бўлди. Мен у кишига “Сизни чиқариш учун ўзимни қурбон қилдим” деган маънода хат ёзган эдим. “Сендан бир умр розиман. Талоқ хатинг қўлингда” деб жавоб ёзиб юбордилар. Ўзи... Кетаётган пайтларида ҳам “Эр қилсанг, хафа бўлмайман” дегандилар-у, мен “Кутаман, хотиржам бўлинг” деб далда бергандим-да.

– Демак... Энди эрингиз йўқ. Шундайми?

– Шундай. Шунинг учун дадил уйингизга келиб, кириб ўтирибман-да.

– Бу нима деганингиз? Тушунмадим.

– Бу энди буткул сизникиман, дегани.

– Ие, бунақа келишмагандик-ку.

– Ҳо-о, қанақа келишгансиз? Бировнинг хотинини... лақиллатиб, айшимни суриб юравераман деб ўйлаган-мидингиз?

Ҳозиргина айш, ҳузур-ҳаловат ичра қовушиб ётган жазманлар ўртасида даҳанаки жанг бошланди.

– Мени никоҳингизга оласиз, гап шу, – деди Ҳакимаҳон хурпайиб. – Бу уйни аввалги эрим менга деб қурган. Мана энди, сиз зўрлик билан эгаллаб ўтирибсиз. Майли, илойим бундан ҳам зўр бўлинг. Пичоғингизнинг дами қайтмасин. Лекин... Мен энди бу уйдан ҳеч қаёққа кетмайман!..

– Болаларингиз нима бўлади? Мен... уч болали хотинга уйланишга... очиғи... оталари тирик, қамоқдан қайтиб келаётган бўлса... Уларни тирик етим қилманг.

– Болаларимнинг ғамини емай қўя қолинг. Уларни... аллақачон онамга қолдирганман. Сизга қўчқордай ўғиллар туғиб бераман.

Ҳакимаҳон шундай дея туриб йиғлаб юборди.

“Жинними бу аёл, нима бало, – ўйлади Далер. Нимага бунақа қиялпти? Нега бунча ёпишиб олди? Мурасага бормасанг... Шовқин-сурон, ёза-ёз қилиб, обрўйингни тўкиб ташлайди. Оббо... Қаёқдана ёпишди бу наҳс...”

– Майли жоним, сиз айтгандай бўлади. Никоҳимга оламан. Шу ҳовлида... мазза қилиб яшайсиз. Лекин... мени бунча шоширманг.

– Шошираётганим йўқ, – деди жувон кўз ёшларини артиб. – Лекин... Энди бу уйдан кетмайман. Тамом-вассалом!

Далер аёлни яна бағрига босди. Сочларини силади. Ҳозир дабдурустдан бунақа қилиш мумкин эмаслигини тушунтиришга уринди. “Эрингиз чиқиб келсин. Одамлар кўз ўнгидан ундан расман ажралинг. Кейин бемалол турмуш қурамиз”.

– Кейин алдаб кетмайсизми? – деди Ҳакимаҳон бир қадар юмшаб.

– Алдасам... Эркак эмасман! Гап битта, – деб юборди Далер. У ҳозир нима бўлса ҳам ушбу муаммони яхшилик билан ҳал этиши зарур эди.

– Уйнинг калити эса... ўзимда туради, майлими, – деди Ҳакимаҳон эркаланган оҳангда. – Ахир... Сиз у ёқдасиз. Келиб хабар олиб тураман-да.

– Майли.

– Яна битта илтимосим бор. Айтайми?

– Айтинг.

– Эрим қамалганидан кейин... Милицияда ишловчи укамни бўшатиб юборишган. Ўшани жойига тиклаб берсангиз.

– Бўпти.

– Қачон?

– Ҳозир бораёми? – деб ўрнидан турди Далер шир яланғоч ҳолида.

– Эртага. Хўпми?

– Хўп!..

Мана шу ташвишда у ҳозир вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳузурига келаётир. Шўрлик Ражаб Сафаровнинг “Генералга айтдим, уйингизга ўт қўйганларни топмаса, ўз ҳовлисини бўшатиб беради” деган гапини эслади. Сафаров қамалиб ётибди. Генерал эса соғ-саломат. У Далерни яхши билади. Илгари бир-икки марта тўқнаш келишган. Далер “Бошқача фикр” кўрсатувида у билан суҳбат ўтказиб, “Нега мафияга қарши курашмайсиз?” деган аччиқ савол берган, генерал эса пинагини бузмай “Бизда мафия йўқ, майда-чуйда ўғри-безорилар бор, холос” деб жавоб қайтарган. Кейин кечирим сўраган. “Ака, илтимос, телевизорда бунақа гапларни айтмайлик” деган. Дўстона хайрлашишган. Қанақа топшириқ бўлса, тайёرمиз, буюриб тулинг, деган. Мажлис-машваратдаги шунчаки салом-аликларни ҳисобга олмаганда, ўшандан бери бафуржа учрашиб, суҳбатлашишмаган.

Энди кўрса... ёпишиб қолса керак. Ҳозирги шароитда унча-мунча генералларнинг ҳам оддий бир сержантчалик қадри қолмаган. Нечтаси қамалди. Нечтаси ўзини отди...

Шу ўйлар гирдобида бошқармага кирган Далер ярим соатлардан кейин аъло кайфиятда қайтиб чиқди. Генерал илтимосини бажаришга сўз бериб, уни бешинчи қаватдан биринчи қаватгача кузатиб қўйди.

– Ташқарига чиқиш шартмас, раҳмат! – деди Далер.

– Машина борми ё айтайми, хизмат қилишади, – деди генерал.

– Шарт эмас, машинам бор. Ташқарида турибди, – деди Далер бошқарманинг кенг-мўл, панжарали ҳовлисидан чиқар экан. Аммо...

Аммо афсуски, машина қўйган жойида йўқ эди. Жойини адаштирдимми, деб уёқ-бу ёқни қаради. Йўқ! Бирортаси ҳазиллашдими? Ким ҳазиллаша олади?

Мамлакатнинг каттакон сиёсий арбоби билан. Ёки... ўғирлаб кетишдими?

Юраги “шув” этди. Қайтиб бошқармага, яна генерал ҳузурига кириб кетди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

Нурбекни кузатиб, қайтиб киргач, Мушфиқахоним алам билан ўзини каравот устига отди. Ўкириб йиғлаб юборди. “Эй фалак, нега менингустимдан бунчаликаччиқ куласан?” дея оҳ тортди. “Шунча жафо чекканим, шунча ҳижрон, шунча айрилиқ етмасмиди? Нега менинг... арзи-маган, оддий бир истагим амалга ошмайди?” дея ёзғирди. Бағридаги совуқ шоҳи ёстиқни муштлади. “Бераҳм, бевафо! – деди. – Нимангга кериласан бунча? Нега ўзингни тарозига соласан, сариқ попишак?” У шундай дея Нурбекни қарғади. Бироқ шу заҳоти юмшаб, унга хаёлан ўтинч ва гина билан хитоб қилди: “Нега мени... севгимни тушунмадинг, жоним? Нега мени... ёлғиз ташлаб кетдинг гўрдай совуқ ва нурсиз бу маконда? Нега?..”

Ростдан ҳам шу топда муҳташам кошона кўзига ҳувиллаб ётган совуқ бир чордевор бўлиб кўринди. “Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам. Дўст қадам қўймас эса вайронадир кошона ҳам” деган сатрларни эслади. Биринчи эри Носир Хуморбоев ана шу ашулани ўзи басталаган янгича куй билан зўр қилиб айтар эди. Одам одам билан тирик. Айниқса, яхши кўрган одамнинг ёнингда бўлса, бу ҳаёт кўзингга жаннатдек кўринади. Ёлғиз бўлсанг, кўнгил майлига даво топмасанг, ҳар қандай кошона вайронадек. Сийму зар қуруқ, совуқ тошлар бўлиб кўринади. Буни Мушфиқахоним умрида биринчи бор яққол ва равшан ҳис этиб ўтирар, “бундан кўра, камбағал бир чўпон билан севишиб, турмуш қуриб, тоғу тошларда ана шу севги сеҳри билан маст бўлиб яшага-

ним яхши эмасмиди, резинка калиш кийиб юрсам ҳам” деган шаккок хаёлларга ҳам борар, гўё ҳозир унга “бутун бойлигинг, шоҳона турмушингни мана шу қорақўз маллавой йигит билан бир кеча бирга бўлишга алишармидинг” деган савол берилса, сира иккиланмасдан “алишардим” дея жавоб беришга тайёр бир ҳолатда эди. Ишқ жунуни хавфли нарса. Одамни телба қилиб қўйиши мумкин.

Ростдан ҳам тун бўйи телбадек тўлғаниб, инграниб чиқди. Эртасига ишга ҳам боргиси келмади. Ҳакимахонга кўнғироқ қилди. “Келинг, мазам йўқ, гапиришиб ўтира-миз” деди. Ҳакимахон келибоқ, ўзининг пойтахта саёҳатини, Далер Ботиров билан дўстона муносабат ўрнатганини гапириб кетди.

– Вой, ростданми, ахир ниятингизга етибсиз-да, – деди Мушфиқа хаёлидан “илойим мен ҳам ниятимга етай” деган фикр ўтиб.

– Ўзи телефон қилиб ҳоли-жонимга қўймаяпти. Мен асли... эсингизда бўлса, сиз билан таништирмоқчи эдим-ку.

– “Лекин ўзим илиб кетдим” денг, – мажбуран ҳазил қилди Мушфиқа.

– Нега унақа дейсиз, дугона, олинг ҳалиям агар керак бўлса, – деб мазаммат қилди Ҳакимахон.

– Ўзингизга буюрсин, жонгинам, – деди Мушфиқа.

Кейин бироз ўйлаб туриб, мақтади:

– Ёқибди сизга янги муҳаббат. Очилиб кетибсиз. Ишқилиб, эрингизга хабар етказишмасин-да. Бечора чолнинг юраги дош беролмаслиги мумкин.

– Ҳа, йў-ўқ. Ҳали шунчаки... Бир марта суҳбатлашдик, холос. У киши катта арбоб бўлсалар... Бизга йўл бўлсин.

– Ҳа, айтганча, Ҳакимахон, пахта ишлари қайта кўрилармиш. Эрингиз ҳам чиқиб қолса керак ҳадемай?

– Ишқилиб, айтганингиз келсин! Яқинда ўғиллари бориб кўриб келишди. Сал... тоблари йўқ экан.

– Сиз бормадингизми?

– Мен кузда борган эдим-ку. Узоқ жой бўлса. Ҳадеб бо-

риб келаверишга имкон қайда? Энди кунлар исиса, яна бориш ниятидаман. Айтганингиздай, у пайтгача ўзлари келиб қолсалар, яхши бўларди.

– Яна бир гап эшитдим... Адлия бошқармасидагилар айтишди. Ҳалиги... Эрингизнинг мусодара этилган ҳовлисини... ўша депутат дўстингизга беришган экан-да? Тўғрими шу?

– Тўғри.

– Ижирғанмай олаверибдими? “Бировнинг моли бировга вафо қилмайди” демасдан.

– У киши билмаган шекилли... Лекин насиб этса... Қайтариб оламан ҳовлини.

– Йўғ-э? Қандай қилиб?

– Режам бор. Кейин биласиз.

– Балосиз-да Ҳакимаҳон. Сизнинг қўлингиздан ҳар иш келади. Дарвоқе, менга ҳам бир масалада ёрдам бермайсизми? Ҳамма жойда танишларингиз бор-ку.

– Қўлимдан келса, бажонидил.

– Бир йигит бор. Газетада ишлайди. Ўша киши Аҳмадали акамни оқлаб, бир мақола ёзмоқчи. Ўша йигит ҳақида бир... маълумот йиғинг. Ким ўзи, қўлидан нима иш келади? Ишонса бўладими? Яна қош қўяман деб, кўз чиқармайдими?

– Исми ким экан.

– Нурбек Холмуҳаммедов. Танимайсизми?

– Эшитгандайман. Исми-шарифи таниш. Майли, мен бир суриштирай-чи...

ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Ички ишлар бошқармаси бир зумда ғала-ғовур бўлиб, генерал энг яхши ходимлардан тезкор қидирув гуруҳини тузиб, машинани шу бугун топиш вазифасини қўйди.

– Энди Далер ака, “Мол бўрисиз, эл ўғрисиз бўлмайди” деганларидек, баъзи-баъзида шунақа ҳодисалар ҳам уч-

раб туради, – деди у гуноҳкорона илжайиб. – Лекин бу падарлаънатлар келиб-келиб сизнинг машинангизни ўғирлашганларини қаранг. Ифлослар. Билишмагандир-да!

– Мен... Нима қилай энди, – деди Далер ва ўкинч оҳангида. – Марказга ички ишлар вазирига қўнғироқ қилишим шарт эмасми?

– Йў-йў-ўқ, овора бўлманг. Насиб этса, кечгача топамиз. Сиз уйга бориб, бемалол дам олинг. Ҳозир шофёримга айтаман, элтиб қўяди. Қидирув гуруҳига эса шахсан ўзим раҳбарлик қиламан. Топилган заҳоти уйингизга олиб борамиз.

– Ишондим бўлмаса, – деди Далер генерал билан хайрлашиб чиқар экан.

– Хотиржам бўлинг. Албатта топамиз.

Бироқ машина ўша куни топилмади. Эртасига ҳам. Далер уйда ўтириб, қафасдаги арслондек тўлғонар, сўкинар, “бу миршабу прокурорлар пора олишдан бошқа нарсага ярамайди” дея ғижинарди.

Генерал “ҳозирча ҳеч ким билмагани маъқул” дегани учун на вилоят раҳбарига, на прокурорга қўнғироқ қилди. Иккинчи томондан – ноқулай. Шундай баобрў, таниқли, юқори мартабали одам куппа-кундуз куни, бунинг устига милиция бошқармасининг тумшуғи остида машинасини ўғирлатиб ўтирса. Эшитган одам кулмай-дими? У биров олдинроқ пойтахтдалигида шаҳарда машина ўғирловчи аллақандай жиноий гуруҳлар борлиги ҳақида эшитгандек бўлувди. Улар асосан чекка вилоятлардан келган, ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб талаб этолмайдиган бева-бечораларнинг машиналарини ўғирлашаркан, дейишганди. Бу ўшаларнинг ишимикан? Демак, вилоятларгача етиб келишибди-да? Унақа бўлса... Далер Ботиров даладан келган бир колхозчи эмас-ку? Қандай журъат этишади? “Итнинг ўлгиси келса... Масжиднинг меҳробига сияди” дейишади. Бу ахир... ҳукуматга, давлатга қарши қаратилган жиноят-ку. Далер Ботиров бугунги кунда – давлат одами.

Ногаҳон телефон бўлди. Бу – шаҳардаги ўша энг йирик автомобиль дўконининг мудири Абдирафиқ ака деган одам. Ўшанда мардлик қилган. Пулнинг етмаган қисмини ўзи тўлаб юборган экан. “Ака, сиздан қайтмаса, Худодан қайтар, улуғ инсонсиз” деган.

– Далер ака! Жон ака, мени бир минутга қабул қилинг. Ўзингизга айтадиган гапим бор.

– Келинг, – деди Далер ва манзилни айтди.

Автодўкон мудири қуюндай тез етиб келди. Саломаликдан сўнг нафаси бўғзига тиқилиб, нолий бошлади:

– Мелисадан келиб, текшириб безор қилишяпти. Ўша “Волга” масаласида. Нима бўлган ўзи? Хужжатларни сўрашяпти. Ўшанда... Сиз декларация ҳам топширмаган экансиз. Мен ҳам сўрашга истиҳола қилибман.

– Қанақа декларация?

– Солиқ идорасидан берилади. Даромад манбаси ҳақида. Оддий бир қоғоз. Бошлиғига айтсангиз, бир зумда ёзиб беради.

– Майли, мен ҳозир қўнғироқ қиламан шаҳар солиқ идорасига. Сиз хужжатларни пухта қилиб қўйинг. Пули ҳақида сўрашса... Нима дейишни биларсиз?

– Албатта, ака. Ҳаммасини, тийин-тийинигача нақд олиб бориб топширгансиз-ку.

– Раҳмат, бораверинг...

Уйга қайтиб кириб, солиқ идорасига қўнғироқ қилди. Бошлиғи саломни қуюқ қилди-ю, “декларация ёзиб бериб юборинг” деган гапдан кейин иккиланди. “Нима деб ёзаман?”

– Қизиқ одам экансиз. Ўн беш йилдан бери мақолаларимни ўқимаганмисиз, телекўрсатувларни кўрмаганмисиз? Ўшаларнинг гонорари деб ёзинг. Қалам ҳақи! Тушунарликми? Раҳмат.

“Бу милиция халқи айбдорни тополмаса, жабрланувчини ковлаштиради. Падарингга лаънатлар”. Бир хаёли ҳозироқ генералга қўнғироқ қилиб, “Тўхтатинг қи-

дирувни, воз кечдим ўша машинадан” демоқчи бўлди. Чунки барибир топишолмайди. Икки кун ўтди. Ўғрилар аллақачон эҳтиёт қисмларга ажратиб, сотиб юборишгандир. Ўғрилар... шошма-шошма, уларнинг ўзларига чиқиб кўриш керак. Лекин қандай қилиб? Ким орқали?

Далер асабий тарзда ён дафтарини варақлади. Излаган саҳифани, излаган рақамни топди. Телефон гўшагини кўтариб, рақам терди. Жавоб бўлди.

– Ассалому алайкум, Мухторбек! – деди Далер. – Яхшимисиз, омонмисиз! Тўйларни яхши ўтказиб олдингизми? Дадангиз саломатмилар? Минг бор узр. Келолмадим иш билан бўлиб. Насиб бўлса... бир кириб чиқмоқчиман. “Эзгуликнинг кечи йўқ” дейдилар.

– Раҳмат, ака. Аммо-лекин келганингизда яхши бўларди. Марказдан ҳам казо-казолар қатнашишди. Катта санъаткорлар хизмат қилишди. Қачон келасиз?

– Эртага ё индинга ўтайми, деб турибман... Бир муаммо бор, ана шуни ҳал этган заҳотим бораман.

– Ие, сиздай катта одамларда ҳам муаммо бўлади-ми? Қанақа муаммо экан? – сўради истехзоли оҳангда Мухтор.

Далер “айтайми-йўқми” деб бир лаҳза иккиланди. Агар ёрдам беролмаса-чи? Бутун шаҳарга овоза қилиб юбормайдими? Аллақачон гап тарқатиб улгуришмади-микин ишқилиб? Генерал “Хотиржам бўлинг, машина кимники эканлигини ходимлар билишмайди” деганди. Автодўконгача бориб, текширишаётган бўлишса... билиб олишгандир. Э, таваккал!

– Шу... машинани йўқотиб ўтирибман, денг...

– Ие, нега йўқотасиз? Қанақа машина? Ўзингизникими?

Мухтор гарчанд астойдил дардли оҳангда гапиришга уринаётган бўлса-да, овозида киноя уфуриб турарди. Далер ўйлади: “Хабари бор!”

– “Волга”. Ўзимники.

– Қаерда йўқолди?

“Ижикилашини қара бунинг”.

– Айтсам, куласиз. Милиция бошқармаси ёнида.

– Чиндан ҳам... кулгили. Милициямиз зап зўр ишлайди-да! Ўзларига айтдингизми? Нима дейишяпти?

– Ярим кунда топамиз, дейишганди. Икки кундан бериям топганлари йўқ.

– Ҳа-а, яхши бўлмабди, – деди Мухтор ачинган оҳангда.
– Сиздай одамнинг машинасини ўғирлашга... катта юрак керак.

– Мухторжон, дўстим. Мен милицияга ишонмайман. Сиз ҳам бир суриштириб кўрсангиз, дегандим. Ёрдам берсангиз, бир умр миннатдор бўламан. Тушунинг, гап машинада эмас. Машина нима, бир темир-да! Гап обрў-эътибор ҳақида боряпти. Бир қизиқиб кўринг дўстим, илтимос!

– Билмасам... Қўлимдан келармикан?

– Келади, келади. Сиздай йигит...

– Милицияга хабар берганингиз чакки бўпти. Йўқолган заҳоти қўнғироқ қилганингизда... Бу ўғри болалар ҳам ҳозир ҳаддиларидан ошиб кетишган. Қайси бири қилганини ҳам билмайсан. Ишқилиб, майдалаб юбормаган бўлишсин-да.

– Айтганингиз келсин!

– Бўлмасам... Сиз эртага тушликни бизникида қилинг. Унгача мен бир суриштириб кўраман. Ажабмаски, омадимиз келиб...

– Илтимос.

– Эртага тушликда кўришгунча!

Кўнгли бироз тинчланди. “Топади. Ўшанда... Тўйига бекор келмаганман. Бунақа одамлар билан орани бузмаслик керак...”

“Дард устига чипқон” деганларидек, Ҳакимаҳоннинг тўсатдан кўрсатган “ҳангомаси” ва “Волга” воқеаси Далернинг асабини роса чарчатган экан, кечки но-нуштани ҳам қилмай, ухлагани ётди. Мудраб-мизғиб

тонг оттирди. Тушлик вақтини сабрсизлик билан кутди. Ўн икки бўлар-бўлмас, вилоят маъмурияти автохўжалигидан машина сўраб, эски шаҳарга Эрғозиевлар хонадонига йўл олди.

ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

Эрғозиевлар ҳақида Далер илгари кўп эшитган. Зеро, оила бошлиғи эски шаҳардаги катта дўконлардан бирининг директори бўлган. Унинг олтами, еттами ўғли бор дейишарди. Тиллафурушлик бўйича шекилли, бир иш бўлди-ю, ўша одам тўнғич ўғли билан бирга қамалди. Ўғлини жуда ўктам йигит дейишарди. Қамокда ўша ернинг “зўравонлари” билан пичоқлашиб, иккитасини ўлдирган-у, ўзи ҳам ўлган. Отаси бултур чиқиб келди. Унинг келишига ўғиллари “Султон” деган ширкат очиб, анча-мунча иш қилиб қўйишганди. Ота кекса бўлишига қарамай, раҳбарликни ўз қўлига олди. Гарчанд, номига ота раҳбар бўлса-да, асосий бошқарувчи Мухтор. Унинг... жиноят олами билан ҳам муносабати яхши дейишади. Укалари беш нафар. Ҳаммаси спортчи.

Далер етиб келганида ака-укаларнинг ҳаммаси жам экан. Ҳовлида, кенг ойнаванд айвонда дастурхон тузалган. Тўрда отахон қўр тўкиб ўтирибди. Далер бўйдор-бўйдор ака-укаларнинг ҳар бири билан қирқ йиллик қадрдондек, кучоқлашиб қўришди. Мухторни бағрига босар экан, “яна бир марта узр-да” деб қўйди. Отахон ўрнидан қўзғалиб, унинг истиқболига чиқмоқчи эди, улгурмади.

– Безовта бўлманг, – деди ва ўзи илдам бориб, қўшқўлаб қўришди. Қўришиш асносида чўнтагидан конверт чиқариб, узатди, – Тўёна.

– Ие, оббо, шарт эмасди-ку, – деди отахон конвертни кенг-мўл қилиб тикилган оппоқ камзулининг чўнтагига солар экан. У олтамишдан ошган, бунинг устига анча йил

“ўтириб келган” бўлса ҳам қадди тик, кичкина соқолининг оқидан кўки кўпроқ эди.

– Эшитиб хурсанд бўлдим, – деди отахон. – Ўзимизнинг йигитлар катта жойларда арбоб бўлиб юрса яхши-да. Тўйга келолмабсиз-да? Узрингизни Мухторжон айтди. Тушунамиз. Давлат ишлари – жиддий масала. Қани, дастурхонга қаранг. Мухторжон, нонни ушатинг. Болалар, қани, ноз-неъматлардан келтиринглар!

Зиёфат қуюқ бўлди. Отахон ҳам Далерга қўшилиб, анчагина коньяк ичиб қўйди. Юзлари янада қизариб, тетиклашиб, яйради.

– Энди Далер ўғлим, эшитишимга қараганда, сиз етим ўсган, ёлғиз йигит экансиз. Менинг етти ўғлим бор эди. Бири, худо раҳмат қилсин, эрта кетди. Худога шукр, ҳозир олти нафари қаватимда. Сиз улар билан ака-ука бўлинг. Мен яна ўғлим еттита бўлди деб, ғурурланиб юрай... Мана, Мухторжон сиз билан доим алоқада бўлсин. Тошкандами, Московдами ҳар қандай юмуш, топшириғингизни бир зумда, кўнглингиздагидек адо этади...

Далер аввал “албатта, албатта” деб турди. Сўнгра қўлини кўксига қўйиб турган Мухторга қараб турди-да, ҳазил оҳангида:

– Мухторжонга аллақачон бир... топшириқ бериб қўйганмиз сиздан сўрамай, – деди.

– Мендан сўраш шарт эмас, – деди отахон. Мен... бир дуогўй одамман. Сизлар бамаслаҳат иш қилинглар. Насиб айласа, Мухторжон берган топшириғингизни сўзсиз адо этади.

Далер Мухторга қаради. Мухтор “албатта” дегандек бош ирғади...

Кун оққанда зиёфат адоғига етди.

– Қани, сарпони олиб чиқинглар азиз меҳмонга, – деди отахон. Йигитлардан бири каттакон патнисда қора костюм-шим, оқ қўйлак кўтариб келди. Отахон сарпони Далернинг олдида қўйди.

– Шу бугундан оиламизнинг қиёматлик аъзоси бўлдингиз, – деди у ва фотиҳага кўл очди. Хайр-хўшдан кейин ака-укалардан иккиси Далерни яп-янги “БМВ” машинасига ўтқазиб, уйига элтишди. Машинага минаётиб, Мухторга савол назари билан боққан Далер “Ҳаммаси жойида, бораверинг” деган жавобни эшитди.

Чиндан ҳам “ҳаммаси жойида экан”. Далер ҳовлисининг ёнида “БМВ”дан тушар экан, дарвоза рўпарасида турган “Волга”сини кўриб, кўзи чақнаб кетди.

– Раҳмат, укалар! – дея қичқирди “БМВ” ортидан.

Хайрият! Ҳаммаси яхшилик билан тугади. Тўхта. Ичкарига кириб, Мухторга яна бир марта раҳмат айтиб, кўнғироқ қилиш керак.

– Ўртоқ генералга нима дейишни ўзингиз яхши биларсиз, – деди Мухтор.

– Нима дейиш керак?

– Қидирувни тўхтатинг, машина топилди, дейсиз-да!

– “Қандай қилиб топдингиз” деб сўраса-чи?

– Кўчага ташлаб кетишибди, деяверинг.

– Яхши.

– Жўнаб кетаётган кунингиз хабар қилинг, кузатиб кўямиз.

– Майли...

“Энди булардан осонликча қутулолмайсан”.

ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Нурбек Холмуҳаммедов ҳақидаги батафсил “маълумот”ларни Ҳакимаҳон уч кунга қолдирмай муҳайё қилди.

– Мана, машинкада босилиб, муҳр қўйилган “Маълумотнома”ни ўқинг.

– Холмуҳаммедов Нурбек, 1956 йилда, 22 февралда Бўстон туманидаги Сайидлар қишлоғида кўп болали

ўқитувчилар оиласида туғилган. Университетнинг фалсафа факультетини ҳамда Новосибирск олий партия мактабини битирган. 1979 йилдан буён вилоят газетасида ишлайди. Ҳозирги пайтда масъул котиб. Оилали. Хотини врач. Иккита фарзанди бор. Шаҳарнинг “Қурилиш” мавзесида икки хонали уйда яшайди.

– Қойилмақом сизга Ҳакимахон, – деди Мушфиқа маълумотномани ўқиб бўлгач. Лекин... бу қуруқ қоғоз-ку. Унинг қанақа одамлигини бундан билиб бўлмайди.

– Қанақалигини мана биздан эшитасиз, – деди Ҳакимахон. – Камбағал оиладан чиққан. Ўзи ҳам қўл учида яшайди. Икки боласи ҳам қиз. Хотини акушер-гинеколог бўлса ҳам ўғил туғишни эплай олмаяпти. Лекин... Нурбек ишқ-муҳаббат бобида “яккасевар”лардан экан. Ҳали ёшда, “таъқиқланган мева”дан еб кўрмаган. Бир еса... кейин боши билан шўнғиб кетади.

– Унақага ўхшамайди-ку. Мен... бир марта суҳбатлашиб кўргандим.

– Ҳа, жуда ҳалол-пок, виждонли йигит, деб айтишяпти. Бироз кўрсроқ ҳам экан.

– Виждонли одамлар ўзи шунақа, бироз кўрсроқ, одамови бўлишади, Хотини билан севишиб турмуш қилганмикин?

– Ҳа! Хотини ўзидан икки ёш катта экан. 1973 ми ё 1974 йилда талабалар қурилиш отрядида бирга бўлишган ва севишиб қолишган. Хотинининг исмиям эриникига ўхшаш – Нурия.

– Ие, адаш экан-да. Ғалати исм. Қаердан экан, ўзбекми?

– Шаҳар яқинидаги Дархон қишлоғидан. Миллати – татар.

– Ў-ў, шўрлик шоир жаннатга тушар экан-да!

Икки дугона кулишди.

– Нимага бунча суриштиряпсиз? Жигарингиздан урган эмасми мабодо?

– Арзимайдими? – деди кулиб Мушфиқа. – Ўзини кўрдингизми?

– Кўришга кўрдим. Эркак деса эркак. Кал эмас, кўр эмас. Истараси иссиққина. Лекин жулдурвоқи, “номи улуғ, супраси қуруқ”, бошингизга урасизми?

– Ҳазиллашдим, Ҳакимахон. Шунчаки... У менга сидқидилдан ёрдам бераман, деб айтяпти. Суриштирганимнинг сабаби... ишонса бўлармикан, дегандим. Биласизку, ҳозир ҳар хил одам бор.

– Унисини... энди билмадим. “Одамнинг олasi ичида” дейдилар. Лекин ўзи ёмонга ўхшамайди. Сўраганларимнинг ҳаммаси “билимли, истеъдодли йигит” дейишди. Нима ёрдам бермоқчи? Ёрдам керак бўлса... Каттароқ дорларга осилмайсизми?

– Катта дорлар омонат бўлар экан, – деди Мушфиқа хўрсиниб. – Тез узиларкан. Келинг, қўйинг, мен осила-осила чарчадим. Ўзингиз қалайсиз? Ишларингиз нечук? Поччадан нима хабар?

– Олий кенгашга ариза топширганмиз. Натижа бўлади, дейишяпти-ку. Далер ака “бу масалани албатта кун тартибига қўйдираман” деб ваъда берди.

– Айтганча, Далер Ботировдан ҳовлини қайтариб оламан дедингизми тунов кун? Нима шумликни ўйладингиз? Айтинг, ё менга ишонмайсизми?

– Ишонаманку-я... Нимасини яшираман? Айтсам айти-тай. Ўзи қиз бошим билан хотини ўлган қари одамга молу давлати учун текканман. У шўрлик ҳам ҳалол одам экан. Бунинг устига энди оғзи ошга етиб, зовутга директор бўлган чоғи қамалиб кетди. Ҳатто... ўша мусодара этилган ҳовлида бир кун ҳам яшай олмади. Топган-тутганини сарфлаб қурганди бўлмасам. Алам қилади одамга...

– Агар ҳалол пулга қурилган бўлса... албатта қайтариб оласиз. Эрингиз оқланса, суднинг ўзи ҳам шунга мувофиқ ҳукм чиқариб беради. Лекин ҳозирги эгаси ҳам

осонликча жон бермас-ов... Дарвоқе, Далер Ботиров билан муносабатларинг қанақа? Таранглашгани йўқми?

– Муносабатимиз дўстона. У киши... “Менга хотин бўлсанг, ҳовли сеники” деяпти.

– Э, ҳа-а! Сиз бунақа қилиб “қайтариб олмоқчимисиз?” Яшанг-э!

– Нима фарқи бор! Ишқилиб, қайтариб олсам бўлди-ми? Замон оғир... Агар чолга бир бало бўлса, катта хотиндан қолган болалари мени... уч болам билан кўчага ҳайдайди. Ҳозир ўзи... зўрға чидаб ўтиришибди.

– Катта ўғилларини уйли-жойли қилмаганми?

– Қилган. Битта кичик ўғли қолган. Ҳозирги турган ҳовлимиз ўшанинг номида. Чол буни ўшанга қолдириб, ўзимиз янги ҳовлига кўчамиз деб турувдик. Бунақа бўлиб кетди. Чиқиб келгандан кейин ҳам... Ким билади? Бунинг устига биз расман ажралишган бўлсак. Очиғи. Ҳозир ўгай ўғлимникида ижарада яшаб юрибман.

– Ҳа, сизга ҳам қийин. Лекин... билмадим. Ботиров сизга уйланишига унчалик кўзим етмайди. Алдаётган бўлиши мумкин.

– Кўрамиз, ким кимни алдашини...

Ҳакимаҳон кетганидан сўнг Мушфиқа яна Нурбек ҳақида ўйлади. “Эҳтимол, унинг сокин, бахтли ҳаётига суқилиб киришга уринаётганим нотўғридир, деган ҳаёлга борди. Хотини, болалари бўлса. Мени бошига урармиди? “Севиб қолдим” деб айтсам, кулса керак. Майли, оилангизни ташламанг, дўст бўлиб юрайлик, десам-чи? Оилали эркак билан бева жувоннинг “дўстлиги” қанақа бўлади? Қолаверса, шунақа деб айта оламанми? Бу “мени ўйнаш қилиб олинг” дегани бўлмайдими? Шунчалик паст кетаманми?..”

Мушфиқаҳоним бошидан анча-мунча чигал савдолар ўтказганига қарамай, ўзини номусли, покиза аёл деб биларди. Фақат... Самад Валиевични ҳисобга олмаганда, уч марта ҳам шаръий ва ошкора никоҳда бўлган.

Самад Валиевич билан ҳам... У кўнмаганига қарамай, ўзи муллани чақиртириб, хуфья никоҳ ўқитган. Ўшанда у танишганларининг эртасигаёқ “яширинча бўлса ҳам ўқитайлик, никоҳсиз учрашиб юрмайлик” деб туриб олган. Валиев “Майли, розиман, ўқитинг, бироқ мен қатнашмайман” деган. Мулла унинг сиртдан берган розилиги асосида хутба ўқиган. Хуллас, хоним имкон қадар шаънини сақлаб келаётир. Нурбек ҳам ўша куни майл билдириб, кўнглини овламоқчи бўлганида, муқаррар шу талабни қўйган бўлур эди. Таниш муллани огоҳлантириб ҳам қўйганди. Муҳтарам мулла яхши ҳақ эвазига куннинг ёки туннинг ҳар қандай вақтида, ҳар қандай жойга келиб, бир зумда расм-русумни бажариб кетади. Бироқ... афсуски ўша куни унинг хизматига ҳожат бўлмади. Нурбек хонимнинг мунгли ҳикоясини тоқат билан тинглагач:

– Мақсад нима, қисқа ва лўнда қилиб айтинг, – деди.

– Мақсад – генерал Аҳмадали Тўқсонов “қамалишдан қўрқиб ўзини ўлдирган” деган туҳматларни фош этиб, унинг юрак хуружидан, ўз ажали билан вафот этганини, у аслида ҳалол одам бўлганини исботлаб бериш. Мана ҳужжатлар. Медицина ҳулосаси. Мана Мудофаа вазирлигининг тавсифномаси... Хуллас, маълумот ва далиллар етарли...

Нурбек ҳужжатларни синчиклаб, кўздан кечирди. Сўнгра сўради.

– Ўша пайтдаги суриштирувлар чоғида генералнинг инфаркт бўлганлиги аниқмиди?

– Бу қоғоз... кейинроқ берилган. Ўшанда очиғи, врачлар ўлим сабабини аниқ айтиб беришолмаган. Қайсидир виждонсиз “янги чиққан номаълум заҳардан ичган бўлиши мумкин” деган фараз билдирган-у, исботлаб беролмаган.

– Ҳм-м, шунақами...

Нурбек ҳужжатларни яна қайтадан ўқиди ва охирида

“Мен бу ҳақда чуқур ва атрофлича ўйлаб кўрмоғим керак” деди.

– Сиз албатта: “Ўтиб кетган гапларни қўзғаб юришининг нима кераги бор” деб ўйлашингиз мумкин. Тушунинг, адолат барибир ўз ўрнида қарор топиши керак. Кейинги пайтларда... Аҳмадали акам тез-тез тушимга киради. Руҳи безовта. У ўзига қилинган туҳматлар фош этилмагунча тинчимайди... Шунинг учун мен бу ҳақда анчадан бери ўйлаб юрибман...

– Майли...

– Агар раҳматлик Аҳмадали акамнинг номларини оқлаб берсангиз, сизга аталган бир бебаҳо совғам бор, – деди Мушфиқа.

– Ҳақиқатни юзага чиқариш учун совға олинмайди, – деди Нурбек уни изза қилиб.

– Унда... туғилган кунингизни айтинг. Азбаройи дўст-лигимиз ҳурмати. Топшираман ўша совғани. Эсдалик учун.

– Туғилган куним фалон ойда десам, бу ҳам таъмагирлик бўлади. Ўзингиз... билиб олсангиз, бу бошқа гап, – деди Нурбек.

– Бўпти, шундай қиламан бўлмаса.

– Э-э, ҳазиллашдим. Сиз яна ростдан... Мени шарманда қиласиз-а!

– Хотиржам бўлинг, мен... наинки шаънингизга, балки кипригингизга гард қўндирмайман. Мен... дўст бўлсам, жуда ҳам беғараз, самимий дўст бўламан. Зиғирча оғиримни туширмайман.

– Раҳмат бундай яхши гапларингиз учун, – деди Нурбек. – Мен энди борай.

Мушфиқа ўксинди. У ҳали суҳбатни энди бошлаётган эди. Ҳали юрагида гап кўп эди. Нурбек кетиб қолди. Уни ўкинтириб, йиғлатиб кетиб қолди... “Туғилган кунигача эҳ-ҳе, ҳали анча бор экан-ку... Совғани бирон байрам баҳонасида бериш керак. Яқин орада қанақа байрам бор?”

Ўша куни тўсатдан хаёлига совға бериш фикри келганида хоним “Паркер” фирмасида ишланган олтин пероли беш юз долларлик ручкани назарда тутганди. Шу топда “ручканинг ёнига тилла соат ҳам қўшиш керак” деган қарорга келди. Мияси ишлаб кетди. “Яқинда... матбуот куни бор-ку!” Ўшанга тортиқ қиламан. Олармикан, бунақа қиммат совғани?”

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

Далер Ботиров пойтахтга “ТУ-134” самолётида учиб борар экан, кўнглининг бир чети салгина ғаш эди. Ҳовлининг битгани, машина можароси яхшилик билан тугагани дуруст бўлди-ю, Ҳакимаҳоннинг кутилмаганда чиқарган қилиғи унинг кўнглини ранжитди. “Дуппадуруст аёл десам... ифлос экан-ку, қанжиқ. Ҳовлидан ҳеч қаёққа чиқмас эмиш. Депутатнинг хотини бўлгилари кеп қопти. Иштаҳани қаранг-а! Мен энди келиб-келиб... уч болали хотинга уйланаманми?”

“Сен энди, бунақа майда-чуйда ташвишларни йиғиштир, оғайни” деган садо янгради қулоғининг ичкарасида. Самолётнинг бир маромдаги ғувиллаши туфайли овоз кимники эканлигини илғаб ололмади. “Ахир энди каттакон сиёсат арбобисан. Сиёсат билан шуғуллансанг бўлмайдими? Нуқул хотинларнинг оёғи орасида ўралашганинг нимаси?” Ким бу? Нурбек Холмуҳаммедовми? Унга ўхшамайди. У бунақа сенсираб, сурбетларча дакки бера олмайди. Собик қайнотаси Олмосовми? У ҳам ҳеч қачон “сен”лаб гапирмаган. Аммо-лекин... ўша одамнинг олди-га бир ўтиши керак эди. “Зиёрат қилгани келдим” деб. Бир йўла қизалоғини ҳам кўрарди. Анчадан бери кўргани йўқ. Юборган пуллари қайтариб юборишибди. Далер “хотиним энди ярашишга йўл излайди” деб ўйлаган эди. Аксинча бўлиб чиқяпти. Демак, Далернинг ўсаётгани

уларга алам қилаётган бўлса керак. Ҳар ҳолда Далер қайнотасининг олдига бир борса ёмон бўлмасди. Зеро, унинг Олмосов олдида тили қисик эмас-ку. Ажралиш ташаббуси Далердан чиққани йўқ. Болага ёрдам қилишга тайёр. Қолаверса... Далер Олмосовнинг сўнгги сўзларини эслади. “Ўғлим, оиласини эплай олмаган, унинг юрагига йўл тополмаган одам бошқалар қалбига ҳам йўл тополмайди. Бунақа одам ўсмайди. Яккамохов бўлиб қолади” деганди ўшанда у мулойим товушда. Кекса раҳбарга янглишганини эслатиб, кўрсатиб қўйиш керак эди.

“Сиз отамнинг тирноғига ҳам арзимайсиз, деганди хотини бир гал қаттиқ жанжаллашиб қолганларида, Сиз... Майда одамсиз...”

Ўшанда Далер бу оғир гапларга ҳам чидаган. Хотини бу гапни Далернинг “Отамнинг лавозими катта деб мени писанд қилмас эдингиз, мана, падари бузрукворингиз урилиб, сурилиб, ҳеч ким бўлмай қолди-ку” деган иддаосига жавобан айтган. Ўзи... Хотини Далерни ёмон кўриб қолишига сабаб ҳам аввал бошдан унинг қайнотасига муносабати билан боғлиқ эди. Далер вилоят газетасида бир умр мухбир, бўлим мудир ва ҳатто, масъул котиб бўлиб юришни ҳам истамас, тезроқ ўсиш, бошлиқликка кўтарилиш иштиёқи билан ёнарди. Шу боис у қайнотасининг қабулига тез-тез кирар, “бир оғиз айтсангиз...” деб ҳоли-жонига қўймасди. Шўрлик қайнота “Ўғлим, ўзи яқинда котиб бўлдингиз, ахир шу иш ҳам осонликча битган эмас. Озроқ сабр қилсангиз... ҳаммаси яхши бўлади” дерди. Далер бўш келмас, уйга келгач, хотинининг қулоқ-миясини ер, “бир умр босмахонада кўрғошин гардини ютиб юраманми, бунақада ўпка касал бўлиб, сизга ҳам юқтириб қўяман-ку” деб кўрқитар, хотини анча ориятли, ўктам қиз бўлгани учун отасига минг истиҳола билан илтимосга борар, ундан “эрингнинг ўзига айтганман-ку, нимага менинг бошимни бунча гаранг қиласизлар” деган дашномни эшитиб, иззат-нафси, ғурури қў-

зиб, бутун аламини эридан олар, уни “майда одам, ман-сабпараст, ориятсиз, имонсиз” дея ҳақорат қилар, бу эса ораликдаги дарзни тобора кенгайтирар эди.

Олмосов Далерни бош муҳаррирликка тайинлай олмасдан бўшаб қолгач, дарз жарликка айланиб кетди. Кечагина хотинининг жамики “ҳақорату хўрлашлари”-га чидаб келган Далер биринчи марта унга “ўзинг кимсан-у...” деган гапни айтди. Гарчанд гап орасида, шунчаки даҳанаки жангнинг оддий бир иловаси тарзида янграган бўлса-да, хотини чидай олмади. “Мен янглишган эканман. Мен... эркакка эмас... эшакка теккан эканман” деди. Шу гапдан кейин ҳам Далер ажралиш ҳақида ўйлагани йўқ эди. Ўйлаган эди-ю... Лекин “бу ердан чиқиб, қаерга бораман, ҳозирча чидашим керак” деган фикрга борганди. Хотинининг ўзи қўйди-чиқди жараёнини тезлаштириб юборди. Далер тўнни елкага ташлаб, чиқиб кетар экан, дастлаб қўрқди. “Ахир коммунистман-ку, бу ёғи қандоқ бўлади” дея ташвишланди. Бахтига ўша кунларда коммунистик партиянинг инқироzi бошланди. Бундан фойдаланиб қолиш имкони ҳам туғилди. Далер бир-икки жойда “бир умр коммунистик партия идораларида раҳбар бўлиб, халқнинг қонини сўрган одамнинг куёви бўлишдан ор қилдим” мазмунида гапирди. Ҳатто мақолаларининг бирида “Собиқ раҳбарлардан фалончи фалончиевлар менга “коммунистик партия мафкура-сига зид гапларни ёздинг” дея тазйиқ ўтказишган” деб Олмосовнинг фамилиясини ҳам қўшиб юборди. Олмосов ўша мақолани ўқимаган шекилли, ҳеч нарса деб эътироз билдиргани йўқ...

Хуллас, ҳаёлида унга дакки бераётган овоз Олмосовники эмаслиги аниқ. Хўш, ундай бўлса кимники?.. У хотираси саҳифаларини бирма-бир варақлади.

“Э-э, ҳа, бу нурободлик Ҳаким чўпоннинг овози-ку! Бўлди, бўлди, ўша!”

Далер талабалик йилларида бир-икки марта ёзги таътилни чорвадорлар ҳаётини ўрганиш мақсадида

Нурободда ўтказган. Ўшанда довдирлиги билан донг таратган Ҳаким чўпон билан кўп суҳбатлашган. Тили аччиқ, тўғри сўз одам эди. Шоиртабиат. Шеър-пер ҳам ёзарди. Ва аллақандай... авлиёсифат, башоратчи эдими-ей...

“Ўсаман десанг ука, биронта каттанинг қизига уйлан. Қанақалигига, олди-орқасига қараб ўтирма. Қайнотангга суяниб, шуҳрат қозон. Юқори лавозимларни эгалла! Кейин онаси ўпмаганларидан топиб оласан-да!”

Кейин Далер Ҳаким чўпон билан бирор марта ҳам учрашмади. Очиғи, учрашишга истиҳола қилди. “Олмосовнинг қизига уйланганимни эшитса, “раҳмат ука, маслаҳатимни ерда қолдирмабсан” деб мазах қилиши мумкин эди-да”.

Ҳаким довдир ўтган йили қазо қилди. Далер жанозасига ҳам боролгани йўқ. “Бир ўтганда кириб, таъзия билдириб кўяман” деди. Кеча ўша ёққа ўтолмаганини кўнгилдан ўтказганди. Демак, Ҳаким довдир яна башорат қилмоқда. “Хотинлар оёғининг остида дедими, орасида дедими, ҳар ҳолда ўралашиб юрма, сиёсат билан шуғуллан” деди. Бу маслаҳат – ғоят жиддий маслаҳат. Унга амал қилмоқ керак. Унинг келажаги энди... пойтахт билан боғлиқ. Бу ердан бир уй-жой қилиб, юқорироқ ишга жойлашиш керак. Депутатлик – вақтинчалик нарсаси...

Дарвоқе, шаҳардаги квартирани сотиб юборгани яхши бўлди. Ҳовлининг ҳам ҳозирча биттасини сотиб, пул қилиш керак. Ўсаман деган одамга пул сув ва ҳаводай зарур. Керак бўлса... икки ҳовлини ҳам сотиб, пойтахтдан дурустроқ бир ҳовли-жой олиш лозим. Ўзлари... берса ҳам кўпқаватли уйдан квартира беришади-да. Ҳа, худди шундай қилади. Иккита ҳовлиниям сотади. Бу – яхши фикр. Ўшанда... баъзи бир майда-чуйда гаплар ҳам, Ҳакимахоннинг ҳавойи орзулари ҳам барҳам топади. Хўш, бу ишни ким орқали қилиш маъқулроқ? Мухторбекка айтса, илтимос қилса бўлмасмикан? Ўша тузук...

Самолёт манзилга етиб келиб, пастлай бошлади. Далер биринчи қаторда, депутатлар учун ажратилган махсус жойда ўтириб келаётганди. Боя аэропортда ҳам у самолётга депутатлар хонаси орқали, алоҳида машинада ҳаммадан олдин чиқариб қўйилган, шу боис бошқа йўловчиларга эътибор қилмаганди. Омон-эсон қўниб олишгач, стюардесса уни самолётдан биринчи бўлиб олиб чиқди. Далер эшикка яқинлашгач, орқа салонда ўтирган таниш чехрани узоқдан кўриб, ҳайрон бўлди. “Нурбекми? Бу ёқда нима қилиб юрибди?”

Самолётдан тушиб, яна алоҳида машинада депутатлар хонасига, сўнгра хизмат автомобилида Олий кенгашга жўнаб кетгани учун у Нурбекни кўролмади. “Бирон иш билан келгандир-да” деб ўйлади.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Одатдагидек, бу оқшом ҳам Мушфиқахоним муҳаббат ўтида қовурилаётир. Чиндан ҳам севгининг кўзи кўр, қулоғи қар бўлар экан. “Уйқу жой танламас, муҳаббат ҳусн” дегани ҳам бор гап. Хоним оддий, камбағал бир қаламкаш йигитга ипсиз боғланиб қолди. Кечаю кундуз уни ўйлайди. Ётса ҳам, турса ҳам кўз ўнгида у. Йигитнинг ошкора бепарволиги, хушмуомалалик билан бўлса-да, лекин жиддий ва кескин бераётган рад жавоблари ҳам ишқ оловида ёнган қалбни асло совута олмайди.

Нурбек аввалига генерал ҳақидаги оқлов-мақолани ёзиш фикридан воз кечди.

– Мен ўрганиб, ўйлаб кўрдим. Бу мақолани ёза олмас эканман, – деди у. Сабабини батафсил тушунтириб ўтирмади.

– Майли, ёзмасангиз ёзманг, – деди хоним. – Лекин бу... дўстона муносабатларимиз сақланиб қолишига монелик қилолмайди. Шундай эмасми?

Нурбек индамади. Кейин у матбуот кунига аталган “арзимас” совғаларни ҳам қабул қилмади.

– Йўқ. Ололмайман! Эътибор ва ҳурматингиз учун та-
шаккур, – деди у.

Мушфиқахоним бу замонда ҳам “ололмайман” дей-
диган одамлар ҳам бор экан-а” дея ҳайратга тушди. “Бу
йигит шунчаки ўзини бозорга солиб, нархини оширмоқ-
чи”деб ўйламоқчи бўлди-ю, ўйлолмади. Чунки бундай
деб ўйлашга ҳеч бир сабаб, асос йўқ эди.

Хафа бўлмоқчи эди. Хафа ҳам бўлолмади. Бунга Нур-
бекнинг “Келинг, беғараз, самимий дўст бўлайлик, туҳ-
фаю совғаларсиз” деган умидбахш сўзлари сабаб бўлди.

– Бу арзимаган совғада қанақа ғараз бўлиши мумкин,
– деди ўпкалаган оҳангда хоним.

– Мен бу “арзимаган” туҳфалар нархини тахминан би-
ламан, – деди Нурбек. У даставвал соат ва ручкани қўли-
га олиб, обдон кўздан кечирган ва кейин жилмайганича
хонимнинг қўлига қайтариб берганди. – Бинобарин, тао-
милга биноан ҳуқуқшунослар байрамида сизга лоақал
шунинг ярми қийматига тенг туҳфа қайтаришим керак.
Менинг бунга қурбим етмайди. Қарздор бўлиб қоламан.
Қарздор бўлишни эса жиним суймайди.

– Сиз ҳар қанақа совғага жавоб қайтариш шарт деб
ўйларкансиз-да?

– Албатта. “Ҳисобли дунё” бу!

– Майли, ундай бўлса. Ишқилиб, ўзингиз айтгандек,
самимий ва беғараз дўст бўлишга розимисиз?

– Розиман!

Ана шу “розиман” деган бир оғиз сеҳрли сўз хоним-
нинг эҳтирос тўла қалбига сал бўлса-да, таскин берди.
Шунинг таъсирида бир неча кун кайфияти баланд бў-
либ юрди. Ҳатто эски бир чиройли қўшиқ ёдига тушиб:
“Майли жоним ишқ йўлида айла фармон розиман, Сен
билан умрим бўйи сурмоққа даврон розиман...” деган
байтни хиргойи ҳам қилиб юрди.

“Нега мен аёл бошим билан бу қадар телбаларча ошиқ бўлиб қолдим? Яна кимга? Оилали, бола-чақали кишига? Унинг нимаси маҳлиё этди? На бир хусни, на бир қадду қомати бор. На бир баланд мартабасию, на бир молу давлати бор. Нима бўлди менга? Бу қанақа дард? Бу не касаллик? Бунинг давоси йўқми, висолдан бошқа?..”

Умрида қилмаган ишини қилиб, фолбинга борди. Фолбин хайрон қолдирди. “Қаттиқ севиб қолибсиз-ку” деди. “У-чи?” деб сўради Мушфиқа ҳам шошиб. “У иккиланишда...” деди фолбин. Хоним уялинқираб сўради: “Ҳалиги... иссиқ-совуқ деган нарсалар бўлар экан...” Фолбин аёл бунақа ишни қилолмаслигини айтди. Татарми, лўлими, хуллас, бир аёлнинг манзилени айтди...

Энди ўша дуохон кампир берган “ишқ малҳами”ни Нурбекка ичириш керак. Қандай қилиб? Ҳарчанд таклиф этмасин, келмаяпти. Ажабо! Шундай катта шаҳарда не-не эркаклар Мушфиқахонимнинг бир оғиз сўзига, бир имосига маҳтал-у, бу “кўнгли нозик кал” ноз қилади. Ё... Мухторбекка айтиб, бир калтаклатиш керакми? Йўқ-йўқ, бу шум ниятдан қайтмоқ керак. Севган одам зўравонлик қилмайди. Акс ҳолда... Мухтор уни ўлдиртириб юбориши ҳам мумкин. Ўзи... шаҳарда Эрғозиевлар ҳақида турли гап-сўзлар кўпайиб кетди. Мушфиқа Мухторбекни тўйдан бери кўргани йўқ. Тўй куни бироз кайфи ошган Мухторбек унинг ёнига келиб “Янга, сизни... ҳалиям яхши кўраман. Отам рози бўлганларида, сизнинг розилигингизни сўраб ҳам ўтирмай, шартта уйландим” деди. Раҳматли Султонбекка ўхшаб кетади шу укаси. “Қўйинг Мухторжон. Энди... болаларингизга бош бўлиб юринг, бизлар қаридик” деди Мушфиқа бошқа нима дейишни билмай. “Лекин акамнинг хотираси ҳурмати – доим менинг ҳимоямдасиз, деди Мухторбек. Ҳар қандай шарт, ҳар қандай топшириқ бўлса, тортинмай айтаверинг. Агар... биронтаси хафа қилса, оёғини ерга теккизмай қуришиб юбораман”.

Мушфиқа Нурбек ҳақида хаёлига келган нохуш фикрдан уялиб кетди. Ўзини койиди. “Ўл-е, тулки узумга бўйи етмай, “пуф, сассиқ” деган экан. Сен одамсан-ку. Суймаганга суйкалиб, яна аламланганинг нимаси? Нега у ҳақда ёмон ўйларга борасан? “Муҳаббат ва нафрат ораси бир қадам” деганлари тўғрими?..”

Лўли хотин тайёрлаб берган дори таъсир қиларми-кан? Қилса керак. Ахир эл орасида “иссиқ-совуқ” деган гаплар бекорга чиқмаган-ку. Лекин... бориб-бориб касал қилиб қўяди, дейишади. Ундан ташқари вақт-вақти билан янгилаб турмаса, таъсири кетиб қолар эмиш... Қандай қилиб ичириш керак? Яна Ҳакимахонни ёрдамга чақирсинми? Бегона киши билмагани маъқул эмасми?

Йўқ, Нурбекнинг ўзини чақириш керак. Ниманидир баҳона қилиб, шу ерга опкелиш керак. Келгандан кейин... чойга қўшиб ичирса бўлади. Хўп, нимани баҳона қилсин? Касалман, келиб кўринг десинми? Келадими? Келар, ўлдими, мусулмон фарзанди-ку. Эрталаб қўнғироқ қилиш керак...

Шу аҳду хаёл билан ярим тунда ухлагани ётди. Безовта ухлади. Тонг саҳар уйғониб, “чиндан ҳам касалман шекилли” деб ўйлади. Ҳаммомга кириб, илиқ сувда анча ётди. Бўшашиб, сал мизғиб ҳам олди. Кейин муздек сувга чайиниб, тиниқиб артинди. Ошхонага кириб, енгил нонушта қилди. Манго шарбати ичиб, қуймоқ еди. Сўнгра яна ҳаммомга кириб, дурдек тишларини ҳафсала билан тозалади. Ундан кейин хобхонасига қайтиб, баданига хушбўй атирлардан сепди. Қошу кўзларига оро берди. Сочларини чиройли қилиб турмаклади. Эгнидаги халатни ечиб ташлаб, тахи бузилмаган яп-янги алвон гулли шоҳи халат олиб кийди. Йиғиштирилмаган ўринга кириб, ётган жойида Нурбекка қўнғироқ қилди. Хайрият, жойида экан.

– Бир ғариб, ёлғиз аёлнинг аҳволидан хабар ҳам олмайсиз, – деди синиқ овозда. – Дўст деган ҳам шундай бўладими?

– Нимагап, тинчликми? – деб сўради Нурбек.

– Касалман, ўладиган бўлиб ётибман, – йиғламсиради хоним, – Юрагим санчяпти.

– Дўхтир чақирмадингизми?

– Келиб кетди. Фойдаси йўққа ўхшайди...

– Қўйинг-э, нафасингизни иссиқ қилинг...

– Ҳар ҳолда одам одамга ғанимат. Бир келиб кўрсангиз, армонда кетмасдим.

– Майли, бораман, – деди Нурбек бироз энсаси қотганини сездирмасликка уриниб.

– Қачон келасиз?

– Билмадим... Иш тиғиз. Тушлик чоғи бирров кириб чиқишим мумкин.

– Бўлмаса тушликни шу ерда қила қолинг, менинг онахоним жуда пазанда аёл, бирон севимли таомингизни пиширтираман. Нима айтай?

– Э, овора бўлманг. Меҳмонга бораётганим йўқ-ку.

– Ош қилдирайми?

– Керак эмас дедим-ку...

– Ё аччиққина чучвара ейсизми? Мен ҳам сизнинг баҳонангизда озроқ татинар эдим.

– Оббо-о, майли, чучвара бўлса чучвара-да...

“Яхши бўлди. Дорини чучваранинг гўштига қўшиб тугдираман” деб ўйлади хоним.

Хизматкор хотинга чучварага хамир ёйишни тайинлади.

– Гўштини зираворлар билан ўзим тайёрлаб бераман, – деди.

Хизматкор аёл ҳайрон. “Тинчликми?” деган маънода кулимсираб қаради.

– Нозик меҳмоним келади. Чучвара ширин бўлиши керак...

Чучвара “малҳам” қўшилиб, тугилиб, тайёр бўлгач, хоним хизматкорга уқтирди.

– Мен ичкарига кириб ётаман. Тобим қочиб турибди. Меҳмон келса... эшикни очиб, ёнимга олиб кираверинг. Хўпми?

Кейин хобхонага кириб, яна ўзини ойнага солди. Пардозни қайтадан қилиб, ўринга ётди.

Нурбек ўзи айтганидек, бирров келиб, ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Хобхонадаги манзара, хонимнинг гўзал либослари, анвойи ҳидлардан таъсирланмади.

– Кўринишингиз тузук-ку? – деди.

– Сиз “бораман” деганингизга жонландим, – деди хоним. Нурбек кулди. Бу кулгуда авваллари учрамаган ҳайрихоҳ бир ифода бор эди. “Бу балки ачиниш туфайлидир”.

Нурбек “кетаман”га тушди. Хоним бир пиёла чой ичкизмасдан кеткизмайман, деб туриб олди. Ўрнидан туриб, Нурбекнинг қўлидан ушлади. Бу “одобсизлиги”ни оқлаш учун:

– Иссиғим бор, сезиляптими? – деб сўради.

Нурбек яқин орада бегона аёлнинг, айниқса Мушфиқахоним сингари ҳурлиқонинг қўлини ушламаган шекилли, қизарди. Эркак, барибир эркак-да. Бадани жимирлаб кетди. Ўзини тутишга ҳарчанд уринмасин, ҳаяжонланганини билдириб қўйди. Хоним буни сезиб, унинг қўлини қўйиб юбормади. Етаклаб, меҳмонхонага олиб чиқди.

– Атиги ўн дақиқа, – деди. Сўнгра халатини шигирлатиб, ошхонага йўналди. Чучварани ўзи сузиб келди.

– Енгилроқ вино қуяйми? – деб сўради стол устида қалашиб турган шишаларга имо қилиб. – Ажойиб мартини бор. Ҳидиям сезилмайди.

– Ҳожати йўқ. Ишга бораман. Яхшиси, бир пиёла чой...

– Хўп бўлади, – деди хоним ва “малҳам” билан “ишлов берилган” қуюқ инглиз қора чойидан қуйиб, ўрнидан туриб, чап қўлини кўксига қўйиб узатди.

– Сиз касал одамсиз. Ўзингизни уринтирманг, – деди Нурбек ўнғайсизланиб.

– Сизни кўриб тузалдим, – деди хоним. – Агар тез-тез келиб турсангиз... буткул соғайиб кетаман.

Нурбек индамади. Чойни ичди. Чучварадан анча еди. Кейин қисқа “омин” қилиб, ўрнидан турди.

– Яна келасиз-а?

– Билмадим. Имкониятга қарайман, – деди Нурбек. – Хўп хайр! Соғайиб кетинг.

– Кутаман!..

ЙИГИРМАНЧИ БОБ

Куз. Далер Ботиров парламент делегацияси сафида Япониядан қайтмоқда. Руҳи баланд. Сафардан олдинроқ у Олий кенгаш ҳуқуқ комиссияси котиблигига сайланган, бу комиссияга “пахта ишлари” бўйича бўлган суд жараёнлари ҳаққонийлигини текшириш топширилган эди. Шу ораликда у ўниб-ўсган қадрдон шахрига бориб, отасидан қолган ҳовлини яхши баҳода сотиб келди. Сафаров томонидан ҳадя қилинган ҳовлини сотишнинг ҳозирча иложи бўлмади. Ҳужжатларни расмийлаштиришда чалкашлик бор экан. “Яна... аввалги эгаси даъво қилиб юрмайдими?” деб сўради у шаҳарнинг янги раҳбари қадрдон Ҳамидулла Раҳматовдан. “Хотиржам бўлинг, орадан кўп сувлар оқиб кетди, у одам чиқиб келган тақдирда ҳам... даъво қилолмайди. Бу келишингизга ҳужжатларини пухта қилиб қўямиз. Қолаверса, у одамнинг қачон чиқиши ҳам ўз қўлингизда-ку...”

“Боинг 747” самолёти океан узра учиб бормоқда. Далер қора чарм папка ичидан қалин “Кундалик”ини олиб, таассуротлар ёза бошлади. “Японияни кунчиқар мамлакат дейдилар. Аслида бу фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Тўғри, Куёш шарқдан чиқади. Япония эса шарқ мамлакаати. Аммо унинг ягона ўзи Шарқнинг тимсоли эмас-ку!..”

Ушбу сатрларни ёзар экан, ўйлаб топган эътирозига ўзи ҳам қойил қолиб, суюниб кетди. “Рост-да, нега энди шарқ деганда, фақат Япония тушунилиши керак?”

Ногаҳон, вилоят таҳририятида ишлаб юрган чоғларидаги бир мунозара ёдига тушди. Ўшанда Далер масъул котиб эди. Нурбек Холмуҳаммедов қайси бир мақоласида “Бизнинг деҳқонлар ҳам Америка фермерлари сингари тўқ ва фаровон яшамоқдалар” деб ёзган экан. Далер уни чақириб, нега билмаган нарсангизни ёзасиз, дея дашном берди.

– Нимани нотўғри ёзибман? – ҳайрон бўлди Нурбек.

– “Америкалик фермер” деб ёзибсиз. Америка капиталистик мамлакат. Унда фермер эса, фирма бўлади. Шунинг учун “фирмер” деб ёзиш керак...

Нурбек тортишди. Охири “Энциклопедия” деган бир қалин китобни олиб келиб кўрсатди.

– Мана, дўстим, фермер – бу америкалик деҳқон дегани...

– Нотўғри, – деди Далер.

– Ахир энциклопедияда шундай ёзилган-ку.

– Нима, энциклопедия янглишмайдими? Униям сиз билан менга ўхшаган одамлар ёзишган-да!

– Сизга ўхшаган эмас, – деди ўшанда Нурбек аччиқланиб. – Сиз... Сиз... маълум ва машҳур, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатларга ҳам қарши чиқасиз. Сиз... нимагадир қарши чиқмасангиз, яшай олмайсиз.

– Шу йўл билан мен ҳақиқатни, энг олий, энг тўғри ҳақиқатни излайман, – деди Далер.

– Ҳақиқат тирноқ остидан изланмайди, – деди Нурбек.

– Керак бўлса, ҳақиқатни тирноқ орасидан ҳам излаймиз, – деди Далер.

“Чиндан ҳам Японияни ким бунақа деб атаган экан?” Бу мамлакат ҳақидаги таассуротлари ҳақида ўйлаб кетди. Бинолари баланд. Чиройли. Одамлари содда ва ишонувчан. Шунақа кишилар билан ишлаш яхши-да...

Дарвоқе, эртага комиссиянинг биринчи мажлиси. Далер сафар арафасида Олий суддан тегишли ҳужжатларни олиб, мутахассис депутатлар гуруҳига топширганди. Ҳойнаҳой, улар масалани деярли тайёрлаб қўйишган бўлса керак...

Олий кенгашнинг ушбу масала билан шуғулланадиган махсус комиссияси тузилганлиги ҳақидаги хабар, унинг таркиби матбуотда эълон қилинган эди. Шу боис Далернинг хизматхонаси ҳам роса гавжумлашиб кетди. Не-не одамларнинг отаси, ака-укаси ёки қариндоши қамалган. Улар “адолат тезроқ қарор топтирилишини” сўраб комиссияга мурожаат этишарди. Келиб-кетганлар орасида Сафаровнинг хотини, Ҳакимаҳоннинг ўғай ўғиллари ҳам бор эди. Далер уларга ҳам барча қатори қисқа ва расмий тарзда жавоб қайтарди:

– Комиссия ҳаққоний тарзда қўриб чиқади.

Қўнғлида “Сафаровга ёрдам бериш керак. Ҳакимаҳоннинг эри эса... тура туради” деб ўйлади.

Комиссия котиблигига сайланган кунӣёқ у “уй олиш ҳақида” ариза топширди. “Вақт” таҳририятидан қўнғироқ қилишиб, “бош муҳаррир таклиф этипти, вақтингиз бор пайт бир кирарсиз” дейишди. “Вилоят мухбирлигини топширишни сўрашади. “Мен энди шу ерда яшайман, таҳририятнинг ўзига бирон ишга ёзиб қўйинг” дейман муҳаррирга. Йўқ, дея олмаса керак. Масалан... маслаҳатчими, шарҳловчими? Телевидение раҳбарига ҳам кириш керак. Уларга ҳам шарҳловчи керак бўлиши мумкин. Жон дейишсин, депутат одам шарҳловчилик қилса ёмонми?..”

“Ҳа, иккинчи ҳовлиниям, машинаниям сотиш керак. Бу ерда ҳозирча навбатчи машина хизмат қилиб турибди. “Кейинроқ ўзингизга алоҳида бириктирамыз” дейишди. Қолаверса, шахсий машина ҳам олиб қўйиш мумкин. Хуллас, бу ерда ҳаётни тоза, оқ саҳифадан бошлаш керак...”

Яна Ҳакимаҳон эсига тушди. Кейинги борганида у билан жиддий гаплашганди. “Тушунинг. Мен сизга уйлана

олмайман. Акс ҳолда иккаламиз ҳам шарманда бўламиз” деди. Ҳакимаҳон йиғлади. “Бўлмаса, ҳовлини қайтариб берасиз” деди. “Бу ақлга сиғмайдиган гап”. “Нима, мен тешик тоғора билан қолавераманми, аҳмоқ бўлиб”. “Эрингиз чиқади, қайтариб олади-да”. “Олмаса-чи?” “Олади. Олмаганига қўймаймиз”. “Олганда нима бўларди? Ишсиз, бор-йўғидан ажралган камбағал бир одам”. “Йиғиб қўйганлари бордир?” “ Бўлса, сизга илакишиб юармидим...”

Ҳа, Ҳакимаҳон ушлаган жойини осонликча қўйиб юбормайдиганлар хилидан. Лекин, Далер ҳам содда эмас. “Ундан қандай қутулиш мумкин? Қандай қилиб бўлса ҳам қутулиш керак. Товуқмия. Сўлқиллаган бир халта гўшт... Эрига тезроқ чиқишга ёрдам қилиш керак-у, кейин “Хотинингни йиғиштириб ол!” дейиш керак. Эри “У менинг хотиним эмас” дермикан? Расман ажралишган-ку? Йў-ўқ. Учта боладан воз кечолмайди.. Шошма, шошма, ҳовлини сотиб пича пул бераман. Тешик тоғорасини ямасин ўша пул билан... Мана бу – оқилона фикр. Лекин кўнармикан? Унча-мунчага кўнмаса керак. Камида ярмисини сўрайди. Яرمىси бўлса, ярмиси-да. Далер бел оғритиб қурибдими ўша ҳовлини?.. Аммо-лекин... Қаёқдан ҳам илашди ўшанга? Энди...

Далер пойтахтга келиб, меҳмонхонада яшаб юрган дастлабки пайтларида қават навбатчиси – хушбичим ўрис аёлига кўнгли суст кетди. Чой-пой дамлаттириб, кейин хушомад қилди. Имо-ишора, қочирим билан мақсадини англатмоқчи бўлди.

– Бўпти, ҳамма ухлагандан кейин келаман. Қанча берасиз? – деди дабдурустдан аёл.

– Ие, пул ҳам бериш керакми? – ҳайрон бўлган каби сўради Далер.

– А вы как думали? За удовольствие надо платить дорогой! (“Сиз нима деб ўйлагандингиз? Кайфу сафо қилгандан кейин пулини ҳам тўлаш керак-да, азизим!”)

Ҳакимахонники ҳам охир-оқибат шунақа бўлади, шекилли. Аёл зотининг макри ёмон экан-да. Бошида “менга муҳаббатингиздан бошқа ҳеч нарса керак эмас” деганди. Камбағалчилик курсин. Катта еб-ичиб ўрганган. Йўқчиликка чидай олмаяпти. Дарвоқе, генералнинг беваси ҳам шунақамикан? Йўқ. Унақа эмасга ўхшайди. Акс ҳолда рўйхуш бермай юришининг боиси нима? Айтганча, у Эрғозиевларнинг собиқ келини экан-да. Эҳтимол, шунинг учун?

Далернинг ўзи ҳам Мушфиқа Эрғозиевларнинг собиқ келини бўлганини эшитгач, бироз ҳовридан тушган, “нима хотин камми, ўшандан бошқа?” деб юрганди. Ҳакимахоннинг ҳазил-ҳазил билан бошланган можароси туфайли тамоман ҳафсаласи пир бўлди. “Бу шаҳарнинг аёллари бўлмас экан” деган қарорга келди. Келишга келди-ю, ўқтин-ўқтин эсига тушганида юраги ҳаприқади. “Ўша офатижонни бир кўрмасам, бир мартагина васлига эришмасам, бу дунёдан армон билан ўтиб кетаман-ку” деб ўйларди. Кейин ишончи комил эдики, Мушфиқахон Ҳакимага ўхшаган очкўз, ғаркўз эмас. Назари тўқ аёл. Бойвучча-да. Газетада ёзилган гаплар чин бўлса, генералдан қолган молу давлат унинг етти пуштига етади. Ана шунақа-аёл бўлса! Ҳам боқади, ҳам ёқади...

Майли, мавриди келса, Далер бу масала билан ҳам шуғулланади. Ҳозир эса Ҳаким довдир айтганидек, сиёсат билан шуғулланмоқ даркор.

Улкан “Боинг” самолёти пойтахт аэропортига оҳиста кўнди. Далер аъзолигидаги депутатлар делегацияси трап ёнида мунтазир бўлиб турган “Мерседес-бенц” микроавтобусига ўтириб, шаҳар сари йўл олишди. Кеч тушиб қолгани учун аксарият сафарчилар ишхонага кирмасданоқ уйларига жўнашди. Далер эса хизматхонасига кирди. Бу – Олий кенгаш биносининг учинчи қаватида бўлиб, деразадан сокин оқиб ётган “Дарғом” дарёси, унинг соҳилидаги дарахтзорлар яққол кўриниб тура-

ди. Дарахтлар олтин рангга кирган. Улар ботаётган қуёш нурида қизғиш бўлиб кўринади. Хизматхона кичикроқ бўлса-да, шинам. Катта стол. Айланадиган юмшоқ ором-курси. Каттакон “Панасоник” телевизор. Телефонлар бешта. Устига герб тасвири туширилган, юқори лавозимли раҳбарларга улангани ҳам бор. Шундоқ гўшагини кўтариб, истаган вазир билан гаплашиш мумкин. Раис жаноблари хонасидамикин? Ёрдамчисига қўнғироқ қилиб қўйиш керак...

– Ассалому алайкум ака! Яхшимисиз. Мен Далер Ботировман. Ҳозиргина Токиодан учиб келдик. Ҳа энди... тўғри ишхонага келдим. Иш кўп-да! Раис ўзларидами? Раҳмат. Ботиров ҳам ишлаб ўтирибди, деб қўярсиз. Раҳмат! Бизга хизмат буюриб турунг, ака... Кейин ишлар бошқармасига қўнғироқ қилди. Куюқ сўрашди. Токиодан тўғри ишхонага келганини, иш кўплигини, эртага комиссия мажлиси борлигини, агар рухсат беришса, тун бўйи ишламоқчи эканини айтди:

– Э-э, қаерга ҳам шошардик, ака, – деди у. – Борадиган уйимиз ҳам йўқ-ку ҳали. А, лаббай? Эртага калит топширасизларми? Э, раҳмат-э, ака! Қаердан бўлди? Боғижаҳон даҳасидан? Яхши жой бўлса керак? Минг раҳмат ака! Энди... агар иложи бўлса, бизга иккинчи ё жа бўлмаса, учинчи қаватдан берасиз-да! Майлими? Бир умр қарздор бўламан. Раҳмат! Хизмат буюриб турунг, ака!

“Келганим яхши бўлган экан. Иккинчи қаватдан бўлди. Уч хонали”. Тунов куни ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари “Далер ака, сиз бир ўзингиз экансиз, икки хонали ажратса бўлмайдами?” деганида “Э, дўстим, мен ахир журналистлар уюшмасининг аъзосиман. Бизга ижод қилиш учун алоҳида хона ажратилиши лозимлиги қонунда ҳам белгилаб қўйилган” деди. “Кечирасиз ака, билмабман. Албатта уч хонали ёзамиз” деди ўринбосар

“Ана энди савдо вазирлигига қўнғироқ қилиб, яхшироқ жиҳоз гаплашиш керак”.

Шу пайт комиссия аъзоларидан бири кириб, эртанги масала бўйича ниманидир аниқламоқчи бўлди.

– Э, дўстим, қизиқ экансиз. Мен ахир ҳаммасини аниқлаб, тайёр қилинглар дегандим-ку! Нимаси тайёр? Тайёр бўлса, мендан савол сўраб нима қиласиз? Кўраяпсиз-ку, ишим бошимдан ошиб ётибди. Боринг, боринг, агар жуда зарур бўлса, комиссия раисининг ўринбосаридан сўранг. Мени қийнаманг. Ҳозир раис чақириб қолиши мумкин. Келгуси сессияга тайёргарлик масаласида. Дарвоқе, эртанги мажлис кун тартибига мен айтган одамларнинг номлари кирдимиз? Яхши. Раҳмат. Энди боринг. Бораверинг! Хайр!..

Савдо вазири ҳам жойида экан.

– Хотиржам бўлинг, Далер Ботирович, энг зўр жиҳозлардан топиб беришади. Мен топшириқ бераман, – деди.

– Раҳмат ака! Бизга хизмат бўлса айтинг! – деди Далер.

– Сизга хизмат буюриб, жонимиз нечта ака, – деди ҳазил оҳангида вазир. – Хизматни мана биз, савдо ходимлари қиламиз-да. Бу бизнинг вазирамиз-ку.

– Раҳмат ака! Бир умр қарздорман...

“Мана энди меҳмонхонага кетсам ҳам бўлар. Шошма, раис ҳали ўзидамикин? Ўзида. Демак, ўтириш керак”.

Оромкурсида ястаниб, столда тахланиб ётган газеталарни қўлга олди. Бир-бир варақлади. Олий кенгашнинг яқиндан бери чиқа бошлаган “Эл садоси” газетасини синчиклаб кўздан кечирди. “Қани, устоз нималар ҳақида ёзибдилар? Аслида, ўшанда устознинг номзодини кўрсатишга сал шошмасам бўлармиди? Бирортаси “Далер Ботировнинг ўзи-чи? Ўзи ҳам журналист-ку, ўзини қўяйлик” дерми деб ўйлагандим. Ҳеч ким миқ этмади-я. “Муҳаммаджон Муҳиддинов – муносиб номзод. Тажрибали инсон” деди кимдир. Устоз бир овоздан тасдиқланиб кетди. Далер бир-икки кун хафа бўлиб юрди. Кейин эй майли, сал ишни йўлга қўйсин-чи, кейин ўйлаб кўрамиз, деди ўзича”.

“Ие, Нурбек Холмуҳаммедовнинг мақоласи-ку! Бу нима қилиб юрибди бу ерда? Э, ҳа-а, ўша куни самолётда кўрувдим-ку? Мақола олиб келган-да! Тўхта-чи...”

Таҳририятга кўнғироқ қилди. Муҳиддинов билан қуюқ сўрашди.

– Япониядан келдик бугун. Сафар таассуротларини ёзиб бераман. Чиқарасиз-да! Айтганча, Нурбек Холмуҳаммедов деганнинг мақоласини ўқиб қолдим. Тинчликми? Нима? Ишга олдингиз? Нима ишга? Шарҳловчи? Қандай қилиб? Биз тасдиқламадик-ку? Матбуот комиссияси тасдиқладими? Қачон? Ҳа-а... Биз у ёқда бўлганимизда, шунинг учун эшитмаганман. Лекин... бироз, салгина шошибсиз. Мендан бир оғиз сўраш керак эди. Йў-ўқ, ёмон одам эмас... Шунчаки, менинг у ҳақда фикрларим бор эди. Майли энди...

Ўшакни қўйди. “Оббо, лаънати писмиқ-ей, индамай юри-иб, бу ёққа ўтиб олибди-да. Кимни ўртага солди экан? Муҳиддиновнинг ўзи чақирган. “Янги газетага янги ходимлар керак” деб юрган эди. Муҳиддинов бало. Кадр танлашни билади. “Агар... катта бўлиб кетмаганингизда сизни биринчи ўринбосарликка таклиф этган бўлардим” деди у Далерга. “Теварак-атрофда қалами ўткир журналистлар кўп, ташвишланманг, деди Далер. Аммо-лекин бу янги газета, уни зўр қилиб чиқариш керак. Агар зарур бўлса, вилоятлардан ҳам ходимлар таклиф этинг. Ёзиб турадиганлари бор-ку, ахир...” Нурбек ҳам “Вақт”га ёзиб турарди... Ҳа, бу қизиқ янгилик... Демак, Холмуҳаммедовнинг чучмал кинояларини бу ерда ҳам эшитишга тўғри келаркан-да? Э-э, йў-ўқ, энди агар сасийдиган бўлса, пачоқ қилиб қўяман...”

ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

Холмуҳаммедовнинг пойтахтга ишга кетиши Мушфиқахоним учун ёзда ёққан қор хабаридек бўлди. Хоним

“касал кўрди” пайтида қилинган “илму амал” натижасидан умидвор эди. Нурбекнинг эртасига кечки пайт яна кўнғироқ қилиб, “Қалай, тузук бўлиб қолдингизми?” деганини эшитиб, “таъсир қилибди” дея ўзида йўқ шодланган эди. Писмиқ, ўша куни бир оғиз “Мен пойтахтга ишга кетяпман” демади-я. Ё унда ҳали аниқ бўлмаганими? Кайфияти баланд эди. Ўшанга эмасмикан? Мен бўлсам, дори таъсир этган, энди ҳар куни кўнғироқ қилиб, учрашишга баҳона излайди, деб ўйлаб ўтирибман.

Мушфиқахоним бу хабарни тушга яқин Ҳакимахондан эшитди. Ишхонасига кўнғироқ қилиб айтди.

– Эшитдингизми, ҳалиги... сўраган журналистингиз марказга ишга кетибди.

– Қайси журналист, қанақа ишга, – деди Мушфиқахоним юраги ниманидир сезиб, “шув” этиб кетган бўлса ҳам сир бой бермай.

– Холмуҳаммедов-да. Янги очилган газетага ўтибди.

– Ким айтди? Бўлмаган гапдир. Ўзи яқинда шу ерда бошлиққа ўринбосар этиб тайинланганди-ку.

– Энди-и, марказ барибир марказ-да! Кичикроқ иш бўлса ҳам марказда ишлаганга нима етсин. Бу гапни менга... Далер Ботиров айтди. “Ўзим ёрдам қилиб, жойлаштириб қўйдим” деди. Дарвоқе, бир савол сўрасам... ростини айтасизми?

– Сўранг, агар саволнинг жавобини билсам, нега айтмайин, албатта ростини айтаман.

– Ботиров... сизга ҳеч кўнғироқ қилдими?

– Нима масала бўйича?

– Умуман.

– Йў-ўқ, қилган эмас. Нимайди?

– Ўзим... Мушфиқахон. Бугун кечқурун уйингизга борсам, бир маслаҳатингиз керак эди.

– Майли, келинг. Бепул маслаҳат бизда истаганча топилади, – деди ҳазиломуз хоним.

Гўшакни қўйгач, Ҳакимаҳоннинг хабаридан қўнгли беҳузур бўлиб, оромкурсига ҳолсиз ўтириб қолди. Де-мак, яна ҳижрон.

Ҳакимаҳон ўша куни кечқурун келмади. Қўнғироқ қилиб узр сўради. “Кейинроқ борарман. Ҳозирча бироз ўйлаб кўришим керак” деди. Нимани? Мушфиқаҳонимни бу савол асло қизиқтирмасди. Уни бошқа саволлар қийнади. Нурбек қачон кетган? Ўша янги ишхонаси қаерда жойлашган? Телефони борми? Қаерда яшаб турибди? Ҳойнаҳой, ҳали кўчиб бормагандир? Пойтахтда дабдурустдан уй-жой олиш осон эмас-ку? Яна ҳам ким билади, ўзлари ишга таклиф этишган бўлса... Дарвоқе, қанақа ишга таклиф қилишган?

Хоним Ҳакимаҳон орқали ана шу саволларга жавоб топмоқчи эди. Шу боис уни “Бошқа пайт борарман” деган гапини эшитиб:

– Қачон? – деб сўради. Кейин худди бир нарсани биладигандек қўшимча қилди. – Бирон ишга жазм этган бўлсангиз, уни орқага ташламай, тезроқ қилиш керак, кейин кеч бўлади!

Хоним Ҳакимаҳон эрини қамокдан озод қилиш билан боғлиқ бирон масалада маслаҳат сўрамоқчи деб ўйлаган эди.

– Майли, эртага эмас, индин бораман, – деди Ҳакимаҳон. – Лекин жудаям жиддий гап...

– Келаверинг, ҳар қандай жиддий гапни ҳам ҳал қилиб ташлаймиз, – деди Мушфиқаҳоним. Дарвоқе, менга Нурбек Холмуҳаммедовнинг пойтахтдаги телефонлари керак, имкони бўлса, шуни аниқлаб келинг. Хўпми?

– Хўп бўлади, – деди Ҳакимаҳон худди буйруқ бажаришга шайланаётган аскардек. Гапининг авзоидан унинг маслаҳатлашмоқчи бўлаётган масаласи чиндан ҳам анча жиддийга ўхшайди.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

Далер Ботиров бугун Нурбек Холмуҳаммедовни хузурига чақириб, ўта муҳим топшириқ берди. Табиийки, уни яна бир бор “пойтахт сари қилган ижодий парвоз” билан қутлади.

– Ўша куни телефонда айтиб ўтирмадим, – деди у. Далер Муҳиддиновдан Нурбекнинг янги газетага ишга олинганини эшитгач, эртасига унга шахсан қўнғироқ қилган, “Хабарим бор, ўзимиз билан маслаҳатлашилган” дея бу ишда иштирок этганига ишора қилганди. Бугун батафсилроқ “тушунтириш” бериб, Нурбекка насиҳат қилди.

– Сизни ишга таклиф этишдан аввал мендан фикр сўрашганди. Мен сизни шахсан тавсия этиб, “яхши, арзийдиган йигит” деганман. Энди мени уялтириб қўйманг. Хўпми?

Сўнгра бевосита топшириқ мазмунини баён этди:

– “Савдодаги савдолар” деган бир танқидий мақола ёзасиз. Мана бу папкада депутатлар комиссияси ўтказган текшириш ҳужжатлари тўпланган... Бу юлғич чайковчиларнинг бир адабини бериб қўймасак бўлмайди. Дарвоқе, кўчиб келдингизми? Қаерда турибсиз?

– Кўчиб келишга ҳали имкон қайда? Қурилиш вазирлигининг ётоқхонасида турибман. Битта кичикроқ хона беришган... Ўзингиз жойлашиб олгандирсиз?

– Ҳа, марказдан, ҳукуматга қарашли янги уйлардан уч хонали квартира беришди.

– У ёқдаги уй-жойларга бирон ишончли одам қўйиб келдингизми?

– Э-э, дўстим, ҳозир ишончли одам борми? Топширадиганини топширдим давлатга. Ҳалиги... Отамдан қолган ҳовлини сал-пал эпақага келтириб, сотиб юбордим. У ёқда жойим қолмади. Энди, биродар, тақдирни пойтахт билан боғлагандан кейин... Ундан ташқари мен

бир ёлғиз, сўққабош одам бўлсам. Етади, марказдаги шу битта уй. Бошқа депутатлар тўрт хона, беш хона, олти хона деб чопиб, ариза ёзиб юришибди. Мен “бизга иложи бўлса, бир хонали беринглар” дедим. Ўзлари қўярда-қўймай “Сиз ижодкор одамсиз, алоҳида ижодхона бўлиши лозим” деб уч хона ажратишибди. Бу аблах савдо ходимлари шу қадар айниб кетишган эканки, арзимаган икки-уч тўплам уй жиҳозлари сўрасам, бир ойдан бери пайсалга солиб юришибди... Та-ак, демак, вазифа тушунарли-а?

– Тушунарли, – деди Нурбек. – Кетсам бўладими?

– Эрталабгача тайёр бўлсин!

– Ҳаракат қиламиз...

Нурбек чиқиб кетгач, у савдо вазирига қўнғироқ қилди. Вазир узр сўради. “Буюртмангизни бажаришни сал кечиктирганимиз учун узр, айтганингиздан – Италияникидан топилмади. Агар немисларникидан бўлаверади десангиз, бугуноқ етказаман” деди.

– Яхшимисиз ака. Э, майли, қўяверинг ўшани, бугун бўлмаса, эртага. Биз билан сиз бир кунлик эмас-ку. Мен... бошқа масалада қўнғироқ қиляпман. “Эл садоси” газетасида эрта-индин савдо бўйича жудаям жиддий бир танқидий мақола тайёрланаётганини эшитиб қолдим. Муаллифими? Э, бир ўжар мухбир бор, бош муҳаррирининг гапига ҳам кирмайдиган... Холмуҳаммедов. Менми? Ҳа, танийман. Бирга ишлаганмиз. Ўзимизнинг шогирдлардан. Энди-и... билмадим. Менинг айтганимни қилармикин? Майли, гаплашиб кўрарман. Лекин... жудаям қаттиқ мақола дейишяпти. Олий кенгаш комиссияси хужжатлари, кейин мухбирлар ўзлари жойларда ўтказган текширишлар асосида эмиш... Майли, ака, бир уриниб кўраман, ўзингиз ҳам бош муҳаррирдан бир илтимос қилиб кўринг. Гапга кўнмайдиган одам дейсизми? Ўзим гаплашайми?.. Хў-ўп!..

Чамаси вазир текширишлардан яхши хабардор ва “бунинг натижаси қанақа бўларкан” деган хавотирда

юрибди. Шу боис Далерга “ўзингиз ҳал қилиб беринг” деб ёпишиб олди. Охирида “эртага буюртмангизни ернинг тагидан бўлса ҳам топтираман” деб қўшиб қўйди.

“Аҳ-а, оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди-ку вазир акамиз. Ҳолинг шу экан-у...”

Эртасига тушдан кейин Далерга “Буюртма қилинган уй жиҳозлари тайёр, қаерга олиб борайлик” деган хабар келди. Далер манзилни айтиб, “мен соат тўртда ўша ерда бўламан, ана шу вақтга олиб келишсин” деди. Айтилган муддатда борди. Жиҳозларни хоналарга киргизтириб, йиғиб жойлаштиргунларича эринмай кузатиб ўтирди. Орадан икки-уч соат ўтиб кетди. Иш ниҳоясига етгач, кўнгли тўлиб, идорага йўл олди. Бора солиб, вазирга кўнғироқ қилди.

– Раҳмат ака! Бир умр қарздорман. Йўғ-е, нима деяпсиз? Қўйсангиз-чи? Мумкин эмас! Мен арзонроқ бўлсаям, албатта ҳақини тўлашим керак. Мақолами? Мақола чиқмайди! Хотиржам бўлинг! Айтинг, келиб мебелнинг пулини олиб кетишсин. Хўпми?

ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

Ҳакимаҳон сўрамоқчи бўлган маслаҳат бир қарашда кулгили, ахмоқона, лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса... кўрқинчли эди. Ҳакимаҳон гапни узоқдан бошлади.

– Анави... Мухтор Эрғозиев сизнинг қайнингиз экан. Айтишларича, ҳозир у... ноҳақ жабрланганларни ҳимоя қилар эмиш. Қонуннинг кучи етмаган ишларни ҳам ечади, дейишади. Машинасини ўғирлатганлар унга арз қилса, машинасини топтириб, қайтариб берар экан...

– Хўп, нима бўпти, шунақа бўлса, – деди кулимсираб Мушфиқаҳоним. У ҳам собиқ қайнисининг қилиб юрган ишларини орқаваротдан эшитган, бу “фаолият”нинг ҳақиқий номини ҳуқуқшунос сифатида яхши билар, ўзи-

ча “охири ёмон бўлади” деб қўярди-ю, лекин ҳеч кимга “чурқ” этмасди.

– Отинг ўчгур Далер Ботиров бизларнинг мусодара қилинган ҳовлимизни зўрлик билан эгаллаб олганди. Тунов куни сотиб кетибди.

– Қонуний қилиб сотгандир-да?

– Билмадим. Лекин... Менга “ярим пулини сизга бераман” деганди. Номард...

– Нега шошасиз? Балким ваъдасини эртами-кечми бажарар?

– Бажармайди. “Пулнинг ҳаммаси депутатликка ўтишда қилган харажатларни қоплашга кетиб қолди. Ўзим ҳам анча-мунча қарздорман” дейди.

– Хўп. Нима қилмоқчисиз?

– Ундан... пулни тортиб олиш керак. Икки ҳовли, бир квартира, бир мошин сотган... Бир неча миллион пули бор.

Мушфиқахоним олдинига жаҳл билан:

– Қўйсангиз-чи, бунақа ишларни, сизга ярашмайди, – дея танбеҳ берди.

Ҳакимахон йиғлади.

– Мени ахмоқ қилиб, алдаб кетаверадими? Депутат бўлса ўзига!

– Тушунинг, Ҳакимахон, аввало бу айтаётган ишингиз – қип-қизил жиноят. Жиноят бўлгандиям ўта оғир жиноят. Чунки Далер Ботиров – давлат одами. Унга... хуруж қилиш – давлатга хуруж қилишдек гап. Шунинг учун Мухтор тугул, ундан зўрроғи ҳам бунақа ишга жазм қиллолмайди. Иккинчидан, жазм қилганда ҳам... ўзини ҳам, ора йўлда сизни ҳам абгор этади. Қўйинг, дугонажон. Эскилар айтиб қўйибди: “Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан” деб. Эрингиз қамоқдан чиқай деб турган чоғда ўзингиз қамалиб кетманг тағин...

Ҳакимахон бир зум ўйлаб турди. Кейин:

– Мен қамалишдан қўрқмайман, – деди.

– Сиз қўрқмайсиз... Мухтор қўрқади. Акаси қамоқда ўлган...

– Агар... Мухтор қамоқдан қўрқса, бунақа ишлар қилиб юрмасди. Айтганча, икки-уч ой аввал у... Далер Ботировнинг яп-янги “Волга”сини ўғирлатиб, кейин қайтариб берган. Эшитмаганмидингиз?

– Йўқ, эшитмаган эканман.

– Шунақа бўлган. Далер Ботиров “Волга”нинг ярим пулини “суюнчи”га олиб бориб берганидан сўнг қайтариб берган. Мен бориб... ҳозир Далер Ботиров ноҳақдан, етим-есирнинг кўз ёшидан миллионер бўлиб ўтирибди, десам, бирон чора қўрса керак.

– Талабингиз қонуний бўлса, нега мелисага, прокурорга арз қилмайсиз?

– Э-э, дугонажон, худди билмагандай гапирасиз-а. Агар... Мухторга илтимос қилишга қўрқсангиз... Ҳеч бўлмаса кўнғироқ қилиб, шунчаки “Бу аёл дугонам бўлади, арзини эшитиб, бир ёрдам беринг” деб қўйинг...

– Хафа бўлманг, дугона, мен унга умуман умримда кўнғироқ ҳам, илтимос ҳам қилмаганман. Бунинг жиддий сабаби бор...

– Бўлмаса мен ўзим “Мушфиқахоннинг дугонасиман” деб айтсам, розимисиз?

Мушфиқахоним бир лаҳза ўйланиб турди.

– Майли. Лекин “масаланинг моҳиятидан хабардор эмас” деб айтинг. Умуман, бу гапни сиз менга айтганингиз, мен эса эшитганим йўқ, келишдикми?

– Во-ой, нега мунча қўрқасиз?

– “Эҳтиёткорлик – қўрқоқлик эмас” дерди бир домла-миз. Мен ёлғиз аёлман, дугона. На эрим, на бола-чақам бор. Эҳтиёт бўлмасам бўлмайди. Тўғри тушунасиз-а?

– Майли, тўғри тушундим...

Ҳакимахон кетди. Мушфиқахоним у қолдирган қоғозчага кўз югуртирди. “Нурбек Холмуҳаммедов. “Эл садоси” газетасининг ҳуқуқ масалалари бўйича шарҳловчиси. Телефон рақамлари...”

Қоғозчада фақат ишхона телефон рақамлари ёзилганди. Кеч бўп қолди. Ишдамикин? Ё кетганми? Бир қўнғироқ қилиб кўрай-чи...”

Хоним шаҳарлараро кодни ва пойтахт телефон рақамини териб, ҳаяжон билан юраги дукуллаб кутди. Бир муддатлик “ту-у-у-ут”дан сўнг Нурбекнинг “Эшитаман” деган овози янгради.

– Нурбек ака, ассалому алайкум, мен Мушфиқаман, янги ишлар муборак бўлсин!

– Раҳмат, раҳмат! – деди Нурбек. Унинг овозида севинч оҳанги борлигини хоним сочларининг толаси билан сезди.

– Бир оғиз айтмабсиз ҳам, – деди ўпкалаган оҳангда хоним. – Ё ишонмайсизми, бизларга?

– Йўқ-йўқ, нега ишонмайин, ишонаман. Шунчаки кутилмаганда чақириб қолишди. Чақира солиб, ишга тушириб юборишди. Иш кў-ўп...

– Кўчиб кетдингизми?

– Йўқ ҳали.

– Қаерда турибсиз?

– Ётоқхонада. Уй берамиз дейишяпти... кейинроқ.

– Ётоқхонада телефон йўқми?

– Йў-қ. У ерда вақтинча турибман.

Нурбекнинг овозидан ўнғайсизлангани сезилди. Хоним аввалига “Бу ёққа қачон келасиз, келсангиз хабарлашинг” демоқчи бўлди. Бироқ тўсатдан миясига ажойиб фикр келди.

– Икки-уч кундан сўнг бизларни адлия вазирлигига йиғилишга чақиришган... Сизни қандай топаман?

Нурбек бир зум жавоб бермай, ўйланиб турди. Кейин:

– Мен доимо ишдаман. Келсангиз мана шу телефонга қўнғироқ қиларсиз.

– Майли, албатта қўнғироқ қиламан, – деди хоним қувончи ичига сиғмай.

ЙИГИРМА ТҶҲРТИНЧИ БОБ

Эрталаб аъло кайфиятда ишга келган Далер Ботиров газетанинг навбатдаги сонини ўқиб, тепа сочи тикка бўлиб кетди. “Савдодаги савдолар” номли мақола биринчи саҳифадан бошланиб иккинчи саҳифанинг қарийб ярмисини эгаллаган, пастда шапалоқдек бўлиб “Холис Муҳаммад” деган имзо турарди. “Бу қанақа бемазагарчилик? Ахир... Муҳаммаджон акага қўнғироқ қилиб, “қолдиринг” дегандим-ку! Бу одам... ким билан ўйнашяпти ўзи?..”

Жаҳл билан телефон гўшагини олди. Қўнғироқ қилди. Бош муҳаррирнинг босиқ, майин овозини эшитиб, бироз ҳовридан тушди. Салом-аликни қисқа қилиб, юмшоқ, лекин таҳдидли овозда гапирди.

– Муҳаммаджон ака, унақа эмас-да энди! Ахир савдо ҳақидаги мақолани бермасликка келишган эдик-ку?

– Узр Далержон ука, таҳрир ҳайъати аъзолари қаттиқ туриб олишди. “Давлатимиз раҳбарияти адолат, ҳақиқат учун курашни талаб қилаётган бир шароитда биз муросасозлик қилиб ўтирсак бўлмайди” дейишди. Биласиз. Ҳозир танқислик. Дўконларда ҳеч вақо йўқ. Бундан фойдаланган нопок савдо ходимлари чўнтакларини қаппайтириш пайида бўляпти. Аҳоли норози. Шунақа мақолалар бериб турмасак, бизни ҳеч ким кечирмайди...

Далер бир лаҳза мум тишлаб қолди. Лекин ўзини тез ўнглади.

– Мен мутлақо бермаслик керак, деганим йўқ. Шошмасдан, далилларни кўпайтириб, асосли қилиб бериш лозим, деганман ака! Мен ҳам... тушунаман.

Соат ўнда мажлисга кириши керак бўлгани учун Далер гапни қисқа қилди.

– Майли ака, бу ёғига эҳтиёт бўлинг. Айрим ўртоқлар ҳозирданоқ “Муҳиддинов ўзбошимчалик қилаётибди” деб юришибди. Маслаҳатлашиб ишласак яхши-да! “Маслаҳатли тўй тарқамас” дейдилар...

Мажлис қизғин мунозараларга бой бўлди. Тушлик учун бир соат танаффус берилиб, сўнгра яна давом этди. Далер мунозарага аралашмай, жимгина ўтирар, баъзан дик этиб ўрнидан туриб кетар, лекин яна ўзини босар, “ҳали вақт бор, сенинг галинг кейинроқ келади” дея ҳаяжонини енгарди. Айрим депутатлар биринчи кунларда-ноқ ҳамма масала бўйича билса-билмаса сўзга чиқавериб, отнинг қашқаси бўлиб қолишган, кейинги пайтлар уларнинг гапига биров эътибор бермасди. “Гапирганга яраша ҳамманинг эсида қоладиган қизиқ, салмоқли гап гапириш керак” деб ўйларди Далер. Токи “Бу Ботиров деганлари бўладиган йигит экан-ку” дейишсин-да”.

Кечга яқин кичикроқ бир масала муҳокамаси пайтида ногаҳон унинг мияси ишлаб кетди. Масаланинг мазмуни депутатларга бериладиган имтиёзлар, жумладан, уларни махсус дўкон орқали камёб озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳақида эди. Депутатлардан бири чиқиб, уларга арзон, давлат нархида берилаётган гўшт-ёғ, колбаса, тухум сингари маҳсулотлар миқдорини ошириш зарурлигини айтди.

– Менинг олтита болам бор. Тўрт кило гўшт бир ҳафтага етмаяпти...

Иккинчи депутат бериладиган маҳсулотлар миқдорини оиладаги аъзолар сонига қараб белгилашни таклиф этди.

Айни шу лаҳзада Далер сўз сўради. У депутат бўлганидан бери биринчи гапириши эди. Бир томони худди шунинг учун, иккинчидан журналист Далер Ботировни кўпчилик депутатлар газетадаги мақолалари, телевизор орқали чиқишларидан аввалдан яхши танишгани учун “Қани, нима деркин?” дея қизиқиб қулоқ солишди.

– Ҳозирги пайтда шаҳар ва қишлоқлардаги дўконларда озиқ-овқат маҳсулотлари нечоғлик танқис эканини ҳаммамиз яхши биламиз, – деди Далер. – Шакар, чой, ҳатто совун талонга бериляпти. Ана шундай пайтда биз,

халқ вакиллари қорнимизни ўйлаб ўтиришимиз... уят эмасми? Одамлар эшитса, билса, нима дейди? Ахир биз шундай қийин, мураккаб даврда халқ билан бирга бўлишимиз, қийинчиликларни биргаликда бошдан кечиришимиз керак эмасми? Илтимос қиламан мухбирлардан, мана шу гапларни телевизор орқали кўрсатишсин. Одамлар бизнинг халқ билан бирга эканлигимизни билиб қўйишсин. Менинг таклифим шундай: озиқ-овқат, кийим-кечак харид қилиш борасидаги депутатларга берилган барча имтиёзлар бекор қилинсин! Агар таклифим қабул қилинмаса, менинг якка ўзим ана шу имтиёзлардан воз кечаман!..

У ер-бу ерда қарсак овози эшитилди. Раис бу масалани аввал атрофлича ўрганиб, кейинги мажлислардан бирида узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан таклиф киритди. Таклиф қабул қилинди. Ўрнига келиб ўтириб улгурмаган Далер залдаги микрофон ёнига келиб:

– Мен ўз шахсий қароримни ҳозироқ қабул қилдим. Бугундан эътиборан имтиёзлардан воз кечаман. Тамом-вассалом! – деди.

Бу гал қарсаклар кўпроқ чалинди. Далер бутун залнинг диққати ўзига қаратилганини сезиб, қаддини кўтарди. Теваракка қараб, “раҳмат, раҳмат” дея бош ирғади.

Шу тариқа унинг биринчи нутқи ўзи хоҳлагани каби “эсда қоларли” бўлди. Мажлисдан қониқиш билан чиқиб, уйга йўл олди. Ҳар куни кечки нонуштани шу ердаги шинам, арзон емакхонада қилиб кетарди. “Бугун нонушта ҳам қилмай кетаман” деди у ўзига-ўзи. Дарвоқе, уйда совуқхонада ҳамшаҳар дўкончию ширкатчи дўстлар мунтазам юбораётган тандир кабоб, дудланган гўштлар, пишлоқ, колбаса, балиқлар тиқилиб ётибди-ку. Бир бошига еса қанча ерди?

Уйга етиб келиб, темир эшикни шақиллатиб очди. Иккинчи эшик дубдан ясалган ва хушбўй сирмой сур-

калгани учун ҳиди димоққа урилди. Паркет, ичкаридаги эшик ва ромлар ҳам дубдан. Мебелларни сидирға зайтуни дарахти ёғочидан ясалганини олди. Италияники, вазирни ҳоли-жонига қўймай охири топтирди. Меҳмонхонада улкан “Сони” телевизор. Видео, аудио, стерео электр жиҳозлари. Япон совутгичи, кир ювиш, идиш-товок ювиш машиналари, микротўлқинли печ, кофе қайнатадиган, шарбат сиқадиган, хуллас, ҳамма ускунаю жиҳозлар муҳайё.

“Энди бу ерга... бир гўзал ва озода бека зарур” деб ўйлади у ечиниб, газни ёқиб, чой қўяр экан. “Шундай бир гўзал, онаси ўпмаган бир фаришта бўлсин...” Юз граммча коньякдан сўнг гўшт, қази-қарта билан нонушта қилди. Хушбўй англия чойига лимон солиб ичди. Шу аснода бояги муҳокамани, ўзининг минбардан айтган гапларини эслаб, кулди. “Эҳ, содда одамлар!” деб қўйди. Чой ичиб бўлгач, телевизор қўйиб, юмшоқ диванга ястанди. Керишди. Кўз олдига Ҳакимаҳоннинг яланғоч гавдаси келди. “Ёмон нарсамасди қурғур. Акажон-акажон, деб ингранар эди. “Ҳеч ким билмасин-а” деб ялинганлари-чи. Лекин... нафси ёмон экан. Ўзига ўзи қилди. Ҳовлимни қайтариб беринг, эмиш. Топдинг, содда одамни. Ярим пулини бермоқчи эдим-у, хархаша қилавергач, униям бермай, сурвордим. Қўлидан нима келарди? “Далер Ботиров мени... айш-ишрат қилиб, алдаб кетди” деб арз қиладими? Кимга? Нима асоси бор?” Йўқ, унақа нафсини тия олмайдиган очкўз аёлдан қутилгани яхши бўлди. Ишқилиб... орқасидан гап қилиб, саситиб юрмаса бўлгани. Саситса ўзига ёмон-ку. Яқинда эри чиқади. Тинчиб кетса керак...

“Энди бошқа аёл топмаса бўлмайди”.

Кўз ўнгида Мушфиқаҳонимнинг гўзал чеҳрасини келтирди. Назари тўқ, бадавлат аёл. Бунинг устига чиройли ва ёш. Ана шунақаси бўлса, қанийди. Хонимнинг ўзи рўйхушлик бермаяпти. Депутат бўлганидан кейин ҳам икки марта қўнғироқ қилди.

“Учрашайлик” деди. Кўнмади. Далер Мухторбекдан ҳайикдими, унча қистамади. “Бир аёлни деб, ўша билан орамиз бузилиб қолмаса” деди. Ўзи ҳам Мухтордан узоқроқ юришга тиришди. “Кўрганлар бу ўшаларнинг пулига катта бўлиб юрган экан, демасин” деди. Мухтор бунни сезиб, ўпкалади. “Ўзингизни олиб қочманг, ака” деди. Бир-икки марта бозорлик, совға-салом қилиб жўнатди. Конвертга анча пул ҳам солиб юборибди. Далер ғижинди. “Мени садақага зор деб ўйлаяптими, бу ўғри” дея унга жаҳл билан кўнғироқ қилди. “Мухторбек, ташвиш тортманг, илтимос, агар бирон нарса керак бўлса, ўзим кўнғироқ қиламан” деди. Мухторнинг орияти кўзғадими, шундан кейин анчадан буён сўроқлагани йўқ. Шу билан бироз тинчиса яхши бўларди. Ундан узоқроқ юриш керак. Бугун бўлмаса, эртага барибир қамалиб кетади. Аммо-лекин Мухторга ўхшаганлар билан алоқани буткул узиш ҳам мумкин эмас. Улар ҳаммиса бўлган ва ҳаммиса бўлади. Уларнинг қўлида пул бор. Пули бор одам эса ҳар қандай жамиятда кучли...

Далер ўрнидан туриб, хобхонасига кирди. Кийим шкафининг ичидаги орқа ёнига тўсинни сурди, деворнинг ботиқ жойига ғоят усталик билан хуфя қилиб ўрнатилган темир сандиққа калит солди. Сандиқ овоз чиқармасдан очилди. Далер сандиқ ичида ҳафсала билан терилган боғлам-боғлам пулларга меҳр билан тикилди. Бир-икки боғламини олиб, ушлаб кўрди. Силаб, яна қайтариб жойига қўйди.

“Ё заринг, ё зўринг бўлсин” дебди машойихлар. Худога шукур, унинг зари ҳам, зўри ҳам бор. Лекин... бу пуллари айлантириш керак. Советнинг пулига ишонч тобора камайиб, одамлар доллар йиға бошлашяпти. Бироқ, доллар бўладими, тилло бўладими, сандиқда ётса, ўликда. Уни ҳаракатлантириш лозим. Ширкатчи дўстларига ишлатишга берган пулининг миқдори оз. Келаётган фойда ҳам шунга яраша. Ўзи биронта ширкатми, фир-

мами очиши керак. Яширинча, албатта. Қонун бўйича давлат хизматидаги киши тижорат билан шуғулланиши мумкин эмас. Ҳозир одамлар шимолдаги шаҳарларга вагон-вагон сабзи-пиёз, қовун-тарвуз жўнатиб, халта-халта пул ишлашяпти. Шунақа ишлар билан шуғулланиш керак. Унинг-бунинг ишини битказиб бериш эвазига олинаётган икки-уч минг нима бўларди. “Қўлдан берганга қуш тўймас” дейдилар. Бунинг устига оғзига кучи етмаганлар порахўр деб гап тарқатишгани ортиқча.

Далер сейфни бекитиб, ечинди. Ухлагани ётди. Ҳа-деганда уйқуси келмади. Керишди. У ёққа-бу ёққа ағдарилди. “Севги талаб қилмоқда менинг севгисевар қалбим, ишрат истамоқда менинг ишратпараст жисмим” деган шеърӣ сатрлар қуйилиб келди хаёлига. Туриб, эғнига юмшоқ халат илиб, ёзув столи ёнига келди. Уйда тутадиган “Кундалик” дафтарини очди. Ёзди. Кейин нимадир эсига тушиб, телефон рақамлари ёзилган ён дафтарни варақлади. “М” ҳарфи ёзилган саҳифани очди. “Муҳаббат масалалари” деб ёзилган рақамлардан бирини терди...

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

Пойтахтга жўнашдан бир кун олдин Мушфиқахоним шаҳар касалхонасининг аёллар маслаҳатхонасига борди. Нурбекнинг хотини шу ерда ишлашини илгаридан билар, мақсади тиббий маслаҳат баҳонасида ўша аёлни бир кўриш эди. Сўроқлаб топди ва қабулига кирди. Қорачадан келган, истараси иссиққина, хушмуомала жувон экан.

– Сизни яхши мутахассис деб эшитдим. Бир кўриб, маслаҳат берсангиз.

– Нима безовта қилади?

– Айрим пайтлар қизиб кетаман. Юрагим лоҳас бўлади.

– Ечиниб, курси устига чиқинг. Мана бу ёққа...

Хоним ечиниб, айтилган томонга ўтди.

– Ҳали жудаям ёшсиз-ку, – деди жувон текширувга киришар экан. Хонимнинг сонларига ҳавас билан қараб: – Айтаётган гапларингиз... климакс белгилари. Йў-ўқ, ҳеч қанақа касаллик аломатлари йўқ. Бу... асабият ва толиқишдан ҳам бўлади, баъзан...

Жувон хонимнинг оёқлари орасида туриб, унинг касалини излар, хоним эса уни синчиклаб ўрганар, қиёфасидаги жиддий соддалик, руҳиятидаги сокинликни кўриб “бахтли аёллар шунақа бўлади” деб ўйлади. Чиройли бўлмасанг ҳам бахтли бўлсанг, қандай яхши. Бахтли бўлиш учун эса сеvimли бўлиш керак. “Хўш, мен ўтган йиллар мобайнида сеvimли бўла олдими?” деган савол берди хоним ўзига фикран. “Ҳа!” деб жавоб қайтара олмади. Бу ҳақда илгарилар ҳам кўп ўйлаган. Ва англаб етган: унинг чин маънода сеvimли бўла олишига ҳусни ҳалақит беради. Ҳеч бир эркак унинг феъли, ақлу ҳушига қараб сева олмайди. Унга нукул ҳуснига қараб мафтун, ошиқ, харидор бўлишади. Нима қилиб бўлса ҳам унга эришишга, уни қўлга киритиш ва эгалик қилишга интилишган. Ҳеч ким уни сеvмаган. Севган киши, шубҳасиз, сеvgисига қанақа жавоб бўлишини кутади. “Мен сеvаман, сен сеvасанми?” деган қўшиқдаги сингари. Улардан бирортаси Мушфиқадан “Сен мени сеvасанми, менга кўнглинг борми?” деб сўрамаган. Мушфиқанинг ўзи ҳам бу ҳақда ақалли бирор марта ўйлаб кўрмаган. “Мен сеvаманми бу одамни?” деб ўзидан жиддий сўрамаган. Демак, сеvgи унинг қалбига меҳмон бўлмаган. Шу пайтгача бўлиб ўтган барча воқеалар шунчаки эр-хотинлик муносабатларидан юқорироқ даражага кўтарила олган эмас. Энди, уч бор турмуш кўриб, орада яна бир одамга шаръий хотин бўлиб, эркак ва аёл муносабатларидан буткул кўнгли совиган, “энди сокин ва озод яшайман, бирорта бола олиб тарбиялайман” деб турган

чоғида юрагида ногаҳон пайдо бўлган бу телба туйғуни аввалига шунчаки ҳавас, бироз ўтгач, эътиборсизликка жавобан пайдо бўлган қизиқиш, муваққат ишқибозлик, ундан кейинроқ бой хотинларга хос ўжар ғурур ҳосиласи, деб ўйлаган, бунинг севги эканига сира-сира ишонмаган эди. “Ол-а, ўлибди энди, ўттиз бешга борганингда севгига бало борми?” деди яна бир муддатдан сўнг. Айни пайтда ҳарчанд уринмасин, ҳаргиз қаршилиқ кўрсатмасин, исмсиз ва тизгинсиз бу туйғу юрагининг барча истеҳкомларини вайрон қилиб, тобора ичкарилаб борар, хоним ана шу ҳукмрон ҳис инон-ихтиёрини тамоман эгаллаётганини сезар, унга қарши ҳеч бир чора топа олмасди. Аксиға олиб, ана шу ишқ шиддати, ногаҳонда пайдо бўлган шавқ тўлқинлари бамисоли дарё қирғоғидаги метин қояга урилгандек мудом жавобсиз, мудом инкор этилмоқда. Гоҳ-гоҳида пайдо бўлаётган умид учқунлари ақалли бир шамга айланолмас, кўнглини ёритолмас, айни пайтда бу учқунни “пуф” деб ўчириб ташлашнинг ҳам сира иложи бўлмаётгандек эди.

— Тиббий маслаҳатхонага бориб келгач, хоним рақибаси ўзи ўйлаганчалик қудратли эмаслигига ишонч ҳосил қилди. “Содда, бир қадар жўн, гарчанд ўқимишли ва анчайин ақлли бўлса-да, латофату нафосат бобида бир эркакни бир умр измида сақлай оладиган даражадаги аёл эмас” деди у. Афтидан, у Нурбекни ўз меҳри, ғамхўрлиги эвазига маҳлиё этган. Эркак киши кўзи ва... қорни билан севади. Саранжом-саришта рўзғор тутиб, ош-овқатини вақтида пишириб, кирини вақтида ювиб, болаларини озода парваришласа керак. Аксарият эркак зотининг, айниқса ишига берилган ва қўл учида тирикчилик қиладиганларининг хотин кишига қўядиган талаби шулардан иборат бўлади. Мабодо бу талабларнинг ақалли бир қисми бажарилмайдиган бўлса... эркак ана шу ғамхўрликни бошқа жойдан излайди...

Ҳозир Нурбек оиласидан олисда. Хотини томонидан кўрсатилиши керак бўлган ғамхўрликларнинг анчагина

қисмидан маҳрум. Хоним ана шу бўшлиқдан фойдаланиб қолиши мумкин. Бунинг учун... аввало бориб унинг аҳволидан хабар олиш керак.

Эртасига эрталаб ишхонада бир кўринди-ю, пойтахтга жўнади. Самолётга билетни кеча олиб қўйганди.

Етиб келиб, таҳририятга кўнғироқ қилди. Анча вақт жавоб бўлмади. Кейин ёшроқ бир йигит гўшакни олиб “Холмуҳаммедов йўқ. Касал бўлиб уйига кетди” деди.

– Уйи қаердалигини айтолмайсизми? – деб сўради хоним. – Мен вилоятдан келган эдим. Қариндоши бўламан. Касал бўлса, бир хабар олиб кетмоқчи эдим.

– Ҳозир... гўшакни қўймай туринг, сўраб, аниқлаб бераман, – деди йигит. Сўнгра бир неча дақиқа жимликдан сўнг овози такроран эшитилди.

– Қурилиш вазирлигининг бешинчи ётоқхонасида, еттинчи қават, саксон олтинчи хона.

– Ётоқхонага қандай борилишини тушунтирсангиз...

Йигит ётоқхона жойлашган мавзени айтди.

– Яхшиси, таксида боринг. Мавзе шаҳарнинг чекка-роғида.

– Хўп. Майли, – деди хоним. – Дарвоқе, нима касал, шамоллаганми?

– Грипп шекилли...

Хоним бир таксини ёллаб, аввалига бир бозорга ҳайдаттирди. Куз. Маҳсулот сероб. Беш-олти халтачани мева-чеваларга тўлғазди. Гўшт, колбаса, балиқ, газаклар олди. Лимон, асал харид қилди. “Ичимлик ҳам олайми-йўқми” деб ўйлади. “Касал одамга фойдаси бор-ку” деб тоза ароқ ва винолардан жуфт-жуфт қилиб, бир қутига жойлаштирди. Ҳаммолга кўтартириб чиқди. Таксига ўтирар экан, “борган жойимизга опчиқишга кўмаклашиб юборасиз-да, ака” деди. Таксичи рози бўлиб, бош ирғади.

Хоним пойтахтнинг кенг, чиройли, серғулув кўчаларидан борар экан, “Нега мен ҳам шу шаҳарда яшашим мумкин эмас” деб ўйлаб борарди.

Нурбек олов бўлиб ёниб ётар, “ҳа” дейишга мажоли йўқ эди.

– Ётинг, ётаверинг, – деди Мушфиқахоним маъюс жилмайиб, ўнғайсизланаётган Нурбекка. – Мен ҳозир сизни даволайман...

Хоним электр чойнакка чой қўйиб, дастурхон тузади. Чой дамлаб, асал, лимон билан Нурбекка ичкизди. Қистаб-қистаб, егуликлардан оз-моз тотинтирди. Кейин ўраб-чирмаб ётқизди.

– Яхшилаб терласангиз, иссиғингиз тушади, – деди у.

Нурбекнинг ҳайрон бўлишга ҳам ҳоли келмади. Кўзларини юмди. Дори, асал солинган иссиқ лимонли чой таъсирида пешонасидан тер чиқди. Иссиғи пасайди. Туни билан мижжа қоқмай чиққани учун уйқу босди.

Хоним хонани енг шимариб, йиғиштирди. Идиш-товоқларни ювди. Сабзи-пиёз арчиб, гўшт майдалаб, шўрва пиширишга киришди. Қолган маҳсулотларни кичкинагина “Морозко” холодильнигига жойлаштирди. Хонанинг четида тоғора ичида ётган кирларга кўзи тушди. Қўйлак, ич кийимлари, пайпоқлар... “Ювиш керакми? Керак! Ҳозир истиҳола қилиб қилиб ё ижирғаниб ўтирадиган пайт эмас...”

Ётоқхонанинг ҳаммоми умумий, бунинг устига айни чоғда банд экан. Шу боис кирни хонада ювишга тўғри келди. Хоним кир ювишга киришар экан, бу ҳолатидан бир ҳайрон, бир шодон бўлар эди. Назарида кўп вақтлардан буён у ўзини биринчи марта аёл деб ҳис этаётганди. Генералга теккач, у хизматкор ёллаб, ҳатто ўз кийимларини ҳам ювмай қўйганди. Бугун у бироз қийналди. Қўли чиқиб кетибди. Бунинг устига мўъжаз қилиб ўстирилган бўлса-да, чиройли бўялган тирноқлари халақит бермоқда эди. Лекин Нурбекнинг қўйлаги, ич кийимлари, ҳатто пайпоғидан таралаётган ҳид унга хуш ёқди. Йўқ, бу сассиқ ҳид эмасди. Бу ҳид у соғинган эркак вужудининг ўзига хос ўктам бир ҳиди эди. Шу боис у қилаётган

ишидан завқланди, ҳузурланди. Ногаҳонда эшик оҳиста тақиллади.

– Очик, кираверинг, – дея овоз берди хоним қўлини кирдан олмай.

Эшик очилиб, хонага у кеча кўришган аёл... Нурбекнинг хотини кириб келди.

– Ие... Вой... келинг, – дея олди хоним азбаройи шошганидан тили бошқа гапга айланмай. Ўз навбатида аёл ҳам турган жойида – остонада суратдек қотиб қолди. Бир хонимга қаради, бир каравотда ғарқ терга тушиб, ухлаб ётган эрига боқди. Нурбек қаттиқ ухлаётганди. Бироқ эшик тақиллашини эшитган экан, кўзини очди. Юз берган воқеанинг моҳиятини англашга улгурмай, бир зум сукут ва ҳайрат оғушида саросималаниб турди.

– Тушунмадим, – деди аёл қаршисидаги манзарадан азбаройи таъсирлангани учун салом-аликни ҳам унутиб.

Хоним ўрнидан турган ва ўзига нажот истаб, тикилиб турган Нурбекка бир қараб, шоша-пиша гапира бошлади.

– Ҳозир тушунтираман. Сиз... ёмон фикрга борманг. Мен иш билан пойтахтга келгандим. Азбаройи ҳам-шаҳарлик ҳурмати Нурбек ака билан бир сўрашай деб ишхонасига қўнғироқ қилган эдим. Тоби йўқлигини айтишди. Мусофирчилик, бир ўзи қийналиб ётгандир, деб хабар олгани кирувдим. Бор гап шу...

– Хабар олишингиз биров чўзилиб қопти-да, – деди кинояомуз аёл. Гап баробарида бирров деразага қаради. Ташқарида қош қорайиб қолган, хонага ҳам ғира-шира қоронғулик чўка бошлаган эди.

– Ҳа, дарвоқе, кеч бўп қопти, чироқни ёқиб юборинг, ортингизда, эшикни ёнида экан, – деди хоним. Кейин совун кўпигига буланган қўлларига қараб, гуноҳқорона жилмайди.

– Сизнинг келаётганингизни билмабман. Кирлар бу аҳволда ётмасин деб, ювиб тургандим.

– Бунинг учун ва... ҳаммаси учун сизга каттакон раҳмат, – деди аёл шашт билан ортига бурилиб, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Нурбек хай-хайлаб, хотинининг ортидан югурди. Даҳлизга чиққунича аёли зинадан тушиб улгурган эди. Нурбек қайтиб кириб, шоша-пиша кийинди. Кейин Мушфиқахонимга ўқрайиб қаради. Лекин ёмон гапира олмади. Зеро, бунга асоси йўқ эди. Нима ҳам десин? Нега келдинг десинми? Ўзи “касал кўргани келдим” деб айтиб турибди-ку. Лекин ҳозир буни аёлига қандай тушунтиради?

У отилиб кўчага чиқди. Йўл-йўлакай нафаси қисилиб, аччиқ йўталди. Орқасидан серрайиб қолган Мушфиқахонимнинг:

– Чиқманг кўчага, касалсиз-ку, – деган гапини эшитмади.

Хоним эса ҳамон қўлларидаги совун кўпигини артишга ҳам улгурмай, ҳайкалдек қотиб турарди. Зеро, бу воқеа шу қадар тез юз бердики, гўё кўз очиб юмишга улгурмади у.

“Хўш, энди нима қилиш керак?” деб ўйлади хоним. Саволига ҳадеганда жавоб тополмади. Гўё мияси ҳам тўхтаб қолгандек эди. Хайрият, бу фалажлик ҳолати узоқ давом этмади. Хаёлига келган биринчи фикр “кирни ювиб қўйиш керак!” Яна ишга тутинди. Сўнгра анча ўзига келиб, ўйлай бошлади. “Яхши иш бўлмади. У энди мени яна ҳам ёмон кўриб қолса керак. Ораларига раҳна солиб қўйдим. Нега мен ҳам уларнинг орқасидан чиқмадим? Тушунтиришга, Нурбекни ва ўзимни оқлашга ҳаракат қилмадим? Шу топда тушунтириб бўлармиди? Қизишиб турибди-ку...”

Кирларни ювиб, даҳлиз орқали осма айвончага чиқариб, дорга ёйди. Қайтиб кирди. Мияси тез ишлаб кетди. “Вой ўлай, ошхонадаги ишлар нима бўлди? Шўрва тагига олиб кетгандир?..” Ҳартугул, тагига олмаган экан. Лекин

суви қуриб, бир косагина қолибди. Гўшти ҳил-ҳил пишган. Хоним қозонни оловдан олиб, чой қўйди. Шўрвали қозонни хонага олиб кирди. Стол устига дастурхон ёзиб, уни яна қайта бошдан тузади. Чой дамлаб келиб, қайтарди. Пиёлага қуйди. Ичди. Кейин ўйлаб ўтирди. Шу топда чиқиб кетиши мумкин эмаслигини тушуниб турар, бир терлаб, ўзига келган Нурбекнинг яна ташқарига чиқиб кетганига ачинарди. “Яна қайтадан ётиб қолади энди. Грипп билан ҳазиллашиб бўладими? Хотини тўғри қилмади. Масаланинг моҳиятига тушунмай, аразлаб кетди...”

Кўнглининг бир четида “Хотини билан ораси бузилгач, менга кўпроқ эътибор берармикан” деган шакко-кона ўй ҳам бор эди. Хоним бу ўйидан уялди. “Ўл-э, шу қадар пасткашмисан” деди. Ўзига-ўзи ичкаридан “Ахир сен Нурбекни севасан ва унинг муҳаббатига сазовор бўлмоқчисан-ку, севги учун курашиш керак, курашда эса қурбонлар бўлиши табиий”. “Йўқ, мен унинг болаларини етим қилиб, хотинидан ажратиб олмоқчи эмасман. Ким шундай деб ўйлаётган бўлса, қаттиқ адашади” дея ўз-ўзи билан баҳсга киришди хоним. “Ундай бўлса, бу қанақа муҳаббат? Наҳотки сен шунчаки хушторликка... ўйнаш бўлиб юришга розисан?..”

Хоним бу саволга жавоб беролмади. Чиндан ҳам унинг муҳаббати замирида Нурбекни оиласи бағридан тортиб олиш нияти йўқ эди. Тўғриси, у ҳали Нурбекка хотин бўлиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди. У... мудом севимли бўлиш ҳақида ўйларди. У хотин ва хуштор бўлиб кўрган. У фақат севимли бўлиб кўрмаган. Севиб ҳам кўрмаган эди. Мана, севиб кўрди. Севгининг турган-битгани азоб экан. Бу шундай бир қудратли куч эканки... Шоҳни гадо, гадони шоҳ қилади, деганлари рост экан. Йўқса, бой-бадавлат, ўктам, ўзига анчайин бино қўйган Мушфиқахонимдек аёл канизак сингари, бир чўри мисоли манови кулбага келиб, ийиғи чиққан бир мухбирнинг жулдур кийимларини ювиб, бундан завқланиб, роҳатланиб ўтирармиди?

Бунинг устига ўғрилиқ қилиб, қўлга тушган бола сингари аҳволга тушармиди?

Хоним кўнглидаги исёнкор туйғунинг чин муҳаббат эканига бугун қатъий ишонди. Илгариги шубҳа ва гумонлари ғубордек тарқалиб кетди. Аввалги иддаолар, ғурур, ўжарлик қайгадир ғолиб бўлди. Муҳаббат одамни хокисор қилиб қўяр экан. Боя Нурбекнинг хотини ногаҳон кириб келганида, “Ҳозир менга ташланиб, сочларимни юлади, юз-кўзимни тимдалаб ташлайди” деган қўрқув пайдо бўлган эди унинг қалбида. Ҳартугул аёл тарбияли, маданиятли экан. Урмади, ҳатто бир оғиз ҳақоратли гап ҳам айтмади. Ҳолбуки, “кеча... ўзингни менга кўрсатиб, бугун эримга кўрсатгани келибсан-да, мочағар, ифлос” демади. Деганда ҳам ҳақи кетмасди. Унинг ўрнидаги ҳар қандай аёл кўз ўнгидаги манзарага қараб шунақа деган бўларди.

“Мен ўзи бунинг нимасини севиб қолдим?” Хоним яна шу саволни берди ўзига. Чиндан ҳам нимасини яхши кўриб қолди Нурбекнинг? На бойлиги, на хуснию келишган қадди қомати бор. На бир мансабию олиймақом мавқеи. Ҳўш, нимасига ошиқу беқарор бўлиб қолди унинг? Нимасига асиру мубтало?

“Чамаси мен ўзимнинг унга бўлган муҳаббатим асириман, – деб ўйлади хоним. – Ана шу муҳаббат инон-ихтиёримни буткул олиб қўйган. У на бойлик, на хусн, на шон-шухрат, ҳеч нарсани суриштирмас экан”.

“Ҳўш, ўша муҳаббат қандай пайдо бўлди? Нимадан туғилди у?” “Билмадим. Мен бу саволга жавоб беришдан ожизман”. “Эҳтимол, бу шунчаки ёввойи туйғу, ҳирс васвасасидир, яъни эркак қўлини соғинган бир бева сифатида унинг васлидан, ишратидан умидвордирсан? Гоҳида эрсираб, телбаланган аёл дуч келган эркакка ёпишадиган ҳоллар ҳам учрайди-ку?..”

“Йўқ-йўқ. Мен унинг тани, вужуди ҳақида, у билан бирга бўлиш, ётиш ҳақида ўйлаганим йўқ!”

Хонимнинг бу сўзлари самимий эди. Чунки у бир пайтлар азбаройи танпарвар бўлган кезларида жисмоний лаззат, ҳузур-ҳаловат нималигини яхши билган. Ишқий китобларни кўп ўқиб, улардаги сингари фароғат онларини имкон қадар чиройли ва сурурли ўтказишга уринган. Бошидан ўтган эркакларнинг ҳар биридан иложи борица “унумли” фойдаланишга ҳаракат қилган. Зеро, ёш аёл учун оилавий ҳаётнинг биринчи шарти шу, деб ўйлаган. Ҳамонки, эркак зоти сенинг чиройинг, нафис баданингдан лаззатланиш учун ўлиб-тирилиб, ўзини нақадар баланд томлардан ташлар экан, сен ҳам шунга монанд ҳаракат қилмоғинг, ҳам моддий, ҳам жисмоний эҳтиёжингни иложи борица тўлароқ қондирмоғинг зарур, деб ўйлаган. Фақат...

Фақат у ўз руҳининг, ўз қалбининг эҳтиёжи ҳақида ўйламаган. Бу ҳақда ўйлашнинг ўрни ҳам, зарурати ҳам бўлмаган. Чунки, улардан бирортасини ҳам кўрганда хонимнинг юраги ақалли жиз этмаган. Ифодали қилиб айтганда, шунча йил давомида унинг аъзойи бадани яшади, давр сурди, айш-ишрат қилди-ю, ёлғиз юраги бамисоли совуқхонанинг музхонасига солиб қўйилган бир парча гўшт сингари ҳиссиз, таъсирсиз тураверди. Нега бундайлигини хоним у пайтлар билмаган. Ўзи шунақа бўлса керак, деб ўйлаган. “Мен ўзим шунақа совуққон, совуқ юракли, ҳисоб-китобли одам бўлсам керак, ахир бекорга ҳуқуқшуносликни танламаганман-да” деган фикрга борган. Лекин...

Нурбекни биринчи кўрганидаёқ, қисқагина суҳбатлашганидаёқ юраги “жиз” этган. Ўша йиллар давомида музхонада тошдек қотиб ётган бир парча гўшт ичида “милт” этган шуъла пайдо бўлган. Ана шу шуъла бора-бора алангага айланди. Бугун унинг юраги ана шу олов таъсирида қип-қизил лағча чўғга айланган. Бу чўғ ҳарорати шу қадар баландки, ақлини олган, кўзларини қамаштирган, фикру хаёлидаги ҳамма нарсани қувиб

чиқарган. Ёлғиз бир ўй, ёлғиз бир хаёл кўнглида, миясида. Гўё мияси ҳам, ақли ҳам юраги измида. Гўё фақат юраги билан ўйлаётгандек. Фақат унинг буйруғи билан яшаётгандек...

Шу кўйи қанча ўтирди, билмайди. Бир маҳал эшик очилиб, Нурбек кирди. Ёлғиз. Хуноб. Ҳарорати яна кўтарилган, шекилли, қизариб кетган.

– Қайтаролмадим, кетиб қолди. Поездга миниб кетди. Арази кучли. Характери оғир-да... “Нурбек келибоқ захрини сочса керак” деб ўтирган хоним унинг дардлашаётганини кўриб, дадиллашди.

– Хафа бўлманг. Қизиқ устида аразлади-да. Кейин тушунади. Ярашиб кетасизлар... Очиғи, мен айбдорман бунга. Мени кечиринг...

– Қўяверинг, бўлар иш бўлди. Агар чой бўлса, бир пиёла қуйинг. Ичим куйиб кетди.

– Чой бор. Устини ёпиб қўйганман. Ҳали иссиқ. Ҳозир шўрвани оловга қўйиб келаман. Қайноққина ичсангиз, терлатади.

Нурбек курткасини ечиб, дастурхон ёнига ўтирди. Хоним унга лимонли чой узатди. Сўнгра шўрва сузиб келди. Бир товоқ буғи чиқиб турган гўштни дастурхонга қўйди. Нурбек шўрвани ичиб терлади. Гўшtdан озроқ еди.

– Энди сиз ўраниб ётинг, – деди хоним. – Мен термосга иссиқ чой дамлаб, бошингиз ёнига қўйиб, кейин кетаман.

– Борадиган жойингиз аниқми? – деб сўради Нурбек.
– Бегона шаҳарда, ярим кечада сарсон бўлиб юрманг тагин.

Хонимнинг юраги “шиғ” этди.

– Бирон меҳмонхонага бораман-да. Жой беришар...

– Ие, жойингиз тайин эмасми? Унақада... сарсон бўлиб юрманг. Ана яна бир каравот турибди. Ётаверинг... бир кеча минг кеча бўлмас...

– Йўғ-е, уят бўлар...

– Уят бўладиган бўлса, бўлиб бўлди, – деди Нурбек. – Кўнгил тўғри бўлса, кимдан, нимага уялишимиз керак. Шундай эмасми?!

– Шундайку-я... Майли, фақат мен ҳақимда ёмон фикрга бормасангиз...

– Бормайман.

Хона кичик ва иссиққина эди. Каравотлар оралиғи... кўл етгудек. Тун. Чироқ ўчирилган. Нурбек қув-қув йўталади. Ҳар йўталганида хоним “дик” этиб ўрнидан туради. Термосдан чой қуйиб узатади.

– Оббо, сиз безовта бўлмасдан ухлайверсангиз-чи...

– Ҳечқиси йўқ. Уйқум кам менинг ўзи, – деди хоним. Шу тариқа тунни бедор ўтказишди. Хоним деярли ечинмай ётгани учун мижжа қоқмади. Нурбек узук-юлуқ ухлади. Ҳар тугул тонг маҳали иссиғи бутунлай тушиб, қаттиқ ухлаб қолди. Хоним ғира-шира ёруғда унинг чехрасига қараб ўтирди. Шу аснода боя йўлда ҳаёлидан кечган фикрни таҳлил қилишга киришди. “Мен ҳам пойтахтда яшашим керак. Дурустроқ уй топсам, дарров кўчиб келаман”. Аслида хонимдаги пойтахтда яшаш орзуси анча аввал, ҳали генерал тириклик чоғида туғилган. Хизмат юзасидан адлия вазирлигига келиб-кетиб юрганда ҳар гал ўйларди. Генералга ҳам айтган. Ўша кунлар генералнинг сафдошларидан бир-иккиси тергов бераётгани боис унинг кўнглига қил сиғмас, шунинг учун “Хоним, бу масалани сал кейинроққа қолдирамиз” деган. Кейин у ўлди. Хоним ёлғизлик ғуссаси ила бу орзунини бир муддат ҳаёлидан чиқарди. Мана, ҳаёт йўлида Нурбекни учратгач ва Нурбек пойтахтга кетгач, қалбидаги орзу-иштиёқ янги куч билан жонланди. Хоним пойтахтда яшаш ҳаётни тамоман янгидан бошлаш билан баробар деб ҳисобларди. Айниқса менга ҳозир, Нурбек шу ерда ишлаётган, яшаётган бир пайтда бу нақадар сурурли. Аммо... бу ишни у Нурбекка билдирмай қилиши зарур. Таниш-билишми, пулми, нимаики керак бўлса ишлатиш,

масалани ҳал қилиш лозим. Кимни ишга солса бўлади? Вазирликдагилар билан гаплашиб кўриш керак. Балким... ҳалиги Далер Ботировдан ҳам ёрдам сўраш керак... Хонимнинг илтимосига йўқ демас...

Хоним ўтирган кўйи тиззасига бошини қўйиб, бир муддат мизғиб олди. Кўзини очганда, тонг ёришиб кетган, лекин ҳали Нурбек ухлаб ётарди. Хоним тура солиб, бет-кўлини ювди-да, овқатга уннади. Ҳаш-паш дегунча аччиққина мастава тайёр бўлди. Пастга тушиб, қатиқ олиб чиқди. Дастурхонни тузаб, кейин Нурбекни уйғотди. Биргалашиб нонушта қилишди. Маставани ичиб, Нурбек анча тетиклашди.

– Энди сиз бораверинг, – деди Нурбек. – Ишдан қолманг. Бугун кетасизми?

– Ҳа. Лекин...

– Мендан хавотирланманг. Ҳали участка врачлари ҳам келади. Рухсат берса, эртага ишга чиқаман.

– Майли, – деди хоним ва хайрлашиб чиқиб кетди.

ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

Вилоят кенгашининг мажлисхонасида пахта-йиғим терими якунига бағишланган мажлис бўлмоқда. Раислик қилувчи – вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи эълон қилди.

– Энди сўз пойтахтдан келган меҳмонимиз, ҳаммамиз учун қадрдон ва ҳурматли депутат Далер Ботировга берилади.

Далер қисқа гапирди.

– Мен шоир эмасман. Лекин ҳамюртларим пахта режасини муваффақият билан адо этганларини эшитиб, қалбимга илҳом келиб, мана бу фахрияни ёздим.

Кўлингдан ўпайин пахтакор деҳқон,

Сенга бутун дунё айтар шараф-шон.

Сени куйлаб, тўлиб оқар Зарафшон,
Сен борсан юрт обод тўкин дастурхон...

Дея бошланувчи узундан узоқ шеърни қироат билан ўқиди.

Шеър тугагач, залда гулдурос қарсақлар янгради.

Мажлисдан сўнг, тушлик пайти “Сиёвуш” ресторанидаги базмда иштирок этди. Кейин вилоят маъмуриятининг меҳмонхонасида бирор соат ҳордиқ ёзганидан сўнг аэропортга чиқиб, пойтахтга учиб кетди.

У вилоятга кеча кечқурун келганди. Маъмуриятда бўлди. Вилоят раҳбарига учраб, суҳбатлашди. Пахта режасининг бажарилиши билан табриклади.

– Эртага қурултой қиялпмиз. Қатнашиб кетсангиз, хурсанд бўлардик, – деди раҳбар.

– Майли, қатнашаман, – деди Далер. Кейин вилоят маъмуриятига қарашли меҳмонхонага бориб дам олди. Кутлов шеърини ёзди. “Шу гал Ҳакимаҳон билан гаплашиб, кўнглини юмшатиб кетиш керак” деб унга кўнғироқ қилди. Ҳакимаҳон йиғласа, ўпка-гина қилса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, ҳеч нарса бўлмагандек, очилиб, яхши гаплашди. Сал киноя билан “бизни унутиб юборманг” деб ҳам қўйди. “Унутганим йўқ, мана шунинг учун кўнғироқ қиялпман” деди Далер ҳайрон бўлиб. Муаммо бу қадар тез ечилишини кутмаган эдида. Яхшиликларимни унутмабди, хайрият, деб ўйлади Далер. Кейин бироз дадиллашди. “Энди ҳеч қачон учрашмайман” дея аҳд қилган одам “Бир кўришсак, нима дейсиз?” деб юборди. Ҳакимаҳон кўнмади. Далер яна ҳам дадиллашиб, қистади. “Вилоят маъмуриятининг олий даражали меҳмонларга аталган қароргоҳидаман, жудаям шоҳона, ҳашаматли жой, келинг, бир кўриб, томоша қилиб кетасиз. Хонага дастурхон тузаттираман. Бирга овқатланамиз”. “Шунақами, – деди Ҳакимаҳон. – Ундай бўлса... битта илтимосим бор. Бир қариндошимни ишга қўйиш керак”. “Яна милициями? Милицияга ишга кир-

маган қариндошингиз қолдими ўзи?" "Милицияга эмас, редакцияга". "Ие, қанақа редакцияга, газетагами?" "Ҳа!" "Бўпти, келаверинг, ҳал қиламиз".

"Олдин ҳал қилинг. Кейин бораман". "Бўпти, исм-фамилиясини айтинг". "Жаҳонгир Тошматов". "Хўп".

Далер хонадан туриб, вилоят газетаси бош муҳаррири Жўра Қароровга қўнғироқ қилди. Салом-аликни қисқа қилди. "Эртага олдингизга Жаҳонгир Тошматов деган йигит боради, ўшани ишга олинг" деди. Кейин такроран Ҳакимаҳонга қўнғироқ қилиб, "келаверинг, иш битди" деди.

Ҳакимаҳон етиб келганида, у хонада дастурхон тузатиб, ейимлигу ичимликларни қалаштириб ташлаганди. Қават навбатчиси – кексароқ малласоч жувоннинг қўлига бели букилмаган бир даста йигирма бешталиқ узатиб:

– Ҳозир пастга бир аёл келади. Менинг... қариндошим Ўша кишини... ҳеч кимга сездирмай, хонага олиб чиқсангиз...

– Хўп бўлади, – деди жувон пулни шоша-пиша стол тортмасига бекитар экан.

– Кейин... Ҳеч ким безовта қилмаслиги керак. Сизга ишонсам бўлади-а?

– Хотиржам бўлинг, – деди аёл кўзини қисиб. Афтидан у бунақа ишларни бажаравериб, кўзи пишиб кетган эди.

– Раҳмат сизга, – деди Далер, – ажойиб аёл экансиз.

– Арзимаиди, – деди аёл. – Сиз хурсанд бўлсангиз бас. Бу – бизнинг вазифамиз.

Ҳакимаҳон эшикдан балиқдек сирғалиб кириб келди. Очилиб кетибди. Ўзиям зўр нарсда, қурғур. Лекин... Илгарилари у келибоқ Далернинг бўйнига осилар, эркаланар, нозу истиғно қилиб, қўнглини овлашга тиришар эди. Бу сафар хуркиброқ турди. Далернинг истигига худди ноилож, мажбурликдан рози бўлаётгандек туюлди. Истар-истамас ечинди. Ёта солиб, кўзларини юмиб олди. Далер бундан ғашланган бўлса-да, ичида

қувонди. “Арази бор-да. Ахир... ҳовлининг ярим пулини сўраганиди. Берганим йўқ-ку. Ҳалиям умидвор. Бўлмаса келмасди. Майли, умидвор бўлиб юраверсин. Агар яна очиқча сўрайдиган бўлса, бажариб берилган илтимосларини рўқач қиламан. Ҳазилми, учта одамани мелисага, бир қариндошини божхонага, мана бугун яна биттасини газетага ишга жойладим. Ҳар қайсидан ўн мингдан олган бўлса ҳам, эллик-олтмиш минг ишлаган. Ҳовлининг ярим пули эмас, бутун пули чиқиб кетди-ку”.

Ҳакимаҳон бу сафар ҳовлидан мутлақо гап очмади. Эри ҳақида ҳам гапирмади. Далер сўраган эди:

– Ҳа-а, келиб қолар худо насиб қилган куни, – деди.

Далер бу аёлда кейинги пайтлар қанақадир ўзгариш юз берганини англади. “Тирикчилик одамни нималарга мажбур қилмайди” деб ўйлади унга бир қадар раҳми келиб. “Майли, битта-иккита одамни ишга жойлаштириб, шундан фойдаланиб юраверсин. Зарари тегмаса бўлди-да”.

Ҳакимаҳон худди унинг фикрини уққандек сал нозланиб сўради:

– У ёққа ҳам жойлаштира оласизми, агар... қариндошлардан бўлса?

– Ҳаракат қиламиз, агар қўлдан келса, – деди Далер. – Лекин... Эҳтиёт бўлинг. Бу анча қалтис иш.

– Вой, нимаси қалтис? – деб сўради Ҳакимаҳон ўзини гўлликка солиб

– Ҳар қалай... Қариндошларингизнинг ишини қуп-қуруққа битказаётган бўлмасангиз керак?..

– Э, нима деяпсиз, кошки бирортаси бир нарса берса...

– Майли, берадими, йўқи – сизнинг ишингиз. Шунчаки огоҳлантирдим. Эҳтиётлик яхши-да!

Ҳакимаҳон Далернинг бу гапидан сўнг бир зум ўйланиб турди. Кейин:

– Далер ака, агар ҳақини беришса, каттароқ ишларга ҳам аралаша оласизми?

– Масалан?
– Туман, вилоятдаги раҳбарлик ишларига-да.
– Аҳ-а, иштаҳангиз ёмон эмас-ку, – деди Далер кулиб. – Нима, шунақа... талабгор қариндошларингиз борми?

– Мабодо чиқиб қолса дейман-да...
– Чиқиб қолса... кўрамиз ҳаракат қилиб.
– Биттаси чиқиб турибди-да... Битта қариндошим бир идорада кўп йилдан бери ишлайди... Яқинда ўша ернинг бошлиғи бўшатишган. Ўшанинг жойини ҳал қилиб берсангиз... Айтганингизни беради.

– Қанақа идора экан?
Ҳакимаҳон айтди. Далер ўйланиб қолди. Ҳал қилса бўладиган масала. Лекин... бу аёл билан олди-берди қилиб панд еб қолмасмикан?

Ҳакимаҳон унинг иккиланганини сизди.
– Наҳотки менга ишонмасангиз? – деб сўради.
– Ишонишга ишонаманку-я...
– Хотиржам бўлинг, у одамга ишни ким битказганини, пулни кимга берганимни айтмайман. “Ҳаммасини ўзим ҳал қилдим” дейман. Лекин... пули тайёр турибди. Ўйлаб кўринг, бешта “Волга”нинг пули-я...

“Чиндан ҳам ўйлаб кўриш керак...” Далер ҳарчанд уринмасин, “йўқ” дея олмади. Кўз ўнгидида уйдаги темир сандиқнинг бўш турган пастки бўлмаси кўринди. “Ҳаракат қилмасанг... пул осмондан тушадими, – деди шайтон. Депутатликнинг арзимаган ойлигига қаноат қилиб юрсанг, бир умр косанг оқармайди”.

– Пули тайёрми? – сўради Далер ичида “э, бор-е, таваккал” деб ўйлар экан.

– Тайёр. Хоҳласангиз, эрталаб бориб, олиб келаман.
– Йўқ, яхшиси эртага тушдан кейин.
– Қаерга олиб келай?
– Аэропортга... Йўқ, яхшиси... Сиз эртага пулни олинг-да, кундузги рейс билан пойтахтга учинг. Мен кечқурун етиб бораман. Еттиларда манови телефонга қўнғироқ қилинг. Бўладими?

– Бўлади. Демак, роппа-роса еттида кўнғироқ қиламан. Мен одатда пойтахтга борсам, “Гулшан” меҳмонхонасида тўхтайман. Директори танишим бўлади. Ҳарҳолда айтиб қўйяпман-да. Мабодо аэропортдан тўғри ўша ерга борсангиз...

– Шароитга қарайман.

– Майли.

Савдо-сотиқ пишганидан сўнг висол онлари қайтадан бошланди. Ҳакимаҳон энди бутунлай бошқача эди. Нозланишлар, эркаланишлар, момикдек юмшоқ ва иссиқ гавдасини ҳар томон ташлаб, ингранишлар... Хуллас, бир зумда Далерни дами чиққан пуфакдек қилиб ташлади, ўзиям... Далер анчадан бери бунақа мазза қилмаган, телефон орқали бирровга чақириладиган малласоч жувонлар билан ўтказилган қисқа, шошилинч учрашувлар унга бу қадар кучли лаззат бера олмас, шу боис ишрат бобида мудом қоникмай, тажангланиб юрар эди.

“Бунинг тижорат бобида ҳам ажойиб истеъдоди бор экан. Қойил, у ёғидан ҳам, бу ёғидан ҳам фойдаланиб юриш керак. Ҳам тижорат, ҳам фароғат”.

Анча пайт шир яланғоч ҳолатда ёнма-ён жим ётишди. Бир маҳал Ҳакимаҳон тўсатдан:

– Сиз анови... Мухторбек Эрғозиев деган йигит билан таниш эмасмисиз?

– Унчаликмас, нимаиди, – деб сўради Далер кўнглида шубҳа уйғониб.

– Йў-ўқ. Шунчаки сўрадим. Бояги масалада қариндошимга кимдир “Мухторбекка бор, ҳозир кадр масаласини ўшалар ҳал қилипти” деганмиш.

Далер кулди.

– Бекор айтибди. Мухторбекнинг ўзи ким? Бир магазинчи ўғри-да!

– Мен ҳам шундай дедим. Боргани йўқ...

– Тўғри қилибди. Ўзимиз ҳаллаймиз бу масалани.

Лекин азизим... Иккаламиз ўртамиздаги сирни ҳеч ким билмаслиги керак.

– Хотиржам бўлинг. Менга ўзингизга ишонгандек ишонсангиз бўлади.

– Агар... ўзаро ишончимиз мустаҳкам бўлса, иккаламиз кўп иш қиламиз, – деди Далер илҳоми жўшиб.

– Сизни билмадим-у, менинг сизга садоқатим темирдай мустаҳкам, – деди Ҳакимаҳон малларанг сочларини Далернинг жундор кўкрагига ишқалар экан. – Сизга бир умр... жонон бўлишга тайёрман.

Бу қилиқ, бу гап Далерга ёқди. Сўнгги кучларини тўплаб, жувонни яна бағрига тортди. Бу галги бўсалар у қадар қайноқ, оҳ-воҳ ва ингранишлар боягидай жарангдор бўлмаса-да, ҳар қалай улар яна ишрат оғушида роҳатландилар. Кейин яна “тижорат” мавзусида суҳбат қуриб, гапни бир жойга қўйдилар. Саҳарга яқин Далер қават навбатчисига такси чақиртириб, Ҳакимаҳонни жўнатиб юборди. Ўзи яхши кайфиятда нонушта қилиб, “қасида”ни яна бир марта ўқиб, мажлисга йўл олди...

Самолёт пойтахт аэропортига қўнганида соат кечки олтидан қирқ дақиқа ўтган эди. Далер хизмат машинасига ўтирар экан, “Гулшан” меҳмонхонасига боришни ўзига эп кўрмади. “Уйга бориб, қўнғироғини кутаман” деб ўйлади.

Уйга етиб келганида телефон бетўхтов жиринглаб ётарди. “Ҳакимаҳон бўлса керак” деб ўйлади у гўшакни олар экан. Аммо қулоғига эшитилган овозни аввалига танимади. Жудаям таниш овоз. Қачон эшитган бу овозни? Ким?

– Мени танимадингиз шекилли, – деди овоз. – Мен... Мушфиқаман.

– Мушфиқа? – деди ҳайронлик билан Далер. – Ие, Мушфиқаҳон, сизмисиз? Қайси шамоллар учирди биз томон? Узр, узр. Овозингизни бирдан танимабман. Пойтахтдамисиз?

– Ҳа, иш билан келувдим. Ҳамюртларни бир йўқлай, деб телефон қиялпман.

– Катта раҳмат, йўқлаганингиз учун. Қаерда қўнган-сиз?

– Танишларникида.

– Бизга ҳам меҳмон бўлинг.

– Ўзи бир... кўришиб, маслаҳатлашадиган иш бор эди.

– Ҳозир... кела қолинг уйга, – деди Далер ҳаяжонланиб кетиб. Ҳакимаҳонга берган ваъдасини эсдан чиқариб.

– Ҳозир боролмайманку-я, лекин... Сизни эртагами, барибир кўриб кетишим керак.

– Эрта-индин мени тополмаслигингиз мумкин, – деди Далер. У хонимнинг муҳим бир масалада иши тушганини англаган, шу боис қўлга киритай деб турган ўлжани тезроқ ушлаш учун атайлаб шунақа деётган эди.

– Ўзи бугун, ҳозир сафардан келдим. Эртага эрталаб яна учиб кетишим кутиляпти. Агар... бирон ишингиз бўлса, ҳозироқ етиб келинг. Манзилни биласизми? Ёзиб олинг бўлмаса...

– Майли.

Далер гўшакни қўйиб, қўлларини бир-бирига ишқалади. “Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битур...” Мана оғайни, қочқоқ кийик бугун ўз оёғи билан худди мулла минган эшакдай бўлиб, тагингга келяпти. Қандингни ур, мулло Далер. Ўзиям зўр ўхшатиш бўлди-а, “мулла минган эшакдай” – қойил. Бу кетишда каттакон шоир ҳам бўлиб кетасан ҳадемай. Хўш, нима бўпти? Шоирман деб кўкрагига уриб юрганлардан қаери кам? Шеър ўзи нима? “Нон, қон, жон, сон, эшон, иштон, виждон...” деб қофиялаб кетаверасан, тамом. Кеча кечқурун ўйнаб-ўйнаб ёзган шеърига бугун катта бир зал тикка туриб қарсак чалди. Бир машойих айтган: “Бу халқнинг шоҳию гадоси, тўғрисию ўғриси ҳам шоир” деб. Жа-а, бўлмаса, бир-икки ёш истеъдодларнинг қўлига уч-тўрт сўм бериб, бошини силасанг, истаган мавзунгда халталаб шеър ёзиб беришади.

Номингдан чиқараверасан чиройли имзо қўйиб. Далер Ботир! Захириддин Бобир, Далер Ботир! Нима фарқи бор? Танланган асарлар чиқариб қўйсанг, сен ҳам классик бўласан қўясан!

Телефон яна жиринглади. Ҳакимахон! Оббо, уни нима қилади энди. Учрашувни эрталабга қолдириш керакми? Шошма-чи...

– Эшитаман? Ҳа, Ҳакимахон, қалайсиз азизим? Яхши етиб келдингизми? Ўша ердасизми? Яхши. Мен ҳам келдим. Лекин ҳозир... ишхонага чақиришяпти, муҳим масала бўйича мажлис бор экан. Тугатган заҳоти қайтаман. Қайси телефондасиз? Келган заҳоти қўнғироқ қиламан. Меҳмонхонагами? Йў-ўқ, энди мен у ёққа бориб юрмай. Шу ерга... келасиз. Опкелганмисиз ҳужжатларни? Яхши. Демак, қўнғироғимни кутинг.

Ўшакни қўйиб, ошхонага кирди. Холодильникни очди. Ноз-неъматлар етарли. Мушфиқахонимнинг ўзига дастурхон тузаттириб, кейин... ўзининг ёғига ўзини қовурағиз.

Хоним тез келди. Тез келди-ю, тез кетаманга тушди. Мақсадини айтди. “Шу ерга ишга келмоқчиман, ёрдам беринг, қуруқ қўймайман, ҳақингизни бераман” деди. Далер “бугун роса ҳақ ишлайдиган кун экан-ку” деди ичида кулиб Ташида:

– Йўғ-е, Мушфиқахон. Наҳотки мени ҳақ эвазига ёрдам қиладиган одам деб ўйласангиз, – деди.

– Замонанинг зайли-да, – деди хоним.

– Нима иш қилмоқчисиз?

– Биронта нотариал идорани олиб берсангиз...

– Э-э, шу ҳам илтимос бўлди-ю, – деди кулиб Далер. – мен камида адлия вазири ўринбосарлигини сўрайсизми депман. Нотариал идораларни олти лаҳзада ҳал қиламиз. Яшаб турадиган жой борми?

– Биронта кичикроқ квартира оларман пулим етса, етмаса у ёқдаги ҳовлини сотишим ҳам мумкин...

– Майли, нима бўлгандаям пойтахтга келишга аҳд қилганингизни маъқуллайман. Сиздек дилбар аёллар марказда яшаши, пойтахтдаги олий давраларнинг гули бўлиб юриши керак.

– Ёрдам берсангиз...

– Албатта ёрдам бераман. Мен сизни... Энг юқори давраларга олиб кираман... Лекин ўтирсангиз бўларди.

– Насиб этса, кўчиб келгандан кейин кўп ўтирармиз, – деди хоним унинг ютақаётганини кўриб, умидвор қилиш мақсадида.

– Албатта, албатта... Майли унда... Мен тегишли одамлар билан гаплашиб, сизга ўзим хабар қиламан. Ҳали бир-икки кун бўласизми?

– Бугун тунги поезд билан кетаман. Эртага ишга боришим керак.

– Ие, шунақами? Бўлмаса кузатиб қўяй?

– Йўқ, раҳмат, овора бўлманг. Агар шу ишни битказиб берсангиз... Сиздан бир умр миннатдор бўлур эдим.

– Албатта битказамиз!

– Хайр бўлмаса!

– Оқ йўл!..

Хоним кетди. Далер уни қолишга қаттиқроқ қистамаганига афсусланди. “Иши тушиб турибди-ку, қол десам қоларди. Нега бўшлиқ қилдим? Анови... Ҳакима олиб келган нарсга чалғитди шекилли... Тўғри, пул хаёлини олиб қочди. Пулни тезроқ қўлга киритиш керак. Пул бўлса, чангалда шўрва. Бунақа жононлар ўз оёғи билан кириб келаверади.

Ҳакимаҳонга кўнғироқ қилди. “Ишим тез битди, келаверинг” деди. Ҳакимаҳон келди. Далер у олиб келган пулни эринмай санаб олди. Кейин овқатланишиб, кечаги ишратни қолган жойидан давом эттиришди. Саҳар чоғи Далер Ҳакимаҳонни таксига солиб, аэропортга чиқариб юборди. Кейин ваннага кириб, ҳафсала билан ювинди. Тунни Ҳакимаҳон кучоғида ўтказган бўлиши-

га қарамай, ҳамон фикру зикри Мушфиқахонимда эди. “Тақдирнинг совғаси бу!” деб ўйлади. Ўз оёғи билан келди-я! Қойил! Кеча оқшом гап орасида Ҳакимахоннинг ўзи Мушфиқадан гап очиб, “жудаям бой аёл” деди. Демак, ҳам муҳаббатини, ҳам молу давлатини қўлга киритиш мумкин. Худо яна бир марта “Ол қулим!” деб юборса бас. Аммо-лекин ўзиям зўр хотин-да! Аввалгисидан ҳам ёшариб, гўзал бўлиб кетибди. Бунақа хотинга уйланиб олсанг ҳам бўлади. Ёнингда олиб юрсанг, бутун дунё ҳавас қилади. Мабодо... пайти келиб Далер Ботиров парламент раиси бўлиб қолса... Хорижий ташрифларда олиб юрса арзийди. Телевизорда, жаҳон газеталарида уларнинг ёнма-ён сувратлари босилади. Ахборотларда ёзилади: “Кеча парламент раиси Далер Ботиров рафиқаси Мушфиқахоним билан биргаликда Мўғулистон Халқ республикасига расмий ташриф билан келди”.

Қандай ажойиб! Орзуга айб йўқ-ку! Ҳозир омади келиб турибди. Яна салгина, салгина қарашиб юборса... омад фариштаси, Далер Ботиров кўзлаган чўққисига чиқади. Албатта чиқади!

У ширин хаёллар оғушида ишга отланар экан, каравот тагидан кечаги пулни олиб, темир сандиққа солди.

ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

Мушфиқахоним таксига миниб, темирйўл вокзалига борар экан, кейинги икки кун воқеаларини яна бир қўр хотирдан ўтказди.

Ўша куни Мушфиқахоним учун кўнгилсиз воқеа билан бошланган шом охир-оқибат нурафшон ва севинчли тонг билан якунлангани қалбида тамоман янгича тўлқинни вужудга келтирганидан хабардормиз. Шу боис, ўша куниёқ жўнаб кетиш фикридан қайтди. Кун бўйи вазирликда бўлиб, бир неча киши билан пойтахтга

ишга жойлашиш масаласида гап юритди. Уларнинг ҳаммаси ваъда берар, лекин “юқорироқда танишингиз бўлса, ишингиз жудаям силлиқ кечган бўларди-я” деб афсус билдиришар, “каттароқ танишингиз йўқми, шундай чиройли аёл бўла туриб-а” дея ачинишарди.

Хоним бу чучмал ваъдалару, афсус ва ачинишлардан сўнг “Далер Ботировнинг ҳузурига бош уриб бормаса бўлмас экан” деган қарорга келди. Тунов куни Ҳакимаҳон “Ботиров ҳар қанақа ишни битказади томоғини мойласангиз” деганди. Демак, унга пора бериш керак. Бироқ Ботиров ундан пора эмас, бошқа нарса талаб қилиши мумкин. Тун бўйи ухламаган бўлса ҳам, руҳи тиниқ, вужуди тетик. Гарчанд кўнглида икки ўй, икки туйғу курашади: бири “гуноҳ қилдинг, бировнинг ҳаётига суқилиб, тинч оиласини бузмоқдасан” дейди. Бошқаси “баракалла, қатъиятли экансан, барибир мақсадингга эришдинг” дея далда беради. Хоним икки мухолиф туйғуни уйғунлаштиришга, муросага олиб келишга ҳаракат қиларди. “Агар Нурбек билан гапимиз қовушиб кетса, уни хотини билан ярашишга кўндиришим керак” деб ўйларди хоним. Ҳўш, унда нима қилиш керак? Нурбекка бўлган муҳаббатини бир четга суриб қўйиб, яна “манфаат йўлидаги ишқ савдоси” билан шуғулланадими? Унда неча пуллик одам бўлади? Унда Ҳакимаҳондан нима фарқи қолади? Ўзи... Нурбекнинг салгина мойиллигига эришиш учун шунча машаққат чекди-ю...

У яна Нурбек ҳақида ўйлаб кетди. Нурбек... Эҳ, Нурбек... Мен, мени қанчалик севишимни билсанг эди. Сен учун дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрман. Сен учун тинч, осойишта, фаровон ҳаётимдан воз кечиб, пойтахтда дарбадар бўлишга ҳам розиман. Ўша... Далер Ботиров қанча пул сўраса ҳам бериб, ишни ҳал қилиш керак.

Хоним вазирликдан чиқиб, “Метрополь” меҳмонхонасига борди. Бир кишилиқ қиммат хона олди. Ювиниб,

енгил тушлик қилди-да, ухлагани ётди. Шу ётгани бўйи кечки овқатга ҳам турмай, эртаси эрталабгача ухлади. Эрталаб туриб, яна Нурбекнинг олдига йўл олди. Нурбек бугун ҳам ишга чиқмабди. Лекин тетик. Чой ичаётган экан. Хонимни ҳайрат ва қувонч билан кутиб олдим.

– Ие, кетмадингизми?

– Йўқ.

– Ишларингиз битмадими? Мен билан бўлиб...

– Битди. Қолганини келгуси ҳафта келиб, битказаман. Бугун кечроқ йўлга чиқмоқчиман.

– Сиз... У ёқда... Бизнинг аёлга бир оғиз тушунтириш берсангиз яхши бўларди. Ўзим ҳам ҳафтанинг охирида бораман-ку, ҳар ҳолда барибир сиз гувоҳлик берсангиз ишонарлироқ чиқса керак. Унга дўстлигимиз беғараз ва самимийлигини, виждонимиз тоза эканини тушунтирсангиз, дегандим.

– Албатта тушунтираман. Лекин...

– Лекин барибир ишонмайди демоқчимисиз?

– Йўқ. Мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Майли, ҳозир унинг мавриди эмас...

Хоним “менинг дўстлигим беғараз эмас, мен сизни севиб қолганман. Наҳотки, буни сезмаётган бўлсангиз” деган маънода гапирмоқчи эди. Ғурури йўл бермадими, ё чиндан ҳам ҳозир бунинг мавриди эмас, деб ўйладими, ишқилиб айтмади.

– Кейинги ҳафта келганимда айтаман! – деди у Нурбекнинг кўзларига тикилиб қараб. Нигоҳида бояги “наҳотки сезмаган бўлсангиз” деган савол акс этиб турарди.

Хоним тушдан кейин кетди. Меҳмонхонага қайтди. Йўл бўйи Нурбекни ўйлади. Кетиш олдидан кўзларига тикилган чоғида илғаган маънони таржима қилишга уринди. Аввалги бефарқлик йўқ эди. Нурбекнинг қорачиғида алланечук иккиланиш чангалидаги мойиллик акс этмоқда. Балким хоним янглишаётгандир? Балким бу маъно шунчаки, бемор чоғингда ёнингда бўлиб, ҳо-

лингдан хабар олиб тургани учун миннатдорлик, хайри-хоҳлик туйғусидир?

Нима бўлганда ҳам, хоним ўзининг кичкина бўлса-да, биринчи ғалабаси нашидасини суришга ҳақли. Ахир Нурбек хотинини орқага қайтаролмай келганидан сўнг аччиқ устида хонимни ҳам ҳайдаб солиши мумкин эди. Унақа қилмади-ку! “Тунда ёлғиз қаёққа борасиз? Шу ерда қолаверинг” дегани-чи? Гарчанд тун бўйи ақалли бир марта хоним томонга назар ташламаган бўлса-да, у билан бир хонада, ёнма-ён каравотда ётди-ку! Уйқусида инграниб, “ух” тортган, уйғониб кетган чоғларида хоним ўрнидан туриб, чой қуйиб берганида миннатдорчилик билан бир-икки марта жудаям бошқача қаради. Хотини ҳам шунақа, бошида бедор ўтириб чиққанмикан? Врач бўла туриб, эрини касал ҳолда ташлаб кетгани ғалати бўлди. Чамаси у Нурбекнинг касали жиддий эканига ишонмади. Хонадаги манзара шундай деб ўйлашга асос бўлган. Эркак ухлаб ётибди, аёл кир ювмоқда. Бу ҳолат ташқаридан келган ҳар қанақа одамнинг кўнглида шубҳа уйғотиши турган гап. Айниқса, хотин кишининг...

...Хоним вокзалга етиб келиб, таксига жавоб бериб, кечки поездга билет олди. Уйга қўнғироқ қилиб, машина чиқаришни тайинлади. Перронга чиқди. Одам сийрак. Вагон ҳам беш-олти кишини ҳисобга олмаганда, деярли бўш эди. Биринчи класс вагони шинам, юмшоқ ўриндиқлар... Хоним поезд юрган заҳоти мудрай бошлади. Кечаси уйқу етарли бўлмаган экан. “Жуда ҳам нозиклашиб кетибман-ку, бу қанақаси” дея ўзини койиди у енгил мудраб борар экан.

Ярим тунда поезддан тушди. Ҳайдовчиси кутиб турган экан. Зулукдек қоп-қора, ҳафсала билан ювиб артилган “Мерседес” машинаси, ичкаридаги юмшоқ чарм ўриндиқнинг ёқимли ҳиди, магнитофондан таралаётган оврупача машҳур кўшиқ хонимни шоҳона ҳаётга қайтарди. Ҳозир “Мерседес”га минган мана шу гўзал ва кўриниши, кийиниши, юриш-туришидан бадавлатлилиги шун-

доққина сезилиб турган аёл куни кеча пойтахт четидаги ночор бир ётоқхонада ётгани, камбағал бир йигитнинг кирларини ювиб, бир оғиз ширин сўзига маҳтал бўлиб юргани ҳақида гапирсангиз, бу гапга ҳатто телба одам ҳам ишониши қийин. Лекин, қизиғи шундаки, бу бор гап эди. Хоним ўз ҳаёти, жисми ва руҳиятида юз бераётган бу воқеани “Севги эртаги” деб атади. Ва аҳд этдики, мен бу эртани албатта оддий воқеликка айлантираман!

Магнитофонда испан хонандаси Хулио Иглесиас “Ностальжи” кўшиғини куйлар, қора “Мерседес” қоп-қора тунда, сал илгари ёғиб ўтган ёмғир туфайли қоп-қора тусга кирган асфальт йўлдан шаҳар маркази томон елиб борарди.

Хоним ҳали тун ярмидан оғмаганига қарамай, машиналар оқими камайиб, сийраклашиб қолган нимқоронғи кўчага боқиб, пойтахтнинг тун бўйи ёруғ ва серқатнов кўчаларини кўз олдига келтирди. “Пойтахт барибир пойтахтда, ҳаёт қайноқ. У ерда яшашнинг гашти ўзгача” деб ўйлади. “Агар иш тезроқ топилса, дарҳол кўчиб бораман...”

Миясига келган фикр таъсирида уйга қандай етиб келгани, кириб ечингани, ювиниб, енгил нонушта қилгани-ю, сўнгра ухлагани ётганини ҳам сезмади. Ногаҳон туғилган фикр олий мақсадга, енгилмас иштиёққа айланганда шунақа бўлади. Одам юриш-туришини ҳам эсдан чиқариб, туну кун ўша фикру мақсади ҳақида ўйлайди. Хоним ҳам ана шунақа аҳволга тушиб қолганди. Чарчаб келгани учун тез ухлади-ю, аммо тонгда кўзини очган заҳоти яна шу ҳақда ўйлашга киришди. “Бу ишни тезроқ амалга ошириш керак!..”

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Далер Ботировнинг “Депутатлик имтиёзларидан воз кечганлиги” ҳақидаги хабар пойтахтнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда адабий-маданий давраларида анчаги-

на “шов-шув”га сабаб бўлди. Чунки узоқ йиллардан буён давлат таъминоти ҳамда тақсимооти асосида яшашга, бинобарин, махсус дўкондан арзон нархда камёб колбаса ёки ақалли бир банкагина кофе, ҳатто шўр бодринг олишни катта бахт деб ҳисоблаб келган бюрократ киборлар жамиятида бундай ишга жазм этиш чинакам қаҳрамонликдек кўринар эди. Шу боис ҳам айрим ҳамкасблари уни “баракалло, офарин” деган маънода олқишлашиб, кўлини сиқиб ҳам кўйишди. Илгари маҳаллий телевидение шарофати ила асосан вилоятда машҳур бўлган Ботиров пойтахтда ҳам танила бошлади. У ҳақда “камсуқум, камтар, ниҳоятда ҳалол, пок инсон” деган гаплар тарқалди. Булар ёнига унинг депутат бўлгунига қадар вилоятда ҳақиқат ва адолат йўлида олиб борган машаққатли кураши ҳақида қайсидир, кичикроқ бир газетада босилган суҳбат тафсилотлари ҳам кўшилиб, анча ишонарли, айни пайтда мунтазам бойиб, тўлдирилиб борадиган бир афсона вужудга келди. Унинг мухтасар мазмуни қуйидагича эди: “Далер Ботиров вилоятда уя қурган мафия, яъни жинойтчилар тўдасига қарши мардона курашган. Мафия ўз навбатида унга бир неча марта суиқасд уюштирган. Уйига ўт қўйиб, хотинини, машинасини ўғирлаб кетган. Ботиров эса асло чекинмаган. Курашни давом эттираверган. Охир-оқибат енгиб чиққан. Мафия аъзолари қамалган. Жумладан, унинг бошлиғи, вилоят раҳбари Ражаб Сафаров ҳам фош этилган...

“Шу ерини сал ошириб юборишибди” деб ўйлади Далер навбатдаги оддий кунларнинг бирида ишдан қайтар экан. Аслида “оддий кунларнинг бири” дейиш унчалик тўғри келмайди. Халқ вакили Далер Ботировнинг Олий кенгашда кечаётган ҳар бир кун тарихий ва шубҳасиз, тарих саҳифаларига ёзилмоқда. У аъзо бўлган парламент анча қонунлар қабул қилди. Бу қонунларга кўра, мамлакат ҳаёти тамоман янгича мазмун касб этмоғи керак. Ана шу янгича мазмун замирида, шубҳасиз,

мухтарам қахрамонимиз Далер Ботировнинг машаққатли ҳамда фидокорона меҳнати ҳам мужассам бўлажак.

Бошқа кунларни билмадик-у, ҳар қалай бугун Далер Ботиров ҳаётида кичкинагина бўлса-да, тарихий ҳодиса юз берди. Қатор хорижий журналистларнинг кетма-кет қилган ёзма илтимосномаларидан сўнг у ҳаётида биринчи марта матбуот конференцияси ўтказди. Парламент раиси бошда “Ҳар бир депутатимиз шахсий матбуот конференцияси ўтказавериши депутатлик одобига тўғри келмайди” дея розилик бермаганди. Хорижнинг хира қаламкашлари бўш келишмади. Навбатдаги илтимосномаларининг бирида улар “Далер Ботировнинг фаолиятида бутун дунё депутатларига ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳатлар кўп. Шу боисдан истисно тариқасида рухсат беришингизни сўраймиз” деб ёзишди. Раис охир-оқибат кўнишга мажбур бўлди. Ҳар эҳтимолга қарши Далерни огоҳлантириб қўйди:

– Сиз ижодкорсиз, дўстим. Муболағадан, популистик гаплардан эҳтиёт бўлинг. Ортиқча шов-шув, қўшиб-ча-тиб кўпиртирилган фактлар одамга обрў келтирмайди.

– Хўп бўлади, – деди Далер ва: – Қимматли маслаҳатларингиз учун миннатдорман, – дея қўшиб қўйди.

“Халқаро хабар” агентлигининг матбуот маркази журналистлар билан тўлиб кетди. Далер минбарга чиқиб, даставвал қисқача нутқ сўзлади.

– Аввало, мени шу даражага етказган халқимдан миннатдорман. Нималарга эришган бўлсам, жонажон халқим туфайли. У мени ҳар доим, ҳар қадамда қўллади. Ундирди, ўстирди. Тўғри, мен ҳаётда кўп тўсиқларга дуч келдим. Уларга қарши қаттиқ курашдим. Гоҳ енгдим, гоҳ енгилдим. Ана шу кураш жараёнида ҳамиша халқимнинг мададини ҳис этдим...

Кейин савол-жавоблар бошланиб кетди.

– Сиз чиндан ҳам депутатлик имтиёзларидан воз кечдингизми? Айтишларича, арзон нархдаги озиқ-овқат

махсулотларини олмас экансиз, арзон ошхонада овқат емас экансиз, ҳатто хизмат машинасини рад этиб, троллейбусда юрармишсиз?

– Чиндан ҳам шундай. Лекин бу шу қадар ваҳима қиладиган гап эмас-ку. Халқ тақчиллик, қимматчилик туфайли қийналиб турган бугунги, ўтиш даврида биз, арбоблар ҳам ўзимизни шоҳона яшашдан тийишимиз керак... Ҳиндистонда Махатма Ганди деган одам ўтган. Ўша киши халқ доҳийси бўлишига қарамасдан, бир умр ялангоёқ, ярим яланғоч ҳолатда яшаган...

– Демак, сиз Махатма Гандининг издоши экансиз-да? Хотинингиз билан ажралиб, ёлғиз яшаётганингиз ҳам мана шу – Гандизм оқимиға мансуб эканлигингиз билан изоҳланадими? Демак, сиз дунё неъматларининг ҳаммасидан воз кечибсиз-да?

Далер бир муддат саросимаға тушди. Раиснинг “эҳтиёт бўлинг” деган огоҳлантириши ёдига тушди. Бу муҳбир халқи ўлгудай бемаза бўлади-да. Айтган гапингни ёқангга ёпиштиради...

– Йў-ўқ, сиз мени нотўғри тушунибсиз. Мен Гандини шунчаки мисол келтирдим, холос...

– Баъзи маълумотларға қараганда, вилоятда ишлаган чоғингизда давлат ҳисобидан иккита уй олиб, кейин уларни хусусийлаштирган ва қиммат нархларда сотиб юборган экансиз. Ўзингизнинг шаҳар яқинидаги ҳовлингизни ҳам давлат ҳисобидан таъмирлаб, сотган эмишсиз. Бу маълумотлар, агар рост бўлса, бугун илгари сураётган ғоянгизга мос келмайди-ку...

– Нотўғри гаплар бу, – деди Далер юраги шувиллаб. Кейин шоша-пиша гапни бошқа томонга бурди: – Камтар бўлиб яшаш қийин. Бунга ҳамма ҳам ишонавермайди. Лекин тарихда камтарона яшаган улуғ зотлар кўп. Ҳазрати Абдурахмон Жомийникига меҳмон бўлиб келган бир одам дарвозани очган жулдур кийимли қариядан “Ҳазрат уйдадилар?” деб сўраган. Шунда жул-

дур кийимли қария “У киши қаршингизда турибдилар” деб жавоб берган ва меҳмон ҳазратнинг камтарлигидан ғоят ҳайратга тушган экан...

– Мафия ота-онангизни ўлдиргани, уйингизни ёндириб, машинангизни портлатиб юборгани ростми? Ҳаётингизга неча марта суиқасд қилишган? Ҳозир сизга шахсий тансоқчи берилганми?

– Мафиянинг менга ўтказган зуғумлари кўп, албатта. Ҳозир улар ҳақида гапириб ўтиришни истамайман. Тансоқчим йўқ. Ўзимни ўзим ҳимоя қилишга қодирман, деб ўйлайман.

– Пахта заводларидан бирининг собиқ директорига тегишли бўлган ҳовли-жой мусодара қилингандан сўнг сизга берилган экан. Ўша ҳовлини нима қилгансиз, қайтариб топширганмисиз?..

– Илтимос, менинг шахсий ҳаётимга оид эмас, депутатлик фаолиятимга тегишли саволлар берсаларингиз...

– Сиз автомашина ўғирлаганлик учун бериладиган жазони янада кучайтириш таклифи билан чиқибсиз, шу тўғрими? Бу жазо сизларда шундоқ ҳам қаттиқ-ку.

– Тўғри. Жазо кучайтирилгандан кейин автомашина ўғирлаш бирмунча камайди. Бироқ учраб турибди. Фикримча, бу жазони янада кучайтирсак, ўғирлик тамоман йўқолади.

– Сиз журналист сифатида матбуот эркинлиги ҳақидаги қонун борасида нима дейсиз?

– Эркинликнинг ҳам меъёри бўлиши керак.

– Демак, сиз сўз эркинлигини чеклаш тарафдори экансиз-да?

– Йўқ. Мен қонуний чегара, меъёр ҳақида гапираяпман.

– Депутатлик билан биргаликда журналистлик фаолиятингизни давом эттирасизми?

– Шубҳасиз.

– Ундай бўлса, энди кимнинг манфаатини ҳимоя қиласиз? Давлатнингми ё халқнингми?

– Давлат билан халқ якдил бўлмоғи керак.

– Келгусидаги режаларингиз қандай? Оддий депутатлик билан кифояланасизми ёки бундан ҳам каттароқ лавозимлар учун кураш олиб борасизми? Бу йўлда, агар зарур бўлса, каттароқ бир амалдорнинг қизига уйланишингиз ҳам мумкинми?

Далер охирги савол муаллифига ўқрайиб қаради. Бу – хорижий радиолардан бирининг мухбири Аҳмад Тез тахаллусли йигит эди. Бир вақтлар туман газета ва радиоларида амал-тақал қилиб ишлаб юрган йигит кутилмаганда хорижий радиолардан бирига ишга ўтиб, анча машҳур бўлиб қолди. Андишасизлиги, шов-шув, олди-қочди гапларга ўчлиги учун уни Аҳмад Тез эмас, “Аҳмад без” деб аташар, чамаси унинг ўзи ҳам шу лақабга кўникиб қолган, негаки ўзини шунга мувофик тутар эди. Ногаҳон Далернинг кўзи ўша мухбир билан ёнма-ён ўтирган Нурбекка тушди. “Бу саволни ўша ўргатган. Ифлос. Йўқса, бу чаласавод мухбирнинг миясига бунақа гап келмасди...”

– Бу андишасиз, тухматомуз саволга жавоб бермаслигим ҳам мумкин эди. Бироқ жавоб бераман. Чунки кўрқадиган, уяладиган жойим йўқ. Мен ҳеч қачон юқори мансабларга интилмаганман. Бу йўлда амалдорларнинг қизларидан фойдаланган ҳам эмасман. Сизга бу маълумотни ғаламис, тухматчи кишилар берган бўлиши мумкин. Ишонмасангиз, ана, ёнингизда ўтирган ижодкор дўстим Нурбек Холмуҳаммедовдан сўрашингиз мумкин. У киши менинг ижодий ва сиёсий фаолиятимдан яхши хабардор.

Ҳамма “ялт” этиб, Нурбек ўтирган томонга ўгирилди. Нурбек бир қизарди, бир оқарди. Жаҳли чиқдими, ҳаяжонландими, ҳар қалай Далер томонга ёвқараш қилди. Буни Далер сезиб, ғаш келди. “Ў-ҳх-ў, бунинг димоғи кўтарилиб қопти-ку аллақачон. Нимасига ғудаяр экан-а?”

Далер Нурбек “Мен бу одамни яхши биламан, унинг таржимаи ҳоли тоза” деган мазмунда гапиреди, бу эса унинг ҳамкасблари учун ишончли далил бўлади, чунки ҳар қалай “қуш тилини қуш билади” дейишади-ку, деб ўйлаганди. Нурбекнинг ўқрайиб қараганини кўриб, ичида “яхшилиқни билмаган тўнка” деб қўйди. Кейин ўзини мажбурлаб жилмайди-да:

– Нурбек Холмуҳаммедовнинг битта саволига жавоб бераман, сўнгра конференция тамом, – деди. – Қани, ўртоқ Холмуҳаммедов, марҳамат!

– Менинг саволим йўқ, – деди Нурбек унинг юзига киноямоз тикилар экан. – Ҳаммаси тушунарли.

“Бу ҳеч қачон одам бўлмайди” дей ўйлади ичида ижирғаниб Далер ва:

– Ундай бўлса, жудаям яхши. Яна кўришгунча хайр!..

Гарчанд матбуот анжумани ўзи кутганидек юқори руҳда ўтмаган, айрим ноҳуш саволлар кўнглини ранжитган ва айниқса, Нурбекнинг қилиғи ғазаблантирган бўлса-да, Далернинг кайфияти яхши эди. Зеро, “Далер Ботировнинг матбуот конферецияси” деган воқеанинг ўзи катта гап эди. Қолаверса, Далер ҳовли-жойлар борасидаги гап қачондир, қайсидир шаклда қўзғалишини билар, “бу гаплар қўзғалган заҳоти бекорга чиқариб юбориш йўлини излаш керак” деб ўйлаб юрарди. Бугун ўша гаплар бир қўзғалиб, арзимаган жавоб зарбасидан сўнг тарқалиб, кўпчилиқнинг эътиборидан четда қолиб кетганини кўриб, кўнгли тинчланди. “Ҳар қанақа хужумни даф қилиш мумкин. Муҳими – устакорликда” деб ўйлади. Энди бу ҳақдаги майда миш-мишлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Лекин... Анови Аҳмад безнинг тилини тийиш керак. Қанақасига? Нурбекнинг ёнига ўтирганига қараганда, у билан яхши муносабатда бўлса керак. Ўша орқали чақиртириб, бир гаплашиш керак. Оғзини юмиб юрсин. Турган гап: Аҳмад без дўқ-пўписадан қўрқмайди. Унга пул таклиф қилиш лозим. Олгандан кейин тили қи-

силиб қолади. Агар олмаса... Кейин Мухторбекнинг ёрданидан фойдаланишга тўғри келади.

Тунов кун ишхонасига қўнғироқ қилиб ўпкалаганди: “Бизни бутунлай унутиб юбордингиз-ку, ака! Дўстдан бўлдими, душмандан?” “Йўқ, унутганим йўқ” деди Далер. Кейин бироз юмшоқроқ қилиб тушунтирди. “Бу ёққа энди... телефон қилмаганингиз маъқул. Жудаям зарур бўлса, кечроқ уйга қўнғироқ қилинг. Умуман... Мен ўзим топаман агар зарур бўлса? Фақат тўғри тушунинг...”

Мухторбек “Албатта ака, тўғри тушунамиз” деди-ю, лекин овозининг оҳангидан ранжигани сезилди. Эртасига Далерга бозорлик қилиб келган бозорқўм ҳамшаҳри – Абдирасулга тушунтиришга уринди. Абдурасул пухта одам эди. Ўзи Мухторбекнинг одами бўлса ҳам, Далер билан алоҳида алоқа қилар, ҳар шанба кун сархил маҳсулоту мева-чевалардан бозорлик қилиб, пойтахтга – Далернинг уйига жўнатар, ойда бир-икки ўзи ҳам келиб, хабар олиб, уч-тўрт сўм пул ташлаб кетарди.

Мухторбекка айтинг, ҳозир вақтинча мендан узоқроқ юрсин. Шундай қилса, менга ҳам, ўзига ҳам яхши бўлади. Хафа бўлмасин, биз... барибир дўст-биродарлигимизча қолаверамиз.

– Мен-ку... айтиб кўраман, Далер ака, – деди Абдирасул. – Бироқ тўғри тушунармикан? Ўзи бир гал “Нега мендан яширинча Ботиоровнинг рўзғорини қилиб юрибсан” деб қаттиқ сўккан, сиздан ҳайиққани учун урмаганди. Акс ҳолда, у ёмон уради, қисталоқ.

– Сиз кўрқманг. Керак бўлса сизнинг кўпроқ менга қарашли одам эканингизни билиб қўйсин. “Мен бораётганим йўқ, у киши ўзлари чақириб, топшириқ бериб турибди” деб қўйинг. Вақти келса, сизга ҳам топшириқ берар эканлар, денг. Тушундингизми? Дадил бўлинг-да, оғайни!

– Ҳўп бўлади...

Далер уйга келиб толиққанини сезди. Чой қўйиш ҳам ёқмади. Музлаткичдан бир парча дудланган гўшт олиб,

нон билан еди. “Хизматкор ёлламасам бўлмайди, шекилли” деб ўйлади. Кўз олдига дўмбоққина, бели ингичка ўрис аёли келди. Қаердадир, кимникидадир кўрувди. “Хизматкор аёлларнинг ҳам зўрлари бўларкан-у” деб қўйганди. Ўшанақасидан бўлса... Ҳам рўзғорга қараб кир-пир ювса-ю, ҳам мана бунақа чарчаб келганингда белингни уқаласа-да, ҳақини олса... Ўзи хотин зоти билан ҳисоб-китобни жойида аниқ-пухта қилиш керак. Акс ҳолда анови Ҳакимаҳонга ўхшаб, бўлмағур хаёлларга берилиб, бошни қотириб юради.

Далер кийимларини алмаштириб, залга ўтди. Телевизор қўйди. Тузукроқ бир кўрсатув йўқ экан. Нукул мажлис ва концерт. “Ўзи шусиз ҳам ҳаётимиз мажлису концертдан иборат бўлиб қолди-ку” деб ўйлади. Ўчирди. Хобхонасига кирди. Кийим шкафини очиб, унинг ичидаги хуфя дарчани сурди. Темир сандиққа калит солди. Ҳар куни кечқурун уйкуга ётиш олдидан темир сандиқни очиш ва унинг ичидаги пул боғламларини бир сира кўздан кечириб, кўнглини тўлдириш унга доимий одат бўлиб қолганди. Бу одат унга болалигида кўрган бир маназарани эслатарди. Тоғли қишлоқда яшовчи бобосиникига меҳмонга борган кезларда, у чолнинг хуфтон намозини ўқиб бўлгач, уйку олдидан ҳафсала билан тасбеҳ ўгиришини кўрган. Чол кўзларини юмганча, тасбеҳ доналарини битта-битта ушлаб, авайлаб, силаб-сийпаб ўгирар ва бундан кўнгли тинчланаётгани, ҳузур қилаётгани сезиларди. Шу тахлит чол анча муддат тасбеҳ ўгириб, тамоман сокинлашар ва кейин ётган заҳоти уйкуга кетар, уйқусида ҳам безовталанмай, хуррак отмай, ювош, беозор ухларди.

Далер ҳам пул боғламларини сандиқнинг у бурчагидан бу бурчагига бирма-бир олиб тахлар, шу аснода бели букилмаган, шиқирлаб турган “кўк”войларни бармоқлари билан майин сийпалар ва бундан нафақат бобоси сингари роҳат, балки куч-қудрат ҳам олар эди.

Дарвоқе, айтишларича, чиндан ҳам пулда, айниқса олтин тангаларда инсон жисмига қувват берувчи аллақандай, яъни оҳанрабо электр магнит тўлқинлари бор дейишади. Бунинг Ибн Сино ҳам эътироф этган эмиш. Демак, қадим-қадимдан ўзига тўқ чоллар бекорга белидаги белбоғига пул ёки олтин танга солинган ҳамён ўраб боғлаб юришмас экан-да?.. Ҳозир ҳам айримлар шундай қилишади. Чап қўйин чўнтагига битта-иккита юзталиқ доллар солиб юради. Юракни бақувват қилар эмиш. Шукрки, Далернинг юраги соғайиб кетган. Шу боис, у ҳозирча кечқурунлари пулни сандиқнинг ичида қайта тахлаш билан чегараланмоқда. Сирасини айтганда,.. бу шунақа завқли, ёқимли машғулотики...

Калитни бураётиб, Далер унинг одатдагидан бошқачароқ, осонроқ ва силлиқроқ буралганига эътибор қилди. Худди ёғ ичида буралгандай бўлди. “Қизиқ-ку” деди ва темир сандиқ эшигини очиб, турган жойида тошдек қотиб қолди.

Темир сандиқ бўм-бўш эди! Ҳайҳот! Далер аввалига туш кўряпман, деб ўйлади. Илгари ҳам бир-икки марта шунақа тушлар кўрган. Ишдан келиб ёхуд уйқудан туриб, темир сандиқнинг эшиги ланг очилиб ётганини кўрган...

Беихтиёр лунжини чимчилади. Оғриқ сизди. Демак – ўнги. Демак – даҳшат. Демак – фожеа! Демак – ҳаммаси тамом. Ақалли бир боғлам ҳам йўқ! Каттакон, бўйи бир кулоч, эни бир метрча келадиган мустаҳкам қулфли темир сандиқ хувиллаб ётибди.

Ким? Қандай қилиб? Ахир бунинг калитлари... Иккитаси ўзимда-ку? Биттаси доим ёнида. Иккинчиси ишхонадаги темир сандиқ ичида. Қолган учта захирадагилари мана, сандиқнинг ичида турибди... Қандай қилиб? Ким?..

Далер бошига қон тепиб, вужуди лоҳас бўлганини сизди. Сўнгра белида қаттиқ оғриқ туриб, ҳушини йўқотди.

Каравот устига “шилқ” этиб қулади. Қулаш баробарида миясидан “бу ишни ўшалардан бири қилган” деган фикр ўтиб кетди. Бу билан кимни назарда тутганини ўзи ҳам илғашга улгурмади.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Биринчи марта юраги хуруж қилганида унга “инфаркт олди ҳолатига тушибсиз, агар юракни авайлама-сангиз, инфарт юз бериши мумкин” дейишган. Бу сафар “миокард инфаркти” деган ташхис қўйилди. Юракнинг аллақандай нозик томири ёрилибди. Энди бир ой ўрнидан турмай ётиши керак экан. “Э, бир ой бўлмаса, икки ой ётарман, ҳар қалай тирик қолдим-ку” дея шукр қиларди Далер. Яхшиям ўша куни... ўлиб қолмади. Ўлиб қолса, ўлиги худо билади, неча кун сасиб ётарди. Астаффурилло! Ҳада! Ёнида хотини, бола-чақаси бўлмаса. Хабар олиб, ҳол сўрайдиган кими бор? Навбатчи машинанинг шофёри эрталаб келади. Тушавермаса, чиқиб, эшик қўнғироғини чалади. Жавоб бўлмаса, “ҳеч ким йўқ экан” деб қайтиб кетаверади. Яхшиям ётоқхонасида шундоққина бош томонидаги ғаладонда дориларни муҳайё қилиб қўйган экан. Йўқса жони “шиғ” этарди-да, чиқарди-кетарди.

Ўша куни Далер беш дақиқача хушсиз ётди. Хайриятки, кўкрагидаги қаттиқ оғриқдан бир лаҳза ўзига келди. Шу лаҳзада миясида “юрагим хуруж қилди” деган фикр пайдо бўлди. Ана шу фикр таъсирида чалқанча ётган кўйи ўнг кўлини узатиб, ғаладон тортмасини пайпаслади. Кичик шишадан нашатир эритмасини олиб, бурнига тутди. Қопқоғи ярим очиқ бўлгани учун эритманинг ўткир ҳиди димоғига урилди. Сал онги ёришгандек бўлди. Елимхалтадан “валидол” топиб, тилининг тагига ташлади. Ғаладон устидаги телефонни пайпаслаб, “03” рақамини бир амаллаб терди-да, манзилни зўрға тушунтир-

ди... “Эшикни бузиб киришсин” деди паст овозда. “Тез ёрдам” етиб келиб, аввал қўнғироқни босишди. Жавоб бўлмагач, эшикни болтами, болғами, нима биландир қаттиқ-қаттиқ ура бошлашди. Ниҳоят, темир эшик қарсиллаб очилиб кетди...

Биринчи ёрдам кўрсатилгач, кўксидаги оғриқ босилиб, ҳуши ўзига келди. Бироқ шу қадар ҳолсиз ва ланж эдики, ҳатто қовоғини кўтариб, кўзини очишга ҳам мажоли йўқ эди. Замбилга солиб олиб кетишаётганда, “эшикни бир амаллаб маҳкам бекитинглар” демоқчи бўлди-ю, ҳоли келмади. Кўзидан бир томчи ёш чизиб чиқди. “Нимани ҳам асрардим энди, бор-йўқ бисотимни ўмариб кетишган бўлса” деган ғамгин, ғарибона ўйга борди. Врач ақлли, зийрак йигит экан, тинчлантирди. “Уйингиздан хавотир олманг, ишхонангиздаги хўжалик бошқармасини огоҳлантирдик, келиб, эшикни тузатиб, беркитиб кетишади” деди. Хайрият. У яна кўзларини юмди. Имкон қадар хотиржам бўлишга уринди. Зеро, инфаркт чоғида мутлақо сокинликка эришмасанг, юрак яна хуруж қилиши мумкин. Ҳозир рўй берган воқеа ҳақида мутлақо ўйламаслик керак. Пул топиладиган нарса. Соғлиқ топилмайди. Ўша ишни ким қилган бўлса ҳам, албатта жазосини тортади.

Уни юрак касалликлари илмий марказининг бош клиникасига олиб келишди. Дастлаб реанимация бўлимига, уч кундан кейин эса бош врачнинг хизматхонасидан унча узоқ бўлмаган, шинам, яхши жиҳозланган бир кишилик олий даражали палатага жойлаштиришди. Бош врачнинг ўзи келиб кўрди. Дарҳол консилиум ўтказди. Текширувлардан сўнг маълум бўлдики, бу биринчи инфаркт экан.

– Дикқат бўлманг, даволаб, отдай қилиб юборамиз, – деди бош врач.

– Раҳмат сизга, – деди Далер.

– Хафа бўлмайсиз, ҳозирча олдингизга ҳеч кимни кiritмаймиз, – деди бош врач.

– Маъкул...

Шу тахлит икки ҳафта ўрнида қимирламай ётди. Узлуксиз муолажа, кетма-кет қилинаётган уколлар, “томчилатиб суғориш” уни анча тетиклаштирди. Нафаси қисилиши камайди. Кўкрагига зилдай қадалиб ётган тошнинг вазни сал енгиллашгандек бўлди.

Бугун уни кўргани парламент раиси, бир неча қўмиталарнинг раҳбарлари келиб кетишди.

– Бардам бўлинг, сиздан ҳали умидимиз катта, – деди раис. Қўмита раисларидан бири:

– Ёшгина йигитсиз-у, бу инфаркт сизга қайдан ёпишиб юрибди, – дея ҳайрон бўлиб, суриштирди. – Ё бирон нарсадан қаттиқ асабийлашдингизми?

– Ўша матбуот конференциясида баъзи маҳмадона, фаросатсиз мухбирлар ноўрин саволлар беришган экан-да, – деди яна бири.

Далер “Хайрият, булар касалимнинг ҳақиқий сабабини билишмас экан” деб хурсанд бўлди. Уларга қанақа маъноли жавоб қайтарсам экан, дея бироз ўйланди.

– Бу менимча, толиқишдан. Кейинги кунлар туну кун қаттиқ ишлашга тўғри келди...

– Сиз ўзингизга унақа азоб берманг-да, – деди раис меҳрибонлик билан. – Бу иш дегани, бир кунлик эмас-ку. Одам вақтида дам олиб, куч-қувватини тиклаши керак... Майли, шифохонадан чиққанингиздан кейин хорижий курортлардан бирига йўлланма берамиз. Яхшилаб дам олиб, соғлигингизни тиклаб келасиз.

– Эътибор ва ғамхўрлигингиз учун раҳмат, – деди Далер. – Умримнинг охиригача миннатдор бўлиб, садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман...

Расмий ташрифчилар кетганидан сўнг даволовчи врач:

– Ҳузурингизга бениҳоя хушрўй бир жувон кирмоқчи бўлаётир. “Вилоятдан келганман” дейди. Рухсат берайми?

“Вилоятдан келган бўлса, Ҳакимахондир” деб ўйлади Далер. “Киргизсинми, йўқми” деб бир муддат иккиланди. “Бу касофат аёл темир сандиқнинг “тозаланишига” алоқадор эмасмикан? Чунки... Менда ўшандан бошқа ҳеч кимнинг қасди йўқ эди-ку?.. Чунки... Уйимга ундан бошқа одам киргани ҳам йўқ. Майли, келсин-чи, бир башарасига қараб кузатай-чи, эҳтимол, бирон нарсанинг ҳидини сезиб олиш мумкиндир...”

– Майли, кирсин, – деди у ва бир неча сониядан сўнг қаршисида... Мушфиқахонимни кўриб, яна такроран инфаркт бўлиб қолаёзди. Юраги гупиллаб уриб кетди. Юзига қон тепди. “Менга ахир ҳаяжонланиш мумкин эмас-ку” деб ўйлади. Зеро, одам қувончидан ҳам юраги ёрилиб, ўлиб қолиши мумкин...”

– Ие, бу сизмисиз, – деб юборди у беихтиёр.

– Кутмаганмидингиз? Ассалому алайкум, – деди хоним. – Бемаврид келдимми?

– Йўқ, йўқ, ҳижолат бўлманг, – деди Далер.

– Иш билан вазирликка келгандим. Касалхонада эканингизни эшитиб, кўриб кетай дедим. Айбга буюрманг.

– Йўғ-е, қизиқмисиз, жудаям хурсандман, гарчанд... Ҳозир менга хурсанд бўлиш ҳам мумкин эмас-у, лекин сиз учун ҳар қанақа таъқиқларни бузишга тайёрман.

– Ундай деманг, врачларнинг айтганини қилиш керак, – деди кулимсираб хоним. Кейин кўлидаги бозорлигини дераза ёнидаги тумбочка устига қўйди.

– Бекор ташвиш тортибсиз-да, – деди Далер. – Ҳожати йўқ эди оворагарчилиқнинг.

– Арзимаган мева-чева. Овораси бор эканми? Тузук-мисиз? Нимага бунақа, ёш одам...

– Э-э, пешонада бор экан-да, – деди Далер беихтиёр кўнгли бузилиб. Ҳарчанд уринмасин, кўзида ғилтиллаб, бир томчи ёш ҳалқаланди.

– Хафа бўлманг. Дард берган Худо шифосини ҳам беради, дейдилар. Кўрмагандай бўп кетасиз.

– Айтганингиз келсин, ишқилиб. Ўзингиз қалайсиз? Ишингиз... Мен очиги, ҳали айтолганим йўқ эди. Бугун ўзи... сал ўзимга келдим. Насиб қилса, эрта-индин вазирга қўнғироқ қилиб, тайинлаб қўяман.

– Раҳмат. Ўзингизни уринтирманг. Шошилинч эмас-ку, вақти-соати билан бўлар. Вазирликдагилар ўзимга ҳам ваъда беришяпти. Лекин вазирнинг ўзларига кирганим йўқ.

– Мен олдин айтай. Кейин кирасиз. Хўпми?

– Хўп. Мен энди борай бўлмаса?

– Яна бироз ўтирсангиз бўларди. Майли, ишларингиздан қолманг. Демак, индин вазирнинг қабулига киравек-сиз. Мен тайинлайман. Киришдан олдин имкони бўлса мен билан бирров хабарлашинг.

– Майли, – деди хоним хайрлашиб чиқиб кетар экан.

“Бу малакни энди қўлдан чиқармаслигим керак” деб ўйлади Далер. Аммо хоним билан боғлиқ ширин хаёллари узоқ давом этмади. Ҳарчанд эсламасликка уринмасин, йўқолган беҳисоб бойлик дарду алами тасаввурига ёпирилиб келди. Далер бу ғуссани енгиш, чексиз алам ва изтиробни хаёлидан сал бўлса-да узоқлаштириш учун ўзини минг кўйга солар, ҳатто “бу пуллар асли ҳалол меҳнат билан топилмаган-ку, нимасига ачинаман, ўтники ўтга, сувники сувга-да” деб ўзига тасалли беришга уринарди. Бироқ чалғишга қанчалик ҳаракат қилмасин, “мол аччиғи – жон аччиғи” деганларидек йўқолган пулнинг алами кўкрагини аёвсиз куйдирар эди.

“Шунча пул-а... миллионга етай-етай деб қолган эди-я... Наҳотки, бир зумда йўқолиб кетса? Ким олади? Кимнинг ҳадди сиғади? Аммо-лекин ким бўлсаям боплади занғар. Эшикни қандай очган? Эшикни-ку майли... лекин сейфни-чи? Шошма-шошма? Сейфни ўрнатган уста... эмасмикан? Йўғ-е, унда калит йўқ-ку. Калитнинг ҳаммаси ўзимда-ку! Ё ўша сейфни сотган магазинда калитдан яна биронтаси қолганми? Магазин пойтахтда эмас-ку...

Сейфни у бир ишончли одамга воҳа вилоятларидан бирининг марказида яқиндагина очилган “Сейфлар ва темир сандиқлар” дўконидан олдирганди. “Ишхонага қўй-дирмоқчиман” деб айтган унга. Ўрнатувчи уста ҳам бошқа шаҳардан олиб келинган. Манзилни эслаб қолмаслиги учун уни кечаси ишлатган ва ишни тугатгач, тонгга яқин бетўхтов ортга жўнатиб юборган. Хуллас, ҳамма эҳтиёт чоралари кўрилган эди. Бефойда экан. “Иван Васильевич касбини ўзгартиради” фильмида Антон Шпакникига ўғирликка тушган Милославский тўғри айтган экан: “Пуллариингизни омонат кассада сақланглар, дўстлар!”

Далер бу ҳақда кўп ўйлаган. Унинг нияти лоақал миллионга етказганидан сўнг, бирорта хорижий банкка қўйиш эди. “Ҳозир олиб борсам, устимдан кулишадди” деб мулоҳаза қилган. Унгача бир-икки ширкатда айлантиришни мўлжаллаган, бозорқўм ошнасига бу ҳақда маслаҳат ҳам солган эди. Стоп! Тўхта! Бозорқўм! У Далернинг уйини билар, бу ерга бир неча марта келган эди. Ўша... Дарвоқе, у нега шу чоққача кўргани келмади? Эшитмадими? Йўғ-е, вилоятдаги дўстларнинг аксарияти хабардор-ку...

Савқи табиий, яъни интуиция бор нарса дейдилар. Далер бозорқўм ошнаси ҳақидаги гумонни кўнгилдан ўтказар экан, ич-ичидан қандайдир таҳликали сезги ҳис этди. Кўзи тумбочка устида тахланиб ётган икки-уч кунлик газеталарга тушди.

Бемаъни хаёллардан алахсиш мақсадида уларни олиб, ётган жойида варақлашга тушди. Ногаҳон кўзи “Америкача қотиллик” деган қисқа бир мақолага тушди. “С. вилоятининг марказида куппа-кундуз куни америкача қотиллик юз берди. Шаҳар марказий бозорининг директори А. ўз шахсий “Волга”сида ишга кетаётиб, светофор чироғи ёнида тўхтаб турган чоғида мотоцикл минган икки ниқобли киши унинг ёнига келиб, тўппончадан

бир неча марта ўқ узган. Ўқларнинг иккитаси А.нинг бошига ва бўйнига тегиб, у воқеа жойида ҳалок бўлган. Қотиллар яширинишган. Ҳозир уларни қидириш бошланган...”

“Ё, астафуриллоҳ! Куппа-кундуз куни, серқатнов, серодам шаҳар кўчасида-я? Нималар бўляпти ўзи? Қанақа замон бўлди бу? Не кунларга қолдик?”

Далернинг юрагини ваҳима босди. “Худога шукр-э. Пулни ўзим йўқ пайти ўмариб кетишгани яхши бўлибди. Ўзим уйда бўлганимда отиб кетишлари ҳам мумкин эди...”

Энди унинг шубҳа-гумонлари чалкашиб кетди. Бир ҳаёли “пулнинг ўғирланишида, шубҳасиз ошнамнинг қўли бор, шу боис уни шериклари изни йўқотиш учун ўлдиришган” деса, иккинчи ҳаёли: “Йўқ, бу ишга ошнамнинг мутлақо алоқаси йўқ, уни биронта душмани мансаб таллашиб, қотил ёллаб ўлдирган” дерди. Ҳакимахондан шубҳаланишга ҳам у асос топмасди. Чунки, гарчанд у ҳовли масаласида жувонни чув туширган бўлса ҳам, кўп ишларини битказгани, бунинг устига шерикчилик қилишга рози бўлгани учун Ҳакимахон бунақа қабиҳликка қўл уриши мумкин эмас, деб ўйларди. Қолаверса, оддий бир аёлнинг бу қадар устамонлик қилишига кўзи етмасди. “Калаванинг учи сейфни сотганлар ва уни ўрнатган устага бориб тақалади” деб ўйлади у.

Ҳализамон Мухторбек кўргани келади. Ўшанга айтиб, бу тахминни бир текширтириб кўриш керак. Бироқ Мухторга бунақа топшириқ бериш учун ҳамма гапни очиқ айтишга тўғри келади-ку! Ё милицияга хабар бериш керакми? Йўғ-е, улар... худо кўрсатмасин... ўғрини топиб, “бунча пулни қаердан олгансиз” дейишмайдими? Ҳовли, машина сотдим, деб жавоб берадими? Ўнта ҳовли, ўнта мошин сотганда ҳам бунча пул тўплаш қийин-ку, дейишмайдими? Дейишади албатта. Солиқ идораси хабар топиб, декларация талаб қилади. Шов-шув кўтари-

лади. “Депутатликнинг арзимаган имтиёзларидан воз кечиб, ўзини сохта камтарликка солиб юрган корчалоннинг башарасини қаранглар” дея ёзади бояги бефаросат мухбирлар... Ундан ташқари, энди бу пулларни топишнинг ўзига ҳам ишониш қийин. Яхшиси, “ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолгани маъқул” эмасми?

У ҳолда ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келади. Нолдан. Яна шунча пул тўплаш учун қанча вақт керак? Ҳаммаси қанақа иш, қанақа бизнес билан шуғулланишга боғлиқ. Битта-иккита хориж фирмаларининг фойдали контрактларини тузишга қўмаклашса...

Далер охирги марта вилоятга борганида вилоят ҳокими қабулхонасида бўлган қисқа суҳбатни эслади. Башанг кийинган ёш бир йигит у билан қуюқ сўрашди. “Мен сизни яхши биламан ва қаттиқ ҳурмат қиламан” деди у. Маълум бўлишича, бу йигит хориждаги йирик фирмалардан бирининг маҳаллий вакили экан. “Фирмамиз вилоятда чиқиндиларни йиғиштириш ва қайта ишлаш бўйича муҳим бир таклиф тайёрлаган. Ана шу таклифнинг қабул қилинишига ёрдамлашсангиз, биз жуда миннатдор бўлур эдик ва сизни қуруқ қўймасдик” деди йигит. Далер гап ахлат ва чиқиндилар ҳақида бораётгани учун бурнини жийирди. Йигит кулди. “Сиз ахлат деб ижирғанмоқдасиз. Ҳолбуки, ҳар челақ ахлат тагида жарақ-жарақ пул ётибди...”

Далер ҳар эҳтимолга қарши йигитга телефонини берди. “Агар муаммо сира ҳал бўлмаса, мурожаат қиларсиз” деди. Шу топда “ўша йигитнинг телефонини ёзиб олмаган эканман-да” дея пушаймон қилди. Яна ўйладики, ҳали ўзи мурожаат қилиб қолар. “Аммо-лекин бозорқўм ошнамнинг жони увол кетибди. Бечора шунча молу давлат, шунча боғу чорбоғ, қўрғону иморат... Ҳаммаси қолиб кетди... Молу давлатни эмас, соғлиқни ўйлаш керак. Молу давлат топилади, соғлиқ бўлса...”

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Пойтахтнинг қоқ марказида “Нотариал идора”да иш бошлаган Мушфиқахоним ҳамон ўзига келган эмас. Ҳаммаси тушдагидек тез, соз ва силлиқ юз берди. Вазир ўринбосарининг шахсан ўзи қабул қилиб:

– Мушфиқахон, сизнинг вилоятда ишлаш жараёнида тўплаган ғоят қимматли тажрибангиз бутун мамлакатга ёйишга арзигуликдир. Шунинг учун сизни пойтахтнинг марказий туманида жойлашган нотариал идорага ишга тавсия этдик. Иложи бўлса, шу бугуноқ ишга киришинг. Иш жараёнида вазирликка тез-тез келиб, тажриба алмашув семинарларида фаол қатнашасиз, деган умиддаман, – деди.

Хоним “Олхўризор” мавзесидаги янги қурилган кўп қаватли ғиштли иморатларнинг биридан беш хонали шинам квартира сотиб олди. Ҳовлисидаги мебель ва жиҳозларни кўчириб келтириб, ҳовлининг ўзига тамакичилик соҳасида ишловчи хориждан келган бир тадбиркорни ижарага қўйди.

Биринчи иш кунини тугатиб, уйга қайтгач, Нурбекка қўнғироқ қилди. Ҳали соат энди олти. Ҳойнаҳой, ишда бўлиши керак. Телефон узоқ жиринглади. Жавоб бўлмади. Бир маҳал гўшакни кимдир кўтарди. “Холмуҳаммедов хорижга хизмат сафарига кетган. Эрта-индин қайтиб келсалар керак” деган жавоб эшитди. Ҳафсаласи пир бўлди. Янги жой, янги муҳит бўлгани учунми, сал юраги ғашланиб, зерикди. Телевизор қўйди. Қарагиси келмади. Чой ичмоқчи бўлди. Томоғидан ўтмади. “Ташқарига чиқиб, сайр қилиб келсаммикан?..”

Телефон жиринглади. “Ие, ҳали ҳеч кимга телефон рақамини бермагандим-ку...” Ҳайрон бўлди. Далер Ботиоров экан. Овози бардам. Демак, касалхонадан чиққан.

– “Тоғ Муҳаммаднинг ёнига бормаса, Муҳаммаднинг ўзи тоғнинг ёнига боради” деди Далер оврупоча маш-

хур иборани бироз ўзгартириб, сўз ўйини қиларкан. Ҳойнаҳой, “телефон рақамимни қаердан олди” деб ҳам ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ишонасизми? Тушимда аён бўлди. Ўзиям антиқа рақам экан. Учта “беш”, учта “тўрт”. Қаердан топдингиз бунақа омадли рақамни?

Хоним ҳайрон бўлган кўйи тураверди. Нукул Далер гапирди. Хоним фақат гап орасида “соғайиб кетдингизми” деб сўрашга улгурди.

– Отдайман. Бугун соғайиб чиққаним шарафига бир худойи қилаётган эдим. Ўшанга сизни таклиф этиб, телефон қиялпман. Тезроқ етиб келинг. Манзилни била-сиз...

Хоним “аёл кишига қандай бўларкин, кимлар чақирилган ўзи” деб сўрашга улгурмади. Таклиф буйруқ оҳангида эди. Шу боис Далер гапни қисқа қилиб, гўшакни илиб қўйганди. Хоним бундан сал ижирғанди. Бироқ... Далер бундай қилишга ҳақли эканини эслаб, бўшашди. “Бормасам бўлмас. Ёрдам қилди ахир, лекин...” Хоним ички бир сезги билан англадики, Ботиров уни худойига эмас, висол учрашувига таклиф этмоқда. Борганидан сўнг шубҳасиз, “қарзини узишни” талаб этади. Йўқ десанг, ора бузилади. Ботировга душман бўлиб қолиш хавфли. Нима қилмоқ керак? Бир муддат иккиланиб ўтирди. Боши қотди. Чора излади. Худога нола қилди. Мушқулимни осон қил, деб ёлворди. Ногаҳон Ҳакимаҳоннинг гапи эсига тушди. “Пул деса, ўзини томдан ташлар экан. Уч сўм чўзсанг ҳам олаверади...”

Топди. Ботировга пул узатади. Берган ёрдамининг ҳақини худди шунақа қилиб узиш мумкин. Кейин шилқимлик қилишга уялса керак. Хотин кишидан пул олган эркак унга яна шилқимлик ҳам қилиши кулгили нарсаси. Лекин... олмаса чатоқ. Олмаса, хиралик қилаверади. Мақсадига эришмагунча, қўймайди. Пулни кўпроқ чўзиш керак. Олмаса бўлмайдиган қилиб...

Хоним ётоқхонасидаги ғаладонни очиб, икки боғлам кўк рангли юзталиқ олди. “Олмай ҳам кўрсин-чи... Бунақа

пулга имонини ҳам сотиб юборади. Йигирма минг доллар. Аслида, ўн минг берса ҳам бўларди-ю, бироқ унинг нафасини ҳам, нафсини ҳам бир йўла ўчириб ташлаш керак...”

Хоним табиятан кўнгли ҳам, қўли ҳам очиқ аёл эди. “Қўли очиқнинг йўли очиқ” деганларидек, саховатли бўлгани боис мудом фаровонликда, сийму зарга кўмилиб яшаб келмоқда. Ҳаёт ундан мурувватини аямади. Бироқ... бахтидан тинмади. Кўйни-кўнжи тўлди-ю, кўнгли тўлмади. Бойлиги бору, бахти йўқ. Гоҳида “Наҳотки мен мўридай сўппайиб ёлғиз, бекасу бефарзанд ўтиб кетаман бу ҳаётдан” деб ёзғирган онлари ҳам бўлади. Кейинги пайтлар айниқса шу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлди. Нурбекнинг хотини “соппа-соғсиз, бемалол фарзанд кўришингиз мумкин” деганида юраги увишди. “Кимдан? Кимдан фарзанд кўраман?” “Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас, мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас”. Ўшанда пойтахтдан қайтиб боргач, Нурбекнинг хотинига учради. “Тушунинг, менинг у киши билан боғлиқ ҳеч қанақа ёмон ниятим йўқ” деди. “Яхши ниятингиз борми?” “Ҳа! Яхши ниятим шуки, сизлар бахтли бўлинглар!” Аёл унинг гапини эшитишни истамади. “Кейинроқ тушуниб етасиз” деди хоним у билан хайрлашиб кетар экан. Қизиғи шундаки...

Чиндан ҳам у Нурбекнинг ўз хотини ва болалари билан бахтли бўлишини астойдил истар, айна пайтда ўзи ҳам уни яхши кўрар эди. Севги учбурчакларида, одатда “учинчи одам” ҳамиша ортиқча бўлади. Ажабки, хонимнинг наздида учинчи одам ҳеч қандай қийинчиликсиз, муаммосиз мавжуд бўлиши ва ҳеч кимга халал бермасдан у ҳам ўзича бахтли яшаши мумкин. Бу хоним яратган янгича назария эмасди, албатта. Бу Шарқда, мусулмончиликда азалдан бор урф. Бир эркак икки, уч, ҳатто тўрт аёлни ҳам бахтли қилиши мумкин. Хўш, мусулмончилик арконлари ўз қадрини топаётган бугунги кунда бунга нега ажабланмоқ, нега таассуфланмоқ керак?

Хоним ўзи кўп ўқиган француз романлари таъсирида дастлаб “бир аёл бир йўла бир неча эркакни яхши кўриши мумкин” деган хулосага келган эди. Қай бир дугонаси бир гал “қанақа бой хотинсан, эрингдан ташқари ақалли битта ўйнашинг бўлмаса” дея ҳазил қилганида, “ҳа-я, чиндан ҳам” деб маъқуллаганди. Ўша пайтларда генерал тирик эди. Ва эҳтимолки, муҳаббат асосига қурилмаган бу тенгсиз никоҳ шу тахлит давом этаверганида, хоним тўқликка шўхлик қилиб юрувчи дугонаю улфатлари таъсирида биронта хуштор орттирса орттирарди ҳам. Не афсус ва... Не бахтки, генерал вафотидан кейинги ёлғизлик унинг ҳаётга қарашини тамоман ўзгартириб юборди. Аввалига у “Энди эркинман, истаганча ўйнаб-кулишим мумкин” дея чуқур-чуқур нафас олиб, айғир эркакларнинг гап ташлашларини кутди. Аксига олдами, ҳадеганда дурустроқ “кавалер” топила қолмади. Кейинроқ пайдо бўлган бир-икки савдогарвачаларни кўнгли тортмади. Танлай бошлади. Хонимнинг наздида унинг муҳаббатига сазовор киши ҳар томонлама етук бўлмоғи зарур эди. Унақа одамни топиш қийинлигини хоним билар, билатуриб излар эди. Ўша пайтлар учраган Далер унда айтарли таассурот қолдирмаганди. Кейинроқ у сиёсат оламига чиқиб, хирароқ бўлса-да, юлдуз мисол порлай бошлагач ҳам хонимнинг қалбига нур сочолмади. Бунинг устига ўша пайтларга келиб, хонимнинг юрагида Нурбек билан тасодифий танишувдан сўнг пайдо бўлган нотаниш бир ҳис томир ота бошлаган эди. Бу ҳис хонимнинг тасаввуридаги етук эркакни излаши билан мутлақо боғлиқ эмасди. Жўнроқ айтганда, у олий мақсадга интилаётган одамнинг йўл-йўлакай, шунчаки бир тин олиш, нафас ростлаш истагига монанд юзаки қизиқишига ўхшаб кетарди. Бу юзаки қизиқиш, ифодали қилиб айтганда, каттакон гулхан ёқиш мақсадида тўпланган улкан ўтин уюми ёнидан ўтаётган оддий бир ўткинчи лоқайдлик билан итқитган чала ёнган

гугурт чўпи сингари ғарам устига “йилт” этиб тушди. Куруқшаб ётган бир шохгами ё япроқками тегди-да, уни бироз тутатди. Кейин “пов” этиб ўт чиқди. Ва бу ўт шу қадар кучли алангага айландики, хоним тасаввуридаги эркак қиёфасини ҳам, бу борадаги жамики мезон ва ўлчамларни бутунлай унутди. Кўзи, кўзигина эмас, ақли тафаккури тамоман қамашди. Бу йигит ким, кўриниши, насл-насаби қанақа, топиш-тутиши, жамиятдаги мавқеи қандай, оиласи борми-йўқми, булар ҳақида мутлақо ўйлаб ўтирган эмас. Севиб қолди, тамом-вассалом. Энди эркак деганда, унинг тасаввурида, фикру зикрида фақат бир одам, яккаю ягона бир қиёфа гавдаланади, холос. Далер Ботиров сингари салкам осмонни қўлида ушлаб турган арбоб ёки Мухторбек каби ҳеч нарасадан тап тортмайдиган зўравон каззоб ҳам уни на қизиқтиради ва на кўрқита олади.

Айни пайтда хоним бу қавмлар билан ҳам муносабатни бузгиси келмайди. “Агар шундай қилсам Нуржонга (хоним ўз ҳаёлида Нурбекни эркалаб, шундай деб атар, бироқ ҳозирча ўзига ошкора бирор марта унақа деб муaroжаат этмаганди) бирор зарар етиб қолиши мумкин” деб ўйлайди. Зеро, хоним ўз муҳаббати Нурбекка бирон бир ташвиш, муаммо туғдирмаслиги керак, деб ҳисобларди. “Менинг севгим, менинг... меҳрим Нуржонга фақат ҳузур-ҳаловат, қувонч ва илҳом бағишламоғи зарур. Токи у менинг меҳрибон ва оромбахш бағримга ҳаммиша иштиёқ билан талпинсин, худди гўдак онасининг кучоғига интилгани мисол...”

Далер, Мухтор ва шунга ўхшаган бошқа эркакларни у “аёлга истироҳат ашёси сифатида қаровчилар” деб ҳисоблар ва булар ҳеч қачон аёлнинг қалбини тушунолмайдилар, деб ўйларди. Унинг наздида аёлни эгаллашга интилувчи ҳар қандай эркак фақат тан ҳақида, бадан ҳақида ўйлайди. Бинобарин, аёлнинг танини забт этиб, нари борса ўша яқин ва тор мақсадларига эришадилар.

Аёлнинг қалбини забт этмоқ учун ундан жуда ҳам баланд ва... узоқ турмоқ керак. Эркак мағрур бўлсин. У оёқ остида ўралашмаслиги зарур...

Хоним бу фикр нақадар фавқулодда, ноанъанавий эканини англар, “бу қараш фақат менга ўхшаган – ҳаётнинг баланд-пастини кўрган аёлларгагина хос, унинг мазмун-моҳиятини ҳамма ҳам тушунавермайди, қолаверса, тушуниши шарт ҳам эмас” деб ҳисобларди.

Хоним йўл-йўлакай кўп ғалати фикрларни кўнгилдан ўтказиб, Далернинг уйига кўтаринки, фалсафий бир кайфиятда келди. “Албатта уни хафа қилмаслигим керак, – деб ўйлади эшик кўнғироғини босар экан, – Бироқ ўйлаган ниятига етишига ҳам йўл қўймайман...”

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Хоним янглишмаганди. Далер бу учрашувга астойдил ҳозирлик кўриб, тўкин дастурхон тузаб ўтирар, “бугун хонимнинг висолига албатта эришмоғим шарт” деб аҳд қилган эди. Эрталаб ишга боришдан олдин врачга учраб, тегишли маслаҳатлар олди. Бироз чайналиб, “Энди... аёлларга яқинлашаверса ҳам бўладими?” деб сўради. Врач ҳазилкаш экан.

– Аёлларга эмас, битта аёлга яқинлашсангиз бўлади. Фақат эҳтиётлик билан, – деганди.

Иш кунининг ярмисини у хонимнинг телефон рақамини аниқлаш билан ўтказди. Олдин адлия вазирлигига кўнғироқ қилиб, хоним ишлайдиган нотариал идора манзили, телефонларини билиб олди. Сўнгга ўша ёққа кўнғироқ қилди. Гўшакни котиба олди.

– Мушфиқахонимнинг уй телефонларини билмоқчи эдим, – деди у ўзини юқори идоранинг масъул ходими, деб таништиргач.

– Ҳозир улаб бераман, ўзларидан сўрашингиз мумкин, – деди котиба.

– Йўқ-йўқ. Ўзлари билмаганлари маъқул. Биз... У кишига бир сюрприз қилмоқчимиз.

– Унда... билмадим. Очиғи, менга ҳали уй телефонларини айтган эмас.

– Сўраб беролмайсизми? Сездирмасдан.

– “Нимага керак?” деб қолишлари мумкин-да.

– Ундай бўлса... Шошманг, уй манзилларини биласизми?

– Ҳа. Олхўризор мавзесида туришларини эшитганман-у, уй рақамларини ҳали билмайман.

– Олхўризорми? Яхши. Раҳмат. Қолганини ўзимиз аниқлаймиз.

Маълумотлар бюросидагилар ҳам бирдан топиб беришолмади. Бошлиғига қўнғироқ қилишга тўғри келди. Бошлиқ аралашувидан сўнг, ярим соатлар ўтгач, рақам маълум бўлди.

– Узр, – деди бошлиқ ўзи қўнғироқ қилиб, – Янги уйларга қўйилган телефон рақамлари ҳали қайта рўйхатга киритилмаган экан.

– Ҳечқиси йўқ. Мана энди киритиб қўясизлар. Раҳмат сизга!

Далер табиатига кўра эҳтиёткор одам. Айниқса, кейинги воқеадан сўнг, ундаги ўз-ўзини муҳофаза қилиш ҳисси яна ҳам кучайгандек. Эҳтиёткорлик – қўрқоқлик эмас, дея ўзини тинчлантиради у. Хонимнинг телефон рақамини аниқлагач, қўнғироқ қилишга шошилмади. Бироз вақт ўтсин. Ҳар қалай... Эҳтиёт бўлган маъқул. Бу... телефонларнинг аксарияти эшитилади, дейишади. Буни ҳамкасбларидан бирига шивирлаб айтган эди, у бўлса “Бунинг сир жойи йўқ-ку, ривожланган мамлакатларда сиёсий арбоблар ўз телефонларининг назорат этилишига ёзма равишда розилик бераркан” деди. Тўғри! Халқ вакилининг халқдан яширадиган бирорта сири бўлмаслиги лозим. Сирасини айтганда, Далер депутат бўлишига қарамасдан бўйдоқ-ку, бинобарин, боши очик бир аёл

билан муносабатларини кимдан яшириши керак? Жа-а, дўппи тор келиб қолса, “уйланмоқчиман” деб қутулади-да. Халқ депутатларига уйланиш ман этилмаган-ку? Дарвоқе, касалхонадан чиқиб, иш бошлаган куни раис уни ўз хонасига чақириб, “дўстим, бундан буён каттакон издиҳом ҳузурида гапирадиган гапларингизни аввал мен билан маслаҳатлашиб олсангиз маъкул бўлар эди” деб айтди. Кейин қўшимча қилиб қўйди: “Келажагингиз порлоқ, сизни асрашимиз, авайлашимиз керак”. Мулойим оҳангда айтилган бу танбеҳнинг замирида нима маъно борлигини Далер яхши фаҳмлади. “Олға юринг, аммо менинг орқамдан” демоқчи. Майли. Ҳозирча ақл ўргатиб тураверсин. Бир жиҳатдан яхши бўлди. Энди Далер бўлар-бўлмас нарсани баҳона қилиб, раиснинг олдига тез-тез кириб туриши учун имкон яратилди. Бошқалар эса “Ботиров раисга яқин одам” деб унга эҳтиёткор муносабатда бўлишади.

Далер ўша гапнинг эртасигаёқ “маслаҳат сўраб” раиснинг ҳузурига икки марта кирди. Биринчисида, Сафаровни муддатидан олдин озод қилиш бўйича ёрдам сўради. Далер касалхонадан чиқиши арафасида вилоятдан бир одам келиб, ана шу масала бўйича унга мурожаат қилган, “биз, Ражаб аканинг дўстлари ва қариндошуруғлари яхшилигингизни ўн, юз ҳисса қайтаришга тайёرمىз” деган эди. Раис «бу масала яқин орада юқорида кенг миқёсда ҳал этилади, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку» деди. Далер “Сафаров ўшангача оқланиб чиқса, яхши бўлар эди, ҳалол одам” деди. “Майли, кўрамиз” деб қўйди раис. Иккинчи киришида Далер ўз сайловчилари вакил юборишиб, ундан вилоят марказида ахлат ва чиқиндилар заводи қурилиши масаласини ҳал этишга ёрдамлашишни сўраганларини айтди. Раиснинг энсаси қотди. “Бу масала билан бошқа идоралар шуғулланади ахир” деди. Бироқ Далер бўш келмади. “Сиз ўзингиз “муаммонинг катта-кичиги бўлмайди” дегансиз. Менинг,

қолаверса, парламентимизнинг сайловчиларим олдидаги обрўси шу масаланинг ҳал бўлишига қараб қолган. Раис тишини тишига қўйиб, “бўпти, шуғулланамиз” деб чиқариб юборди. Яшасин, раис! Отасига раҳмат! Ҳар икки масалани бир ҳафтага қолдирмай, ҳал қилиб берди. Шу орада Далернинг ўзи ҳам анча-мунча муаммоларни ечиб, бўшаб қолган темир сандиқни қайтадан тўлдиришга киришди. Ҳа, айтганча, у сандиқнинг қулфини алмаштириб, эшикка сигнализация ўрнаттирди. Уйга кирадиган эшикни ҳам олдириб ташлаб, янги, худди сандиқникига ўхшаш темирдан бошқа эшик ясаттирди. Унга ҳам электрон қулф ва сигнализация қўйдирди. “Энди пашша ҳам учиб киролмайди, деб қўйди ўзича. Йўқолган маблағнинг ўрнини тезроқ қоплаш керак...”

Далер битказиб берган ишлари учун олаётган пулни “пора эмас, хизмат ҳақи” деб ҳисоблар эди. “Биз янги замонга қадам қўйдик. Бу замонда ҳар бир киши ишбилармон ва тадбиркор бўлмоғи керак” дейилган эди раиснинг сўнгги маърузаларидан бирида.

Чиқинди бизнеси билан боғлиқ иш ҳал бўлгач, Далер талаб қилган миқдорни эшитиб, вакил йигитнинг эҳсонаси чиқиб кетди. “Йўғ-е, ака, сал инсоф қилинг!” деди. Далер паст овозда дағдаға қилди: “Ука, бу сизга бозор эмас-ку, савдолашиб ўтирадиган? Шартига чидамас экансиз, мени аралаштириб нима қилардингиз? Ахир мен ўзимга сўраётганим йўқ-ку...” У шундай деб, кўрсаткич бармоғини шифтга нуқиб қўйди. “У ёққа мен арзимаган нарсани кўтариб боролмайман-ку? Крохобор экан, дейишмайдими?”

“Майли-майли ака, – деди йигит ранги-қути ўчиб. – Шефимга айтаман. Ҳал қилиб берамиз”. “Мен шеф-пешингизни билмайман ука. Сизни биламан. Ҳал қилсангиз қилинг. Ҳал қилмасангиз, бошланган ишни қоқ белидан тўхтатиб қўйиш ҳам қўлимиздан келади...”

Ҳал қилиб беришди. Бугун опкелиб бериб кетишди. Опкелишдан олдин йигит кўнғироқ қилди. “Бояги “ҳуж-

жатларни” топшириб қўймоқчи эдим” деди. Далер ўйланди. “Катта миқдор... Қаерда олиш керак? Кўчада бўлмайди. Уйга чақириш хавфли. Ишхонада – мумкин эмас. Нима қилса бўлади?..”

Мияси бирдан ишлаб кетди. Банкка қўйдириш керак. Хорижга – Швейцария ё... Кипрга. Ҳа-ҳа, Кипр маъқул. Изини ҳам, ҳидини ҳам биров билмайди. Исми-фамилияси ёзилмайдиган, кодлаштирилган рақамга қўйилади. Қўйиб, банкдан маълумотнома опкелишсин. Шуниси маъқул. Йигитга учрашув тайинлар экан, “хужжатларсиз келинг” деди. Келгач, унга режасини айтди. Йигит қўлидаги телефон орқали хўжайинига қўнғироқ қилиб, ажнабийча гаплашгач, севинч билан:

– Бу усул бизга жудаям маъқул. Миқдор бугуноқ ўтказилиб, маълумотнома факс орқали юборилади. Унинг асл нусхаси икки-уч кунда қўлингизда бўлади...

– Маъқул!..

Мана бугун ўша маълумотнома қўлига тегди. Бир варақ, бир парчагина қоғоз. Лекин... бир олам кучи бор. Ундаги беш хонали рақам ўликни тирилтириш қудратига эга. Ҳа-ҳа, бу гапда муболаға йўқ. Далернинг юраги тагида анчадан бери ўлиб ётган бир ҳирс қайта тирилди бу рақамларни кўриб. Бу ҳис – ҳар қандай чўққини забт этиш иштиёқи. Сиёсат чўққисими, муҳаббат қоясими, дош беролмайди энди унинг иштиёқига. Илгари ўша иштиёқ темир сандиқнинг бузилиши туфайли ўлган, сўнган эди. Энди қайта тирилди. “Доллар – юксакларга чорлар” деди у овозини чиқариб. “Бу ёғи шеър бўлиб кетди-ку!” Завқи келди. Шошма, ҳовлиқма, деди ўзига. Чўққини забт этиш – катта иш. “Катта ишга шошилма” дейдилар машойихлар. Ҳозирча муҳаббат қасрига хужум бошламоқ керак...

Эшик қўнғироғи майин жиринглади. “Келди!” Юраги гупиллаб, ҳаяжонланди. Эшикни очди. Остонада гул-гул очилиб, Мушфиқахоним турарди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! Қадамингизга гуллар очилсин!
Қани, ичкарига марҳамат.

– Эшикни роса мустаҳкамидан ўрнатибсиз, – деди хоним. Синчков аёл-да. Сезибди.

– Ҳар қанча метин-мустаҳкам бўлмасин, сиз учун ҳамиша ланг очиқ, – деди Далер ўзи қилган сўз ўйинидан завқланиб.

– Раҳмат!

Зиёфат қуюқ бўлди. Хоним енгилгина тотиниб ўтирган бўлса-да, Далернинг ўзи мазза қилди. Бостириб-бостириб коньяк ичди. Врач “қонингизни юриштиради, бир қадах-икки қадах коньяк ичиб юринг” деган экан. Дудланган гўштдан газак қилди. Баҳри-дили очилиб кетди. Бир гапириб, ўн кулди.

– Келганингиз яхши бўлди-да, – деди у қизариб, сузила бошлаган кўзларини хонимнинг бир қатор тоза, қимматбаҳо марварид тақилган оппоқ бўйнига, хушбичим қилиб тикилган қора жакет тагида таранг тортилиб, диркиллаб турган кўкраклари, ингичка бели ва бўлиқ сонларига ошкора тикилиб, ютиниб қўяр экан. – Келиб, зап иш қилдингиз-да.

Далер хонимнинг бугун муқаррар таслим бўлишига сўзсиз ишонар, “Ҳамонки, ўз оёғи билан келдими, йўқ демайди” деб ўйлар, шу боис ўзини тобора эркин тутар, гап орасида гўё беихтиёр қилгандек, аёлнинг билагидан ушлаб қўяр, елкасига қўл ташлар, тиззаларига авайлабгина шапатилар, бундан унинг чўчиб тушаётганини, қўлини секин суриб, ўзидан узоқлаштиришга уринаётганини “ноз қиляпти” деб тушунар, ўқтин-ўқтин миясида “Хўш, асосий ҳаракатни қачон бошлаймиз?” деган савол айланар, юраги ҳаприқиб, ётоқхона томонга қараб-қараб қўярди. “Жа-а, бўлмаса, шошилсанг, шу ерда, анови диван устига ётқизсанг ҳам бўлар...”

Далер мусиқа қўйди.

– Келинг, энди бир рақсга тушайлик.
– Мен рақсга тушишни билмайман, – деди хоним.
– Ўргатаман.
– Ўрганишга эса хоҳишим йўқ.
– Юринг бўлмаса, дам оламиз.
– Дам олишни истамайман.
– Келинг энди, кўп таранг қилманг, хоним!
– Таранг эмас, ростини айтдим. Жиддий гап. Сиз билан яхши дўстмиз. Ана шу дўстлигимиз беғубор бўлишига, самимий бўлишига тилакдошман.

Далер бирдан хушёр тортди. “Нима деяпти бу аёл? Нимага ўзини бунча тарозига солади?”

– Мен... Мен сизни яхши кўраман, Мушфиқахоним, – деди у яна ҳирс таъсирига тушиб. – Сизни ўша биринчи марта кўрганимдаёқ севиб қолганман. Илтимос, йўқ деганг. Қаттиқ севаман!

Далер шундай деди-да, хонимни куч билан бағрига босишга ҳаракат қилди. Хаёлидан “э-э, зўрлаб ташлайман ҳозир, кимга бориб арз қиларди” деган шум хаёл ўтди. Хоним бунга сезди.

– Мен эса сизни қаттиқ ҳурмат қиламан. Ана шу ҳурматимни оёқости қилмайсиз, деган умидда сўзингизни икки қилмай, уйингизга келдим, – деди хоним Далернинг кўкрагига тирсагини тираб.

Далер уни қўйиб юбориб, кўзига тикилди.

– Қилган яхшиликларимнинг жавоби шуми? Нима, камайиб қоладими бир мартага?

– Қилган яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман. Бундан ташқари ҳақини ҳозироқ тўлаб кетаман!

– Нима, нима? Сизни пойтахтга олиб келиб, каттакон бир идорага раҳбар қилиб қўйдим. Бунинг ҳақи ҳазилакам бўлмайди, азизим! Мен бўлсам... бир сўм сўраганим йўқ. Бир марта висолингизга эришсам бас! Бир марта. Шу билан расчўт бўламиз...

– Эришмасангиз-чи? Ҳаққини пул билан тўлай қолсам-чи?

– Пулингиз етмайди!

– Қанча бериш керак? Айтаверинг.

Далер пул ҳақида эшитиб, бир зум ҳирс ғалаёнини ҳам унутди. “Қанча сўрасам экан” деб ўйлади.

– Қанча бера оласиз?

– Ўн минг етадими?

Далер миясида чамалади. “Ёмон миқдор эмас. Лекин дарров таслим бўлиш керак эмас...”

– Нима деяпсиз? Ўн мингга ҳозир... Мушук офтобга чиқармиди?

– Ўн бешга розимисиз?

Далер беихтиёр “Рози бўлаверай, инсоф ҳам керак-ку” деб ўйлади. Лекин “ҳа” дейишга бўйни ёр бермади.

– Қўшинг, яна бироз қўшинг!

– Ўн олти!

– Кам!

– Ўн етти!

– Яна озроқ!

– Ўн саккиз!

– Яхлит қилинг, яхлит!

– Йигирма!

– Бўпти, розиман!

Хоним унинг ютоқиб турган кўзларига кулимсираб қаради. Бу киноя ёки заҳарханда эмасди. Бу худди ачи-ниш баробаридаги жилмайиш эди.

Сўнгра хоним сумкасидан икки боғлам пулни чиқариб, стол устига Далернинг тумшуғининг шундоққина қаршисига қўйди.

– Санаб оласизми? Лекин почкаси бузилмаган.

– Бўлди. Ишонаман, – деди Далер пулга ҳарчанд қармасликка уринмасин, кўзлари инон-ихтиёрига бўйсунмай, ўша томонга талпинар эди. Қаради. Яп-янги, тахи бузилмаган. Қурғур, бало аёл-да бу!

– Шу билан қутулмоқчимисиз энди? Мен... ҳазиллашдим-ку. Пул керак эмас!

– Қўйинг энди, Далер Ботирович. Уят бўлади. Агар буям кам десангиз.. Айтинг, яна қанча олиб келай.

– Топа оласизми? – кулиб сўради Далер.

– Топмасам... Қарз кўтарарман. Ишқилиб, сизни рози қилмасам бўлмайди.

– Шу гапингиз гапми?

– Гап!

– Бўпти. Розиман. Пулингиз ҳам керак эмас. Дўст-лигимиз давом этар, деган умиддаман.

– Дўстлигимиз, шубҳасиз давом этади. Лекин пулни олмасангиз, розиман деганингиз ҳисобга ўтмайди. Биламан, сиз ҳам фақат ўзингизга олмайсиз-ку. Унисибунисини рози қилишингиз керак...

Бу Далер учун халоскорона сўзлар эди...

– Тўғри айтасиз. Сизга ўхшаган тўғри тушунадиган одамларнинг бориға шукр. Лекин менга барибир ноқулай сиздан пул олиш... Ўзимда бўлса-ку, бериб юборардим-а...

– Ҳижолат бўлманг. Ўзингиз айтдингиз-ку, мен тўғри тушунаман.

– Бояги эркалигимни ҳам-а?

– Униям. Фақат энди менга рухсат берсангиз.

– Кетасизми? Шошманг. Мен кузатиб қўяман.

– Ҳожати йўқ. Безовта бўлманг.

Хоним жилмайган куйи чиқиб кетди. Бу жилмайишда энди озгина, беозоргина бир киноя бор эди.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Севмаганга суйкалма деганлари ростмикан?

Хоним хориж сафаридан қайтиб келган Нурбекни “бир пиёла чой”га таклиф этиб, яна рад жавобини олгач, илк бор шундай фикрга келди: “Нима қиламан бунчалик ўзимни ерга уриб? Йўлимда не-не йигитлар имога маҳтал бўлиб юрибди-ю, мен бўлсам...”

Хўрлиги келди. Нега эркак зоти бунақа тошбағир-а? Нега аёлнинг қалбини тушунмайди? Мен бу бадбахтнинг ортидан соядай эргашиб юрганимни била туриб, лоақал кўнглим учун яхши муомала қилмайди. Ахир... Ахир мен кўп нарсa талаб этаётганим йўқ-ку. Ҳатто қўлимдан ушламаса ҳам майли. Фақат аҳён-аҳёнда учрашиб, шунчаки суҳбатлашиб ўтирса ҳам қаноат қилар эдим. Менинг унга бўлган муҳаббатим бутунлай бошқача эканини унга қандай тушунтирсам экан. Эй Парвардигорим, бунча азоблайсан? Нега?...

Кеч кирмоқда эди. Ташқарида ҳаво булут. Қорнинг совуғи. Атрофни зулмат қоплаб келмоқда. Хонимнинг дили ҳам қоп-қора. Йиғлагиси келади-ю, йиғлолмайди. Бир тўйиб йиғласа, енгил тортармиди? “Нега келдим мен бу шаҳарга? Нега ўзимга, ўз кучимга бунчалик ишондим? Унинг юраги тош эканини нега вақтида англамадим? Тошюрак! Ўша кунни хотини аразлаб кетганида орқасидан борди-ю, қайтара олмагач, хотиржам қайтиб келиб, тош қотиб ухлади. Зиғирча изтироб чеккани, “энди нима бўлади, хотиним жанжал кўтармасмикан, куйди-чикди бўлмасмикан” деб ташвишлангани ҳам йўқ. Лоақал “айб сизда” деб менга захрини ҳам сочмади. “Шу ерда қолиб ухлайверинг, каравот иккита-ку” эмиш. Сен бўлсанг, бу гапдан уялиб, ҳаяжонланиб, хом хаёллар суриб ўтирибсан-а. У совуққон бир одам экан. Энди билди. У ҳам Далерга ўхшаган мансабпараст, пулпараст бир кимса эмасми?”

Йўқ. Хоним уни хаёлан Далер билан таққослаб кўрди-ю, дарҳол бу фикридан қайтди. Агар Нурбек пулпараст, молпараст бўлганида, ҳув ўша биринчи ташрифи чоғида сездириб кўярди. Хоним ўз хонадонидаги тўқислик, ҳашамат, зебу зийнат Нурбекда айтарли қизиқиш уйғотмаганини ўша заҳоти фаҳмлаган. Нурбекнинг кўзларида, унинг чиройли кўзларида жудаям учқур хаёллар акс этади. Ўзи ерда юради-ю, хаёли самоларда. У ердаги

майда-чуйда турмуш ташвишлари ҳақида мутлақо ўйламайди. Нигоҳи узоқ-узоқларга қадалган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам чиройлидир унинг кўзлари? У кўйида бир аёл телбаларча сарсон бўлиб юрганини, уни жондан ортиқ севишини, бу ёқларга ҳам айнан уни деб келганини сезмайди. Сезса ҳам, бунга етарли эътибор бермайди. Хоним бошдан кечираётган азоб-уқубатни ҳис этса... эҳтимол кўнгли юмшар. Чунки табиатан юраги тоза, раҳмдил одам гарчанд ўзини ўта жиддий ва совуққон тутишга уринса ҳам.

“Сезмаётган бўлса сездир! Муҳаббатингни билдир! Сенсиз менга дунё ҳаром, деб айт! Очиқча гапир! Агар шундан кейин ҳам рўйхушлик бермаса... Оҳ-воҳнинг нафи йўқ”.

“Унақада аёллик ғурури қаёқда қолади? Ўл-е, роса эрсираган экансан-ку, деб устимдан кулмайдими?”

“Йўқ. Кулмайди. У маданиятли, фаросатли йигит. Наридорса, “Хоним, мени кечиринг, севгингизни қабул қила олмайман” дейиши мумкин. Агар шундай деса... Нима илож, тақдирга тан берасан...”

Хоним қалбида мунозара қилаётган икки туйғунинг қай бирига соме бўлишни билмай, бир муддат иккиланди. Сўнгра қатъий бир қарорга келди шекилли, телефон гўшагини қўлга олди. Шошилмасдан рақам терди. Икки-уч чўзиқ гудокдан сўнг, таниш овоз янгради.

– Эшитаман!

– Бу менман. Кечиринг, яна безовта қилдим. Хуллас, бугун сизни кўрмасам бўлмайди. Жудаям муҳим гапим бор.

– Ишдан кеч чиқаман, дедим-ку... Бугун катта бир мажлис тафсилотларини босяпмиз. Иш ярим кечагача чўзилади...

– Қачон тугасаям майли. Мен... кутиб ўтираман.

– Наҳотки шунчалик...

– Ҳа, “шунчалик!” Ҳаёт-мамот масаласи.

– Йўғ-е, ростданми? Унда... Манзил жойингизни айтинг, – деди Нурбек энсаси қотгандек.

– Айтгандим-ку боя, ёзиб қўймаганмидингиз?

– Ёзиб қўймабман...

– Сизни қаранг-у, дўст ҳам... шундай бўладими?

– Қандай? – деб сўради Нурбек ҳазил оҳангида.

– Бепарво. Лоқайд. Бе...

– “Бевафо!” – деди Нурбек ва кулиб юборди.

– Сиз куласиз-да... Мен бўлсам йиғлаб ўтирибман.

– Йиғламанг. Мен кўз ёшингизга арзимаيمان.

– Келасизми?

– Бораман. Албатта бораман. Фақат йиғламанг. Хўпми?

– Хўп. Эрталабгача бўлса ҳам кутиб ўтираман.

– Сизни маҳтал қилмасликка уриниб кўраман. Ишни тезроқ тугатишга ҳаракат қиламан.

Хонимнинг юрагида яна умид учқунланди. Бу учқун тонггача шуълаланди-ю, уфқ қизара бошлаганда сўнди. Нурбек келмади. Хоним “иши кечиккандир” деб ўйлади. “Атай келмади” деди. “Ёлғончи, ўзи айтганидай, бевафо экан” деди. Ҳафсаласи пир бўлди. Уйқусизликдан боши зилдай. Кўзлари толғин. Ўзини мажбурлаб, ювинди. “Ишга бирров бориб келиш керак”. Кийинди. Чой ҳам ичмади. Эшигини очиб, ташқарига чиқар экан, зинадан кўтарилаётган Нурбекка кўзи тушди. Юраги ўйнаб кетди. Кўзи ёнди.

– Келдингизми? – деди нафаси бўғзига тиқилиб.

– Келдим. Эрталабгача бўлса ҳам кутаман, деганингиз учун... Ишни тугатиб, тўғри келавердим. Аммо-лекин ишимиз роса чўзилди.

– Вой... шунақаи? Ишдамингиз? Мен бўлсам келмадингиз деб ўйлаб... Бир оғиз қўнғироқ қилмабсиз-да.

– Ухлаётгандирсиз деб, безовта қилгим келмади. Бораман дегандим-ку. Мана келдим. Ҳойнаҳой, бемаврид кеп қолдим. Ишга кетаётганмидингиз?

– Йўқ, йўқ! Қани, ичкарига киринг. Ишга бормаيمان бугун. Қани киринг. Ҳозир чой ичамиз.

Ичкарига киришди.

– Узр, мен бир юз-қўлимни ювиб олсам...

– Марҳамат, ҳаммомга кириг. Бир йўла ванна қилиб ола қолинг. Чарчоғингиз чиқади. Мен ҳозир сочиқ ва халат бераман.

– Майли, – деди Нурбек ва ўн дақиқалардан сўнг, хоним берган юмшоқ туркча халатни кийиб, ҳаммомдан чиқди. Хонимнинг қистови билан халатни ечмай, чой ичгани ўтирди. Хоним қаҳва билан қуймоқ қўйди олди-га.

– Худди менга атаб олинганга ўхшайди, Лоппа-лойик келди, – деди Нурбек кулимсираб. – Ҳойнаҳой, эрингизники бўлса керак.

– Йўқ. Бу эримники эмас. Буни чиндан ҳам сизга атаб олганман...

– Ростданми? – сўради Нурбек жиддий тортиб, хонимнинг кўзларига тикилди. – Демак... Сиз олдиндан ҳаммасини режалаштирган экансиз-да?

– Режа эмас, бу бир ният бўлган. Чойни ичинг-э, мулла ака!

– Агар мен келмасам, бошқа одам киярди-да бу халатни? Шунақами?

– Йўқ. Ҳеч ким, ҳеч қачон кия олмас эди. Агар... Сиз келмасангиз, умуман, сиздан бошқа бирор бир эркак ҳеч қачон қадам қўя олмайди бу уйга.

– Қаранг-а, – деди ҳазиломуз хайратга тушиб Нурбек. – Нима учун менга бунчалик беқиёс иззат-икром?

– Билмайсизми нима учунлигини? Сезмадингизми?

– Йўқ, – деди Нурбек кўзлари кулиб.

Хоним ерга қаради. Бир зум ўйланди.

– Мен сизни... Жудаям сезгир, фаҳми ўткир йигит деб ўйлайман. Агар шунга қарамасдан, менинг аёллик ғуруримни, уят-одобни бир чеккага қўйиб, очиқ-ошкора тан олиб, айтишга мажбур этмоқчи бўлсангиз, айтаман. Чунки сизни яхши кўраман. Биламан, сиз устимдан ку-

лишингиз, паст кетди, енгилтак аёл экан, деб ўйлашингиз ҳам мумкин...

– Йўқ-йўқ! Мушфиқахоним, кўнглингизга ёмон фикр келмасин! Мен ҳаммасини тўғри тушунаман. Мен шунчаки... “Қани, ҳар жиҳатдан мукаммал ва тўқис аёл ўз туйғусини очиқ айтишга ўзида куч топа олармикин” деб ўйлагандим. Сиз паст кетганингиз йўқ. Сиз мен ўйлагандан кўра ҳам олижаноб аёл экансиз. Сиз муҳаббатни кўпчилик аёлларга қараганда бошқачароқ тушунар экансиз...

– Қанақа тушунар эканман? – деб сўради хоним кўзларини ердан узиб Нурбекнинг кўзларига қаради. Йигитнинг кўзлари энди кулмас, уларда энди самимий ва хайрихоҳ бир ҳайрат акс этиб турарди.

– Мушфиқахон, албатта тўғри тушунинг. Мен... дастлабки мулоқотларимиз чоғидаёқ менга нисбатан қизиқшингиз, бир қадар мойиллигингиз борлигини англаганман. Лекин бу чиндан ҳам фақат қизиқиш, фақат... вақтинчалик мойиллик деб ўйлаганман. Баъзан шунақа бўлади. Танишган одамнинг қанақадир бир қилиғими, сўзими ёқиб қолади. Кейин бу ўтиб кетади...

– Ўзим ҳам бошда шунақа деб ўйлаганман. Кейинроқ эса сиз айтарли эътибор бермаганингиз туфайли ўша қизиқиш кучайиб борди. Ўшанда ҳам тан олганим йўқ. “Эътибор бермагани, менсимагани учун ориятим кўзгалапти, уни ўзимга қизиқтириш, қаратиб олиш истаги пайдо бўляпти” деб ўйладим.

– Ўша истақ ҳосиласи эмасмикин, сиз муҳаббат деб атаётган туйғу? – яна кулимсираб сўради Нурбек. Шунда хонимнинг ногаҳон жаҳли чиқиб кетди. Йигитнинг илжайиб турган башарасига шапалоқ тортиб юборгиси ва кейин унинг бошини кўксига босиб йиғлаб юборгиси, сўнгра сочларидан, қулоқларидан тортқилаб “нега тушунмайсиз, нега тушунмайсиз, қанақа тошюрақ одамсиз” деб чинқиргиси келди. Эҳтимол, бундан беш-ол-

ти йил илгари бўлганида, чиндан ҳам шундай қилган бўларди. Ҳозир эса ўзини босишга куч топа олди.

– Агар сиз ҳалиям шундай деб ўйлаётган бўлсангиз, майли ўйлай қолинг. Умуман четдан қараган одам мени телба бўлиб қопти, дей ўйлаши ҳам мумкин. Ҳеч бир замонда аёл киши ўзини бу қадар ерга уриб, севгисини биринчи бўлиб изҳор этиб, яна бунинг... қанақадир ёввойи истакнинг ҳосиласи деган гапга чидаб ўтирмаган бўларди. Майли... Қаҳвангизни ичинг, қуймоқни енг, совиб қолди.

– Раҳмат Мушфиқахон. Узр, агар кўнглингизни оғритган бўлсам. Юрагингиздаги туйғу ҳақиқий муҳаббат бўлса, бу жудаям катта бахт. Одамнинг чинакам бахти унинг юрагида муҳаббат пайдо бўлган кундан бошланади. Севгувчи одам ҳаётга, одамларга ҳам меҳр билан қарайди. У ёвузликдан, макр ва қабоҳатдан йироқ бўлади. Ҳаммага яхшилик қилгиси келади. Севгини изҳор қилиш эса – бунинг нима айби бор? Масалан, менинг онам ҳам отамга биринчи бўлиб мактуб ёзган экан мактабда ўқиб юрган чоғлари. Ўшанда отам армияда хизматда бўлган. Онамнинг мактубини олиб, хурсандликдан уч кун ухлай олмаган. Кейин “мен ҳам сени севаман” деб жавоб ёзган...

– Сиз-чи. Сиз жавоб ёзасизми?

Хонаси келиб қолгани учунми ё мушук-сичқон ўйинини давом эттиришга тоқати етмадими, ҳар қалай хоним масалани ана шу тарзда, ғоят кескин қилиб қўйди. “Нима бўлса бўлар, нима деса десин” деди. Зеро, ўзи кеча тун бўйи шу ҳақда ўйлаган, тайёргарлик кўрган, “бир ёқлик қилмасам бўлмайди” деган қарорга келганди-ку ахир.

Афтидан, Нурбек бу саволни анчадан бери кутиб, унга тайёргарлик кўриб ўтирган эди. Шу боис кўп куттирмади. Куттирмади-ю, бироқ дарҳол тайинли жавоб ҳам қайтармади.

– Сиз муҳлат берасизми? – деб сўради. Саволга савол билан берилган бу жавоб замирида умид қилишга асос

йўқдек эди. “Шунчаки йўқ деб очик айтишга истиҳола қилди” деб ўйлади хоним. Ва юзини тескари буриб, йиғлаб юборди. Нурбек ўнғайсизланди, саросимага тушди. Нима қилаётганини ўзи ҳам сезмаган ҳолда стол оша кўлини узатиб, хонимнинг оппоқ, момик қўлларини ушлади. Хонимга қандай тасалли беришни, нима деб юпатишни билмас, айти пайтда уни шу аҳволда қолдириб бўлмаслигини ҳам тушунарди.

– Мушфиқа... Мушфиқ... Хафа бўлманг, илтимос. Мен... Мен ноўрин гапирдим шекилли? Тўғриси, ҳазиллашмоқчи эдим. Кўполроқ чиқдими? Сиз... Сиз жудаям бебаҳо аёлсиз. Мен... сиздақа жўмард аёлни умримда биринчи марта учратиб турибман. Сиз... Менга жудаям ёқасиз. Биринчи куни, биринчи марта учрашган, суҳбатлашган чоғимиздаёқ ёққансиз. Фақат... фақат биласиз-ку, оилам бор. Шунинг учун... Сизга дабдурустдан ёлғон гапиришни, кўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдириб, мақсадимга эришишни хоҳламагандим...

Нурбек шу гапларни айтиш баробарида хонимнинг бир-бирига жуфтланган қўлларини оҳиста силади. Табиатан кафти иссиқ бўлгани, бунинг устига азбаройи ҳаяжонлангани учун кўли мисдай қизиб, хонимнинг қўлларидаги майин титроқ таъсирида янада кучланиб, вужудига қайтар, шу боис аъзойи бадани олов бўлиб ёнаётганини ҳис қилди. Шу ҳолатда, яъни хонимнинг кўлини кўйиб юбормасдан ўрнидан туриб, унинг ёнига келди. Бу пайтда хонимнинг ҳолати Нурбекникидан ўн, балки юз чандон ҳаяжонли эди. У юзини буриб, алам билан йиғлаб юборган чоғида ногаҳон қўлларида Нурбекнинг қўллари ҳароратини сезиб, ўзини бениҳоя тубсиз жарликка учиб кетаётган чоғида мана шу халоскор қўл тутиб, асраб қолгандек ҳис қилди. Бунинг устига бу қўл шу қадар ҳароратли, шу қадар меҳрли эдики, хоним гўё хушдан кетгандек бўлди. Боши айланди. Бу айланиш ёқимли, ҳузурли айланиш эди. Бу маст қилув-

чи, масрур этувчи айланиш эди. Хонимнинг қўлларини эркак зоти кўп ушлаган. Эрлари ҳиссиёт билан ошкора ушлаб, ўзига тортган. Яна бошқа қанча эркаклар, гарчанд таомилга кўра саломлашиш чоғида аёл киши агар хоҳласа қўл узатиш лозимлигини билсалар-да, атай қўл чўзишиб, кафтларини маънодор қилиб қисишган, имкон қадар узоқроқ ушлаб туришга ҳаракат қилишган. Ана шу ушлашларнинг бирортасидан хоним ўз вужудида бирор бир ҳиссиёт, сезги, ҳатто жунжикиш ҳис этмаган. Зеро, у пайтлар эркак зотини онгли мавжудотнинг оддий айғири деб ҳисоблаган. Бинобарин, у гоҳида мутлақо ёқтирмаган, ҳатто ижирғанган одамига қўл ушлатишга тўғри келган бўлса-да, ўзини ҳиссиз тутолган. Энди эса... Энди у эркак зотига, аниқроғи қаршисида турган мана шу одамга мутлақо бошқача муносабат билан қарайди. Энди у ўзини, қолаверса, ҳар қандай аёлни фақат севган эркаки бахтли қилажагига имон келтирган. Тўғрироғи, у аёл чинакам бахт нималини англаши, ҳаётнинг, тирикликнинг мазмун-моҳиятини тушуниши учун севиб кўрмоғи зарур эканлигига юрак-юрагидан ишонч ҳосил қилди. Кўп аёллар севги нималигини билмайди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди. “Қўшгани билан қўша қариб, умргузаронлик қилиб, ўтиб кетаверади. Бу ҳам яхши. Бунда ҳам сокин бир сурур бор. Бироқ, Парвардигор юрагингга ишқ ўтини солса, кимнидир қаттиқ сева олсанг, бу одам учун керак бўлса, жонингни ҳам беришга тайёр бўлсанг, унинг ҳар бир сўзи, наинки сўзи, ҳар бир қараши, нафасининг енгил эпкини ҳам қалбингга чексиз ҳаловат, беқиёс масрурлик бағишлар экан”. Шу боис...

Шу боис хоним Нурбекнинг қўлидан келаётган ҳарорат бутун вужуди бўйлаб ёйилиб бораётганини ҳис этар экан, “Энди юрагим ёрилиб, ўлиб қолмасам эди” деган хавотир баробарида сархуш бўлиб борарди.

Йўқ, юраги ёрилмади. Нурбек қўлларини қўйиб юбормаган қўйи қаршисига келганини, иккинчи қўлини ел-

касига қўйиб: “Қўйинг, йиғламанг, қани, менга бир қаранг-чи” деганида ҳам ёрилмади юраги. Фақат... фақат Нурбекнинг иккинчи қўли елкасини оҳиста силай бошлагач, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Айни пайтда у ҳамон бошини буриб, ён томонга қараб турар, аразлаган қизалоқ сингари “ярашайми, йўкми” дегандек йигит томон ўгирилишга иккиланар эди. Шунда Нурбек унинг қўлларини қўйиб юбориб, иккинчи қўли билан секингина ёноғини силади ва авайлаб ўзига қаратди. Бўйлари қарийб тенг эди. Шу боис юзи юзига, кўзи кўзига бақамти келди. Юзлари бир-бирига шу қадар яқин эдики, нафаслари бир-бирига урилди. Нурбекнинг нафасидан ҳозиргина ичилган “Моккони” қаҳвасининг хушбўй ҳиди келди, хоним миясининг қаери биландир “намунча хушбўй бўлмаса бу “Моккони” қаҳваси, одамни маст қилади-я” деб ўйлади ва кўзларини юмди.

Нурбек эса хонимнинг ёноғини силаган ўнг қўлини унинг белига туширди. “Нима қиялпман? Ахир бу ишим нотўғри-ку!” дея бир лаҳза иккиланди. Аммо хонимнинг титроқ елкасида ва нақадар нафис, ингичка нозик белида турган қўллари унинг измига бўйсунмади. Юраги, кўзлари, қулоқлари, лаблари, хуллас вужуди ақлига, миясига қарши исён кўтарди. Хонимни ўзига тортиб, бағрига босди. Лағча чўғга айланган лаблари хонимнинг асал ва қаҳва юқи туфайли ширин ҳамда алланечук хушбўй лабларини қидириб топди...

Энди Нурбекни тўхтатиб бўлмасди. Энди унинг оғир карвон вужудидаги ҳислар ғалаёни шу қадар кучайган эдики, нима қилаётганини ўзи ҳам билмас, хонимни қучиб-ўпиш баробарида укувсизлик билан хобхона сари судрарди.

Хоним боя Нурбек ваннадалик пайтда кийимларини алмаштирган, эгнида ички кийимлар устидан кийилган юпқа ва енгил шоҳи хитойча халат бор эди. Шу боис у Нурбекнинг қўлларини, вужудининг бошқа аъзоларини

Ўз танасида жудаям нозик ҳис этиб турар, ҳис этгани сари роҳатланиб энтикар, нафас олиши тезлашиб борар, ўзини унутиш даражасига етгани боис йигитнинг ёввойи истагига сомелик билан унинг бағрида хобхона сари бормоқда эди. Хобхонага кираверишда улкан тошойна қўйилган. Деразага зангор тусли “Элита стил” пардаси осилган. Кенг-мўл каравотнинг устида янги русм бўлган қанақадир нафис матодан чойшаб ёпилган. Нурбек хонимни каравот ёнига олиб келиб, яна қучоқлаб ўпди. Хоним гарчанд сархуш бўлмасин, тошойнада ўз аксини... ўз кўзларини кўрди. Кундуз, бунинг устига хобхона деразаси кунгай томонда бўлгани учун ҳарир парда ортидан қуёш мўралаб турарди. Хона ёруғ, Нурбекнинг эғнидаги халатнинг белбоғи тушиб кетган. Унинг қўллари хонимнинг халат тугмаларини бирма-бир еча бошлаган...

– Бир пас шошманг, илтимос, – деди хоним халатининг ёқасини ёпишга уриниб. – Ношаръий иш қилмайлик. Гуноҳ бўлади... Никоҳ ўқитиш керак...

Нурбек хонимнинг белини қўйиб юбормай сўради:

– Шу топда муллани қаёқдан топамиз? Сиз замонавий аёлсиз-ку.

– Лоақал ўзингиз бир нарса денг, никоҳимга оламан, деб айтинг.

– Шунақаси ҳам бўладими? Ваъда бериб, кейин қочиб кетишимдан қўрқмайсизми? Гувоҳсиз гапга ишонасизми?

– У ёғи бир гап бўлар.

– Майли бўлмаса, шу дақиқадан бошлаб никоҳимдасиз...

– Кейин муллани чақириб, қубба ўқитасизми?

– Ўқитамиз...

Шундан сўнг хоним кўнгли тинчланиб, ўзини бутунлай йигит ихтиёрига топширди. Кейинроқ, орадан кунлар, ойлар ўтгач, Нурбек хонимнинг мана шу нозик лаҳзаларда ҳам ўзига хос топқирлик қилганини, ҳисси-

ётини жиловлай олгани, ақл-идрок билан иш тутганини эслаб, гоҳ кулиб, гоҳ аччиқланиб юради. Кулган кезлари “қойил, барибир ҳуқуқшунослигингизни билдирдингиз, висол онларини ҳам қонунга тўғриладингиз” деса, аччиқланган пайтлари “Сизда ҳеч қандай муҳаббат бўлган эмас, сизда совуқ ва қуруқ ҳисоб-китоб бўлган холос” деб гина қилади.

Орадан кунлар, ойлар ўтгач, Нурбек ўзининг ўша дамлардаги ҳолатини ёғижиниш, ижирғаниш билан эслайди. Ўз жуфти ҳалоли, севиб олган хотини билан тўшакда ўтказган дамлари билан беихтиёр солиштиради. “Нега мен ўшанда бамисоли бир ҳайвонга ўхшаб қолдим?” дея ўзига савол беради. Ўқиган қанча-қанча китобларини эсига туширади, уларда тасвирланган висол саҳналарини кўз олдига келтириб кўради. Д.Лоуренс деган инглиз адиби “Чаттерлей хонимнинг хуштори” асарида зинони, яъни уйда майиб бўлиб ётган эрига хиёнат қилган аёлнинг хатти-ҳаракатини, руҳий кечинмаларини “муҳаббат” дея талқин этган. Ўрмонда ўрмончи йигитни яланғоч ҳолда кўрган аёл телба ҳолга тушади. Нима қилиб бўлмасин, унинг васлига эришиш ҳақида хаёл суради. Эришгач, ўзини бахтли ҳисоблайди. Бунини муҳаббат деб ўйлайди. Мана шуларнинг ҳаммасини муаллиф гўзаллик ва нафосат деб тушунтиришга уринади. Чиндан ҳам қони миясига уриб юрган бўйдоқ йигитлар ёки дунёга фақат аёлнинг оёқлари ораси орқали қарайдиган, умри давомида ейиш, ичиш ва ётишдан бошқа нарса ҳақида ўйламайдиган эркаклар учун бу хил китоблар ёстиғининг остига қўйиб ётишга арзигулик даражада қадрли. Лекин Нурбек нега мен ҳам шунақа аҳволга тушдим, дея аянчли бир тарзда ҳайратланарди. Ахир...

Ахир, у муҳаббат нималигини биларди-ку. Хотинини севиб олган-ку. У билан илк бор кинога тушганида, илк бор қўлларини ушлаганида, биринчи марта кучоқлаб ўнганида қанчалар ҳаяжон ва ҳузур ҳис этган. Никоҳнинг

биринчи оқшоми-чи? Нечоғлик баланд ҳарорат ва гўзал-лик бор эди ўша кечада! Хоним билан қовушган оқшом эса унинг учун уят, пушаймон, ижирғанишдан бошқа бирон-бир эслайдиган ҳолат қолмади-ку ундан. Ё хоним “никоҳсиз бўлмасин” деб унинг шаштини бир қадар су-сайтиргани учун шундай бўлдим? Ана шуниси эҳти-молга яқинроқ. Хонимнинг энг нозик паллада ҳам му-носабатларни қонунийлаштиришни ёддан чиқармагани Нурбекнинг у ҳақда кейинги пайтларда ҳосил бўлган тасаввурини парчалаб юборган, “демак, хонимни куйди-риб-ёндираётган туйғу муҳаббат эмас, шунчаки ҳою-ҳа-вас, эғалик иштиёқи” деб ўйлашга мажбур этганди. Юз берган воқеадан ижирғаниш боиси ҳам айнан шу эди. Зеро, хонимнинг “шошманг, қачон никоҳ ўқитасиз” де-ган гапи Нурбекка фоҳиша аёлнинг лозимини ечиб, сўн-ра “олдин пулини тўланг” деган савдосига ўхшаб туюл-ган эди. Ҳолбуки, Нурбек хонимникига ташриф буюрар экан, ҳирсини қондириш ҳақида мутлақо ўйламаган, уни ундаган, ҳаракатлантирган туйғу хонимнинг унга чек-сиз қатъият ва сабр-тоқат билан яқинлашиб келаётган-ини сезиш асносида “мен ҳам у томон лоақал биргина қадам ташлайин ахир... эркакман-ку, аёл кишини шун-чалик ҳам ҳўрлаш мумкинми” деган хайрихоҳлик эди, холос. Гарчанд Нурбек “Мушфиқахон, мен сизни севмай-ман, оиламга хиёнат қила олмайман, мени тинч қўйинг” деган гапни айтишга неча бор шайланди. Айтолмади. Аёлни, ожиза кишини тупроққа қориб ташлагиси кел-мади. Бу – фақат раҳм-шафқат эди холос. “Ўзи тушунар, саъй-ҳаракатлари беҳуда эканини охир-оқибат англаб олар” деб ўйларди у. Яна бир тарафи, меҳрибон ва муш-фиқ, оғир дамларингда ҳолингдан хабар ола биладиган, мадад, суянч бўладиган мана шундай бир инсонни хафа қилиб, кўкрагидан итариб юборгиси келмасди. Касал пайти қилган меҳрибончилигини сира унутолмасди. “Самимий, беғараз дўст бўлишимиз мумкин-ку” деб ўй-

ларди Нурбек мудом. Инсонга дўст кераклигини у яхши биларди. Эркаклардан дўсти йўқ ҳисоби эди унинг. Ким биландир дўстлаша бошларди-ю, тезда ҳафсаласи пир бўлиб, узоқлашарди. Далер Ботиров билан таҳририятда бирга ишлаш баробарида дўстлашишган. Бироқ вақт ўтиши билан Нурбек улар табиатан бир-бирларига тўғри келмасликларини англади. Ўзини тортди. Гарчанд Ботиров уни ҳамон “дўстим” деб атар, кўришиб қолган чоғларида “Нимага кирмайсиз, муаммоларингизни айтмайсиз?” деб баланддан келиб, иддао қилар, Нурбекка эса айнан ана шу баланддан келиши ёқмас, “ҳеч қанақа муаммо йўқ” деб ундан тезроқ қутилишга уринарди. Охирги марта матбуот конференциясида кўришганларида Далер уни четга тортиб, “Яқинда газеталардан бирининг бош муҳаррирлиги бўшайди, сизни тавсия этмоқчиман, нима дейсиз?” деб сўради. Нурбек индамай, елкасини қисиб қўйди. Ҳаям, йўғам демади. Бу гапнинг ёлғон эканини биларди. Пойтахтга ишга келгач, таҳририятда бирга ишловчи Аҳмад Турғунов деган йигит билан дўстлашиб қолди. Кўп ўтмай Аҳмад раҳбарият билан чиқишмай ишдан бўшаб кетди ва “Аҳмад Тез” тахаллуси билан хорижий радиолардан бирида ишлай бошлади. Энди у билан дўст бўлиш хавfli эди. Шу боис Нурбек ундан ҳам ўзини тортиброқ юрибди. Хуллас, мусофир шаҳарда дўсту улфатсиз, танҳоликда умр кечираётган бир пайтида хонимнинг ёнгинасида пайдо бўлиши ва меҳрибонлик кўрсатиши Нурбекнинг дардига малҳамдек таъсир этган, бунинг устига учрашув чоғидаги “севаман” деган иқрорини эшитгач, “ҳамонки шу қадар кўнгил қўйибди, нега энди мен унинг кўкрагидан итаришим керак” деб ўйлаган эди. Эҳтимол, у ҳам ёлғизликдан қийналган, шу боис мен билан яқинлашишга интилаётир” дерди у ўзига ўзи...

Ҳозир, яъни хонимнинг кучоғида ётиш асносида у булар ҳақида ўйламасди, албатта. Аксинча, висолнинг лаз-

затли дамларини мумкин қадар чўзиш учун ўзини минг хил кўйга соларди. Орадан муайян муддат ўтиб, у ҳолдан тойиб, анча пайт мудраб қолди ва хонимнинг:

– Туринг, тушлик қиламиз, – дея шивирлаганини эшитмади.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Далер Ботировнинг парламентдаги обрўси тобора ошиб борар, бунга унинг сўзамоллиги, зарур пайтда зарур жойда ҳозир бўлиши қўл келмоқда эди. Гарчанд ҳали у бирорта кўмитага раҳбар бўлиб сайланмаган эса-да, ўзини кўмита бошлиқларидан баланд тутар, амалда раисдан кейинги одамдек ҳис этарди. Буни бошқалар ҳам яққолроқ ҳис этиши учун суҳбатларда нукул: “тунов куни раис билан фалон масала бўйича учрашганимизда, у ундоқ деди”, “кеча раис чақириб, анови ишни мана бунақа қиламиз, деб айтди” дея гапирар, бу гапларнинг ҳақиқатга нечоғлик яқинлигини ҳеч ким билмас, чунки бирон киши раисдан “чиндан ҳам шунақа бўлувдими” деб сўрашга жазм этолмасди. Раис депутатларнинг ҳаммаси билан бир хил тенг муомалада бўлар, шу боис унинг ким билан яқинлигини, улфатчилик қилиш-қилмаслигини билиш мушкул эди. Буни Далер билар, айрим ўзига яқин, бекорчиликдан нима иш қилишни билмай юрадиган, маҳмаданароқ ҳамкасбларига гап орасида “шу раисимиз ҳеч раисга ўхшамайди-да, на бир салобат солиб, дўқ-пўписа қилишни билади, на бир меҳр-мурувват кўрсатишни, ўзи... шу одам жойига унчалик ҳам муносиб эмас-ов” қабилида ўсмоқчилаб гап ташлаб қўярди. Шунақа суҳбатлардан бири чоғида спортчидан чиққан, тўпори ва ҳовлиқмароқ бир йигит: “Унақа бўлса, нима қиламиз бу одамни раис қилиб, бўшатиш керак, вассалом” деб юборди. “Бу осон эмас-да, уни юқори қўл-

лаб-қувватлайди” деди илгари партиядан ўчиб, кейин тикланган қонуншунос бошқа бирови. Далер: “Юқори қўлагани билан... уни биз сайлаганмиз-ку, демак биз ишончсизлик билдириш ва ўрнига бошқа одамни сайлаш ҳуқуқига ҳам эгамиз-да” деди. “Унда, давай йиқитамиз” деди спортчи. “Ҳай-ҳай, аввал унинг ўрнига кимни қўйишни аниқлаш лозим” деди Далер овозини пасайтириб. “Сиз-да” деди спортчи. “Ҳа, сиз ундан минг марта яхши бошқарасиз-ку” деб маъқуллади қонуншунос. “Аммо-лекин сиз раис бўлсангиз, бизлар ҳам четда қолмасдик” деди у янаям дадиллашиб. “Мен раис бўлсам, сиз ўринбосар бўласиз-да” деди Далер. Кейин спортчига ўғирилди: “Сизни спорт вазири қиламиз!” “Йўқ, мен спорт вазирлигига рози эмасман” деди у. “Нега?” сўради Далер. “Менга ички ишлар вазирлигини берасиз, бир-иккитасига кўрсатиб қўйишим керак”. “Майли, ички ишлар бўлса, ички ишлар-да” деди Далер. Сўнгра уларни огоҳлантирди: “Бу гап ҳозирча орамизда қолсин, акс ҳолда ҳаммамизнинг бошимиз кетади”.

Уйга келгач, кечқурун ўйлади: шу ҳақда гап очиб, тўғри қилдимми? Яна хатога йўл қўйиб, абгор бўлиб кетмайманми? Тинчгина юрсам бўлмайдими? Вақти келса, насиб этган бўлса, раисликка ҳам сайланарман. Бунинг учун ҳозирги раисни ағдариш шартми? “Шарт-шарт” дерди унинг ичидан чиқаётган овоз. “Нега?” “Шунинг учунки, ҳозир омадинг келиб турибди. Нима ишга қўл урсанг, ўнгидан келади. Темирни қизиғида босиш керак. Эртага нима бўлади, нима қўяди, номаълум. Яна қайтиб депутатликка сайлана оласанми йўқми, ким билади? Ҳозир таваккал қилиш керак. Ё остидан, ё устидан!” “Енгилсам, фитна фош бўлса-чи?” “Фош бўлса, нари борса, депутатликдан айриласан. Лекин бу орада машҳур бўлиб улгурасан. Ўзингни ҳақиқат, адолат учун курашчи қилиб кўрсатиб, дунёга таниласан. Дунёга танилган одам барибир кўчада қолмайди”.

Парламентдаги бир-икки мухолиф партиялар, асосан эски партияларнинг қувғинди аъзолари ҳамма нарсадан жанжал изловчи бақироқлардан иборат бўлгани учун Далер улардан ўзини тортиброқ юрарди. “Ё шуларни бирлаштириб, раҳбарлик қилсаммикан?” деб ўйлади. “Аввал коммунист бўлгансан-ку, энди демократга айландингми?” дея масхара қилишади” деб кўрқди. Ҳолбуки, ўшаларнинг ҳам аксарияти илгари “иштирокиюнчи” бўлган. Катта-катта мансабларда ишлаган. Лавозимидан ажралгач, “демократман” дея кўксига уриб юрибди. Бир гал раис “Нега мансабидан ажралган одам дарров мухолиф бўлиб қолади” деб ёзғирганида, ўшалардан бири: “Сиёсий фаолиятнинг асл мазмуни ўзи шундан иборат-ку” дея баҳслашган эди. Мухолифлар орасида шоиру олимлар ҳам бор. Лекин Далер уларни ҳазм қилолмасди. Чунки шоир “ақллиман, талантлиман” деса, олим “билимлиман” деб энсангни қотиради. “Мана бизда талант ҳам, ақл ва билим ҳам етарли, лекин жимгина юрибмиз-ку” деб қўяди Далер уларга жавобан орқаваротдан. Бироқ, ҳеч қайсиси билан очиқ-ошкора мунозарага бормайди. Ҳаммаси билан салом-аликни куюқ қилади. “Ҳар кимда ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқи бор” дейди у ялпи суҳбатларда. Аммо бу фикрини минбардан айтмайди. Минбардан у ҳаммага бирдек маъқул тушадиган, ҳеч ким инкор эта олмайдиган фикр билдиришга уринади.

“Мен нима деяпман ўзи?” деб ўйлади у яна. “Қанақа, фитна? Бунинг номи фитна эмас-ку. Шунчаки, парламент ичкарасидаги кураш, мунозара, тортишув. Ҳар қанақа парламентга хос одатий ҳодиса-ку бу. Нимадан кўрқаман? Жа бўлмай қолса... “Мени мажбур этишувди” деб қутилиб кетолмайманми? “Ким мажбур қилувди?” дейишса-чи? Ана шунга одам топиш керак. Илгари ва-зир ёки ундан ҳам каттароқ ишда ишлаган, ҳозир оддий депутатликка қаноат қилолмай юрган бир-икки “со-

биқ”лар бор. Ўшаларни қўйнига қўл солиб, айлантириб кўриш керак. Ҳойнаҳой, ўзлари ҳам бир балоларни ўйлаб, эҳтимол, ҳаттоки ташкил қилиб юришгандир...”

Шу тариқа Далер Ботировнинг фикри бузилди. Ажабки, унинг фикри айни вақтида бузилган экан. Тасодифми, қонуниятми, худди у ўйлаганидай, бир-икки гуруҳ депутатлар навбатдаги олтинчи мажлисда раисни алмаштириш масаласини кўтариб чиқишга ҳозирлик кўришаётган экан. “Спортчи” Далер билан бўлган суҳбат тафсилотини уларга етказган шекилли, зудлик билан “у тарафдан” вакил келди. Хуфя суҳбат анҳор бўйидаги куюқ дарахтзор бағрида кечди. Вакил ўша – собиқ катта амалдорлардан бири эди.

– Ука, мен сизга анчадан бери разм солиб юрибман, – деди у гапларини салмоқлаб. – Жудаям одил, ҳақиқат-парвар йигит экансиз. Матбуотдаги чиқишларингизда бу яққол сезилиб турибди. Энди асосий масалага ўта-диган бўлсак, парламентимиз юқорисидаги тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклашда ҳам сизга ўхшаган жасур, фидойи йигитларнинг жасорати талаб этилади...

Далернинг бу гапдан энсаси қотди: “Мени қурол қилиб, хужумга ўтмоқчи бўляпти бу қари тулки” деб ўйлади. Агар фитна фош бўлиб, мағлубиятга учрайдиган бўлишса, “қурол”ни қурбон қилиб, ўзларини четга олиб, сувдан қуруқ чиқишмоқчи. Зап лақма одамни топдик, деб ўйлашяпти. Чучварани хом санашган...”

– Сиёсий курашда жипслик бўлмаса, ғалаба қозониш мумкин эмас, – деди Далер илгари қайдадир ўқиган жумласини хотирага келтириб. – биз олдин жипслашмоғимиз зарур.

– Албатта, албатта, – деди вакил.

– Бунинг учун аввало бир йиғилиб, кураш дастурини, унга раҳбарлик қиладиган шахсларни аниқлаштириб олиш зарур. Кейин ғалабадан сўнг, ўлжалар қандай тақсимланади. Буям муҳим.

– Ҳаммаси белгиланган, – деди вакил. – Сизга янги раиснинг ўринбосарларидан бири лавозими таклиф этилмоқда.

“Ўҳ-хў, ҳаммасини ўзларича ҳал қилиб қўйишибди-ку, бу ғаламис фитнакорлар” деб ўйлади Далер ва шу заҳоти миясига “буларнинг қилиб юрган ишлари ҳақида шу бугуноқ раисга кириб айтсам-чи” деган фикр келди. Эвазига нимага эришиш мумкинлиги ҳақида ўйлади. “Раис бунақа қимматли маълумотни етарли даражада баҳолармикан? Бундан ташқари булар... барибир ҳам ғолиб чиқишса сотганини сезиб қолишмасмикан? Шошмаслик, ҳаяжонмаслик керак. Энди бундан буён соддалик қилиш ярамайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ютқазмайдиган қилиб ўйнаш керак. Шундай иш тутиш лозимки, у томон ютса ҳам, бу томон енгса ҳам сен ўлжасиз қолмаслигинг керак...”

Далер болалик чоғида кўрган ғалати бир ўйинни эслади. Номи “уриб қочар” эди адашмаса. Жами ўйинчилар сони тоқ бўлган тақдирда, улар икки жамоага бўлинган пайтда ортиб қолган ўйинчи заҳирада турар ва қайси жамоа коптокни урса, ўша жамоага қўшилар, охир-оқибатда ғалаба қозонган жамоа сафида қолар, бу ўйинчининг номи “ким урса ўшандан” деб айтиларди. “Мен ана шунақа, заҳирадаги ўйинчи бўлишим керак. Ким ютса – ўшандан. Ажойиб фикр...”

Далер вакилнинг таклифига рози бўлишдан аввал:

– Агар сир бўлмаса... Раисликка кимни мўлжалла-япсизлар? – деб сўради. Жавобни эшитиб, ҳайратга тушди.

– Спортчи укамизни, – деди вакил.

– Ие... У ахир ҳали думбул-ку?

– Шунинг учун сизни ўринбосарликка мўлжалладик-да, – деди вакил Далернинг заиф жойидан ушлаб. – У дунёга танилган спортчи. Айни пайтда оддий, тўпо-ри йигит. Бизга у номигагина раис бўлиб турса, кифоя. Асосий ишни сиз билан бирга ўзимиз олиб борамиз.

– Иккинчи ўринбосар... Сизми?

– Ҳа, агар қарши бўлмасангиз.

– Йўқ, қарши эмасман, – деди Далер. – Тўғри ўйлаб-сизлар. Ёшларнинг ёнида сиз каби оқсоқол, баобрў одам албатта керак. Қолаверса, кексалар тажрибаси ва ёшлар ғайрати бирлашган жойда оламшумул тарихий ишлар қилса бўлади.

– Ҳа-а, балли, отангизга раҳмат, – деди вакил. – Демак, келишдик. Янаги ҳафтагача “ҳаракат режа-дастури” тайёр бўлади. Уни кўриб чиқиб, ишни пишитиб оламиз...

Шу тариқа Далер Ботиров раисга қарши тайёрланаётган “фитна”га бош қўшди. Аслида буни фитна ҳам деб бўлмасди. Ўн беш-йигирма чоғли депутатлар навбатдаги мажлисда парламент раҳбариятини кескин танқид қилиш ва уни алмаштириш масаласини қўйишга келишган, “мажлис чоғида дадил ҳаракат қилсак, фақат қўл кўтариб туришга ўрганган лоқайд кўпчилик бизни қўлаб-қувватлайди” деб ўйлашаётганди.

Далер касаллигини баҳона қилиб, шифохонага ётди ва “фитначи”ларнинг охириги машваратида қатнашмади. Шифохона ҳовлисида вакилнинг ўзи билан учрашди.

– Мен охирида сўзга чиқаман, – деди у. – Масала унга-ча деярли ҳал бўлиши керак. Танқид ниҳоятда ашаддий, шафқатсиз бўлмоғи зарур. Шунчалик кескин бўлиши керакки, залдагилар карахт бўлиб қолишсин. Ана ўша лаҳзада мен сўзга чиқиб, депутатларнинг маоши, уй-жой, машина, мукофотлар, хорижга бепул саёҳат ҳамда дам олишга боришлари, хусусийлаштирилаётган давлат мулкларидан текинга улуш олишлари зарурлиги ҳақида гапираман. Ана шунда залдагилар сизларни юз фоиз қўллашади.

– “Сизларни” эмас, “бизларни” денг, – деди вакил ранжиган оҳангда.

– Бизларни!..

Далер шифохонадан мажлис бошланишидан бир кун

олдин чиқди. Ҳеч ким билан учрашмай, уйига борди. Телефонларнинг ҳаммасини узиб, ухлагани ётди. Лекин тонггача мижжа қоқмай чиқди. Тун бўйи “уриб қочар” ўйини, ундаги ҳеч қачон ютқазмайдиган заҳира ўйинчи ҳақида ўйлаб ётди. “Вақти билан ана шу ҳақда бир нарсаси ёзсам бўлар экан” деди. Сарлавҳасини “Заҳирадаги ўйинчи” деб қўйиш мумкин. Ёки... “Ким урса – ўшандан”.

ЎТТИЗ ТўРТИНЧИ БОБ

Нурбек ўша куни ишга бормади. Хонимнинг паркув тўшагидан туриб, чой ҳам ичмасдан, ётоқхонасига кетди. Ўзини қўярга жой тополмас, миясида битта савол эди: “Нега шундай қилдим?” Бу саволга ўнлаб жавоблар қўйилиб келар, бироқ ҳеч бири унинг ўртаниб, ёнаётган кўнглига сув сепа олмасди. Яқинда бир хориж журналида “90 фоиз эркаклар хотинига хиёнат қилади” деган маълумотни ўқиган эди. “Мен ҳам ўшаларнинг биттаси бўлдим, холос” деб ўйлади у даставвал. Зеро, ўша журналда “қолган 10 фоиз эркаклар касаллиги ёки шунга имконияти бўлмаганлиги боис хиёнат қилмайди” деб ёзилган эди. Демак, ҳар қандай бинойи эркак бир аёлга қаноат қилиши мумкин эмас экан-да. Шундай бўлса, у нимага ўртанади. Қолаверса, меҳр-шафқатга муҳтож, жафокаш бир бева аёлнинг кўнглини олиш... наинки шу қадар оғир гуноҳ бўлса. Ахир муқаддас китобларда ёзилган... Урфимизга кўра, имконга қараб, тўрттагача аёлга уйланиш мумкин-ку. Хоним “никоҳ ўқитиб қўяйлик, муносабатларимиз шаръий бўлсин” деб турибди. Хоҳласа, шу бугуноқ мулла чақириб, қубба ўқитади. Кейин-чи? Кейин агар феъллари тўғри келмаса, “талок” деб кетаверади-да. Тўғри. Шундай қилса бўлади яхши кўрса. Хотинини яхши кўргани каби ёки ундан ҳам яхшироқ кўрса. Эркак одам бир эмас, бир неча аёлни яхши кўри-

ши мумкин дейишади. Бунга кўплаб мисоллар келтиришади. Ҳатто... Нурбекнинг ўзи ҳам бир воқеага гувоҳ бўлган. Синфдош ўртоғи Қурбонали акаси Баҳодирнинг хотини Асални зимдан яхши кўриб юрган экан. Бунини ҳеч кимга сездирмаган. Уят-да. Кейин у бошқа бир қизни севиб уйланди. Бу орада акаси Баҳодир ўлди. Асал уч бола билан бева қолди. Қурбонали хотини устига янгасини олди. Қишлоқдошлар бунини “акасининг болаларини етим қилмаслик учун уйланди, бу қадимий мусулмонча одатимизга мос келади” деб изоҳлашган бўлса ҳам, Қурбоналининг ўзи Нурбекка очигини айтган: “Янгамни аввалдан севганман, шунинг учун уйландим, агар яхши кўрмаганимда, мени ҳеч ким мажбур этолмасди” деб гапириб берган. Қурбонали у билан баҳслашган. “Сен ҳаммани ўз қаричинг билан ўлчама. Сенга ўхшаган бир тоифа эркаклар шунақа яккамуҳаббатли бўлади. Бошқа тоифа эса бағрикенг, бир йўла бир неча аёлни ўз севгисидан баҳраманд этиши мумкин”. Бу гапга Нурбек кулди. Сабаби қайсидир ғарб адибининг асарида ўқиган воқеа эсига тушди. Унда бир аёл бир неча эркакни яхши кўрган. “Ҳаммасини бирдек севаман, айни пайтда, алоҳида-алоҳида ҳам яхши кўраман” деган ўша аёл. Юрагимда ҳар бири учун алоҳида жой бор...” Ғарб – бу Ғарб, Шарқ эса Шарқ-да! Дарвоқеа... бизнинг шарқда ҳофизлар “Бир юракда ҳеч қачон икки муҳаббат бор дема” деб юришади-ю... Икки, уч, ҳатто тўрт хотин олишга ўзларини ҳақли санашади. Бунини шариатнинг рухсати билан изоҳлашга уринишади. Яна бирлари демография инқирози – эркаклар сони камайиб, аёллар кўпайиб бораётгани хусусида илмий гаплар гапирди. Кўнгил ҳақида, юракнинг, қалбнинг хоҳиш-иродаси хусусида ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Адибларимиз ҳарчанд “Қалбингга қулоқ сол!” деб ёзғиришмасин, қулоқ осишмайди. “Қалб ўзи одамнинг қаерида бўлади, кўкрагидами ё белидами?” деб сўрайди айғирмонанд эркаклардан бири қаҳ-қаҳ

уриб. Мана, Нурбекбой жаноблари ҳам кўксида авайлаб юрган қалбини белига тушириб ўтирибди. Дафъатан, у ўзини оқлаш учун “бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлар эмиш, мен тузоққа тушдим” дея ўзини оқлашга уринди. Бу тузоқнинг нечоғлик гўзал ва сеҳрли, оҳанрабо мисоли дилтортар эканига иқрорлик билдириб, бундай хилқат қаршисида ҳатто Юсуф алайҳиссалом ҳазратлари ҳам дош беролмаган бўлур эдими, деб ўйлади. “Гўзалликнинг қошида ахир чўкка тушган ҳатто маъбудлар...” Яна бир шоир эса қариган чоғида “Гўзалларга тикилсам агар, баҳонам бор, сезиб турибман, шоирман ахир дўстларим, ҳаётни ўрганиб юрибман” деб ёзган экан...

Мияси ғовлаб кетди. Ҳарчанд уринмасин, ўзини оқлашга изоҳ топа олмади. Ўзининг олдида топди-ю, севиб олган суюкли завжаси юзига ҳатто ғойибона тик қарай олмади. Хиёнат қилдим, – деди у кўзларини ерга тикиб. – Ҳар қандай жазога тайёрман!”

Хотини ўша кетгани, қўнғироқ ҳам қилгани йўқ. Аразлаб юрибди. Ўша куни унинг аразлашга асоси йўқ эди чамаси. Ана энди бор. Ана энди у Нурбекнинг юзига туфлашга ҳам ҳақли. Энди Нурбек аёлидан ажралиши, манови соҳибжамол ва маккор... Йўқ-йўқ, маккор эмас, бадбахт жувонга уйланиши керак. Ана шундай қилса, тўғри бўлади. Бироқ гулдай покиза хотинини, жондан азиз фарзандларини ташлаб кетишга ўзида журъат, жасорат топа оладими? Хотини устига хотин олса-чи? Ахир шундай қилиш мумкин-ку. Қонунан бўлмаса ҳам, шаръан имконият бор-ку! Хотини нима дейди? Рози бўладими? Ўлса ҳам кўнмас. “Бир рўзғорни эплай олмаган сўтак, икки оилани қанақа боқаркин?” деб мазаммат қилмайдими?

Толиқиб кетди. Ётиб ётолмади, ухлаб ухлай олмади. Тунни минг азобда ўтказиб, эрта тонгда ишга борди. Кун жума эди. Амаллаб кунни кеч қилгач, оқшомги поездга

ўтириб, юртига жўнади. Хотинининг ҳузурига бориб, масалани бир ёқлик қилиш керак.

Ярим тунда кириб борди. Болалар ухлар, хотини эса мук тушиб, диссертация ёзиб ўтирар эди. Хушламайроқ қарши олди. Салом-алик қуруққина. Чой олиб келиб қўйгач, яна диссертациясига уннади.

– Сиз билан жиддий гаплашиб олишимиз керак, – деди Нурбек айлантириб ўтирмасдан.

– Нима ҳақда?

– Ўзингиз биладиган масала хусусида.

– Гапиринг.

– Мен... Сизга хиёнат қилиб қўйдим...

Нурбек энди шовқин-сурон, бақир-чақир бошланишини, “ҳозироқ чиқиб кетинг бу ердан, қайтиб қадмингизни босманг” деган гапни кутган ва шунга руҳан тайёрланган эди. “Бўладиган ишнинг тезроқ бўла қолгани яхши” деганди. Ажабки, хотини мутлақо сокин эди. Ҳаяжонланмади. “Врачлар хўп ажойиб халқ-да, жуда совуққон бўлишади” деб ўйлади Нурбек. Фақат хотинининг найзадек қадалган нигоҳига дош беролмай, кўзини олиб қочди.

– Биламан, – деди аёли хотиржам. Бундан Нурбек дадиллашди.

– Йўқ, билмайсиз. Ўша куни эмас. Кейин сиз аразлаб кетиб қолганингиздан сўнг... Назаримда... Сизга аччиқ қилдим. Чунки ўша куни гуноҳсиз эдим. Энди эса гуноҳқорман.

– Очиғини айтганингиз учун раҳмат.

– Лекин яна бир нарсанинг очиғини айтишим керак. У аёлни яхши кўрмайман. Сизни ҳалиям аввалгидай севаман. Нима бало урди, шайтон қандай қилиб йўлдан оздирди, билмадим. Шунинг учун...

– Севадиган одам хиёнат қиладими? Яна яхши кўрмайдиган аёл билан? Бу – ақлга сиғмайдиган гап-ку.

– Ўзимнинг ҳам ақлимга сиғмайди. Назаримда ўша...

сиғадиган ақлнинг ўзи йўқ ҳозир менда. Кечира олсангиз, кечиринг.

– Кечиролмайман.

– Унда... ажралишимизга тўғри келади.

– Мақсадингиз шуми?

– Йўқ. Мақсадим бу эмас. Лекин сиз кечирмасангиз... Ё алоҳида яшаб турамизми?

– Нима, ҳозир бирга яшаймизми?

– Ҳар ҳолда...

– Билганингизни қилинг, – деди хотини юзини буриб. Унинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди.

– Йиғламанг. Кўз ёшингизга арзимамайман. Фақат тўғри тушунинг. Сиздан, фарзандларимдан воз кечиш истагим йўқ. Агар кечираман десангиз, ўша аёлнинг юзига қайтиб қарамайман. Биламан, ҳозир аччиқ устидасиз. Ўйлаб кўринг. Энди... мен кетаман. Саҳарги поездга кечикмайин.

Хотини унга ҳайратми, кўрқувми, ғазабми, хуллас аллақанақа тушунуксиз бир ҳис билан қаради.

– Қизларингиз билан кўришмай кетасизми?

– Майлими, рухсат берасизми?

– Мен-ку рухсат бераман. Лекин анови ёқдаги ўйнашингиз маҳтал бўлиб қолмасмикан, ишқилиб?

– Қўйинг энди. Биз ўқиган, маданиятли одамлармиз-ку.

– Ўқиган, маданиятли одамда ор йўқми, номус йўқми, асаб йўқми, – дея ҳўнграб юборди хотини. – Бевафо! Виждонсиз! Мен бу ерда сизни “Майли, пойтахтда ишласин, ўсиб-унсин” деб ёлғизлик азобига чидаб ўтирсам-у... Юзимга оёқ қўйиб юрибсиз. Ҳайф сизга бола! Боринг, кетинг!

– Лекин... Мен барибир энди у аёл билан алоқани узмаман. Умримда бир хато қилдим. Биринчи ва охириги марта. Ҳар ҳолда ўйлаб кўрасиз, деган умидда юраман. Хайр!

Нурбек чиқиб кетди. Саҳаргача кўчаларда тентираб

юрди. Вокзалга келиб, кутиш залида мизғимоқчи бўлди. Эпполмади. Чипта олиб, перронга чиқди. Поезд ўрнида турган экан. Тунда миниб келган поезди. Яна ўша вагонга тушибди. Проводник таниб, ҳайрон бўлди. “Дарров қайтибсиз-да, иш битдими?” деб сўради. Нурбек бош ирғади. Поезд ўрнидан жилди. “Энди менга ирода керак” деб ўйлади Нурбек. У ўзини анчайин қатъиятли одам деб ҳисоблар, шу боис хонимнинг тузоғидан қутила олишига ишонар эди. “Бунинг учун уни яхши кўрмасликнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни... ёмон кўришим керак” деб ўйлади. Чиндан ҳам энди у хонимни ёмон кўриши керак. Раҳм-шафқатни ҳам йиғиштириб қўйишга тўғри келади. “Ёмон кўриш ва кўрқиш зарур у аёлдан. Унинг домига тушган эркак зоти омон қолмаслиги ҳақида ўйлаш, бунга қаттиқ ишониш лозим. У аёл омадсизлик, бахтсизлик, кулфат келтиради. Уч эри ўлган-ку ахир. Нурбек хонимнинг ҳуқуқшунос хуштори ҳақида эшитмагани учун фақат эрлари хусусида мулоҳаза юритиш билан чекланди. “Нега илгари бу ҳақда ўйламаганман? Гумроҳлик ҳам шунчалик бўладими? Ақлимни еб қўйган эканман-ку. Қанақа одамман ўзи?..”

Бу ўйлар, бу койинишлар қанчалик жиддий экани Нурбекнинг ўзигагина аён эди.

ЎТТИЗ БЕШИНЧИ БОБ

Худди шу лаҳзаларда куни кеча Нурбек чиқиб кетган хонадонда – хонимнинг шоҳона хобгоҳида яна бир кўнгилсиз воқеа юз бермоқда эди. Ўша куни хоним Нурбекнинг дилгир ҳолатда чиқиб кетганида, бироз ғашланди-ю, “кейин кўникади” дея ўзига тасалли берди. Нурбекнинг қилган ишидан пушаймон бўлаётганини ҳам ўзича эзгуликка йўйди. “Ҳақиқий кучли, мард эркак шунақа – аёлга дабдурустдан таслим бўла қолмайди.

Таслим бўлгандан сўнг эса... бир умр садоқат билан кифтида кўтариб юради..." Ҳар не бўлганда ҳам, хоним ўзида йўқ шод, масрур эди. Севган эркакигининг васлига етиш аёл учун – энг олий бахт. Кўпчилик бунинг нималигини билмай ҳаётдан ўтиб кетади. Хонимга эса шунча жафолардан сўнг бўлса-да, ҳар қалай ана шу толе насиб этди. Унинг назарида бу жаннат фароғатига тенг. Бундан юксак ҳузур, бундан гаштли ҳаловат йўқ. "Бугун бироз иккиланди. Эртага эса ўзи қайтиб келади" деди ишонч билан хоним. Шу он эшик қўнғироғи жиринглади. "Ана, қайтиб келди" деб суюнди хоним. Эшикни шошиб очди. Очди-ю, ҳайратланишни ҳам, қўрқишни ҳам билмай, лол бўлиб қолди. Остонада Мухтор турар эди.

– Вой, – деди беихтиёр хоним. – Мухтор...жон, сизмисиз?

– Ҳа, менман, янгамулло, – деди Мухтор. Афтидан у бироз ширакайф эди. – Мумкинми?

– Марҳамат, марҳамат, хуш келибсиз, – деди хоним. Мухтор орқасига ўгирилиб, зинанинг пастроғида турган қўриқчисигами, шеригигами:

– Машинада кутиб ўтиринглар, – дея буйруқ берди. Кейин ичкарига кирди. Хоним дастурхон ёзиб, чой дамлади.

– Пойтахтга келиб тўғри қилдингиз, – деди суҳбат асносида Мухтор. – Пойтахтда яшаш яхши. Мен ҳам ишларимизни кенгайтириб, бир қисмини шу ерга кўчирияман. Бу ёқда имконият катта.

– У ҳолда оилангизни ҳам кўчириб келарсиз? – деб сўради хоним. У Мухторнинг хотинини танир, "мабодо кўчиб келишса, ҳарқалай борди-келди қилиб юрармиз" деб ўйлади.

– Кўрамиз, – деди Мухтор. – Аввал бир ҳовли-жой олиш керак. Дарвоқе, уй сотиб олгунга қадар, аҳён-аҳёнда сизникига келиб... меҳмон бўлиб турамиз-да энди, ҳарқалай бегона эмасмиз-ку?

– Албатта, албатта, – деди хоним юраги шувиллаб. “Шуниси етмай турувди ўзи” деб ўйлади. У илгарироқ Мухторнинг биринчи “хужум”идан собиқ қайнотаси ёрдамида қутилиб олгач, “ишқилиб бу бола яна хуруж қилмаса гўргайди” деб ўйлаб юрар, агар шундай бўлса, иккинчи марта ундан қутилиш осон бўлмаслигини тушунарди. Шу боис ҳозир унинг “аҳён-аҳёнда меҳмон бўлиб турамиз” деган гапи замирида қанақа маъно яшириниб ётганини сизди. Қўрқиб кетди. Аламланди. Ичида “Эй, Худо, нега менга бунақа азоб берасан, эндигина бахтимни топдим, деб турганимда яна бир касофатга йўлиқтиряпсанми” деб нола қилди.

– Бўлмаса, мен борай, – деди Мухтор. – Ишлар бор. Бир-икки киши билан учрашишим керак.

– Ўтиринг, овқат қилай, – деди хоним манзират билан.

– Овқатни насиб этса, эртага келаман, ўшанда еймиз, – деди Мухтор. – Ҳа, айтгандай, хизматкорингиз йўқми? Сиз ўзингиз... Овқат, уй ишига ўралашиб юрманг! Уят бўлади. Яхши бир ходима олиш керак.

– Бор-бор, бугун жавоб бергандим. Эртага келади, – деди хоним ўзини мажбурлаган кўйи жилмайиб.

– Ундай бўлса... Эртага бизнинг йигитлар яхшилаб бозорлик қилиб келишади. Би-ир ўтиришамиз.

– Ҳеч нима керак эмас, ҳамма нарсаси бор, – деди хоним.

– Ҳижолат бўлманг, янгамулло, – деди Мухтор. – Сиз бизга бегона эмассиз. Мен сизга ғамхўрлик қилсам, раҳматлик акамнинг руҳи шод бўлади. Дарвоқе, яқинда акам тушимга кирибди. Ҳай, майли, тушимнинг тафсилотини эртага бафуржа айтиб бераман...

Эртанги оқшомни хоним хавотир ва таҳлика билан кутди. У Мухторнинг ташрифи шунчаки тасодифми, яъни ишларини пойтахтга кўчираётгани билан боғлиқми ёки... яна теварагимда атай айлана бошладими, агар чиндан ҳам иккинчиси бўлса, энди нима қиламан” деб ўйлаб ўтирар эди. Шунинг баробарида Нурбек ҳақида

ҳам хаёл сурар, “уҳам келиб қолса, нима бўлади” дея хавотирга тушар, ҳар ҳолда у тушунган, зиёли йигит-ку, келишдан олдин қўнғироқ қилар, деб ўзини тинчлантиришга уринарди.

Мухтор келди. Совға-саломлар билан. Чўнтагидан кичкина қутича олиб очди. Жавоҳир кўзли олтин узук, зебигардон ва балдоқдан иборат ўта қимматбаҳо зийнатлар мажмуаси. “Тамом!” деб ўйлади хоним. У Мухторнинг ниятини аниқ тушунган эди. “Шўрим қурсин мени. Сира омадим келмади. Қўлдан қўлга ўтиб юравериш қисматим экан-да...”

Мухтор хоним у келтирган зийнатларга у қадар кучли қизиқиш билдирмаганини кўриб: “Писанд қилмаяпти курғур,бундан зўрларини кўравериб, димоғи кўтарилиб кетган-да” деб ўйлади.

– Бу – хамир учидан патир. Биринчи суҳбатимиз учун. Насиб этса, Париж заргарлик дўконларида турадиган зўрларидан олиб бераман.

– Нега бунақа қиялпсиз? Нима ҳожати бор, – деди хоним ичида чексиз алам, ташида маъюс ўпкалаш оҳангида. Мухтор дангал йигитлардан эмасми, очиғини айтди.

– Сизни яхши кўрганим учун.

– Ахир...

– Ахир-пахирни қўйинг. Мен сизга кеча айтдим-ку, акам тушимга кирди деб. Мана эшитинг. Акам менга “Сендан хафаман, ука” деди. “Нега менинг бевамни хор қилиб қўйдинг, нега қарамоғингга олмадинг?” деди. “Отам кўнмади” десам, “Нега тушунтирмадинг, нега ўз сўзингда қаттиқ туриб олмадинг, ахир сен Мушфиқани яхши кўрар эдинг-ку! У агар сенинг ихтиёрингда бўлса, менинг руҳим тинчланар эди” деб айтди. Мен чиндан ҳам гумроҳлик қилган эканман. Сизни ким-кимларга... муҳтож этиб... Энди унақа бўлмайди, азизим. Энди хоҳлайсизми, йўқми, акамнинг истагини бажаришга мажбурман. Мен сизни ўз хасмимга олишга қарор қил-

дим. Энди... Сизга тикилган ҳар қандай кўзни ўяман, узатилган ҳар қандай қўлни кесиб ташлайман...

– Биламан, хабарим бор. Бир-иккитаси ўралашмоқчи бўлиб юрибди, – деди у бироз ўйлангач. – Лекин... Ким бўлишидан қатъи назар, қадамини узаман бу ердан!

Хоним дахшатга тушди. У пойтахтга кўчиб кетиш олдидан Мухторнинг кирдикорлари ҳақида ваҳимали гапларни эшитганди. Айтишларича, Мухтор ўзини вилоятнинг норасмий хўжайинидек тутармиш. Ҳамма унга куллуқ қилишга, айтганини сўзсиз бажаришга мажбур экан. Милиция, прокуратура бу ҳолни билиб билмасликка олармиш. Мухторнинг буйруғига кўра қилинган бир неча жиноятлар, ҳатто қотиллик очилмасдан қолиб кетибди.

“Бундай одамга қаршилик қилишнинг фойдаси борми? “Пойтахтга кўчаман” деганига қараганда, бу ёқда ҳам ўз таъсирини ўтказиб улгурган бўлса керак. Зўравон. Зўравонлар даври келганда, улардан ё қочиб, ё ўлиб қутулиш мумкин. Бошқа илож йўқ. Лекин қайга қочаман?” Хоним ўлим ҳақида ўйламас, чунки ҳали ҳаётдан умиди кўп эди. У ҳозир вақтдан ютишга уриниб кўрмоқчи бўлди. Шу боис... Сир бой бермади. Мухторга гирдикапалак бўлиб, чой қуйди, шароб сузиб, бот-бот ичирди. Қурғур даванги йигит эмасми, шунча ичса ҳам, ақалли кўзи сузилмас, нуқул “Мени тўғри тушунишингизни билардим, эҳ, мен ахлоқ, қанча вақтни бой бердим-а” деб қўяр, “Отам озодликни истовчи кишининг йўлини тўсма, озод яшовчи кишини ҳурмат қилиш керак” демаганида, ўшандаёқ қўлдан чиқармасдим-а сизни” деб ўкинар эди.

– Ҳалиям ўн саккиз яшар қиздексиз, – деди у ичи қизигач, хонимга ютоқиб тикилар экан. – Туғмагансиз-да. Аммо-лекин сизни лоақал битта бўлсаям, туғдиришим керак. Мен, айнан мен туғдиришим керак, аллақандай... қаланғи-қасанғи олифталар эмас. Тушундингизми, ази-зим!

Хоним Мухторнинг бояги гапиданоқ, унинг Далер ҳақида ҳам, Нурбек ҳақида ҳам хабардор эканини тушунган эди. “Ишқилиб, Нурбекка бирон зиён-заҳмат етказиб қўймаса гўргайди” деб ўйлаганди. Ҳозирги очикча шармсиз гапларидан сўнг, тахмини яна ойдинлашди. “Бунинг қўлидан ҳар бало келади... Нима қилиш керак?” У ўйлаб-ўйлаб, яна тақдирга тан беришга қарор қилди. “Фақат Нурбекка тегмасин, шу шартни қўяман”.

– Майли Мухторжон, сиз шу қарорга келган бўлсангиз... нимаям дердим. Акангизнинг руҳи шу билан шод бўлса... Мен сизнинг ихтиёрингиздаман. Фақат... Сиз ўйлагандек теварагимда ҳар кимни айлантириб юрганим йўқ. Шаънимни сақлаб келяпман. Акангиздан кейин кимга теккан бўлсам, шаръий текканман...

– Ботиров-чи? Холмуҳаммедов-чи? – деди Мухтор энди ошкора хужумга ўтиб.

– Ботиров бўйдоқ экан. Оғиз солди. Рози бўлганим йўқ. Нурбек билан эса иш юзасидан танишганмиз. У ҳалол йигит. Оилали. Менга муносабати дўстона. Самимий...

– Буни атрофдагилар тушунмайди, азизим. Сиз боши очик аёлсиз. Самимийми, бошқами, узоқроқ юргани маъкул. Бу ерга энди қадам босмайди!

– Майли, майли! Фақат... унинг ҳеч бир гуноҳи йўқ. Илтимос, унга ҳеч қанақа зиён етмасин.

– Ботиров-чи? Ҳалиям сўлагини оқизиб, тамшаниб юргандир? Биз уни тузук одам деб, ҳурмат-иззат қилсак, майда бир товламачи экан, лаънати. Садқаи депутатлик. У ёқда бир аёлни алдаб, чув туширган...

Хоним “Ҳакимахонни айтяпти” деб ўйлади.

– Ҳечқиси йўқ, – деб давом этди Мухтор. – У ҳам жазосини олади. Ҳисоб-китобимиз бор...

Хоним индамади. Ботиров билан Мухторнинг қанақа ҳисоб-китоби борлиги уни қизиқтирмас, у “Нурбекка тегма, дея яна айтсам, “нега бунчалик жон куйдирияпти” деб шубҳаланиб қолмасмикан” дея иккиланар, лекин

Нурбекка хавф солмаслигига ишонч ҳосил этишни жуда-жуда истар эди. Кейин у гап орасида: “Отангиз бу қарорингизга рози бўлармиканлар, ишқилиб?” деб сўради.

– Очигини айтсам, отамнинг ўзлари бу қарорга туртки бердилар, – деди Мухтор. – У киши “Ўшанда мен хато қилган эканман, Мушфиқани оиламиздан чиқариб юбормаслигимиз керак экан” дедилар. Орқаваротдан айрим гапларни эшитган бўлсалар керак-да...

– Вой ўлай, ишонибдиларми бўлмағур гапларга?

– Ишонмасалар ҳам, ҳар қалай гап чиққани яхши эмас. Қисқа вақт бўлсаям, бизнинг оилага аъзо бўлгансиз. Бизнинг оиламиз шаъни эса бизга жудаям қимматли. Майли, ҳечқиси йўқ. Менинг никоҳимда бўлсангиз, ҳар қанақа гапларга чек қўйилади.

– Ишқилиб... Сиз мен учун ҳеч кимга ҳеч қанақа зиён-заҳмат етказманг. Илтимос! Хўпми? Ваъда беринг. Майлими?

– Майли, – деди Мухтор. – Бу ёғига эҳтиёт бўласиз.

– Эҳтиётман ҳамиша Мухторжон, – деди хоним Нурбекни зуғумдан асраб қолганига суюниб.

Кейин гап бошқа мавзуларга бурилди. Мухтор энди қўли узун экани, қаёққа узатса, етиши ҳақида гапирди. Оқшом қуюқлашиб боргани сари хонимни ваҳима босар, Мухтор эса энди имо-ишорани йиғиштириб, очиқ-ошкора ҳукм юрита бошлаган, гап орасида бир-икки марта: “Энди дам олсак ҳам бўлади” деб ҳам қўйди.

– Сизга кичик меҳмонхонадан жой солдим, – деди хоним бир муддат ичкарига кириб кетиб, қайтиб чиққач.

– Ётоқхонага... ҳали рухсат йўқми? – деди кулиб Мухтор.

– Сиз имонли йигитсиз-ку, Мухторжон, – деди хоним. – Бугун розилигимни олдингиз. Эртага бир мулла чақириб, никоҳ ўқитайлик. Кейин буткул ихтиёрим сизники.

Мухтор бироз ўйланиб турди-да, шартта ўрнидан турди.

– Бўпти! Мен ҳозир кетаман. Эртага нарёқдаги ишларни тинчитиб, кечга яқин қайтаман. Кечкурун беш-олти киши келади. Муллани ҳам чақиртириб, ҳаммасини рисоладагидек тўғрилаймиз

– Вой, ярим тунда қаёққа борасиз? Дам олиб, тонгда йўлга чиқсангиз бўлмайдими?

– Бўлмайди! Эрталабгача етиб боришим керак...

Мухтор чиқиб кетди. Хоним уни кузатиб, анча пайт ўйланиб ўтирди. “Бу ёғи қандай бўлди? Нега қаршилиқ кўрсатмасдан дарров рози бўлдим? Бошқа иложим бормиди? Тихирлик қилсам, Нурбекка зиён етказиши тайин эди-ку... Энди Нурбек билан боғлиқ орзу-ҳаваслар нима бўлади? Эҳ, тақдир... Сира омадим келмас экан-да менинг...”

Ухламоқчи бўлди. Ухлай олмади. Саҳар чоғи кўзи илинди. Ҳар кунги вақтда одатга кўра уйғонди-ю, бугун шанба экани эсига тушиб, яна кўзини юмди. Ухлаб қолди.

ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ БОБ

Далер Ботиров ниҳоят мақсадига, тўғрироғи мақсадининг яна бир босқичига эришди. Парламентнинг навбатдаги сессиясида у янги ташкил этилган – жамоатчилик билан алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари этиб сайланди. Ушбу таклифни сессия якунланай деб турган пайтда кутилмаганда раиснинг ўзи ўртага ташлади.

– Янгидан ташкил топаётган қўмитанинг раис ўринбосарлигига истеъдодли ва серғайрат ҳамкасбимиз – Далер Ботиров номзодини таклиф этаман...

Таклиф бир овоздан қабул қилинди. Далер қисқача нутқ сўзлаб, юксак ишонч учун миннатдорлик билдирди.

– Ушбу масъулиятли вазифани виждонан ва сергаклик билан олиб боришга ваъда бераман...

– Ҳа, албатта, сергаклик эсдан чиқмасин, – деб луқма ташлади олдинги қаторда ўтирган “спортчи”. – Сергаклик – сизнинг асосий қуролингиз!

Далер у томонга қўрқа-писа қарар экан, юраги шувиллаб кетди. “Сездимикан, нима бало? Агар сезган бўлса, бу тўпори балодан ҳар қанақа қабиҳлик кутиш мумкин...”

Йўқ! Аслида Далер Ботировнинг сессия арафасидаги “сергаклиги”ни ҳеч ким сезган эмасди. Ўша куни у ҳамма кетгач, қарийб ярим кечага яқин раис ҳузурига кирган ва “айрим маълумотларга қараганда, айрим гуруҳлар уни ишдан олишга тайёргарлик кўришаётганлигини” айтган эди. Ажабки, раис бу “ахборот”ни мутлақо хотиржамлик билан кутиб олди. “Кимлар экан ўшалар?” деб сўрамади ҳам. “Балким, ўзи ҳаммасини олдиндан билиб юргандир” деб ўйлади Далер ва дафъатан қўрқиб кетди. “Мени ҳам ўшаларга қўшилган деб ўйламаганмикан ишқилиб” дея хавфсиради. Ҳар қалай раиснинг мана бу гапларидан сўнг, хотиржам бўлди.

– Майли, эътибор қилманг. Парламентлар ичида бунақа гаплар бўлиб туради. Сиз ўзингизнинг ишингизни билинг. Ёш, ўсадиган йигитсиз...

Эртасига раис мажлисни шу қадар устакорлик билан олиб бордики... Фитначиларнинг аксарияти сўз олишолмади. Уни танқид қилиб чиққан нотиклар ҳам гапларини охиригача етказолмасдан, мақсадларини аниқ айтолмай, чув тушиб қолавердилар. Раиснинг ўзи ўша узук-юлуқ танқидий фикрларни жамлаб, “Ҳақиқатдан ҳам менинг фаолиятимда ҳали анча камчиликлар бор, уларни тузатишга ваъда бераман” деди ва ўзига қарши гапирганларга “ошкора холис танқид учун миннатдорчилик” билдириб, ҳаммасини мот қилиб ташлади.

Далер ўзига нисбатан қилинган ҳимматнинг боиси “кечаги ташрифи” билан боғлиқми ёки раис аввалдан уни янги лавозимга тайинлашни мўлжаллаб юрганмиди, аниқ билолмай гаранг эди. “Ҳар қалай огоҳлантир-

ганим, барибир ҳам яхши бўлди, – деган қарорга келди. – Раис энди мени садоқатли одамлардан деб ўйлайди ва келгусида қўмита раислигига, сўнгра ўзига муовинликка тайинлаши ҳам мумкин”.

Мажлисдан сўнг уйга келиб, кетма-кет қилинаётган табрик қўнғироқларига жавоб берар экан, ногаҳон “нимага бунча мансабпарастман-а” деб ўйлади. У ўз фаолияти ҳақида танқидий фикр юритиш ҳам ўсишнинг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблар эди. “Ўз-ўзингни мудом таҳлил этиб, танқид қилиб туришинг керак. Бу – хатолардан асрайди”. “Хўш, нега мен бунчалик мансабпарастман?” Ана шу ҳаққоний саволга қўнғилдан ҳаққоний жавоб излади. Ва топди. “Чунки, мансаб-мавқе мен учун ҳаётнинг мазмуни. Мен шундан лаззат ва ҳаловат топаман. Журналист бўлишимга қарамасдан, ижоддан ҳаловат тополмадим. Кўпчилик қаламкашлар ёзиб ҳузур қилади. Мен учун эса ёзиш – минг азоб. Қўлларим ҳам, миям ҳам чарчаб кетади. Бирор газетга бош муҳаррир ҳам эмасманки, бировларга ўхшаб, шогирдларга ёздириб, имзоимни қўйиб юраверсам...”

Далер шу ўйлар баробарида шахсий ҳаётини кўз олдига келтириб, оила, турмуш, пул, молу давлатдан ҳам завқ, ҳузур-ҳаловат ҳис этилмаганини тушунди. “Мен, чамаси, ёлғизликка маҳкум этилган одамман. Бу – тасодифий эмас. Буюк даҳолар ҳаётда ёлғиз бўладилар. Уларга на оила, на бола-чақа, на дунёнинг бошқа ҳою ҳаваслари фароғат ва қониқиш бахш этилмайди. Улар ўз олдиларига қўйган буюк мақсад йўлида ҳамма нарсадан воз кечадилар”.

Энди ўзига ўзи эмас, ичкарида пайдо бўлган бегона бир овоз савол берди: “Хўш, сен ўз олдингга қанақа буюк мақсад қўйгансан?” “Мен халқимни ёруғ манзиллар сари бошлаб борсам, дейман...” “Қўйсанг-чи, бунақа китобий сафсатани. Ростини айт, мақсадинг раис бўлиш-ку, шундай эмасми?” “Хўш, шундай бўлса, нима бўпти? Орзуга

айб йўқ-ку!" "Орзуга айб йўқ, албатта. Бироқ орзу йўлида қабиҳлик қилмаслик керак..."

Кейин у овоз ўчди. Далер мардона тан олиб ўйлади-ки, "бу – менинг виждоним садоси, мен олий мансабга эришиш йўлида қабиҳлик қилмаслигим керак". Хайрият, ҳозирча ҳеч қанақа қабиҳлик қилмадим. Кечаги... раис ҳузурига кириб, гап етказганим эса бу сиёсий маневр, холос. Бу билан мен раисни ҳам, ўша фитначиларни ҳам кескин низодан асраб қолдим. Мен – асраб қолувчиман. Шунақа бўлишим керак. Шу аснода у бир пайтлар вилоят газетасида ишлашган, қайсидир туман газетасига раҳбар бўлиб кетган Ўткир Болтаев деган ҳамкасбини эслади. Ғирт иғвогар, ёлғончи ва қасамхўр бўлган ўша Ўткир Болтаев баъзан ёш-яланглар "нега ғийбатчилик қиласиз" дея койишса, "мен сизларни авайлаб-асрашим керак, укажонлар" дея тулкилик билан тиржаяр, шу боис таҳририятдагилар унга "Ёш ниҳолларни кесилишдан асровчи ўткир Болта" деган узундан-узоқ пурҳикмат лақаб қўйган эдилар. Ўша зотнинг Адолат исмли хотини ҳам таҳририятда ҳуқуқ бўлимида ишлагани учун Ўткир Болтаевга "Адолатнинг ўткир болтаси" деган яна бир лақаб лозим кўрилганди.

"Чиндан ҳам болтадай ўткир, аини пайтда дўстларни асраб-авайлагувчи, меҳрибон, ғамхўр бўлмоғинг керак!" дея ҳайқирди унинг виждони. "Сен лақаб қўйишларидан кўрқма. Лақабни ҳам шунга арзийдиган одамларга қўйишади..."

Бу оқшом Далер янги тайинланув завқи билан машғул бўлиб, ҳеч қаерга қўнғироқ қилмади. Ҳатто "Мушфиқахонимга бирров сим қоқиб, муҳим янгиликдан хабардор этсам ва ул зоти муҳтарамаларининг самимий қутловларини қабул қилсам-чи" деган фикридан ҳам қайтди. Дарвоқе, тунов куни хонимнинг собиқ қайниси унга қўнғироқ қилиб, суҳбат орасида ғалати бир гап айтган эди: "Сиздан илтимос, бир шаҳардасизлар,

янгамиз Мушфиқахондан хабардор бўлиб тулинг. Акс ҳолда... Баъзи нокаслар кўз олайтириб юрганмиш. Аммо лекин адабини бериб қўяман вақтида эс-хушини йиғиб олмаса!”

Бу гапни Далер дастлаб ўзига ҳам маълум маънода қаратиб айтилгандек сезиб, юраги “шув” этиб қўйди. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрса, унинг хавфсирайдиган жойи йўқ экан. Хоним билан атиги бир марта, шундаям шунчаки дўстона учрашган. У бошқа одамни назарда тутмоқда. Бу “бошқа одам” Нурбек Холмуҳаммедов эканини эса Далер ҳам айнан ўша кун бошқа бир манба орқали аниқлаган ва “Қани кўрамиз, бу кўпкарида зотни ким олар экан?” деб яниб қўйган эди. У хоним борди-ю, Нурбекка мойиллик билдирган бўлса ҳам, бу вақтинчалик, ўша мирқурукдан икки кундаёқ ҳафсаласи пир бўлади, дея қаттиқ ишонарди. Мана энди... Мухтор бундан хабар топган бўлса, масала яна ҳам тезлашибди деб ўйлади. Шу боис хонимнинг ақл-хушини йиғиб олишини кутиб туришга қарор қилди. Бугун бир жаҳд этди-ю, ўзини босди. “Шошма, ўзи телевизорда эшитиб, қўнғироқ қилиб қолар” деб кутди. Лекин афсуски, хоним томонидан ўша кеч ҳам, эртасига кундузи ҳам на уйга, на ишга қўнғироқ бўлмади. Далер ишхонасида зерикиб ўтириб, “Э, бор-э, ўзим қўнғироқ қиламан” деб турганида ҳуқуқ қўмитаси раисининг ўринбосаридан мудҳиш бир хабарни эшитди.

– Шаҳарлараро катта йўл ёқасида, Сирдарё кўприги ёнида иккита катта жиний гуруҳ ўртасида отишма бўлган. Ҳар иккала гуруҳнинг бошлиқлари, яна бир нечадан одам ўлган. Ўлганлар орасида “Марадона” лақабли Мухторбек Эрғозиев деган ҳамшаҳрингиз ҳам бор экан..

– Аниқми шу? Маълумот ишончлими? – деб сўради Далер ҳовлиқиб. У бу хабардан беихтиёр хурсанд бўлиб кетган, “хайрият-э, қутилибман” деб юборганди ичида.

– Милициянинг кундалик шошилинич хабарномасидан ўқидим. Нима, сиз Эрғозиевни шахсан танирмидингиз?

– Сал-пал. Лекин унинг “Марадона” деган лақаби борлигини эшитмаган эканман. Ўзингиз-чи? Уни яхши билармидингиз?

– Ҳа, – деди суҳбатдоши.

У депутат бўлиб сайлангунга қадар жиноят қидирув соҳасида ишлаганлиги боис Далер бундан ажабланмади. Яна сўради:

– Билган бўлсангиз... Нега вақтида олиб қамаб юбормагансиз?

– Бу савол менга тегишли эмас, – деди суҳбатдоши. – Биз вақтида қатор жиноий гуруҳларни тор-мор этганмиз. Менинг депутатликка сайланишим ҳам шу туфайли. Мухтор – “Марадона” у пайтлар унчалик “семирмаган” эди. Кейинги пайтларда ҳаддидан ошиб кетаётганлигини эшитиб юардим. Мана ўзларининг сопи ўзидан чиқибди. Мелисага иш қолмабди.

У шундай деб чиқиб кетди. Далер “Энди хонимга албатта қўнғироқ қилиш керак” деган қарорга келди. Телефонлардан бирини олиб, рақам терди. Хоним ишхонасида экан. Обдон сўрашди.

– Эшитдингизми? – деди кейин Далер гапни айлантириб ўтирмасдан.

– Нимани? Сизнинг лавозимингиз кўтарилганини? Ҳа. Табриклайман. Ўзим ҳам... қўнғироқ қилмоқчи эдим.

– Раҳмат, раҳмат! Мен ҳалиги, Эрғозиевнинг ўлганини эшитдингизми деб сўраётган эдим.

– Ким? Мухторми? Ўлибдими? Вой, қачон? Нега ўлади?

– Ўзига ўхшаган бандитлар билан разборка қилиб, отишма уюштиришган. Сиз нима, хафамисиз? Битта жиноятчи камайса камайибди-да!

– Ҳар қалай тирик юрган одамнинг ўлгани яхши эмас-да.

– Қўйсангиз-чи, хоним. У кейинги пайтлар... Сизга ҳам зўравонлик қилиб юрганидан хабарим бор-ку!

Далер бу гапни тахминан айтди. Лекин нишонга урди. Хоним жимиб қолди. Кейин:

– Нима, сизга ҳам таҳдид қилганмиди? – деб сўради.

– Менга таҳдид қиладиганни ҳали онаси туғмаган. У бир майда ўғри эди-да. Ўз бошини ўзи еди. Майли, қўяверинг. Бу гапни ўзи сизга бекор айтдим-да. Шунчаки... Энди хотиржам бўлиб, енгил нафас олинг, демоқчи эдим. Табригингиз учун раҳмат. Вақтингиз бўлса, бир ювайлик.

– Раҳмат, эътиборингиз учун... Ювармиз...

– Қачон?

– Мавриди келар.

– Қўнғироқ қиласизми ўзингиз?

– Майли.

– Кутаман бўлмаса!

– Хўп.

“Агар аёл зотидан ҳаловат топиш мумкин бўлса, мен фақат шу аёлдангина топажакман, деб ўйлади Далер. Бу – бошқача аёл. Унда аллақандай сирли сеҳр бор!”

ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ БОБ

Нурбек қўнглидаги тушкунликни енгиш учун аламини ишдан ола бошлади. Ҳафта давомида ишхонадан чиқмади. Баъзи кунлар хонасида ётиб қолган ҳоллари ҳам бўлди. Сессия ҳужжатлари, қарорлар кеч тайёрланар, газета саҳифаланиб бўлганда, тонг ёришиб қолар, шу боис ётоқхонага бориб-келиб юришнинг қизиғи йўқ эди. Бош муҳаррир унинг киртайган кўзларига қараб, койиган бўлди:

– Ўзингизга бунчалик азоб берманг. Ишни ташкил этиб, ёрдамчиларга топширинг-да, бориб бир-икки соат дам олиб келинг. Дарвоқе, оиладан хабардор бўлиб турибсизми? Қачон кўчиб келасиз?

– Кўчиб келишга ҳозирча шароит бўлмай турибди. Ётоқхона сал торлик қилади...

– Сабр қилинг. Гаплашганман. Яқинда сизга уй берилади.

Нурбек сал руҳланди. Уй беришса яхши бўларди. Лекин... Хотини кўчиб келармикан? Аразлаб ўтирибди-ку. “Айб ўзимда. Хато қилдим. Хиёнатни бўйнимга олмаслигим керак эди...”

Нурбек “бу ҳаётда ёлғон гапирмасдан яшаш мумкин” деб ўйловчи содда одамлар тоифасига кирар эди. У ҳатто мақолаларида “ёлғон гапириш – қулнинг қисмати”, “ёлғон кўркув туфайли туғилади” қабилидаги фалсафий гапларни ёзган. Энг қизиғи, ана шу гапларга ўзи ҳам ишонарди. Умуман, жамиятдаги ёлғон ва ёлғончилик муаммоси уни ижодкор сифатида анча йиллардан буён ўйлантириб, ташвишлантириб келади. Шу мавзуда бир рисола ёзишни ният қилган. “Ҳамонки, ёлғон муаммосини тадқиқ этишга уринаётган эканман, лоақал ўзим ёлғондан узоқроқ юрмоғим керак” дейди у. Эҳ, содда одам! Ёлғондан узоқ юриб бўлармикан? Мана, ёлғон гапирмайман деб, қанақа аҳволга тушиб юрибсан. Ҳолбуки, хотинингга бир-икки ёлғонни ростга ўхшатиб гапирганингда, олам гулистон эди... “Хотинини алдамайдиган одам фақат китобларда бўлади” дегувчи эди бир ҳажвчи шоир. Нурбек “мен ҳам китоббоп одам эканман” деб ўзининг устидан кулди. Бир ҳафтадан бери дилгир бўлиб юрса-да, у хотинига қўнғироқ қилишга, яна ва яна кечирим сўрашга шошилмас, бунга журъат топа олмас, лекин қўнғлидаги “барибир кечирази” деган умиди мустаҳкам эди. Айни пайтда у Мушфиқа қўнғироқ қилиб қолса, “келинг” деса, нима деб жавоб бераман деган таҳликада эди. Хайриятки, хоним ҳафта давомида сим қоқмади. Чамаси, “ўзи қўнғироқ қилар ёки келар” деб кутаётган бўлса керак. Ниҳоят, мана бугун – янги ҳафтанинг

биринчи куни телефон қилди. Нурбек ҳадик билан қулоқ солди. Хоним сал уялинқираб гапирди.

– Ассалом, яхшимисиз?

– Раҳмат, шукр. Ўзингиз қалайсиз?

– Яхши. Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Агар малол келмаса.

– Сўрайверинг.

– Сизда яқинда Сирдарё кўприги ёнида бўлган отишма ҳақида маълумот борми?

– Бу маълумот сизга нима учун керак?

– Мени бир одам ўша отишмада қурбон бўлганлар ичида борми-йўқми, деган савол қизиқтиради.

– Мухтор Эрғозиевми?

– Ҳа. У менинг... Қисқаси борми-йўқми? Билсангиз айтинг.

– Биламан. Бор. Бу ҳақда газетамизнинг кечаги соҳибадаги “Милиция хабарнома”сида айтилган. Эрғозиев, унинг ҳайдовчиси, икки шериги ҳам отилган. Рақиб томондан ҳам тўрт киши ўлган.

– Газетада чиққан бўлса, рост экан-да?

– Рост.

Хоним бир муддат жим қолди. Сўнгра:

– Агар малол келмаса, ўша мақола чиққан газетадан бир донасини ишдан қайтаётганингизда ташлаб ўтолмайсизми? Мен уйда бўламан.

– Газетани бажонидил топиб бераман. Лекин уйингизга ўтолмайман, узр.

– Бўлмаса, эртага ишга келаётганингизда ишхонамга бериб кетасизми? Ё ўзим таҳририятга борайми?

– Аслида бу газетани исталган газета дўконидан сотиб олса бўларди. Лекин... Майли, эртага ишхонангизга ташлаб келаман.

Хоним яна жим қолди. Афтидан, у суҳбат асносида ўзини қизиқтирган саволга жавоб тополмади. Шунинг учун очиқроқ гапиришга мажбур бўлди.

– Нурбек ака, ўша Мухтор сиз билан яқин орада учрашмаганмиди?

Нурбек ҳайрон бўлди.

– Нега учрашиши керак экан? Мен у билан таниш бўлмаганман-ку. Тўғри, орқаваротдан эшитиб юрардим. Лекин бирон марта ўтириб, бир пиёла чой ичишмаганмиз.

– Унақа бўлса, яхши... Мени тўғри тушунинг. Телефонда ҳамма гапни айтиб бўлмайди. Эртага кўришсак айтаман.

– Нима гап, ҳозир очикроқ гапираверинг, деди қизиқсиниб Нурбек. Унга бу ерда қандайдир сир бордек туюлди.

– Йўқ-йўқ, Телефонда бўлмайди. Агар бу масала сизни ҳозироқ қизиқтираётган бўлса, бирон жойда кўришайлик. Эҳтимол, уйга келарсиз? Қўрқманг, ушлаб қолмайман.

Охирги гап ўпкаланган оҳангда айтилди. Нурбек “энди у уйга қадам босмайман” деган аҳдини ўйлаб, иккиланди.

– Йўқ. Яхшиси, кеч соат еттида уйингиз қаршисидаги “Чархфалак” тамаддихонасига тушинг. Мен ўша ерга бораман.

– Хўп бўлади, – деди хоним севинчини яширишга уриниб.

“Чархфалак”да одам сийрак. Нимқоронғи бўлмалардан бирида ўтиришди. Нурбек қаҳва буюрмоқчи бўлди.

– Бир йўла тамадди қилиб олинг, ишдан чиқиб келяпсиз, – деди хоним меҳрибонлик билан.

– Сиз-чи?

– Мен овқатланиб чиқдим. Уйга борганингизда-ку... Сизниям ширин овқат билан сийлардим...

– Мушфиқахон, – деди Нурбек мўлжаллаган мавзусида дарҳол гап очишнинг мавриди келганидан фойдаланиб, – мени кечиринг, мен энди уйингизга боролмайман. Ўша куни бўлган иш учун узр. Ўйлаб кўрсам, мен оиламдан воз кечолмас эканман. Тўғри тушунинг.

– Ҳеч ким сизга “оилангиздан воз кечинг” деган эмас-ку, – деди хоним маъюс жилмайиб. – Узр сўрашнинг

ҳам сира ҳожати йўқ. Кўнглингизга ўтирмаган бўлсам, на илож. Мен бир бахтиқаро аёлман. Сизни ёқтирган эдим. Умримда биринчи марта эркак зотини юракдан... яхши кўрдим. Бу – сизсиз. Севмасангиз суйкалмайман. Оилангиз билан бахтли бўлинг. Мен эса сизни ғойибона яхши кўриб юравераман. Чин сўзим. Шунча эр кўриб, бирортасини севмагандим. Ҳозир ҳам қанчаси харидор бўлиб юрибди. Далер Ботилов, ўша Мухторбек... Лекин бирортаси ёқмайди. Сизни билмадим, нега ёқтирдим?.. Пойма-пой, телба гапларим учун кечиринг. Ҳаяжонланаяпман. Тунов куни... Сиз кетгандан кейин Мухторбек келганди. “Менга тегасан” деди. Рози бўлмадим. У “сенинг атрофингда ўралашганларнинг ҳаммасини йўқ қиламан” деб дўқ урди. Сиз билан учрашганимизни биларкан. Ҳайронман, қаердан хабар топган. Шунда мен сизга зиён етказмасин деб, унга тегишга розилик беришга мажбур бўлдим. Кеча унинг ўлганини эшитиб, хурсанд бўлишним, қайғуришним билмай лол қолдим. Аниғини билиш учун сизга кўнғироқ қилгандим...

Нурбек хонимнинг пирпираётган киприклари ортидан бир томчи ёш сизиб чиққанини кўрди. Ачинди. “Эҳ, нега бу аёл бунчалик кўп жафо тортади” дея афсус чекди.

– Ботилов ҳамон харидорми сизга? Умуман олганда, ёмон одам эмас-ку. Бўйдоқ. Катта лавозимда ишлайди. Ҳали яна кўтарилиши мумкин.

– Уни ёқтирмайман. Майли, қўйинг. Менинг қисматим шу экан: умримнинг охиригача рўшнолик кўрмай ўтар эканман бу ҳаётдан. Лекин билиб қўйинг, қайда бўлмай, қайда юрмай, сизни бир умр севаман. Бир умр кутаман.

Овқат келди. Нурбек иштаҳасиз тотинди. Тезроқ туриб кетиш тараддудига тушди. Гўё тезроқ кетмаса, яна бу гўзал хилқат домига илиниб қоладигандек ҳис этди ўзини. “Ёнида ўтирсанг, ихтиёрингни олади, иродангни синдиради, ўзига тамоман маҳлиё қилади. Ё тавба, бу қанақа мавжудот?”

– Энди хайрлашамиз, Мушфиқа. Яна бир карра илтимос, мени тўғри тушунинг.

– Тўғри тушундим, азизим, – деди хоним ва бир лаҳза сукутдан сўнг қўлини узатди.

– Хайр! Энди сизни... ҳеч қачон безовта қилмайман.

– Омон бўлинг!

Тамаддихонадан аввал Мушфиқахоним, бир оздан кейин Нурбек чиқди. Хоним уйига, Нурбек метро бека-ти томонга юрди. Йўл-йўлакай жисмида оғриқли, вазмин ҳорғинлик сизди. Кўнглига чироқ ёқса, ёришмасди шу топда. “Аёл кишининг севгисини рад қилдим. Нақадар мардона, нақадар мушкул вазифани бажардим. Қойилман...” деб пичирлади лаблари. Ўзидан гоҳ суюнди, гоҳ нафратланди. Энди хотиним кечиради, деб ўйлади. Кечирмаса-чи, кечирмаса... Хонимнинг ёнига қайтиб келсам, қабул қилармикан, деган аҳмоқона хаёлларга ҳам борди. “Туф-е, шунчалик ҳам бетайин бўламанми” деб ўзини ўзи масхаралаб кулди. “Уйни олай, оиламни кўчириб келай. Нарёғини кейин кўраверамиз” деди охири. Эндиги энг муҳим вазифа – ётоқхонага тезроқ етиб бориб, ухлаш. Бошқа нарса ҳақида ўйлама. Акс ҳолда... жинни бўлиб қоласан. Ва Тургеневнинг “Баҳор тошқинлари” асаридаги телба ошиқ йигит сингари хонимнинг уйига қайтиб борасан. Қоч, бу ердан! Тезроқ узоқлаш!

Метро зиналаридан югуриб тушди. Бахтига поезд келди. “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади, кейинги бекат – Ҳамид Олимжон” дея эълон қилди кўнғироқдек жангдор овоз.

ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ БОБ

Телефон устма-уст жиринглар, хоним гўшакни олгиси келмас, чунки сим қоқаетган одам Далер Ботиров эканини яхши билар эди. Мана, икки ҳафтаки, “учрашайлик”

деб ҳоли-жонига қўймайди. Хоним баҳона қилавериб, чарчади. Ҳатто бир гал “Сиз билан учрашишга хоҳишим йўқ” деган маънода ошкора рад жавобини ҳам бериб кўрди. Ботиров бўш келмас, “хоҳиш – инсон кайфияти билан боғлиқ ҳолат, аста-секинлик билан пайдо бўлади” дерди сурбетлик билан. Орада у хорижга сафарга жўнаб кетди. Ўша ёқдан ҳам икки-уч бор сим қоқди. “Қаерда юрсам ҳам, туну кун хаёлим сизда” деди. “Агар хотиним бўлганингизда ҳозир мен билан Лондонда Гайд парк хиёбонида сайр қилиб юрган бўлардингиз. Бит Бенд ёнида суратга тушардик. Винзор саройини, Букингем қасрини томоша қилардик...”

Кунлар шу зайлда ўтар, хоним Нурбекдан ҳеч бир нажот йўқлигини билса ҳам, ўзи айтганидек, ҳамон севар, ҳамон кутар ва ҳамон умид қилар эди.

Кеча кечкурун уйда юраги сиқилиб, янги очилган “Боғи Эрам” хиёбонига сайр қилгани чикди. Кўҳна боғ бошланаётган баҳор оғушида. Дарахтлар куртак ёзмокда. Ҳавода нафис бир илиқлик. Ёш-яланглар ҳам уйғонишган. Гарчанд улар ҳеч қайси фаслда мудрашмайди. Аммо кўкламда бошқача бўлиб кетишади. Шўх-шодон қалбларида янги ҳислар. “Мен эса фасллар алмашинувини ҳам сезмайдиган бўлиб қолибман. Наҳотки, қариётган бўлсам?! Наҳотки, умрим энди шунақа – бир зайлда, зерикарли ва шукуҳсиз ўтиб кетса? Ҳали ёшман-ку. Нега ўйнаб кулмайман? Нега ўзимни мажбурлаб бўлса ҳам, Ботировга рўйхушлик бериб, ҳаёт гаштини сурмайман? Нега етти иқлимни сайру саёҳат қилиб, яйраб яшайман? Нега бу кўнгил қурғур бунчалик ўжар, бунчалик бераҳм?.. Йўқ. Бунақа юришнинг қизиғи йўқ. Уй – иш – уй. Жонга тегиб кетадиган бир хиллик...”

Ёлғиз хаёл суриб юрган, дид билан кийинган бағоят сулув аёл эътиборни тортар, ўтган-қайтганлар унга суқланиб қарашарди. Хоним эса ўз ўй-ташвишлари билан банд. У Ботировнинг кечаги таклифини такрор-так-

рор хаёлига келтириб: “Хўш, нима бўпти, биринчи марта эрга чиқишим эмас-ку, эҳтимол чиндан ҳам у айтганидек, бора-бора севиб қоларман, фарзанд кўрсак, янада жипсроқ боғланармиз, улуғ бир одамнинг рафиқаси бўлиб юраман-ку... севмасам ҳам...” дея мулоҳаза юритар, “Наҳотки ўзимни шунга мажбурлай олмасам, ахир иродали аёлман-ку” деб жиғибийрон бўларди. Кўнгли қурғур эса, сира айтганига кўнмас, “сен шунча йил қорнинг учун, эгнинг учун яшадинг, нозу-неъматдан ҳам, молу давлатдан ҳам, кийим-кечагу сийму зардан ҳам тўйдинг-ку, лоақал энди кўнглинг учун яша” деяётгандек эди. Чиндан ҳам бундай ўйлаб қараса, бу ҳаётда ҳамма нарсага эришибди-ю, фақат кўнгил масканини обод этолмабди. Тунов куни Нурбекка айтган гапларини эслади. Уялди. “Ўзимни ерга урдим, паст кетдим, ғурурим, нафсониятимни изза қилдим-а” деб ўкинди. Ҳолбуки, ҳамма гаплари рост, самимий эди. Умрида биринчи марта эркак қўлига ўзини ўз хоҳиши, ўз инон-ихтиёри билан, чексиз иштиёқ ва итоат билан топширишга тайёр бўлса-ю, бу иштиёқи, бу итоати, қанча-қанча машаққатлар ва синовлар гирдобиди туғилган биринчи ва эҳтимол... сўнгги муҳаббати инкор этилса. Оддий, кўримсизгина жамиятда айтарли бир юқори мавқега эга бўлмаган йигит унинг кўкрагидан итариб, “кечирасиз, мен оиламдан воз кечолмас эканман” деб тўпорилик қилиб ўтирса. Қани биров унга: “Эй, нодон, оилангдан воз кечмай, икки рўзғорни ҳам обод этиб юрмайсанми, бойвачча бўлиб” деса. Ахир хоним унинг пулига эмас, кўнглига талабгор-ку. Керак бўлса, ўзи бунақа эркакдан уч-тўрттасини боқиши мумкин. Нурбек бориб турган содда, лақма, тўпори йигит экан. Лоақал ҳафтада, ойда бир келиб, “аҳволинг не” деб сўраб, бошини силаб, икки оғиз ширин гап айтиб кетса ҳам бўлади-ку. Бунини хотини, оиласи ҳеч қачон билмаслиги, унга ҳеч қанақа эътироз билдиролмаслиги турган гап. Бироқ, Нурбек шуни ҳам истамади.

“Алдаб яшай олмайман” дейди. Эй, Парвардигор, бу бола қайси замоннинг одами ўзи? Ахмоқ десанг, ахмоққа ўхшамайди, ақлли десанг, ақллига...”

Хоним кўнглидаги маъюслик қаҳрга айлана бошлади. “Уни ёмон кўришим, ундан нафратланишим керак. Инкор этилган муҳаббат нафратга айланади. Ундан қасос оламан. Кўзини куйдириб, Ботировга тегиб оламан. Кейин... Кейин Нурбекни ишдан бўшаттириб, қишлоғига бадарға қилиб юбортираман. Юрсин ўша ёқда чорисини судраб, кўзи ўйилиб... Йўқ. Майли, шу ерда юрсин-у, ишдан бўшаб, сира бири икки бўлмасин...”

Қаҳр лаҳзалик экан, дарров чекинди. Тасаввурида Нурбекни хор, юпун ҳолатда кўрди-ю, яна ачиниб, меҳри ийиб кетди. “Ўшанда келса керак, “кечиринг” деб. Ўшанда мен уни кечира оламанми? У-чи, у ўзини шу аҳволга солган киши мен эканимни билса, кечира оладими? Баттар нафратланиб кетмайдими? Умуман, унга зарар етказиб, қасос олиб, шундан лаззат топа оламанми мен? Нималар деяпман ўзи? Наҳотки, севган одам севгилисининг қўлига тикон киришини истаса? Севмагани, сева олмагани учун гуноҳкор эмас-ку? Эр кўрмаган ёш қиз бўлганимда ҳам майли эди. Оҳори тўкилган тул хотин бўлсам-у... Покдомон бир йигитдан бунча талаб, бунча иддао қилиб ўтирсам. Адолатдан эмас-ку бу! Аёл бўлсам ҳам, номардлик қилишим керак эмас...”

Кейин яна Ботиров ҳақида ўйлади. “Шошмаслигим керак. Чуқур ўйлаб кўрай. Агар кўнглимни кўндира олсам, тегсам тегарман. Ҳозирча, шошмай турайин”.

Телефон бетўхтов жиринглаб ётган айна дақиқаларда ҳам хоним зиддиятли ўйлар қуршовида эди. Шу боис гўшакни олишга шошилмаётганди. Ногаҳон бир пайт кўнглига “Нурбек бўлса-чи?” деган фикр келди. “Олай-чи, агар Далер бўлса, индамай қўйиб қўяман...”

Гўшакни олди-ю, қувончдан қичқириб юборай деди: “Нурбек! Эй Худо, кўнглимга солганингга шукр!”

– Тақдирнинг ўзи бизни такрор-такрор рўбарў қилмоқда, – деди Нурбек ҳазил оҳангида.

– Тақдирга раҳмат, шунақа бўлса агар, – деди хоним.

– Ёрдамингиз, тўғрироғи, маслаҳатингиз керак.

– Жоним билан. Агар қўлимдан келса...

– Сиз Ҳакимаҳон исмли аёлни билармидингиз?

– Ҳа. Сал-пал. Нима эди?

– Ўша аёл... Келинг, яхшиси, ўша тунов кунги тамадди-хонада кўришайлик, агар вақтингиз бўлса.

– Қачон?

– Ҳозир. Мен ўн дақиқада етиб бораман. Майлими? Сиз тушаверинг.

– Майли.

Хоним то кийиниб, тушиб, етиб боргунича Нурбек келиб, кутиб турган экан. Тамаддихона тўридаги кичик хоначалардан бирига кириб, қаҳва буюришди.

– Ҳакимаҳон бир ой аввал таҳририятга шикоят ёзган экан. Шикоят вилоятдаги мухбиримизга текшириш учун берилган эди. Мухбир Ҳакимаҳонни тополмаган. Уйдагилар бундан ўн беш кун аввал “пойтахтга бораман” деб чиқиб кетганича, дараги бўлмаётганини, бу ҳақда милицияга хабар беришганини айтишган. Милиция ҳам ҳозирча дарагини топмабди.

– Шикояти нима ҳақда экан?

– Шикоят жудаям кенг қамровли. Хуллас, бу аёл қамоқдаги эрини чиқариш учун кўп елиб-югурганини, катта сарф-харажатлар қилганини, бироқ ҳеч натижа чиқмасдан, эри ҳануз қамоқда эканини баён қилган. Хатда маҳаллий ҳуқуқ идораларидан тортиб, депутат Далер Ботилов, ҳалиги... Мухтор Эрғозиевгача унга “ёрдам берамиз” деб чув туширганликлари айтилган. Бир жойида сизнинг номингиз ҳам тилга олинган...

– Вой, мен нима қилган эканман?

– Хавотир олманг, у сизни “адолатпарвар аёл, менинг қанчалик жабр тортганимни ўша киши яхши билади”

деган. Шунинг учун сиз билан суҳбатлашишга қарор қилдим. У ҳақда билганларингизни айтиб берсангиз.

Хоним Ҳакимахон билан қачон, қандай ҳолатда танишганидан бошлаб, охирги суҳбатларигача муфассал гапирди. Далер билан муносабатларини юмшатиброқ айтди. “Бировга беҳуда гумон туғдиришнинг нима ҳо-жати бор” деб ўйлади. Ҳакимахон Мухторнинг ҳузурига бориб, Далердан ҳовлисини тортиб олиб беришни сўра-моқчи бўлганини ҳам айтмади.

– Нима деб ўйлайсиз, Ҳакимахон қаёққа ғойиб бўли-ши мумкин? – деб сўради Нурбек. – Ё пойтахтда бирон жойда яшириниб юрганмикан? Кимдан яширинади? Нега? Унга ким хавф солган бўлиши мумкин?

– Уни ўлдириб юборган бўлишлари ҳам мумкин, – деди хоним.

– Нега шундай деб ўйлайсиз? Унда кимнинг қасди бўли-ши мумкин? Ботиров унақага бормаса керак. Мухтор эса аёл киши билан пачакилашиб юрадиган йигит эмасди.

– Ҳакимахон сал эҳтиётсизроқ, таваккалчи аёл. Бошқа танишлари ҳам кўп бўлган. Ҳар қалай унинг яшириниб юришига ишониш қийин.

– Майли, тегишли идоралар иш олиб боришяпти. Яқин орада масала ойдинлашиб қолса, ажаб эмас.

Кейин уларнинг гапи қовушмай қолди. Нурбек зўр бериб, хонимнинг кўзига қарамасликка ҳаракат қилар, хоним мавзуни ўзлари томонга яқинлаштиргани сари, у бошқа томонларга буриб юборар, хуллас ўзини олиб қо-чар, сўзни мухтасар этиб, қочиш учун пайт пойлар эди.

– “Тақдирнинг ўзи бизларни учраштирмоқда” деган-дингиз, – деди хоним мавзуни яқинлаштиришга сўнгги бор уриниб.

– Ҳа, шундай бир ҳазил гап бор “Қилич ва қалқон” фильмида. Ўша эсимга тушганди. Сиз билан учрашуви-миз бесамар бўлмади ҳар қалай. Олиб бораётган “журна-лист суриштируви” мизга анча ёрдам бердингиз.

– Демак, энди учрашсак ҳам, фақат иш юзасидан учрашар эканмиз-да?

– Шуниси маъқул... Лекин дўстона муносабатларимиз бир умр сақланиб қолади, деган умиддаман.

– Илойим айтганингиз келсин.

ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Янги қўмита раиси ўринбосарининг навбатдаги қизгин иш кунларидан бири одатдагидек телефон қўнғироғи билан бошланди.

– Ассалому алайкум Далер ака, – деди овозидан анчайин ёшлиги сезилиб турган эркак. – Мен сизнинг ҳамшаҳрингиз бўламан. Ҳузурингизга адолат ахтариб келдим. Иложи бўлса, қабул қилсангиз...

Бундай қўнғироқлар деярли ҳар куни бўлиб турар, Далер улардан зерикиб кетганди. Шу боис телефондаги йигитнинг гапини охиригача эшитиб ўтирмади.

– Менинг қабул куним ҳафтанинг охирида. Қоидага биноан рўйхатга ёзилиб, ўша куни келинг.

– Унгача қамалиб кетишим мумкин. Иложи бўлса, шу бугун қабул қилсангиз...

– Оббо, айтдим-ку тартиб-қоидани. Нимага қамаласиз?

– Тухмат қилишяпти. Эрғозиевнинг ўлдирилиши бўйича...

Далер қизиқсинди. “Ким экан бу? Эҳтимол, Мухтор билан боғлиқ қизиқроқ бир гап айтар. Қабул қилиб кўриш керак...”

– Ундай бўлса...

– Сиз хавотир олманг. Мени аввал кўргансиз. Агар ҳўп десангиз, ишдан кейин кеч соат саккизда “Денгиз тухфалари” ресторанида бир пиёла чой ичсак...

“Ўхў, – деб ўйлади Далер. – Бу энг қиммат ресторан-ку...”

– Майли, соат саккизда ўша ерда кутинг.

Кейин ўйга толди. “Ким бу? Мухторнинг рақиблариданми?” Мухторнинг отилиши Далернинг кўнглидаги хавотирларни қувган ва ҳатто уйидаги ўғирликни кўпроқ ўшандан гумонсирагани учун бир қадар хурсанд ҳам қилган эди. Ҳакимаҳоннинг йўқолганлиги ҳақидаги хабар эса яна хавотирга солди. “Ҳакимаҳон ишқилиб у ер-бу ерда менинг номимни оғзидан гуллаб қўйган бўлмасин-да...” Аслида Мухторни менинг уйимни “тозалашга” ўша кўндирган деб тахмин қилганди Далер. Чамаси у Мухторнинг олдида “ўлжа”дан улуш талаб қилиб борган-у, ўзига ўзи ҳукм ўқиб қўйган. Мухтор узунқулоқ гапларга қараганда, бу масалада жудаям шафқатсиз бўлган. Бунга бир мисол эшитганди. Маҳалласида бир бола безорилик қилиб, қамалиб қолганида, унинг онаси келиб, Мухтордан ёрдам сўрабди. Мухтор “ёрдам бераман, терговчи билан гаплашаман” деб аёлдан анча пул олган, бола барибир қамалиб кетган. Аёл келиб пулни талаб қилган. “Акс ҳолда тегишли жойларга ёзаман” деб таҳдид қилган. Ўша куниёқ аёл ғойиб бўлган. На ўлиги, на тириги топилган. Бола олти ойдан сўнг қамокдан чиқиб келиб, воқеани орқаваротдан эшитади ва Мухторнинг олдида бориб, изоҳ талаб қилади. Ўша куниёқ бола ҳам йўқолади.

Бу миш-мишларнинг Мухторга нечоғлик алоқаси борлигини ҳеч ким исбот қила олган эмас. Бироқ Ҳакимаҳоннинг йўқолишини эшитиб, “Бу – тайин Мухторнинг иши” деб ўйлади. “Бир-бирининг гўштинини е, падарлаънатлар” деб сўкинди. Айни пайтда Ҳакимаҳон билан қисқа вақт бўлса-да, бир ёстиққа бош қўйиб юрганини эслаб, сал ачинди. “Бўғирсоқдек аёл эди қурғур. Ёш жони ҳайф кетибди. Шўрлик эрини ҳам чиқаришнинг иложи бўлмади. Куруқ илтимос ўтмади. Энди яқин орада ўзи ҳам чиқиб қоларди-я. Шўрлик. Уйга келиб, хотини йўқолганини билса, нима аҳволга тушади?”

Кейин яна ўз ўй-хаёлларига қайтди. “Ишқилиб, бирон жойда мен ҳақимда гапирмаган бўлсин-да. Ҳозир омад келиб, шундоққина ёнимда турганида биронта ҳам ор-тиқча гапнинг кераги йўқ...”

Далер Ботиров янги қўмитани бошқара бошлаганидан бери тунов кунгина оғиз-бурун ўпишиб юрган “айирмачи” ҳамкасблари тўнларини тескари кийиб олишди. Айниқса, “спортчи” ва “шоир” уни “сотқинлик-да” айблаб, ошқора гапира бошлашди. Тўнгфеъл “шоир” ҳатто бир кун кўчада тўхтатиб:

– Бу кетишда сен анча узоққа борасан, – деди.

Далер ўзини тушунмаганга олиб, елка қисди.

– Билмадим, нималарга шаъма қиялпсиз? Шоирона қилмасдан, очиқроқ айтавермайсизми?

– Очиқ гап шуки, – деди қадди ингичка бўлса ҳам, ово-зи дўриллаб гапирадиган саҳройи шоир, – сен, ука, икки томонга ўйнашга уста экансан. Унда кўпроқ жон сақлаш учун ҳар мақомга йўрғалаш, кимнинг доираси гижба-данг уриб турса, ўшанинг куйига ликиллаш лозим бўла-ди. Фақат бир хавотирим, бир хавфим борки, сен қачон бўлса ҳам, ўз ажалинг билан ўлмайсан деб кўрқаман.

– Эй ака, нафасингизни иссиқ қилинг. Бировга ўлим тилагунча, ўзингизга умр тиласангиз-чи, – деди Далер ҳам бўш келмай. – Унвонли шоирман деб оғзингизга кел-ганини гапираверманг-да! Оламиз биз ҳам ўша унвонни вақти келса!

– Илойим олгин ука, – деди “шоир” юмшаб. – Кўнг-лингга қаттиқ теккан бўлсам, узр. Ёшим сендан катта бўлгани учун бир ўгит бермоқчи эдим, холос. Аслида, ўзини доно деб ҳисобловчи кимсага ҳар қанча насиҳат қилма, зое кетишини биламан.

Далер бурилиб кетди. Йўл-йўлакай “Афсуски бизда “Халқ журналисти” деган унвон йўқ, бўлганда молимни, жонимни сотсам-да, олардим ўша унвонни” деб ўйлади. Майли, ҳечқиси йўқ, ҳозирча “Хизмат кўрсатган журна-

лист” унвонини олиш керак. Йўқ, яхшиси “Хизмат кўрсатган маданият ходими”. Чунки бу унвоннинг қамрови кенгроқ. “Хизмат кўрсатган журналист” унинг келажақдаги ўсишига халақит бериши мумкин. “Хизмат кўрсатган юрист” унвонини олишнинг имкони бўлганда-ку... Э, бу яхши фикр-ку. Юридик институтига сиртдан ўқишга кириб қўйиш керак. Битирганидан сўнг унвонни ҳам олади. Ҳам журналист, ҳам юрист бўлсам ёмонми? Айтганча, мавридини топиб, бирон фан бўйича номзодлик диссертациясини ҳам ёқлаб қўйиш керак. Ялангоёқ олимлардан бирортасининг қўлига беш-олти сўм пул берсанг, уч ойда ёзиб, ҳимоя ҳам қилдириб ташлайди. Қайси фандан ёқласам экан? Иқтисод тузук. Ё фалсафами? Эҳтимол, юридик фанлари номзоди бўлгани маъқулдир. Бироз вақт ўтказиб, докторлик ҳам ёқлаш мумкин. Мана бу бошқача жаранглайди: Далер Ботиров – юридик фанлари доктори, хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос. Ана ўшанда раисликка бемалол даъвогарлик қилса бўлаверади. Тўғри, бу ишларнинг ҳаммасини депутатликдан олаётган маошига қилиш қийин. Ширкатлардан келаётган даромаднинг ҳам сира чўғи ошмаяпти. Унинг майда-чуйда ошхонаю дўконлари Мухторнинг “кўп тармоқли” фирмаси билан рақобат қилолмади. Сиртдан Мухтор уларга зуғум ўтказмаса-да, ишлагани қўймайди. Далер ўз мавқеидан фойдаланиб, уларга ошкора раҳбарлик қила олмайди. Гап-сўз кўпайиб кетиши мумкин. Тартиб-назорат жиддийлашгани сари у ер-бу ерга ишга одам жойлаштириб, уч-тўрт танга ишлашнинг ҳам иложи бўлмай қолаётир. Пул эса тобора кўпроқ керак. Режалар катта, уларни амалга ошириш учун маблағ ҳам катта бўлиши зарур. Темир сандиқни ўғри урмаганда-ку... Майли, ўтган ишга куйинишнинг фойдаси йўқ. Олдинга қараш керак. Эҳ, лаънати Ҳакимаҳоннинг йўқолгани яхши бўлмапти. Ишнинг белига тепиши мумкин... Қизиқ, телефон қилган йигит бу ҳақда ҳам бирон нарсa билар-

микан? Ўсмоқчилаб кўриш керак. Аммо хавфли эмасми у билан учрашиш? Гумон остида бўлса... Э, йў-ўқ, гумон жиддий бўлса, у очикда юрмасди. Шунчаки, мелисадаги айрим шоввозлар “хўлу қуруқни ёндириб, уни ҳам шилмоқчи бўлишаётгандир. “Денгиз тухфалари” ресторанига таклиф этганига қараганда... пулдор бўлиши мумкин. Учрашиб, гаплашиб кўриш керак...”

Айтилган вақтдан ўн минутча ўтказиб, ресторанга борди. Йигит ташқарида, эшик ёнида кутиб турган экан. Далер эслади. Уни бир марта, хув ўшанда, Эрғозиевларникига борганида кўрган. Келишган, қорувли йигит.

– Менинг исмим Олтинбой, ассалому алайкум, – деди йигит ғалати тарзда сўрашиб.

– Қизиқ исмингиз бор экан. Отангизнинг исми Олмос эмасми, ишқилиб, – деди Далер беихтиёр собиқ қайнотаси Олмосов эсига тушиб.

– Йўқ. У кишининг исмлари Жавоҳир эди. Бунинг сабаби бобомнинг исмлари Тоҳир, ўзлари заргар бўлган. Бобом ҳам, отам ҳам ўтиб кетишган. Қани, ичкарига!

– Жойлари жаннатда бўлсин, – деди Далер рестораннинг кенг, ҳашаматли залига кирар экан. Ичкарида деярли одам йўқ. Улар майин мусиқа янграб турган сахнадан четроққа, шинам бўлмадаги ҳафсала билан тузалган бир стол ёнига ўтиришди.

– Сизни қаерда кўрганимни эсладим, – деди Далер. – Мухторникида.

– Ҳа, ўша пайтлар бирга эдик. Кейин йўлларимиз айланиб кетди. Гарчанд гоҳ-гоҳ ҳамкорлик қилиб турар эдик. Мен унинг фаолиятидаги айрим жиҳатларга қарши бўлганим учун бирга ишлай олмадик. Очиги, агар янглишмасам, охир-оқибат ўша жиҳатлар унинг бошига етди...

– Яъни?

– Мен ҳозирги замонда бизнесда билакнинг кучини

эмас, каллани кўпроқ ишлатиш керак, деган фикрдаман. У эса бунни тушунишни истамас, “кучингни кўрсатиб турмасанг, ҳурмат қилмай қўйишади” дерди. Шунинг оқибатида кўп душман орттирди. Бу ҳаёт шундай: доим зўрдан ҳам зўрроқлар чиқаверади.

– Демак, Мухтор ўзаро тўқнашув қурбони бўлибди-да?

– Мен аниғини билмайман. Тахминимча, шундай.

– Ўзингиз... Нима иш қиласиз, агар сир бўлмаса?

– Сир эмас. Меники оддий олди-сотди. Кичикроқ бир фирмам бор. Ҳунармандчилик билан шуғулланамиз. Хорижлик сайёҳларни қизиқтирувчи шарқона эсдалик совғалар тайёрлаймиз.

– Яхши иш билан шуғулланар экансиз-ку. Сизни нима деб безовта қилишяпти?

– Тергов жараёнида кимдир менинг Мухтор билан келишмай юрганим ҳақида кўргазма берган, ўшанга айлантиришяпти. Аслида ҳеч қанақа асос йўқ. Мухтор отилган кунлар мен хорижда бўлганман. Кўргазмада қатнашиш учун боргандим.

– Унақа бўлса кўрқманг, Сизга ҳеч қанақа даъво қилишолмайди.

– Биладан. Лекин судраб, овора қилиб юришади-да... Агар сиз тегишли одамларга бир оғиз айтиб қўйсангиз, миннатдор бўлар эдим...

Олтинбой шу аснода чаққонлик билан қўйнидан бежирим конверт чиқариб, Далернинг олдига қўйди.

– Биздан арзимас тухфа. Камига қарздормиз...

– Қўйинг, бунақа ишларни, – деди Далер паст овозда теваракка олазарак нигоҳ ташлаб.

– Хавотирланманг. Мен мард йигитман. Кейин рестораннинг эгаси қалин дўстим бўлади. Бу ерда ҳозир биздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ўз уйингизда ўтиргандек ҳис қилинг. Мен ҳозир...

Йигит шундай деб туриб кетди. Далер бунни у атайлаб қилганини тушунди. “Ақлли йигит экан” деб ўйла-

ди. Атрофга яна бир қур назар ташлаб, конвертни костюмининг қўйин чўнтагига солди. “Нақадар эҳтиётсиз одамман-а, – деб ўйлади шу аснода. – Танишганимга беш дақиқа бўлди-ю, умримда биринчи бор кўрган, бунинг устига иши терговда бўлган одамдан пора олиб ўтирибман. Нега мунча очкўзман-а? Кузатиб келишган бўлса, ҳозир “шаппа” ушлашса нима бўлади? Нега салобатли ва қўл етмас даражада юксак бўлолмайман? Депутатман-ку! Мавқеим баландлашгани сари ўзим пастлашиб боряпман. Ҳозир берган пулини башарасига улоқтириб, туриб кетишим керак эмасмиди?..”

Конверт семизгина экан. Кўкрагига “жиз” этиб, ис-сиқ теккандек бўлди. “Йўқ, бу пора эмас. Ёрдам учун ҳақ. Ахир капитализм шароитида ҳамма нарса, бинобарин ёрдам ҳам сотилади-ку. Камбағалларга беғараз ёрдам бериш мумкин. Бойлардан эса бунинг учун ҳақ олиш айб эмас. Қолаверса, депутат сифатида дахлсизман...”

Йигит келди. Дастурхонга даъват қилди. Далер нонга ёғ аралаш қора икра суркаб еди. Олтинбой қадаҳларга виски қуйди.

– Қизил балиқ билан газак қилинг, – деди Олтинбой.

– Вискини қўятулинг, – деди Далер. – Анови рус ароғидан қуйинг. Қора икра билан яхши кетади.

– Хўп бўлади, – деди Олтинбой қадаҳнинг каттароғини тўлатиб “Олтин водий” ароғидан қуяр экан.

– Ароқ ҳам сизнинг номингизга қўйилган экан-а, қаранг, – деди Далер шишани кўрсатиб, сўз ўйини қилар экан. – Олтин Тоҳировнинг “Олтин водий” ароғи.

– Ош бўлсин, қани, бир оғиз сўз...

– Олайлик, олдирмайлик! Қани олинг!..

Кайфи ошди. Йигитнинг қулоғига оғзини қўйиб, танбеҳ берган бўлди.

– Аммо-лекин... Мен жудаям катта таваккал қиялман. Илтимос масаласида...

– “Таваккал қилмаган киши шароб ичолмас” деган нақл бор-ку, Далер ака, – деди йигит дадилланиб. – Бояги

хамир учидан патир. Мени тинч кўйишса, миннатдорчиликнинг давоми бўлади, ака.

– Муаммо нимада ўзи?

– Мен тез-тез хорижга бориб тураман иш юзасидан. Янаги ҳафта ҳам Лондонга Сотби аукционига кетишим керак. Бу терговчи бўлса, “Айрим нарсаларни аниқлагу-нимизча, шаҳардан чиқмай туришингиз керак” деяпти.

– “Сотби” дегани анови ноёб нарсалар сотиладиган жойми?

– Худди ўзи. Аммо-лекин бир боришингиз керак-да! Насиб этса, ўзим олиб бораман... Битта-ярим қадимий ноёб ёдгорликлардан сотса, одам етти пуштига етадиган маблағ ишлаб олиши мумкин.

– Йўғ-е, – деди Далер, – биздаям шунақа қимматбаҳо нарсалар бормикан?

– Бор, бор, Далер ака. Кўпчилик бунни тушунмайди-да. “Зар қадрини заргар билади” дейишган-ку.

– Яшанг, заргарнинг боласи, бу ҳақда бир алоҳида гаплашамиз, – деди Далер завқи келиб. Кейин “бу боладан анча иш чиқадиганга ўхшайди” деб ўйлади.

Олтинбой уни ярим кечада уйига олиб келиб қўйди.

– Эртагаёқ гаплашаман, – деди Далер хайрлашаётиб.

ҚИРҚИНЧИ БОБ

“Боғи эрам”да баҳор қулф урди. Уйига яқин бўлгани учун Мушфиқахоним шу боғга танда қўйган. Дам олиш кунлари ям-яшил боғ қўйнида, зилол сувли ҳовуз атрофида, фавворалардан сачраётган минглаб маржон зарралар ҳосил қилаётган камалак рангларини томоша қилиб юриш нақадар фараҳли. Бўм-бўш уй сингари ҳувиллаб ётган кўнглини бу гўзал манзара сал-пал ёритгандек, эстрада томонидан янграётган шўх куй, баҳорий кайфият оғушидаги йигит-қизларнинг шўх кулгулари дилдаги

махзунлигини, маъюслигини жичча аритгандек бўлади. Ногаҳон бир қўшиқ янграйди-ю, кўксидаги изтироб қайта бошдан янгиланди.

*Муҳаббат йўқ экан дунёда
Бевафо кўп экан дунёда...*

Юраги орзиқади. Кўзлари намланади. “Бевафо... Бошда умидлантириб, кейин сурбетларча кетиб қолгани алам қилади...” дея пичирлайди лаблари. Навбатдаги қўшиқ эса куйи шўх бўлса ҳам, юракка ханжардек санчилади:

*Мен олмани ирғитворсам у дод солди,
Ташлаб кетар экан мени нега олди...*

“Эркак халқининг бари бир гўр... Муродини ҳосил қилгунча ўлиб-тирилади-ю... Кейин яна асл ҳолига қайтади...”

Айни пайтда хоним Нурбекка ўзи харидор бўлгани учун уни қаттиқ қарғашга ҳаққим йўқ, деб ҳисоблар, бироқ “ҳамонки, кўнгли йўқ экан, нега иродасизлик қилади, ахир остонамдан ҳатламай қайтиб кетса бўларди-ку, ўшанда бунчалик алам қилмас эди” дея ўртанарди. “Ўзим қўймадим-ку ҳол-жонига” дерди у яна. Шўрлик роса қаршилиқ кўрсатди-ку. Охири “Мен ҳам эркакман-ку, бир бева аёлнинг савобини олсам олибман-да” дегандир-да. Бунинг учун уни айблашим тўғри эмас...”

Кейин ўз кўнглида кечаётган фикрларга гўёки бегона кишидек сиртдан, чеккароқдан назар ташларди-да, ўз устидан кулиб: “Бечора, барибир яхши кўрасан-да, ҳеч ёмон кўргинг келмайди” дерди. “Эр кўриб, эп кўрмаган, рўзғорга ялчимаган аёл бир яхши кўрса, ёмон қаттиқ яхши кўради” дерди раҳматли бувиси. Ҳақ гап экан. Мушфиқахоним Нурбекни қаттиқ яхши кўрди. Шунчалик қаттиқ яхши кўрдик, бу фақат Оллоҳгаю ўзига аён. Севгининг бу қадар кучли бўлгани устига жавобсиз бўлгани уни деярли ақлдан оздирай деди Айрим пайтлар хоним... Шу даражадаги телбаваш хаёлларга

бордики, эслашнинг ўзи даҳшатли. “Хотинининг олдига борсам, оёғига бош уриб, ялинсам, синглим ё дугонажон, шу йигит иккаламизга ҳам бўла қолсин” десам-чи” қабилдаги хом хаёллар ҳам сурди. “Шундай қилсам, хотини “ўзи рози бўлса, олиб кетаверинг” демайдими, ахир ҳамма гап ўзида-ку. Ўзи эса... Ўзининг бағри тош экан... Хоним Нурбекнинг бағридаги тошни эритолмаслигига кўзи етди. Айниқса энди... Кеча Далер кўнғироқ қилиб, гап орасида “Холмуҳаммедовга ҳам уй бердик, оиласини кўчиртириб келади” деб айтди. Бунинг маъноси “Энди ундан умидингни узавер” дегани. Далер хонимнинг Нурбекка кўнгли борлигини қачон, қандай билган? Бало экан бу Ботиров дегани. Ернинг тагида илон қимирласа билади. Афтидан, у хонимни биринчи марта кўрганидаёқ ёқтирган ва ўшандан буён кузатиб юрибди. Лекин ёмон гапирмайди, кўнглига тегмайди, Мухтор сингари зуғум қилмайди. “Пайт келиб, ўзи тушунади ва севгимга жавоб беради” деб кутиб юрибди. Сабр-тоқатига қойил. Кўпни кўрган, тушунган, зиёли одам-да барибир ҳам. Бунақа одам билан муносабатда бўлсанг, кўнглинг тинч бўлади. Ҳар қалай айрим оғзи шалоқ савдогарваччаларга ўхшаб “ановини ановинақа қилувдим” дея лақиллаб юрмайди ҳеч қурса. Аммо-лекин Далер Ботиров хоним билан фақат хушторлик қилмоқчи эмас. Унинг нияти жиддий. Бу ҳақда бир неча марта гапирган. Ё бу ҳам муродини ҳосил этгунча ялтоқладими, кейин... обрўйимга тўғри келмас экан, деб ўзини олиб қочадими? Буни қандай аниқлаш мумкин шу топда? Хоним азбаройи зериккани, юраги сиқилиб кетгани учунми, шу топда ҳатто кўнгли чопмайдиган бўлса ҳам “Ботировнинг таклифини қабул қилсам-чи” деб ўйлади. Шубҳасизки, дарров таслим бўлиш керак эмас. Уни аввал обдон синаш керак. Қандай қилиб? Ё синаб ўтирмай, масалани дарҳол кўндаланг қилиб қўйиш маъқулмикан: “Тўй қилиб, никоҳлаб оласиз” дея. “Майли” деб тўй қилса, никоҳига олса-ю, муай-

ян вақтдан сўнг айниб қолса-чи? У Далер Ботировнинг тарихини эшитган. Илгари икки марта уйланган экан. Хотин қўйиш унга чўт эмас. Депутат-ку, обрўсини ўйламайдими? Ҳозир бунга ким эътибор бериб ўтирибди. “Оилавий муаммо – ҳар бир кишининг шахсий иши” деган бемаъни қоида русм бўляпти. Э-э, шошма-шошма, у билан... Никоҳ шартномаси тузиш керак. Шу ерда бир ҳуқуқшунослигимни кўрсатай. Шартномада шартларни жиддий қилиб қўяман. Унинг мажбуриятларига урғу бердиртираман: “агар ажралсам, мол-мулким тўласинча хотиним ихтиёрига ўтади” деган маънода. Кўнармикан? Кўнса керак. Ҳозир ҳар қанақа шартга рози бўлиб юрибди-ку. Ажойиб фикр! Ҳамонки, кўнгил истаги бажо бўлмаган экан, энди бу ҳисоб-китобли дунёда пухталиқ қилиб, ҳар бир ишни манфаатга бўйсундирмоқ керак...

Хоним уйга қайтиб, эшик қулфига калит сола бошлаган чоғдаёқ ичкарида телефон жиринглади. “Ўша Далер Ботиров, Хизрни йўқласак бўлар экан...”

Кириб гўшакни олди. Худди ўйлаганидек, севиниб кетди. Нурбекнинг “тақдирнинг ўзи бизни учраштиряпти” деган ҳазил гапини эслади. “Тақдир – у эмас, бу – шекилли” дея қулиб, гап бошлади.

– Ўзимам сизни ўйлаб тургандим...

– Йўғ-е, ростданми? Қандай яхши. Демак, билгандек кўнғироқ қилибман-да?

– Кўнгил яқин-да.

– Илоҳим шундай бўлсин. Нима муносабат билан эсландингиз, агар сир бўлмаса?

– Кўргим келди.

– Агар ҳазиллашмаётган бўлсангиз, ҳозироқ ҳамма ишни йиғиштириб, қанот боғлаб, учиб бораман.

– Келинг...

Далер келгунича қирқ дақиқа ўтди. Бу орада хоним унга айтадиган гапларини кўнглида чандон пишитди. Ботировни остонада қандай кутиб олиш кераклигига

режалаштириб қўйди. Эркакни энтиктирадиган қилиб кийинди. Таранди. Хушбўй фаранги атирлардан пурканди, бўянди. Упа-эликларга беланди. Шу тахлит кўнғироқ жиринглаб, эшик очилганда, Ботиров қаршисида у илгарилар кўрган қиёфадан тамоман бошқача: гул-гул яшнаб турган хайрихоҳ ва энг муҳими, унинг ташрифига муштоқ бир чехра намоён бўлди. Агар Далернинг ўрнида “аёлшунослик” фанидан эндигина илк сабоқларни эгаллаётган тажрибасизроқ бирон йигит бўлганида “оҳ” дерди-ю, остонага йиқилиб тушар эди. Ҳайтовур, Далер ҳаёт кўрганлиги боис саросимага тушмади. Фақат хаёлидан “Ё пирай, бу ўша мен билган Мушфиқахонми, намунча очилиб кетибди” деган севинчли фикр кечди. Ва бу фикр салом-аликдан ҳам олдин тилига қалқиб чиқди.

– Ўх-ў, бунча очилиб кетибсиз, – деди ҳис-ҳаяжон билан.

– Шунақами? Раҳмат. Ҳозиргина боғ сайридан келувдим.

– Ёлғиз борманг-да, боғ сайрига, – деди ўпкалангандек Далер. – “Боғ сайрига бормасман, сен бўлмасанг ёнимда, чаман гуллар термасман, сен бўлмасанг ёнимда” деган ашула қаёқда қолди?!

– Мана, чақирдим-ку, ёнимда бўлинг деб, – уялгандек истиғно билан сўзлади хоним. Далернинг енгил ёмғирпўшини елкасидан олиб, кийим илгичга осар экан. Бу гап нишонга шу қадар аниқ тегдики, Далер ҳали даҳлизда турибоқ, терисига сиғмай қувониб, илҳомланиб кетди. “Мақсадинг остонасида турибсан, энди тезроқ ҳатлаб ичкарига кир! – дея хитоб қилди унинг ичидаги доимий мухолифи тантанавор ва масхаромуз оҳангда. – Темирни қизиғида бос!”

– Мен бу кунни узоқ кутган эдим, – деди у шавқ билан ва хонимнинг нозик белига қўл узатди.

– Ҳай-ҳай, шошилманг, – деди хоним унинг қўлини чаққонлик билан ўзидан узоқлаштирар экан, – Тўйдан кейин...

– Тўй? Қанақа тўй? – ҳайрон бўлди Далер. Кейин мияси ишлаб кетиб, хатосини дарҳол тузатишга улгурди. – Ҳа-я, албатта, тўй... Сиздан ўргилсин. Қанча тўй керак сизга?

– Битта бўлса етади, – деди кулимсираб хоним. – Биттагина. Камтаргина. Ва бу охиргиси бўлсин илойим.

– Бўлади! Камтар эмас. Рисоладагидек тўй қиламиз. Пойтахтнинг энг катта ресторанида. Қулинг ўргилсин бир тўй қилиб, уйланаман сизга. Ўн саккиз яшар қиздек чимилдиққа кирасиз...

– Ҳавойи ваъда эмасми, ишқилиб бу гапларингиз?

– Ўғил бола гап. Сўзининг устидан чиқмаган – номард!

– Қанақа шартинг бор, деб сўрамайсизми?

– Ҳар қанақа шартни бажаришга тайёрман.” Истасанг ойга учайми, жонгинам шартингни айт...” деган экан бир шоир.

Хоним кулиб юборди. Далерни меҳмонхонага бошлади.

– Ижодкорсиз-да барибир ҳам, – деди ўтириб фотиҳа қилганларидан сўнг. – Гапга устасиз. Лекин мен ижодкорларга унчалик ишонмайман. Кўпчилиги ёлғончи бўлишади. Қоп-қоп ваъда қилишади-да, кейин қочиб қолишади.

– Мен унақалардан эмасман, – деди Далер чой дамлаш учун чиқаётган хонимнинг ортидан овозини баланслатиб. У хоним “ижодкорларга ишонмайман” деганида Нурбекни назарда тутаётганини тушуниб, яна ҳам хурсанд бўлиб кетганди. “Пайтаваси йиртиқ бир мухбир бунақа жононнинг қадрини қаердан билсин? Битта ўзига ўхшаган калиши йиртиқ хотинни топиб олиб, бир умр ўшанинг этагига ёпишиб, ҳаёт шу экан” деб ўтиб кетаверади-да. Қизиқ! Хоним ўша пандавақининг нимасига ҳавас қилди экан? Зийрак аёл-да! “Келажаги порлоқ” деб ўйлаган. Ҳолбуки, ҳозирги замонда бунақа “ҳақиқат-параст” кимсаларнинг келажаги порлаши даргумон.

Келажакни ўйлайдиган одам ақлли, уддабурро бўлиши зарур. Агар Нурбекда ақл бўлса... Далер билан эски кадрдонлигидан фойдаланиб, унинг атрофида гирдикапа-лак бўлиб юриши керак эди. Далер кекчи эмас. Ёрдам қиларди. Ана, қанчасига ёрдам берди. Вилоят газетасида оддий мухбир бўлиб юрган Шерали Холмуҳаммедов Далернинг хизматини қилгани учун туманга раҳбар бўлиб кетди. Вилоят газетаси таҳририятида бирга ишлаган чоғларида Нурбек билан Шералини фамилиядош, исмлари ҳам уйқаш бўлгани учун кўпчилик ака-ука деб ўйлар, бироқ феъл-атвори тамоман тескари эканлигидан ҳайрон қолишарди. Нурбек – ўжар ва тўнг, Шерали – юмшоқ ва бўйсунувчан, Нурбек – ўзига бино қўйган, Шерали эса мудом хизматга камарбаста эди. Кейинги тақдирлари ҳам шунга яраша бўлди. Нурбек гарчанд пойтахтга келиб, катта газетада ишлаб юрган бўлса ҳам, ўша-ўша – ўжар ва ҳақиқатпарастлиги учун мудом тишининг кирини сўради. Ўлиб-тирилиб, яқинда шаҳар четидан икки хонали квартира олди. Шерали эса энг “ёғли” туманлардан бирининг раҳбари, молу давлатининг ҳисоби йўқ. Икки-учта ҳовли-жой, қайнонасининг номига “Мерседес” мошин олган. Яшашни билади-да! Аммо лекин вафоли йигит экан. Далерни ҳам мунтазам йўқлаб туради...

Хоним чой олиб кирди.

– Хизматкор йўқми? – деди Далер. – Ўзингиз чой кўтариб юрманг.

– Хизматкорга жавоб бериб юбордим, холироқ суҳбатлашайлик деб, – деди сирли оҳангда хоним.

– Унақа бўлса... майли. Лекин ташвиш қилманг. Қорним тўқ. Бир пиёла чой ичсам етади. Гаплашиб ўтирайлик.

– Ҳозир... Мана, чойни олинг.

Хоним ёш келинлар сингари ўрнидан туриб, тавозе билан чой узатди. Далернинг юраги ҳаприқди. Чойни

олиб, столга қўйгач, оромкурсидан туриб, диванга – хонимнинг ёнига ўтди. Секин билагидан ушлаб, елкасини силамоқчи бўлди.

– Келишдик-ку тўйдан кейинга деб, – хоним нозли оғринди. – Шартимни ҳам сўрамадингиз.

– Айтинг шартингизни, бажармаган номард!

– Никоҳ шартномаси тузиб, қонуний қайддан ўтиб, тўй қилиб, кейин менга эга бўласиз.

– Шугинами?

– Шугина.

– Бир кунда! Хоҳласангиз, эртагаёқ ҳаммасини ҳал қиламиз. Тўйни ҳафтанинг охирига белгилаймиз. Ҳамма ташвишларни менга қўйиб бераверасиз.

– Чинми шу сўзларингиз?

– Чин.

– Никоҳ шартномасини билсангиз керак?..

– Албатта! “Фуқаролик кодекси”ни тайёрлаш ва қабул қилишда шахсан қатнашганман-ку, хоним! Ҳазил қиласизми? Ё каминанинг ким эканлигини унутиб қўйдингизми?

– Менга биринчи навбатда мард инсон керак. Мен сизнинг мансабингизга қизиқаётганим йўқ. Бир сўзли, қатъиятли одам бўлганингиз учун...

– Юксак баҳойингиз учун раҳмат! Никоҳ шартномасининг мазмунини биламан. Очиғини айтсам, хотиним бўлсангиз, бору йўғим ҳаммаси сизники.

– Болангиз бор-ку.

– Бор. Боламдан албатта воз кечмайман. Бироқ у менинг ғамхўрлигимга муҳтож эмас. Уни мендан айнитишган... Қолаверса, сиз билан ҳам фарзанд кўрамиз, деган умиддаман.

– Билмасам, – деди хоним уялган бўлиб, – ёшим ўтиб қолмаган бўлса...

– Ҳали ўн гулингиздан биттаси ҳам очилмаган. Насиб этса, “қаҳрамон она” бўлиб кетишингиз ҳам мумкин.

– Майли, “Тоғдай сўрасанг, тепадий беради” дейдилар-ку. Лоақал битта бўлса ҳам...

Далер тушунди. Хоним ҳуқуқшунос эмасми, ҳаммасини қонунга тўғриламагунча, васлига ноил этмайди. Ҳозир хушомад қилиб, суйкалиб ўтириш бефойда. Ишни бошлаш ва тезроқ якунига етказиш лозим. Хонимнинг рози бўлгани – ўзи катта муваффақият. Энди бу ёғини тезлатиш зарур.

– Бўлмаса, мен бораёй. Сиз паспортни беринг. Ё эртага эрталаб бирга ўтамизми? Танишлар бор. Аризани бериб, тезда рўйхатдан ўтамиз. Тўйнинг ташвишини мутлақо ўйламанг. Бу эмас, янаги якшанба. “Наврўз”да. Сизга таклифномаларни етказаман. Қариндош-уруғлар, дугоналар дегандек...

– Менда қариндош қайда? Кимсасизман-ку. Битта дугонасифатроқ аёл бор эди, уям йўқолибди.

– Ҳакимаҳонми? Ҳа-а, билишимча, ҳали дараги чиқмаган. Майли, нохуш воқеаларни эсламайлик. Мен кетдим.

Далер чиқиб кетгач, хоним бошини кифтлари орасига олиб, “уф” тортди. “Нималар қиялпман, ахир хоҳламайман-ку” деб ўксинди. Кейин ўзини қўлга олди. “Энди орқага чекиниб бўлмайди. Унақа фикрларни миямдан чиқариб ташлашим керак. Иродали, совуққон, ҳисоб-ки-тобли бўлишга аҳд этганман...”

ҚИРҚ БИРИНЧИ БОБ

Янгича услубда, яъни бир неча варақдан иборат қилиб, расмлар қўйилиб ва таклиф этилувчининг тўйхонада ўтирадиган ўрни рақам билан белгилаб ишланган бу таклифномани кўрган Нурбек нечоғли тушкун кайфиятда ўтирганига қарамай, беихтиёр кулиб юборди. Бу кулги фақат таклифнома муаллифлари устидан эмасди. Гарчанд “Ҳурмат билан Мушфиқаҳоним ва Далер” деган имзони кўриб, биринчи ҳосил қилган тасаввури, хаёли-

га келган биринчи фикр анчайин масхаромуз бўлса-да, яъни у “эски ҳаммом, янги тос” деб ўйлаган эди, шунга қарамасдан, кўнглининг тубида “яшашни билади бу Далер Ботир” деган жиддий бир ҳавас ҳисси ҳам бор эди. Иккинчи тарафдан бу кулги ҳар қанча огоҳлантирувларга қарамасдан қовун тушириб ўтиргани туфайли бево-сита ўзининг ҳам устидан эди. “Кимга тўй, кимга аза” деб ўйлади у яна. Ким мансаб пиллапояларидан шиддат билан ўсиб, шон-шухрату доврўқ таратгани етмагандек, ҳаётнинг энг гўзал, энг лаззатли неъматларидан баҳра-манд бўлиб бормоқда. Ким “ҳалоллик, адолат, ҳақиқат” деган мавҳум тушунчалар ортидан эргашиб, панд еб, бо-ридан ҳам айрилиб ўтирибди.

Воқеа қуйидагича эди.

У хоним билан қаҳвахонада учрашганидан сўнг Ҳаки-махоннинг йўқолиши билан боғлиқ мақолани тайёрлаш-га киришди. Аслида бу ишни ҳуқуқ бўлимининг мухбир-ларидан бирига топширса ҳам бўларди. Бош муҳаррир ҳам шундай қилишни маслаҳат берганди. Бироқ Нурбек “агар йўқ демасангиз, ўзим шуғуллансам” деб туриб олди. Бунинг сабаби Нурбек пойтахтга келганидан бери жиддийроқ бир мақола ёзмаган. Бир-икки уни таниган мухлислар “Нурбек ака, нимага нафасингиз чиқмай кет-ди, тинчликми” деб сўраганида, “ўзимга ҳам ноқулай бўлиб юрибди, таҳририятнинг ички ишлари билан ўра-лашиб, тузукроқ нарсa ёзолмаяпман” деганди. Ҳолбуки, Нурбек ҳам аксарият журналистлар қатори газетада им-зоси чиқиб туришига алоҳида, муҳим масала деб қарар, ўз мақолаларини ўқиганда, ишидан бирмунча қониқиш ҳосил этар, чекиб юрган машаққатлари, турмушидаги нотекисликларни унутар, “ҳар қалай беҳуда яшаётган-ним, беҳуда машаққат чекаётганим йўқ-ку” деган ҳузур-ли бир тасалли туяр эди кўнглида. “Ҳамонки, бу тари-хий, алғов-далғовли замонда мен Далер Ботировга ўх-шаб сиёсат майдонига ўзимни урмаган эканман, лоақал ўз касбимга содиқ бўлишим, ҳақиқат ва адолат йўлида

қўлимдан келгунча курашишим керак” дерди у ўзига ўзи. Бу гапи гоҳида баландпарвоз туюлар, “тинчгина униб-ўсиб юрсам бўлмайдами” деган андишага борар, бироқ бу андиша кўнглига асло таскин бера олмас, “хўш, униб-ўсиб қайгача бораман, Ботировга ўхшаган арбоб бўламанми” дея ижирғанар, “ахир давр қозони қайнаган чоғда кўпик сингари юзага чиққан бу хил арбоблар қачондир сидириб ташланади-ку” дер, “ҳақиқат учун кураш ҳамиша ҳам муқаррар ғалабага олиб боравермайди, бироқ бу курашнинг ўзида ҳам алланечук ҳаловат бор, шунинг учун яшасанг, бир умр машаққат чекиб юрсанг ҳам арзийди” деган фалсафий хулоса чиқарар эди.

Нафсиламбрини айтганда, Нурбек Далер ва унга ўхшаганларга рақиб деб қарар, уларга қарши бевосита бўлмаса ҳам, лоақал билвосита курашиш лозим деб ҳисобларди. Ҳакимаҳоннинг йўқолиши билан боғлиқ воқеада Далернинг бевосита бўлмаса-да, билвосита қўли борлигини аниқлагач, у “мақолани ўзим ёзишим керак” деган қарорга келди. Маълумотларни муфассал ўрганди. Мақолани ёзишга буткул маҳоратини ишга солди. Қайта-қайта ишлаб, қаттиқ меҳнат қилди. Шу тариқа “Аёлни изланг!” деган “журналист суриштируви” вужудга келди. Мақолада Нурбек аёлнинг таҳририятга ёзган мактубида айтилган гапларни келтирган ва шу асосда ўтказган текширув якунларини батафсил баён қилганди. Танқид тиғи кўпроқ вилоятдаги ҳуқуқ идораларига қаратилган, “Наҳотки, бир аёл тик оёқдан йўқ бўлиб кетса-ю, мутасадди идоралар пинагини ҳам бузмаса” деган аччиқ сўзлар бор эди. Гап орасида у Ҳакимаҳоннинг ҳақиқат излаб барча маъмурий идораларга, депутат Далер Ботировга, жиноий гуруҳ раҳбари Мухтор Эрғозиевга мурожаат этганини, сўнгра таҳририятга хат ёзганини айтиб ўтганди.

– Зўр ёзибсан, – деди бош муҳаррир. – Лекин мақолани бу аҳволда босиб бўлмайди. Тамоман қайта ишлаб, пилигини пасайтириш керак.

– Пилиги пасайса... қиммати қолмайди.

– Бўлмаса, ҳозирча тура турсин.

Нурбек мақолани яқиндагина чиқа бошлаган “Мустақил фикр” номли газетага бериб юборди. Шов-шув, ғала-ғовур бўлди. Бош муҳаррир ғазабланди.

– Ўзбошимча бола экансан, – деди. – Бунақалигингни билмаган эканман...

Кейин у “штат қисқариши муносабати билан” Нурбекни “ҳозирча” оддий мухбирликка тушириб қўйди. Яқиндагина уни ўзига “ворис” деб ошкора айтиб юрган, елиб-югуриб уй олиб берган одамнинг бу қадар кескин ҳаракатини Нурбек “Далернинг босими туфайли” деб изоҳлади ва раҳбаридан хафа бўлмади. Дарвоқе, Далернинг ўзи ҳам қўнғироқ қилди.

– Менинг исму фамилиямни кўрсатмаса бўлмасмиди? – деди ғижиниб.

– Ҳақиқат чала бўлмаслиги керак, – деди Нурбек.

– Ҳақиқат эмас, сизнинг ўзингиз чаласиз, – деди Далер. – Агар чала бўлмаганингизда, бунақа иш эмас... жиддийроқ мавзулар билан шуғулланган бўлардингиз...

Ўша гапдан кейин Далернинг тўйга таклифнома юбориши ғалати эди. “Хоним илтимос қилгандир. Ё ўзи ғалабасини кўрсатиб қўйиш учун атайлаб таклиф этганми-кан?”

Ушбу саволнинг жавоби узоқ куттирмади. Хоним қўнғироқ қилди. Бу чоғ Нурбек аввалги шинам кабинетни бўшатиб, “мухбирлар хонаси”га қўчган, ён-веригадаги ҳамкасблардан айримларининг ҳамдард нигоҳига дош беролмай ўтирганди. Улар орасида масхаромуз қараётганлари ҳам бор. Бундай қарашларга чидаш мумкин. Ачинувчи нигоҳларга дош бериш қийин.

– Нурбек ака, сизни бир аёл сўраяпти! – деди қўшни столда, телефон ёнида ўтирган ёш йигит.

– Раҳмат, – деди Нурбек ўрнидан туриб, унинг ёнига борар экан. – Уйдандир-да...

Уйдан эмас экан. Бу хоним кўнғироқ қилаётган эди. Нурбекнинг юраги ғашланиш баробарида ҳаяжонланди.

- Таклифномани олдим. Чин қалбдан табриклайман.
- Тўйга келинг. Илтимос.
- Ҳаракат қиламан.
- Кутамиз.

Нурбек бир хаёли хонимга “нимага бунчалик тез рози бўлдингиз, ахир Далер Ботировнинг қанақалигини билмайсизми” демоқчи бўлди. Деёлмади. “Хўш, қанақа одам у?” деб сўраса, нима деб жавоб берарди? Бунинг устига “ўзингиз инкор этдингиз-ку севгимни” деса-чи? Ҳалиям Мушфиқахоним мард аёл экан. Бошқа шаллақи хотин бўлса “уйимга келиб, тўшагимда ётиб, энди “пуф, сас-сиқ”қа чиқариб кетмоқчимисан, дея беобрўлик қилиши ҳам мумкин эди. Хонимнинг Далерга рози бўлгани, маълум жиҳатдан ўзига аччиқ қилаётгани эканлигини ҳам Нурбек тушуниб турар, айти пайтда “тўйга келинг” деб илтимос қилаётгани сабабини англай олмаётганди. “У ҳам устимдан кулмоқчимми?” “Мана, кўриб қўй, қандай гўзал хилқатдан маҳрум бўлдинг” демоқчими? Ажаб савдолар, ғалати ишлар...”

Худди шундай деб ўйлаб турганида, яна бир ғалати воқеа содир бўлди. Хатлар бўлими ходимаси кириб, уни ташқарида бир киши кутиб турганини, бир дақиқага пастга тушишини сўраётганини айтди.

– Ўзи юқорига чиқаверса бўлмасмикан? – деди Нурбек энсаси қотиб.

– Билмасам. “Жудаям муҳим гапим бор” деяпти.

“Қизик” деди Нурбек, – қанақа муҳим гап экан”.

Эшик ёнидаги одамни у дарров таниди. Кўрган. Бу – анча йиллар ҳуқуқ соҳасида ишлаб, ҳозир адвокатлик қилиб юрадиган Рафиқ Ҳакимхонов эди. У газеталарга мақола ҳам ёзар ва бу мақолалар кўпинча шов-шувларга сабаб бўларди.

– Гапни қисқа қиламан, – деди у салом-алиқдан сўнг.
– Анови мақолангиздан сўнг сизга нисбатан адолатсиз-

лик бўлган. Сирасини айтганда, бунга ўзингиз айбдор-сиз. Далер Ботировни... аяб ўтирмаслик керак эди. Унинг кирдикорларини сиздан яхши биладиган одам бўлмаса керак... Дарвоқе, сизни “қисқартириш” гоёси ундан чиққанлигини эшитган бўлсангиз керак?

Нурбек индамади. Елкасини қисди.

– Ўзингизни соддаликка солманг. Ҳаммасини яхши тушуниб турибсиз. Қисқаси гап бундай: Далер Ботировнинг қилмишлари ҳақида етарли маълумот тўпланган. Уни фош этувчи мақола тайёрлаш керак. Ўша мақолани сиз ёзсангиз, узукка кўз қўйгандек бўлади. Яъни, сиз уни узоқ йиллардан бери биласиз. Қолаверса, унда “тишингиз” ҳам бор. Шундай эмасми? Дарвоқе, унинг Мушфиқахонимга уйланаётганини эшитган бўлсангиз керак?

– Менинг “тишим” унинг Мушфиқахонимга уйланиши билан боғлиқми? – кулиб сўради Нурбек.

– Фақат шугина эмас. Ботиров вилоятдалик чоғларидан сизнинг ўсишингизга ҳалақит бериб келган. Умуман, анчадан буён зимдан рақобат қилиб келасизлар...

– Ажабо! Нақадар теран ва кенг қамровли маълумотларга эга экансиз. Қаердан олдингиз шунча гапни?

– Касбимиз шунақа, дўстим. Хўш, нима дейсиз? Розимисиз? Айтганча, мақола чиққанидан сўнг... Ботировнинг ташаббуси билан “қисқарган” лавозимингиз ҳам тикланса ажаб эмас.

– “Ал қасос-ул минал ҳақ” денг?

– Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди.

– Мен қасос олиб ўрганмаганман. Умуман, қасос лаззати менга бегона.

– Қўйинг баландпарвоз гапларни. Очиғини айтсам, бу ишни ўзингиз учун эмас, мамлакатимизнинг қутлуғ даргоҳини бир ўткинчи мансабпараст товламачидан то-залаш мақсадида қилишингиз керак. Сизга катта ишонч билдириляпти.

– Ким томонидан? Агар сир бўлмаса?

– Адолат тарафдорлари томонидан.

– Мен рози бўлмасам...

– Рози бўлмасангиз, бошқа муаллиф топилади. Сиз берилаётган имкониятдан фойдаланиб қолинг. Бунақа имкон ҳар доим ҳам келавермайди.

– Ўйлаб кўрсам бўладими?

– Эртага эрталаб қўнғироқ қиламан. Бир оқшом етса керак ўйлашга. Кейин бу гап орамизда қолади, деган умиддаман. Сиз... жиддий одамсиз-ку.

– Албатта.

Ҳакимхонов кетди. Нурбек мухбирлар хонасига қайтди. Ўйлади. Узоқ ўйлади. Ишдан қайтгач, уйда ҳам ўйлади. Кечаси анча пайт ухламай, ўйлаб ётди. Эрталаб ишга келгач ҳам. Ҳакимхонов ўнларга яқин телефон қилди.

– Ўйлаб кўрдим, – деди Нурбек. – Менга тўғри келмас экан.

– Адашяпсиз, дўстим, – деди Ҳакимхонов.

– Адашаётганим йўқ. Андиша қиялпман.

– Андиша – бу кўрқоқлар ўйлаб топган баҳона. Сиз кўрқаяпсиз. Майли, хафа бўлманг. Орамизда бу мавзуда суҳбат бўлмаган, деб ҳисоблайсиз. Келишдикми?

– Келишдик, – деди Нурбек гўшакни қўяр экан. Кейин ўйлади: “Чиндан ҳам кўрқдимми? Ё... Мушфиқахонимни ўйлаб, андиша қилдим, шекилли. Қизиқ, Ҳакимхонов кимнинг номидан ҳаракат қиялпти? Ўша “Адолат тарафдорлари”нинг Ботировга кучи етармикан? Ё...”

ҚИРҚ ИККИНЧИ БОБ

Энди воқеалар шиддат билан ривожлана бошлади. Нурбек билан Ҳакимхонов учрашувидан икки-уч кун ўтгач, “Янги овоз” газетасида “Шахснинг емирилиши” деган ваҳимали сарлавҳа остида мақола эълон қилинди. “Памфлет” деб аталган бу мақолага ҳали унча машҳур бўлмаган Ҳикмат Тошев деган ёшроқ журналист имзо

чеккан эди. “Энди машхур бўлади” деб ўйлади кулиб Нурбек.

Мақола асосан Нурбек илгари билган ёки эшитган гаплардан иборат бўлиб, Ботиров депутатликка ноҳалол йўллар билан эришгани, эндиликда бу юксак мавқени шахсий бойлик орттириш манбаига айлантиришга уринаётганлиги танқид қилинганди. “Ботиров сиртдан ўзини камтар ва камсукум кўрсатиб, амалда фақат чўнтак қаппайтириш билан шуғулланади. Ўзи қонунлар яратиладиган жойда ишлайди-ю, қонунга зид ширкат ва дўконлар очиб қўйиб, енг ичида бойлик ортттиради. Маҳаллий амалдорларни кўрқитиб, ҳовли устига ҳовли, машина устига машина олади...” ва ҳоказо. Мақолада Нурбек билмаган янги бир гап ҳам бор эди: “Жаноб Далер Ботиров кейинги пайтларда ноёб осори атиқаларни, қадимий қимматбаҳо буюм ва ашёларни йиғишга ружу қўйган... Бу эса ғарб бойларига хос “тўқликка шўхлик” эрмагидир...” Ноёб буюмлар тўплашга киришган бўлса, чиндан ҳам бойиб кетибди, дўстимиз” деб ўйлади Нурбек.

Кейин уни бош муҳаррир чақирди.

– “Шахсинг емирилиши”ни ўқидингми?

– Ҳа.

– Ботиров газетамиз орқали ўша мақолага раддия эълон қилмоқчи.

– Ҳаққи бор. Қонунан. Аслида ўша газетанинг ўзида чиқиши керак эди.

– У бизнинг газетани маъқул топибди. “Нусхаси кўпроқ” деяпти.

– Шунақа қилсаям бўлади.

– Мақолани сенга бераман. Бир ўқиб кўр. У сал шошилиб, ҳаяжонланиб ёзган. Яхшилаб таҳрир қилсанг... Шу билан тунов кунги дилхиралик ҳам ёзилиб кетади. Кейин...

– Кейин “қисқарган” ўрин ҳам тикланадими? – кулиб сўради Нурбек.

– Тикланади.

Нурбек бош муҳаррирга ачиниб кетди. “Бу одамга ҳам қийин. Сандон билан болғанинг ўртасида...”

– Илтимос, мени... Шу ишга аралаштирмасангиз. Узр...

Бош муҳаррир Нурбекнинг шундай дейишини билган шекилли, жавобидан ажабланмади. Ялиниб, қистаб ҳам ўтирмади. Нурбек яна бир бор узр сўраб, чиқиб кетди.

Эртасига газетада босилган “Отилмаган сопқон” сарлавҳали раддияни диққат билан ўқир экан, “устознинг ўзлари анча тер тўкибди-да” деб ўйлади. Раддияда Ботиров ўзига қўйилган барча айбларни “туҳмат” деб, буни исботлашга уринган. Ҳикмат Тошевнинг ўзини “бировлар қўлидаги қўғирчоқ”, “отилмай қолган сопқон” деб атаганди. Нурбек сарлавҳага чиқарилган ушбу иборани устоз қўшганини англаб кулиб қўйди. Чунки устоз авваллари ҳам бу иборани ўз мақолаларида тез-тез қўллаб турарди. “Ишқилиб Ботировнинг аравасига миниб, панд еб қолмаса гўргайди” дея яна унга ачинди.

Мақолалар бир-икки кун шов-шув бўлиб, кейин дарҳол унутилди. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаётда бундан муҳимроқ, шов-шувлироқ воқеалар юз бераётган, яъни Иттифоқ парчаланиб, унинг таркибидаги республикалар бирин-кетин мустақилликка чиққан, парламент ҳам янги давлат тузиш тадбирлари билан банд бўлгани учун бир депутат атрофидаги гаплар билан шуғулланиб ўтиришга ҳеч кимнинг вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ эди. Шу боис “Ботиров депутатликдан чақириб олинар экан” деган гаплар ҳам босилиб қолди. Мамлакат бўйлаб Мустақиллик шодиёналари кенг қулоч ёзди. Чексиз севинч билан бирга жиддий, масъулиятли бир вазият вужудга келди.

“Тўйни ҳам қолдиришади энди чамаси, – деб ўйлади Нурбек. – Ё ўтказиб юборишармикан?”

Нурбек янглишмаган экан. Хоним қўнғироқ қилиб, тўйнинг бир ойга кечиктирилганини ва у билан муҳим бир масала юзасидан учрашиши зарурлигини айтди. “Оббо-о, яна қанақа муҳим гап экан” деб ўйлади Нурбек.

– Кечқурун ўша... “Чархфалак” кафесида кўришсак бўладими, – деб сўради хоним.

– Бугунми... Майли, фақат... соат саккизда.

– Хўп, роппа-роса саккизда ўша ерда кутаман...

“Бу аёл яна нима демоқчи” деб ўйлади Нурбек кечқурун ишдан чиқиб, кафега борар экан. Ё Далер Ботировданайнидими? Унинг бир кўнгли хонимнинг кутилмаган таклифидан хавотирда бўлса, яна бир кўнгли... ихтиёрига зид равишда ўша соҳибжамол билан яна учрашаётгани учун беҳад шод эди. “Нима бало, кўнгил узолмаяпманми? Тавба, қанақа бир иродасиз сўтакман ўзи? Бўлди-да энди!” деди у ҳукмрон овозда ўзига ўзи.

Хоним очилиб кетибди. Нурбекка ҳар кўрганда шундай туюлади.

– Сизга... Сизга... бир... сўнгги илтимос билан келдим. Фақат... “йўқ” демайсиз, ўтинаман.

– Нима илтимос экан? Агар қўлимдан келса, бажонидил.

– Қўлингиздан келади. Сиз учун ҳеч қанақа зарари йўқ. Бу сир фақат иккимизнинг орамизда қолади.

– Айтаверинг, нима гап экан?

Хоним яна бир зум иккилангач, айтди:

– Ўша кунги гап. Мени никоҳингизга олишингиз керак.

Нурбек сапчиб кетди.

– Ие! Бу қанақаси бўлди? Ботиров билан тўй белгилаб, таклифнома тарқатиб, энди яна... Э-э, қўйинг-е, Мушфиқахон...

– Сиз шошманг. Охиригача эшитинг, – деди хоним бирдан жиддий ва ҳукмфармо тарзда. Кейин куни кеча Нурбек ўйлаган ва қўрққан гапни айтди.

– Уйимга келганингиз... Мен билан бир маротаба бўлса ҳам бирга бўлганингизни инкор этмассиз? Эркаксиз-ку!

Нурбекнинг миясига қон уриб, боши қизиб кетди. “Ана энди... шантаж қилади” деб ўйлади. Аввалига “ўзингиз чақириб, ҳоли-жонимга қўймадингиз-ку” демоқчи бўлди, ботинолмади. Номардлик қилгиси келмади.

– Тан оламан. Шунақа хатога йўл қўйганман. Бироқ, адашмасам... бу ҳар икки томоннинг ихтиёрий розилиги билан бўлган.

– Тўғри. Лекин гуноҳ қилганмиз. Ношаръий иш бўлган.

Нурбекнинг жаҳли чиқа бошлади. “Тўртта эрга тегиб чиққан аёл айтаяптими шу гапни?”

– Сиз... Эркин ва озод аёл... Наҳотки, шу бир марталик хатога шу қадар жиддий тус берсангиз.

– Тўғри. Мени бошим очиқ, озод аёлман. Лекин шунча эркак кўрган бўлсам-да, ҳеч қачон биронтаси билан ҳам ношаръий муносабатда бўлмаганман. Никоҳ ўқитилган.

– Демак, кечикиброқ бўлса ҳам никоҳ ўқитишимиз керакми? Ҳисобга ўтармикан бу? Қолаверса, жаноб Далер Ботиров бу масалага қандай қарар эканлар?

– Бунинг Ботировга алоқаси йўқ. Мен ҳали унга тегмаганман. Лекин тегаман. Ваъда бердимми, энди бажаришим керак. Сиз мени никоҳингизга олиб, шу заҳоти талоқ қилишингиз мумкин. Бу жараён кўпи билан ярим соат вақтни олади.

– Мақсад нима, мақсад? – деди Нурбек жиғибийрон бўлиб.

– Мақсад... Сиз билан ўртамизда бўлган муносабат зино эмас, шаръий эканлигига ишонч ҳосил қилиш.

– Кимни ишонтирмоқчисиз бунга?

– Сизни, ўзимни ва ким агар вақти келиб, бунга шубҳа билдирса...

– Майли... Қачон қилиш керак бу ишни?

– Шу бугун. Ҳозир.

– Ие, ярим кеча бўляпти-ю.

– Хотиржам бўлинг. Мен уйга мулла чақирганман. У соат тўққизда келади.

– Ҳаммасини пухта қилиб қўйганман денг. Оббо сиз-ей! Қойил!

– Тушунинг азизим. Бу сиз учун ҳам яхши. Виждонингиз олдида...

– Виждоним олдида икки марта уйланган бўлиб қолмайманми?

– Йўқ. Шу заҳоти ажралиб кетамиз-ку.

– Шу гапингиз мардона гапми?

– Мардона. Қани юринг!

– Кетдик.

Хонимнинг уйига етиб келганларида, чиндан ҳам мулла аллақачон мунтазир бўлиб, хизматкор аёл дамлаб берган чойни ичиб, тасбеҳ ўгириб ўтирган экан. Никоҳ маросими бошланди. Хизматкор аёл гувоҳликка ўтадиган бўлди.

– Яна бир киши керак, – деди мулла. – Гувоҳлар икки киши бўлмаса бўлмайди.

– Ўзингиз-чи, – деди Нурбек. – Ўзингиз гувоҳ бўла қолинг.

– Йўқ. Бўлмайди. Яна бир киши керак. Қондаси шунақа. Хизматкор аёл яқин тураркан. Ўғлини чақирди.

Нурбек “бўлар иш бўлди” деб, тишини тишига қўйиб ўтирди. Никоҳ ўқилиб, мулла кетди.

Нурбек ҳам кетишга чоғланди. “Сиз беш дақиқа шошилмай тулинг, – деб шивирлади хоним. – Талоқ қилмай қочвормоқчимисиз?”

– Ҳа-я, – деди Нурбек. – Сал бўлмаса эсдан чиқай депти-ку.

– Энди сизга... бир гап айтаман, – деди хоним.

– Ҳамма гап айтиб бўлинди, шекилли, – деди Нурбек юраги пўкиллаб.

– Эшитишни истамайсизми?

– Тезроқ кета қолай дегандим.

– Майли. “Талоқ қилдим” денг бўлмаса. Лекин... айтишдан олдин озроқ бўлса ҳам ўйланг. Ҳозир, шу лаҳзада... Мен сизнинг хотинингизман. ЗАГСдан рўйхатдан ўтмаган бўлсак ҳам... Кейин йиллар ўтгач, пушаймон қилманг.

– Талоқ қилдим демасам... Ботировга тега олмайсиз. Шундайми?

- Шундай.
- Агар “унга ҳеч қачон тегмайсиз, тўйни ҳам бекор қиласиз” десам-чи?
- Бекор қиламан.
- Ваъда берганман, дегандингиз-ку?
- Сиз... қўймасангиз тега олмайман-да. Сиз эса барибир қўйиб юборасиз-ку. Шундай эмасми?
- Талоқ қилдим.
- Уч марта айтинг.
- Нурбек уч марта айтди. Хоним маъюс жилмайди.
- Мана энди орамиз очиқ. Сизга ҳеч қанақа эътирозим йўқ. Кетаверишингиз мумкин.
- Майли кетаман... Дарвоқе, боя “бир гап айтаман” дегандингиз.
- Энди у гапнинг аҳамияти йўқ. Яхши боринг.
- Тўйга таклиф ўз кучидами?
- Албатта.
- Тўй бўладими ўзи? Дарвоқе, бўлажак турмуш ўртоғингиз атрофида турли гаплар юрибди. Эшитган бўлсангиз керак?
- Хабарим бор. Мен у гапларга ишонмайман.
- Демак, тўй бўлади?
- Албатта бўлади. Эртага биз ЗАГСга ариза берамиз.
- Бахтли бўлинглар.
- Сиз ҳам.
- Нурбек ва унинг ортидан ҳайратли кўзлари жавдирган хизматкор аёл билан ўғли чиқиб кетишди.

ҚИРҚ УЧИНЧИ БОБ

Хоним Нурбекни кузатгач, ётоғига кириб, ўзини тўшакка отди. Йиғлаб юборди. Анча йиғлади. Кейин ўридан туриб, кўз ёшларини артди. Кўзгуга қараб жилмайди. Кийимларини ечиб, ҳаммомга кириб кетди. Илиқ сувда ётиб, анча бўшашди, хотиржам тортди. Ҳаммомдан

чиқиб, артиниб, тунги кийимларини кийиб, ухлагани ётди. Кўзи илинай деганда, қўнғироқ жиринглади. Далер экан.

– Мен эртага хорижга жўнаб кетяпман, – деди у. – Делегация таркибига ҳозиргина қўшишди. Йўқ дея олмадим. Биласиз-ку, кейинги гаплардан кейин мени... ҳамма ҳисобдан чиқариб қўйишганди. Раиснинг ўзи ҳозиргина чақариб, далда берди. “Биз сизни хафа қилдириб қўймаймиз” деди. Менга ишонишини айтди. Шунинг учун эртага ЗАГСга ўзингиз бориб, аризани ёзиб, ташлаб келинг. Қайтиб келганимдан кейин, қолган ишларни охирига етказамиз. Сизга хориждан нима олиб келай?

– Майли, нима бўлса ҳам, ишқилиб ишингиз яхши бўлса бўпти-да, – деди хоним.

– Ишим яхши. Хавотир олманг. Кўришгунча хайр.

– Яхши бориб келинг...

Хоним қўнгли буткул тинчланиб, уйқуга кетар экан, “Нега Нурбекка айтмоқчи бўлган гапимни айтмадим? Ахир айтишим керак эди-ку” деб ўйлади.

Эрталаб ўрнидан турар экан, яна ўша фикр миясига келди. “Айтмаганим тўғри бўлдим?” Чой устида: “Далер бу можаролар гирдобидан омон-эсон қутилиб чиқа олармикан?” деб ўйлади. Чиқса керак. Кечаги қўнғироғига қараганда, албатта, агар унга ишонишмаса, хорижга бо- раётган вакиллар қаторига қўшишмасди.

Ишхонасига бориб, бир-икки мижозни қабул қилиб улгурмай, яна телефон жиринглади.

– Ие, жўнаб кетмадингизми?

– Йўқ.

– Нега?

– Кўришганимизда айтаман. Тушликни бирга қилсак, вақтингиз борми? ЗАГСга бормадингизми?

– Энди бормоқчи эдим.

– Тушдан кейин бирга ўтамиз. Демак, тушликни қаерда қиламиз?

– Уйга кела қолинг.

– Бўпти... соат бирда етиб бораман.

Далер айтганидан анча кеч – иккига яқин келди. Ранги оқариб кетган.

– Нима гап, тинчликми? Рангизда ранг қолмабди?

– Мушфиқахон, бугун мени аэропортда божхона ходимлари тутиб қолишди. Ифлослар!

– Нега ушлаб қолишади?

– Тақиқланган нарсалар олиб кетяпти деб...

– Қанақа нарса опкетаётгандингиз?

– Бир-икки картиналар. Уларни “Антиквар” магазинидан сотиб олгандим. Музейдан ўғирланган, дейишяпти...

– Вой, энди нима бўлади?

– Раисга кирмоқчи эдим. Қабул қилмади.

– Сизга жиноят иши қўзғатишолмаса керак, депутат-сиз-ку.

– Қўзғатишолмайди. Лекин анови мақоладан кейин Тошевга ўхшаган муттаҳамларга яна баҳона топилади.

– Тинчиб кетар...

– Тинчиб кетади, насиб бўлса. Хоним, айтинг, сиз қарорингиздан қайтганингиз йўқми?

– Албатта йўқ. Ёш бола эмасман-ку.

– Айтинг, агар мен ҳаммасидан жудо бўлиб, хорижга кетадиган бўлсам, бирга кетармидингиз?

– Ҳали жудо бўлганингиз йўқ-ку...

– Мабодо-да, ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳозир душманларимнинг ошиғи олчироқ бўлиб турибди. Мен албатта, осонликча таслим бўлмайман.

– Ҳеч қачон таслим бўлманг.

– Агар сиз ёнимда бўлсангиз...

– Бўламан.

– Раҳмат. Демак, чойни ичиб, ЗАГСга! Хўпми!

– Хўп...

Овқатдан сўнг улар ЗАГСга бориб, ариза топширишди. Кейин хонимни уйга қўйиб, Далер ишига кетди.

– Яна бир уриниб кўрай. Агар раис қабул қилса, ҳаммаси ҳал бўлади.

– Омадингиз келсин, – деди хоним.

Далер яна ярим тунда қўнғироқ қилди. Эртага учрашайлик, деди. Эрталаб келди. Раис яна қабул қилмаяпти. “Шунақа қиладиган бўлса, мен ҳам... энди курашни бошлайман” деди Далер жаҳл билан.

– Қизиққонлик қилманг. Қабул қилиб қолар...

– Йўқ, қабул қилмайди. Эшитишимга қараганда, янаги мажлисга менинг устимдан жиноий иш қўзғатишга рухсат бериш масаласи қўйилармиш.

– Рухсат берилмаса керак...

– Айтиб бўлмайди. Агар рухсат бериладиган бўлса, кейин мени депутатликдан чақириб олиш масаласи қўндаланг бўлади. Шунинг учун энди мен ҳужумга ўтишим керак.

– Қанақа қилиб?

– Раисга қарши бўлган гуруҳга қўшиламан. Ҳозир раис мустаҳкам ўрнашиб олган эмас. У мени ўз томонига оғдириш учун ҳимоя қилишга мажбур бўлади.

– Ҳимоя қилмаса-чи?

– Ҳимоя қилмаса, унга қарши гапирганим, танқид қилганим учун таъқиб қилаётган бўлиб чиқади. Раиснинг мухолифларига бир оғиз айтсам бас, шовқин-сурон кўтариб юборишади...

– Ишқилиб, чув тушиб қолманг-да, – деди хоним Далернинг бошига нақадар жиддий ташвиш тушганига қарамасдан, ўзини бу қадар тетик тутишига ҳайрон қолиб. Бошқа одам бўлса, аллақачон саросимага тушиб, довдираб қолган бўларди. “Бу йигитга тегишга рози бўлиб, адашмадим шекилли. Тегирмонга тушса, бутун чиқади бу...”

– Мен... насиб этса, ҳеч қачон чув тушмайман, хоним. Агар мўлжалимдаги ишлардан бирортаси амалга ошмай қолса, хорижга жўнаворамиз. Сиз дунёнинг нариги бурчагига бўлса ҳам кетавераман, дедингиз-ку.

– Кетавераман-у, мусофирчиликни мен кўрганман. Осон эмас. Тирикчилик дегандай.

– Тирикчиликни ўйламанг. Ҳаммасининг ғамини еб қўйганман. Швейцария банкида сармоям бор.

– Йўғ-е? – хоним астойдил ҳайрон қолди. – Ростданми? Қачон улгурдингиз?

Бу гапдан Далер илҳомланиб кетди. Бир мақтангиси келди.

– Эҳ, хоним, хоним. Сиз Далер Ботировнинг кимлигини вақтида тушуниб етганингизда, шунча йилни беҳуда ўтказмаган бўлар эдик... Далер Ботиров шахматдаги гроссмейстерлар сингари ўн-ўн беш юришни олдиндан кўра олади. Фақат у шахмат гроссмейстери эмас, сиёсат гроссмейстери холос.

– Камтарлик ҳам эви билан-да, – деди хоним кулиб. – Қўйиб берса, ўзингизни Талейранга тенглаштиришдан ҳам тап тортмайсиз.

Далер Талейран деган номни илгари ҳам мажлис-машваратларда бир-икки эшитган-у, кимлигини аниқ билмасди.

– Ким у Талейран? – сўради у хонимнинг билимдонлигига қойил қолиб.

– Францияда шунақа бир сиёсатдон ўтган. Уни “сиёсатнинг устаси фаранги” деб аташган. Талабалик пайтимда “Халқаро дипломатия тарихи” китобида ўқиганман.

– Мен сизга айтсам, – деди Далер. – Шарқ сиёсатдонлиги тарихи шу қадар бойки, унинг қошида ҳар қанақа Талейран ип эшолмаган бўлур эди.

– Тўғри! Лекин эътибор бердингизми? Исмингиз Талейранникига ўхшаб кетар экан: Талейран-Далерян, – деди хоним кулиб.

– Ростдан ўхшаркан. Қисматимиз-чи?

– Қисматингиз ҳам ўхшаса, армонингиз қолмасди. У Франциянинг энг бой одамларидан бири бўлган. Ташқи ишлар вазири, бош вазир лавозимларида ишлаган.

– Ў-ў, зўр бўлган экан-ку...

– Ростини айтсам, қийин вазиятга тушиб турганингизга қарамай, ўзингизни тутишингизни кўриб, ҳурматим ошиб кетди. Шу топда сиз Талейрандан ҳам зўрсиз.

– Сиз эса, – деди бу мақтовдан кайфияти яхшиланиб, жушиб кетган Далер. – Мен билган аёллар орасидаги энг гўзали, энг ақли ва билимлисиз. Сиз учун мен депутатлигимдан зиғирча ўйламай, воз кечиб юборишим мумкин. Нима ўзи, бу депутатлик дегани. Худо “ол кулим” деб тухфа қилган бир муваққат омад-да! Депутатликдан ажралсам, ажраларман. Лекин, ҳар тугул сизни топдим, сизга эришдим-ку!

– Насиб бўлса денг.

– Насиб бўлса. Эртага ЗАГСга бориб, қайдни тезлаштирамиз.

– Тўй нима бўлади? Яна қоладими?

– Қолмайди. Гапим битта. Тўй бу гал албатта бўлади!

ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ БОБ

Алҳол Далер Ботировнинг сокин ва муваффақиятли кечаётган ҳаётини остин-устин қилиб, издан чиқариб юборган воқеалар тафсилотини айтиб ўтсак. Фалокат оёқ остида дейдилар. Аниқроғи, ҳаммаси “омадинг бир кетмасин, бир кетса, ҳар ёндан кетар” деган ашуладаги сингари кечди. Газета орқали қилинган “хужум”ни бартараф этиб, “энди эҳтиёт бўламан” деб юрган кезларида яна хато қилди. Ким билсин, бу хатомиди ёки узоқни кўзлаб, атай қилинган пухта ишмиди?

Ресторанда бўлган ўша кунги суҳбатдан сўнг “хунароманд” йигитнинг муаммоси тезда бартараф этилди ва у Далерни яна ўша ресторанга бир пиёла чойга таклиф этди. Суҳбат бошидан охиригача антиквариант, ноёб осори-атиқалар савдоси, Сотби аукциони мавзусида кечди.

– Бу шунақаям даромадли бизнески, Далер ака, одам битта “операция”да етти пуштига етадиган сармоя ишлаб олиши мумкин.

– Унчалик эмасдиров, – деди Далер.

– Ишонмайсизми?. Бўлмаса, эшитинг. Шунақа ноёб буюмлар борки, ўзи жимитдек, мана шу костюмингизнинг қўйин чўнтагига жойлашади. Нархи эса ўн беш-йигирма миллион доллар. Эшитяпсизми?

– Масалан? Биронта мисол келтиринг-чи?

– Масаланми? Масалан... “Велляндорфлик Венера” ҳайкалчаши ҳақида эшитганмисиз? Сополдан ясалган оддий ҳайкалча. Жудаям қадимий. Катталиги 10-12 сантиметр келади. Нархи 25 миллион деб баҳоланган.

– Ўҳ-ў! Қаерда ўша ҳайкалча?

– Австрияда. Вена музейида сақланади.

– Зўр экан, қойил. Мен бунақасини эшитмаган эканман.

– Рембрандт, Ван Гог деган рассомларнинг айрим картиналари ҳам ғарбда йигирма-ўттиз миллионга сотиляпти.

– Ғарб барибир ғарб-да, – деди Далер тамшаниб, – у ерда ҳаёт бошқача.

– Ўзимизда ҳам... чет элга олиб бориб... яхшигина нархда сотса бўладиган буюмлар бор.

– Ростданми?

– Ростдан. Фақат олиб чиқиш сал муаммо, божхона қўймайди. Агар... Сиз рози бўлсангиз, бир-икки буюмлар бор, сизлар хорижга чиққанда божхона текширмайди-ку...

– Текширишга ҳаққи йўқ, – деди Далер кеккайиб. – Аммо... Мен бу ишларни тушунмасам...

– Сиз фақат олиб чиқиб кетсангиз бўлди. У ёғини бизга қўйиб берасиз... Ҳар галги “операция”дан улушингиз камида юз эллик, икки юз минг доллар бўлади.

Далернинг кўзи ўйнаб кетди. Қулоқларига ишонмади. Лекин сир бой бермасликка уринди.

– Яна номардчилик бўлмайдими? Бу хавфли иш...

– Мен кафилман. Сиз пулни қўлингизга ҳам ушламайсиз. Швайцариядаги исталган банкда номингизга ҳисоб рақами очиб, ўшанга ўтказамиз...

Суҳбатдан сўнг бир ҳафта ўтгач, Далер “Баден-баден” курортида дам олиб, даволаниб келиш учун қисқа муддатли таътил берилишини сўраб, раис номига ариза ёзди. У мўмай пул ҳидини сезиб, шу қадар ҳовлиқиб қолган эдики, хорижга навбатдаги расмий сафарни ҳам кутиб ўтиришга тоқат қила олмади. “Бир йўла банк масаласини ҳам ҳал қилиб келаман” деб ўйлади.

Раис розилик берди. “Ҳали ёшсиз-ку, ошқозонни асрамаган экансиз-да” деб ачинди. Далер “оч-яланғоч талабалик йилларининг асорати” деди афтини буриштириб, “кейинги пайтлар жуда азоб беряпти”...

Сафар силлиқ кечди. Далер Ботировнинг Давос шаҳридаги халқаро банклардан биридаги ҳисоб рақамига дастлабки маблағ ёзилди. Қизиги шундаки, Далер махсус, айни пайтда кўзга ташланмайдиган кўримсиз жомадончани очиб ҳам кўрмади, унинг ичига нима жойлашганини билгани ҳам йўқ. Учиш олдидан аэропортда олди-ю, бориб қўниб, аэропортдан чиқишда топширди. Шу қадар осон ва оддий юмуш унга чорак миллион доллар даромад келтирди. Эртақ-ку бу! Бундай иш учун таваккал қилса, арзимайдими? Имконият борида пул қилиб олиш керак-да, “хунарманд” айтганидай. Ахир, депутатлик абадий эмас-ку.

“Даволаниш”дан қайтиб келгач, навбатдаги хорижий сафар таркибига кириш учун анча-мунча азият чекди. Унга-бунга ялинди. Хуллас, урдасидан чиқди. Иккинчи “операция” ҳам силлиқ кўчди. Далернинг назарида учинчи сафар ҳам ҳаммаси хамирдан қил суғургандек бўлиши лозим эди. Бироқ...

Сафардан икки ҳафтача олдин “милиция хабарномаси”даги бир маълумот унинг эътиборини тортди. “Санъат музейидан бир неча ноёб картиналар ва қадимий буюмлар ўғирлаб кетилган...”

“Наҳотки бу “хунарманд”нинг иши бўлса, деб ўйлади Далер. Ахир у “жўнатилаётган” нарсаларни “хусусий йиғувчи”лардан сотиб оляпмиз, демаганмиди?

Аэропортда, машина ичида у навбатдаги жамадонни қабул қилиб олар экан, “хунарманд”дан сўради:

– Бу ҳалиги музейдан йўқолган нарсаларга алоқаси йўқми?

– Йўқ-йўқ. Хотиржам бўлинг, – деди “хунарманд”. – Мабодо, барибир ҳам қизиқишса... Хиёбондаги “кўргазма-савдо”дан сотиб олганман, деб тураверинг. Ҳеч нарса қила олишмайди...

“Хунарманд”нинг сўнгги сўзлари юраги ғулғула солиб, ҳаяжонланиб, сездириб қўйдими ё... божхоначиларга олдиндан бирон хабар бўлганми, ҳар қалай, уни хушмуомалалик билан тўхтатиб, текширишга киришишди.

– Нима ҳақларинг бор? Мен ахир... расмий одамман, – дея сиёсат қилди Далер.

– Минг бор узр!.. Айбга буюрманг...

Жомадондаги учта картина ўша музейдан ўғирланган картиналар экан.

– Буни қаердан олдингиз, Далер Ботирович, – деб сўради хушмуомалалик билан божхона ходими.

– Сотиб олганман. Бродвейдан... Э-э... ҳалиги хиёбондаги расмлар кўргазмасидан.

– Кимдан?

– Бир одам... Соқоли бор эди...

– Бу буюмлар музейдан ўғирланган. Шу боис... айрим нарсаларни аниқлагунча сизни бироз ушлаб туришимизга тўғри келади...

– Ҳақларинг йўқ, мен расмий делегация таркибиданман, ҳозир юқорига қўнғироқ қиламан.

– Юқорига хабар қилинган, – деди хотиржамлик билан божхона ходими. Сиз ташвишланманг. Керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгач, кейинги рейс билан учиб кетасиз.

Аммо Далер кейинги рейс билан учиб кетолмади. Раис ўринбосари “ушбу хунук воқеага аниқлик киритилгунча, шошмай туринг” деди. Шундан сўнг Далер раис ҳузурига кирмоқчи, унга “бу картиналарни бозордан

арзон-гаровга сотиб олган эдим, сафар чоғида ўша томондаги ҳамкасбларга эсдалик совға сифатида тақдим этмоқчи эдим” дея тушунтирмоқчи бўлди. Бироқ раис қабул қилмади. Ўринбосарга учрасин, депти. Ўринбосар бўлса:

– Энди бу анча жиддий иш. Жомадонингиздан чиққан нарсалар давлат санъат музейидан ўғирлаб кетилган экан. Албатта, ўғрилар уни арзон-гаровга сотган ва сиз уларнинг асл қийматини билмай харид қилган бўлишингиз мумкин. Ҳаммасини аниқлаб, жойига қўйгунча, бир-икки ҳафта ўтади. Лекин раис дарғазаб. “Агар шу ишни билиб қилган бўлса, жазосини тортади” деяпти.

– Сиз тушунтиринг-да, ака!

– Мен тушунтирдим. “Нима бўлса ҳам, депутатнинг шаънини сақлаб қолишимиз керак” деб айтдим.

– У нима деди?

– Ҳозирча аниқ бир гап айтган эмас.

Далер талвасага тушди. Божхона, прокуратура ва бошқа идоралардаги таниш-билишларига сим қоқди, учради, ялиниб-ёлворди. Ҳаммаси “хавотир олманг, жойига тушиб кетади, сиз ахир билмагансиз-ку...” деб тасалли беришар, умуман парламентнинг ўзида ҳам раис қабул қилмаётганини ҳисобга олмаганда, унга муносабат кескин ўзгармаган, ўша кунги қисқа сўроқни ҳисобламаса, тегишли идоралардан ҳам ҳеч ким уни безовта қилмас, хуллас, теваарак жим-жит эди. Бироқ, бу жимжитлик замирида аллақандай бир таҳлика борлигини у ҳис этиб турарди.

“Эй, Худо, менга шунча омад бердинг, шу гал ҳам асрагин, илтимос, кейин бошқа... таваккал қилмайман” дея илтижо этди у осмонга қараб ва кўнглида “насиб этса, бу сафар ҳам омон-эсон қутилиб кетаман” деган ишончни туйди. Бундай деб ўйлашининг муҳим бир сабаби бор эдики, у ҳам бўлса, орзусидаги малак – Мушфиқахонимнинг узоқ давом этган нозу фироқлардан сўнг охир-оқибат рўйхушлик бергани билан боғлиқ эди. “Омадим келиб

турибди, деб ўйларди у. Бундай чоғда ҳар қандай ба-ло-қазо ўз-ўзидан даф бўлади”. Худди шунинг учун ҳам у ҳозир асосий диққат-эътиборни хоним билан тез орада никоҳдан ўтиб, кичикроқ бўлса ҳам, тўйни ўтказиб юбо-ришга қаратишга аҳд этди. “Раисни ҳам таклиф этаман. Келмаса ҳам... Ҳар қалай кўнглида раҳм-шафқат уйғо-ниб, мурувват қилиб юборса ажаб эмас”.

ҚИРҚ БЕШИНЧИ БОБ

Тўй. “Наврўз” ресторанининг кичик залида мўъжазги-на маросим. Қирқ-эллик чоғли одам. Айтилганларнинг кўписи келмаган. Бунга сабаб – Далер Ботировни депу-татликдан чақириб олиш бўйича овоз бериш жараёнини ўтказишга розилик бериш ҳақида қарор қабул қилин-ган. Овоз бериш жараёни индин – якшанба кунга белги-ланган. Далер “сайловчиларим мени ҳурмат қилишади, чақириб олишни рад этишади” деган умидда. Бу ҳақда тегишли жойларга сим қоқиб, эски ошналарга учраб, ил-тимос қилган. Улар “қўлдан келгунча қўллаб-қувватлай-миз” деб ваъда беришган. Бироқ, прокуратурадагилар унинг депутатлик дахлсизлигидан маҳрум бўлишига қатъий ишониб туришибди. Сурбет бир терговчи бугун эрталаб кўнғироқ қилди.

– Душанба куни эрталаб соат 9.00да бир келиб кет-сангиз, – деди.

– Бўпти, кўрамиз, – деди Далер. Сўнгра ўзини ҳеч нарса бўлмагандек, хотиржам тутиб, хоним билан ЗАГСга борди. Рўйхатдан ўтишди. “Менделсон марши” садолари остида хонимнинг қўлига олмос кўзли узук тақди ва илк бор бе-лидан ушлаб, лабидан ўпди. Ўпиш баробарида негадир “эҳ, бу бўса нақадар қимматга тушмоқда” деган ўй ўтди кўнглидан. ЗАГСдан қайтишгач, хонимни уйга қўйиб:

– Менинг бир соатлик ишим бор, – деди – да, “хунар-манд” билан учрашгани кетди. У билан ниҳоятда муҳим,

кечиктириб бўлмайдиган масалани гаплашиб олиши керак...

“Хунарманд” билан учрашиб, гапни пишитиб олгач, хонимникига қайтиб келди.

– Энди мени замбаракнинг оғзига солиб, отишса ҳам кўрқмайман, – деди у.

– Вой, нега унақа деяпсиз? Ҳали умид бор, демаганминдигиз?

– Умид-ку бор. Бироқ... Мен “Далер Ботиров ўйинда ўн ўн беш юришни олдиндан кўраман” деган гапим эсингиздами?

– Эсимда.

– Ана шунинг учун бир иш қилишимиз керак... Майли, буни кейинроқ айтаман. Ҳозир эса менга битта аччиқ чой дамлаб берсангиз. Битта ёзадиган нарсам бор.

– Шеърми, – кулиб сўради хоним.

– Ҳа, – деди ичида ғижиниб турган бўлса ҳам, ташида кулимсираб Далер.

– Майли, мен ҳозир. Сиз манови хонага – кабинетга кириб, бемалол ижодингизни қилинг.

Далер хонимнинг шинам кабинетидаги ёнғоқ дарахтидан ишланган бежирим стол ёнига ўтириб, машинкага бир неча қават қоғоз қўйиб, ёзишга киришди.

“Мурожаатнома!

Ушбу мурожаатномани мен – Далер Ботиров депутатларга, сайловчиларимга ва бутун дунёдаги тараққийпарвар, демократик кучларга қаратмоқчиман. Мен – ўз меҳнати билан камолга етган етук ижодкор ва сиёсат арбобини бадном қилишмоқчи. Нега, деган савол туғилиши табиий. Бунинг энг асосий сабаби, мен парламентдаги ноҳақликларга қарши очиқ, танқидий фикрлар билдирганим, раис ва унинг атрофидагиларни фош этишга уринганимдир... Мен – демократия ва ошкоралик, ҳақиқат ва адолат тарафдориман. Бу эса раис ва унинг атрофидагиларга ёқмади. Шу боис менга тухмат уюштирилди. Мен энди муҳожирликка кетишга мажбур-

ман. Ўша ёқда туриб, бу ердаги ҳақсизлик ҳамда коррупцияга қарши курашни, демократия учун курашни давом эттираман...”

“Мурожаатнома”ни ёзиб тугатди. Бир нусхасини бўлаб, чўнтагига солди. Қолган нусхаларни алоҳида-алоҳида конвертларга солиб, елимлади. Юбориладиган манзилларини ёзди. Кейин хонимни чақирди.

– Азизим, эртага агар менга бир нарсa бўладиган бўлса, ушбу конвертларни устида ёзилган манзилларга жўнатасиз. Хўпми?

– Вой, бу нима деганингиз, нафасингизни иссиқ қилинг-е, – деди хоним ўпкалаган оҳангда.

– Энди-и, ҳар эҳтимолга қарши айтяпман-да. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Бир улў одам айтган экан: Мусулмон киши нега бошига салла ўраб юради? Чунки салла – унинг эҳтимолий кафанидир. Чўлдами, йўлдами ўлиб қолса, шу кафанга ўраб кўмадилар. Яъни инсон ҳам-миша ўлимга ҳозир бўлмоғи керак!

Хоним кўз ёши қилди. “Тўй куни бунақа гапларни айтманг. Уят бўлади, ҳали сиздан умидимиз кўп” деди.

– Умидингизни оқлашга ваъда бераман, – деди Далер, – Аммо-лекин тўйимиз ҳам ниҳоятда унутилмас, тарихий бир кунларга тўғри келмоқда. Энди менинг бир саволимга жавоб беринг. Дарвоқе, бу саволни илгари ҳам берганман. Сиз “ҳа” дегансиз. Бироқ бугун – шу тарихий лаҳзаларда яна бир марта эшитгим келяпти. Тақдирингизни мен билан боғладингиз. Энди бир умр – яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам, ҳижрону фироқда ҳам бирга бўлишга тайёرمىсиз?

– Тайёрман. Буни... нега қайта-қайта сўраяпсиз?

– Шунинг учунки, севикли рафиқам, ҳозир яна бир тадбирни бажармоғимиз керак.

– Қанақа тадбир экан, – деб сўради хоним ва хаёли қайгадир кетиб, юраги гупиллади.

– Ҳозир нотариусга борамиз. Уйимни ва яна бир-икки мулкларимни сизнинг номингизга ўтказамиз. Мен улар-

ни сизга ҳадя этаман. Ҳар эҳтимолга қарши. Майлими? Розимисиз? Сиз бунинг негалигини тушунасиз-ку.

– Ишонсангиз майли...

– Суюкли хотинимга ишонмасам, кимга ишонаман, азиз вафодорим? Қани кетдик!..

Улар яқин орада жойлашган, хонимга таниш бўлган нотариал идоралардан бирига йўл олишди. Салкам бир соат мобайнида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб бўлишгач, хонимнинг хонадонига келиб, унинг жомадон ва бўғчаларини машинага ортиб, Далернинг уйига йўл олишди.

– Мана, азизим, бу уй ҳам, гараждаги машина ҳам, хуллас бор-йўғи тўласинча сизники бўлди, – деди Далер қулиб. – Энди мен... сизнинг оддий хизматкор қулингизман...

– Унақа деманг...

– Майли, қолган гапларни тўйдан кейин гаплашамиз. Қани, энди кетдик! Дўстлар давраси маҳтал бўлиб қолмасин!..

Тўйхонага улар зулукдек қоп-қора “Мерседес” машинасида келишди. Далернинг эғнида тим қора тивит костюм-шим, хоним одмироқ бўлса-да, ўзига бениҳоя ярашган оқ либосда.

Кузнинг илиқ оқшоми бўлишига қарамасдан, тўйхона анчайин салқинроқ, алланечук хавотир оғушида эди. Таклифномада “Мушфиқахоним ва Далербекнинг турмуш қуришлари муносабати билан уюштирилаётган дўстлар давраси” деб аталган зиёфат ҳам анча ўринлар бўш бўлгани учун сал камтарроқ кечди. Уч-тўрт табрик сўзларидан сўнг, майин мусиқа садолари остида ниҳоясига ета бошлади. Далер ва хоним бир мунча эртароқ туриб кетишди.

– Алҳол, рухсатларинг ила икки ёшга жавоб берайлик. Улар энди тезроқ гўшангага кириб, висол лаззатидан баҳраманд бўлсинлар, – деди даврани олиб бораётган таниқли қизиқчи Тоҳир Шарипов. – Биз эса тонг отгунча базмни давом эттирамиз...

Келин-куёв Далернинг хонадонига қайтиб келганларида соат ҳали кечки тўққиздан эндиgina ошганди.

– Сиз бемалол нарсаларингизни жойлаштираверинг, – деди Далер хонимга. – Дарвоқе, хизматкор аёлингизни ҳам боя “шу ёққа келавер” демабсиз-да.

– Қўнғироқ қиламан. Эрталаб келади.

– Ундай бўлса, жуда яхши. Ҳозир... Сиз битта чой қўйинг. Мен бир-икки жойга қўнғироқ қилишим керак...

Хоним ошхонага кириб, чой қўйди. Қайнатиб, дамлаб олиб кирганида Далер ҳамон телефонда ким биландир гаплашар, нимадандир норози, жаҳлданми, ҳаяжонданми, юзи қизариб, терлаб кетган эди.

– Шундан бошқа илож йўқми? – деб сўради у хонимни кўргач, гапни қисқа қилиб

Нарёқдан “йўқ” деган жавоб бўлди шекилли, Далер жаҳл ва афсус билан бошини чайқади. Сўнгра бўшашиб:

– Майли. Унақа бўлса, ярим соатлардан сўнг пастга тушаман. Уйга яқин келмай, муюлишда кутиб туринглар.

Хоним ҳайрон бўлди. Юрагини ваҳима босди.

– Тинчликми? Ярим кечада қаёққа бормоқчисиз?

Далер шу қадар саросимада эдики, хонимнинг саволини ҳам эшитмади. Кўзлари теваракка аланглаб, ниманидир эслашга, ниманидир излашга уринди. Бир неча дақиқадан сўнг ўзига келиб, хонимнинг савол назари билан қараб турган чехрасига ўйчан тикилди. Бир зум иккиланиб тургач, титроқ овозда гапирди.

– Хоним, мен ҳозир... кетмасам бўлмас экан. Сиз хавотир олманг. Эшикни маҳкам қилиб ётаверинг. Сўраганларга “Иш билан вилоятга бораман, деб кетувди” деб жавоб берасиз. Мен... икки-уч кун ичида сизга қўнғироқ қиламан ёки бирон киши орқали хабар юбораман. Нима қилишни ўшанда маслаҳатлашамиз. Илтимос, «нега», нима учун, қаерга кетяпсиз” деб сўраманг. Ҳозир вақт зиқ. Шунақа бўп қолди. Бу ҳам пешонада бор эканда... Анови спорт сумкасига кийимларимни... Йўқ-йўқ. Кийим ҳам керак эмас. Демак... диққат билан эшитинг.

Бугун расмийлаштириб берилган мулклар ҳаққи ҳалол сизники. Унга ҳеч ким даҳл қилолмайди. Қолаверса, ўзингиз ҳам ҳуқуқшуноссиз. Бирор ҳафта, ўн кун ўтгач, мени “йўқолди” деб милицияга ариза беринг. Бу сиз учун керак. “Қаердалигидан мутлақо хабарим йўқ” деб тураверинг. Бўлди! Гап шу! Мен кетдим.

У эшик ёнида хонимни яна бир марта бағрига босиб, икки юзидан ўпди. Кўзлари нам эканини кўриб, хонимнинг кўнгли буткул бузилиб кетди. Аммо ўзини бардам тутиб, кўз ёш қилмади.

– Омон бўлинг, қайда бўлсангиз ҳам, – деди.

Эшик ёпилгач, ҳаёлига келган биринчи фикр шундай бўлди: “Эрга ёлчимаслик пешонамга ёзилган экан-да, эй Худойим!”

ҚИРҚ ОЛТИНЧИ БОБ

Ҳашаматли “Наврўз” ресторанидаги камтарона тўй ва ўша кеча Далер Ботировнинг хорижга қочиб кетганлиги ҳақидаги хабарни Нурбекка Ҳакимхонов айтди.

– Агар ўша биринчи мақолани сиз ёзган бўлганингизда эди, ҳозир миллий қаҳрамонга айланардингиз. Ёа айна кунларда “Шахснинг қочиши” деган мазмунда иккинчи мақолани ҳам ёзардингиз... Дарвоқе, мен ўша мавзун сизга яна бир карра таклиф этмоқчиман. Бу гал маълумотлар шу қадар даҳшатлики, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади.

– Нега қочибди? – сўради Нурбек, – Тафсилотларини сиз яхши билсангиз керак.

– Бу ҳамшаҳрингиз, – деди Ҳакимхонов атай Нурбекнинг гашига тегиш учун, – арбоб ниқобидаги ўғри экан-у! Музейлардан ўғирланган ноёб, бебаҳо нарсаларни хорижга олиб чиқиб, қиммат-қиммат нархларда сотиб юрган. Энди бўлса, “мен эркин фикрли демократ бўлганим учун туҳмат қилишди” деб сасиб юрибди. Фик-

римча, халқаро полиция тегишли ҳужжатлар тўплагач, уни қамоққа олади.

Нурбек Ҳакимхоновнинг фикрини бу гал ҳам рад этди.

– Ҳойнаҳой, сиз ўзингизга қадрдон бўлган бир аёлнинг юзидан ўта олмай яна андиша қиялпсиз ўша аёлчи, сизнинг ачинишингизга сира ҳам арзимаydi. У ҳам шерик ўшанга. Ҳозир тегишли идоралар шуғулланаяпти.

Нурбек чиндан ҳам хонимга гоҳ ачинар, гоҳ ундан ачиқланарди. “Бу сирни ҳеч қачон, ҳеч ким билмаслиги керак” деб ўйлар эди Нурбек хоним билан ярим соатлик никоҳни эслар экан. Эшитган, билган одам ё кулади, ё масхара қилади. “Аёлнинг ноғорасига ўйнабсан, макрига илинибсан” дейди. Бундоқ ўйлаб қараса-чи, аслида қанақа ноғора, қанақа макр. Ахир, бу шунчаки кўнгил озодалиги, виждон тинчлиги учун қилинган тадбир-ку чиндан ҳам. Хоним бунинг сабабини ҳам айтди-ку. “Тўртта эр кўрган бўлсам ҳам, бирон марта, бирон эркак билан ношаръий муносабатда бўлмаганман, зино қилмаганман, шунинг учун виждоним қийналмоқда” демадими? Бас шундай экан, бир аёлга холис хизмат қилсанг қилибсан-да... Гафур Ғуломнинг “Ёдгор” номли қиссасида шунга ўхшаш воқеа бор. Унда аёл йўрғакдаги боласини уйланмаган йигитнинг қўлига топшириб қочиб кетади. Ана уни макр деса бўлади. Гарчанд, ўша воқеадаги аёл ҳам маккорлик қилмаган, мажбур бўлгани учун шундай йўл тутган. Айтгандай, хоним ҳам никоҳ ўқитганидан сўнг, мана энди бунга ўзингиз қаранг, деб унинг қўлига бола тутқазиб кетганда нима бўларди? Бола бўлмаганмикан ўша куни... Нурбек миясига ногаҳон келган, кутилмаган фикрдан уялиб кетди. Ол-а! Ваҳимангни қара-ю. Шунчалик пухта, тажрибали аёл... Қисқа муддатли дилхушлик туфайли ўйлаб бўлмас хатога йўл қўйиши ақлга сиғмайдиган гап. Хом хаёлни йиғиштир... Дарвоқе, энди хоним нима қилар экан? Қонуний никоҳдан ўтиб, тўй қилиб, турмуш қурган бўлса... афтидан кетармикин? У билан... Ҳакимхонов айтгани рост бўлса, нима деб

шуғулланишлари мумкин? Хотин эри учун жавоб бера-
дими? Унақа эмасдир. Қолаверса, хоним ҳуқуқшунос-ку,
наҳотки, кўра-била туриб, ноқонуний ишларга шерик-
чилик қилган бўлса? Йўқ, унақа бўлиши мумкин эмас.
Ғалатиси шундаки... чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Ботиров
хонимга уйланган ва қурбон бўлган эркакларнинг не-
чанчиси?

Нурбекнинг юраги шувиллаб кетди. “Ботировнинг
ўрнида мен бўлишим ҳам мумкин эдими-а?” деб ўйлади.
“Унга яқинлашган эркакнинг бариси абгор бўлмоқда”. Бу
фикр Нурбекнинг хаёлига илгари ҳам келган. Ўшанда ун-
чалик эътибор бермаган. “Бу шунчаки тасодиф” деб қўя
қолган. Шу топда эса ушбу ҳодисада қанақадир мудҳиш
қонуният борлигини англагандек бўлди. “Иккитаси ўл-
ган, иккиси омадсизликка учраб, хароб бўлган...” Нима
бу? Шумқадам соҳибжамолнинг касофати эмасмикан?

Тарихда шундай аёллар бўлган-ку. Абдулла Қодирий
ёзмоқчи бўлган “Амир Умархоннинг канизи” рома-
ни қаҳрамони Пошшахоним қисмати ҳақида у ўқиган
эди. Пошшахон ҳам... Амир Умархон, Мадалихон, Амир
Насруллолар умрига зомин бўлган, дейишади. Наҳотки
бу... мистика, илоҳий бир қонуний боғланиш натижаси
бўлса? Йўқ! Шунчаки гўзалликда танҳо Мушфиқахоним
ҳаётда омади келмаган бахтсиз бир аёл. Тақдирнинг
ғалати ўйинлари бўлади. Бировга бойлик бериб, соғ-
лиқ бермайди. Бировни ҳусну жамолда танҳо этиб қўя-
ди-ю, толедан қисади. Қисматнинг аччиқ мувозанати бу.
Аммо... Нурбек бу аёлдан ҳарчанд ўзини тортгани билан
кўнглида унга нисбатан нафис, майин бир меҳр сақла-
ниб қолганлигига мудом иқрорлик ҳис этади. Ҳатто...
“агар уйланмаган йигит бўлганимда сира ҳам иккилан-
масдан тақдиримни у билан боғлар эдим” деган жасо-
ратли ва айни дамда ширин изтиробли хаёлларга ҳам
боради. Баъзида у “агарда мен хотинимга масалани
кескин тарзда қўйиб, хонимга ҳам уйланаман, ҳозир-
ги пайтда қўшхотинлилик айб саналмай қолди” десам,

у рози бўлишдан бошқа чора тополмасди, ахир қилган хиёнатимни кечирди-ку, деб ҳам ўйлаб кетар, “лекин, – дерди яна, – менинг ўзим, табиатан руҳан икки аёл билан яшашга мослашмаган, буни тасаввур этолмайдиган одамман, афтидан бу тарбия ҳосиласи, ёинки, мени ўстирган муҳит, турмуш тарзининг моҳиятидан келиб чиқади, қолаверса, эркак жинсининг ўзи феъл-атвори, мижози нуқтаи назаридан бир аёлга қаноат қилолмайдиган “хотинбозлар” ва аксинча, биттасига қаттиқ боғланадиган “яккасеварлар”га бўлинади, деб айтишадими-ку. Бу ҳам қуруқ гап бўлмаса керак”.

Ундай бўлса, хонимнинг хаёлидан сира кетмаётгани, ҳадеб кўз ўнгига келаверишини қандай изоҳламоғи керак? Чиройли бўлганлиги учунми? Ёки...

Нурбек кейинги пайтлар бу ўжар “муаммо”дан халос бўлиш учун аламини ишдан олишга уринди. Кўп ёзди. Қаттиқ ишлади. Янги бош муҳаррир (дарвоқе, устоз яқинда иззат-икром билан қарилик нафақасига узатилди, ўрнига анчайин ёш бўлса ҳам, юқори идораларда ишлаб тажриба орттирган Маҳмуд Комилов келди) Нурбекни халқаро ҳаёт бўлимига раҳбар этиб тайинлади ва ҳатто:

– Сизни “Жасорат” медалига тавсия этмоқчиман, кейинги пайтларда ғоят жиддий ва ўтқир муаммоларни кўтариб чиққансиз, – деди.

Инсон яхши гапнинг қули. Нурбек бу мақтовдан икки-уч кун учиб-қўниб юрди. Кайфиятига кайфият қўшган яна бир воқеа – ниҳоят хотинини ишга, қизларини боғчага жойлаб, кўнгли тинчланди. “Мана энди, том маънода пойтахтлик бўлдик, – деди у завжасига. – Энди тирикчилигимиз ҳам юришиб кетади. Қўш ҳўкиз бўлиб, омонни баравар тортамыз...”

Хотини индамай кулиб қўйди. Нурбек эса табиатан босиқ ва ниҳоят жиддий бу аёлга яна бир бор қойил қолиб, “тоқатиға балли-э” деб юборди. Ҳайратнинг сабаби – хотинининг ораларидаги кўнгилсиз воқеа ҳамда ке-

йинроқ тўсатдан бориб айтилган иқрордан сўнг ўтган шунча вақт мобайнида биринчи жилмайиши эди. Шу пайтгача тишининг оқини ҳам кўрсатмаганди.

– Нега? – деб шивирлаб сўради тунда Нурбек ёстикдошининг эндиги ройиши бошқачалигини вужуд-вужуди билан ҳис этар экан. – Наҳотки, шунча вақт...

– Шу бугунгача ишонмагандим... бизлар билан қолишингизга, – деди хотини енгил хўрсиниб. Афтидан бу хўрсиниш сўнгги гина-кудуратларини кўнглидан ҳайдаб чиқариб юбораётгандек эди.

– Энди ишондингизми? Ахир ўша аёл эрга тегиб кетганини айтгандим-ку.

– Эрга тегсаям ким билади...

– Ҳар қалай энди ишондингизми? – такрор сўради Нурбек.

– Ишонишга ҳаракат қиялман. Чунки...

– Айтаверинг, – деди Нурбек хотини иккиланиб, жим қолганини кўриб.

– Чунки ўша аёлнинг нимасинидир ёқтиргандексиз... Уни унутолмайдигандек туюласиз.

– Нега шундай деб ўйлайсиз?

– Кўнглим сезади.

– Кўнгил душманлик ҳам қилади. Унинг ҳамма гапига қулоқ солаверманг. Майлими?

– Сиз ҳам шундай қиласизми, – деди хотини яна хўрсиниб. – Уни бутунлай унутиб юборасизми?

– Албатта! Хотиржам бўлинг. Сизни ҳеч қачон, ҳеч кимга алиштирмайман.

– Алмаштирмасдан ҳам юравериш мумкин.

– Юрмайман ҳам.

– Сўз берасизми?

– Сўз бераман.

– Ишондим.

– Ишонган бўлсангиз, бир кулинг... Ё қитиқлаб кулдирайми?

– Қўйинг-е. Ўзим куламан... Секинроқ гапиринг. Қизларингиз уйғониб қолмасин...

Шу тун Нурбек ширин уйқуга кетар экан, “Ҳаққи ҳалол, покиза ёстиқдош билан эркин, хавотирсиз қовушиш барибир яхши” деб ўйлади. Тасаввурининг узоқ-узоқларида эса... Хонимнинг ўйчан чехраси намоён бўлди.

Эрталаб уйқудан турганида ўша чехра ҳамон хаёлида турар ва гўё унинг хоб олдидан ўйлаган ўйига эътироз билдиргандек, “Мен ҳам сизга ҳаром эмасдим-ку” дегандек гина билан, аразли қарарди. Ишга келганидан сўнг ҳам тарк этмади хаёлини ўша чехра. Охири, “Дарвоқе, нима қилаётган экан хоним, дўст бўлиб қоламиз дегандим-ку, эҳтимол бир оғиз қўнғироқ қилиб, аҳвол сўраб қўйиш керакдир” деб ўйлашга мажбур бўлди. Ўйлади-ю, бироқ бу ишни қилишга ўзини мажбур этолмай, анчагача иккиланиб ўтирди. Кейин баҳона топди. “Ишига қўнғироқ қилсам... ноқулай бўлмайди. Ҳол сўраганининг айби йўқ-ку”. Яна иккиланди. “Эри қочиб кетган. Телефонлари назорат қилинаётган бўлса...” Йўқ. Ўзи учун қўрққани йўқ. Хонимга ортиқча ташвиш туғдирмай қўя қолай, деди. Эҳтимол, ўзи қўнғироқ қилиб қолар. Энди нима деб қўнғироқ қилади? “Тўйга келмадингиз?” деб ўпкалайдими? Қаттиқ аразлаганмикан?... Э-э, қизиқ одам экансан, ошна, ишни ўйласанг-чи! Теваракда қанақа гаплар, қанақа алғов-далғовлар бўлаётибди-ю... Сен нуқул бир аёлнинг фикри билан бандсан. Уят эмасми?... Ундан кўра “Жасорат” медали олишни ўйласанг-чи...

Нурбек кейинги пайтлар ўзи, ўзининг номаи аъмоли, руҳият аҳволи хусусида бир қадар кинояомуз фикр юрита бошлаган эди. Бу ниманинг ҳосиласи? Ҳаётининг тинч, ҳар қалай муаммосиз кечаётгани туфайлими? Ижодкорга ички хотиржамлик жудаям зарур. Шундай бўлган тақдирдагина у яхши асарлар ёзиши мумкин. Ҳўш, ички хотиржамлик дегани нима ўзи? Ўзингни, аниқроғи, кўнглингдаги ҳою ҳавасларни енгил, улардан баланд туришми? Шунақа бўлса, ажаб эмас. Нурбек ўзи-

ни Далердан фарқини шу билан изоҳлашга уриниб келади. Ҳолбуки, ўша ғала-ғовур пайтларда унга “депутатликка номзодингизни қўяйлик” деган таклифлар бўлган эди. У рад этган. “Ижодкор ижодини қилсин” деган. Агар ўшанда рози бўлганида, у ҳам депутат бўлиб юрарди. Унинг ўрнида туман газетасида ишловчи бир бақалоқ йигит номзодини қўйиб, ўтиб кетди. Яхши, босиқ йигит. Ҳозир тинчгина юрибди. Далер сингари ҳар ғавғога ўзини урмай. Нурбек ҳам шунақа қилиб юрса, бўлмасмиди? Бўларди. Бироқ у касбини афзал кўрди. “Қаноатли бўлишим керак” деб ўйлади. Баъзида “қаноатни меъёридан ошириб юбормаяпманми” деб ғашланади. “Тилингни тийсанг, бой бўласан” деб кулган эди ўзининг устидан бир гал. Сира бойимаяпти-ку? Бойлик нима ўзи? У фақат моддий тушунчани? “Бой бой эмас, бориға қаноат қиладиган киши –бой” деган бир донишманд. Қизиқ. Нега у, қаноат қилувчиман дея кўксига урувчи одам ҳам бойлик ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолди? Замон ўзгариб, ҳамма нарса бойлик билан ўлчанаётгани учунми? Пули кўп одамларнинг қўли узун бўлиб бораётгани учунми? Далер Ботиров шўрлик ҳам... “Номи улуғ, супраси қуруқ” деган тамғага чидай олмагани учун қўл урганмикан бояги ишларга? Дарвоқе... Ботиров энди “Мен контрабанда билан шуғулланганим йўқ, менга тухмат қилишди, обрўсизлантириш учун атайлаб уюштиришди” деб юрган экан. Шу тўғрими? Унда кимнинг қасди бор экан? “Мен ҳақиқатпарвар, демократ бўлганим учун” деётган экан. Ботиров қачон ҳақиқатпарвар бўлган? Бир пайтлар фелъетонлар ёзиб, шов-шув кўтариб юрганидами? У қачон демократ бўлган. “Бошқача фикр” кўрсатувини олиб борган пайтларидами? Ахир... Буларнинг ҳаммаси шухратпарастлик эмасмиди? Сувни лойқалантириб, ғавғо кўзгаб, шунинг тўлқинида жамиятда юқорирак мавқега эришишни кўзламаганмиди у? Ё... Нурбек адашаётирми? Далер билан худди Ҳакимхонов айтганидек, илгаридан ички бир рақобатда бўлгани учун шундай

деб ўйлаётирми? “Гадонинг душмани гадо бўлади” деганларидек, ижодкор қавми ҳам бир-бири билан мудом рақобатда бўлади. Бунинг сабаби, эҳтимол ижодкорман деганининг барчаси шуҳратпараст бўлиши туфайлими? Қизиқ. Ижодкор шуҳратга интилмаслиги ҳам мумкинми? Агар у ўзини ҳақиқий кучли истеъдод соҳиби деб ҳисобласа. Далер, агар шу нуқтаи назар орқали ёндашилса, қобилияти етмаган жойни, шоир айтмоқчи “қалами етмаган чўққини мавқе кучи ила забт этмоқчи бўлдими? Қобилиятсиз ижодкор юқорига хизмати, хушомади ва маддоҳлиги эвазига чиқишга уринади. Бу ҳам иш бермай қолгач, жанжал-тўполонга ўтади. Ҳатто бузғунчилик ва фитналардан тап тортмайди. Ҳатто... Герострат сингари ибодатхонага ўт ҳам қўйиши мумкин. Шуҳратпарастлик – мана шунақа даҳшатли дард. Қобилиятли ижодкор-чи? У тинчгина ижод қилиб юриб ҳам шон-шуҳратга эришиши мумкинми? “Ҳа, - деди кулиб Нурбекнинг ички овози, – фақат... ўлиб кетганидан кейин”. Нурбек жилмайди. Майли-да. Лоақал вафотидан кейин бўлса ҳам... машҳур бўлади-ку. Рус шоири Пушкин ёзган машҳур шеърнинг сатрларини тахминан эслади: “Ишон дўстим, порлайди бир кун, эркинликнинг ёрқин юлдузи. Мустабид салтанат харобаларида ёзилгуси бизнинг номлар ҳам...”

Йўқ, ким нима деса десин-у, Нурбек ҳақиқий ижодкор шуҳрат учунгина яшайди, деб ўйламайди. У... ҳақиқий ижодкор. Худо берган истеъдодини, худо берган тафаккурини маърифатпарварликка, одамлар қалбига озгина бўлса ҳам ёруғлик сочишга сарфлаши лозим, деб ўйлайди. Мен ҳам... дунёга нур сочиш учун келганман, исмимнинг Нурбек бўлишини ҳам... Худо буюрган, деган ажабтовур, баландпарвоз хаёлларга боради. Шунинг учун мен турмушнинг майда-чуйда икир-чикирларидан баландроқ юриб, фақат ижод қилишим, фақат ёзишим керак, дерди у. Айни пайтда, кўпинча нима ҳақда ёзишни билмасди. Уни ёзсанг, кимгадир тегиб кетади, буни

ёзсанг, виждонинг қийналади. Ёзмасанг, “ёзолмайди” дейишади. Нега бунақа-а?

Собиқ муҳаррир, ҳозир “фахрий дам олиш” гаштини сураётган устоз: “Ёзишдан кўра, кузатиш, мушоҳада юриштиш муҳимроқ. Сен ҳозир кўпроқ кузат, мушоҳада қил. Ана шунда янглишмайсан. Пайти келиб, вақт ҳамма нарсани жой-жойига қўйганидан сўнг бемалол ёзаверасан...

– Фақат ўтган замон феълида ёзиш ҳам... алам қилади одамга, – деди Нурбек. Кейин сўради:

– Ўзингиз ҳам ёзаяпсизми, устоз?

– Мен ўзимни таржимага урдим. Марсел Прустдан таржималар қиялман. Илгари уни “модернист” деб писанд этмай юрардим. Энди билсам, зўр ёзувчи экан. “Асира” деган романини ўқиганмисан?

– Ўқиганман.

– Ана ўшани ўгирияпман...

“Асира” ҳақидаги гап туфайли Нурбек яна хонимни эслади. “Аҳволи не кечди экан? Қанчалар... ношудман-а... Севгисини рад этганим етмагандек, шунчаки одамгарчилик юзасидан бир оғиз аҳвол сўрашга ҳам ярамайман...”

ҚИРҚ ЕТТИНЧИ БОБ

Телепатия, яъни фикрни узоқ масофада туриб, ғойибона узатиш мумкинлиги аллақачон исботланган. Албатта, бунинг учун одамда алоҳида ноёб бир қобилият бўлиши зарур, дейишади. Кўпинча одам ўзида ана шундай қобилият борлигини сезмайди. Айни дақиқаларда Мушфиқахоним кўнглидан кечаётган фикрларни кузатсак, беихтиёр унда ҳам телепатия иқтидори бор шекилли, деб ўйлаб қолишимиз, табиий.

“Эҳ, Нуржон, Нуржон, - деб ўйлар эди шу топда хоним идорасида хомуш ўтирган қўйи. – Нималар қилиб қўйдингиз? Мени... туғилажак фарзандингизнинг онасини...

Кўра-била туриб, яна укубатлар гирдобига улоқтириб ташладингиз-ку...”

Ҳа, энди хоним ўз вужудида Нурбекнинг фарзанди борлигига, ҳомила яхши ривожланаётганига аниқ ишонч ҳосил қилган ва илк бор бу ҳақда ошкора фикр юритишга жазм этаётган эди. Бошда ишонмаган, “бу сафар ҳам тушиб кетади” деб ўйлаган. Чунки илгари бу азобли ва аламли ҳодисани бир неча бор бошдан ўтказган ва “энди ҳеч қачон она бўлолмайман шекилли” дея тақдирга тан берган эди. Гарчанд, тиббий текширувлар мудом унинг соғломлигидан гувоҳлик берар ва қачондир фарзанд кўришга умидлантириб келарди-ю, хоним ишонмасди. Энди илк бор ишониб, қувониб ўтирибди. Бу қувонч эса аксига олиб, ишлари чаппасидан кетган кунларга тўғри келиб турибди...

Дарвоқе, Далер Ботировнинг фавқулодда “ҳижрати”-дан сўнг унинг рафиқаси бўлмиш Мушфиқахонимнинг ишлари ҳам деярли юришмай қолди. Тасодифми ё “Худо урганни пайғамбар ҳам ҳассаси билан туртиб ўтади” деганлари тўғрими, юқоридан “нотариал идораларни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида” бир кўрсатма келиб, ҳамма қатори хоним ҳам такрорий рухсатнома олиш учун ҳужжат топширишга мажбур бўлди. Кўпчиликнинг иши тез битди-ю, “айримлар” қатори хонимга ҳам “кутиб туринг” деган мужмал ва муддатсиз жавоб берилди. Шул жонибдан хоним идорасидаги икки ходимга “муддатсиз таътил” бериб, ўзи кунда ёки кун ора шунчаки келиб кетиб юрибди. Иш йўқ. Айрим кунлар у бир пайтлар не умидлар ила бежирим, шинам қилиб жиҳозланган хизматхонасида соатлаб ўй суриб ўтиради. Бугун ҳам шу аҳвол... Дастлаб Далерни ўйлади. Ҳар не қилса, эри-да. Қайда экан, нималар қилиб юрибди? Бу ёқда қидирув... Хонимни ҳам икки-уч ҳафта давомида сўроқ қилавериб, жонидан тўйдириб юборишди. У биринчи тергов куниёқ очиғини айтди.

– Ишонинглар. У киши билан... атиги икки-уч соат яшаганман, холос. ЗАГСдан ўтиб, тўйга бордим. Тўйдан кейин уйга келиб, ақалли ярим соат гаплашганимиз йўқ. “Ҳозир келаман” деб, чиқиб кетганича ғойиб бўлди...

– Ҳатто... никоҳ оқшомини ҳам бирга ўтказганимиз йўқ, денг? – заҳаролуд илжайиш билан сўради терговчи хонимнинг чехрасига ошкора ҳавас билан тикилар экан. – Чатоқ бўлибди-ку. Демак, бу собиқ акамиз “асал ойи”ни ҳам заҳар қилиб кетибдиларда-а?

Хоним индамай қўя қолди. Терговчининг саволларига қисқа-қисқа жавоб бериб, чиқиб кетди. Кейин тинтув бўлди. Далернинг уйидан ҳеч нарса топилмагач, терговчи узр сўраган киши бўлиб, деди.

– Хафа бўлмайсиз-да, энди... Сизнинг уйингизни ҳам кўриб қўйишимиз керак....

Кўришди. Хонимнинг саргузаштли йиллар мобайнида орттирган бисотини синчиклаб текширишди. Дуру жавоҳирлари, ноёброқ буюмлару жиҳозларни ҳайрату ҳасад ила томоша қилишди.

– Буларнинг қайси бирини Ботиров туҳфа қилган, – деб сўради терговчи.

– Ҳеч қайсисини, – деди хоним. – Ҳаммаси ўзимники. Йиллар давомида тўпланган. Ҳойнаҳой, бу ерга келишдан олдин менинг таржимаи ҳолимни яхшилаб ўрганган бўлсаларингиз керак.

– Биламиз, биламиз, – деди терговчи. – Асилзода, бойвучча аёлсиз. Ноёб буюмларингиз ўзингизга тегишли эканлиги ҳақида ҳужжатларингиз ҳам бор. Ҳуқуқшуносиз-да, ишни пухта қилиб қўйгансиз. Фақат бир нарсага ҳайронман. Шунақа бой-бадавлат, пухта аёл бўлатуриб... анови пандавақига қандай илакишиб қолгансиз?..

– Бу менинг... шахсий ишим. Шундай эмасми? – деди хоним ижирғанганини сездирмай.

– Шундай-шундай, мухтарам ҳамкасб, – деди терговчи бироз юмшаган киши бўлиб. – Лекин... Манови қиммат-

баҳо картиналарни... вақтинча олиб кетишимизга тўғри келади. Чунки... музейдан йўқолганларининг ҳаммаси ҳам топилган эмас... Биз солиштириб кўришимиз зарур.

– Майли. Фақат... Мутахассис иштирокида рўйхат қилиб, кейин олиб кетсаларингиз...

– Албатта шундай қиламиз...

Хоним никоҳ оқшомининг эртасигаёқ Далернинг “чимилдиқли” хонадонини тарк этиб, ўз уйига қайтган эди. Тинтувдан сўнг бамисоли ўғри уриб кетгандек ҳувиллаб қолган ўз уйида ҳам юраги сиқила бошлади. Кўпроқ вақтини ишхонасида ўтказадиган бўлди. Ишхонаси эса мана бунақа аҳвол. Сўнгсиз, азобли ўйлардан бошқа на бир ҳамсухбат, на бир дардкаш бор... Мана, неча кундирки, у Нурбекнинг қўнғироғини кутади. Гарчанд бунга маънан ҳаққи йўқлигини билса ҳам, кутаверади. “Наҳот сезмаса. Наҳотки... ўйламаса... Сезган... ўйлайди. Бироқ, қўнғироқ қилишга қўрқади. Нимадан? Кимдан? Нега қўрқади. Обрўси тушиб қолишиданми? “Жиноятчи билан ошначилиги бор экан” деган гап қилишлариданми? Унга... ўша куни, лаҳзалик никоҳдан сўнг ҳаммасини очик айтиш керакмиди? Ишонармиди? Тан олармиди? Эҳтимол, бу гапни билгач, хонимнинг Далерга тегишига қаршилиқ қилган бўлармиди?

Йўқ, Хоним ўша пайтда Нурбекка бу сирни айта олмасди. “Мабодо яна... тушиб кетса, алдамчи ва ҳатто... “шантажчи” деган ном орттириб олмайин, деб қўрқарди. Очиғи, ҳалиям қўрқиб юрибди. “Яхшиси... то эсон-омон туғиб, қўлимга олиб олмагунимча, билмагани маъқул. Кейин билса, нима бўлади? Тан оладими? Далернинг хотини бўла туриб, “бола сизники” дейишга қандай жазм этияпсиз, уялмайсизми, демайдими? Ахир... хоним унга Далер билан никоҳдан ўтган бўлса ҳам, яқинлик қилмаганини, қолаверса... ўша кунги лаҳзалик “никоҳ ва талоқ” боиси айнан шу ҳодиса эканини тушунтириб ўтира олмайди-ку. Ёки... Нурбекнинг ўзи тушунармикан? Зийрак, ақлли йигит-ку. Наҳотки, шу чоққача ҳам “хонимга бу

муваққат никоҳ нима учун керак бўлган?” деб ўйламаган. Ўйлагандир? Лоақал бир марта бўлса ҳам “ўшанда хоним ҳомиладор бўлиб қолмаганмиди” деган савол кўнглига келгандир... Келган бўлса, бир оғиз... лоақал шаъма қилиб, билишга уринмасмиди? Хўп, ана сўради, билди ҳам дейлик. Ўшанда нима бўлади? “Мендан ҳомиладор экансан, Ботировга тегишга бало бормиди?” демайдими? Демайди. Дея олмайди. Деса... хоним айтadиган гапини билади. “Нима, болани... эрсиз туғишим керакмиди? Наҳотки, Ботировга... айнан шунинг учун – бола отасиз туғилмаслиги учун текканимни тушунмаган бўлсангиз?..”

Чуқурроқ мулоҳаза юритилса, ҳаммасини пухта, рисоладаги сингари бажарган. Бола – Нурбекники. У Нурбек билан никоҳдалик пайтида пайдо бўлган. Никоҳи – шаръий. Бунга гувоҳлари бор. Кейин талоқ. Кейин Ботиров билан қонуний никоҳ. Қолаверса, Далер ҳам хонимнинг Нурбек билан яқин муносабатда эканини салпал биларди. Шунинг учун у топилиб, ишлари тинчиб кетган тақдирди боланинг мавжудлигидан ажабланмаслиги керак. “Фарзандим деб қабул қилса, унинг номига ёзилади. Йўқ деса, хоним болани ўз номига ёзиши ҳам мумкин. Қонунан бунга ижозат бор. Айни пайтда, Нурбекнинг ҳам олдидан ўтиб қўйишга тўғри келади. Ҳозирча, бу ҳали сир бўла турсин. Муҳими у она бўлади. Врачлар бунга қаттиқ ишонтиришяпти. Ҳатто, боланинг ўғил эканини ҳам аниқ айтишди. “Э, худо, ўзингга шукр” деб юборди хоним ногаҳон. Азоб-уқубатларимнинг мукофоти шу бўлса ажаб эмас. Омон-эсон туғиб олсам, ҳамма кўргуликларимга минг карра рози эдим. “Ойнинг ўн беши ёруғ” дейдилар-ку. Менинг ёруғ кунларим ҳам келар...”

Бир қадар маъюс кайфиятда бўлса-да, ҳар қалай баланд руҳ билан уйига келди. Одатда кунботар чоғлари юраги орзиқарди. Бугун унақа бўлмади. Хувиллаб ётган хоналар ҳам бугун у қадар ваҳимали эмас. Зеро, хоним

энди фақат юраги остида уйғонаётган, тобора жонланиб, ўзини сездира бошлаган янги бир вужуд юрагига кулоқ солар, уни аниқроқ-тиниқроқ ҳис этишга уринар, бу уриниши унга ажиб бир ҳаловат бағишлар эди. Шунинг баробарида ўқтин-ўқтин Нурбекни ёдлар, соғинар, кўргиси, лоақал овозини эшитгиси келар, “ўзим кўнғироқ қилсам-чи” дея хезланар, яна “телефонлар эшитилади, яна унга зарар етмасин” деб фикридан қайтар, сўнгра хаёлан у билан суҳбатга киришиб кетар эди.

“Ҳозир сиз ҳам мен ҳақимда ўйлаб ўтирибсиз, шундай эмасми?” – деб сўрар эди хаёлан у Нурбекдан.

“Ҳа, шундай, – деб жавоб қайтаради Нурбек. – Сизни ҳеч унутолмаяпман”.

“Унутолмасангиз... Нега сўрамайсиз?”

“Ҳаққим йўқ. Энди бировнинг хотинисиз-ку”.

“Бировнинг хотини бўлсам ҳам... дўст бўлиб қолганмиз-ку?”

“Аёл билан... шунчаки дўст бўлиш қийин. Буни тўғри тушунишмайди...”

Хоним ғойибона суҳбат яна бояги, кўнглидан кечган фикрлар такрори бўлаётганини сезиб, зерикди. “Мен ўзимча ҳарчанд фараз қилиб, хаёл сурганим билан... унинг кўнглидаги гапларни билишим қийин. Ҳатто энг кучли телепатлар ҳам... масофадан туриб, фикрни ўқий олмайди. Бунинг учун ўша одамнинг қўлини ушлаши ёки ҳеч бўлмаганда, кўзига тикилиб қараши керак... Сен бўлсанг, унинг лоақал овозини ҳам эшитолмасанг...”

Тўсатдан хонимнинг миясида “хат ёзсам-чи” деган фикр пайдо бўлди. Бу ажойиб фикр эди. “Энг синалган, ишончли восита бу, – деди хоним ўзига ўзи. – Кўнгилдаги гапларни шошмай, ҳаяжонланмай баён қиласан...”

Ногаҳон эшик кўнғироғи чалинди. Юраги гупиллаб кетди хонимнинг. Туриб эшикка борди. “Ким?” деди. Ҳайдовчи йигит экан. “Нега қайтиб келди?”. Эшикни очди.

– Опа, кечирасиз, манови хатни бир киши сизга бериб қўйишимни сўради.

– Кимдан экан, – деди хоним беихтиёр юраги хап-риқиб. “Боягина ўйлаб турган фикрларим Нурбекка аллақачон етиб бориб, у мендан аввалроқ ҳаракат қилди-микан” деган ўйга борди. Айни пайтда юраги хат бошқа кишидан эканини сезиб турган эди.

– Билолмадим. Фақат “Тезроқ олиб боринг, бу жуда муҳим” деб айтди. Шунинг учун эртани кутмай, олиб келдим. Жавобини ўзи келиб мендан оларкан.

– Яхши қилибсиз, раҳмат, – деди хоним.

– Мен... бораверайми? Бирон гап бўлса, қўнғироқ қи-ларсиз.

– Майли ука, бораверинг...

Хатни очди. Далердан экан. Тез ўқиди. “Ассалому алай-кум, мунис ва мушфиқ рафиқам. Ушбу мактубни сизнинг олдингизда бир умр айбдор, густоҳ ва гумроҳ қулингиз Далер Ботирдан деб билгайсиз... Сизни никоҳ оқшомида, оппоқ либосда, чимилдиқ ичида ташлаб кетишга маж-бур бўлганим учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмасам керак...

Омон-эсон чегарадан ўтиб, қўл етмас жойларга жой-лашиб олдим. Соғлиғим, ишларим яхши. Энди имкон то-пиб, сизни чақириб олиш тараддудидаман...”

Хоним бу мактубдан бир мунча қувонч ва бир қадар хавотир ҳосил қилди. Қувончининг боиси турмуш ўр-тоғининг дараги чиққани бўлса, хавотир сабаби хатда-ги бояги сатрлар эди. “Чақириб олиш тараддудидаман” депти. Қайга чақиради? Қайларда сарсон-саргардон бўлишади? Муҳожирлик осонми? Умрида Тўйтепадан нарига чиқмаган, хорижни киноларда ёхуд телевизор орқали томоша қилган киши эҳтимол, қувонар, “жаҳон-гашта бўламан энди” деб. Хоним эса мусофирлик нели-гини билади. Шунинг учун севинч ва хавотир қоришган мажхул бир туйғу оғушида ўйга толди.

ҚИРҚ САККИЗИНЧИ БОБ

Кузнинг салқин кунлари бошланди. Нурбек меҳнат таътилига чиқиб, хотини ва қизлари билан Кумушконга дам олгани кетди. Тоғлар бағридаги сўлим ва мўъжаз, шарт-шароитлари у қадар мукамал бўлмаса-да, хизмати кўнгилдан чиқадиган бу маскан унга маъқул тушди. Тиниқиб ҳордиқ ёзди. Бир-икки ҳикоялар машқ қилди. Ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги таҳлилий мақолалардан иборат тўпламини яна бир сира кўздан кечириб чиқди.

Таҳририятдан элчи келиб, бош муҳаррир унинг зудлик билан етиб келишини сўраётганини айтган куни ҳордиқ муҳлатидан яна бир ҳафта бор эди. Нурбекнинг “Сизлар қолаверсанглар-чи” деган гапига хотини унамади. Биргалашиб шаҳарга қайтишди. Кеч кириб қолганига қарамай, Нурбек ишхонага борди. Раҳбар хонасида экан.

– Узр, дам олишингизга ҳалақит бердик, – дедиу салом-аликдан сўнг жилмайиб.

– Ҳечқиси йўқ. Тинчликми ишқилиб?

– Сизнинг номингиздан бир иш қилиб қўйдик, – деди бошлиқ “Ўтган кунлар” романидаги машҳур ибора воситасида сўз ўйини қилиб. – Агар уришмасангиз...

– Яхши одамлар бировнинг номидан ёмон иш қилмасалар керак, – деди Нурбек сўз ўйинига жавобан. У янги муҳаррирни дастлабки кунларданоқ билимдон ва маданиятли одам эканини сезган, айниқса унинг иқтидорли ижодкорларни қўллаб-қувватлашга астойдил интилишини кўриб, ҳурмати яна ошган эди.

– Мамлакатимизда биринчи марта халқаро ахборот маҳкамаси ташкил этилганини эшитган чиқарсиз. Ўшанга... сизни ишга тавсия этдим. Хорижда ишлайсиз.

– Шунақами? – деди Нурбек ўйланиб. – Унга биронта хорижий тилни мукамал билиш керак эмасми? Мен...

– Камтарлик қилманг. Сизнинг инглиз тилини қанчалик яхши билишингизнинг гувоҳимиз. Таҳририятга

япониялик меҳмонлар келганда таржимонлик қилган-дингиз-ку.

– У энди... бир ҳаракат эди-да. Таржимон бўлмай қолгани учун...

– Ўша ҳаракатни яна ҳам кучайтирасиз. Бизни уялтириб қўймайсиз, деб ўйлайман.

– Қайси мамлакатга экан? – беихтиёр қизиқсиниб сўради Нурбек.

– Японияга! Қалай? Тўғри келадими? Албатта, бу ҳали ўзгариши ҳам мумкин. Ҳар қалай эртага эрталаб “Макон” ахборот бошқармаси раҳбари ҳузурига борасиз. Хужжатларингизни аввалроқ топширганман. Ўрганиб, маъқул топишган. У ёғи энди ўзингизга боғлиқ.

– Раҳмат, мен ҳақимда шунчалик ғамхўрлик қилибсиз, – деди Нурбек.

– Сиз яна “бирга ишлашни хоҳламай бошқа жойга ўтказиб юборяпти” деган хаёлга борманг. Ўзимизга ҳам кераксиз. Лекин мустақил давлатимиз номидан хорижда ишлайдиган йигитлар сизга ўхшаган билимдон ва журъатли бўлиши зарур. Шунини ўйлаб, мен тор ички манфаатлардан воз кечдим. Қолаверса, қаерда бўлсангиз ҳам ҳамиша бизнинг, мана шу жамоанинг вакили бўлиб қоласиз. Шундай эмасми?

– Шундай.

– Шундай бўлса, сизга оқ йўл! Омадингизни берсин!..

Эрталаб “Макон”га борди. Бошлиқ яхши қабул қилди. Уни Нурбек илгари Ташқи ишлар вазирлигида кўрган. Таржимонлар бошлиғи эди.

– Биз хужжатларингизни ўрганиб чиқдик. Ёш бўлсангиз ҳам анча тажриба тўплабсиз. Тил масаласида... ҳали ўз устингизда анча ишлашингиз керак экан. Ҳечқиси йўқ. Тил тажриба билан тирик дейишади таржимонлар. Иш жараёнида пишитиб, сайқал берасиз. Демак, бугундан ишга киришдим, деб ҳисоблашингиз мумкин. Тайёргарлик кўринг. Тез орада Японияга жўнаб кетасиз.

– Хўп бўлади!..

Нурбек ходимлар бўлимида хужжатларни расмийлаштириб, гувоҳнома олгач, кутубхонага борди. Сўнгра ўзига ажратилган хонада ўтириб, Япония ҳақидаги китобларни варақлашга киришди. Тушликдан сўнг бошлиқдан рухсат олиб, хайрлашиб келиш учун таҳририятга кетди. Кимдир табриклади. Кимдир “ҳадемай хорижда ўзимизнинг мухбирлар ҳам бўлади” деб қўйди орзиқиш ва ҳавас билан. Ҳамма билан хайр-хўш қилиб, чиқиб кетаётганида хатлар бўлими ходимаси бир мактуб тутқазди.

– Мана бу сизга экан. “Шахсан ўз қўлларига тегсин” дейилибди. Очмадим. Ўзингиз очарсиз.

– Майли, раҳмат, – деди Нурбек хатнинг ёзувига ҳам қарамай, чўнтагига солар экан, – бирон шеърми, ҳикоями бўлса, кейин бериб юборарман.

– Майли...

Янги ишхонасига қайтиб келгач, хат ёдидан кўтарилди. Кечкурун уйга келиб, хотинига кутилмаган янгилик ҳақида сўзлади. Хотини хурсанд бўлиш керакми-йўқми дегандек бир зум ўйланиб турди. Нурбек буни сезиб, изоҳ берди.

– Хорижга бориб, жойлашиб олгач, сизларни ҳам олиб кетаман. Дунё кўрасизлар.

Хотини уни пойтахтга юбориб, анча азият чеккани туфайли, бу сафар иккиланмоқда эди.

– Аввалги ишингиз ҳам ёмон эмасди-ку.

– Тўғри. Лекин ишонч билдиришгач, йўқ дея олмадим. Қолаверса, “журналистни оёғи боқади” деган нақл бор бизнинг ҳамкасблар ўртасида. Дунё кезиш, сайру саёҳат қилиш ижодкорга илҳом беради. Қолаверса... муҳарриримиз истаган пайтда яна ўзимизга қайтиб келишингиз мумкин, деди.

– Ишхонангизга бориб, у ердагилар билан хайрлашдингизми?

– Ҳа, – деди Нурбек ва шу он шимининг орқа чўнтагидаги мактуб эсига тушди. Олиб очди. Очди-ю... саросимага тушиб, қайтариб чўнтагига солди. “Кейин ўқийман”

деди. Шу тариқа чой устида ҳам хатнинг бошланишидаги сўзлар кўз олдидан кетмай, паришонхотир ўтирди. Хотини буни чарчоққа йўйди. Болаларни ухлатиб чиққач:

– Дам оласизми? – деб сўради.

– Йўқ, бироз ёзадиган ишим бор. Сиз... кириб ухлайверинг, – деди Нурбек. Уйлари икки хонали бўлгани учун бир хонаси ётоқ, иккинчи хонада қизлари ухлар, шу боис ижодхона ошхона билан битта эди.

Хотини ётоқхонага қириб кетгач, стол устига қоғозларни ёйган бўлди-ю, кейин чўнтагидаги хатни қайта олиб, ўқишга киришди. Хат Мушфиқахонимдан эди. Қисқагина. Қўрқмаса ҳам бўларкан.

“Ассалому алайкум Нурбек ака!

Ушбу хатни олиб, ҳайрон бўлгандирсиз. Телефон қилай десам... ноўнғайлик бўлмасин деб истиҳола қилдим. Шу боис мактуб орқали сизга бир илтимос билан мурожаат этяпман. Илтимосимнинг мазмуни шундан иборат: “Чархфалак” соҳибасида бир омонат қолдирмоқдаман. Ўшани олиб, эгасига етказсангиз. Ўзим етказолмадим. Сабаби эртага хорижга жўнаб кетяпман. Эҳтимол, энди умрбод кўришмасмиз. Яна ҳам ким билади. Тақдир йўлларида дуч келиб қолсак, шод бўлар эдим.

Сизга чексиз эҳтиром билан

Мушфиқа.

15 октябрь 199... йил”

Нурбек дастлаб ҳайрон бўлди. “Қанақа омонат?”

Эртасига “Чархфалак” соҳибасига учраб, ундан семизгина конвертдаги “омонат”ни олгач, бу хат ҳам ўзига эканини билди ва хонимнинг зукколигига қойил қолди. “Ақлли, зийрак аёл. Асосий хатни таҳририятга жўнатса, очиб ўқишлари мумкинлигини ўйлаган. Бало...”

“Азизим Нурбек!

Хат устига хат ёзиб, сизни ташвишга қўйганим учун кечиринг. Яхлит битта қилиб ёзишга эҳтиёткорлик имкон бермади. Бировларнинг қўлига тушиб, гап-сўз бўлиб

юрмасин дедим. Ўзи умуман хат ёзиш фикри қандай пайдо бўлди деб сўрасангиз, жавоби шуки, шу чоққача юрагимдаги сизга айтмоқчи бўлган гапларимни мингдан бирини ҳам айтолганим йўқ. Хатда шуларнинг бир қисмини, ҳеч бўлмаганда, энг асосийларини айтишга уриниб кўрмоқчиман. Шубҳасизки, бу билан сизни яна ўзимга ром этиш умидида эмасман. Умидимни буткул узганим учун ҳам Далерга тегишга рози бўлдим. Ўйлашингиз мумкин: қизиқ аёл экан бу, бировга севаман деб дийдиё қилади-ю, гапини ўтказа олмагач, дарҳол бошқасига тегиб кетаверади, тайини борми ўзи” деб. Нега шундай қилганимнинг сабабини йиллар ўтгач, билиб оларсиз ва тушунарсиз деган умиддаман. Очиғини айтсам... Сизни, фақат сизни севганман ва бир умр шундай бўлиб қолади. Чунки фақат сизни учратганимдан кейингина севгинималигини билдим. Тўғри, агар биринчи эрим раҳматли вафот этмаганида бир умр у билан яшаб, севги нималигини билмай ҳам дунёдан бахтиёр ўтиб кетишим мумкин эди. Бизнинг аёллар учун бу одатдаги ҳол. Бир умр ёнингда бўлган, сенга мудом ғамхўрлик кўрсатиб, сен билан фарзанд ўстириб, тарбиялаб, тўйлар қилиб, невара-чеваралар кўрган одамга меҳр қўясан. Бунинг севгидан кам жойи йўқ. Кўз очиб кўрган жуфти ҳалолнинг билан қўша қаришга нима етсин! Лекин... Ёлғиз қолган, бевалик ғуссасини тотган аёл, бунинг устига мендек болаликданоқ меҳрга тўймай ўсган одам дардига дармон излашга мажбур бўлар экан. Иккинчи, учинчи бор турмуш қуришимнинг боиси шу бўлса керак. Лекин, афсуски кейин ҳам бахтимдан тинмадим. Худои таоло менга ҳусн берди, бойлику бисотдан қисмади-ю, кичкинагина бўлса ҳам оилавий бир толе ато этмади. Ҳар тўқиснинг бир кемтиги бўлади, дегани балким шудир. Ростини гап: сиз билан учрашишдан олдин мен бунини тушуниб етган эдим ва “энди ёлғизлик қисматиға қўникиб, фақат қорним ва эгнимни ўйлаб яшайман, фақат ҳузур-ҳаловатни ўйлайман” деган қарорга келган эдим.

Бунинг учун етарли шарт-шароит бор эди. Бироқ сизни учратган кунимдан бошлаб, ҳаётнинг маъноси бошқа нарса эканини англаб етгандек бўлдим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди. На мавке ва молу давлат, на данғил-лама ҳовли-жой, на машина, на зебу зийнат, ҳатто имога маҳтал бўлиб юрган хушторликка талабгор казо-казолар... Хуллас, сизни кўрган, таниган куним ҳаётим тамоман қайтадан бошланди. Гўёки мен бир зумда қалбига муҳаббат илк бора чўғ ташлаган ўн беш-ўн олти яшар қизчага айланиб қолдим. Эҳтимол, ўша – ўн беш-ўн олти ёшлигимда сизни учратиб, севиб қолганимда, буни сизга айтишга ботинолмай, ўзим куйиб-ёниб, ниҳоят ўчиб, тақдирга тан бериб, бошқа одамга турмушга чиқиб кетишим ва бир умр ўша одам билан яшашим мумкин ҳам эди. Чунки болаликдаги севги... ҳар қалай енгса бўладиган туйғу. Менимча. Сиз балким бу фикрга қўшилмассиз. “Аксинча, одам ёши бир жойга бориб, ақли кириб, ҳаётий тажрибаси ошган чоғда туйғуларини жиловлаши, ҳою ҳавасларни енгиши керак-ку” дерсиз. Мен ҳам дастлаб шундай деб ўйладим. Узоқ ўйладим. Юрагимда ногаҳон туғилган туйғуни рад этишга, унутиб юборишга уриндим. Бунинг устига сизнинг оилалик эканингиз ва ҳатто, менга маълум даражада бефарқ эканингизни билгач, яна ҳам қаттиқроқ ҳаракат қилдим. Лекин ҳарчанд уринмайин, бунинг уддасидан чиқолмадим. Севгим кучайса кучайдики, асло камаймади. Иттифоқо, мен буни сиз севгимга жавоб бермаганингиз учун пайдо бўлган ўжар бир иддао, иззати нафс ғалаёни ҳам деб изоҳлашга ҳаракат қилиб кўрдим. Сизни ёмон кўришга, “шундай аёлнинг муҳаббатини тушунмаган тошюрак, ҳиссиз, юраксиз бир кимса” деб тасаввур этишга ҳам уриндим. Фойдаси бўлмади. Тушундимки, менинг севгим жавобга, тушунишга муҳтож эмас экан. Сиз севмасангиз ҳам, иззат-ғуруримни поймол қилиб, кўкрагимдан итарган тақдирингизда ҳам яхши кўраверар эканман барибир. “Ундай бўлса, нима қилардинг бошимни оғритиб, ўз ҳолингча севиб

юравермайсанми” дейишингиз мумкин. Чиндан ҳам агар бир шаҳарда яшаб юраверганимизда, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ, сиз пойтахтга кетиб, у ерда ёлғиз эканингизни билгач, ҳол-аҳвол сўрагим, меҳр кўргизгим келди. “Балким шундай пайтда муносабати ўзгарар, бошқачароқ туйғу ҳис қилар” деб ўйладим. Кейин... сиз бошқа шаҳарда бўлсангиз, менинг бу ерда яшаб юришимда мутлақо маъно йўқлигини ҳис қилдим. “Лоақал яқинроқда яшайин” деб ўйладим. Лекин билиб қўйинг, ҳеч қачон сизни оилангиздан ажратиб, эгаллаб олиш фикрида бўлмаганман. Ҳатто ўзингиз мени чиндан яхши кўриб, “оиламдан ажралиб, сизга уйланаман” деганингизда ҳам бунга рози бўлмас эдим. Бир аёлни бахтсиз қилиб, бахтга эришиб бўлмайди. Мен буни биламан. Мен... Мен фақат сизнинг кўнглингизда озгина бўлса-да, меҳр уйғотиш умидида эдим холос. “Нима, бир умр ўйнаш бўлиб юришга ҳам рози бўлармидинг?” деб сўрашингиз мумкин. Йўқ. Рози бўлмасдим. Сиз билан хуфя учрашиб, дилхушлик қилиб юришдан мен... ўзимга кераклик нарсани ололмасдим. Менга сизнинг танангиз, вужудингиз керак эмасди. Гарчанд... севган одаминг билан бирга бўлишнинг лаззати, фароғати тамоман бошқача. Мен буни ҳам... умримда биринчи ва сўнгги марта татиб кўрдим ва гарчанд бунинг қанчалик оғир гуноҳ эканини тушунсам-да, шунда ўзимни тия олмадим. Кейинроқ қилган саъй-ҳаракатларим – никоҳ ўқитганимиз, гарчи шу заҳотиёқ ажралиб кетган бўлсак ҳам, ўша оний ожизлигимни, гуноҳимни оқлашга уриниш эди. Ва яна бир сабаби бор эдики, буни сизга ҳозирча айтмай туришга қарор қилдим.

Шундай қилиб, мен хуфя хушторлик қисматига рози эмасдим ва яна такрорлайман – мақсадим сизнинг танангизга эга бўлиш эмасди ҳеч қачон. Менга қалбингизнинг меҳри, тарахҳуми керак эди. Вақтинчалик бўлса ҳам, никоҳдан ўтишга розилик берган кунингиз, қалбингизда ҳақиқатдан ҳам озгина бўлса-да, менга нисбатан меҳр борлигини билдим. Ўша лаҳзаларда дунёда мен-

дан бахтиёрроқ одам йўқ эди, назаримда. Балким мен адашгандирман. Балки у меҳр эмас, шунчаки шафқат, мурувват бўлгандир. Аммо мен ҳис этдим. Мен сездим. Мен ич-ичимдан англадимки, сиз севгимнинг нечоғлик беғараз эканини тушунибсиз. Акс ҳолда никоҳга розилик бермас эдингиз. Яна... яна ҳам ким билади. Лекин ростини айтсам, ўша кунги мурувватингиз туфайли мен севгимнинг жавобини олгандек, мақсадимга етишгандек бўлдим. Энди армоним йўқ. Энди сизни юрагимда, вужудимда сақлаб юрибман. Энди сиз ҳамиша мен билан биргасиз. Энди мен сизни ҳеч қачон безовта қилмайман. Гарчанд бир гапни сизга қачондир айтишим керакдек туюлади. Ҳозир айтай десам, айтолмайман. Вақти келса, буни ўзингиз англаб оларсиз. Англамасангиз ҳам омон бўлинг...

Сизни бир умр беғараз севувчи

Мушфиқа.

P.S. Айтгандай мен хорижга жўнаб кетиш учун рухсатнома олганман. Эрта-индин йўлга чиқсам керак. Агар кўришмасак... кўришолмасак, ҳамиша соғ-саломат юринг. Хайр..."

Нурбек хатни икки марта ўқиди. "Эрининг олдига жўнаб кетган бўлса керак-да. Қизиқ. Қайси мамлакатга экан? Ҳар қалай Японияга бўлмаса керак. Акс ҳолда... учрашиб қолармидик" деб ўйлади. Кейин яна ўйлаб ўйига етмади. "Нима гапни айтмоқчи? Ё чиндан ҳам... ўша мен ўйлаган каби... Йўқ-йўқ, унақа бўлмаса керак... Майли. Ҳаммасини вақт кўрсатади..."

Бир ҳафтадан сўнг Нурбек Токиога учиб кетди.

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Орадан икки йил ўтди.

Нурбек Японияда олти ой ишлаб қайтгач, Америкага жўнаб кетди. Океан ортидаги хизмат сафари деярли бир

йилга чўзилди. Дастлаб “Асошиэйтед Пресс” ахборот маҳкамасида тажриба алмашув дастури бўйича малака оширган Нурбек, сўнгра “Макон”нинг Қўшма Штатлар ва Канададаги махсус мухбири сифатида туркум мақолалар ёзди. Мақолалар газеталарда пешма-пеш босилди. Бир оз муддатдан сўнг “Биз кашф этган Америка” деган ном билан китоб ҳолида нашр этилди. Анча шов-шувларга сабаб бўлди. Чунки Нурбек ўз мақолаларида “Янги дунё” ҳақидаги таассуротларини бу ердаги тўқислик ва эркинликка маҳлиёлик билан эмас, кўпроқ танқидий нигоҳ билан таҳлил этган, мулоҳазаларининг мазмуни “биз Америка ҳаётига кўр-кўрона тақлид қилишимиз керак эмас, ундан фақат ўзимизга керакли деб ҳисоблаган жиҳатларинигина олишимиз ҳамда уларни шарқона турмуш тарзининг ибратли анъаналари билан уйғун тарзда истифода этмоғимиз лозим” деган журъатли иддаодан иборат эди. Шунингдек у Америка ҳаётини Япония турмуш тарзи билан муқояса этиш баробарида “Шарқ барибир Шарқ” деган фикрни олға суриб, Шарқдаги жамоавийлик руҳининг ғарбона худпарастлик, яъни индивидуализмдан афзал эканини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганди.

Мақолалар сингари китоб ҳам анча мунозараларга сабаб бўлди. Токиодаги Эн-Эйч-Кей (ННС) телекорпорацияси уни япон ва инглиз тилларида босиб чиқарди. Шундан сўнг Нурбек Америкадан чақириб олиниб, “Макон”нинг халқаро сиёсат бўлимига бош муҳаррир этиб тайинланди.

Бугун у халқаро муносабатлар ва дипломатия университетидан учрашувда қатнашди. Талабалар унинг “Биз кашф этган Америка” китобини қизиқиб ўқишаётган экан. Қизиқарли мунозара бўлди. Учрашувдан сўнг, унга ушбу дорилфунунда дарс бериш ва халқаро сиёсат йўналишида илмий иш қилишни таклиф этишди.

– Мен ўзим сизга илмий раҳбарлик қиламан, – деди университет ректорининг ўринбосари. – Сирасини айт-

ганда, “Биз кашф этган Америка” китобида сиз бўлажак диссертациянинг асосини яратгансиз. Энди уни илмий далиллар билан бойитиб, қайта ишлаш керак.

Нурбек рози бўлди. Аслида ҳам у аввалбошдан илмий ишга мойил эди. Фақат қайси фанни танлашни билмай, мудом иккиланиб юрарди. Адабиётми, тарихми, фалсафами... Мана энди ўзини қизиқтирадиган соҳани топган-дек эди.

– Майли, агар асосий ишимга зарари тегмаса...

– Ҳеч қанақа зарари тегмайди. Ишдан бўш вақтда шуғулланасиз, – деди проректор. – Дарсни ҳам... сизга ўнғай пайтларга қўямиз...

Нурбек университетдан пиёда қайтар экан, йўл-йўлакай “Чархфалак” ёнидан ўтди. Хотирасида хоним билан ушбу ошхонадаги суҳбатлар, бу ерда қолдирилган мактуб билан боғлиқ воқеа жонланди. “Қайларда юрган экан? Тамаддихона соҳибаси билан дугоналиги бор эди. У билар?..”

Нурбек беихтиёр изига қайтиб, тамаддихонага бурилди. Баҳор. Кун илиқ. Ташқарида қўйилган столлардан бири ёнига ўтириб, қаҳва буюрди.

– Малол келмаса, бекангизни ҳам бир дақиқага чақирсангиз, – деди сўнгра у дастёр қизга. Бека зум ўтмай, етиб келди. Нурбекни дарров таниди.

– Қайларда юрибсиз? Кўринмай кетдингиз, – деб сўради салом-аликдан сўнг.

– Шу, хизматчилик, ўзингизда қанақа янгиликлар бор?

– Беш ойча олдин, янги йил кунларида Мушфиқахон келгандилар. Ўн беш кун туриб, қайтиб кетишди. У кишининг Англияда яшаётганини билсангиз керак.

– Шунақами? Хорижга кетганларини билардим-у, бироқ айнан қайси мамлакатда эканини билмасдим.

– У киши... Сизга бир хат қолдирган. Мана, олинг.

– А-ҳа, шунақами? Раҳмат, сизга! Хат ҳам анча кутиб қолибди-да!.

– Ҳа. У киши “ўзлари кириб қолса беринг, бўлмаса шарт эмас” дегандилар. Шунинг учун мен сизни қидирмадим.

– Қидирганда ҳам тополмасдингиз. Мен узоқда эдим, – деди Нурбек хатни очар экан. Буни кўрган бека:

– Майли, яхши дам олинг, бирон нарсa керак бўлса, айт-тарсиз, – деб нари кетди. Нурбекни хатни очиб, ўқишга киришди. Дафъатан хаёлидан “тан олинмаган муҳаббат иқрорининг давоми” деган фикр кечди. Йўқ. Янглишган экан. Бу галги хат анчайин расмийроқ, ҳатто бир қадар совуққина эди.

“Ассалому алайкум Нурбек ака!

“Бу сафар “Нурбекжон” ҳам демабди, – хаёлидан ўтказди Нурбек. – Ҳафсаласи пир бўлган чоғи”. Хатни ўқишда давом этди. “Аввалги мактубимни олган экансиз. Бека айтди. Раҳмат. Билмадим, у хат сизда қандай таассурот қолдирди. Ҳарна бўлганда ҳам, сизга айтмоқчи бўлган гапларимни етказолганимдан хурсандман. Ўшандан сўнг хорижга жўнаб кетдим. Анча пайт турли мамлакатларда саргардон бўлиб, ҳозир Лондон шаҳрида бирмунча муқим яшаётирман. Далер билан турмушимиз бўлмади. Йўлларимиз айрилиб кетди. Унинг ҳозир қаердалигини ҳам билмайман. Ҳойнаҳой, бу гапимни ўқиб, “унақа бўлса, саргардонликда юрмасдан, юртга қайтаверса бўлмайдими” деган фикрга борарсиз. Ўзим ҳам шу ҳақда кўп ўйлайман. Лекин “қайси юз билан қайтиб бораман, таниш-билишларнинг кўзига қандай қарайман” деган истиҳола оёғимга тушов бўлиб турибди. Майли. Пайти келиб, бу азоб-уқубатлар ҳам тугар. Қайтиб ҳам борармиз. Ҳозирча... ёлғиз овунчоғим – ўғлимнинг тарбияси ҳақида ўйлашим керак. Дарвоқе, бу ҳақда сиз хабардор эмассиз. Фарзандлик бўлганман. Исми – Элнур. Уни соғлом қилиб вояга етказсам, ўқитсам, яхши тарбия қилсам дейман. Чунки ҳаётдаги умидим, яшашдан мақсадим энди фақат у билан боғлиқ...

Ўзингиздан сўрасак. Қалайсиз? Эшитишимча, сиз ҳам хорижга ишга кетибсиз. Америкада экансиз. У ёқдан ту-

риб ёзган мақолаларингизни ўқидим. Хурсанд бўлдим. Оилангиз тинчми? Қизалоқларингиз катта бўлиб қолгандир? Ишқилиб, илоҳим омон бўлинглар. Лондонга йўлингиз тушса, киринг. Мен яшайдиган мавзе Темза дарёсининг соҳилида. Сердарахт хиёбон бағрида. Хушхаво жой. Келсангиз, сайр этиб, суҳбатлашамиз. Яна бир бор: саломат бўлинг. Ҳар эҳтимолга кўра, манзилимни ёздим.

Мушфиқа.”

Нурбек хатни яна бир карра ўқиб чиқди. Хонимнинг бу галги хатни ёзишдан мақсадини англай олмади. “Нима демоқчи? Далердан ажралиб, яна боши очилганини билдирмоқчими? Ўғилли бўлганини айтмоқчими? Бола меники эмасмикан?..” Шу тахлит Нурбек илгари юрагининг тубида гоҳ-гоҳ ўйлаб юрган-у, бироқ ҳеч қачон юзага чиқармаган гумонини илк бора баралла кўнгилдан ўтказди. “Эҳтимол, Далердан ажралиб кетишининг сабабларидан бири ҳам шудир? Қизиқ, хоним болани кимнинг номига ёздирган экан? Далернингми ё ўзининг?.. У ҳолда отасиз туғилган бўлиб қолмайдими? Агар бола меники бўлса, нега очик айтмаяпти? “Атай тикиштиряпти” деб ўйламасин” дейдими? Хоним – мард аёл. Нурбек бунга ишонч ҳосил қилган. Шу боис фарзандини ўзи ва фақат ўзи тарбия қилишга аҳд этган бўлса, ажаб эмас. Хатида шунга урғу берилган-ку. Демак... Борди-ю, ўзим сўрасам-чи? “Бола меники эмасми? Агар шундай бўлса, унинг отаси эканимни расман тан олишга розиман” деса-чи? Бунга журъат тополадими? Хотини билиб қолса, нима дейди? Яна ораларига совуқчилик тушмайдими? Ўзи шусиз ҳам... ўшанда соддаликми, мардликми қилгиси келиб, хоним билан бўлганини айтгани турмушидан дарз кеткизган. Ҳали-ҳануз кечиролмайди хотини. Сал кайфияти бузилса, асабийлашса, дарҳол юзига солади. Янги шубҳа-гумонларни ҳам қалаштириб ташлайди. “Юрибсиз-ку, эркин, озод бўлиб, – дейди. – Кўршапалак сингари гулдан гулга кўниб. Бир юрган одам барибир юради. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас...”

Хотини капалакни атайлаб “кўршапалак деб айтади. Ҳолбуки, кўршапалакнинг гулга кўнмаслигини билмайдиган даражада саводсиз эмас. Атай, жаҳлини чиқариш учун айтади. Ўша лаҳзаларда Нурбек тутаб кетади. Ҳатто... “Э, бор-э, деб тўнни елкага осиб, чиқиб кетсамми, хотин зотининг уруғига қирон келсин деб” деган қаҳрли ўйга боради. Бироқ, дарҳол шаштидан тушади. Сабаби, аввало қизларини ўйлайди. Ҳаётини уларсиз тасаввур этолмайди. Қолаверса, хотини ҳам уни чексиз яхши кўришини билади. Ҳарчанд уришмасин, ҳарчанд хархаша қилмасин, у Нурбекка бутун борлигини, ҳаётини бағишлаган. Ўзи емай, унга едиргиси, энг яхши, энг лаззатли нарсаларни унга илингиси келади. Висолнинг ширин лаҳзаларида, шавқи жўшган паллаларда беихтиёр тилга кириб: “мен учун дунёдаги энг азиз инсон, энг яқин одам сизсиз, отамдан ҳам, онамдан ҳам, ҳатто болалардан ҳам сизни юқори кўяман” деб айтади. Нурбек табиатан босиқ, камгап аёлининг ушбу лаҳзалик иқрорига астойдил ишонади. Чунки аслида ҳам шундайлигига кўп бора ишонч ҳосил этган. Фақат... Фақат гоҳ-гоҳида ярми ҳазил, ярми чин қилиб:

– Ўшанда, ўша касал бўлиб ётганимда оғир аҳволда бўлишимга қарамай, ташлаб кетиб қолгансиз-а, – деб ўпкалайди.

Хотини ҳам бўш келмайди.

– Ўша лаҳзада сиз ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Эримни истаб, соғиниб борсам-у, унинг ёнида бошқа аёл ўтирганини, нафақат ўтирганини, балки қирларини ювиб ётганини кўргандан сўнг нима қилишим керак эди?

– У ахир... шунчаки... хизматкор ёки касалга қараётган ҳамшира бўлиши ҳам мумкин эди-ку.

– Ким? Хизматкор? Ҳамшира? Етти иқлимга донғи кетган Мушфиқахоним сизга хизматкорлик, ҳамширалик қиладими? Генералнинг беваси-я? Қўйсангиз-чи!

– Ахир кўрдингиз-ку, кир юваётганини.

– Сунъий! Кир ювиши ҳам, сизга кўрсатган ғамхўрлиги ҳам сунъий. Мақсади – сизга ўзини меҳрибон қилиб кўрсатиб, ўзига ром этиш. Мендан ажратиб, тегиб олиш.

– Қизиқмисиз? Мен бир қашшоқ ижодкор бўлсам, нимага қизиқади?

– Тўғри, қашшоқсиз, супрангиз қуруқ. Лекин ҳар қалай номингиз бор, журналист деган. Бунинг устига катта газетада ишлайсиз-ку. Унга сизнинг пулингиз эмас, шуҳратингиз керак бўлган. Пули ўзига етади. Генерални ажалидан беш кун бурун ўлдириб, бутун молу дунёсига эгалик қилган-ку...

Нурбек хотини билан ортиқча баҳслашиб ўтирмайди. Чунки аёл кишининг мантиғига бас келиб бўлмаслигини билади. Икки қўлини кўтариб, тавба қилади. “Бир қошиқ қонимдан ўтинг энди” дейди. Шунда хотини бироз юмшайди. Барча яхши аёллар сингари. У ҳам ғолиблар мурувватли, кечиримли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. “Майли, ўтган ишга саловат, энди бу ёғига эҳтиёт бўлинг, йўлдан озманг” дейди.

Шу топда ўша гапларни ўйлаб, “хатни чўнтагимга солиб юрмай, ташлаб юбора қолсаммикан” деб ўйлади. “Яхшиси, кўчага чиққач, йиртиб, майда-майда қилиб ташлаб юбораман. Ҳозир эса, ҳозир...” Нурбек хонимга жавоб ёзгиси келаётганини, жавобда бояги саволни бермоқчи бўлаётганини сизди. “Ўғлингизнинг номи Элнур бўлса... У менинг болам эмасми” деб очикча сўрайман. Нима бўлса бўлди. Бу савол учун мени отиб юборишмас. Аммо хоним хатни олгач, “ҳа, бола сизники” деса-чи? “Рози бўла оласанми?”

Бекани чақиртирди, беихтиёр:

– Сиз хонимнинг манзилини биласизми? – деб сўради. Бека ҳайрон бўлди.

– Манзилимни хатда ёздим дегандилар-ку, йўқ эканми?

– Ҳа-я... – Нурбек ўйғайсизланди. Сўнггра бека билан хайр-хўш қилиб, чиқиб кетди.

ЭЛЛИГИНЧИ БОБ

Лондон. Ёзнинг дастлабки кунлари бўлса ҳам, салқин ва ғуборли. Хоним ўғилчасини аравачага ўтқазиб, хиёбонда сайр этиб юрибди. Кўлида бугун почтачи ташлаб кетган хат. Хат – Нурбекдан. Хоним худди тилла топган одамдек шод. Кўзларига ишонмайди. “Наҳотки, шу хатни Нурбекнинг ўзи ёзган бўлса-я” деб ўйлайди.

Хат кутилмаганда келди. Аммо вақтида келди. Чунки кеча кечқурун Далер кўнғироқ қилган, “Мана, Америкада муҳожир мақоми олиб, расман жойлашдим. Агар рози бўлсангиз, сизларни ҳам олиб келсам. Бирга яшасак” деган, хоним йўқ деган. Далер “жавоб беришга шошманг, ўйлаб кўринг, ахир мусофирликда ёлғизлик осон эмас, эртага яна кўнғироқ қиламан” деганди. Салкам бир йилки, деярли ҳар ҳафта кўнғироқ қилади. Хоним “йўқ” дейишдан чарчаб кетди. Кечаги кўнғироғида Далер “ҳамма айбларимни бўйнимга оламан, қошингизда тиз чўкиб, кечирим сўрашга ҳам тайёрман” деди. Тўғри, Далер тиз чўкишга, оёқлари остида эмаклаб юришга ҳам қодир одам. Бироқ, хоним “энди уни кечиролмасам керак” деб ўйлади. Тун бўйи ўйлаб чиқди. Далерни кечирса, яна у билан бирга яшаса, ҳарқалай турмуши осонроқ кечиши мумкинлигини тушуниб турибди. Бир киши – бир киши, икки киши эса икки киши-да. “Эр-хотин – қўш ҳўкиз” деб бежиз айтишмаган-ку. Лекин... хоним Далернинг хув ўшанда, ҳали Истанбулда сарсон бўлиб юрганларида айтган бир оғиз гапини унута олармикан? Элнур улғайгани сари ўша гапнинг юрагига солган захри кучайиб бормайдими? Қолаверса... Далер Элнур билан чиқиша оладими? Уни фарзандидек кўра оладими?..

Ўшанда, хоним Далерга ой-куни яқинлигини айтганида ва Далернинг “ҳали... барвақтроқ эмасмиди” деган саволига жавобан бола Нурбекники эканини тан олганида “Ҳали сиз менинг кўйнимга ҳароми бола билан кирган эдингизми?” деган гапи хонимнинг боши-

дан қайноқ сув қуйгандек таъсир этганди. Тўғри, Далер кейин кечирим сўради. «Бу гапни жahl устида айтдим. Асабларим чарчаганини биласиз-ку» деди. Аммо ўша оғир гап қилғиликни қилиб, хонимнинг юрагини тошга айлантириб улгурган эди. Не-не орзу-умидлар билан етишган боласининг “хароми” дейилишига у ҳеч қачон чидай олмасди. Ўша кунданоқ у кўрпа-ёстиғини алоҳида қилиб олди. Бу Далерни яна ғазаблантирди. “Аслида ҳам менга мутлақо кўнглингиз бўлмаган. Ўйнашдан орттирган болани қонунийлаштириб олиш учун ҳисоб-ки-тоб билан теккан экансиз-да” дея бир аламга ўн алам қўшди. Кейин яна кечирим сўрашга тушди. “Сиз ҳам менинг аҳволимга тушунинг-да” деди. Хоним эҳтимол, чиндан кечириши, “аччиқ устида айтилган” дея бояги гапларни унутиши ҳам мумкин эди. Бироқ Далернинг Украинаданми, Россияданми келиб, Истанбулда “тижорат” ниқоби остида енгилтаклик қилиб юрган бир ўрис аёлига илакишганини пайқаб қолгач, қўлини буткул ювиб, қўлтиғига урди. “Ҳаром ишни ким қилаётгани энди аниқ бўлди. Келинг, яхшиликча ажралиб кетайлик” деб масалани кўндаланг қилиб қўйиб, туриб олди. Фуқароликлари бўлмагани учун бу жудаям қийин экан. Шунга қарамасдан, хоним иложини топди. Ажралди. Боласини... ёлғиз аёл бўлиб туғди. Ўзининг номига ёздирди. “Сизга ҳеч қанақа даъвойим ҳам, эътирозим ҳам йўқ” деди Далерга. У эса “майли, нима шартингиз бўлса, бажараман, фақат душман бўлиб кетмайлик бегона юртда” деб ялинишга тушди. Хоним кўнди. “Дўстмиз, келиб-кетиб юраверинг” деди. Шу орада Далер Америкага отланиб қолди. “Юринг” деди. Хоним кўнмади. “Сиз аввал бориб жойлашинг, кейин кўрармиз” деди. Далер кетгач, хоним “юртга қайтсам-чи” деган ўйга берилди. Чиндан ҳам энди қайтса бўларди. Чунки энди уни Далер Ботиров билан ҳеч нарса боғлаб тургани йўқ. Хонимнинг ўзи эса... юртда айб дейдиган бирон иш қилган эмас-ку...”

Кейин у “болам ёшига етсин” деди. Элнур ёшига етай деб турган кунларда Истанбул университетида дарс берувчи англиялик бир аёл билан тасодифан танишди. Элизабет хоним Туркистон тарихи бўйича муттахассис экан. Дўстлашиб, яқинлашиб қолишди. Хонимнинг мактабда, университетда тарихдан яхши ўқигани, бунинг устига инглиз тилида эркин гапириши қўл келди. Элизабет хоним “Сиз мен учун ноёб топилдиқсиз” деди. Сўнгра айтдики, “кутубхоналарга қатнаб, ўз устингизда бироз ишланг, сиз ўзбек, айниқса рус тилидаги илмий манбаларни осон ўрганасиз, шу асосда бир рисола ёзиб беринг” дея мавзу таклиф этди. Хоним иккиланди. “Қўлимдан келармикан” деди. “Ҳар қалай бир уриниб кўринг” деди Элизабет. Мавзу “XIX асрда Буюк Британия ва Ўрта Осиё хонликлари муносабатлари тарихи” деб аталарди. Хоним “Бунинг учун мен Тошкентга, Москвага бориб келишим керак-ку” деди. “Ҳозирча шу ердаги манбалардан фойдаланинг. Кейинроқ мавзуни кенгайтириш зарурати туғилса, бориб келаверасиз” деди Элизабет.

Хоним ёзган рисола Элизабетга маъқул тушди. “Мен буни Лондонга юбораман. Сизни маъруза ўқишга таклиф этишади” деди.

Орадан икки ойча вақт ўтгач, Лондондан таклифнома келди. Хоним бундан севинишни ҳам, севинмаслигини ҳам билмай иккиланиб турганди. Элизабет яна ёрдамга келди.

– Ўзим бирга олиб бораман Лондонга, – деди. – Мен ҳам яқинда ватанимга қайтишим керак...

Шу тариқа у ғуборли Лондон шаҳрига келиб қолди. Университет ва коллежларда маъруза ўқиди. Илмий тўпламларга мақолалар ёзди. Элизабетнинг маслаҳати билан шу мавзуни кенгайтириб, диссертация ёзишга киришди. Кўпчилик манбалар Москвада, Санкт-Петербургда экан. Ўғлининг қарови учун энага ёллаб, Россияга сафар қилди. Қайтишда Тошкентга кириб, Алишер Навоий номидаги кутубхонада анча-мунча ки-

тобларни варақлади. Нурбекка хатни ўша ерда ёзди. Аввал “ишхонасига ташлаб кетсам бўлмасмикан” деб ўйлади. Кейин фикридан қайтди. “Чархфалак”нинг бекасига қолдираман. Нурбек хориждан келгач, ҳойнаҳой ўша ерга киради. Йўлининг устида-ку” деб ўйлади. Мабодо кирмаса, хатни олмаса... демак, тақдир. Насиб этмаган...

Хайрият олибди. Жавоб ёзибди. Хоним ҳали жавобни ўқимай турибоқ, хатни қуруқроқ қилиб ёзганини эслаб, пушаймон чекди. Бировларнинг қўлига тушса, кулишмасин, деган эди... Дарвоқе, хат Нурбекда қандай таассурот қолдирди экан? Элнур ҳақидаги хабарни қандай қабул қилган бўлса?

Хоним ички бир ҳаяжон, алланечук кўрқувга ошуфта севинч билан мактубни ўқишга тутинди. Ўқиш асносида қулоқлари остида Нурбекнинг босиқ, ўктам овози жаранглаётгандек ва ҳатто... мактубдан унинг ҳиди келгандек бўлди. Бу ҳидни гарчанд хоним умрида бир бор ҳидлаган бўлса ҳам, умрбод ёдида қолган. Дарвоқе, “Чархфалак” бекаси, шўх-шаддод аёл билан бир гал ҳидлар ҳақида гаплашиб қолишганида у кулиб:

Эркак одамдан атир ҳиди эмас, тамаки ёки лоақал тер ҳиди келиб туришини ёқтираман, деган. Ажаб. Эракк эгининг ҳам ҳиди турфа бўлар экан-да. Хоним эса шу топда кулиб ўйладики, шунча эр қилиб, эраккнинг ҳиди ҳақида умуман бош қотирмаганди. Чунки фарқламаган, эътибор бермаган. Бироқ Нурбекнинг васлига етишган куни у биринчи марта эракк одамда аёлни маст этувчи қанақадир ҳид бўлиши мумкинлигини англаган. Ўша ҳиддан боши айланиб кетган. Йўқ. Бу ҳид тамаки ё тер ҳиди сингари қўланса, ёқимсиз эмасди. Атир ҳидига ҳам ўхшамасди у. Хоним кейинроқ ўйлаб-ўйлаб “қанақадир ширин, мазали таомнинг ҳидига ўхшармиди-ей” деган хулосага келди-ю, кулиб юборди. Ўзига-ўзи ғамгин ҳазил қилди: “Ўша лаззатли таомдан атиги бир марта ташиш насиб этган экан бизга” деб.

Шу топда ўша хаёлларини эслаб, яна маъюс жилмайганча, хатни ўқиб чиқди.

“Ассалому алайкум муҳтарам Мушфиҳахон!

Мактубингизни олдим. Ният холис экан-да, иттифоқо “Чархфалак”ка йўлим тушган эди. Кирсам, мактубингиз кутиб ётган экан. Кутдирганим учун узр, албатта. Аввалги хатингизни ўқиганимдан сўнг, худди сиз каби менда ҳам юзма-юз мулоқотда айтишнинг иложи бўлмаган айрим гапларимни мактуб орқали баён этиш истаги туғилган эди. Мавриди келмадими ёки... истиҳола этдимми, ҳар қалай ўша иш бўлмай қолди. Кейинги мактубдан сўнг эса ниҳоят жавоб ёзишга жазм этдим. Мактубни муҳим бир қарор билан бошлашга ижозат бергайсиз. Яъни... Мен бугун бир нарсани аниқ биламан. Сиз ҳаётимда муҳим из қолдирган одамлардан бирисиз. У из... билмадим хатоми, тақдирнинг кутилмаган муваққат тухфасими? “Хатоми” деганимда хафа бўлманг. Ҳамонки, кўнглимдаги гапларни очик баён этмоқчи эканман, ҳаммасини ростгўйлик билан айтишим зарур. Баъзан, чиндан ҳам “хатоми?” деб ўйлайман. Чунки... Хотинимни яхши кўриб уйланганман. Оиламга садоқатлиман. Фарзандларимни ўзимдан ёки ўзимни улардан айрича тасаввур этолмайман. Уйланганимдан буён бегона аёлга гап қотиш у ёқда турсин... бу ҳақда мутлақо хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бироқ...

Сиз ҳаётимда кутилмаганда пайдо бўлдингиз. Худди тушдагидек. Сизни илк бор кўрган одам ҳақиқатан ҳам туш кўряпман деб ўйлайди. Чунки ниҳоят даражада чиройлисиз. Одам ўнгида бундай моҳитобон аёлни ҳар куни ҳам учратавермайди. Ва шу қадар гўзалсизки, ҳар қандай эркак беихтиёр разм солмаслиги, маҳлиё бўлмаслиги мумкин эмас.

Одатда гўзал аёллар ўз гўзалликларини биладилар ва эркаклар унга маҳлиё бўлгани сари, ўзларини баланд тутишга уринадилар. Шунинг учун ҳам гўзалларнинг аксариятида кибр-ҳаво бўлади. Ва мудом бу гўзалликни,

яъни бу “бебаҳо бойлик”ни имкон қадар қимматроқ пуллаш фикрида юридилар. Сиз эса...

Сиз бошқача эдингиз. Сизни биринчи бор кўрганимдаёқ “бу аёл ўзининг тенгсиз гўзал эканини ё билмайди, ё билса ҳам, бунга парво қилмайди” деб ўйладим. Бир кўшиқ бор, ҳойнаҳой эшитгансиз: “Ҳар нечук гўзални гўзал демасман, гўзалда бир ғайри аломат бўлар...” деб бошлади. Ажойиб кўшиқ. Шерали Жўраев айтган. Сизни кўрганимда ўша кўшиқ қулоқларим остида янграб кетгандек бўлди. Сизда чиндан ҳам ғайритабиий бир аломат бор эди. Бу аломат, аввало, сизнинг ўз гўзаллигингизга бино қўймаганингизда, аксинча ўзингизни оддий ва ҳатто, бир қадар ғамгусор тутишингизда кўринди. Кейин... Шу қадар чиройлик, чинакам ҳусн маликаси бўла туриб, мен билан дўстлашишга ўзингиз майл билдирганингиз, ўзингиз ташаббус кўрсатганингиз яна бир аломат эди.

Бу мен учун мутлақо кутилмаган ҳолат бўлди. Гарчанд ижодкор бўлганим учун ўзимни инсон руҳиятини анча-мунча биламан деб ҳисоблаб юрганим, ҳамда бунинг сир-асрорини дабдурустдан англай олмадим. Тақдирнинг туҳфаси десам, бу туҳфа салгина кечиккандек. “Шайтон ҳазили” деган ўйга ҳам бордим. Ҳайтовур, бу сираям унақага ўхшамасди. Чунки сизнинг ҳис-туйғуларингиз нечоғлиқ самимий эканини равшан англаб турардим. Назаримда... бу мен шу чоққача на ҳаётда ва на ҳатто... китобларда ҳам учратмаган фавқулодда бир ҳодиса эди.

Нима бўлгандаям, сизнинг қалб изҳорингизни эшитиб, мулоҳаза қилиб, шуни англадимки, бу муносабат аввало ҳурматга лойиқ. Чунки инсон ўзига нисбатан ҳурматни, меҳрни ва айниқса муҳаббатни, ҳеч бўлмаганда, ҳурмат билан қарши олмоғи керак. Бу билан мен сизнинг муҳаббатингизга нисбатан қанақадир нопишандлик қилаётганим йўқ. Тушунинг. Зеро, севгингизга севги билан жавоб берган тақдиримда ҳам сиз дабдурустдан ишонмаслигингиз табиий эди. Чунки сиз жуда-

ям зийрак, жудаям зеҳнли аёлсиз. Рост қайда, ёлғон қайда дарров билиб оласиз. Бинобарин мен “ўзим ҳам сизни биринчи кўришдаёқ яхши кўриб қолиб, бир оғиз сўзингизга, имоингизга маҳтал бўлиб юрган эдим” деганимда, бу ниҳоятда сохта ва носамимий гап бўлур эди.

Мана энди, орадан анча вақт ўтгач, сизга очиғини айттай: дил изҳорингиз туфайли пайдо бўлган ҳурмат ўринини эндиликда яқин бир инсонга нисбатан нафис бир меҳр эгаллаган. Сизни тушларимда кўрдим. Кўп ўйлайман. Аммо ажабки, висолингизга етиш, сиз билан... бирга бўлиш ҳақида орзу ҳам қилолмайман. Нега шундай? Билмадим. Оила олдидаги бурч йўл қўймайдими бунга? Ё рафиқамга “Энди ҳеч қачон...” дея берган эркакча ваъдамни буза олмаслигим туфайлими?..

Сиз фарзандли бўлганингизни ёзибсиз. Очиғи, бу ҳақда ўқиган заҳотим “ўғил меники эмасмикан?” деган фикр хаёлимга келди. Тўғри. Бундай хулоса чиқаришга, бу ҳақда қанақадир даъво қилишга мутлақо ҳақли эмасман. Бироқ чиндан ҳам шундай бўлса, унга ота эканимни тан олишга, уни (агар сиз лозим кўрсангиз албатта) ўз номимга олишга тайёр эканимни айтиб қўйишим керак. Шунчаки эмас, албатта. Уни вояга етказиш, тарбиялашда ҳам ёрдам беришга бурчлиман. Бу – жиддий гап. Бу аҳдимни бажариш учун ҳеч нарса халақит беролмайди. Албатта, бу ўринда мен сизнинг ўзингиз билан яқин муносабатни тиклашни назарда тутаётганим йўқ. Гап боланинг тақдири, келажаги ҳақида бораётир... Сиз билан биз эса самимий бир тутинган ака-сингилми, йўқ, ака-сингил ўртасида фарзанд бўлиши мумкин эмас-ку, яқин дўст бўлиб қолмоғимиз керак. Гарчанд... Биламан, бунақа бўлиши, бунақа аталиши жудаям қийин. Яқин дўстлар орасида ҳам... фарзанд бўлиши мумкин эмас... Топдим! Менимча... биз сиз билан ўша “муваққат никоҳимиз”ни, яъни бир пайтлар эр-хотин (атиғи бир оқшом бўлса ҳам) бўлганимизни ошкор этмоғимиз зарур. Ана шунда... ҳеч қанақа саволга ўрин қолмайди. Айтганча,

собиқ эр-хотинларнинг ажралгандан кейин ҳам дўстона муносабатни сақлаб қолишлари ҳаётда кўп учрайди-ку! Шундай эмасми?

Бу гапларни ёзишдан мақсадим ўғлингиз (“ўғлимиз” деб ёзишга журъат этмадим) нима бўлгандаям отасиз ўсмасин. Хатингизда “Далер билан йўлларимиз айрилиб кетди” деб ёзганингиз учун шундай деяпман. Янаям ихтиёр албатта, ўзингизда.

Хатингизда “йўлингиз тушса, киринг” дебсиз. Раҳмат. Албатта, кираман. Сиз тарафга ҳам йўлим тушиб қолади, деган умиддаман. Аммо... мактубдаги изохларингизни ўқиган бўлишимга қарамасдан, сиздан бир нарсани ўтиниб сўрайман: юртга қайтиш ҳақида ўйлаб кўринг. Чуқур ўйлаб кўринг. Мусофирчиликнинг нони қаттиқ. Бунимен ҳам ҳис этдим. Сиз-ку... Мендан ҳам яхшироқ биласиз. “Сийлаган жойида азиздир инсон” деган экан шоир. Сизни, болангизни бу ердагичалик ҳеч жойда сийлай олмайдилар. Чунки, бу ер Ватан. Ватан эса танланмас экан. Бу гапларим агар қизиқроқ, баландпарвозроқ туюлса, маъзур кўринг. Оддийроқ гап шуки, мен сизни ва ўғлингизни шу ерда, ўзимизнинг юртда кўришни жудаям истар эдим...

Гапларим кўп. Бироқ, хат чўзилиб кетгани учун мухтасар этишга мажбурман. Қолганини янаги мактубда ёки... учрашганда айтарман.

Эҳтиром ва соғинч билан Нурбек”.

Хоним мактубни кўксига босди. Жафокаш кўкрагида Нурбекнинг нафасини ҳис этгандек бўлди. Гарчанд ҳат кўнглидаги қадар яқинлик туйғуси билан битилмаганини сезиб турган эса-да, ундаги нафис ҳароратни юраги билан туйди. Ва ҳатто, “яхши кўради... фақат бунимен тан олишга ва ошкор айтишга жазм этолмаган” деб ўйлади. Яна ва яна ўйлади: “Яхши кўради! Шунинг ўзи етади менга! Шунинг ўзи бас!”

Узоқ машаққатлардан сўнг мақсадига эришган киши сингари вужудига ёқимли бир ҳаловат энди. Кайфияти

кўтарилди. Ўғилчасини кўтариб, бағрига босди. Юзларидан ўпди. Ўпиш баробарида кўзларидан шашқатор ёш оқаётганини сизди Бу севинч ёшлари эди.

ЭЛЛИК БИРИНЧИ БОБ

Бир неча йил чўзилган сарсон-саргардонликдан сўнг Далер Ботиров ниҳоят “муҳожир” деган ном олишга эришди. Гарчанд бу ҳали идоралар томонидан қонунан расмийлаштирилмаган бўлса-да, ҳар қалай уни энди муҳожирлар машваратларига таклиф этадиган бўлишди. Бугун ана шундай анжуманлардан бири чақирилган. Унда Далер ҳам сўзга чиқиши керак. Бу ҳақда кеча айтишди.

– Бу ёғи энди ўзингизга боғлиқ. – деди йиғилиш ташкилотчиларидан бири. – Гапиринг. Ўзингизнинг сиёсий қочоқ эканингизни исботлаб беринг. Ана шунда сизга кўпроқ эътибор берилиши мумкин. Эҳтимол... моддий таъминот масаласи ҳам кўриб чиқилар...

Далерга ана шуниси мойдек ёқди. “Ниҳоят, тишнинг кирини сўришдан қутилар эканман” деб ўйлади. Гарчанд... у ўша никоҳ оқшоми кунини чегарадан пинҳона ўтиб, хорижга қочган пайтидаёқ “ана энди мазза қилиб яшайман” деган ширин хаёллар оғушида эди. Афсус... “ўтники ўтга, сувники сувга” деганларидек, “хунараманд”нинг қоп-қоп ваъдалари пуч бўлиб чиқди. Далер шаъни, обрў-иззати ва ҳатто, озодликдаги ҳаётини хавф остига қўйиб, ўтказиб берган “моллар”нинг бир қисми арзон-гаров сотилиб, ундан тушган даромад айтгулик бўлмади. Яна баъзи бирлари Сотби савдосига умуман қабул қилинмади. Қабул қилинганларининг баъзилари текширув ўтказила бошлагач, улардан воз кечишга, яшириниб, зўрға жон сақлашга тўғри келди. Хуллас, Швейцариянинг ҳашаматли биноларидан бирида Далер Ботировни айтишга ҳам одам уяладиган арзимас маблағ

– уч минг доллар кутиб турар эди, холос. Ботиров ақлдан озишига сал қолди. “Хунарманд” айтган миллионлар қани? Падарлаънатиини ушласанг-у, бўғиб ташласанг! Ифлос! Товламачи! Хоин! Сотқин!..

Аммо энди унинг қўлидан нима ҳам келарди. Ахир у энди қўлини қайга узатса етадиган арбоб – Далер Ботиров эмас. Оддий бир қочоқ. Қувғинди бир муҳожир. Қидирувда бўлган бир... гумондор шахс.

Эндиги умид – хотини Мушфиқахоним молу мулки, бисоти-давлатини сотиб, олиб келадиган пулдан эди. Хонимнинг келиши ҳам осон кўчмади. Бу орада Далер уч мингни еб-ичиб, адо қилиб, бошини тўрт томонга урди. Униси-буниси хайр-садақа қилган арзимас уч-тўрт танга қорнидан ортмас, куни “ит ётиш – мирза туриш” билан ўтарди. Анча аввалдан муҳожиротда бўлган собиқ юрт-дошларнинг аксарияти уни хушламас, юзига кулишса ҳам, орқадан “ўйинчи” ва баъзилари ҳатто “айғоқчи” деб ижирғанишар, сафларига қўшмасликка уринишар эди. Далер қайси идорага арз қилмасин, қайси бир халқаро ташкилотга хат ёзмасин, тайинли жавоб ололмас, нуқул “кутиб турунг, ўрганишяпти” деган совуқ муносабатга дуч келарди.

Хоним етиб келгандан кейин ҳам Далернинг кўнгли ёришмади. Сабаби, хонадон унга давлат томонидан берилган ва Далер уни хусусийлаштириб улгурмагани боис хоним уйни топширишга ва фақат ичидаги жиҳозларнигина сотишга муваффақ бўлган. Хонимнинг ўзига тегишли бисотларни сотишдан тушган пулга эса... унинг ўзи хўжайин эди. Бунинг устига... хоним етиб келган куни унинг бўйбастига қараб, Далер инфаркт бўлиб қолаёзди. Хонимнинг қорни дўппайиб турар, яъни тахминан олти ойлик ҳомиласи бор эди.

– Ие, бу қанақаси? Тушунмадим, – деди Далер хонимнинг қорнига ишора қилиб.

– Мен... Сизга айтгандим, шекилли...

– Айтган бўлсангиз, айтгандирсиз, лекин... бировдан орттирилган ҳомилани... олдиртириб ташласа бўларди-ку?

– Бу биринчи болам. Олдирсам... Кейин бола бўлмаслиги мумкин экан...

Далер шу топда хонимга қаттиқ гапиролмасди. Чунки... хоҳлайдими, йўқми, муайян вақт унинг қарамоғида яшашга мажбур бўлажагини сезиб турарди. Шунинг учун аламини ичига ютди.

Хонимнинг зеҳни ўткир эканми, ё аввалдан пойдевор мустаҳкам бўлганми, ажнабий тилни тез ўрганди. Бемалол эркин гапирадиган ва ҳатто, қисқа-қисқа матнларни ёзоладиган даражага етди Шартнома асосида ишга жойлашиб, ўтирган жойида озроқ бўлса ҳам пул топа бошлади. Далер эса, ҳарчанд уринмасин, “О, кэй! Вери гуд!” яъни “Яхши, ҳаммаси аъло!” деган гапдан нарига ўтолмас, бинобарин, аслида ҳаммаси аъло эмас, расво бўлиб борар, у – куни кеча қадамидан пул унадиган корчалон арбоб, бу ерда – ўзга юртда чўнтагида ҳемириса йўқ қашшоқ бир ўткинчи кимсага айланиб бораётганини кундан-кун чуқурроқ англади. Ўша кунларда кимдир “Америкага кетинг, у ер кенг имкониятлар мамлакати. Ишингиз ўнгланиб кетади” деб айтди. Далер бир неча кун ўйлаб юргач, ишонди. Океан ортига жўнаш тараддудига тушди. Хонимни ҳам қистади.

– Борайлик, ўша ерда... мен... мени қадрлашади. Моддий аҳволимиз ҳам юришиб кетади, – деди. Хоним унамади. У яқиндагина туққан, ўзи билан ўзи овора эди.

– Майли, сиз боринг, йўлқираларингизни тўлайман, фақат... бир шарт билан. Талоғимни бериб кетасиз.

Далер аламланди. Ўксинди. Йиғламоқдан бери бўлди. Бир пайтлар ўрисларнинг “Муҳожирлар” деган киносини кўрган эди. Алексей Толстойнинг шу номли романи асосида олинган ўша фильмдаги генералнинг қисмати ёдига тушди. “Ҳозир замон бошқача-ку” деди бўғзига келган хўрсиниқни енгишга уриниб. “Хонимдан хафа

бўлишга ҳаққим йўқ” деб ўйлади. Чиндан уни тушунса бўлади. Бу ерда эрлик аёлдан кўра, ёлғиз аёлга осонроқ шекилли. Ундан-бундан ёрдам тушиб туради. Ўшани мўлжаллаяптими? Ё... “сармояга шериклик қилмасин” деяптими?

– Бошда ишлатиб туришга ҳам... беш-олти танга пул керак бўлади, – деди қимтиниб Далер ва шу гапни айтиш баробарида миясидан “қандай кунларга қолдинг-а, Далербой?” деган аянчли фикр ўтди.

– Бераман, – деди хоним. – Етмаса... қўнғироқ қиласиз, яна юбораман. Фақат мен айтган шартни тезроқ бажариш керак.

– Шу бугундан киришаман, – деди Далер ҳовлиқиб ва нотўғри гапириб қўйганини сизди. Ўзини оқлашга тушди.

– Мен... мени тўғри тушунинг. Менга қолса... бирга бўлганимиз маъқул.

– Айтдим-ку. Келинг энди, бу мавзунини беҳуда муҳокама қилиб ўтирмайлик. Хўпми? Мен сиздан хафа эмасман. Сиз хафа бўлмасангиз бас.

– Хафагарчиликка ўрин йўқ. Эркак бўлиб... сизнинг қарамоғингизда яшаш ўзимга ҳам ноқулай. Аммо-лекин пайт келиб, ишларим юришиб кетса... яна бирга бўламиз, деган умиддаман.

– Буни вақт кўрсатади...

Далер жўнаб кетди. Эндиги азоблар... Ҳар қалай бир боши, бир қорни бўлгани учун чидади. Супермаркет деб аталмиш катта бир дўконда ҳаммоллик қила бошлагач, бироз иши юришди. Олган маоши ижара ҳақи ва қорнига бемалол етар, фақат тунда ишлаб, кундузи ухлагани учун ўзини ташқи дунёдан буткул узилгандек ҳис этар, “майли, шунисига ҳам шукр, чидаб турай-чи” дерди. Тил билмаслик – ёмон. У ер-бу ерга хат ёзиб, ҳақ талаб қилай деса, таржимон ёллаш, унга пул тўлаш керак. Бу Америка деганлари ажабтовур мамлакат экан. Ит эгасини танимайди. Биров билан бировнинг иши йўқ. Меҳр-оқибат, одамгарчилик – анқонинг уруғи. Ҳар

ким қорин қайғуси билан овора. Хайриятки... ўзи ишлаётган дўкондаги ёши ўтиброк қолган бир фаррош аёлнинг унга ишқи тушиб қолди. Асли келиб чиқиши италиялик экан. Қорақош, қоракўз йигитни ўзиникиларга ўхшатдими, имо-ишора билан уйига таклиф этди. У ҳам ёлғиз экан. Имо-ишора билан эри ўлганини, болалари улғайиб, тарқалиб кетишганини тушунтирди. Далер шу аёл билан овунди. Қизиқ бўлар экан. Унинг тилини бу, буникини у тушунмайди. Суҳбат имо-ишора билан. Худди кар-соқовларники сингари. Кар-соқовларга осон. Сукут – уларнинг қисмати. Улар гапиришни билмайдилар. Гапиришни била туриб, гапира олмаслик ёмон. Фаррош аёлнинг исми Флоринда. У баъзан ўзича бақириб-чақириб, идиш-товоқларни тақирлатиб хуморидан чиқади. Чунки улкан кимсасиз дўконда туни билан ишлаб, зерикиб қайтган аёл уйда гаплашгиси, кўнгил ёзгиси келар, бироқ Далернинг мўлтираган кўзига қараб хуноби чиқар, гоҳ инглизчалаб, гоҳ итальянчалаб қарғанар, қарғишлари Далернинг тахминича “кўзингни мўлтиратгунча, тил ўргансанг бўлмайдими, тўнка” деган маънони англатар эди. Флоринда имо-ишора билан “сен ҳам бўйдоқ экансан, турмуш қурайлик, ана шунда фуқароликка ўтишинг осон бўлади” деб тушунтирди. Далер иккиланди. Биринчиси, Флоринда ундан салкам ўн ёш катта, иккинчидан, Далер Мушфиқадан ҳалиям кўнгил узмаган, бақалоқ Флоринданинг иссиқ кучоғида ётган кўйи ҳам уни ўйлар, “қачондир кўчириб келаман, одамдек бирга яшаймиз” деб ўйларди. Флориндага ҳозирча “хўп” демади. “Аввал муҳожирлик мақомини олиб олай, кейин бир гап бўлар”, деди. Буни Флоринда ўзича тушунди: “менинг олдимда тили қисик бўлишни истамаяпти” деб ўйлади. “Майли, барибир ёрдам бераман сенга” деди. Сицилиялик ҳамюртларидан бири билан таништирди. У “пул бўлса ҳамма ишни ҳал қилиш мумкин” деб айтди. Далерда ортиқча пул йўқ эди. “Қарзга ҳал қилинг, мен узаман” деди. Хуллас, иш жойидан силжиди. Далер

“қарзни узаман” деганида, “жа бўлмаса, Мушфиқадан пул олиб, итальянлардан қутиламан, у билан кейинроқ суришиб кетармиз” деб ўйлаган эди. Шу боис хонимга тез-тез қўнғироқ қилиб, уни кўчиб келишга ундар, бу ердаги турмушнинг эркин ва фаровонлиги ҳақида эринмай тушунтирар, ҳатто «мени Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ишга олишлари мумкин» деган хаёлий фикрларини ҳам худди яқин орада пишадигандек қилиб айтарди. Далернинг фикрича, хоним аввал бошданок унинг сиёсий мавқеи, обрў-эътиборига учган. Урилиб, хорижга қочганидан сўнг бир қадар совиб қолганининг сабаби ҳам шу. Агар яна ўзини тиклаб олажагига ишонса, муқаррар қайтиб келади. Шунини ўйлар экан, бир пайтлар эшитган бир шеърини сатр эсига тушди. Саъдий ёзган агар адашмаса. “Аёлга на даркор тожу тахт...” Кулиб қўйди. Саъдий адашган. Аёлга айнан эркакнинг мартабаси керак. Мартаба бўлса, бошқаси топилади. Шу жумладан пул ҳам. “Ҳар қалай Мушфиқахоним барибир ҳам мард аёл экан. Қийин пайтларда қўллади...” Энди ҳаракат қилиб, яна сиёсий сахнага чиқсам, уни бағримга олишим керак. Ўзиям аёлмисан аёл-да... Халқаро анжуманларда ёнимда юрса, ишимдан файзу барака аримайди. Дарвоқе, бугунги анжуманда уям қатнашганда, бошқача бўларди-да...

Анжуман соат 11.00га белгиланган эди. Далер ярим соат вақтли келди. Бироз ҳаяжонланди. “Қандай бўлар экан?” Одам кам. Нарини бериси ўн-ўн беш чоғли одам. Иштирокчидан кузатувчи кўп. Аксарияти томошатаалаб журналистлар. “Бизнинг халқ ўлса ҳам боши бирикмайди” деб ўйлади Далер. Ахир хорижда қанча-қанчаси дайдиб юрибди-ю. Наҳотки, шу анжуманни ҳам тузукроқ, гавжумроқ қилиб ўтказишнинг иложи бўлмаса?..”

Анжуман бошлангач, ҳаяжони янада кучайиб, қўрқувга, таҳликага айланди. Чунки не кўз билан кўрсинки, мажлис ҳайъатида унинг собиқ ҳамкасби, собиқ депутат “спортчи” йигит ўтирарди. “Уям қочворган экан-да...

Нима учун? Ишқилиб... Эски гапларни қўзғаб юбормаса бўлгани..."

Далер мажлис охирида сўзга чиқди. Ўзининг тахминича, яхши гапирди. Бироқ, "спортчи"дан бежиз хавотирланмаган экан. Лаънати бир оғиз гап билан ҳаммасини чиппакка чиқариб юборди.

– Ботировга сиёсий муҳожир мақоми берилишига, айниқса муҳолифат таркибига киритилишига мутлақо қаршман. Бу одам... кун кеча катталарнинг товонини ялаб, чақимчилик, айғоқчилик қилиб юрган. Энди қанақа қилиб... муҳолифатчи бўлиб қолган? Унинг устидан қўзғатилган жиноят иши ҳам... ўғрилик, контрабанда билан боғлиқ. У халқаро қидирувда бўлса...

– Мени сиёсий қарашларим учун таъқиб этишиб, тухмат уюштиришган, – деди шоша-пиша Далер. – Бу ҳақда кўп гапирганман. Бугун ҳам гапирдим. Тухмат ҳаммаси...

Уни ҳеч ким ёқламади. Гарчанд "спортчи"га қўшилишиб, яна ёмонлашмаган бўлса-да... "келинглар, бу одам ҳам ўзимиздан-ку" деб кўнглига сув сепишмади. Бахтига анжуманни уюштирган ташкилот вакилларида бири сўз олиб, жонига оро кирди.

– Биз бу масалани атрофлича ўрганамиз. Жаноб Ботировга сиёсий муҳожир мақомини бериш ҳақида тегишли идораларга мурожаат этиш учун асосимиз бор. Унинг муҳолифлар сафига қўшиш-қўшмаслик масаласини эса ўзларингиз ҳал этасиз. "Хайриятки, фаррош Флоринданинг ҳамюртлари бор экан" деб ўйлади Далер. Тупурдим, ўша муҳолифатчиларга! Бир уюм ахлат. Нуқул сасигани сасиган..."

Икки ойлардан сўнг бўлган кейинги мажлисда у ўзини анча дадил ҳис этди. Сўзга чиқиб, чиройли гапирди. Илҳоми жўшиб кетиб:

– Биз янги муҳолифат тузамиз. Бу муҳолифат бошқа барча муҳолифларга қарши муҳолифатда бўлади...

Қовун туширган экан. Уни ҳимоя қилиб юрган вакил танбеҳ берди.

– Сиз унақа ўйламасдан гапирманг. Ушбу мавзудаги ҳамма масалалар юзасидан олдин биз билан келишиб, кейин гапиришингиз керак.

– Менга ўзи шу мухолифатчиликнинг керагиям йўқ ўзи, – деди Далер айбини оқлаш учун. Тинчгина юрсам бўлмайдими?

– Унақа деманг. Сиз агар... мухолифатчи бўлмасангиз... пулни нима деб берамиз. Биздан ҳам ҳисобот сўрашади, биродар. Ё ҳаммоллик ҳали жонга тегмадими?

– Кечирасиз, – деди Далер. – Аччиқ устида айтдим. Сиз нима десангиз – шу...

Шу тариқа Далер ҳали тўласинча мақсадига етмаган бўлса-да, ҳар қалай ҳаммоллик азобидан қутилиб, бир қадар одамшаванда яшай бошлади. Фақат Флоринда энди кўзига қаримсиқ кўринар, ноз-карашмалари малол келар, ўқтин-ўқтин хонимни эслаб, соғиниб ичи ёнар эди. Хоним эса даъватли кўнғироқларга жавобан, “май-ли, ўйлашиб кўрармиз”дан нарига ўтмас, натижада муносабатлари ҳам ораларидаги масофа сингари узоқлашиб борар, Далер бунга кўникишни истамас, “уни барибир қайтаришим керак” деган фикрда қатъий турар эди. Гоҳида “нега унга бунчалик ёпишиб олдим” дея ўзига ҳайрат билан савол берар, назарида хоним унинг учун она юрт ҳақидаги ширин хотиралар рамзи, сурурли кечмиши билан боғлаб турувчи кўринмас ип эди.

ЭЛЛИК ИККИНЧИ БОБ

Наврўз кунларида Нурбек хотини ва болаларини олиб, ота-онасидан хабар олгани қишлоғига кетди. Боришда самолётда учишди. Қайтиб келаётганларида яқиндан қатнай бошлаган “Насаф” электропоездига минишди. Ҳали қишлоқдаликларида отаси “Янги поезд юраётган экан. Зўр, дейишяпти. Ўшанда кетинглар. Насиб этса, биз ҳам онанг билан бир ғайрат қилиб, шаҳарга ўша поезд-

га миниб, меҳмонга бормоқчимиз” деганди. Чиндан ҳам яхши, шинам поезд экан. Юмшоқ ўриндиқлар, телевизор, стол устида янги газеталар. Чой ва қаҳва муҳайё. Хотини завқланди. “Мана, бизларда ҳам қилса бўларкан-ку” деди. Нурбек стол устидаги газеталарни варақлади. “Қонун” газетасидаги “Жиноятчи тўданинг тугатилиши” номли суд очерки диққатини тортди. Очеркда ўзига таниш номларга кўзи тушиб, синчиклаб ўқишга киришди.

Саксонинчи йилларнинг охирида енгил машиналарни ўғирлаб, қисмларга бўлиб сотиш билан шуғулланиб юрган бир неча ўғри-безорилардан иборат бу тўда ўз сафига собиқ спортчиларни жалб этиб, “фаолияти”ни тобора кенгайтиради. Рэкет, босқинчилик, одам ўлдириш жиноятларини содир этади. Жиноий йўллар билан топилган пуллар эвазига бир неча фирмалар, ширкатлар очиб, тижорат билан ҳам шуғулланади. Айни пайтда ўз қонли жиноий қилмишларини давом эттиради.

Тўда қатор шаҳарларда нисбатан бадавлат ҳисобланган хонадонларни аниқлаб, тунда бу хонадонларга бостириб киришар, пул, қимматбаҳо ашёларни зўрлик билан тортиб олиб кетарди.

Ғазабланарли жиҳати шундаки, тўда аъзолари ўз фаолиятларини “адолат ўрнатиш” деб баҳолар, “биз нопок йўллар билан бойлик орттираётган кимсаларнинг мол-мулкани мусодара этиб, бева-бечораларга, етим-хоналарга ҳомийлик қиляпмиз” деган ёлғон хабарларни тарқатиб, аҳоли ўртасида обрў олишга уринишарди. Амалда зўравонлик билан топилган пуллардан улар шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиб келар эдилар.

Тўдага “солиқ” тўлаб туришдан бош тортган тижоратчи тадбиркор А. исмли шахс куппа-кундуз куни шаҳарнинг қоқ марказида отиб ташланади. Ўзига нисбатан “адолатсизлик” қилинган деб ҳисоблаб, тўда бошлиғидан ёрдам сўраб мурожаат этган Ҳ. исмли аёл дастлаб ўғирликлардан бирига шерик сифатида жалб этилади.

Сўнгра изларни йўқотиш мақсадида ўлдирилиб, жасадларёга ташлаб юборилади. Шу тахлит еттита қотиллик, ўнлаб босқинчилик, ўғрилиқ жиноятлари содир этилади... Кейинроқ ўзаро келишмовчилик оқибатида тўда бошлиқларидан бири Мухтор Эрғозиевнинг ўзи ҳам ўлдирилади. Шундан сўнг тўда аъзолари бир неча кичик гуруҳларга бўлиниб, турли жиноятларни содир этадилар. Шундай кичик гуруҳлардан бири “Ҳунарманд” фирмаси ниқоби остида ҳаракат қилиб, музейлардаги бебаҳо санъат асарларини ўғирлаш ва хорижга чиқариб сотиш билан шуғулланади. Ана шу гуруҳ ўз таркибига собиқ депутат, ҳозир халқаро қидирувда бўлган Далер Ботировни ҳам жалб этади. Унинг ёрдамида бир неча бебаҳо санъат асарлари хорижга чиқарилиб, номаълум шахсларга сотиб юборилади... Таажжубки, бугунги кунда у хорижий мамлакатларда яшириниб, жиноятини хаспўшлаш учун ўзини сиёсий қарашлари учун қувғин қилинган одам қилиб кўрсатишга уриниб юрибди. Бугун жиноятчиларнинг аксарияти қора курсида ўтириб, қонун олдида жавоб бермоқда. Пайти келиб, Далер Ботиров ҳам ҳаққоний жазосини олади...

Мақола муаллифи Нурбекка яхши таниш бўлган ўша маълум ва машҳур Ҳакимхонов эди. “Ҳакимхоновга Далерни сиёсий мурдага айлантириб, кўмиб юбориш маросимида ғассоллик вазифаси юкланган, – деганди Тез. – У қанча маҳорат билан “ювса”, гўрковга шунчалик осон бўлади...” Бу сўзларни у қайси бир матбуот анжуманида айтган эди.

“Ҳолбуки, Далер ўзини сиёсий жиҳатдан ўзи ўлдирди. Энди унга ҳеч қанақа ғассолнинг ҳам, гўрковнинг ҳам кераги йўқ”. Бу бир пайтлар Далернинг ёрдамида қайсидир газета муҳаррирлигига тайинланиб, Ботировнинг иши чаппасидан кетгач, бўшаб қолган, кейин эса идора-идора юриб, Ботировни ёмонлаб, яна бошқа бир нашр раҳбарлигини эгаллаган Мамат Шукруллаевнинг сўзлари. Тез жаноблари ўшанда Шукруллаевга заҳар-

ханда қилдими ё бошқа сабаб биланми “Сиз, оғайни, хулоса чиқаришга шошилманг. Ботиров буткул оқланиб, яна сиёсат саҳнасига қайтиши ҳам мумкин. Ана ўшанда ҳолингизга маймунлар йиғлаб қолмасин”. Ҳакимхонов тили заҳар эмасми, унга қўшимча қилиб юборди. “Йўқ, азизим. Шукруллаев сингарилар ўша заҳоти яна Ботировнинг қаноти остига кириб, “парвоз”ни қайтадан давом эттираверади. Булар... ҳеч қачон чўкмайди”. Шукруллаев Ҳакимхоновга “Сал ўйлаброқ гапиринг, ака” деди-ю, дарҳол ўзини четга олди. Нурбек бу йигитни яхши биларди. Қўшни вилоятнинг тоғли туманидан. Дастлаб туман газетасида ишлаган. Ботиров давр сурган пайтлар унинг ёнида кутилмаганда пайдо бўлиб, хизматини қилиб юрди. Шунинг натижасида, аввал вилоят, сўнгра марказий нашрлардан бирига ишга ўтди. Кейин кўтарилди. Ботиров кетгач, бир қоқилди-ю, дарров ўзини ўнглаб олди. Унинг Ҳакимхоновга қаттиқ гапиролмаслигининг нозик бир сабаби бор эди. Ўша, Ҳакимхонов Ботиров ҳақидаги дастлабки фельетонни тайёрлаб юрган чоғида унинг гумашталари сафида Шукруллаевни ҳам тилга олган. Шукруллаев бунинг ўз вақтида сезиб қолиб, Ҳакимхоновга ялиниб, ёлвориб, ўз исми-шарифи тушириб қолдирилишига эришган. Тез бунинг “бекорга бўлмаган, Ҳакимхонов Шукруллаевнинг етти қават пўстини шилиб олган” деб айтиб юради.

Ҳакимхонов ўзини тутишига қараганда, унинг Шукруллаевдан тили қисик жойи йўқдек. Балки аксинча, Шукруллаевнинг оёғи қалтираб турибди. Шунинг учун баҳсга юмшоқроқ нуқта қўйиб, қочворди. “Вақтида-ку, Ботировни байроқ қилиб, марра эгаллагансан. Энди қисси-иб юрмайсанми, занғар” деб қўйди Ҳакимхонов унинг орқасидан. Шукруллаев бунинг эшитди-ю, эшитмасликка олиб, нари кетди.

Нурбек бу хил мунозараларга аралашмас, на “ҳа”, на “йўқ” дер, зеро “Ботиров ҳақида умуман ўйлашим, мулоҳаза юритишим шарт эмас” деб ҳисобларди. Бунинг

сабаби, эҳтимол орада Мушфиқахоним борлиги билан боғлиқ эди ва айнан шу боис Нурбек “Мен бу одам ҳақида холис мулоҳаза юритишим қийин” деб ўйларди. Зеро, хоним бора-бора унинг юрагидаги оғриққа айланган, бу дард узоқлашгани сари оғирлашаётгандек туюларди. Айниқса, хонимнинг сўнгги мактуби ва унга Нурбек ёзган жавоб бу дардни янгиллагандек, янада кучайтиргандек. Бугун у йўлда келаётиб, шу ҳақда яна муфассал ўйлашга киришди. “Хонимнинг ўғли – менинг ўғлим. Бунга энди шубҳаланмаса ҳам бўлади. Чунки бола Ботировники бўлганида улар ҳеч қачон айрилишмасди. Қолаверса, хонимнинг “ҳеч бўлмаса вақтинчалик никоҳ ўқитайлик” деган ўтинчининг боиси энди ойнадай равшан. У боласи Нурбекдан эканини билгани учун шундай қилган. Чунки фарзандининг никоҳсиз отадан туғилишини истамаган. Пайти келиб бола “отам ким” деб сўраганида, у Нурбекни айтиши мумкин. Бунга асоси ҳам, гувоҳи ҳам бор. “тақдир экан, ажралишиб кетдик” дейди. Майли, бу гапларни миясидан юз марталаб ўтказган. Фақат... Фақат бир нарсани ўйлашга мудом қўрқиб, истиҳола қилиб юрибди. “Ўғлимга... оталик қилишим нега мумкин эмас?..” Нурбек ўзига бу саволни беришга нега қўрқилишининг сабабини билади. Яъни аслида бу саволнинг маъноси “Нега Мушфиқа билан эр-хотинлик муносабатини қайта тиклашим мумкин эмас?” дегани. Зеро, Мушфиқанинг бугун боши очиқ. У Нурбекнинг ўғлини, ёлғиз ўғлини тарбия қиляпти. Бас шундай экан, нега?.. Наҳотки, ўзича ўйлаб топган “мен қўшхотинлик бўлмайман” деган омонат бир аҳдга у шунчалик ёпишиб олган бўлса? Наҳотки, хотинига берган оғзаки ваъдасини бузиш шу қадар қийин? Ахир... Янги ҳолатлар, бу ваъданинг моҳиятини чиппакка чиқарадиган бениҳоя кучли сабаб пайдо бўлиб турибди-ку?.. Наҳотки, “иккита хотини бор экан” деган гап, оғзаки гап шунчалик даҳшатли туюлса унга? Нимадан қўрқади? Ишидан, обрў-иззати-

дан айрилиб қоладими? Шу муҳимми? Ё... ўғли, фарзанди, жигаргўшаси муҳимми?..

“Лоақал уни... ўғлини бир бориб кўришим керак, – деб ўйлади у. – Қизиқ, кимга ўхшар экан? Ўғил бола кўпинча онасига ўхшайди дейишади. Янаям бу ирсиятга, наслиятга боғлиқ. Нурбекнинг ўзи отасининг айна нусхаси-ку. Бориб... кўришим керак. Албатта, кўришим керак. Акс ҳолда, бир умр пушаймон қилиб ўтишим мумкин...”

Нурбек шаҳарга етиб келган чоғида кўнглидаги бу қарор қатъий аҳдга айланганди. Шу боис поезддан тушиб, машинада шаҳар ичкарисига кетар экан, бу аҳдни фикран бир неча марта такрорлади ва “эндиги хизмат сафарини Лондонга олишга ҳаракат қилиш керак” деб дилига тугди.

– Нимага бунча ўйланасиз, – сўради хотини уйга келишгач, унинг авзойига қараб. – Тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик, – деди Нурбек. – Шунчаки, анави мақола... анча-мунча нарсаларни хотиримга солди, – деди Нурбек. Кейин ўйлади: “Хотиним қурғур жудаям туйғун. Нималарни ўйлаганимни сезди. Бекорга сўрагани йўқ. Хўп, сезса нима қилибди? Бола ҳақида гапирсам, ундан воз кечолмаслигимни айтсам... тақдирга тан бермайдими? Тан беради, албатта. Энди мен журъатлироқ бўлишим керак...”

Хонимга яна бир мактуб ёзаман. Ўтган сафаргидек гапни айлантириб ўтирмасдан очиғини айтаман. Учрашишимиз керак. Агар мен боролмасам, унинг ўзи келиб кетар... Келармикин? Келади. Хув ўшанда бир гап айтганди: “Қайда бўлсам ҳам ҳамиша сизни ўйлайман. Ҳаммасини ташла, кел десангиз, келаман...” Шундай деганмиди? Деганди. Худди ҳозиргидай эсида. Эртага унга хат ёзаман...”

Душанба куни ишга келиб, кутилмаган, аниқроғи кутилган-у, аммо бу қадар тез ҳал бўлишига ишониш қийин бўлган хабарни эшитди. Бошлиқнинг ўринбосарларидан бири яқинда ташқи ишлар вазирлигига ишга

олиниб, элчихоналардан бирига биринчи котиб қилиб юборилган эди.

– Ўшанинг жойига сизни маъқул топдик, – деди бошлиқ уни чақириб. – Розимисиз?

Нурбек ҳаяжонланди.

– Лозим кўрган бўлсангиз, раҳмат... Лекин эплай олармиканман.

– Эплайсиз. Камтарлик қилманг. Келгусида бундан юқорироқ ишларни ҳам эплайсиз. Насиб этса, вақти келиб, элчи ҳам бўласиз...

Нурбек кунни янги кабинетга кўчиш, янги лавозимга киришиш ташвишлари билан ўтказди. Мактуб эсидан чиқди. Тўғрироғи, эсидан чиққани йўғ-у, ўзи “ҳозирча орқага қолдириб турамиз” деган қарорга келди.

Шу тариқа орадан яна бир йил ўтиб кетди...

ЭЛЛИК УЧИНЧИ БОБ

Далер Ботиров бу оқшом ҳам Флоринданинг раъйини қайтаргач, қони қайноқ Сицилия аёли унинг юзига қулочкашлаб шапалоқ тортиб юборди. Италиянчалаб:

– Яхшилиқни билмаган нонкўр, эшшак, – деб қарғади. Далер ўша охирги сўзни тушунди, холос. Чунки Флоринда хоним билан ош-қатиқ бўлганидан буён ҳарчанд ҳаракат қилмасин, нозик паллалардаги эркалаш оҳангидаги сўзлар ва қаҳр келган чоғда айтиладиган ҳақорат ҳамда сўкишлардан бошқасини ўрганишга улгургани йўқ эди. Улгурмагани ҳам яхши бўлган экан, шекилли. Акс ҳолда, Флоринда бону қарғишларининг давомини эшитиб, эси оғиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди.

– ...Ўзинг бир пулга қиммат бир чувринди гадойсан-у, нозу фироқинг оламни тутати-я. Истасам-ку... бир жойингни узиб ташлайман-а...

Флоринда Ботировнинг чўнтаги уч-тўрт сўм пул кўргач, Нью-Йоркнинг хилватроқ мавзеларидаги қовоқ-

хоналарга серқатнов бўлиб қолганини, вискига ружу қўйганини ва ҳатто, гоҳ-гоҳида наша ҳам чекаётганини сезди. Гап билан, имо-ишора қилиб, бунинг оқибати ёмон бўлишини тушунтиришга уринди. Далер эса нукул ўзини оқлар, “бу гал шундай бўлиб қолди, энди ичкиликни оғзимга олмайман” дея қасам ичар, чиндан ҳам ишларим юришиб кетса, бунақа бетайин юришларга чек қўяман дея ўзича аҳд этар, бироқ иши курғур ҳеч юришмас, “қочоқларга ёрдам” жамғармаси арзигулик миқдорда нафақа бераётганини ҳисобга олмаганда, биров унга “одамсанми” демасди. На мухолифлар, на муҳожирлар уни сафга қўшишмас, бирда-яними билмай улфатчилик қилиб қолганини кўришса, “айғоқчи сотқиндан узоқ юр” деб дарҳол огоҳлантиришар ва бу одам эртасига уни танимасликка олиб ўтиб кетарди.

“Нима бўлди менга, бу тавқи-лаънат қайдан ёпишди” дея ўртанар эди у. Аламзада кўнглига таскинни ичкиликдан ахтарди. Кейин нашадан наяки қила бошлади. Жамғармадагилар бундан хабар топишган шекилли, навбатдаги нафақани олишга кирганида огоҳлантиришди. “Акс ҳолда нафақани тўхтатамиз” дейишди. Далер эса энди ўзини тўхтатиши гумон эди. Флоринда эса уни тушунишга ҳаракат қилар, ичса ҳам, чекса ҳам, ҳар қалай ёнимда-ку, тунда тўшагимга қайтиб келяпти-ку” деган тасалли ҳам бор эди кўнглида. Бироқ, бора-бора Далер саҳарга яқин, Флоринда ишга жўнаб кетаётган пайтда келадиган одат чиқарди. Барвақтроқ келса ҳам, ўзини ҳаддан ортиқ мастликка солиб, тескари қараб ётар, бу эса Флоринданинг ғазабини кўзғарди. Бир хаёли орқасига тепиб, ҳайдаб юбор деса, яна бир кўнгли “ҳаммолик қилиб юрган бир бенавони шунча азият чекиб, зўрға одам қаторига киритиб олдим-у, энди ундан бенасиб бўлиб қолавераманми” дерди. Шу боис у Далерни “тарбиялашга” уриниб кўрмоқчи бўлди. Жуссаси полвонсифат бу аёл солиштирса, Далердан қарийб иккита келар-

ди. Шу боис бир тарсаки билан уни каравотдан қулатиб юборди.

– Агар яна бир марта тўнғизга ўхшаб, ичиб-чекиб келсанг, тўрт томонинг қибла, – деб эшикни кўрсатди.

Далер бунини “ҳозироқ кет” деяпти деб тушунди. Қонаган бурнини артиб, ўрнидан турди. Бир жомадон ҳам тўлмайдиган лаш-лушларини йиғиштиришга тушди. Шу аснода кўзидан милт-милт ёш оқди. Ёшли кўзларини мўлтиратиб, Флориндага нажот истаб қаради. Флоринданинг кўнгли юмшади. Каравотдан тушиб, Далернинг ёнига келди. Бошини кўксига босди.

– Нега... ўзинг... унақа қиласан, – деди инглизчалаб. Далер тушунди. У ҳам инглизчалаб чала-чулпа тушунтиришга уринди.

– Мен... Мен... Сени хоҳлайман... Лекин... соғлиғим яхши эмас, – деди кўзини ундан олиб қочиб. – Эҳтимол, анови... ичкилик таъсир қияпти, шекилли. Наша чексам, сал тузук, тетиклашаман. Лекин нашага ҳар доим ҳам пул етмайди. Виски эса шахватни қирқар экан, энди ҳаммасини ташлашим керак...

– Мен сени даволаттираман, – деди Флоринда Далернинг чеккасидан оқара бошлаган жингалак сочларини силаб. – Ҳали бодрингдек бўласан...

“Бодрингдек” деган сўзни Флоринда русчалаб, “как огурчик” деб айтди. Бу сўзни у супермаркетда ишлайдиган ўрис ҳамкасбларидан ўрганган эди.

Бу ҳазил гапдан Далернинг кайфияти кўтарилди. Ёшли кўзлари билан жилмайди. “Албатта, ахир ҳали ёшман-ку” деб ўйлади.

– Сен энди нафақага кўз тикиб, бекор юришингни қўй. Мен ҳўжайин билан гаплашаман. Сени сал енгилроқ ишга олади, – деди Флоринда.

– Мен ишлашим мумкин эмас. Ишласам, нафақамни тўхтатиб қўйишади. Менга фақат... мақола ёзиш, маъруза ўқиш мумкин, – деди Далер ва ёзган бир-икки мақолалари ҳеч қаерда босилмаганини, инглиз тилида яхши

гапиролмаслиги учун маъруза ўқишга ҳам таклиф этиш-маётганларини афсус билан кўнглидан ўтказди.

– Тупур, ўша садақага, – деди Флоринда Далерни авайлаб бағрига босар экан. Кейин қулоғига шивирлади. – Ишлайсан, ичмайсан. Соғлиғинг ҳам яхши бўлади. Иккаламиз мазза қилиб яшаймиз... Тушундингми? Қани юр, энди ухлаймиз. Ҳали тун ярмидан ошмабди...

Улар тўшакка киришди. Ёши элликларга борган бу аёл Далерни энди худди ўғилчасидек бағрига босиб, елкаларини силади.

– Майли, шунчаки... ёнимда ётсанг ҳам ухла, азизим.

Флоринданинг ўзи бир-икки ух тортгач, ухлаб қолди.

Далер кўнгли бир оз тинчиб, яна ўйга толди. “Наҳотки, умрим энди мана шу фаррош кампирнинг тўшагида ўтиб кетса?! Наҳотки... дарду аламимни ичкилик ва гиёҳванд дорилар билан енгиб яшашдан бошқа чорам йўқ? Бунақада... адои-тамом бўламан-ку! Нима қилиш керак? Кетиш керак. Қаёққа? Ватангами? Ватанга йўл йўқ. Борган заҳоти қамоққа тиқишади. Газеталарда ёзиб ётишибди: “ўғри ва қароқчилар гуруҳининг аъзоси” деб. Қидирув давом этмоқда. Сиёсий айб қўйиб, қидиришганда ҳам... алам қилмасди. Қайтанга, сиёсий айб қўйишганида, “мухолифатчиман” деб у ер-бу ерга гапини ўтказиши мумкин эди. Афсус... Кунни кеча давлат, сиёсат арбоби бўлиб юрган кимсан Далер Ботиров бугун “ўғри ва қароқчилар гуруҳининг аъзоси” сифатида қидирилмоқда. “Аъзоси”, “бошлиғи”ям эмас, ақалли. Бошлиғи бўлганида ҳар қалай бу ердаги “ҳамкасблар” қўллаб туришармиди... Ҳалиям шуларга раҳмат. Манови кампирнинг гапини ерда қолдиришмади. Таниш-билиш қилиб, “сиёсий қочоқлар” рўйхатига киргизишиб, нафақага илинтириб қўйишди. “Кампир” деётганимни сезиб қолса, яна уради бу Флориндаси тушмагур. Ўзи ургани-ку майли, чидаш мумкин. Мабодо анови ҳамюртларига айтса... ўлдириб юборишлари ҳам мумкин. Далер ким? Бир мусофир бўлса. Уни ким ҳам сўраб, ким ҳимоя қиларди.

Ҳозирча нима бўлса ҳам, шу кампирнинг этагини қўймаслик керак. Буям... ичиб келиб, тескари қараб ётаверсам, ҳайдаб юбориши аниқ. У тўғри айтади. Ичишчекишни ташлаб, даволаниш ва ишлаш керак... Энди Мушфиқахоним билан биргаликдаги гузал ва шоҳона турмуш ҳақидаги орзуларни ҳам бир чеккага қўйиб туришга тўғри келади. Қизиқ, нима қилиб юрган экан ҳозир. Тунов куни телефонда гаплашганида, “илмий иш қиялпман” деганди. Мушфиқа бало. Тегирмондан бутун чиқадиған аёл. Бола туғиб олған. Илмий иш қилиб, унвон ҳам олиб олса, бирон институтда дарс бериб юраверади-да. Бу ёқларда институт домлаларига ҳам яхши ҳақ тўлашади. Профессор бўлса-ку, ошиғи олчи. Дарвоқе, Нурбек Холмуҳаммедов билан... хабарлашиб турармикан? “Болам” ўшандан деганди? Нурбекка айтдимикан? Айтганда ҳам... Холмуҳаммедов мункир келса керак. Хорижда юрган бир аёлдан бола орттириш унинг обрўсига тўғри келмайди. Айтишларича, у ҳозир каттакон бир ахборот бошқармасида директор ўринбосари бўлиб ишлаётган экан. Ҳа, Холмуҳаммедовга ўхшағанларга қолди мамлакатнинг тақдири. Совуққон ва шафқатсиз одамлар. Ҳув ўшанда, унинг киноя билан айтган таклифига лаққа тушмай, тинчгина журналист бўлиб ишлаб юрганимда, мен ҳам бу савдоларни бошдан ўтказмаған бўлардим. Холмуҳаммедов – айёр одам. Далер сингари ўзига халақит бериши мумкин бўлған кишиларни мақтаб, алдаб, лақиллатиб йўлдан олиб ташлайди. Ўзи эса нуқул панада, сояда юриб, юксак мавқе-мартаба сари собитлик билан интилади. Далер эса... соддалик, оққўнгиллилик қилди. Сиёсатда самимийлик ўтмаслигини тушунмади. Айёрлик қила олмади. “Ким ғолиб бўлса, ўшанинг тарафида ўйнаш керак” деган ақидаси ҳам хато экан. Энди билса... ўйинчиларни ўйнатиб қўйиб, четда томошабин бўлиш керак экан. Истамбулда юрган чоғларида бир олим таниши қизиқ гап айтган эди. “Шер бўлиш керак эмас, – деганди у. – Шерга қарши яна бир зўр-

роқ Шер чиқиб, албатта, унга ҳамла қилади. Бири бўл-маса, бири енгади. Ўшанда... мағлуб Шер эканингга минг пушаймон қиласан. Шунинг учун Шер эмас, Тулки бўлиш керак. Тулки Шерларни уриштириб, улардан оққан қонларни ялаб, мазза қилиб юради”.

Ўша гап ҳам шубҳасиз, киноя билан айтилганди. Лекин тўғри гап эди. Тулки бўлиш керак! Майли, мени ҳозирча на у томон ва на бу томон тан олмаётган экан, шуниси ҳам бир ҳисобга яхши. Кутишим, сабр қилишим керак. Пайти келиб, замон ўзгаради. У томон ҳам, бу томон ҳам четда қолиб, учинчи бир тараф майдонга келади. Ана ўшанда худди Ботиров каби ноҳақ жабрланган одамлар керак бўлади. Ҳозирча эса Флоринда ҳақ. Даволаниш ва ишлаш керак... Қора меҳнат бўлса ҳам чидаш зарур.

Далер ҳаёллар оғушида анча вақтгача ухлолмай ётди. “Эртадан бошқача яшай бошлайман” деган аҳдни бажаришга кучим, иродам етармикан, деган хавотир кўнглини сира тарк этмас, “эртага яна... оёқларим ўз-ўзидан қовоқхона сари судраб кетмасмикан” деб кўрқарди. Бу кўрқув бежиз эмасди. Бир пайтлар у ишлаган вилоят газетаси таҳририятида Рашод деган жудаям қобилиятли шоир ва журналист ишлаган. Ичкиликка ружу қўйиб, охир-оқибат... жигари цирроз бўлиб, ўлиб кетган.

“Мен ҳали пиёниста бўлиб улгурганим йўқ, – деди у ўзига ўзи, – Мен ҳали ўзимни қўлга ола оламан. Мен ҳали буткул адо бўлган эмасман. Мен ҳали курашаман, Ҳали бизнинг замонлар келади. Ҳали бизнинг кўчада ҳам байрам бўлади. Ҳали бу кунларни кулиб-кулиб эслаб юрамиз. Ўша пайтлар бу кунлар ҳақида бировга сўзлаб берсанг, ишонмайди. Қўйсангиз-чи, бўлмаган гап дейди.

ЭЛЛИК ТЎРТИНЧИ БОБ

Бу бобни аслида “Муқаддима”нинг давоми ёки изоҳи” деб аташ мумкин. Чунки энди ҳикоямиз дебоҳасида сўзланган кунлар шарҳининг мавриди келди.

Маълумингизким, ўшанда биз Нурбек билан Англиядан қайтиб келаётган кўйи самолётдан тушмаёқ хайрлашган эдик. Алқисса... ўша воқеаларнинг баёнига киришамиз.

* * *

Нурбек ниҳоят Англия сафарига борадиган бўлди. “Нимага шошилиб интилсанг, ўшанга етишишинг қийин” деганлари ҳақ экан. Нурбек Англияга бораман деб шахд этганига салкам бир йилдан ошди. Шу орада ўнлаб мамлакатларга бориш имкони туғилди-ю, қурғур Англия ҳеч тўғри келмади. Ҳатто, йўл-йўлакай кириб ўтишнинг ҳам мавриди бўлмади. Нурбек эса боролмагани сари боргиси келар, тоқатсизланар, ўзини зўрға босарди. Айниқса, хонимга ёзган қисқагина мактубига келган қисқача жавобдан сўнг, у иложини топса-ю, қанот боғлаб учса ўша томонга.

“Азиз Мушфиқахон!

Ушбу мактубим жудаям қисқа. У бор-йўғи битта саволдан иборат бўлади. Фақат илтимос, бу саволимга очиқ ва аниқ жавоб беринг. Элнур менинг ўғлимми-йўқми?

Жавобингизни сабрсизлик билан кутаман.

Нурбек”.

Жавоб бир ой деганда келди.

“Қимматли Нурбек!

Саволингизга “Ҳа” деб жавоб бераман. Бироқ айтиб қўйай: бу сизга ҳеч қанақа ҳуқуқ ҳам, масъулият ҳам юкламайди. Уни ўз фамилиямга ёзганман. Омон бўлинг. Йўлингиз тушса, киринг.

Эҳтиром ила Мушфиқа”.

Хатни олган кун Нурбек аввалига беҳад шодланди. Ўзини қўярга жой тополмай, ҳаяжонланди. Кейинроқ маъюсланди. “Бу сизга ҳеч қанақа ҳуқуқ ва масъулият ҳам юкламайди” деган беозоргина огоҳлантириш елкасини зилдай тош сингари эза бошлади. “Ўғлинг бўлса-ю, бировнинг номида бўлса, бу қандай адолатсизлик?” Шу топда у хотинига “Ҳеч қачон ўкинмайман, ҳеч қачон ид-

дао этмайман” дея ваъда берган бир ҳолатни армон билан эслади. Беихтиёр эслади. Юраги қон бўлди. Кўзида ёш ҳалқаланди.

Хотини илк бор ҳомиладор бўлганида, у худди бугунгидай, балким бундан кучлироқ севинганди. Врачлар УЗИда текширишиб, “ўғил бўлади” деганида оламда гўё ундан бахтлироқ одам йўқдек эди. Врачлар ҳамма чорани кўришганига қарамасдан, ҳомилани жарроҳлик йўли билан дунёга келтиришди. Бола бир кун яшади, холос. Эр-хотин бир-бирига тасалли беришди. Ҳали кўп бола кўрамиз деб орзу қилишди. Хайриятки, орадан икки йил ўтгач, хотини яна ҳомиладор бўлди. Бу сафар ҳам операция қилиб туғдиришди. Қизалоғи соғлом туғилди. Яшаб кетди. Иккинчиси яна қиз бўлди. “Учинчиси албатта ўғил бўлади” дея умид қилишди. Бироқ хотини қайтиб ҳомиладор бўлмади. “Яна бир марта операция қилиб туғдирса бўлади, – дерди бечора, – агар ҳомиладор бўлсам...” Бироқ афсуски, ҳалигача умиди ушалмади. “Майли, ўкинманг, – деди Нурбек хотинига. – Қизалоқларимиз омон бўлса бас”. “Ўзингиз-чи, ўзингиз ўкинмайсизми, пушаймон қилмайсизми” деб сўради хотини. “Йўқ. Ҳеч қачон ўкинмайман”. “Менга иддао қилиб, бошқаси билан юриб, уйланиб, бизларни ташлаб кетмайсизми?” “Йўқ. Ҳеч қачон!...” “Йигит сўзингизми?” “Ҳа! Бу ҳақда ҳеч қачон эсламаймиз, гапиришмаймиз ҳам...”

Чиндан ҳам миясида “хотиним энди туғолмайди” деган фикрни ўтказиш – пушаймон чекиш эканини, яъни унинг ўша жисмоний нуқсонини эътироф этиб, иддао қилиш эди. Бу эса қасамёдга хилоф бўларди.

Мушфиқахоним билан ораларида кечган ихтиёрсиз ишқий саргузашт ҳақида хотинига мардона иқрорлик билдиргани боиси ҳам, хотинининг иккиланиб бўлса-да, уни кечиргани сабаби ҳам ана шу қасамёд билан боғлиқ эди, аслида. “Хотиним бу ҳақда ўзим айтиб, иқрор бўлганим учун кечирди” деб ўйларди Нурбек. Мен эса, ўша

хатони тузатишга ўзимда куч топишга ишонганим учун иқрор бўлдим. Бу “хато” мени ойлар, йиллар давомида мудом таъқиб этиб келмоқда. Мана энди эса, у энг заиф, энг нозик жойимдан олиб турибди. Энди мен нима қилмоғим керак?”

“Мард бўлсанг, охиригача мард бўл, – деган садо чиқди юрагидан. – Хотинингга бу хабарни ҳам мардларча айтишинг керак!” “У нима дейди? Қандай қабул қилади? Мен унинг юрагига ханжар урган бўлмайманми?”

“Яшириб юрганинг билан, барибир бир кунмас бир кун эшитади, билади-ку. Ундан кўра ўзинг айтиб қўя қолганинг маъқул-ку...” Нурбек бу суҳбатга деярли бир ҳафта тайёргарлик кўрди. Хотинининг кайфияти, руҳияти шунга мос, мувофиқ бўлишини пойлади. Мавриди кепқолишини кутди. Бахтига бир куни кекурун, нонуштадан сўнг, телевизор кўриб ўтирганларида шу мавзуда гап очилиб қолди. Телевизорда “Сени излайман” номли кўрсатув берилаётган экан. Бир пайтлар Украинада ҳарбий хизматда бўлган ўзбек кишини ўша ёқда орттирган қизи сўроқлаб топибди. Қарангки, ўшанда ёш ўзбек йигити украин қизи билан севишиб, бирга яшаган. Кейин хизмат тугаб, юртига жўнаворган экан.

– Сиз ҳам Сибир томонларда бола қолдириб келмаганмисиз, дадаси, – дея ҳазил қилди хотини унинг ўша ёқда ўқиганига ишора қилиб.

– Йў-ғе, – деди Нурбек ва шу он миясига “мавриди келди” деган фикр урилди.

– Мабодо шунақа бўлганда... нима қилардингиз, – деди у хотинига кулиб қараб.

– Нима қилардик. Такдирга тан бериб, бағримизга олардик-да, худди “Абдуллажон” киносидагидек, – деди хотини жиддий тарзда.

– Бўлмаса, мен ҳозир сизга бир гап айтаман. Ўшанга ўхшаган ҳолат, фақат қаттиқ ҳаяжонланмасликка, бирданига кескин хулоса чиқармасликка ваъда беринг.

– Айтаверинг, тайёрман, – деди хотини уни ҳазиллашяпти деб ўйлаб. Зеро, у ҳозир, шу топда, қанақадир тасодифий бир воқеа, телекўрсатув муносабати билан мутлақо жиддий хабар айтилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаётганди.

– Ўғлим бор...

– Вой, қандай яхши, – деди хотини ҳазилни давом эттириб. Фақат “қизим” эмас, “ўғлим” дегани боис юрагига муздай бир шамол урилгандай бўлди. Ногаҳон маъюс тортди. Лекин сир бой бермади. – Шунча пайт нега айтмадингиз? Исми нима?

– Шунча пайт ўзим ҳам билмагандим. Исми Элнур...

– Жиддий гапиряписизми? – деди хотини ва унинг юзига қараб, бақрайиб қолди. – Вой...

– Ҳа, жиддий.

– Онаси ким экан ўша Элнуржоннинг? Билсак бўладими?

– Онаси ўша ўзингиз билган Мушфиқахоним.

– Вой мен ўла-ай, ҳали “энди мутлақо учрашмайман” дея қасам ичиб, ваъда бериб... туфлаган тупугингизни яла-аб юрган экансиз-да?

Йўқ, азизим. Тушунинг. Бола ўша бир марта учрашган чоғимизда пайдо бўлган экан. Мен буни сизга айтганман. Кейин қайтиб... ҳеч қачон учрашмаганман... Ўзим ҳам... Яқинда билдим. Ахир Мушфиқа ўша пайтдаёқ хорижга кетган-ку...

– Хорижда бўлса... қаердан биласиз бола туққанини? Хабарлашиб юргандирсиз-да? Ўша ёқларда учраши-иб. Хорижга намуноча серқатнов бўлдингиз десам, сабаби бу ёқда экан-да?

– Ҳаммаси сиз ўйлагандақа эмас. Тамоман бошқача. Мен у билан бирон марта кўришганим йўқ. Қолаверса, у ҳали шу ердалигидаёқ бошқа кишига эрга теккан эди.

– Бўлмаса... қайси юз билан сизга осадилар, ўша эридан туққандир ахир болани.

– Бу энди... бошқа масала. Биринчидан, у эридан ажралиб кетган. Иккинчидан, у “бола сендан” деб менга сиз айтмоқчи болани осаётгани йўқ. Болалик бўлганини эшитиб, ўзим суриштирдим. Кўнглим сезгандек бўлди. Шунда ҳам у “бола сендан” деган гапни бирданига тан олган эмас. Ўғлини ўзининг номига ёзган. Менга “ҳеч қанақа ҳуқуқингиз ҳам, масъулиятингиз ҳам йўқ” деб айтди.

– Бўлмаса, нега бу гапни кўтариб юрибсиз, – деди хотини бироз ҳовридан тушиб.

– Кўтариб юрганим йўқ. Билиб қолганимдан кейин сизга айтмасдан яшириб юришни эп кўрмадим.

– Ҳўп, мана биласиз, менга айтдингиз. Энди нима қилмоқчисиз? Болага даъвогар бўласизми? Судлашасизми? Шаънингизга, обрўйингизга тўғри келадими шу?

– Ўзингизни босинг, меҳрибоним, – деди Нурбек ичида бироз асабийлаша бошлаб. – Ҳеч ким бола талашаман, судлашаман деётгани йўқ. Бу – шунчаки факт. Шунини сиздан яширмай айтдим, холос.

Хотини унинг асабийлашганини сезди. Юмшади. Кўнгли бузилди. Чамаси, “мендан ўғил бўлмагани учун бу факт эримга ҳаддан ортиқ муҳим бўлиб туюлаяпти” деб ўйлади.

– Мен ҳам ўғил туққандим... Нима қилай, Худо кўп кўрди. Мен... айбдор эмасман-ку, – деб йиғлашга тушди. Нурбек юпатди.

– Йиғламанг, Ношукрлик қилманг. Фарзандларимиз бор. Қизми, ўғилми, фарқи нима.

– Сиз барибир... ўғлим деб ўшани излайсиз-да энди, – деди йиғламсираб хотини.

– Ота ўғлини эмас, “ўғил отани излайди” дейишади. Хотиржам бўлинг...

– Шундай дейсизда-а...

Нурбек хотинини тинчлантириш учун яна анча гапирди. Гап орасида:

– Мабодо Мушфиқахоним “Мана болангиз, ўзингиз боқиб олинг” деб опкеб ташласа, боқиб берармидингиз?

– Албатта боқардим. Сизнинг болангиз менинг ҳам болам-да, – деди хотини уҳ тортиб.

– Раҳмат сизга. Энг тўғри гапни айтдингиз, – деди Нурбек хотинининг сочларини силаб, бағрига босар экан.

– Фақат менга берган ваъдангизни унутмасангиз бўлди, – деди хотини.

– Унутмайман, хотиржам бўлинг.

– Иродангиз... етармикан ишқилиб?

– Шунча пайт етди-ку. Вақт ҳамма нарсани ўзгартиради.

Нурбек индамади. “Шунақамикан?” деб ўйлади ичида.

ЭЛИК БЕШИНЧИ БОБ

“Хитроу” аэропортидаги қисқа кўришувдан сўнг, Нурбек ва Мушфиқахоним кечкурун “Хилтон” меҳмонхонаси яқинидаги шинам бир тамаддихонада учрашишди. Қаҳва ичиб, суҳбатлашишди. Бироқ суҳбат сал расмийроқ, бироз жўнроқ, ҳаяжонсиз оҳангда кечди.

– Сираям ўзгармабсиз, – деди хоним Нурбекнинг юзига боқиб.

– Сиз эса ўзгарибсиз, – деди Нурбек.

– Қанақа бўлибман, қарибманми? – деди хоним ранжиган оҳангда.

– Йўқ. Аксинча. Ёшариб кетибсиз. Қандайдир... Бошқача... Ғайратли, ҳаракатчан бўлиб кўринасиз.

– Ҳаёт мажбур қилди. Ишлашга, елиб югуришга тўғри келяпти. Илгариги бойвуччаликдан асар ҳам қолмади.

Нурбек “Элнурни олиб келмадингизми?” деб сўрамоқчи бўлар, бироқ хонимнинг мактубдаги сўзларини эслаб, “шундай деб сўрашга ҳаққим борми” дея истиҳола қилиб турарди. Гапни ўша мавзуга буришга баҳона ахтарди.

– Ишга чиқиб кетдингизми? Қаерда ишляпсиз? Элнурга энага қарайдими?

– Ҳа, – деди хоним унинг охирги саволига жавоб берар экан. Ўзимиз томондан келиб қолган Раъно опа исмли бир ёлғиз аёл қараб турибди. Яхши бўлди. Ўзбекчани ҳам ўргатапти. Ўзим университетда халқаро муносабатлар факультетида дарс берапман.

– Илмий ишингиз ҳам битай деб қолгандир?

– Шу йил диссертация ҳимоя қилиш ниятидаман.

– Жуда яхши, хурсандман. Яшаш жойингиз, узоқ эмасми?

– Йўқ. Шу ерга яқин. Сиз ҳойнаҳой... “нега уйига таклиф этмаяпти” деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Истиҳола қилапман. “Бу хотин сира қўймас экан-да ҳоли-жонимга” деб ўйламанг, деяпман. Гарчанд... Сизга бўлган муносабатим ҳалиям ўша пайтдагидек.

– Хатингизда “Сизда ҳеч қанақа ҳуқуқ ҳам, масъулият ҳам йўқ” дебсиз-ку...

– Бу Элнур ҳақидаги гап. Сизни хотиржам қилиш учун шундай дедим. Лекин унинг отаси эканингиздан тонаётганим йўқ. Аксинча, бу билан... фахрланаман. Элнуржон севгим фарзанди эканидан бахтлиман. Фақат сизга уни рўкач қилиб, қанақадир ҳуқуқ талаб этмоқчи эмасман...

– У кимга ўхшайди? Кўрсам бўладими?

– Майли. Кўринг. Кўпроқ... менга ўхшайди. Янаям кўринг-чи... Ўзим ҳам агар вақтингиз бўлса, эртага уйга бир пиёла чойга таклиф этмоқчи эдим.

– Ош ҳам қилиб берасизми? – деб сўради Нурбек бирдан кайфияти кўтарилиб.

– Ош десангиз, ош қиламиз.

Нурбек эртани сабрсизлик билан кутди. Тунни қуш уйқу билан ўтказди. Эртаси куни конференцияда ҳам паришон ўтирди. Фикри-зикри кечқурун бўладиган учрашувда эди. “Қизиқ, – деб ўйларди у. – Кечаги суҳбат чоғида ҳам хаёлимда фақат Элнур бўлгани учун хонимга етарлича эътибор бермадим шекилли. Ё у илгаригидек жозибали кўринмадими? Ё фарзандга – узоқ орзудаги

ўғилга бўлган меҳр қаршисида чекиндими хонимнинг ўзига аталган туйғу?..”

Кейин у хонимнинг “Элнур кўпроқ ўзимга ўхшайди” деган гапини эслади. Ҳа, ўғил бола кўпинча онасига ўхшайди. Лекин... қиёфасида шубҳасиз, отасига ўхшаш жиҳатлар ҳам бўлади. Хоним “янаям кўринг-чи” деб айтди-ку. Қизиқ... Хоним Элнурга “бу киши отанг бўлади” деб айтармикан? У ҳали кичкина. Энди бешга қадам қўйган. Эсини таниб улгурмаган бўлса керак. Лекин баъзи болалар зийрак бўлади. Элнур қанақа экан?

Кунни бир амаллаб кеч қилгач, келишилган вақтда айтилган манзилга етиб борди. Хоним Темза дарёси соҳилидаги сердарахт мавзеда беш қаватли ғиштин иморатнинг учинчи қаватида турар экан. Икки хонали бўлса ҳам кенг-мўл, шинам хонадон. Хоним ўзига ғоят ярашиқли уй кийимида экан. Узр сўради.

– Овқат қилаётгандим. Ош деганингизга... Тагини солиб қўйдим. Кийимимни алмаштиришга улгурмадим.

– Ҳечқиси йўқ. Элнур... қани? – деб сўради Нурбек.

– Ҳозир олиб келади энагаси. Қани, юринг дастурхон ёнига, – деди хоним уни қадимги буюмлар, ноёб картиналар билан безатилган меҳмонхонага бошлаб кирар экан.

– Буюмларингизнинг ҳаммасини олиб келувдингизми? – деб сўради стол ёнига ўтирар экан Нурбек жиҳозларга ишора қилиб.

– Қаёқда, ҳаммасини сотиб юборгандим. Буларни шу ердан олганман. Арзимаган нусха нарсалар... Марҳамат, дастурхонга қаранг...

Зум ўтмай, эшик кўнғироғи жиринглади.

– Ана, келишди, – деди хоним эшикни очиш учун даҳлизга чиқар экан. Нурбек беихтиёр унинг ортидан чиқди.

Хушбичим кийинган оппоқ юзли, дўмбоқ болакай олтмиш ёшлар атрофидаги буғдойранг, юзи серхол аёл етовида кириб келди. Онасига салом берди. Нурбекка эса ҳайрон бўлиб қаради.

– Меҳмонга салом бермайсанми, ўғлим, – деди хоним болакайни койиган оҳангда. Бу чоқ энаганинг Нурбек билан саломлашганини кўриб, бола бир мунча дадил қараб турарди. Онасининг эслатишидан яна ҳам журъатланди.

– Ассалому алайкум! – деди ўзбекчалаб.

– Ваалайкум ассалом, – деди Нурбек ундан кўзини узолмай, қараб турар экан. Элнур чиндан кўпроқ онасига ўхшар, фақат иягидаги ва ёноғидаги чуқурчалар айнан Нурбекникидақа эди. Кейин қўллари... ҳа, қўллари қуйиб қўйгандек Нурбекникига ўхшарди. Бир қарашдаёқ шунча ўхшашлик топа олган Нурбек енгил тин олди.

– Қани, юринг энди, кийимларингизни алмаштирамиз, – деди энага Элнурнинг қўлидан ушлаб хонадан олиб чиқар экан. Бироздан сўнг у кийимини алмаштирган Элнурни қайтариб олиб келди-да, хайрлашди.

– Энди мен борай, яхши ўтиринглар.

– Сиз ҳам ўтиринг, Раъно опа, – деди хоним. – Ош қиляпман. Нурбек ака билан суҳбатлашасиз. Юртимиздан келишган.

– Узр. Уйга одам келадиган эди. Насиб этса, ҳали шу ерда бўлсалар, суҳбатлашармиз. Бизникида ҳам меҳмон бўлинг. Хўпми?

– Хўп-хўп, – деди Нурбек.

– Хайр бўлмаса...

Энага чиқиб кетгач, Нурбек Элнурни имлаб ёнига чақирди. Хоним кулимсираб қараб турарди. Бола сал ётсираб, онасига қаради. Ундан “маъкул” ишорасини олгач, Нурбекнинг ёнига борди. Нурбек болакайга меҳр билан тикилиб, сарғиш-қўнғир сочларини силар экан, “сочларининг ранги ҳам меникига ўхшабди” деб ўйлади. Элнур зийрак экан. Нурбекнинг нигоҳи маъносини уққандек бўлди. Бироз тортинчоқлик билан:

– Сиз кимсиз? – деб сўради тўсатдан инглизчалаб. Нурбек “нима деб жавоб берайин” дея нажот излаб, хо-

нимга қаради. Хоним бу саволга жавобни анча илгари тайёрлаб қўйган шекилли, ўзбек тилида:

– Бу киши... сенинг даданг бўладилар, ўғлим, – деди.

– Дадам? – ҳайратланиб, яна инглиз тилида қайтариб сўради Элнур. – У киши узоқда ишлайди дегандиз-ку...

– Узоқда эдилар. Мана, сени кўргани келдилар. Ўзбекча гапир, ўғлим.

– Энди кетиб қолмайсизми? – деб сўради Элнур ўзбек тилида бироз қийналиб.

Нурбек яна мадад истаб, хонимга қаради.

– Даданг яна ишга боришлари керак. Энди сени кўргани келиб турадилар, – деди хоним кулимсираб. Кейин Нурбекка қараб сўради.

– Келиб турасиз-а?

– Ҳа-ҳа, албатта, – деди Нурбек шоша-пиша. У ўғли билан... топишув бу қадар тез ва оддий тарзда юз беришни кутмагани учун тамоман карахт эди. Чунки боя йўлда келаётганида "Хоним Элнурга кимлигимни дарҳол айт-маса керак. "Вақти келса топишиб кетади, ҳозирча унинг руҳиятини жароҳатламайлик" деса керак" деб ўйлаганди.

– Мени ишингизга олиб бормайсизми? – деб сўради Элнур болаларга хос содда ўжарлик билан яна инглиз тилида гапириб. Нурбек ҳам инглизча гапиришга мажбур бўлди.

– Олиб бораман, – деди ва кейин ҳижолат билан ўқинди. – Сенга бирор... совға ҳам олиб келмабман. Майли, ҳечқиси йўқ. Эртага олиб келаман. Айт-чи, нима совға олиб келай?

– От олиб келинг, – деди Элнур. – Каттакон оқ от.

Нурбек билан хоним баравар кулиб юборишди.

– Йигирма биринчи аср боласининг отга қизиқиши... ажойиб, – деди Нурбек. – Аждодларига тортибди. Мен ҳам болалигимда отни яхши кўрардим. Бобом чавандоз ўтган.

– Олиб келасизми от? – деб сўради Элнур.

– Албатта олиб келаман. Лекин... катта отни қаерда боқасан? Уйга сиғмайди-ку?

– Ташқарига боғлаб қўямиз, – деди Элнур хотиржамлик билан.

– Отни нима қилмоқчисан? – деб сўради Нурбек муштдай бола отга қизиққанидан ҳайратланишда давом этиб.

– Миниб поло ўйнайман, – деди Элнур.

– Ҳа-а, бу телевизорда нуқул поло ўйинини томоша қилиб, қизиқиб қолибди-да, – деди Нурбек.

– Поло ўйини бу ерда анча кенг тарқалган, – деб изоҳ берди хоним.

– Биламан, – деди Нурбек, – ҳатто қирол оиласи аъзолари, шахзодалар ҳам ўйнашади. Лекин асли бу ўйин ҳам ўзимиз томондан келганини билсангиз керак. Амир Темур бобомиз даврида чавгон ўйини русм бўлган.

– Ўқиганман, – деди хоним. Энди ошни сузайлик. Ота-бола бир ошхўрлик қилинглар...

Хоним шундай деб, ошхонага чиқди. Унинг сўнгги сўзлари Нурбекнинг юрагидаги нозик торларни чертиб юборгандек бўлди. Болалигини, отаси билан бир дастурхонда ўтириб илк бор бир товоқдан ош егани эсига тушди. Ўшанда отаси унга паловни қўл билан қандай қилиб олиш, оғизга қандай солишни кунт билан, эринмасдан ўргатганди. Кейин онасининг “ҳар сафар гўшт билан олмагин” деган танбеҳига жавобан “қўявер, гўштни яхши кўрадиган бола каллали бўлади” деганди. “Сен ҳа-деб буни нонга тўйдираверма, нонни кўп еса, хомсемиз бўлиб қолади. Гўштни кўп еган боланинг суяги йирик, илиги тўқ, мияси тўла бўлади” деган.

– Паловни яхши кўрасанми, ўғлим, – деб сўради у ўша хотирот таъсирида журъатланиб. Бу пайт хоним каттакон ўзбекча лаганга “гумбаз” қилиб сузилган ошни олиб кирганди. Элнурнинг ўрнига жавоб берди.

– Ҳар куни “палов ейман” деб хархаша қилади, бунингиз, – деди.

– Бу одати ҳам... авлодларига тортибди, – деди Нурбек.
– Лекин паловни ўз юртингда, ўз уйингда еганга нима етсин.

Хоним Нурбекнинг бу гапига дарров жавоб бермади. Ош ейишни бошлаганларидан кейин бироз ўтгач:

– Ўша кунларга етказсин, – деб қўйди секингина.

Ошдан сўнг қовун ейилиб, кўк чой ичилди. Элнур эснай бошлагач, хоним уни ухлатмоқчи бўлди. Бола ухлашни хоҳламай, хархаша қилди.

– Ухлаш керак, ўғлим, – деди Нурбек. – Вақтида ухлаб, вақтида туриш керак.

– Мен ухласам сиз кетиб қолмайсизми?

Нурбек бу саволга нима дейиш кераклигини англамаёқ, хоним жавоб берди.

– Эртага келаман, дедилар-ку. Эртага кечқурун яна келадилар.

– Хўп, хайр бўлмаса, – деди Элнур катталарга хос жиддийлик билан. – Эртагача!

– Хайр, – деди Нурбек.

Хоним Элнурни ётқизиб чиққач, яна бироз гапиришиб ўтиришди. Ҳар иккиси бир-биридан нималарнидир сўрамоқчи бўлар, сўрай олмас ва ҳатто... нимани сўраш кераклигини ҳам билмас, зеро энг муҳим нарсани сўраш тугул, ўйлашга ҳам журъат тополмасди ўзида.

– Энди мен бораё бўлмаса, – деди Нурбек.

– Майли, – деди хоним. – Эртага... нима овқат пиширай? Қазии солиб, бешбармоқ қилиб берайми?

– Ўҳ-хў, қазии ҳам борми бу ерларда, – деди ҳайрон бўлиб Нурбек.

– Ҳа, ҳамма нарса бор. Ўзимиздагидай мазали бўлмаса ҳам, ҳар қалай...

Нурбек муҳим мавзудаги гапнинг мавриди келганини англади. Аслида, у бу ҳақда эртага гапирмоқчи эди. Ҳамонки, хонаси келиб қолган экан, ҳозироқ сўраш керак, деган қарорга келди.

– Ҳа, ўзимиздагидай бўлолмайди ҳеч нарса. Айтингчи, юртга қайтиш ҳақида ҳам ўйлайсизми?

– Албатта, – деди хоним. – Лекин қачон, билмадим. Пайти келар.

– Яхши, – деди Нурбек. – Бўлмаса, мен кетдим. Бу ҳақдаги суҳбатни эртага давом эттирамиз насиб этса...

Эртаси куни у Лондоннинг бир неча супермаркетларини айланиб, салкам кичикроқ той ҳажмидаги ўйинчоқ сотиб олди. От резина аралаш мураккаб бир материалдан ясалган бўлиб, худди жонли тойчага ўхшар, устига миниб, юганини тортса, тирик отдек қадам ташлаб юра олади. Таксига зўрға жойлаб, олиб келди. Элнур энаганикидан барвақтроқ келиб, йўлига кўз тикиб ўтирган экан. Отни кўриб суюнди. Устига миниб, юргизиб кўрди. Барибир ҳам кўнгли тўлмади.

– Чополмайди-ку бу! – деди.

– Ўзимизнинг юртга борганинда кейин тиригини олиб бераман, – деди Нурбек.

Бу гапга Элнур унчалик тушунмади. Чунки у ҳали “ўзимизнинг юрт” нима эканлигини яхши англаб етган эмасди.

– Насиб этса, – деб қўйди хоним.

Қазилик бешбармоқдан сўнг, хайр-хўш бўлди.

– Биз эртага қайтиб кетамиз, – деди Нурбек. – Эндиги учрашувимиз... билмадим қачон бўлади.

– Сиз келолмасангиз, бизлар борамиз имкониятини топиб, – деди хоним. – Хавотир олманг.

– Дарвоқе, Мушфиқа, ўғлимиз борлигини мен оиламдагиларга айтганман...

– Тўғри қилибсиз...

– Элнурни... отасининг номига ёзиш ҳақида ўйлаб кўрсангиз... Албатта, бу мажбурий эмас. Лекин ҳар бир нарсаниқ-равшан бўлгани дуруст.

– Элнур сизнинг номингизга ёзилса... ортиқча саволлар пайдо бўлади-ку. Сиз билан никоҳда бўлганимни мулла ва икки гувоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. “Далер Ботиоров билан дабдали тўй қилишиб, болани Нурбекдан орттирган экан” деб гап тарқатишмайдими одамлар? Кейин бу сизнинг обрўйингизга зарар етказмайдими?

– Қўяверинг, гапиришса гапиришар. Мен гапдан, об-
рўйим тўкилишидан қўрқмайман, – деди Нурбек ва хаё-
лидан “чиндан ҳам шундайми” деган фикр ўтди.

– Ҳар ҳолда... келинг, шошилмайлик. Бу – жиддий ма-
сала.

– Мен қанча бўлсам ҳам кутаман. Юртга қайтиш
ҳақида эса... Тезроқ бир қарорга келсангиз, яхши бўлар-
ди. Элнур пайти келса, яна келиб, бу ерда ўқиб кети-
ши мумкин. Айтганча, ўзимизда ҳам Британиянинг
Вестминистр университети очилапти. Ўшанда у ўқиши,
сиз дарс беришингиз мумкин.

– Кўрамиз-да, – деди хоним. – Эртага аэропортга ку-
затгани чиқамиз. Майлими?

– Майли, майли, албатта, – деди Нурбек.

ЭЛЛИК ОЛТИНЧИ БОБ

Орадан яна икки йил ўтди.

Хоним диссертация ҳимоя қилиб, “Халқаро ҳуқуқ
доктори” унвонини олди. Бир неча мамлакатларда ил-
мий анжуманларда иштирок этди. Американинг Огайо
университетида бўлган конференцияда қатнашиб қай-
таётганида Нью-Йоркка кирди. “Далерни кўриб ўти-
шим керак” деди ўзига ўзи. У охириги марта бир йил-
ча олдин қўнғироқ қилганди. Ҳамон ўша гап, ўша
умид-орзулар. “Яқин орада ишларим юришиб кетади.
Лондонга бораман. Учрашамиз” деганди. Хоним узоқда
бўлса ҳам, Далернинг ҳол-аҳволидан бирмунча хабар-
дор эди. Унинг ҳамон ўша италиялик кекса аёл билан
яшаётганини эшитганди. “Тирикчилик учун ҳар қанақа
меҳнатнинг айби йўқ” деб ўйлади хоним ва бир пайт-
лар Далернинг қанақа мавқега, қандай имкониятларга
эга бўлганини эслади. “Ўзим-чи, ўзим... Беҳисоб бисотга
эга бойвучча хоним” эдим. “Ўтники ўтга, сувники сув-
га” деганларидек, ҳаммаси йўқ бўлиб кетди. Хорижга

кетишдан олдин алданганим, мусофирчиликнинг дастлабки пайтларида қилинган беҳисоб харажатлар... Агар омадим келиб, яхши одамлар учрамаганида, мен ҳам фаррошлик қилиб, кун кечиришга мажбур бўлмасмидим? Хайриятки, вақтида маълумот олган, тил ўрганган эканман. Лекин барибир қийин. Атрофингда етти ёт бегона, тили ўзга, дини ўзга одамлар. Ҳарчанд маданиятли, бағри кенг бўлиб кўринишга ҳаракат қилишмасин, гоҳ-гоҳида сездириб қўйишади хушламасликларини. Давраларда “осиёлик”, “қора танли” деган атамаларни эшитганда хонимнинг эти жунжикади. Ўзини ортиқча ҳис этади. “Юртимда юрганимда бунақа бўлмасди” деб ўйлайди. Ўқтин-ўқтин қайтиб кетиш ҳақида хаёл суради. Нурбек келиб кетганидан сўнг шахди бир кучайди. Бироқ Нурбекни унинг ўзи эмас, боласи қизиқтираётганини чуқурроқ ҳис этгани сари кўнглида алланечук бир қизғанишми, рашкми уйғонаётганлиги туфайли шашти яна пасая бошлади. “Унга мен керак эмасман-ку, у боласи ўзига яқинроқ бўлишини истаётир холос... Мен юртга қайтиб, аввалги ҳолатимни тиклай оламанми? На уй-жой, на тузукроқ маблағ бўлса...” Хоним бир пайтлар ҳаддан ортиқ тўқис яшагани учун арзимаган муҳтожликдан ҳам юрак олдириб қўйган, бунинг устига Далернинг ҳозирги аҳволи бот-бот эсига тушиб, юраги орқасига тортиб кетарди. “Эртага тақдиримиз нима бўлади?” деган савол унга ғоят кўрқинчли туюларди. Охири у “шу ерда ишлаб, биров маблағ жамғарсам-у, кейин юртга қайтиб кетсак қийналмасмиз” деган қарорга келди. “Жа-а, бўлмаса, яна бу ёққа қайтармиз алоқаларни узиб кетмасак”.

Ана шу қарор боис хоним пул жамғариш учун ўлиб-тирилиб ишлашга киришди. Коллеждан қўшимча дарс олди. Хусусий тарзда ҳам маърузалар ўқишга киришди. Яхши ҳақ тўланадиган халқаро илмий анжуманларда қатнаша бошлади. Туну кун тиним билмас, баъзида азбаройи толиқиб кетиб, “бундан кўра мен ҳам Далер сингари тинчгина ҳаммолликми, фаррошликми қилганим

яхши эмасмиди” деб қўярди. Қора меҳнатнинг шуниси
яхшики, фақат жисминг чарчайди. Руҳинг тиниқ, тоза
бўлади. Ақлий меҳнат эса ҳам жисмингни, ҳам руҳингни
толиқтиради. Айниқса ўзга тилда, ўзга юртда. Ҳалиям хо-
ним гоҳо туриб-туриб ўзига қойил қолади. “Енгил, тўқис
турмушга ўрганган бир аёл худонинг қудратию мада-
ди билан қаттиқ меҳнат қилишга кўникдим-а” дейди.
Шубҳасиз-ки, жисми ва руҳида худо берган қобилият ва
хайрат бўлмаганида ҳарчанд уринмасин, ҳеч нарса чиқ-
маслиги аниқ эди. У бунга неча бор иқрор бўлган, ишонч
ҳосил этган. Элнурга энага излаган чоғида у ҳамюрт аёл-
лардан бир нечасига дуч келди. Хоним “болам ўзбекча
ва инглиз тилини бирдек яхши билиши лозим” деган
фикр билан шу икки тилни биладиган энага керакли-
ги ҳақида газетага эълон берган эди. Орадан кўп ўтмай,
Сурайё номли ёш бир жувон сим қоқди. “Эълонингизни
ўқидим, ҳар икки тилни мукаммал биламан, агар яхши
ҳақ тўласангиз, энагалик қилишим мумкин” деди. Хоним
уни уйга таклиф этди. Сурайё ўттиз ёш бўсағасидаги бе-
ниҳоя сулув бир жувон экан. “Тошкентда жаҳон тиллари
университетини битказганман. Институтда дарс бер-
дим. Турмушга чиқиб, бир бола кўрдим. Ажралиб кетга-
нимиздан сўнг, боламни онамга ташлаб, тақдир тақозо-
си билан хорижга чиқиб кетдим” деди у. Сурайё очикқи-
на аёл экан. Бошдан ўтказганларини яширмай айтиб
берди. Дастлаб Дубайда бўлибди. Бир аёл “у ерда таржи-
монлик қиласиз” деб олиб борган эди. Кейин билсам, у
фоҳишафуруш экан. Унинг чангалидан қутилгунча не-не
саздоларни бошдан кечирдим. Бахтимга бир ҳиндистон-
лик мусулмон йигит учраб, никоҳига олди. Бу ёққа олиб
келди. Лекин... мендан ташқари ҳам иккита хотини бор
экан. Ўзи дўконда оддий сотувчи. Топгани ҳаммамизга
етмайди, – деди Сурайё уҳ тортиб. – Ажралмоқчи бўлиб
юрибман... Хоним унга ачинди. “Сиз бўлмаса энагалик
қилманг. Биргалашиб, яхшироқ маош тўлайдиган иш ах-
тарайлик” деди. Ўзининг ишхонасига жойламоқчи бўл-

ди. Бироқ Сурайё гарчанд университетнинг инглиз тили бўлимида ўқиган бўлса ҳам, оғзаки сўзлашувдан нарёғига бўшроқ экан. Шунга қарамай, хоним уни кутубхонага китоб ташувчи ходима қилиб ўтказди.

Хоним Раъно опани топгунча, Сурайёга ўхшаган яна бир неча ҳамюрт аёлларга дуч келди. Бариси насиба ахтариб, дарбадар юрганлар. Юрагинг ачийди. Тўғри, бу ерда амал-тақал қилиб, пул топиш мумкин. Лекин бир инсондай яшашнинг иложи йўқ. Чунки бегона юрт нима қилса ҳам бегона-да.

Хоним Огайёдан Нью-Йорккача киракаш енгил машинада келди. Американинг нариги четидан бу бурчагига етиб олгунча роса зерикди ўзиям. “Пулни тежайман, деб ўтирмасдан, самолётда уча қолсам бўларкан” деди афсусланиб.

Нью-Йорк – улкан, сершовқин шаҳар. Турфа хил одам. Ҳар ким ўз ташвиши билан овора. Биров билан бировнинг иши йўқ. Далер шаҳарнинг руслар кўп яшайдиган Брайтон Бич номли мавзесида турар экан. Ўша ерда учрашиб, “Минутка” деган қаҳвахонада суҳбатлашишди.

Далер хоним дараклаб келганидан беҳад қувонди.

– Мен сизни ҳалиям яхши кўраман, – деди у кўзларига қуйилиб келган ёшни яширишга уриниб. – Лекин биламанки, сиз энди мени... Мен билан яшашни истамайсиз. Мен... энди кимман?

– Қўйинг, ўзингизни ерга урманг, – деди хоним. – Охирги марта қўнғироқ қилган пайтингизда руҳингиз баланд эди-ку...

– Ҳалиям баланд! Ҳалиям чекинганим йўқ, – деди Далер ўзини қўлга олишга уриниб. Аммо хоним унинг ранг-рўйи, уст-бошига разм солиб, ичкилик касрини яққол сизди. “Ҳозир ҳам ҳиди келиб турибди. Энди ўнгланиши қийин кечади” деб ўйлади. Шунга қарамай, далда берди.

– Албатта чекинманг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

– Сиз катта олима бўлиб кетибсиз, Мушфиқа! Эшитдим. Балли! Аслиям... палагингиз тоза-да. Қаранг-а! Диссертация ҳам ёқлабсиз... Доктор Мушфиқа хоним! Зўр! Ҳадемай, профессор ҳам бўласиз. Шу ёққа келсангиз-чи? Бу ерда профессорларнинг қадри жуда баланд! А, нима дейсиз?

– Кўрармиз... Насиб этса, – деди хоним. – Бир-икки университетлар таклиф этишган. Лекин... Мен юртга қайтсамми, деган фикрда юрибман.

– Э-э, нима қиласиз у ёқда, Мушфиқaxon? У ёқда... хор бўласиз. Мана, мендай одамнинг қадрига етишмади-ю...

– Ҳарҳолда... буям бир фикр-да. Аҳён-аҳёнда туғилган жойнинг меҳри тортар экан. Ота-она, қариндош-уруғ бўлмаса ҳам, таниш-билиш, дўст-биродарлар қолган. Ўша ернинг ҳавоси, суви, тупроғи...

– Қўйинг, сентиментал гапларни! Дарвоқе, болангиз яхши юрибдими? Катта бўлиб қолгандир? Уни шу ёқларда ўқитинг. Камбриж, Оксфорд!

– Шу йил мактабга боради. Ҳали Оксфорд ва Камбрижларгача... анча вақт ўтиши керак.

– Ўтади, вақт тез ўтади, – деди Далер ўкинч билан беихтиёр оқ оралаган сочларини силар экан. – Менинг маслаҳатим шу – орқага қайтманг. Орқага йўл йўқ!

– Майли, маслаҳатингизни ўйлаб кўраман, – деди хоним. – Энди хайрлашайлик. Мен бугун тунда Лондонга учиб кетаман.

– Ие, меҳмон бўлмайсизми бир-икки кун? – деб сўради Далер.

– Янаги сафар, насиб этса, яна келаман.

– Мен сизни кузатиб қўяман бўлмаса.

– Йўқ. Ҳожати йўқ. Шу ердан аэропортгача бир такси ушлаб берсангиз бас. Билетим бор. Самолёт икки ярим соатдан кейин учади.

– Унақа бўлса, келинг, бир фотиҳа ўқийлик. Илоҳи омин! Худо омадингизни берсин! Оксфорд университете-

тининг профессори даражасига эришинг! Омин, Оллоҳи Акбар!

– Раҳмат...

Такси тайёр экан. Хоним бир соатга қолмай, аэропортга етиб келди. Нью-Йорк – Лондон йўналишида учувчи “Конворд” самолётига чиқиб, тонг сахар Лондонга етиб келди. Йўл бўйи Далер билан бўлган суҳбат ҳақида ўйлади. Унинг “Орқага зинҳор қайтманг, орқага йўл йўқ” деган гапларини такрор-такрор мушоҳада қилди. “Нега энди орқага йўл йўқ бўлар экан? Мен... нима гуноҳ қилибманки... Тўғри, у ёқда бу ердаги сингари тўкис яшай олмасман. Лекин ўз юртингнинг ҳавосидан нафас олиш қанчалик сурурли. Бунини мусофирлик машаққатини чеккан одам билади. Бир кунимизни кўрармиз-да. Мана, озроқ бўлса-да, пул жамғардим. Мундайроқ бир уй олсам Тошкентдан. Ўша ўзим яшаган мавзедан. Ўша хиёбон, кўл, боғ яқинидан. Ўша серсоя йўлкаларда Элнурни етаклаб, сайр этиб юрсам... Нурбек! У ўша ерда. Бирга бўлмаса ҳам, ёнингда эканлигини ҳис этиб турасан. У ўғлидан хабар олиб туради, албатта. Эҳтимол... Майли, у мен ҳақимда мутлақо ўйламаса ҳам, боласини ташлаб қўймайди-ку. Демак, ғойибона бўлса ҳам суянадиган одам бор. Қолаверса... барибир ўз юртинг, ўз Ватанинг... Нурбек халқаро Вестминстер университетини гапирганди. Хоним беш-олти ой бурун суриштириб, Тошкентда чиндан шунақа университет очилганини, дарслар инглиз тилида олиб борилаётганини аниқлади. “Ўша ерга ишга олишармикан? У бўлмаса, бошқаси. Хорижий тиллар университети, юридик институт бор. Эҳтимол, омади чопиб, яна бир нотариал идора очиб олар... Ишқилиб, кўчада қолмас...” Кейинги пайтларда Нурбек неча бор хат ёзган ва неча марта қўнғироқ қилган бўлса, ҳар сафар “нима бўлди, бир қарорга келдингизми” деб сўрар, хоним эса мудом аниқ жавоб беришга иккиланар эди. Хоним аэропортдан уйга жўнаётган экан, “яна хат келгандир” деб ўйлади.

Уйга етиб келгач, ичкари кирмаёқ, почта қутисини очди. Кўнгли сезган экан-да. Каттакон сариқ конверт. DHL – халқаро почтаники. “Нима жўнатган экан?” Уйга киргач, ечинмасданоқ, конвертни очди. Қисқа хат ва халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университетининг “Халқ сўзи” газетасида босилган эълони. Эълон университетнинг хорижий талабалар ўқийдиган бўлимларига профессор-ўқитувчилар танлов асосида қабул қилиниши ҳақида экан. “Ҳужжатларингиздан нусха олиб, жўнатиб юборинг. Танлов ҳайъатига топшириб қўямиз” деб ёзганди Нурбек. “Жўнатсам, жўната қолай”, деб ўйлади хоним. Зора бахтим чопиб, ўтиб кетсам...”

ЭЛЛИК ЕТТИНЧИ БОБ

Баҳор ўтиб, ёз келди. Тошкент кўчалари серсоя, бунинг устига ҳали жазирама забтига олган эмас. Сайр қилиб юрсанг, баҳри-дилинг очилади. Нурбек тушликдан сўнг бироз кўчада айлангач, ишхонага қайтиб, хонасига кираётган чоғи даҳлизда бошлиқнинг котибасига дуч келди.

– Тез бошлиққа киринг, тушликка ҳам чиқмай, сизни кутиб ўтирибди, – деди у.

– Тинчликми?

– Киринг, билмадим, ўзлари айтсалар керак нима гаплигини.

Нурбек бошлиқнинг олдига кираётиб, юраги шувиллади. “Ановилар бирон гап айтишдимикан?” У бир ҳафтача олдин эски таниши – дипломатия университети проректорига кўнғироқ қилиб, “танловга топширилган ҳужжатлар орасида Мушфиқа Нарзуллаеваники ҳам бор, агар имкон туғилса, эътибор қилсангиз” деганди. Проректор “майли-ю, лекин бизда лойиқ бўлса, илтимос ёки эътиборнинг сираям ҳожати йўқ” деган ҳазиломуз гап қилган. Шунда Нурбек “илтимосим малол келди,

шекилли” деб ўйлаганди. “Ўша... бошлиққа бирон нарса дедимикан? Йўғ-е! Унақа одам эмас. Кейин... бу бир нотўғри илтимос эмас-ку...”

Бошлиқ очиқ чехра билан кутиб олди.

– Яна ишингиз ўзгарадиганга ўхшайди, дўстим, – деди у. – Ниятларимиз амалга ошяпти. Жаҳонгашта дипломат бўлиб кетасиз энди.

– Нима иш экан? – қизиқсиниб сўради Нурбек.

– Сизни ташқи ишлар вазирлигидан қидиришяпти. Мана бу рақамга қўнғироқ қилинг, – деди у бир парча қоғоз узатиб.

– Хўп, – деди Нурбек ва қоғозни олиб, рақамга қўз югуртирар экан, “бу кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосарига тегишли рақам-ку” деб ўйлади. Хонасига кириб, телефон рақамини терди.

– Жаноб Холмуҳаммедов, қаёқларда юрибсиз? Боятдан бери қидирамиз.

– Тушликка чиққандим. Тинчликми?

– Тез етиб келинг...

Нурбек катта кўчани кесиб ўтиб, ташқи ишлар вазирлиги биносига қараб юрди. Назоратчи-дарбон огоҳлантириб қўйилган экан, зум ўтмай кадрлар бошқармаси жойлашган қаватга чиқди.

– Сизни вазирликка ишга таклиф этяпмиз, – деди кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари салом-аликдан сўнг. – Ҳозир бошлиқларга олиб кираман.

– Нима ишга? – деб сўради ҳайрон бўлишни ҳам, қувонишни ҳам билмай Нурбек.

– Хотиржам бўлинг. Ўзингизнинг ишингиздан паст иш эмас. Унча юқори ҳам эмас-у, у ёғи ўзингизга боғлиқ...

Ўша куни ва эртасига ўтган суҳбатлар ва расмийликлардан сўнг Нурбек Холмуҳаммедов ташқи ишлар вазирлиги Осиё мамлакатлари билан алоқалар бошқармаси масъул ходими этиб тайинланди. Бошқармада иш авжида экан. Мамлакат раҳбарининг Япония, Жанубий

Корея давлатларига ташрифини тайёрлаш борасида асосий юк шу бошқарма зиммасида эканлиги боис, ходимлар айрим кунлар ярим кечагача қолиб кетишар, Нурбек ҳам шулардан бири эди. Бир неча кундан сўнг у давлат делегацияси таркибида Японияга учиб кетди. Қайтиб келган кун и халқаро почта – ДНЛдан хабарнома олди. Унда “Сизнинг номингизга хат ва бандерол келган. Марҳамат, офисимизга ташриф буюриб, уни қабул қилиб олинг” дейилганди. “Мушфиқадан” деб ўйлади Нурбек. Тушлик чоғи бориб, жўнатмани олди. Хат ва китоб экан. Аввал китобни кўздан кечирди. Китоб инглиз тилида. Муқовасига “Мушфиқа Нарзи. Марказий Осиё мамлакатлари ҳуқуқшунослиги тарихидан” деб ёзилган. Варақлади. Кириш қисмида китоб муаллифнинг докторлик диссертацияси монографияси асосида тайёрлангани айтилган. Хатни очди. Қисқагина. “Азиз Нурбек ака! Кун и кеча босмадан чиққан китобимнинг биринчи нусхасини сизга юбормоқдаман. Ўқиб, фикрингизни айтарсиз. Дарвоқе, дипломатия университетидан хат олдим. Унда “Келаверинг, сизни ишга олишга ваъда берамиз” дейишибди. Сал ноаниқроқ жавоб эмасми? Эҳтимол, борганда аниқ бўлар. 22 июнь кунига билет олдик. Бу кун эсингизда турар деб ўйлайман. Имкони бўлса... Кутишга чиқинг. Бўлмаса, шарт эмас. Дарвоқе, ишхонангизга қўнғироқ қилсам, янги манзилингизни айтишди. Вазирликка ишга ўтди, дейишди. Қанақа иш? Ўзингизга маъқулми? Майли, кўришганда гаплашармиз. Гар ишингиз тиғиз бўлса, ташвиш тортиб, чиқиб юрманг. Биз “Интерконтинентал” меҳмонхонасига бориб жойлашамиз...”

“Йигирма иккинчига ҳали ўн кун бор. Албатта чиқиб кутиб олишим керак... Шошма... унга қўнғироқ қилсам-чи?..”

Нурбек на аввалги ишида, на ҳозиргисида ишлаб, хонимга бирон марта ҳам қўнғироқ қилмаган, буни “хиз-

мат юзасидан мақсадга мувофиқ эмас” деб ҳисобларди. Шу топда “Хўш, бунинг нима айби бор?” деб ўйлади. “Хоним... Ботировдан ажралиб кетган, эркин аёл бўлса... Хориж фуқароси эмас. Бирон бир жинойий ишга алоқадор деб, гумон қилиниб, қидирилаётгани йўқ-ку... Майли, шундай бўлса ҳам... ортиқча ҳатти-ҳаракатнинг ҳожати йўқ. Йигирма иккинчи деб ёзибди-ку. Ўша куни кутгани чиқсам бўлди-да...”

Ўз эҳтиёткорлиги ўзига кулгили ва бир қадар аянчли кўринди. “Нега бунчалик кўрқоқ бўлиб қолдим? Давлат хизмати туфайлими, дипломатик иш одамни шунақа қилиб қўядими? Ол-а, ҳали дипломат бўлиб, қаерга бординг? Шунчаки... Руҳиятингдаги мутелик, кўрқув мудом теваарак-атрофга аланглаб, шивирлаб гаплашиб яшашга мажбур этади... Пуштикамарингдан бўлган фарзандингни ўз номингга ёзиш учун ҳам андиша, истиҳола қиласан. Йўқ, андиша эмас, аксинча, ўз кўрқоқлигингни “андиша, истиҳола” деган тушунчалар билан ниқоблашга уринасан...”

Ўзини босишга, вазмин, мулоҳазали бўлишга уринди. “Йўқ. Бу кўрқоқлик эмас. Шунчаки... одам риоя этиши зарур бўлган ахлоқий қоидалар бор. “Эркин бўлишим керак, эркин фикрлаб, эркин сўзлашим керак” деган баҳона билан ана шу қоидаларни назар-писанд этмаслик мумкин эмас...” Шу топда бир пайтлар ўқиган китоби эсига тушди. Китоб “Одамлар нима деркин?” деб аталарди. Дастлаб Нурбекка бу савол ортиқчадек туюлган. Чунки ёш бўлган. Лондонда бўлган суҳбат чоғида хоним ҳам шунақа деди: “Одамлар нима деркин?”

Нурбек юрагидаги истиҳола ҳам кўп жиҳатдан ана шу савол билан боғлиқ эканлигини аста-секин чуқуროқ тушуниб борар эди. Хоним “Обрўйингизга путур етмасмикан?” деб сўраганида Нурбек буни истехзо деб тушунганди. Энди ўйлаб қараса, хоним жиддий, самимий айтган. Обрў ҳақида ҳам... қайғурмасанг бўлмайди. Обрў учун... баъзан катта қурбонлар беришга тўғри

келади. Ахир чуқурроқ таҳлил қилиб кўрилса... аслида одам мавқе учун, молу давлат, бойлик учун эмас, обрў учун яшайди. Обрўга эришиш учун эса мавқедан, молу давлатдан фойдаланмоқчи бўлади. Шулар ёрдамида бир қадар обрў ҳам орттириши мумкин. Бироқ мавқега, молу давлатга асосланган обрў уларнинг ўзи каби омонат. Асл обрўга одамнинг ақл-фаросати, феъл-атвори, хулқи ва билими орқали эришилади. Бундай обрўни ҳеч ким тортиб ололмайди...”

Нурбек кечкурун ишдан қайтгач, хотинига бу хабарни айтиш керакми, йўқми деб анча ўйлаб ўтирди. “Яхшиси ўша кун айтилган” деган қарорга келди. Ҳозир айтса, хархаша қилиши аниқ. “Умуман айтмаслик керакмикан? Унақада орқаваротдан эшитиб қолса, ишончсизлик, шубҳа-гумон кучаяди. Яна ўртага совуқчилик тушади. Жанжал чиқиши ҳам мумкин...” Нурбек ярим тунгача ухлолмади. Ўғлини, қизларини, Мушфиқани, хотинини ўйлаб ётди. “Худо ўғил бергани яхши бўлди. Лекин... Ҳаётида пайдо бўлган бу муаммо гоҳ қувонтирар, гоҳ аламлантирар, гоҳ ўз ҳолатидан кулгиси келар ва гоҳ аччиқланарди. Дафъатан у “Э, бор-э деб, хонимга уйланиб олсаммикан?” деб ўйлади. Ҳа-да, муллани чақириб, никоҳ ўқитса бўлди-да. Хотинига айтади: “Чидасанг шу, чидамасанг... ўзинг биласан...” Чидамай қаёққа борарди... Кейин бу журъатли ўйдан ўзи ҳайрон бўлди. “Қизиқ, хонимдан энди бутунлай... кўнгил узаман деб аҳд этган эдим-ку. Ёки Элнур сабаб бўлиб, хонимга нисбатан ҳам қанақадир... меҳр туғиляптими? Ўзи... хув ўшанда мен унинг тўшагида беҳосдан пайдо бўлмаганман-ку. Қалбимда унга нисбатан қандайдир туйғу бўлган. Меҳрми, севгимми? Ҳар ҳолда у фақат ҳирс ғалаёни эмасди. Севганман. Шунчаки мен “бир юракда ҳеч қачон икки муҳаббат бўлмайди” деган китобий гапга ишониб, бу туйғуни тан олмай юрганман, холос. Ё нотўғримикан? Ё... мен бу гапларни азбаройи ўғил кўришга интиқ бўл-

ганим ва энди нима қилиб бўлса ҳам ўғлимни бағримга олиш учун ўйлаб топаётirmanми?

Нурбек эртасига ҳам, индинига ҳам бу ҳақда ўйлади. Кўп ўйлади. Йигирма биринчи июнь куни кечкурун ишдан келибоқ, хотинига:

– Элнур билан Мушфиқахоним эртага учиб келишаётир, – деди. – Бирга чиқиб кутиб оламиз.

Хотини унга бақрайиб, тикилиб тургач:

– Во-ой, мен нима деб чиқаман, – деди.

– Шундай қилсак, маъқул бўлади.

– Ўзингиз чиқаверинг... Менга ноқулай.

– Менинг ҳам бир ўзимга ноқулай бўлади-ку.

– Сиз мени жа-а ёш болага ўхшатиб, лақиллатасиз-а? Шунча пайт ноқулай бўлмаган-ку?..

– Қанча пайт?

– Шунча-а пайт...

– Қўйсангиз-чи... Чиқмайман десангиз, мен ҳам чиқмайман.

– Сиз чиқинг... болангиз келаётган бўлса...

Ўша тун хотини Нурбек билан яна аразлашди. “Нима қилай ахир, боламдан воз кечолмайман-ку” деган гапига хотини қалтисроқ гап айтди. “Ҳали болангиз экани аниқми, йўқми, бу ҳақда қўлингизда ҳужжат йўқ-ку...” Нурбек бу гапдан аччиқланишни ҳам, кулишни ҳам билмай ўйланиб ётди. “Қар ҳолда, мана келаётган экан, дўхтирга анализ топшириб, текшириб, аниқ қилиб олиш керак” деди хотини. “Мен анализга эмас, одамнинг виждонан айтган гапига ишонаман”. “Соддасиз-да”. “Содда эмасман, шунчаки менда қалб бор”. “Ундан чиқди, менда қалб йўқ экан-да” йиғламсираб аразлади хотини. “Мен унақа демоқчи эмасдим, узр”. Хотини барибир тескари ўгирилиб ётди. Эрталаб туриб, гапирмай ишга кетди. “Қани кўрамиз, қанча аразлаб юрар экан, – деди ғаш келиб Нурбек. – Шошмай турсин. Шу қилганига...”

ЭЛИК САККИЗИНЧИ БОБ

“Лондон – Тошкент” самолёти белгиланган вақтда кўнди. Йўловчилар божхона назоратидан ўтиб, юкларини олиб бўлгунларича Нурбек кутиш залида айланиб юрди. Мана, ичкаридан тизилиб чиқаётган кишилар орасида боласини етаклаган хоним кўринди. Нурбек уларнинг истиқболига қараб юрди. Элнур уни узоқдан кўриб, “дада” деб қичқирди. Нурбек борасолиб, уни кўтариб, бағрига босди. Бўш кўли билан хонимнинг елкасидан қучоқлаб, юзидан ўпди. Хоним Нурбекдаги бу қадар катта журъатни кўриб, нимадир юз берганини англади. Такси ушлаб, меҳмонхонага йўл олишди. Йўл-йўлакай Нурбек тез-тез ортига ўгирилиб, дам Элнурга, дам хонимга гапирар, овозидан ҳаяжонланаётгани сезиларди.

– Уч-тўрт кун меҳмонхонада яшаб турсаларингиз, кейин бир ижара топамиз, – деди у хонимга қараб.

– Дугонамга қўнғироқ қилгандим. Ҳойнаҳой, у топиб ҳам қўйгандир, – деди хоним.

– Қайси дугонангиз? Мен уни биламанми?

– Биласиз “Чархфалак”нинг бекаси.

– Ҳа-а, у яхши аёл...

– Ўша илгари яшаган мавземизда ижарага бериладиган уйлар бор экан. “Маъқул тушса, кейинроқ сотиб оларсиз” деганди. Ишнинг ҳал бўлишига қараймиз-да.

– Ишни ўйламанг, иш ҳал бўлади, – деди Нурбек.

– Тошкент ўзгариб кетибди, – деди хоним. – Кенгайиб, иморатлари баландлашиб кетгандай. Чиройли бўлибди.

– Ҳавоси ҳам яхши. Элнурга маъқул тушса керак.

– Мен у ёқда кўп касал бўлдим, – деди Элнур катталарга хос жиддийлик билан.

– Энди касал бўлмайсан, болам, бу ер иссиқ, – деди хоним. Кейин Нурбекка ўгирилиб, изоҳ берди. – Лондоннинг нам ҳавосига сираям кўника олмади. Нуқул томоғи оғригани оғриган.

– Энди оғримайди, – деди Нурбек. Бирон хил спорт турига қатнаштириб, чиниқтириш керак.

– Насиб этса...

Меҳмонхонага етиб келишиб, юкларни хонага олиб чиқиб, жойлашишгач, Нурбек “бир пиёла чой ичайлик” деди.

– Албатта ичамиз, “Чархфалак” да, – деди хоним. – Дугонам дастурхон тузаб, кутиб ўтирган бўлиши керак.

– Шунақами? У ҳолда мен... ортиқчалик қилмайманми? – деб сўради Нурбек.

– Йўқ, ортиқчалик қилмайсиз...

“Чархфалак” даги зиёфат қуюқ бўлди. Суҳбат алламаҳалгача чўзилди. Тамаддихона соҳиббаси хонимнинг илтимосини бажо келтириб, “Чархфалак” нинг шундоққина рўпарасидаги беш қаватли ғиштин иморатдан уч хонали квартира топиб қўйибди. Эгаси хорижда экан.

– Хоҳласангиз, шу бугуноқ, бўлмаса эртага кўчиб кира-сиз, – деди у калитни узатиб.

– Яхшиси эртага, кундуз куни бемалолроқ кирамиз, – деди хоним...

Элнур эснаб, мудрай бошлагач, кетиш тараддудига тушишди. Нурбек Элнурни кўтариб олди. Такси тўхтатди. Миниб, меҳмонхонага келишди. Хонага кўтарилишди.

– Энди мен борай, – деди Нурбек Элнурни ичкарига олиб кириб ётқизгач...

– Майли, яхши боринг, – деди хоним.

– Ё... қолайми? – деб сўради Нурбек тўсатдан. Бу боя “Чархфалак” да ичилган озгина шароб таъсирими ёки... бир ҳафтадан бери ўйлаб юрган ўйларининг натижасими, ҳар қалай дадиллик билан шундай деди. Хоним кулимсираб, бош чайқади.

– Тинчликми? Бунчалик журъат, қатъият...

– Ўйлаб кўрсам, – деди Нурбек юрагидаги дардларини тўкиб солиш учун пайт етганини англаб, – сизсиз яшай олмас эканман. Сизни севишимга... қаттиқ севишимга амин бўлдим...

У шундай деб, ўрнидан шахд билан турди-ю, қарши-сида ўтирган хонимнинг ёнига бориб, гилам устига тиз

чўкди. Тиз чўкиш баробарида хонимнинг тиззаларини кучоқлади. Ҳаяжонланиб, пойма-пой гапира бошлади.

– Мушфиқа... Азизим... Сиз бебаҳо аёл экансиз. Сиз... Мен билан атиги бир кун никоҳда бўлиб, атиги бир марта бирга бўлиб, мана шундай ўғил туғиб бердингиз. Бир оғиз гапимни ерда қолдирмай... шоҳона шароитли турмушни ташлаб, юртга қайтиб келдингиз... Сиз... Сиз илоҳий аёл экансиз. Агар рози бўлсангиз... яна никоҳ ўқитсак. Эндигиси ҳақиқий никоҳ бўлса. Ҳеч кимдан яширмай, яширинмай, бирга яшасак. Боламизни бирга тарбия қилсак...

Сирасини айтганда хоним Нурбек томонидан мана шундай “дадил қадам” қўйилишига руҳан тайёр эди. Зеро, боя аэропортда кутиб олиш чоғидаги ҳаракатданок буни сезганди. Шу боис ажабланмади, ҳаяжонланмади. Босиқлик билан:

– Оилангиз, ишингиз нима бўлади, — деди.

– Оилам кўникади. Ҳозир икки хотинли эркак бир мен эмасман-ку. Кўникмаса, ажраламан. Сиз билан ЗАГСдан ўтаман. Хуллас, энди сиздан ажралмайман. Сиз билан бирга бўлишни истайман. Ишни ўйлаб ҳам ўтирмайман. Бир иш бўлса топилар.

Хоним ўрнидан турди. Нурбекни ҳам қўлидан ушлаб, турғизди. Кўзларига қаради.

– Шу гапингиз чинми?

– Чин! Қасам ичайми? – деди Нурбек ҳовлиқиб.

– Қасам ичиш шарт эмас. Фақат бир нарсани айтинг. Менга бўлган муносабатингиз бунчалик кескин ўзгариши... Элнур билан боғлиқ эмасми? Ростини айтинг.

– Майли, ростини айтаман, — деди Нурбек хонимнинг кўзларига тикилиб. – Элнур албатта сабаб бўлди. Лекин биласизми, қанақа қилиб. Бир ўхшатиш эсимга келди ҳозир. Мен уран қазувчи кончилар ишини кузатганман. Қудратли уран моддасини юзага чиқариш учун ер қаърига мураккаб таркибда ишқор моддаси юборилади. Элнурга бўлган оталик меҳрим ҳам юрагим қаъридаги сизга бўлган муҳаббатнинг отилиб чиқишига ёрдам берди...

– Чиройли ўхшатиш қилдингиз, – деди кулимсираб хоним. – Ишқилиб, муҳаббатингиз ҳам уран сингари портлаб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юбормасин-да.

Нурбек бир неча кундан бери ўйлаб, “агар хонимга севгимни изҳор этсам, қандай қабул қилади, ишонарми-кан ишқилиб” деган иштибоҳ оғушида қийналиб келаётганди. Шубҳасизки, дастлаб у “ниҳоят тушунибсиз, ниҳоят севгимнинг жавобини олдим” дея ўзини бағримга отса керак” деб ўйлади. Лекин у бугунги Мушфиқахоним бундан беш-олти йил олдинги хоним эмаслигини билар, бунга Лондонга бориб, уйда меҳмон бўлган чоғидаёқ ишонч ҳосил этган эди. Шу боис дастлабки фикридан қайтди. “Йўқ, ўша заҳоти ўзини бағримга отмаслиги аниқ, бироқ... ҳар ҳолда кўзларида ғолибона бир севинч пайдо бўлса керак” деб ўйлаган ва бунга ишонган эди. Ҳозир, шу топда эса хонимнинг кулимсираб турган сокин кўзларига қараб, юраги шувиллаб кетди.

– Ишонасизми шунга, – деб сўради шошилиб.

– Нимага?

– Севгимнинг самимийлигига...

– Ишонаман.

– Йўқса, нега “қолинг” демаяпсиз?

Хоним бу саволга дарҳол жавоб бермади. Ўйланди.

– Шошилмайлик. Яхшилаб ўйлаб кўринг.

– Мушфиқахон! Азизим, мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Шунча ўйлаганим етар. Мен Элнурнинг бағримда бўлишини, сиздан яна фарзанд кўришни истайман. Бу гапларни ичкилик ёки ҳаяжон таъсирида шошқалоқлик билан айтаётганим йўқ. Ишонинг...

Нурбек шу сўзларни айтиб, хонимнинг белидан кучоқлаб, ўзига тортмоқчи, бу билан ораликдаги ҳаяжонли, пойма-пой суҳбатга нуқта қўйиб, узоқ кутилган висол онларини бошлаб юбормоқчи бўлди. Кўнглида “хоним ҳам шуни кутаётган бўлса керак” деб ўйлади. Бироқ хоним чаққонлик билан чап берди. Нурбекнинг қўлини

оҳиста нари суриб, елкасидан босиб, ором курсига ўтқазди. Ўзи ҳам қаршидаги стулга ўтирди. Сўнгра:

– Ишонаман, – деди. У шу топда “Нурбекнинг “журъати” чиндан ҳам ичкилик таъсири туфайли” деб ўйлади ва кейин қўшиб қўйди.

– Сизга доим ишонганман. Ҳозир эса уйга бориб, дам олинг. Бу ҳақда бир-икки кун кейин, бафуржа гаплашайлик.

– Нега? – деди Нурбек ўжарлик билан. – Нега бугун эмас.

– Мен ҳам яна бир ўйлаб кўрай.

– Шунча вақтдан бери наҳотки ўйлаб кўрмагансиз?

– Ўйлаганман. Ҳамиша, ҳар кун ўйлаганман. Лекин энди ҳаммасини бошқатдан мулоҳаза қилиб кўришим керак. Нурбекжон, азизим, илтимос, мени шоширманг, майлими?

– Майли, – деди Нурбек бўшашиб. – Майли, ўйланг. Лекин мен мусофирчиликда юрган чоғларингизда бу ҳақда атрофлича ўйлаб, аниқ бир қарорга келгансиз, деб ўйлагандим. Гапимни ерда қолдирмай, юртга қайтганингиз ҳам шунинг натижаси бўлса керак, дейман...

Нурбек шу сўзларни айтиб, ўрнидан туриб, эшикка йўналди. Хоним унга эргашар экан:

– Хафа бўлдингизми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Нурбек. – Хафа бўлдим. Шаштимни қайтардингиз...

– Илоҳим ҳеч қачон шаштингиз қайтмасин, – деди хоним. – шаштингизни қайтарганим йўқ. Шошилмайлик дедим холос. Қолаверса, ўзингиз яна никоҳ, ЗАГС ҳақида гапирдингиз-ку...

– Э-э, ҳали шунга ноз қилдингизми? – деди Нурбек салгина зарда оҳангида. – Барибир ҳуқуқшунослигингизга бораркансиз-да, а? “Аввал никоҳлаб, қонуний қилиб олинг, кейин гаплашамиз” демоқчи экансиз-да?

Бу зардадан хоним ранжимади. Аксинча, кулиб юборди. Зеро, Нурбекнинг зардали чехраси шу топда унга худди Элнурнинг аразлашини эслатди.

– Топдим, топдим, – деди у кулиб. – Элнурнинг нимаси сизга ўхшабини энди топдим. Аразлаганида қовоғини уйиб туриши худди қуйиб қўйгандек ўхшаркан.

– Шунақами, – деди беихтиёр Нурбек ортига ўгирилиб. – Мен аразлаганим йўқ-ку.

– Аразлаб кетяпсиз-ку, – деди хоним жилмайланича. – Мени “ноз қилдинг, ҳуқуқшунослигингга бординг” деб ҳақорат ҳам қилдингиз...

– Шу ҳақоратми?

– Ҳақорат эмасми? Албатта ҳақорат. Менинг ноз қилмай, ўзим орқангиздан эргашиб, музтар бўлиб юришимга қўниқиб қолган экансиз-да? Салга аразлаяпсиз.

Энди вазиятни юмшатиш гали ўзига келганини сезган Нурбек гапни ҳазилга айлантирмоқчи бўлди. Аммо ҳазил кинояли чиқди.

– Ҳа-да! Агар гап никоҳда бўлса, биз никоҳни кейин ҳам ўқитишимиз мумкин-ку. Бу борада тажрибамиз бор...

– Талоқ қўйиш борасида ҳам тажрибангиз катта, – деди хоним кинояга киноя билан жавоб бериб.

– Фақат бир нарсадан тажрибам йўқ, – деди Нурбек кўзларини айёрона қисиб

– Нимадан?

– Сизга эр бўлиб, бирга яшашдан.

– Шошманг, ҳали жонингизга ҳам тегади. Мен эркак халқини биламан. “Ўлдим, куйдим” дейди-ю, бир-икки ой дийдорингга тўйиб олгач, яна асл ҳолига қайтади.

– Мен унақа эмасман, мана кўрасиз.

– Кўрармиз...

– Майли, мен кетдим. Эртагача!

– Яхши боринг.

ЭЛЛИК ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деган гап тўғри. Турмуш фақат азоб-уқубатлардан иборат эмас. Ҳаракат қилган, елиб-югуриб ишлаган одам унинг захру заққуми

билан бирга, албатта ғоят ширин, сурурли онларини ҳам тотади. Одатдагидек, дарсдан чиқиб, уйга келгач, енгил тамадди қилиб, оромкурсига ястанганича ҳордиқ чиқараётган Мушфиқахоним Нарзуллаева ҳозир худди ана шундай туйғулар оғушида эди. Халқаро иқтисодиёт ва дипломатия университетига ишга жойлашди. Ўзига таниш мавзедан уй сотиб олди. Жиҳозлади. Элнурни шаҳарнинг энг баобрў мактабларидан бирига ўқишга берди. Мухтасар айтганда, турмуши изга тушди. Бу турмуш тунув кунги мусофирона турмушдан кескин фарққилар, эрталаб тонгда туриб, боласини мактабга қўйиб, ишга йўл олаётган чоғидан то кечқурун ҳориб-чарчаб қайтгунига қадар вақтнинг қандай ўтганини сезмас, чунки ҳар жойда, ҳар қадамда ўзини ўз жойида, ўзига эга бўлган жойда деб ҳис этар, бу ҳис эса кўнглига хотиржамлик, сокинлик бағишлар, шу боисдан оқшомлар жисмидаги ҳорғинликда ҳам алланечук ширин ҳаловат бордек туюлар, хуллас, хоним тинч, тўкис ва осуда турмуш нималигини энди англагандек эди. Гоҳ-гоҳида у ҳозирги ҳаётини хорижга кетишдан аввалги ҳолати билан қиёслар, “ўшанда бисотим, молу мулким бундан ўн ҳисса зиёда бўлган-у, бироқ турмушимда ҳузур-ҳаловат йўқ эди” деган хулосага келарди. Бугун ҳам у тўкис яшаяпти. Яъни топгани ўзи билан боласига ҳар ҳолда етади. Жа-а, ошиб-тошиб кетган жойи йўқ. Аммо ҳаётида маъно бор. Энди у нима учун яшаётганини, ҳаётдаги мақсадини аниқ билади. Гап фақат фарзанд кўриб, она бўлганида эмас. Гарчанд, шунинг ўзи ҳам аёл киши учун умр мазмуни бўла олади. Фақат боланг учун, унинг иқболи учун яшаш ҳам мумкин. Бироқ, ҳамма гап шундаки, хонимнинг бугунги ҳаётида оналик бахти, фарзандига чексиз меҳр-муҳаббат билан бирга, ўз ишига муҳаббат, теварак-атрофдагиларга, ҳамкасблари, шогирд-талабаларига нисбатан ҳам ҳурмат ва меҳр борки, булар ҳаммаси қўшилишиб, унинг кундалик турмушини тигиз, беҳаловат, айни пайтда бениҳоя завқли машғулотга айлантириб қўйган. Хоним бу завқли машғулот билан

кечаю кундуз шуғулланса ҳам зерикмайди. Чарчаб, ҳориб, кечкурунлар баъзан овқат ейишга ҳоли келмай қолганда ҳам ўкинмайди. Чунки унинг руҳи бутун, жисми ҳам ғайрат-шижоатга тўлиқ бўлгани учун ҳориш-чарчасни тан олишни истамайди. Дам олиш кунлари худди ўша хорижда юрган пайтларда интиқиб орзу қилгани сингари ўзига таниш бўлган истироҳат боғида ўғли билан сайр этади. Ҳордиғини ёзиб, сўлим дарахтзор пойидаги йўл-каларда юриб, ўй суради. Эндиги хаёллари ҳам бошқача: маҳзун ва тушкун эмас. Илмий ишини давом эттириш, янги китоб ёзиш, айна пайтда Элнурни яхши ўқитиб, чиниқтириб улғайтириш ҳақида ўйлайди. Муҳими, кўнглида олдига қўйган мақсадларига эриша олажасига ишончи бор. Ана шу ишонч мўъжаз бир чироқ сингари юрагини ёритиб туради. Фақат кўнглида бир кемтик бор, холос. Бу кемтик – Нурбек билан қовуша олмаётгани. Ёнгинасида, қўлузатса етгудек жойда турган азиз кишиси билан бирга бўлишга ўзида журъат, жасорат топа олмаётгани. Бунинг учун гўё ҳамма нарса бордек. Ҳеч ким тўсиқ бўла олмайдигандек. Аммо...

Нурбекнинг ўша, узоқ жудолик сўнгидаги ҳаяжонли учрашув чоғида билдирган иқрори, бирга бўлишга астойдил иштиёқи хонимга ғалати таъсир этди. Бир пайтлар телбаларча севиб, хонумонидан воз кечиб бўлса-да, унинг висолига эришишга интилган аёл... севинолмади. Аксинча, қалбида аллақандай ўкинчми, надоматми ҳис этди холос. Эҳтимол, бунга хорижда юрган кезлари Нурбекнинг васлидан буткул умидини узиб, тақдирга тан бергани, “энди фақат болам учун яшашим керак” деган қарорга келгани сабаб бўлгандир. Наҳотки, узилган умидни улаб, тиклаб бўлмаса? Наҳотки, бағрингга қайтиб келган, энди умрбод айрилмасликка аҳд этиб турган муҳаббатга энди қалбингдан жой тополмайсан? Наҳотки, уни энди аввалгидек севмай қўйган бўлсанг? Ёки севгинг болангга бўлган меҳринг соясида қолиб кетдими? Юрагингдаги қайноқ туйғулар совудими? Ишга, тирикчилик ташвишларига

овуниб, ўралашиб, ўзингни, ўз руҳинг, вужудинг ғамларидан узоқлашдингми? Унутдингми, тунлар ухламай, уни ўйлаганларингни? Ахир унинг учун дунёдаги жамийки нарсалардан воз кечишга тайёр эдинг-ку? Ё... хотини ва қизларининг ташрифи чўчитдими? Йўқ-йўқ! Хоним анча илгарироқ бу ҳақда ўйлаган, бир қарорга келган...

Эҳтимол, Ватанга қайтишга узил-кесил аҳд этишига ҳам шу қарор ёрдам, далда бергандир. Дарвоқе...

Хоним уй сотиб олиб, кўчиб кирган, ҳали тўла жиҳозлаб улгурмаган кунлар эди. Кечқурун ишдан келиб, пастда уларга дуч келди. Нурбекнинг хотинини у атиги бир марта кўрган. Шундай бўлса ҳам, яхши эслаб қолган экан. Дарров таниди. Қизларини эса биринчи кўриши. Улар Элнурга жудаям ўхшаб кетишини сезиб, юраги “жиз” этди. Саломлашиб, уларни уйга таклиф этди. Элнур уйда эди. Эшикни очиб, одоб билан салом берди. “Булар кимлар” дегандек, онасига савол назари билан қаради. Нурбекнинг хотини ҳам Элнур ва ўз қизлари ўртасидаги ўхшашликни сизди. Саломига алик олиб:

– Вой, қанақа одобли бола экан, – деди беихтиёрми ёки атайлабми?

Ичкарига киришгач, хоним Элнурга:

– Ўғлим сизлар опаларинг билан телевизор кўриб ўтиринглар, – дея уларни залга бошлаб кирди. Ўзлари ошхонага ўтишди.

– Менинг кимлигимни ва нимага келганимни билиб турган бўлсангиз керак?

– Ҳа, билиб турибман, – деди хоним.

– Нима дейсиз, нима маслаҳат берасиз? Сиз хорижда бўлибсиз, мусофирликда анча йиллар қийналиб, юртга қайтиб, энди бахтингизни топибсиз. Энди бизлар кетайликми, бошимизни олиб?

– Нега энди? Ким мажбур этяпти?

– Сиз эмасми?

– Синглим, ёшингиз мендан кичикроқлиги кўриниб турибди, шунинг учун айбга буюрманг “синглим” дега-

ним учун, менга бу гапларни айтишингиз бефойда. Гап менда эмас. Мен очигини айтсам, Нурбекка сираям даъвогарлик қилаётганим йўқ. Бу ҳақда ҳатто ўйлаб ҳам кўрган эмасман. Тўғри, бир пайтлар... шундай хато мендан ўтган. Балким шунинг учун ҳам худо жазолаб, хорижларда сарсон қилиб қўйгандир. Бироқ, энди қайтиб келгач, мен илло-билло Нурбекни сиздан тортиб оламан, деган фикрга борганим йўқ.

– Ўзим ҳам шундай дейишингизни билгандим. “Кўлингдан келса, эрингни қайтариб ол” демоқчисиз. Лекин у киши тамоман сизга боғланиб қолган. Менга “Сизлардан ҳам воз кечмайман, лекин энди ўғлим билан бирга бўлишим керак” деяпти.

– Мен у кишига “бирга бўлайлик... ё бирга бўламиз” деган эмасман-ку, ўзича айтгандир.

– Ҳар ҳолда сиз шунча йўлдан бекорга қайтиб келмагандирсиз? У киши билан турмуш қуриш ниятингиз бордир-да?

– Йўқ! Унақа ниятим йўқ! Жон синглим, ўша бундан анча йиллар илгари у кишини ростдан ҳам яхши кўриб қолган пайтларимда ҳам... сиздан ажратиб олиш ниятида бўлмаганман. Сизга... у севиб уйланганини, ҳамиша, ҳар доим яхши кўришини билардим. Бунини ўзи ҳам айтган. Мен эсам... ёлғизликдан қийналиб юрган кезларимда у киши билан тасодифан танишиб, беихтиёр кўнгил қўйдим. Кўнгил қурғур шунақа экан-да, хотини борми-йўқми, суриштириб ўтирмаскан. Шундаям у рўйхушлик бермаган. Мен ўзим... уни қаттиқ яхши кўриб... нима бўлсаям... лоақал бир марта васлига эришсам деган ўжар туйғуга мубтало бўлдим. Қадамини пойладим. Кўнглини олишга уриндим. Шундаям... у узоқ вақт тутқич бермай юрди. Ахийри, эркак эмасми, “кел, бир марта бадбахт беванинг кўнглини хушласам, хушлай қолай” деган шекилли, уйимга атиги бир маротаба келди. Эртасигаёқ бу киши хато эканлигини айтиб, “мендан умидвор бўлиб юрманг” деган. Бу ҳақда сизга ҳам айтган, шекилли... Мен

ҳеч нарса демадим. Ўзимга куйиндим. Йиғлаб-сиқтадим. Бироқ... мажбурлаб яхши кўрдиrolмайман-ку. Тақдирга тан бериб, бошқа кишига турмушга чиқаdиган бўлдим. Шу орада... бўйимда бўлиб қолганини сездим. “Бола ҳароми бўлиб туғилмасин” дея Нурбекдан “лоақал бир кунга бўлсаям никоҳингизга олиб, кейин талоқ қилинг” дея илтижо этдим. Қаранг, ўшандаям “сиздан ҳомиладорман” деган гапни айтганим йўқ. У ҳам сезмаган. Акс ҳолда... “бу муваққат никоҳ сизга нега керак” деб сўрамаган бўларди. Хуллас, илтимосимни бажариб, никоҳ ўқитди-ю, ўша кунидеъ “талоқ” деб кетди. Орамизда бўлган “қисқа муҳаббат”нинг қисқа тафсилоти шу...

– Ўғиллик бўлганингизни, бола ундан эканини кейин билдими?

– Ҳа, анча кейин... Мен хорижда юрган пайтимда. Кейин кўнгли сезганми, ё тахмин-таваккал қилибми, “бола меники эмасми” деб сўраб хат ёзди. Мен унга ёлғон гапиришим мумкин эди. Шу билан қайтиб ҳеч қачон кўришмаслигимиз ҳам мумкин эди. Лекин... нима қилай, ёлғон гапиrolмадим. Бир умр виждоним қийналиб юрмасин, дедим. “Бола сизники” деганимда ҳам хаёлимда у билан қовушиш фикри йўқ эди. Чунки... вақт ҳамма нарсани ўзгартирар, ҳар қандай кўнгил дардини даволар экан. Мен ўша Далер Ботировдан ажралганимдан сўнг “Энди турмушга чиқмайман” деб қатъий қарор қилганман. Чунки... ҳар нарсанинг чегараси, меъёри бўлиши керак. Ботиров бешинчи эрим эди. Уят ҳам бўлиб кетди. Эшитган одам мени “росаям эрсираган аёл экан” дейиши мумкин. Аслида нима қилай, тақдир, пешона экан...

Хоним ногаҳон “Нурбек билан ораларида бўлган воқеаларни, умуман ҳаёти, қисмати ҳақидаги гапларни бу аёлга муфассал айтиб, тўғри қиялпманми” деган фикрга борди. “Майли, – деди кейин, – эшитсин, ишонса ишонар, ишонмаса ўзи билади. Мен ҳам дардимни кимгадир дастурхон қилишим, юрагимни қачондир бўшатишим керак-ку”.

Хонимнинг гаплари тўғрилиги, самимийлиги сезилиб турар, уларга қарши бирон эътироз билдириш, дакки беришнинг иложи йўқ эди.

– Шу гапларга ишондим. Агар чиндан ҳам қарорингизда қатъий турсангиз... оиламиз бузилмаслигига ёрдам берган бўлар эдингиз...

– Оилангиз бузилмайди. Хотиржам бўлинг.

Шундай деди-ю, уларни кузатиб қайтиб киргач, бир сониялик иштибоҳга тутилди: “Нега бунчалик ишонч билан гапирдим. Нурбек қовушишга астойдил ҳаракат қилаверса... унга йўқ дейишга иродам етармикан?”

Нурбек билан кейинги учрашувлар чоғида ҳам бу иштибоҳ уни гоҳ-гоҳ безовта қилди. Янги уйга кўчиб киргани муносабати билан қилинган мўъжазгина “ҳовли тўйи” ниҳоясида Нурбек яна ўша биринчи кундаги ҳаракатини такрорлаган чоғда... “таслим бўлиши”га бир баҳя қолди. Сабаби – янги ишхонасидаги ҳамкасб дугоналари қистови билан озгина шароб ичишга мажбур бўлган, шу боис қони қизиб, вужуди сал лоҳасланганди. Хайриятки, худо куч-ирода берди. Олдинига заифроқ қаршилиқ кўрсатган бўлса керак, Нурбек бундан шиддатланиб, уни куч билан ётоқхонага судраб кирди. Ёноқларидан, бўйинларидан ўпиб, каравот устига босиб, кийимларини ечишга киришди. Меҳмонлар кетганига анча бўлган, Элнур ўз хонасида аллақачон уйқуни уриб ётар, бинобарин, “висол суҳбати”нинг айни палласи эди. Хона ним қоронғу. Мўъжаз тунчироқнинг “кўзи” ҳам шифтга қаратиб қўйилган. Гўёки, кийим илгич тепасида тиржайиб ўтириб олган шайтон хонимга қараб, “мана, ниятингга етдинг, энди йигитни қўлдан чиқармай, айш-ишратингни сур” деётгандек туюлди. Бироқ шу топда хонимнинг ичида ўжар бир куч пайдо бўлган, у вужудининг у ер-бу ерида беихтиёр уйғонаётган ёқимли майлни, шавқли истакни қайтариб ташлади. Хонимни ўзига бўйсундирди ва хоним унинг таъсирида Нурбекнинг кўкрагидан куч билан итариб юборди ва:

– Ўзингизни қўлга олинг! – деди.

Бунақа астойдил қаршилиқни кутмаган Нурбек жаҳл отига минди. Бундай ҳолат аксарият эркакларга хос. Мурудини ҳосил қилишга астойдил ишониб, ҳаракат бошлагач, ногаҳон қаттиқ қаршилиққа дуч келса, ғазаби жўш уради. Қўпол, тарбия кўрмаган ёввойи табиатлироқ эркаклар бундай ҳолатларда ўзини тўхтатолмаслиги, зўравонлиқ қилиб, истагини қондириши ҳам мумкин. Бунинг оқибати эса турлича бўлади...

Нурбек зиёли бўлгани жонибидин, кўнгли нозик одам эмасми, ҳарқалай ўзини тия олди. Гарчанд ҳаёлидан “айрим аёллар бундай пайтда зўравонлиқни, куч билан эгаллашни хоҳлайдилар ва ана шундан лаззатланадилар, хоним ҳам шунақа руҳий дардга мубтало эмасмикан” деган ғайир, ёввойи фикр ўтган бўлса-да, ўзини қўлга олди.

– Хоҳламайсизми? – деб сўради томдан тараша тушгандек.

– Йўқ! – деди хоним қатъий.

– Нега?

– Билмадим. Ўзим ҳам ҳайронман. Фақат хафа бўлманг, илтимос.

– Агар “уйланмайди, ваъда бериб, алдаб юрибди” деб ўйлаётган бўлсангиз, гапим битта! Ё... хотиним келиб кетганига чўчиб қолдингизми? Мен унга тушунтирдим. Тушунди. Ҳеч қанақа жанжал-тўполон бўлмайди. Ташвишланманг.

– Йўқ, ташвишланаётганим йўқ. Нурбекжон... очиғини айтсам, мен чуқур ўйлаб кўрдим. Сиз билан энди бирга бўлолмас эканмиз.

– Ие, нега энди? Ё... яна бошқа бойроғини топиб олдингизми?

– Кесатманг. Ҳеч кимни топганим йўқ. Ҳеч кимнинг кераги ҳам йўқ.

– Менинг ҳам... керагим йўқми?

– Сизнинг керагингиз бор. Сизни ҳалиям жуда яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Боламнинг отасисиз ахир... Лекин энди бирга бўлолмайман.

– Нега, нега ахир? Тушунтиринг! Бир-биримизни яхши кўрсак, ўртада бола бўлса... нима халақит беради?

– Оилангиз. Ишингиз. Элу халқ ўртасидаги обрўйингиз...

– Э-э, ўйламанг, ҳеч қайсисини! Неча марта айтдим, тушунтирдим-ку.

– Ҳаммасидан воз кечасизми?

– Воз кечаман.

– Бугун аччиқ устида шунақа дейсиз, кейин афсусланасиз.

– Афсусланмайман.

– Сиз афсусланмасангиз, мен афсусланаман.

– Сиз нима учун афсусланасиз?

– Оилангизни бузганим, ишда униб-ўсишингизга тўсқинлик қилганим учун.

– Оилам ҳақида ўша пайтда мени бошимни айлантирган пайтда ўйлаш керак эди...

Бу гапни эшитиб, хонимнинг кўзларидан ёш сизиб чиқди. Нурбек саросималанди. Ноўрин гапириб қўйганини сезиб, лабини тишлади.

– Мана, кўрдингизми, ҳали ҳеч қанча вақт ўтмай, юзимга соляпсиз. Яна афсусланмайман, дейсиз-а?..

– Узр... Сал қизишиб кетдим. Лекин ўзингиз ҳам...

– Майли, ҳижолат бўлманг. Иккимиздан ҳам ўтди. Келинг, энди... хайрлашайлик.

– Ҳайдаяпсизми? Агар... шу бугун кетсам... Кейин ҳеч қачон қайтиб келмаслигим мумкин...

– Қўйинг, унақа деманг. Сиз билан бир кунлик эмасмиз-ку...

– Менга аниғини айтинг. Кетайми? Бутунлай кетайми?

Хоним мунозара янада кескин тус олиши мумкинлигини сезиб, вазиятни юмшатишга уринди. Жилмайиб, ҳазил қилмоқчи бўлди.

– Бутунлай кетиб... Қочиб қаерга бормоқчисиз? Бугун кетинг. Кайфингиз ошган. Уйга бориб дам олинг. Кейинга... Худо пошшо!

Нурбекка ҳазил таъсир қилмади. Бояги ғазаби сўн-

ган, унинг ўрнини ўкинчми, аламми, аразми, қанақадир бошқача туйғу эгаллаганди. Шу боис, синиқ, надоматли овозда:

– Бўпти, хайр бўлмаса, – деди ва кўзларини хонимнинг кўзларидан олиб қочиб, эшикка йўналди. Хоним эшикни очиб, уни ташқарига кузатар экан:

– Яхши боринг. Кўришгунча хайр! – деди...

Шу кетганича Нурбекдан ўн-ўн беш кун дарак бўлмади. Телефон ҳам қилмади. Элнурни мактабига ҳам келиб кўрмаган. У бўлса “дадам қачон келаркинлар, ая” деб сўрашини қўймайди. Хоним “сал шаштидан тушса, кўри-ниб қолар” деб кутар, Элнурга “келиб қоладилар, ишлари кўп-да” деб қўяр, ич-ичидан ўзининг ҳам кўргиси келаётганини ҳис этарди. Охири бўлмади. Ишхонасига кўнғироқ қилди ва Нурбекнинг хизмат сафарига кетганини эшитди. “Бир оғиз кўнғироқ қилиб қўйса бўларди-ку, деб ўкинди. Аразлаган. Хафа қилиб юбордим. Айб ўзимда” деди кейин. Койинди. Шаштини қайтариб, тўғри қилдимми дея иккиланди. Оиласидан ажралмаса ҳам, никоҳ ўқитсак бўлади-ку. Нега кўкрагидан итаряпман? Майли, менинг ҳис-туйғуларим аввалгидек кучли бўлмаса ҳам... У ҳозир қаттиқ ёпишган чоғи ноумид этиб юборишим тўғри бўладими? Бегона эмас-ку... Никоҳида бўлганман? Ўзи айтганидай, ўртамизда бола бор... Нега мен бундай қиляпман? Нега... Нурбек ёнимда бўлмаган пайтда соғинаман, кўргим келади-ю... ёнимда пайти шавқим, майлим сўниб қолади. Бунинг сабабини нималар биландир изоҳламоқчи бўламан. “Оиласи бузилмасин, ишда обрўси тўкилмасин, одамлар орасида гап-сўз бўлмасин” дейман. Қанақадир китобий гаплар. Аслида ҳамма гап ўз руҳиятимда, жисмимда рўй берган ўзгаришлар билан боғлиқ эмасми? Аёллик ҳислатларидан маҳрум бўлиб қолгандайман. Эркак зоти кўзимга... нокерак, ҳожатсиз бўлиб кўри-нади. Нега бундай бўлиб қолдим?

Хоним шу топда анчадан буён кўнглининг тубида тугун бўлиб юрган, юрагига ваҳима солиб келаётган исмсиз дар-

дини юзага чиқариб, бу дарднинг илдизини, келиб чиқиш сабабларини топишга уринди. Хотирасининг қатларини титкилаб, қачон биринчи марта шундай иккиланиш, ижирғаниш ҳис этганини эслашга тиришди. Адашмаса, биринчи марта Султонга “ихтиёрий мажбурий” текканида мана шунақа ҳолатга тушганди. Ўшанда Султондан ҳарчанд ижирғанмасин, ўзини енгиласан, “бахтиёр” ҳис этишга эришолганди. Кейин кўникди. Бефарқлигини сездирмай юрди. Сўнгра генералдан ижирғанди-ю, чолнинг астойдил муҳаббатига жавобан раҳм-шафқат ҳис этдими, ҳар қалай яна кўникди. Бева қолиб, озод бўлгач, вужуди ҳам, руҳи ҳам тозаланиб, беғубор, сокин ҳолатга тушди. Кейин Нурбекни учратди ва сокин вужудида илгари ҳеч қачон учрамаган қудратли бир шавқ тўлқини, ҳиссиёт алангаси пайдо бўлди. Наздида, бу унинг биринчи ва сўнгги муҳаббати эди. Ана шу муҳаббат оловида куйиб, кўзига ҳеч нарса кўринмай, Нурбекнинг васлига етиш иштиёқи билан яшади. У билан ўтказган биргина, атиги биргина тунни хоним умрининг энг олий нуқтаси деб ҳисоблар, мабодо тарозининг икки палласидан бирига ўша тунни, бошқа палласига қолган бутун умрини қўйса, ўша биринчи палла босиб кетажасини иймони комил эди...

Кейин шайтон адаштириб, Далер Ботировнинг таклифига рози бўлди. Ўзини мажбур этди шунга. Нурбекка аччиқ қилибми ёки... нуқул баланд охурлардан озикланган кўтир кўнгли жунбиш этдими, ҳар тугул ўша қадамни қўйди. Ўшанда Далер никоҳ оқшомида қочиб кетмаганида эҳтимол, хоним янглишганини дарҳол тушунар ва бу бемаъни ўйинни тезроқ бас қилган бўлармиди... Бироқ, орадан анча ўтди. Хорижга бориб, Далер билан бирга бўлган дастлабки оқшом чоғидаёқ хонимнинг кўксига ўша... эсидан чиқиб, унутилиб кетган ижирғаниш, жирканиш ҳисси янгидан пайдо бўлди. Бир неча ўн баровар кучли тарзда юз кўрсатди. Хоним ҳарчанд уринмасин, энди бу ҳисни енголмади. Аксинча, бу ижирғаниш тобора кучайиб борди. Аҳвол шу даражага етдики, хоним Далер билан

бир тўшакда ётиш нари турсин, бир уйда яшашга ҳам чидай олмай қолди. Башарасини кўрса, кўнгли айнийдиган, ўқчиб, қайт қиладиган бўлди. Шўрлик Далер бунини “токсикоз”, вақтинчалик ҳолат, ўтиб кетади деб ўйлар, хоним эса ўзидан ўтганини ўзи биларди, холос. Далердан ажралгач, бир қадар енгил тортди. Нурбек билан ўтказган бениҳоя ширин лаҳзаларни эслаб, асл ҳолига қайтишга уринди. Ва бунга эришди ҳам. Бироқ Нурбек билан Лондонда аэропортда учрашган чоғида... Нурбекни кучоқлаб ўпганида ўша ҳолати сезилар-сезилмас яна пайдо бўлаётганини ҳис этиб, кўрқиб кетди. “Бу вақтинчалик, ўтиб кетади” деб ўйлади. Бироқ, не афсуски, ҳали ҳануз ўша ҳолат таъсиридан қутилолмапти. Кўрмаса соғинади. Кўрса... ўзини олиб қочади. Ички бир куч шунга мажбур этади. Ё тавба! Бу қанақа дард? Наҳотки, у эркак зотидан буткул безор бўлган бўлса? Ҳатто севган одамнинг дийдоридан баҳраманд бўлолмаса? Бу қанақа касаллик?..

Шукр, турмуши осуда, тўкис, боласи соғ. Ўзининг ҳам димоғи чоғ. Ишидан кўнгли тўқ. Шу тахлит яшаса, биров турмушига халал бермаса бас. Унга бошқа нарса керак эмас. Лекин... мана шундай тинч, чиройли турмушининг муҳим бир чеккаси кемтик. Ҳали нисбатан ёш жувон учун... бунинг ўрни билинади. Қанийди... Аммо, бу не қабоҳатки, тақдир уни яна эришиб турган бахтидан мосуво қилмоқчи. Хоним ўзига ўзи жаҳд қилди шу топда. “Йўқ. Ҳаммасига қўл силтайман. Майли, мени гап қилишсин. Майли, Нурбекка ҳам маломат тошлари отилсин. Лекин биз бирга бўлишимиз керак. Шунча чеккан азоб-уқубатларим эвазига бир чимдим бахт сўрашга ҳаққим бор-ку ахир. Бас! Тамом! Индин қайтиб келаркан Нурбек. Унга кўнғироқ қилиб чақираман. Кечирим сўрайман. Васлига етиб, қовушаман. Хоҳласа, фақат никоҳ ўқитиб, хотини билан ЗАГСида қолсин. Хоҳласа, хотинидан ажралиб, мен билан қонуний никоҳдан ўтсин...”

Нариги хонада телевизор кўриб ўтирган Элнур эшикдан мўралаб, секин сўради:

- Ая, дадам қачон келадилар?
- Келади ўғлим, эртагами, индинми, албатта келади!..

ОЛТМИШИНЧИ БОБ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йиллик йиғилишида қатнашиш учун Нью-Йорк шаҳрига келган давлат делегацияси таркибида Нурбек Холмуҳаммедов ҳам бор эди. Йиғилиш кунлари “Ассошиэйтед Пресс” ахборот маҳкамасида ўтказилган кичикроқ матбуот анжуманларидан бирида сал ғалатироқ воқеа юз берди. Делегациянинг ушбу матбуот конференциясини ўтказишга масъул бўлган етакчи ходими анжуман бошланган чоғда тўсатдан ўзини ёмон ҳис этиб, зални тарк этишига тўғри келди. Нурбек элчихонанинг бошқа ходимлари билан бир қаторда залда ўтирар эди. Белгиланган тартибга кўра, бундай пайтларда етакчи ходим бирон сабаб билан қатнаша олмаса, унинг жойини ўринбосари босиши керак. Аксига олиб, ўша лаҳзада ўринбосар қанақадир топшириқ билан ташқарига чиққанди. Шу боис бир зум саросимали ҳолат вужудга келди. Шунда делегация раҳбари кутилмаганда Нурбекка ўгирилиб:

- Холмуҳаммедов, сиз чиқинг, – деб қолди.

Нурбек ҳаяжонланди. Пешонасини тер босди. У ҳали бундай машваратларни ўтказиб кўрмаганди. Тилни эркин гапириши, мавзуни беш қўлдек билиши ўз йўлига. Анжуман катта. Одам кўп. Салобати босади. У бир лаҳза иккиланди. Беихтиёр “йўғ-е, мен эплай олмасам керак” демоқчи бўлди. Бироқ ҳозир тортишиб ўтиришнинг ўрни эмасди. Қолаверса, ҳозир шундай қалтис дақиқада бунақа масъулиятли топшириқдан бўйин товлаш – эртанги кунига нуқта қўйиш билан баробар. Шу боис хаёлида “нима бўлса, бўлди” деди-да, минбар сари йўналди. Минбарга яқинлашар экан, аввал “Э Худо, ўзинг қўлла” деди ичида.

Сўнгра “ота-боболаримизнинг руҳи мададкор бўлсин” деб қўшиб қўйди.

Сирасини айтганда, кутилмаган бу топшириқ айтилган пайтда унга ўзини, ўзининг нимага қодир эканлигини кўрсатиш учун катта бир имконият эди. Нурбек вазирликка ишга келганидан бери анча вақт ўтган ва анча-йин масъулиятли вазифада ишлаётган бўлса-да, у қадар ёрқин, кўзга кўриниб улгурмаган, асосан иккинчи, учинчи даражали ишларни, аҳамияти камроқ топшириқларни бажариб юрар, чунончи, кўпроқ хужжатларни таҳрир қилиш билан шуғулланар эди. Мана, бугун кутилмаганда у биринчи даражали, ғоят катта аҳамиятга эга топшириқни бажариши керак. Оғзидан чиққан ҳар битта сўзга жавоб беришга тўғри келиши мумкин. Зеро, унга фақат дунё журналистлари, дипломатлар эмас, ўзимизнинг масъул вакиллар ҳам кўз қадаб ўтиришибди.

Ўсмирлик йилларида у бирон ишда таваккал қилишга тўғри келса “Ё пирим, бир бошга бир ўлим” деган гапни такрорлар ва наздида бу ибора унга ёрдам берар эди. Кейинроқ, деярли таваккал қилмай қўйгач, ўша сеҳрли ибора ҳам ёддан чиққанди. Шу топда ёдига келди. Такрорлади. Сўнгра соф англиз тилида:

– Муҳтарам анжуман қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар! – деб анжуманни бошлади...

Мавзу матбуот ва сўз эркинлиги масаласига доир. “Макон”да ишлаш пайтида унча-мунча танишгани боис, уни саволларга қўмиб ташлашди. Нурбек уларнинг ҳар бирига шошилмасдан, ётиғи билан жавоб қайтарар, унинг жиғига тегиш мақсадида ташланган илмоқли гапларга, қочирмаларга ҳам чап бермай, моҳирона изоҳлар, савол берувчини усталик билан мот қилар эди.

Шу тахлит у бир соатдан зиёд давом этган анжуманни муваффақиятли ниҳоясига етказди.

– Агар бошқа саволлар бўлмаса... – деб сўзига якун ясаётган чоғида орқароқда ўтирган маҳаллий нашрда

ишловчи журналистлардан бири узр сўраб, микрофон ёнига келди.

– Жаноб Холмуҳаммедов! Рухсат этсангиз, шахсий масалага алоқадор бўлган бир савол бор эди...

– Марҳамат, – деди жилмайиб Нурбек, – Агар мен америкалик журналистнинг шахсий масаласини ҳал этиш имкониятига эга бўлсам, бажонидил.

– Йўқ, бу америкалик журналист шахсиятига тегишли эмас. Бу сизга яхши таниш, собиқ ватандош ҳамкасбингиз тақдири билан боғлиқ. Гап жаноб Далер Ботиров ҳақида бормоқда. У бундан анча йиллар олдин мамлакатингизни тарк этишга мажбур бўлган. Ҳозир шу ерда яшайди. Жаноб Ботиров шуни истайдики, мамлакатингизда унга нисбатан қўзғатилган жиноий иш ҳозирги пайтда муҳлати ўтганлиги муносабати билан тўхтатилганми, агар тўхтатилган бўлса, у Ватанга қайтиш имкониятига эга бўлиши мумкинми? Энди кеч эмасми?

Нурбек бунақа мазмундаги саволни кутмаганди. Бунинг устига у Далер Ботировга нисбатан қўзғатилган жиноят ишининг бугунги ҳолати ҳақида аниқ маълумотга эга эмасди. Шу боис бир лаҳза иккиланди. Аммо дарҳол ўзини ўнглаб олди. “Ҳамонки, сен дипломат экансан, ҳар қанақа савол олдида саросимага тушмаслигинг керак” деди ўзига ўзи.

– Жаноб Далер Ботировга шуни етказиб қўйингки, – деди у босиқлик билан. – У киши ўзини қизиқтирган барча масалалар бўйича элчихонамизга мурожаат этсинлар. Унга аниқ ва қаноатланарли маълумотлар берилади.

– Уни элчихонага киритишадими? Қабул қилишадими?

– Албатта қабул қилишади.

– Ботировнинг ўзлари ёнимда ўтирибди. Агар мумкин бўлса, шу сўзларни унга ўз тилингизда такрорласангиз. У киши инглиз тилини унчалик яхши тушунмайдилар.

Журналист шундай деб, ёнидаги тепакал, мошгуруч соқолли кишини имо қилди. Нурбек кўзларига ишонмади. “Йўғ-е, наҳотки шу одам Далер Ботиров бўлса? Қуюқ

жингалик сочлари қани? Қирқдан ошмай, соқол қўйгани нимаси? Бунинг устига ҳалитдан соқоли оқариб кетгани, қадди букчайиб, юзлари бужмайиб, қаримсиқ бўлиб қолгани-чи? Наҳотки, шу одам бир пайтлар қаддини ғоз тутиб, ўз салобатига ўзи маҳлиё бўлиб, “босганим учун ер миннатдор бўлсин” дегандек сиполик билан қадам ташловчи Далер Ботир бўлса?

– Жаноб Ботиров, сиз ўзингизни қизиқтирган масала бўйича элчихонага мурожаат қилишингиз мумкин, – деди Нурбек ва шу билан конференцияни якунлади. Залда қарсаклар янгради. Нурбек минбардан тушиб, вакиллар гуруҳи ёнига келди. Гуруҳ раҳбари унинг қўлини маҳкам қисди ва:

– Баракалла! Жуда яхши ўтказдингиз, – деди.

Нурбек гуруҳ аъзолари сафида анжуман биносидан чиқиб кетар экан, ташқарида зина адоғида, четроқда қўнишиб турган Далерга кўзи тушди. “Ҳойнаҳой, мени кутиб турибди. Тўхтаб, салом-алик қилиш керакми ё бош ирғаб ўтиб кетсинми?... Нима қилса ҳам, бир пайтлар бирга ишлаган. Одамгарчилик юзасидан бирров тўхтаб, сўрашиб кетиш керак...”

Нурбек қадамини секинлатди. Гуруҳдан узилиб, салортда қолди. Шериклари узоқлашишгач, Далер томон юрди. Қўл узатди. Далер севиниб, қўлидан маҳкам ушлади. Нурбек сўрашишга улгурмай турибоқ, илтимос қилишга тушди.

– Нурбек Холмуҳаммедович, сиздан илтимос. Элчихонадагиларга бир оғиз айтиб қўйсангиз. Йўқса... улар қабул қилишмайди.

– Албатта айтиб қўяман, – деди Нурбек.

– Раҳмат, дўстим! Дарвоқе, ҳали уч-тўрт кун шу ерда бўласизларми? Меҳмон бўлинг...

– Йўқ. Бугун кечқурун ёки эртага эрталаб жўнаб кетсак керак. Таклифингиз учун раҳмат. Насиб этса, ҳали учрашармиз, – деди Нурбек хайрлаша туриб.

... Чиндан ҳам насиб этган экан. Нурбек Нью-Йорк са-

фаридан қайтиб келганидан сўнг бир ҳафта ўтмай, яна океан ортига, энди Америка пойтахти – Вашингтонга жўнашига тўғри келди. Вазирлик раҳбарияти унинг ғоят нозик мавзудаги матбуот анжуманини муваффақиятли уюштирганини ҳисобга олди шекилли, Америка Қўшма Штатларидаги элчихонага матбуот бўйича масъул этиб тайинлади.

Нью-Йоркдан қайтиб келаётганида самолётда у хоним билан бўлган охириги мунозара ҳақида такрор-такрор ўйлаб, “чамаси, энди унга керагим йўқ, шу боис ўзини олиб қочяпти” деган қарорга келган, “севмаганга суйкалиб нима қилдим” деган фикрга келганидан кейин кўнғироқ ҳам қилмаганди. Гарчанд ўғлини соғинган, уни кўргиси бор эди. Бироқ хонимнинг совуқ муносабати туфайли пайдо бўлган аламли араз таъсирида “кейинроқ бирон кун мактабига ўтарман” дея орқага сурганди. Улгурмади. Тайинловнинг эртасигаёқ жўнаб кетишга тўғри келди.

– Оилангизни муайян вақтдан сўнг олиб кетасиз, – дейишди. – Ҳозирча бориб жойлашинг. Мослашинг...

Нурбек қачондир қайсидир мамлакатга жўнатишлари мумкинлигини билар, шунга руҳан тайёргарлик кўриб юрар эди-ю, лекин бунчалик тез ва айнан Америкага юборилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Анча ҳаяжонланиб, саросималаниб қолди. Дурустроқ тайёргарлик кўришга ҳам улгурмади. Жўнаб кетишини хотини ва қизларидан бошқа деярли ҳеч ким билмай ҳам қолди.

– Отамларга ўзингиз хабар қилиб қўярсиз, – деди хотинига.

– Бизларни қачон олиб кетасиз?

– Тез орада, насиб этса.

– Анови аёл билан муносабатларингизни уздингизми энди бутунлай? – деб сўради хотини. Ҳозир шу саволнинг мавриди эмаслигини билса ҳам.

Нурбек дафъатан аччиқланди-ю, дарров ўзини босиб, юмшоқ жавоб берди.

– Ҳа! Кўнглингиз хотиржам бўлсин...

Шундай дейишга деди-ю, самолётга чиққач, “Барибир бир кўриб, ўғлим билан хайр-хўш қилишим керак эди” деб ўйлади. Шу аснода хоним ҳақида, унинг феъл-атворидаги ғалати ўзгариш хусусида яна узоқ мулоҳаза юритди. “Ўзи ҳаммасини бошлаганди. Изимдан қолмай, таъқиб этиб, сокин турмушимни чигаллаштирганди. Бошқа одамга тегиб, хорижга кетганидан кейин ҳам умидини узмай юрди. Қайтиб кел деганимга рози бўлиб, қайтиб келди. Энди эса нега унақа қиялпти? Энди унга тамоман мойил эканимни сезиб, кўпроқ ялентирмоқчими? Ноз-карашманинг ҳам меъёри, чегараси бўлиши керак эмасми? Ёки чиндан ҳам менинг шаънимни асрамоқчи бўляптими? Мансаб-мавқеим ўсишига халақит бермайин деяптими? Одамзоднинг феъли қизиқ-да. Ўзим ҳам... ишда омадим кела бошлаган кезде эҳтиёткорликни унутиб, хонимга буткул ошиқ бўлиб қолганим нимаси?”

Айни шу лаҳзада Нурбекнинг миясига ғалати бир фикр келди. Аслида у хонимнинг ҳаёт йўли ҳақида такрор-такрор мушоҳада юритган чоғларда бу ҳақда кўп ўйлаган. Ҳатто анча илгари... бир гал уни “Кулфат фариштаси” деб ҳам атаган. Хонимнинг мураккаб кечмиши шундай деб ўйлаш учун асос бўларди. “Унга қонунан уйланган эркакларнинг деярли барчаси... ўлган. Бунда бир илоҳий сабаб йўқмикан? Унда Далер Ботиров нега ҳамон тирик юрибди? Йўғ-е, мистика, сеҳр-жоду, афсунгарлик деган нарсаларга мен ишонмайман-ку. Бўлмаган гап. Шунчаки тасодифлар. Мана, Далер Ботиров тирик-ку, гарчанд омади кетган бўлса ҳам. Омади кетишига эса ўзи сабабчи. Бунга хонимнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ёки... бошқачароқми? Ҳарҳолда... Бунда бир синоат борга ўхшайди. Хоним худди парвардигор томонидан омади келган йигитларни синаш мақсадида яратилган ғаройиб бир мавжудот эмасмикан? Яъни унга ихтиёрини буткул топширган одам муқаррар фалокатга учрайди. Хоним – олов. Унга парвона сингари гирдикапалак бўлсанг, куйиб ўласан. Ботировнинг тирик юргани боиси вақтида ажралиб кетгандир? Эҳтимол, хо-

нимнинг ўзи ҳам бу синоатни англагандир? Англаган-у, менга шафқат қилишга аҳд этгандир? Шафқатнинг боиси... ўғлимиз Элнур бўлиши мумкин? Ҳа! Худди шундай! Хоним – жодугар. У иймони сушт эркакнинг кушандаси! Унга... ўз сеҳр-жодусини ўтказишда самовий кучлар ёрдам берса керак...”

Нурбек бу ғаройиб фикрлардан кулишни ҳам, ташвишланишни ҳам билмай лол бўлиб қолди. Ишонмайин деса, жудаям ишонарли. Ишонайин деса, уялади. Севган, куни-кеча висолига етиш учун икки дунёдан воз кечишга ҳозир бўлиб юрган аёл ҳақида бу қадар шафқатсиз ҳукм чиқаришга юраги бетламайди. Нима қилиш керак?

“Нима қилиш керак?..”

Бу савол устида у кўп ўйлади. Узоқ ўйлади. Манзилга етиб бориб, элчихонада иш бошлаганидан кейин ҳам, Далер Ботировнинг аризасини муҳокама этиш асносида у билан учрашган чоғида ҳам ўйлади. Далер Ботировга “Бош эгиб, юртга қайтиб борсангиз, гуноҳингиз анча енгиллашади” деб маслаҳат берганида, “агар чиндан ҳам юртга қайтса, яна хоним билан ярашиб, бирга яшашга уринмасмикан” деган қизғаниш билан ўйлади. Кейинроқ – яшаш жойи тайин бўлиб, оиласини кўчириб келишга рухсат олган куни “Энди бу ёқда анча йиллар ишлашга тўғри келса, ўғлим ва Мушфиқадан узоқлашиб кетарканман-да” деган надомат билан ўйлади. Шу орада у неча марталаб хонимга кўнғироқ қилмоқчи бўлар, аммо сира ботинолмасди. Ботинолмаслигининг бир сабаби – хоним кўксидан итаргани туфайли ҳосил бўлган журъатсизлик. Иккинчи сабаби - телефонлар эшитилишини билгани учун “биров билиб қолмасин” деган қўрқув. Шу қўрқувни у хоним хориждан келиши арафасида буткул енгиб олган эди гўёки. Энди билиптики, енга олмаган экан. “Биров билмай тургани маъқул... Нима қилиш керак? Наҳотки, муҳаббатингдан, шу муҳаббат ҳосиласи бўлган ёлғиз ўғлингдан индамайгина воз кечиб кетаверсанг?” дея ўй-

лади у орадан анча ўтиб, оиласини кўчириб келиш учун юртга йўл олаётганида. “Нима қилиш керак?”

Самолётда пайтида, чамаси яна ўтган галгидек океан устидан учиб ўтаётганида ўша кулгили ва айни пайт ғоят шафқатсиз фикрининг давомини топгандек бўлди.

“Гап фақат хонимдамикан? Аксинча эмасмикан? Омади келиб, қўли қайга узатса етиб турган ўша эркакларнинг ўзида эмасмикан улар кулфатининг сабаби? Ўтган гал “хоним – иймони сушт эркаклар кушандаси” деган анчайин фалсафий иборани беихтиёр тасодифан топгандим. Тасодифан эмасдир ўша иборанинг пайдо бўлиши. Ҳамма гап, ҳамма сабаб ўша иймони сушт эркакларда эмасмикан? Уларнинг ўзлари эмасмикан – кулфат фаришталари. Бинобарин, бахтсизликлари ва бевақт қазоларининг ижодкори ҳам ўзлари эмасми? Умуман, сеҳр, жоду, афсун, омадсизлик деган тушунчаларни инсон ўз заифлиги, иродасизлигини оқлаш учун ўйлаб топмаганмикан? Мен ҳам ақлга кулоқ солмай, кўнгил измига бўйсунсам, иродасизлик қилсам-у, хотинимдан ажралиб, хонимга уйланиб олсам, бу эса силлиқ кўчмаслиги табиий, кейин кетиб қолган омадимнинг сабабчиси ўша деб юрмайманми?..”

Топди. Қийноқли саволга жавобнинг муқаддимасини топди. “Энг аввало хоним ҳақида бемаъни хаёлларга боришни йиғиштириш керак. Ҳеч қанақа сеҳр, ҳеч қанақа жоду йўқ. Мунажжимларнинг башоратлари, буржлар ҳақида газеталарда, радио-телевизорда айтиладиган башоратона гаплар сафсата, ёлғон. Фолбинлик – бўлмаган нарсаси. Қолаверса, бунақа нарсаларнинг илоҳиётга, диний эътиқодга мутлақо алоқаси йўқ...”

Шу ўй-мушоҳадалар баробарида у хотирасидаги турли-туман Нострадамус, Ванга-пангалар хусусидаги маълумотларни эринмасдан эслаб, асосли тарзда инкор этишга уринди. “Фан ҳам, дин ҳам инкор этади-ку уларни, – дея хулосалади фикрларини пировардида, – бас, шундай экан, мен нимага ишонишим керак...”

Шундан сўнг жавобнинг давоми ўз-ўзидан пайдо бўл-

ди. “Ҳамонки, хоним муносабатларимиз янада яқинлаши-
шини, бирга бўлишимизни хоҳламаётган экан... Майли,
ҳозирча ҳаммаси шу ҳолда қола қолсин. Лоақал, самимий
дўст бўлиб қолайлик. Ўғлимиз унинг ҳам, менинг ҳам
меҳримга қониши керак, албатта. Бунинг учун ундан ха-
бардор бўлиб туришим керак. Хонимдан ҳам бир яқин
дўст сифатида...”

ОЛТМИШ БИРИНЧИ БОБ

Хоним Нурбекнинг хорижга ишга кетганини эшитиб,
бир ҳафта ўзига келолмай юрди. Ҳатто бир кун ишга
ҳам чиқмай, кўрпа-тўшак қилиб ётди. Аламланди, ўкин-
ди. Такрор-такрор йиғлади. “Тақдир менинг устимдан
кулишини ҳеч қўймас экан-да” дея музтар бўлди. “Не-не
азоб-уқубат билан етишай деб турганимда, яна бизларни
айириб ташладинг-а, эй парвардигор” дея мунгли нола
чекди. Аслида у хориждан қайтиб келганида кўнглида
пайдо бўлган иккиланишни ҳам дастлаб “Худо бирга бў-
лишимизни хоҳламаётир” дея изоҳлаган, сўнгра кўкси
юмшаб, меҳри ийиб бошлагач, “шукрки парвардигор раҳм
қилди” деган хулосага келганди. Бу хабарни эшитгач,
чўққига эмаклаб чиқиб, ноҳос юмалаб кетган одамнинг
ҳолига тушди. Худди Нурбек сингари унинг хаёлида ҳам
қийноқли бир савол туғилди: Энди мен нима қиламан?

“Энди мен нима қиламан?”

Ажабо, ўзга юртда, етти ёт бегона одамлар орасида юр-
ган чоғларида ўкинмаган хоним бугун ўз юртида тўқис ва
сокин яшаётган бир кезде дабдурустдан туғилган шу са-
волга асиру мубтало бўлиб қолди.

“Энди мен нима қиламан?”

Ишга овунишга уринди. Докторлик диссертацияси
устида қайтадан ўтирди. “Нима бўлса ҳам ёқлаб олишим
керак” дея аҳд этди. Деярли ҳар куни дарсдан кейин, шан-
ба-якшанба эртадан кечгача кутубхонада вақт ўтказар,

ҳатто Элнур билан ҳам дурустроқ бирга бўлолмас, бола бундан қийналар, уззу-кун уйда компьютер ёнида ўтириб, алланечук ёввойилашгандек, нимжон, одамови бўлиб ўсаётгандек туюларди. Буни кўрган хонимюрагининг бир чети узилгандек бўлса ҳам чидаб, Элнурни ҳарбий интернат-гимназияга топширди. “Шундай қилсам тузук бўлади, – деб ўйлади. – Интернатда кўпчиликка ўрганиб ўсади. Отаси дипломат, ўғли ҳарбий бўла қолсин...”

Баъзан кечалари ҳайҳотдек уйда ёлғиз, ўзини қайга уришни билмай сиқилган кезлари “тўғри қилдимми, боламни ҳарбий интернатга бериб, шафқатсизлик бўлмадими” дея иккиланар, аммо ич-ичида “қийинчиликни кўриб, тартиб-интизомга ўрганиб ўсса, ҳаётда қийналмайди” деган қатъий ҳулосаси борлиги учун иккиланишни енгар, яна бир кўнглида “диссертациямни ёқлаб олай-чи, кейин яна бир ўйлаб кўрарман” дея ўзига тасалли берар эди. Дугонаси – “Чархфалак” бекаси билан баъзи-баъзида бир финжон қаҳва устида дардлашишар, бека унинг деярли барча саргузаштларидан, қийлу қолидан хабардор бўлгач, хонимга ўзича “мардонавор аёл” деган лақаб қўйган эди.

– Ўзингизга ҳам, болангизга ҳам шафқатсизлик қиляпсиз, – деди у охириги суҳбат чоғида. – Мен... шунақа қила олмаган бўлар эдим. Шунинг учун ҳам сизга ҳавасим келади. Яшанг, мардонавор аёл! Фақат битта нарсага ачинаман...

– Нимага? – деб сўради хоним қизиқсиниб.

– Мислсиз ҳусни малоҳат, бетакрор қадду қоматни хор қилаётганингизга...

Хоним унга ажабланиб қаради.

– Сиз чиндан ҳам ҳусндан фойдаланиш, наф кўриш керак деб ҳисоблайсизми?

– Мен-ку, унақа деб ўйламайман. Чунки ўзим чиройли аёл эмасман. Лекин кўпчилик гўзал жувонлар шундай деб ўйлашади ҳозирги замонда. Ҳусни жамолини қудратли қурол қилиб, улкан муаммоларни ечишади. Маликалардек бой-бадавлат яшашади. Мана мен, манови тамаддихо-

нани ўн йилдан бери юргизиб, “Тико”дан авлороқ бир машина ҳам ололганим йўқ. Баъзи танишларим ҳеч қарда ишламайди-ю, данғиллама уй-жой, “Мерседес” ёки “Опель” машиналар... Худонинг берган кунини ҳашаматли ресторанларда, қимматбаҳо кафеларда ўтказишади...

– Азизим, унақа ҳаётга... ҳавас қилманг, – деди хоним оғир сўлиш олиб. – Мен кўрдим унақа ҳаётни. Тўғри, гулдай яшайсиз. Лекин бир сопол кўзага солиб қўйилган жонсиз қоғоз гулдай. Қоғоз гул... Ҳаётнинг ранг-тусини кўрасиз. Ялтироқ, ёрқин рангларини. Бироқ, таъмини ҳис этмайсиз. На аччиғи, на ширинини... Ҳолбуки, ҳаётнинг мазмуни айнан унинг таъмида экан. У гоҳида нақадар аччиқ, заҳар-заққумдек туюлмасин, у вужудингизга, руҳингизга жон бағишлаб туради. Шу нарса тасалли берадики, инсон ҳаёти фақат заҳардан ёки фақат асалдан иборат эмас. Худога шукр. Олий ҳақиқат, олий мувозанат бор. Парвардигор аччиғини ҳам, ширинини ҳам бирдек ўлчаб берган. Ҳамма гап ана шу мувозанатни бузмай, икковини ҳам расамади билан тақсимлаб яшашда...

– Жудаям ақлли аёлсиз-да, чиройли бўлганингиз устига. Барибир ам олимасиз-да!

– Ақлли бўлиш оғир вазифа. Ақлли одам турмуш уқубатларини икки карра кўпроқ тортади. Худойим таоло, чамаси ақл бергани учун синовларини ҳам икки карра кўпроқ берса керак...

– Ҳадеб кўнглингизга олаверманг-да, мана мен ҳар ишни “бўлса бўлди, бўлмаса садқаи сар” дейман.

– Мен ҳам шундай дейишга ҳарчанд ҳаракат қиламан-у, доим ҳам уддасидан чиқавермайман.

– Камтарлик қилманг. Мен сизни бекорга “мардонавор аёл” деб юрганим йўқ. Дарвоқе, диссертация тайёр бўлдим?

– Бўлиб қолар...

– Ғайрат қилинг. Агар шу ёшингизда фан доктори, профессор бўлиб олсангиз, у ёғига омад ўзи келади.

– Илойим...

Хоним бу тўпори, айна пайтда беҳад ғайратли аёлнинг содда гаплари замиридаги ҳақиқатни аллақачон тушунган, бинобарин, ўзича “ҳаётда ҳар қандай аёлнинг энг яқин дўсти – унинг иродаси” деган қоида яратиб олган ва ўшанга амал қилар эди. Бу қоида дарҳол, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ албатта. Даставвал тақдир юборган синов ва машаққатлар, кейин улар туфайли пайдо бўлган ўжар бир ҳис уни чиниқтирди. Энди бўлса, хориждан қайтиб келгач, дарҳол ўзини Нурбекнинг кучоғига ташлашга ҳам ўша ҳис тўсқинлик қилган. Фақат гоҳ-гоҳида хоним барча оддий аёллар сингари ҳою-ҳавасга чандон берилган чоғларида бу ҳис бир дафъа чекинади. Индамайроқ туради, худди охириги кунлардаги сингари. Ўша дамларда хоним ўзини, ўзлигини унутгандек бўлади. Шу гал агар Нурбек хорижга кетиб қолмаганида нима бўларди – хонимга қоронғу. Хайриятки, худо уларнинг ҳар иккаласини яна тўғри йўлга бошқарди. Ўзингга шукр, парвардигорим! Сен ҳамма нарсани билгувчи, тўғри йўлни ўзинг кўрсатгучисан!..

Дарвоқе, тақводор кўшни аёллардан бири хонимни мудом намозхонликка даъват этиб келади. “Бизлар билан бирга ибодат қилинг, ёлғизлигингиз билинмайди” дейди. Хоним унинг кўнглини оғритмайди. “Пайти келса, албатта биргалашамиз, ҳозирча... салгина узрим бор. Илмий ишимни битказиб олишим керак” дейди. Кўшни аёл тушунувчан. “Майли, Оллоҳ кўнглингизда экан, шунинг ўзи ҳам катта давлат” дейди. Чиндан ҳам хоним кечаю кундуз Оллоҳ номини тилидан туширмайди. Ундан Нурбекка, Элнурга омад, ўзига сабр-бардош тилайди. “Эларо шарманда қилмагин, илойим” деб ўтинади. Шу ўтинчи баробарида дили ёришганини, вужудида ишонч, ўктамлик пайдо бўлганини ҳис этади. Шу тариқа кунларни, ойларни меҳнат билан ўтказди. Шом қоронғусида кутубхонадан қайтиб келгач, яна ярим тунгача компьютер ёнида ўтириб, ёзади. Ёзганларини такрор-такрор тузатади. Сўнгги пайтлар кўзи тинадиган бўлди. Дўхтирга

кўринганди, кўзойнак ёзиб берди. Бир-икки кун уялиб, тақмади. Кейин тақишга мажбур бўлди. “Чархфалак”чи дугонаси кўриб, кулди:

– Ана энди ҳақиқий профессор бўлибсиз, – деди.

– Ҳали унгача анча бор, – деди хоним уялиб.

– Аммо-лекин жудаям ярашибди. Ўзи шунақа, палагида гўзал бўлиб етилган аёлга ҳамма нарса ярашади.

– Қарилик ҳамми? – деб сўради хоним. Чунки кўзойнакни илк бор таққан онидан бошлаб уни “наҳотки қарий бошлаган бўлсам” деган фикр безовта қилаётган эди.

– Во-ой, сиз ҳали қариб қаёққа борибсиз? Қариликкача эҳ-ҳе, қанча иш қилишингиз керак...

“Тўғри, ҳали кўп иш қилишим керак, – деб ўйлади хоним ёзги салқин оқшом ифорида сархуш ҳолда уйга қайтар экан. – Ишқилиб, худо шунга яраша ғайрат, сабр-бардош берсин...”

Дафъатан хонимнинг кўнглига “художўй бўлиб қолганим ҳам қариётганимнинг белгиси эмасмикан?” деган фикр келди. Зеро, у ҳар қандай гумроҳ, жоҳил, саводсиз одам ҳам ёши ўтиб, ҳаётнинг аччиқ-чучукларини тотиб, тажрибаси ортиб боргани сари парвардигорга яқинлашади, умрнинг бебақолигини англаб, охиратини ўйлай бошлайди ва шунинг баробарида руҳиятида тоат-ибодатга эҳтиёж ҳис этади, деб ўйларди. Унинг фикрига кўра “Ўғри қариса сўфи бўлади...” деган нақлнинг маъноси ҳам шунда. “Лекин мен эсимни таниган чоғимдан бошлаб Худога ишонганман-ку” деб ўйлади у. Дарҳақиқат, етимлик, но-чорлик ғуссасини чекиб юрган пайтларидан у онасиданми, бувисиданми ўрганиб олган ягона калимани мудом такрорлаб юрар эди: “Эй Художоним, ўзинг мадад бер!” Энди билса, ўша кезлар бу илтижони тушуниб-тушунмай такрорлаган, омади юришмаган ҳолларда “Худо қўлламади” деб ўкинган. Лекин ҳеч қачон умидсизликка, мутлақ тушқунликка тушмаган. “Бугун қўлламаган бўлса, бу унинг иродаси, эртага албатта қўллайди, бунинг учун ўзим шижоатли бўлишим керак” деб ишонган. Бу ишончининг, умидининг тўғрилигига кўп бора иймон келтирган.

Уйига етиб келиб, почта қутисига калит солар экан, “Нурбек билан йўлларимизнинг мудом айри тушиши ҳам Худонинг хоҳиш-иродаси. У шуни лозим кўрган. Демак, кўникишим, сабрли бўлишим керак. Ўзи бир томонга бошқаради” деб ўйлади. Шу ўй баробарида почта қутисини очди-ю, қувончдан қичқираёзди. Қутида Нурбекдан келган мактуб ётар эди. “Ўзингга шукр, Оллоҳим!”

Уйга кириб, мактубни очди. Ўқиди. Биринчи гал севинч оғушида ташналик, интиқ-интизорлик билан ютоқиб ўқиди. Яна ўқиди. Бу гал ўкинч гирдобиди йиғлаб-йиғлаб ўқиди. Кейин яна ўқиди. Эндиги гал севинч ва ўкинч уйғунлашиб, сокин, ўйчан тарзда салгина маъюслик, салгина жилмайиш билан ўқиди. Учинчи бор ўқиб бўлгач, хатни кўксига босиб, кўзларини юмди ва боя қутини очиб, хатни кўрган пайтдаги муножотини такрорлади.

“Ўзингга шукр, Оллоҳим!”

“Азизим Мушфиқахон, – деб бошланган эди мактуб. —
Ассалому алайкум! Соғ-омон бормисиз? Жўнаб кетиш ол-
дидан сиз ва Элнуржонни кўрмаганим, хайр-хўш қилма-
ганим учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Сиз ҳой-
наҳой, эшитгандирсиз ва мени, бу одам қанақа оқибатсиз
кимса экан, деган фикрга боргандирсиз. Зеро, шундай
дейишга тўла ҳақлисиз. Гарчанд мен “шундай қилишга,
яъни сизлар билан учрашиб, хайр-хўшлашиш учун ўзим-
ни ҳақли сезмадим” дея ўзимни оқлашга уринсам ҳам,
сиз кечирмаслик ҳуқуқига эгасиз. Менинг эса нима бўл-
гандаям зарда қилишга, аразлашга, гинахонликка асло
ҳаққим йўқ эди. Ахир ўйлаб кўрсам, сизнинг олдингизда
ўзим кимман-у... Сиз севгини жасорат даражасига кўтар-
ган аёлсиз. Мен бунга такрор-такрор ишонч ҳосил қил-
дим. Биринчи марта мен билан танишиб, ёқтириб қолган
пайтингизда буни яширмасдан, кўрқмасдан дадил айт-
ганингиз, тан олганингиз ва унинг учун курашганингиз
жасорат эди. Ўшанда мен севгингизга вақтида жавоб бера
олмаганим учун энди қанчалар ноқулай аҳволга туша-
ётганимни билсангиз эди. Гоҳ-гоҳида шу қадар уялиб,

Ўзимдан шунчалик хафа бўлиб кетаманки, ҳатто “Сен ҳам эркак бўлдинг-у... Шундай аёл сени яхши кўрса-ю, сен ноз-финоқ қилиб юрибсан-а” деб юбораман. Нега ўшанда дарҳол севгингизга жавоб бермадим, нега сиз билан қовушмадим, дея армон қиламан. Тўғри, оилам, фарзандларим бор эди. Эскича қарашлар туфайли ана шу мустаҳкам тўсиқни ҳатлаб ўтолмадим. Сиз билан бўлсам, улардан воз кечишим керак бўлади, деб ўйладим. Бу “Ё у билан, ё бу билан! Учинчи йўл йўқ!” деган эски ақида таъсири эди. Ҳолбуки, уларни ҳам ташламаган ҳолда, сиз билан ҳам қовушиш мумкин эди. Бунинг учун баландпарвоз, назарий ўй-хаёлларни бир четга суриб, салгина жўн, бир озгина оддий, жайдари одам бўлишим керак эди, холос. Шунда ҳаммаси тамоман бошқача бўлур эди. Эҳтимол, мен ҳозиргидек баланд (нимаси баланд) мавқеда эмас, оддийроқ одам бўлиб юрардим. Лекин муҳими, сиз ва ўғлим ёнимда бўлур эдингиз. Афсус... Мен хатоимни кечроқ бўлса ҳам тушуниб етган, ҳаётдаги ҳавойи орзулардан воз кечиб, яна ўша оддий ва кўплар қатори ўз кўнгли, ўз қалби измида яшашга азму қарор қилган чоғимда... сиздан хафа бўлишга ҳаққим йўқ. Ҳаммасини англаб турибман. Сиз аввал интилиб-интилиб толиқдингиз, кейин кутиб-кутиб чарчадингиз. Охир-оқибат, умидингизни узиб, тақдирга тан берган пайтингизда... менинг саъй-ҳаракатларим беҳуда эди... Энди улар сўнган умидни қайта тиклай олмас эди. Мен энди севгидан ҳар қанча лоф урмайин, сизни ишонтиришим қийин эди. Менинг интилишларимни бир умр ўғил, меросхўр тилаб юрган одамнинг ўғли борлигини ногаҳон билиб қолиб, энди нима бўлса ҳам унга яқинлашишга уриниш деб баҳолашга ҳақли эдингиз. Менинг ҳолатим сизга таъбир жоиз бўлса, тилла топган гадонинг бахтиёрлигини эслатган бўлса ажаб эмас.

Шу боис шўхлик ва эркаликларимни ниҳоятда босиқлик билан рад этганингизни тушунаман. Биламан Бу сизга осон кечган эмас. Тирик севгисининг жанозасини ўқиш жуда мушкул. Лекин сиз шунга қодир даражадаги

иродали аёлсиз. Бунн ҳаётда яққол кўрсатиб келяпсиз. Мусофирлик азобини енгиб, қаерда юрсангиз ҳам шаънингизни сақлаб, обрў-иззатингизга доғ туширмай, ёруғ юз билан юртга қайтганингиз, баобрў бир даргоҳда ишлаб юрганингиз, илмий даражангизни ошириш учун тинмай меҳнат қилаётганингиз шунинг ёрқин исботи. Узр, ба-рибир журналистлигимга бориб, расмийроқ жумлаларга ўтиб кетдим. Ҳарҳолда, оддий қилиб айтсам, кучли аёлсиз. Мен бунн аввалроқ билганман. Энди эса фақат кучли эмас, мурувватли ва жонфидо аёл ҳам экансиз. Бу – оналарга хос фазилят. Бу – вафо ва садоқат тимсоли бўлган аёлларга хос хусусият. Сиз ўз суюкли ёри ва фарзанди учун жонини ҳам аямайдиган аёллар тоифасидан экансиз.

Севиб туриб, севгимни рад этганингизнинг маъноси-ни энди тушундим. Сиз менинг ва фарзандимнинг шаъни учун, ҳаётдаги омади, келажаги учун севгингизни қурбон қилишга аҳд этибсиз. Хотиним сиз билан учрашиб келганидан сўнг “мард аёлга ўхшайди, агар айтган гаплари рост бўлса” деганди. Ўшанда, агар билсангиз, мен айтган гапларингиз рост бўлиб чиқмаслигини, “мард аёл” бўлмаслигингизни, балки севгингизга етишиш учун гап-сўзлардан қўрқмай, қатъият кўрсатишингизни жуда-жуда истаган эдим. Лекин... Сиз бу қарорни қатъий қабул қилганингизни кейин тушундим. Тушунганимдан сўнг, сизга, сизнинг матонатингизга қойил қолиш ва тақдирга тан беришдан ўзга чорам қолмади...

Лекин бу сизга бўлган муҳаббатим заррача бўлса-да, камайди дегани эмас. Аксинча, янада қаттиқроқ, кучлироқ севиб қолдим сизни. Балким бу гапим сизга кулгили туюлар. Чунки даставвал ўзимга ҳам шундай бўлиб кўринган. “Ахир мен аввал севганман-ку, севгилимга эришиб, бахтли турмуш кечиряпман-ку” деб ўз ҳисларим устидан кулдим. “Бир юракка икки муҳаббат сиғмайди” деган шеърий сатрларни такрорлагандим. Гарчанд мен дунёда ҳамма нарса нисбий ва даврий эканлигини яхши билардим. Айтайлик, давр ўтиб, муайян сабаб туфайли

севгилинг билан юз кўрмас бўлиб кетишинг, ҳатто уни ёмон кўриб қолишинг мумкин. Тўғри, лекин мен севиб олган хотинимни ёмон кўриб қолганим йўқ. Ҳамон суюкли ва азиз. Ҳаётимни усиз ва қизалоқларимсиз тасаввур этолмайман. Лекин... сизни шу қадар яхши кўраманки, бунинг тушунтиришим қийин. Агар жўнроқ изоҳласам: хотинимга бўлган муҳаббатим ёшликдаги, кўпроқ ҳис-ҳаяжонга асосланган муҳаббат. Сизга бўлган севгим эса ақлини таниб, ҳисларини жиловлаб олган, ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, яхши-ёмонни ажрата оладиган одамнинг теран ва баркамол муҳаббати... Бу икки муҳаббат бир-бирини инкор этмайди. Ҳар иккиси мен учун – қалб мулки. Лекин сиз бағримда эмаслигингиз учунми, меҳримдан узоқроқда эканингиз учунми, бунинг устига ёнингизда юрагимнинг бир парчаси – ўғлимни вояга етказаётганингиз учунми менга ўн, юз чандон қадрлисиз... Шу боис кейинги пайтлар фақат сизнинг ҳаёлингиз билан яшаётганимни айтмасам бўлмайди.

Сизни соғинишим, тушларимда кўришим, турганда ҳам, юрганда ҳам мудом ўйлашим туфайли савдойи бўлиш даражасига етдим. Агар... Агар сиздан бир имдод бўлса, шу заҳоти ҳамма нарсадан воз кечиб, қанот боғлаб учиб боришга, остонангизда ётишга тайёр эдим. Афсуски, сиз... Майли, нима ҳам дердим. Қайда бўлсангиз ҳам, омон бўлинг. Сизни бир умр севувчи, бир умр сизга талпинувчи, бир умр кутувчи Нурбек.

PS. Элнуржонни ўпиб қўйинг. Уни қаттиқ соғинганман. Имкони топилса, бориб, кўриб келиш ниятим бор. Сизда имкон бўлса, ўзингиз олиб келинг.

Эҳтиром билан Нурбек.”

... Хоним хатни ўқиб, кўксига босганича, кейинги кунларда қадрдон бўлиб қолган саволни сал бошқачароқ тарзда унсиз такрорлади. “Энди мен нима қилай? Ёлғизлик қисматига кўниб яшайинми? Ўзинг мадад бергин менга Худойим!”

ХОТИМА

Азиз ўқувчи! Ушбу мунис муҳаббат қиссасига энг чигал, энг мураккаб ўринда нуқта қўйганимга ҳайрон бўлманг. Акс ҳолда ҳикоямиз ҳали бери тугамас эди. Не ажаб ва не ҳайратки, муҳаббат савдоси шунақа битмас савдо, тузалмас дард, туганмас дoston бўлар экан. Эҳтимол, шундай бўлгани учун ҳам Муҳаббат туйғулар ичра энг бебаҳо, энг қудратли, энг нозик ва энг... илоҳий туйғу бўлар экан. У инсон қалбини озодлик нашидасидан ва итоат суруридан баҳраманд этар экан. Тозартирар экан у юракни. Юксалтирар экан руҳни. Шу қадар юксалтирар эканки, бора-бора қалбини муҳаббатга ошно этган Илоҳини таниб, энг олий муҳаббатга эришар экан инсон...

Дарвоқе, хоним Нурбекдан хат олиб, "энди мен нима қилай" дея муножот этиб қолган лаҳзадан буён кўп сувлар оқиб, кўп йиллар ўтди. Хоним профессор бўлди, институт ректорлигига тайинланди, депутатликка сайланди. Нурбек дипломатия соҳасида яна анча йиллар ишлагач, юртга қайтиб, яна журналистлик фаолияти билан шуғуллана бошлади. Элнур ўсиб-улғайиб, дипломатия университетини битирди. Хорижга ишга кетди. Хоним ва Нурбек ўртасидаги ишқ савдоси нима билан тугади, дерсиз. Улар ўз муҳаббатларига ва ўз фикр-қарашларига содиқ қолишди.

Дарвоқе, Далер Ботиров яна кўп йиллар давом этган саргардонликдан сўнг, ахийри қайтиб келди. Авф этилди. Кичикроқ бир газетага ишга жойлашди. Ёлғиз яшайди. Биринчи хотини билан ярашишга уриниб кўрди. Уддасидан чиқолмади. Ҳартугул ўқишни битириб, банкда ишлаётган қизи ундан хабар олиб туради. Яна бир гап.

Ботиров бир гал қабристонга бориб, Ҳакимаҳоннинг қабрини зиёрат қилди. Йиғлади. "Мени унинг уволи тутди" деди теварақдагиларга эшиттириб. Лекин бунинг маъносини деярли ҳеч ким тушунмади. Ҳакимаҳоннинг

ўғиллари тижорат бобида омадлари юришган йигитлар. Яқинда улар отасининг бир пайтлар мусодара этилиб, тақдир тақозоси ила Ботировга ўтган ва сўнгга сотиб юборилган ҳовлисини икки баравар қимматга сотиб олишди. Ажабмаски, энди Ҳакимаҳоннинг руҳи тинчланган бўлса...

БИР ҲУРИЛИҚО САРГУЗАШТИ ёхуд детектив коллизиялари

Вақт жуда қимматли эканлигини тушунмаган одам йўқ. Ҳақиқатан, вақт жуда бебаҳо. Айниқса, ёш ўтган сайин унинг қиммати ва аҳамияти ҳар сония сайин билинади. Тўғрироғи, ўзини кескин билдириб туради. Шунинг учун умрим китоб устида ўтса ҳам, саргузашт-детектив романларни камроқ, саралаброқ ўқийман, ўзимча мулоҳаза юритаман. Саргузашт бўлади-ку, детектив бўлади-ку, мулоҳаза бўлмайдими?! Аммо кўнглимда саргузашт бўлса, детектив бўлса, ҳамон Эдгар По детективларидай, жилла курси, “Минг бир кеча” саргузаштларидай бўлсин деб ёзғираман. Ҳозиргилари аксаран компьютерларда, кино устига кино кўриб, мутаассир бўлиб, илмий материал асосида ясалган, қурилгандай бир хил конструкциялар...

Балки мен адашарман: аммо менга энди Достоевский, Толстой ва ҳатто Прустининг узоқ сўлишли тасвирлари кўпроқ ёқади, юрагим уларнинг сатрлари аро ҳеч тўсиқча учрамай, худди қоғоздан ясалган қайиқчадай тебрана-тебрана оқади... Ўқисанг, яна вақт кетганга яраша Сартрни ўқисанг, Жойсни ўқисанг, Чўлпонни ўқисанг...

Аммо барибир ўқишда ҳар бир ёшнинг ўз фалсафаси, ўз талаби, ўз дастури ва айниқса, ўз ёқтириш-ёқтирмасликлари бор. Буни асло инкор этиб бўлмайди.

Бу мақола ёзилмас эди ҳам балки. Лекин анча тажрибакор адиб ва журналист Ҳабиб Темировнинг асарлари, ай-

ниқса кейинги йилларда ўқувчилар қўлидан тушаётгани йўқ. У жуда фаол ижодкорлигини тўла исботлади ва охирги ўн йил орасида ёзган қисса, роман, ҳикоялари билан тилга тушди. У ўзбек адабиёти детектив саргузашт асарларини шиддат билан яратаётган, асарлари ўз ўқувчисига эга бўлган ва ҳатто, айтиш мумкинки, ўз хос ўқувчисини яратаётган Тоҳир Малик, Маҳкам Маҳмудов, Эркин Усмонов, Озод Мўмин, Нодир Нормат, Алишер Ибодинов, Зулфия Қуролбой қизи, Абдуқаюм Йўлдош, Шойим Бўта, Нуриддин Исмоилов, Саломат Вафо сингари элда таниқли ёзувчилар қаторига кирди.

Шундай ажойиб адабий ҳодисалар мавжудлигига қарамай, бу мақола ёзилмасди – бир сезиларли туртки бўлмаса. Яъни Ҳабиб Темировнинг янги “Генералнинг беваси” номли детектив-саргузашт ва психологик романи бугунги адабиёт ва ўқувчилар давраларида ўқиляпти, у ўқувчиларни баҳсга тортяпти, ранг-баранг фикрлар уйғотяпти, ҳатто Ҳабиб Темиров эротик ёзувчи дейдиган маъруф ўқувчилар пайдо бўлди. Бир адабиёт даврасида маънавияти юксак ва улуғ ҳурматга сазовор дўстимиз: “Ўзингиз айтинг, беш марта эрга теккани билан мақтанадиган ва олтинчисини севиб қолган, майли, нақадар бўлмасин гўзал ва фусункор аёлни катта бир асарнинг марказига ижобий қаҳрамон сифатида қўйиб бўладими? Ҳозирги замон ўқувчиси ундан қандай инсоний ибрат олиши керак? Мен тушунолмайман. Сира тушунолмайман. “Қутлуғ қон”, “Ўтмишдан эртақлар”ни ўқисам роҳатланаман. Аммо бу адабиётга нима бўляпти ўзи? Сиз, танқидчилар, нега ёзмай қўйдингизлар ўзи?” деб ёзғириб қолди. Мен бу суҳбатгача романни қарийб ўқиб бўлган, охирги уч-тўрт бобини ўқишим ёзнинг қаттиқ иссиқларига тўғри келган эди. Мен дарров бориб, қолган бобларни бир кечада ўқиб тугатдим.

Хаёлим “қайта қуриш” деб аталган даврга – ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларига кетди. Даврнинг ғоят шиддатли ва бениҳоя кескин ўзгаришлари, пўртана,

долғалар, курашлар, ер юзи харитасининг ўзгаришлари кўз ўнгимда жонланди. Ҳабиб ҳам янги “Генералнинг бе-васи” романида худди мана шу йиллар воқеаларини қаламга олган.

Менга бу воқеалар таниш туюлди. Эсимдан чиққан одамлар, тиллар, коллизиялар, одамларни ҳайратга солган драматизм эпкинлари ёдимга тушди. Воқеалар ҳам, уларнинг ўпқонидаги одамлар ҳам ҳаётий ва ҳаққоний эди. Мен бу ерда қасрларда яшаётган асар қаҳрамонларининг аслида ўрада яшаётгандек эканликларини, пул, бойлик, давлат, мансаб ва булар орқали обрў-эътибор орттириш йўлида ҳар қандай разилликдан, фахш ўйинларидан қайтмайдиган ўтакетган лўттибозларни кўрдим. Уларнинг тимсоли Мопассаннинг Жорж Дюруасига менгазиб кетадиган (қарангки, бу ҳам замоннинг алғов-далғовида юзага чиққан ва анча ўйинлар кўрсатган журналист йигит!) Далер Ботиров ва ўта зиддиятли, урчуқ мисоли, гўзал ҳурилиқо Мушфиқа. У жуда бадавлат, катта обрў-эътиборга эга одамларга тақдир тақозоси билан турмушга чиққан ёки бирга яшагандан сўнг Мушфиқа эмас, Мушфиқахонимга айланади.

Мушфиқа ёки Мушфиқахонимнинг шу гўзаллигида бешта эрга текканидан нафратланиб бўладими? Мен маънавиятли дўстимнинг юқорида келтирилган гапларини ўйлайман. Балки у ростданам ҳақдир: тақдир қўлида бешта эрга тегиб, олтинчисида оиламанд эркакни севиб қолиб, севги гирифторлигига учраб, ҳаёти ҳам, хаёллари ҳам, кечинмалари ҳам ўта чувалашиб кетган аёлни ижобий деб талқин этиш мумкинми? Бу саволга узил-кесил жавоб бериш осон эмас. Балки уни ҳақиқатан асло ижобий қаҳрамон деб бўлмас! Эҳтимол, уни зиддиятли қаҳрамон деб аташ жоиздир. У ҳар бир эрининг уйини беади, уларга яхши хотин бўлди, барча истак-хоҳишларини қондирди. Ўз аёллик маснадини яхши ва теран англади. Қизиқ бир гапки, унинг ўзи эмас, балки тўла ва тамомила ҳусни – бетакрор гўзаллиги тақдир ўйинлари-

да ўйинчи бўлди. Охирида оилали эркакни қаттиқ севиб, унга гирифтор бўлиб қолиши ҳам оқила аёлни балки ҳеч бир жиҳатдан оқламас. Унинг бойлик, давлат, ҳайлу ҳашам, осон, кам-қўстсиз яшаш йўлидаги ўта иродасизлигини ҳам сира оқлаб бўлмайди. Юксак маънавиятли домламиз ҳаққа ўхшайдилар! Аммо буни қарангки, гирифтор севги Мушфиқани ўзгартиради, у кўз ўнгимизда бошқача одамга айлана боради, кўз ўнгимизда у яшириниб ётган табиий инсоний салоҳиятлари, фидокорликлари, чин нафосатини ўзи бирин-сирин кашф этиб боради. У тиршиб-тирмашиб ўқийди, олима, муаллима, мураббияга айланади. Унда очилмай ётган – нима десак экан – кучли ҳиддат юзага чиқади! Ана шу катта ҳиддатнинг намоён бўлиши унинг чинакам инсоний ютуғи ва яхшиликка ўзгарган одамни яхши дейишга изн беради. Мушфиқа вазият тақозоси билан бойликнинг ўйинчоғига айланган бўлса, яна вазиятнинг тақозоси билан ўзини қўлга олди, ўзидаги соддаликни маълум даражада енгди ва жамиятга фойдаси тегадиган инсонга айланди.

Бу романнинг катта-кичик персонажларини зиддиятлар ичида яшайдиган ва атрофида ҳам зиддиятли шаброитларни вужудга келтирадиган одамлар деб тушуниш мумкин. Романнинг бошқа бир қаҳрамони Далер Ботиров ҳам айнан зиддиятлар ва айнан “қайта қуриш” даврининг характерли урчуғи. Унга ёзувчи бежиз Далер деб от қўйган эмас. Оти фамилиясига уйқаш – бир чеккаси шижоат, аммо қайсар, оми ва қўрқоқ шижоат. Унинг бутун ботирлиги, далерлиги одамларни алдашга, қаллоблик қилишга, мансаб орттиришга, бузуқчиликка қараган. Ботир Далеров ёхуд Далер Ботиров – сира фарқи йўқ. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларини ва айниқса, унинг охириги йилларини яхши эслайдиган кишилар Далерларнинг неча-неча прототипларини яхши биладилар. Улар бу ерларни булғадилар ва бу ерлардан қочдилар. Далер булғаб қочишнинг асил намоёндаси! Хорижда Далернинг пуфа-

ги дарҳол ёрилиб кетди. У шунчалар пучлиги ва ирода-сизлигини кўрсатди.

Мирзакалон Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча” романи қаҳрамони бир ўринда мингбошига ҳиддатланган кўзлар билан қаради, дейилади. Ҳиддатланиш – ғуломжоннинг мингбошига қарши туриши ва унда пайдо бўлган янги ирода кучини билдиради. Ҳиддатланиш ўта зиддиятли табиат ва феъл-атворга эга қаҳрамонларнинг характери ва ҳаракатини бошқаради. Ҳиддатланиш одамнинг жазмида номаълум бир куч-шиддат, ботирликнинг пайдо бўлиши. Ҳабиб Темиров ҳам романда зиддиятли қаҳрамонлар ва зиддиятли вазиятлар ҳақида бир қарашда соддафаҳмлик билан, маълум-машҳур сўзлар, таърифлар, тасвир, баёнлар билан ҳикоя қиларкан, шу ҳиддатланишга урғу қўяди. Бу – назаримда бойликни ҳаром-ҳариш, жиноий йўллар билан топиш ва орттириш, бошқаларни шантаж қилиш, фоҳишаллик ҳиддати. Роман воқеалари, коллизиялари, характерларнинг очилиб боришида бу монстр-ҳиддат жуда катта роль ўйнайди. Далер ҳиддатининг характерли бир жиҳатини боя айтган эдик: Далер саводсиз, аммо барча замонавий саводсизлар каби ўта қайсар. У ҳамкасбининг мақоласини ўқиб, унга депутат сифатида дашном беради: Сиз “америкалик фермер” деб ёзиб, катта хатога йўл қўйибсиз. Бу нотўғри. Тўғриси: “америкалик фирмер” деб ёзиш керак. Чунки Америкада фирмалар кўп. Фирмада ишлайдиган одам фирмер бўлади... Унга ҳамкасби Нурбек: “Сиз исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатларга ҳам қарши чиқасиз. Сиз нимагадир қарши чиқмасангиз, яшай олмайсиз” деб даkki беради. Далер эса ҳамон бўш келмайди ва: “керак бўлса, ҳақиқатни тирноқ орасидан ҳам излаб топаман” дейди. Бу аини тўғри гап. Далернинг ҳақиқатлари, охири маълум бўладики, ҳаммаси тирноқ тагидан топилган зиёнкор кирлар. Далернинг қўйиб юборган хотини унга асл баҳосини берган: “Сиз майда одамсиз”. Мана шу майда

муттаҳам, қаллобнинг майдалиги фош бўлгунча, жамият неча бор айланди, неча бор ўзгарди.

Ёзувчи “Генералнинг беваси” романида мана шу мансабпарастлик ҳиддати, ориятсизлик ҳиддати, имонсизлик ҳиддати содда, аммо ишонарли бадиий воситалар қўлаб, ҳаққоний очиб беролган.

Ёзувчи услубининг ҳаддан ташқари соддалиги, айрим ситуациялар, коллизияларда ўз асарлари ва бошқа асарларга ҳам қайта-қайта мурожаатлар қилиши, тайёр, сийқа штамплардан унумли фойдаланиши ва шунга ўхшашларга йўл қўйишини таъна қилувчилар ҳам йўқ эмас. Бу таъналарнинг эҳтимол ўз ўрни бордир. Лекин ҳар қанча таъналар ёғдирганда ҳам, Ҳабиб Темировнинг бир муҳим ва асосий хусусиятига тан бермай илож йўқ: у ҳаётни журналист сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам жуда яхши билади; кўп шоввоз авантюристлар, қаллоблар, жигарсўхталарнинг ҳаётлари, тарихлари, қилмишларини ўрганган, авантюраларнинг ёмон чувалган иллатларини ечиш, чийириш, оқибат ҳақиқатни аниқлашга корафта. Корафта адибнинг машаққатли меҳнати ва ҳиддати унинг ўқувчиларига қадрли.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби.

Ҳабиб Темиров

ГЕНЕРАЛНИНГ БЕВАСИ

Муҳаррир Гулчеҳра Азизова
Мусахҳиҳ Манзура Бахтиёр
Саҳифаловчи Барно Баҳрамова

Лицензия АИ № 168. 23.12.2009.
Босишга 12.09.2019 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108₁¹⁶.
«Cambria» гарнитураси. Офсет қоғози.
Шартли б.т. 25,0. Нашр т. 25,0. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 48.

«Tafakkur qanoti» нашриёти.
Тошкент, 1-тор, Мирсолиҳова кўчаси, 13-уй.
Фаолият юритувчи манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

«ADAD PLYUS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тум., Бунёдкор, 28.